Мавзу: Тизим, тизимли таҳлил ва тизимли ёндашувнинг мазмун-моҳияти

Режа:

1. Тизим, тизимли таҳлил ва тизимли ёндашувнинг мазмун-моҳияти.

2. Олий таълим тизими: таркиби, мақсад ва вазифалари.

3. Олий таълимда менежмент ва маркетинг асослари.

4. Педагогик жараён ва унинг тузилмавий асослари.

5. Тизимли фикрлаш.

Таянч сўз ва иборалар: *тизим, таҳлил, тизимли таҳлил, тизимли муаммо, тизимли ёндашув, тизимли фикрлаш, тизим модели, тизим вазифаси, олий таълим, менежмент, маркетинг, таълим муассасаси имиджи, бошқарув, педагогик фаолият, педагогик жараён.*

1. Тизим, тизимли таҳлил ва тизимли ёндашувнинг мазмун-моҳияти.

Президентимиз Ш.М.Мирзиеёвнинг барча нутқларида муаммога тизимли ёндашиш, танқидий таҳлил, барча соҳаларда амалга оширилаётган ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, мавжуд тизим самарадорлигини ошириш, давлат бошқаруви тизимини бугунги ва эртанги кун талабларидан келиб чиқиб сифат жиҳатидан замон талаблари даражасига кўтариш, кадрлар билан ишлашнинг бутун тизимини такомиллаштириш каби масалаларга эътибор қаратилган. Шу нуқтаи назардан замон талабларига мос кадрларни тайёрлашга масъул бўлган ҳар бир шахс, муаммога тизимли ёндашиши, педагогик ва илмий фаолиятини тизимли ташкил этиши мақсадга мувофиқ.

Тизимли таҳлил нисбатан ёш ва айни пайтда, шиддат билан ривожланаётган фан. Шиддат билан ривожланишининг сабаби таълим-тарбияга қўйилаётган талаблар кўлами илм-фанга мураккаб вазифаларни ечишга, тизимли лойиҳаларни ривожлантиришга бўлган эҳтиёжнинг ортиб бораётганлиги билан белгиланади.

Тизимли таҳлилнинг ривожи XX аср яримида илмий-техникавий вазифаларнинг вужудга келиш билан пайдо бўлди. Бунда асосий ўринни мураккаб объектларни таҳлил этиш, билиш ва амалий тадбиқ этиш жараёнлари эгаллайди.

Биринчи бор, бутун борлиқ катта ва кичик мажмуалардан иборат деган фикрни италиялик файласуф Зенон (м.авв..490-430) айтиб кетган. Унинг фикрича, бутун нарса бўлингач, кўплаб бирликларга эга бўламиз. Бу бирликларнинг ҳар бири, ўз навбатида яна бирликларга бўлинади. Бу жараён чексиз давом этаверади.

Тизимли таҳлил мустақил тадқиқот йўналиши сифатида 1950-1960 йилларда АҚШда қуролли кучларни техник жиҳатдан ривожлантириш, космосни ўзлаштириш, давлат бошқаруви аппаратини такомиллаштириш, ишлаб чиқариш қувватларини тақсимот қилиш, ишчи кучи ва ускуналарга бўлган талабни белгилаш, турли маҳсулотларга эҳтиёжларни аниқлаш каби йирик бизнес вазифаларини бажаришда қўлланилган. Аммо, 1960–1970-йилларда тизимли таҳлил методларининг ҳисоб машиналарга киритилиши мураккаб вазифаларни амалга ошириш воситалари сифатида назарий моделларни яратиш имкониятлари вужудга келди. Тизимли таҳлил имкониятларидан интенсив фойдаланиш шароити кенгайган сари мақсадли-режавий дастурий бошқарув методлари яратилди. Жумладан, у ёки бу муаммони ҳал этиш мақсадида ташкилот фаолиятини ташкил этишда инсон ва моддий ресурсларни ҳисобга олувчи махсус дастурлар ишлаб чиқилади. Натижада турли соҳалар фаолиятини тадқиқот қилишга қаратилган тизимли таҳлилнинг турли мактаблари пайдо бўлди.

Замонавий маънодаги тушунча шаклида тизимли ёндашув ривожи икки йўналишда – *назарий* ва *амалий* шаклда параллел равишда олиб борилмоқда.

Назарий йўналишда турли концепциялар изчиллик билан жиддий ўрганиладиган тизимга бирлашиб, мустақил илмий соҳа – тизим назарияси пайдо бўлади. Тизим назарияси тўғрисидаги мумтоз асарлар сирасига австриялик биолог Людвиг Фон Берталанфи (1901—1972) ва унинг издошлари асарларини киритиш мумкин. Ушбу соҳанинг энг кўзга кўринган вакиллари сифатида А.Пуанкаре, А.Багданов, А.Колмогоров, В.Арнолд, И.Пригожина, Р.Акофф, Э.Ласлони киритиш мумкин. Аниқ фанларда тизимли модел асосида мураккаб ҳодисаларни таҳлил этиш ва прогноз қилиш зарурий математик аппаратнинг, жумладан ночизиқли бошқарув ривожланиши билан чекланади. Гарчи тизим назарияси тизимли таҳлил учун илмий база бўлсада, шу соҳага оид кўплаб замонавий назарий ва амалий кашфиётлар ҳалигача бевосита амалиётда қўллаш учун мослаштирилмай, ҳаётда камдан-кам ишлатилади.

Тизим назариясининг асосий объектлари табиий ва сунъий, жонли ва жонсиз, реал ва мавҳум, уларнинг пайдо бўлиш ва ривожланиш қонуниятларидан иборат. Ушбу назария тарафдорлари нуқтаи назарича, дунёда барча нарса тизимдан иборат. Бошқача қилиб айтганда, ҳар қандай ҳодиса ва объектни бир тизим сифатида тасаввур қилиш мумкин.

Тизим назарияси иккинчи йўналиши– амалиётнинг илмий базаси ва умумий парадигмасидир. Тизимли таҳлил ўзида мураккаб муаммоларни ўрганиш ва ҳал этиш методологиясини касб этади. Бугунги кунда бу методология америкалик тадқиқотчилар ва институтлар томонидан кенг ўрганилган. АҚШда амалий тизимли таҳлил 1960 йиллардаёқ эътироф этилган эди. Бунга Американинг етакчи «фикр трест»ларидан бири RAND корпорациясининг фаолияти сабаб бўлди. RAND ушбу методологиядан фойдаланишнинг самарадорлигини ва истиқболларини аввал ҳарбий соҳада – бевосита қурол-яроғ ишлаб чиқариш тизимини яратишда, сўнгра давлат бошқарувининг ва саноатнинг бошқа соҳаларида ҳам исботлаб берди.

Ҳар қандай фаолиятда тизимли таҳлил назарий таълимот билан амалиёт ўртасидаги тафоввут муаммоларини ўрганиш ва самарали қарорлар қабул қилиш функциясини амалга оширади.

Тизимли таҳлил ўз ривожланиши жараёнида муаммоли вазиятларда раҳбарнинг афзал кўриладиган йўлни танлашига ёрдам берадиган методлар доирасига айланди ва ҳозирги вақтда фанлараро илмий йўналиш сифатида ривожланиб бормоқда.

Тизимли таҳлил, тизимли моделлаштириш ва конструкциялаш, тизимли амалиёт билан боғлиқ қарашлар Ғарб олимлари асарларида ҳам атрофлича ўрганилган. Жумладан, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, «Умумий тизимлар назарияси» асосчиси Людвиг Фон Берталанфи 1934-49 йилларда Канада ва АҚШ университетларида, кейинчалик 1949 йилдан Вена университети профессори лавозимларида фаолият олиб борган. “Дунёнинг биологик манзараси”, “Назарий биология”, “Ақл, одамлар, амаллар”, “Тизимлар назарияси” асарлари муаллифи. 1954 йилда “Умумий тизим назарияси таҳлил жамияти”га асос солади. Унинг илмий ютуғи биологияда очиқ тизим назариясини кашф этишида. Унда хужайраларининг алоҳида хусусиятлари фаолияти умумий яхлит ҳолатга келиши ва яна мустақил, аммо боғлик элементларини аниқлайди. Ёпиқ тизимлардан очиқ тизимлар фарқини белгилайди. Л.Берталанфи тизим назариясининг фанлараро умумий дастурини ишлаб чиқиш таклифини билдиради. Унинг асосий вазифаси:

- тизим функционаллигини таъминловчи аниқ туридан қатъий назар умумий тамойиллари ва қонуниятларини ишлаб чиқиш;

- ножисмоний назариянинг хусусиятларини белгилашда фойдаланиш;

- илмий билишнинг синтез методологиясини яратиш.

Бу дастур кибернетика ва синергетиканинг ривожланишига олиб келди. Кейинчалик Л.Берталанфи тизим назариясини инсоннинг тафаккури ва физиологиясини таҳлил этишда қўллашга уринади.

Синергетика атамаси 1969 йил Германиянинг Штутгарт университети профессори Герман Хакен томонидан қўлланилган бўлса-да, фақат 1977-1978 йиллардагина фан соҳаси вакиллари томонидан қабул қилинган. Унинг этимологик маъноси юнончадан συν – «биргаликда» ва ἐργος – «ҳаракат қилаётган» яъни, ўзаро мувофиқлашган ҳаракат деб аталади. Ўз моҳиятига кўра синергетика – системали структурали ва системали функционал методлараро тадқиқот усулидир. Чунки, у ўрганадиган ҳодисалар барча фан соҳаларида мавжуд. Шунинг учун ҳам синергетика билан барча фан вакиллари, хусусан, физиклар, кимёгарлар, биологлар, тарихчилар, иқтисодчилар, психолог ва педагоглар, сиёсатчилар ва бошқалар қизиқмоқдалар. Бугунги кунда мураккаб тизимларнинг ўрганиш муаммосига жавобан шаклланган синергетика бошқа махсус фанлардан фарқли ўлароқ, мураккаб тизимларнинг айрим қисмларини, қирралари, хоссаларини эмас, балки ҳар қандай фанлар ўрганаётган объектни бошқа мураккаб объектнинг қисми сифатида ўрганадиган ва бу борада муайян ютуқларга эришган янги фандир.

Тизимли таҳлилнинг энг асосий тушунчаларидан бири бу **тизим** тушунчасидир. Тизим тушунчасига жуда кўплаб таърифлар бериб ўтилган. Л. Фон Берталанфи тизимни “атроф-муҳит ва бир-бирлари билан маълум муносабатларда бўлган қисмлар комплекси” деб қарайди. Кейинчалик, тизим таърифига мақсад тушунчаси кириб келади. Масалан, Ф.Э.Темников “тизим - ташкил этилган тўплам” (яъни, қандайдир мақсадга бўйсундирилган тўплам)дир деб қарайди. Ва ниҳоят, мақсадни аниқ билдирувчи тизим: “маълум бир вақт оралиғида аниқ бир мақсад доирасида атроф-муҳитдан ажратиб олинган чекли функционал элементлар ва улар орасидаги муносабатлар тўплами” сифатида изоҳланди.

Тизим – бу элементлардан ташкил топган объект ёки объектлар йиғиндиси.

Тизим – бу ўзаро боғлиқ ва тартиблаштирилган элементлардан ташкил топган, ягона мақсад сари интилувчи объект ёки объектлар йиғиндиси.

Тизим – ҳар бири алоҳида вазифаларни бажарувчи, ягона мақсадга йўналтирилган, ўзаро боғланган, бошқарилувчи элементларнинг муайян тузилмага эга бўлган мажмуаси.

Бу таъриф мураккаб тизимларга хос таърифдир. Бизга айнан мана шу таъриф кўпроқ мос келади ва жамиятда ўрганишни талаб қиладиган объектлар айнан мураккаб тизимлардир. Мисол, институт – бу мураккаб тизимдир, чунки у ўзаро боғлиқ ва ўзаро тузилмалаштирилган элементлардан ташкил топади: ректор, проректор, факультетлар, кафедралар, талабалар ва ҳ.к. Бу элементлар ўзаро иерархик тартибда бирлашган ва ягона мақсад сари интилади.

Тизим қуйидаги **хусусиятлар**га эга бўлади:

Яхлитлилик - тизимга бир бутун жараён, ходиса ёки нарса деб қаралгандаги хусусиятлари унинг элементларга бўлинганда ўз моҳиятини йўқотиши назарда тутилади. Мисол, институт деганда биз малакали мутахассисларни тайёрловчи тизимни тушунамиз, лекин уни элементларга бўлганимизда, яъни, ректор, кафедра ва ҳ.к. ана шу тизимнинг яхлит хусусияти йўқолади.

Боғлиқлилик - тизимни ташкил этган элементларнинг ўзаро боғлиқлилик даражаси ва тизимга таъсир этувчи кучи бу тизимга кирмаган элементлардан кўра кучлироқ бўлган ҳусусият назарда тутилади. Мисол, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги юқори малакали мутахассисларни тайёрлашда бошқарув аппарати ҳисобланади ва тизимга боғлиқлик томони бор, лекин институт ичидаги жараёнларга таъсири унинг ичидаги қисмларида кучлироқ ҳисобланади.

Мақсадга йўналтирилганлик – тизим ва унинг қуйи тизимларининг ягона мақсадга йўналтирилганлиги назарда тутилади. Яъни мисолимизда институт ва уни ташкил этувчи элементлар ягона мақсадга интилади - юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш.

Тузилмавийлик - тизимни ташкил этувчи элементлар ўзаро бирор қонун қоидага мувофиқ ташкил этилганлиги тушунилади. Яъни улар ўзаро иерархик, функционал муносабатлар билан боғланган ҳолда фаолият юритади.

Натижавийлик (самарадорлик, фойдалилик) ҳусусияти тизимнинг мавжуд бўлиш шартларидан биридир. Агар тизим натижа бермаса, тизим бутунлай йўқ бўлиб кетади ёки бундай тизимнинг мавжудлиги фақатгина ортиқча сарф-харажатга олиб келади, бефойда хатти-ҳаракатлар бўлиб қолади.

Педагогикада “тизим” тушунчаси жуда кенг қўлланилади, масалан, таълим тизими, тарбия тизими, таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш шакллари ва методлари тизими ва ҳоказо. Ижтимоий тизимнинг турларидан бири ҳисобланган педагогик тизим – инсонларга ва ёш авлодга таълим ва тарбия бериш, таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқариш мақсадларига хизмат қилувчи турли структуравий ва функционал боғлиқ бўлган компонентлар мажмуидан иборат бўлади.

“Тизим” тушунчаси ўз моҳиятига кўра, иерархик жараён, чунки у тизим ҳақида тушунчаларнинг худди тизимнинг ташқи муҳит билан ўзаро ҳамкорлигини ифодалайдиган, йирикроқ тизимнинг айрим қисми, ўзининг баъзи яхлитлиги ва шахсий бўлакчалари йиғиндисини кўзлайди. Тизимнинг муҳим жиҳати воқеликнинг ички таркибий қисмларига эгалиги, ушбу қисмлар орасида поғанали буйсунишнинг юзага келиши ҳамда бу қисмларнинг нисбий мустақиллигида акс этишидир.

Шунингдек илмий адабиётларда “тизим” ва “система” иборалари синоним, айнан бир хил маъноли сўзлар тарзида қўлланади. Фалсафий қомусий луғатда: “тизим”, система (қисмлардан иборат бутун) – ўзаро муносабат ва алоқада бўлган, муайян яхлитликни ҳосил қилувчи кўп қисмлар (элементлар) мажмуи, - деб таъриф берилган. Яна шу манбада қуйидаги изоҳларни учратиш мумкин. “Система” – яхлит бир бутунлик сифатида ташкил топган объектни ифодаловчи ижтимоий-фалсафий категория. Одатда, системани энг муҳим умумий тарзида элементлар ўртасидаги ўзаро алоқалар бирлиги сифатида таърифлайдилар. “Система” тушунчаси ўз маъносига кўра “алоқа”, “элемент”, “бутун”, “бирлик”, “структура”, (элементлар

ўртасидаги алоқалар схемаси) тушунчалари билан боғлиқ. Ушбу ўринда тизимли тадқиқ этишнинг асосий вазифалари: тизим элементлари, алоқалари ва структурасини, элементлар ўртасидаги боғлиқликни ажратишдир. Тизимнинг моҳиятини методологик тушунишга кўра тизимлилик объект ва ҳодисанинг ўз ҳоссаси деб эмас, балки фаолиятнинг аниқ бир мақсадга йўналтирилиши, тафаккурни ташкил этиш сифатида таърифланади.

Тизимлар классификацияси.

Классификация критерийси	Тизимлар синфи
Ташқи муҳит билан алоқасига кўра	Очиқ Ёпиқ Аралаш
Тузилишига кўра	Содда Мураккаб Катта
Вазифаларнинг табиатига кўра	Махсус Кўп вазифали (универсал)
Ривожланиш табиатига кўра	Барқарор Ривожланаётган
Ташкиллаштирилганлик даражасига кўра	Яхши ташкиллаштирилган Яхши ташкиллаштирилмаган (диффуз)
Хулқи (хатти-ҳаракати)нинг мураккаблигига кўра	Автоматик Ўз-ўзини ташкиллаштирувчи Башорат қилувчи Шаклни ўзгартирувчи
Элементлараро алоқасига кўра	Детерминистик Стохастик
Бошқарув тузилишига кўра	Марказлаштирилган Марказлаштирилмаган
Тайинланишига кўра (мақсад)	Ишлаб чиқарувчи Бошқарувчи

	Хизмат кўрсатувчи

Тизимларни таснифлаш бир неча омилларга боғлиқ бўлади. Инсон иштирокида ташкил этилган тизимлар **сунъий** тизимлар, табиатан мавжуд бўлган тизимлар эса **табиий** тизим деб аталади.

Сунъий тизимни таҳлил қилиш тизимни ташкил этувчи барча компонентларини таҳлил қилишдан бошланади, яъни тизим қандай компонентлардан ташкил топган, унинг ички ва ташқи алоқалари қайсилар, бу тизим қайси мақсадга йўналтирилган, қаерда, қандай, нима учун фойдаланилади.

Моддий тизимлар, асосан моддий объектлар тўпламидан ташкил топади. Ўз навбатида моддий тизим анорганик (механик, химик) ва органик (биологик) тизимга ёки аралаш тизимга ажратилади. Моддий тизимлардан асосий ўринни ижтимоий тизим эгаллайди. Бундай тизимнинг хусусиятларидан бири инсонлар ўртасидаги муносабатларни акс эттиришдир.

Мавҳум тизимлар инсон онгининг маҳсули бўлиб, ҳар хил назариялар, билимлар, гипотезалардан иборат.

Ташқи муҳит билан алоқасига кўра тизимлар **ёпиқ** тизим қаттиқ мустаҳкамлаб қўйилган чегараларга эга. Унинг ҳаракатлари тизимни ўраб турган муҳитдан нисбатан мустақил. *Соат ёпиқ тизимга мисол бўла олади. Соатда унинг ўзаро боғлиқ қисмлари энергия манбайига уланиши биланоқ тўхтовсиз ва аниқ ҳаракат қилишни бошлайди. Соатда тўпланган энергия манбаи мавжуд экан унинг тизими атроф-муҳитдан мустақилдир.*

Очиқ тизим ташқи олам билан ўзаро боғлиқлиги билан изоҳланади. Энергия, ахборот, материаллар – бу тизимнинг чегараси орқали ташқи дунё билан алоқа қилиш объектларидир. Бундай тизим ўзини-ўзи таъминлай олмайди. У ташқаридан бўлган энергия, ахборот ва материалларга муҳтож. Бундан ташқари, очиқ тизим ташқи оламда юз бераётган ўзгаришларга мослашиш қобилиятига эга, акс ҳолда у ўз фаолиятини давом эттира олмайди. *Масалан сиёсий хукумат тизим сифатида очиқ бўлиши шарт.*

Педагогик фаолиятда таҳлил алоҳида ўрин тутади. “Таҳлил алоҳида илмий тайёргарликни, турли илмий услубларни мақсадли танлаш ва ўринли қўллаш, ўрганилаётган муаммо бўйича билимга эга бўлишни талаб этувчи фаолиятнинг мураккаб туридир”.

Таҳлил, мураккаб тафаккур операцияси ҳисобланиб, унинг ёрдамида предмет ва жараёнлар (ҳодисалар) аниқ ўлчов бирлигига эга бўлган усуллар воситасида яхлит тарзда ёки алоҳида қисмларини турли белги ва хусусиятлари бўйича алоқадорлик даражасини белгилаб беради.

Таҳлил тушунчаси қуйидаги таснифларга эга:

1. Нарса, ҳодиса ва шу кабиларни моҳият, қонуният ва бошқа жиҳатлардан текшириш, ўрганиш иши;

2. Бирор нарса, маълумот ва шу кабиларни маълум нуқтаи назардан ўрганиш, баҳолаш;

3. Бирор нарсанинг таркибини белгилаш ва унинг моҳиятини тадқиқ этиш.

Педагогик фаолиятни такомиллаштиришда таҳлил амалий мазмун касб этиб, таълим-тарбиянинг сифатини таъминлаш учун хизмат қилади. Юзага келган педагогик муаммонинг (масалан, педагогик низо) сабабларини аниқлаш, уни кечишининг даврийлигини билиш учун, низонинг вужудга келишига таъсир кўрсатган омилларни, бунда аввало қайси қонуниятларга (табиий ёки сунъий бўлиши мумкин) амал қилинишини билиш лозим бўлади.

Таҳлил, интеллектуал фаолиятнинг юқори босқичи ҳисобланиб, ҳодиса, жараён (жумладан педагогик жараённи), рақам ва далилларни алоқадорлик даражасини белгилаб беришда намоён бўлади. Таҳлил, фаолият шакли сифатида ривожланиб, бугунги кунда таҳлилнинг турли шакл ва усуллари вужудга келди. Негаки, ҳар қандай муаммони, шу жумладан педагогик фаолият доирасида вужудга келадиган “Х-визият”ларни конструктив кечишини таъминлаш учун таҳлил амалий аҳамият касб этади.

Таҳлилга (жумладан тизимли таҳлилга) бугунги кунда фаолиятнинг алоҳида тури сифатида қараб келинмоқда. Негаки, турли даражалардаги (тезкор, тактик ва стратегик) бошқарувда таҳлилий фаолиятнинг маҳсули бўлмиш шарҳ, маълумотнома, изоҳ, ҳисобот, хабарнома, йўриқнома, мурожаатнома кабиларга ҳаётимизнинг турли соҳаларининг равнақини таъминлаш мақсадида мурожаат этиб келинмоқда. Таҳлилий фаолият маҳсули ижтимоий тараққиётнинг ривожланиш жараёнини босқичларга ажратиб, ижобий ва салбий жиҳатларини белгилаб, бажариладиган галдаги вазифаларни аниқлаб олиш учун амалий хизмат қилади. Бунда таҳлилнинг нисбатан мукаммал тури сифатида тизимли таҳлил алоҳида ўрин тутади.

Тизимли таҳлил – бу бир қанча фанлар (математика, кибернетика, синергетика ва ҳ.к.) негизида ҳосил бўлган илм соҳаси ҳисобланади ва ўрганилаётган обектнинг тизимли масалаларини аниқлаш, уларни тасаввур этишда моделлаштиришдан фойдаланиш, шулар асосида турли алтернатив йўллар (қарорлар)ни шакллантириш ҳамда улар асосида оптимал вариантни танлашга ёрдам берувчи билимларни ўз ичига жамловчи соҳа ҳисобланади.

Тизимли таҳлил деб, мураккаб ҳисобланган ижтимоий, сиёсий, ҳарбий, иқтисодий, илмий характерга эга бўлган масалаларни ўрганиш учун қўлланиладиган таҳлилий воситалар (усуллар) ёрдамида амалга ошириладиган таҳлил турига айтилади.

Тизимли таҳлил – аниқ мақсадли илмий тадқиқот фаолиятининг тури булиб, бунда тадқиқотчи диққат-эътибори илмий билимлар ҳақида уларнинг шакли, мазмуни, шунингдек, батафсил текшириш, аниқ тушунча ва тасдиқларни илгари суриш даражасига мувофиқ мақбул тасаввурни яратишга қаратилган бўлади.

Тизимли таҳлил – мураккаб тизимларнинг шаклланиши, фаолият кўрсатиши, парчаланиш жараёнлари, қарама-қаршиликлар вужудга келиши, ривожланиши ва ҳал этилиши жараёнларининг умумий қонуниятлари, шунингдек мураккаб тизимлардаги мақсадларни синтез қилиш қонунларини ўрганади.

Тизимли таҳлил тушунчасининг турлича талқинлари мавжуд:

- муаммони ўрганишнинг комплекс шакли;

- тизимли ёндашув асосидаги таҳлил тури;

- давлат бошқарувида фойдаланиладиган услуб;

- фанлараро фан;

- тизимлар назарияси асосидаги услубият.

Умуман, **тизимли таҳлил** деганда тизимли ёндашув асосида умумдавлат ва амалий қийин муаммоларни ечишни таъминлаб берувчи услубиятлар воситасининг йиғиндиси тушунилади.

Тизимли ёндашув – умумий ва кенг тушунча бўлиб, тизим концепсияси асосида турли ҳодиса ва объектларни кўриб чиқишни ўзида қамраб олади. Тизимли ёндашув илмий тадқиқот методологиясида муҳим аҳамиятга эга. Унинг асосий вазифаси мураккаб объектлар - ҳар хил тип ва туркумга мансуб тизимларни ўрганиш ва тузиш методларини ишлаб чиқишдан иборат. Халқаро муносабатларда кўп поғонали, иерархик, ўзини ўзи уюштирувчи объектларни ўрганишда мазкур методдан кенг ва самарали фойдаланилади.

Тизимли ёндашув, бу объектни яхлит мажмуа сифатида ўрганишга асосланган методология, илмий англашни таъминловчи “йўл”дир. Тизимли ёндашув ўрганилаётган объектни ягона мақсад билан бирлаштирилган ўзаро боғлиқ тизимлар мажмуаси сифатида кўришга ҳамда унинг ички ва ташқи алоқаларининг интеграциялашган хусусиятларини очиб беришга имкон беради.

Фанда, тизимли ёндашув турли фан соҳаларининг вакиллари томонидан шакллантирилган. Тизимли ёндашув, бу ўзаро алоқадор бўлган жиҳатларни қамраб олган мажмуа бўлиб, таҳлилни амалга оширишда методология вазифасини бажара олади. Булар:

– тизимли – хоссавий (элементли), тизим нималардан таркиб топган? деган саволга жавоб топиш учун хизмат қилади;

– тизимли - структуравий, тизимни ички тузулишини, унинг таркибларини таъминлашувини белгилаш учун хизмат қилади;

– тизимли - функционал, тизим ва уни вужудга келтирувчи қандай вазифаларни бажаришини ажратиб бериш учун хизмат қилади;

– тизимли - коммуникатив, тизимнинг бошқа тизимлар билан горизонтал ва вертикал алоқадорликларни моҳиятини белгилаш учун хизмат қилади;

– тизимли - интегратив, тизимни сақланиш механизми, сақланиш омиллари ва такомиллашуви белгилаш учун хизмат қилади;

– тизимли - тарихий, “тизим қандай шаклланган?”, “ривожланиш давомида қандай босқичлардан ўтган?”, “тизимни истиқболи қандай?” деган саволларга жавоб бериш учун хизмат қилади.

Кўриниб турибдики, тизимли ёндашув, бу тизимли таҳлилни амалга ошириш йўлини белгилаб бериш учун хизмат қиладиган мажмуа ҳисобланади.

Тизимли таҳлилнинг бир қатор **функциялари** (вазифалари) мавжуд бўлиб, улар ҳақида аниқ тушунчага эга бўлиш, таҳлилий фаолиятни мазмундорлигини таъминлаш учун хизмат қилади. Уларнинг муҳимларини келтириб ўтамиз:

Тизимли таҳлилнинг бошқарувчанлик функцияси бошқарув жараёнини турли босқичларида қарор қабул қилишга тайёргарлик кўриш, қарор қабул қилиш, қарорни жорий этиш ва қарор ижросини назоратини амалга ошириш учун ахборот билан таъминлайди.

Тизимли таҳлилнинг диагностик функцияси жараённи кечиши ёки фаолият даовмида юзага келган ҳолат (вазият), яъни жорий ҳолат ҳақида объектив тасаввур(манзара)ни шакллантиради (тасвирлайди).

Тизимли таҳлилнинг огоҳлантирувчи функцияси жараённи кечиши давомида вужудга келиши мумкин бўлган эҳтимолий муаммо, турли шакл ва кўринишдаги хавф (Х визитлар) ва низолар ҳақида огоҳлик бериб, уларни баратараф этиш учун (уларга конструктив тус бериш учун) хизмат қилади.

Тизимли таҳлилнинг билиш – ментал функцияси, фаолият давомида юзага келган ҳолатнинг моҳиятини англаш учун, бошқарувни амалга оширишда қўлланилаётган усулларни, ёндашувларни, қадриятларни, бир сўз билан айтганда бошқарув менталлигини ўзгартириш учун хизмат қилади.

Таҳлил, нафақат педагогик жараённи режалаштириш ва бошқаришни амалга оширишда, балки маиший ҳаётни турли даврида ҳар бир инсон томонидан турли манфаатдорлик эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Умуман олганда тизимли таҳлил ресурслар билан чамбарчас боғликдир, чунки ҳар қандай масала ечими ресурсларни талаб қилади.

Табиат ва жамиатда ресурсларнинг қуйидаги асосий турлари мавжуд:

1. Модда – Менделеев даврий жадвалида келтирилган элементлар табиатдаги мавжуд нарса ва ҳодисаларни ташкил этувчи асосий моддалар ҳисобланади.

2. Қувват– ресурсларнинг тўла ўрганилмаган тури бўлиб ҳисобланади. Бир ҳолатдан бошқа бир ҳолатга ўтишда сарфланади ва қайтарилмайди.

3. Ахборот – ресурсларнинг бир тури бўлиб ҳисобланади. Маълум нарса, ҳодиса, жараёнларни ифодаловчи маълумот.

4. Инсон – жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий маъносини ифодаловчи асосий ресурсларидан бири бўлиб ҳисобланади, илм, интеллект ташувчи асосий жонзотдир.

5. Макон – атроф-муҳитнинг тарқалганлик даражасини ифодаловчи ресурс ҳисобланади.

6. Вақт – қайтариб бўлмайдиган ресурс ҳисобланиб, вақт ўтиши билан ҳолат ўзгаради, ҳақиқат ўзгаради.

Мана шу ресурслардан келиб чиққан ҳолда айтиш лозимки, инсон турли “майдон”ларга жойлаштирилади, масалан энергетик, информацион, ижтимоий, моддий, вақтинчалик ва ҳ.к. Масалан, эрталаб туриб университетга ўқишга келиш масаласини кўриб чиқайлик. Бу масала юқорида санаб ўтилган жиҳатларнинг барчасини қамраб олади десак муболаға бўлмайди: 1) моддий, физик жиҳат – талаба маълум бир юкни, китоб, дафтар ва ҳ.к.ни маълум масофага кўчириб ўтиши лозим; 2) энергетик жиҳат – киши маълум бир масофага юриш учун маълум миқдорда энергия сарф қилади; 3) информацион жиҳат – университетга етиб бориш учун автобус, маршрут, университетнинг жойлашуви ҳақида маълумотга эга бўлиши лозим; 4) инсоний жиҳат – масалан, автобусда бориш учун автобусни ҳайдовчи бошқариши керак; 5) ташкилий жиҳат – университетга етиб бориш учун автобус, транспорт, маршрутларнинг ташкиллаштирилганлиги; 6) макон, жой – маълум бир масофага кўчиб ўтиши; 7) вақт жиҳати – университетга бориш учун маълум вақт сарфланади, мана шу ўтган вақт мобайнида қайтариб бўлмайдиган ҳодиса ва жараёнлар содир бўлади.

Бир ресурсни муҳимлик даражасини кўтариш бошқа ресурсларнинг ҳам муҳимлигини оширади.

Масалан, кўмирнинг ёқилиши натижасида иссиқлик энергияси ишлаб чиқилади, иссиқлик энергияси эса овқат тайёрлаш учун муҳим, овқат эса инсон томонидан биологик энергия ишлаб чиқариш учун муҳим ҳисобланади, биологик энергия эса маълум маълумот, информация олиш, масала ечиш учун зарур ҳисобланади. Масала ҳақида маълумот таҳлил қилиш ва қарор қабул қилиш учун зарур бўлади. Умуман олганда, инсон шундай жараёнларнинг содир бўлишида асосий сабабчиси ҳисобланади.

Ижтимоий тараққиётни таъминлашда таҳлилий фаолиятнинг тутган ўрнини инобатга олсак, уни ижтимоий аҳамиятлилик даражаси қай даражада юқори эканлигини тушуниш қийин эмас. Негаки, айнан таҳлилий манба (диссертация, монография, илмий мақола, шарҳ, ҳисобот, маълумотнома, тақриз ва бошқа шу шаклдаги манба бўлиши мумкин) воситасида соҳа вакиллари стратегик мазмунга эга бўлган масалаларни мазмун-моҳиятини изоҳлаб, ижтимоий, иқтисодий, маданий ва сиёсий соҳалар тараққиётини таъминлашнинг асосий вазифаларини белгилаб беради.

2. Олий таълим тизими: таркиби, мақсад ва вазифалари.

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги қонунига асосан Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими қуйидагиларни ўз ичига олади (9-модда):

- давлат стандартларига мувофиқ таълим дастурларини амалга оширувчи давлат ва нодавлат таълим муассасалари;

- таълим тизимининг фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлаш учун зарур бўлган тадқиқот ишларини бажарувчи илмий-педагогик муассасалар;

- таълим соҳасидаги давлат бошқарув органлари, шунингдек уларга қарашли корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар.

Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими ягона ва узлуксиздир.

Ўзбекистон Республикасида таълим қуйидаги турларда амалга оширилади (10-модда):

мактабгача таълим;

умумий ўрта таълим;

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими;

олий таълим;

олий ўқув юртидан кейинги таълим;

кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;

мактабдан ташқари таълим.

Кейинги йилларда мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларига ҳамда халқаро стандартлар талабларига мос келадиган **олий таълим тизимини** яратиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳудудларда янги олий таълим муассасаларининг ташкил этилиши, кадрлар тайёрлашнинг замонавий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари ҳамда сиртқи ва кечки бўлимларнинг очилиши, олий таълим муассасаларига қабул квоталарининг оширилиши мазкур йўналишдаги муҳим ислоҳотлар ҳисобланади.

“Олий таълим” атамаси заминида иқтисод, фан, техника ва маданият соҳасида фаолият олиб борувчи, иш мобайнида илм-фан, маданият, техника янгиликларини қўллаган ва ўз устида ишлаган ҳолда назарий ва амалий муаммоларни бартараф этувчи юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш тушунилади.

Олий таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

олий таълимни иқтисодиётнинг тармоқ ва соҳалари учун юқори малакали кадрларни тайёрлашга қаратилганлиги;

таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги;

олий таълимни умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий ўқув юртидан кейинги таълимлар билан узлуксизлиги ва узвийлиги;

таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги;

давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиқлиги;

таълим дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув;

билимли бўлишни ва истеъдодни рағбатлантириш;

олий таълим тизимида давлат ва жамият бошқарувини уйғунлаштириш;

олий таълим, фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялаш.

Олий таълимнинг асосий мақсади ва вазифалари.

Мамлакатнинг истиқболини ҳисобга олган ҳолда замон талабларига жавоб бера оладиган малакали, рақобатбардош, юксак билимли, республиканинг илм-фан, маданият, иқтисод, ижтимоий соҳаларини ривожлантиришда ўз ҳиссасини қўшадиган, мустақил фикрлай оладиган, юксак маънавиятга эга бўлган юқори салоҳиятли мутахассисларни тайёрлаш **олий таълимнинг асосий мақсади** ҳисобланади.

Олий таълимнинг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

давлат таълим стандарти, малака талаблари, ўқув режа ва ўқув фан дастурларга мувофиқ ўқитиш сифатини таъминлаш;

ўқув жараёнини (амалиёт, стажировка) кадрлар истеъмолчиларининг таклифларини инобатга олган ҳолда ташкил этиш;олий малакали мутахассислар, шунингдек илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш;

илм-фан, маданият, техника, технологиялар, иқтисоднинг замонавий ютуқлари, мамлакатнинг иқтисоди ва маданиятининг ижтимоий истиқболини ҳисобга олган ҳолда кадрлар тайёрлаш услубларини тизимли такомиллаштириш;

ёшларда инсонпарварлик руҳиятини шакллантириш, уларнинг тарбиясига миллий ватанпарварлик ғояси асосида умуминсоний қадриятларни ҳамда Ватанга, жамиятга, оилага ва атроф-муҳитга муҳаббатни сингдириш;

ўқитишнинг интерфаол усулларини, инновацион педагогик ҳамда ахборот коммуникацион технологияларини, мустақил таълим олиш, масофавий таълим тизимини амалиётга жорий қилиш;

олий таълимда фан ва ишлаб чиқариш уйғунлиги механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётда қўллаш;

илмий-педагогик кадрлар ва таълим олувчиларнинг илмий–ижодий фаолияти, илмий тадқиқотлари ёрдамида фан, техника, технологияларни ривожлантириш, олинган натижаларни мамлакат иқтисодиётида ва таълим жараёнида қўллаш бўйича тавсиялар тайёрлаш;

давлат ва нодавлат олий таълим муассасаларини ривожлантириш асосида таълим хизматлари бозорида рақобатни юзага келтириш;

олий таълим муассасаларини бошқаришни такомиллаштириш ва мустақиллигини кенгайтириш, жамоат бошқарувини васийлик кенгашлар шаклида олиб бориш;

таълим ва кадрлар тайёрлаш сифатини таъминлаш борасида илмий, услубий тадқиқотларни олиб бориш, битирувчиларни касб йўллаш ҳамда меҳнат билан бандлиги мониторингини олиб бориш;

олий таълим соҳасида ўзаро фойдали халқаро ҳамкорлик алоқаларни ривожлантириш.

Олий таълим тизими қуйидагилардан иборат:

давлат таълим стандарти ва малака талабларига мувофиқ таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича таълим дастурларининг бажарилишини таъминлайдиган давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари;

олий таълимни норматив-ҳуқуқий ва илмий-услубий таъминоти бўйича тадқиқот ишларини олиб борувчи илмий-педагогик муассасалар;

олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари, шунингдек, уларга бўйсинувчи корхона, муассаса ва ташкилотлар.

Олий таълим икки босқичдан иборат: **бакалавриат ва магистратура**.

бакалавриат — ўрта махсус, касб-ҳунар таълими негизида олий таълим йўналишларидан бири бўйича фундаментал билимлар берадиган, ўқиш муддати тўрт йилдан кам бўлмаган таянч олий таълим;

магистратура — бакалавриат негизида ўқиш муддати камида икки йил бўлган аниқ мутахассислик бўйича олий таълим;

бакалавр, магистр — олий таълимнинг тегишли босқичига мувофиқ дастурларни муваффақиятли ўзлаштирган шахсларга бериладиган академик даражалар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сон Қарорида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тасарруфида олий таълим муассасалари мавжуд вазирлик ва идораларнинг 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб:

алоҳида таълим йўналишлари бўйича ўқиш муддати камида уч йил бўлган бакалавриат ҳамда камида бир йил бўлган магистратурани жорий этиш, бунда магистратурада мутахассислар тайёрлашни ишлаб чиқариш (амалий) (камида бир йил) ва илмий-педагогик (камида икки йил) йўналишларга ихтисослашган дастурлар асосида ташкил этиш;

олий таълим муассасалари бакалавриатига қабул қилиш квоталаридан ташқари хорижий фуқароларни суҳбат асосида тест синовларисиз ўқишга қабул қилиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилди.

Олий таълим муассасаларида бакалавр ва магистрларни тайёрлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 343-сон “Олий таълимнинг давлат таълим стандартлари. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори”га мувофиқ олиб борилади.

Олий таълим муассасаси Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификаторига мувофиқ меҳнат бозори талабларидан келиб чиқиб, бакалавриатнинг янги таълим йўналиши ва магистратуранинг янги мутахассислигини очиш бўйича таклифлар бериш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикасида олий таълим муассасаларининг қуйидаги турлари мавжуд: **университет, академия, институт** (қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ мавқе (статуси) уларга тенглаштирилган бошқа олий таълим муассасалари).

Университет:

таълимнинг бир неча йўналишларида олий ва олий ўқув юртидан кейинги таълим беради;

турли соҳалардаги мутахассисларни малакасини оширади ва қайта тайёрлайди;

фаннинг турли йўналишларида фундаментал, амалий ва инновацион илмий тадқиқотларни амалга оширади;

хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма дастурлар асосида кадрлар тайёрлашни амалга оширади;

тааллуқли илм соҳаси бўйича таянч илмий-услубий маркази ҳисобланади.

Академия:

таълим соҳасида маълум белгиланган олий ва олий ўқув юртидан кейинги таълим беришга мўлжалланган таълим дастурларини бажаради;

муайян соҳа мутахассисларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни амалга оширади;

фан, маданият ёки санъатнинг аниқ соҳаларида фундаментал, амалий ва инновацион илмий тадқиқотларни амалга оширади;

хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма дастурлар асосида кадрлар тайёрлашни амалга оширади фаолияти соҳасида етакчи илмий ва услубий марказ ҳисобланади.

Институт:

таълим ва фаннинг маълум бир соҳасида олий ва олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг айрим дастурларини амалга оширади;

маълум бир соҳада ва ҳудуддаги мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш билан шуғулланади;

хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма дастурлар асосида кадрлар тайёрлашни амалга оширади фундаментал, амалий ва инновацион илмий тадқиқот ишларини олиб боради.

3. Олий таълимда менежмент ва маркетинг асослари.

Ҳозирги вақтда менежмент жамият ҳаётининг деярли барча томонларида акс этувчи мураккаб ижтимоий-иқтисодий ҳодиса ҳисобланади.

Менежмент- инглиз тилининг Оксфорд луғатида берилган таърифга биноан - бошқарув ҳокимияти ва санъати; ресурсларни бошқариш бўйича алоҳида моҳирлик ва маъмурий кўникмалар тушунилади.

Менежмент - бу бошқарув, яъни ресурсларни, одамларни бошқариш, самарали фаолият олиб бориш ва фойда олишни билиш, уни кўпайтириш жараёнидир. Шу нуқтаи назардан бошқарув — бу ўзига хос юксак санъат ва маҳоратни талаб қилувчи танлов, шу танлов асосида қарор қабул қилиш ва унинг бажарилишини назорат қилишдир.

Менежмент – бу хўжалик юритиш самарадорлигини ошириш, бозор эҳтиёжлари ҳамда умуман жамият эҳтиёжларини қондириш, фойдани ошириш мақсадида дастурли-мақсадли бошқариш, илмий-техник ишланмаларни прогнозлаш хамда жорий ва истиқболли режалаштириш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, маҳсулот ва хизматларни сотиш тизими ҳисобланади. Менежментда икки муҳим соҳа мавжуд – маркетинг ва инновация.

Инновация – бу янги товарларни, хизматларни, технологияларни ва бошқариш жараёнларини юқорироқ сифатда ишлаб чиқишдир. Менежмент охирги натижаларга эришиш учун хамкорликдаги фаолиятни мувофиқлаштириш мақсадида алоҳида одамларга ёки жамоага тизимли таъсир кўрсатишни таъминлайди.

Менежментнинг асосий инструментлари – башоратлаш, режалаштириш, ташкил қилиш, назорат, мувофиқлаштириш, фаоллаштириш ва одамларни мотивлаштириш.

Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги қонуни “Таълим тизимини бошқариш” деб аталган IV-боб 25-27 моддаларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Таълимни бошқариш бўйича махсус ваколат берилган давлат органларининг, Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг таълим соҳасидаги ваколатлари белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълим соҳасидаги ваколатларига қуйидагилар киради (25-модда):

таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органларига раҳбарлик қилиш;

таълимни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

таълим муассасаларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартибини белгилаш;

таълим муассасаларини аккредитациядан, педагог, илмий кадрларни аттестациядан ўтказиш тартибини белгилаш;

бошқа давлатларнинг таълим муассасаларига Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида таълим фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи рухсатномалар бериш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ хорижий давлатларнинг таълим тўғрисидаги ҳужжатларини тан олиш ва ҳужжатларнинг эквивалент эканлигини қайд этиш тартибини белгилаш;

давлат таълим стандартларини тасдиқлаш;

давлат томонидан тасдиқланган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжатларни тасдиқлаш ва уларни бериш тартибини белгилаш;

давлат грантлари миқдори ва таълим муассасаларига қабул қилиш тартибини белгилаш;

давлат олий таълим муассасасининг ректорларини тайинлаш;

таълим олувчиларни аккредитация қилинган бир таълим муассасасидан бошқасига ўтказиш тартибини белгилаш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар.

Таълимни бошқариш бўйича махсус ваколат берилган давлат органларининг ҳуқуқ доирасига қуйидагилар киради(26-модда):

таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини рўёбга чиқариш;

таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва услуб масалаларида уларга раҳбарлик қилиш;

давлат таълим стандартлари, мутахассисларнинг билим савияси ва касб тайёргарлигига бўлган талаблар бажарилишини таъминлаш;

ўқитишнинг илғор шакллари ва янги педагогик технологияларни, таълимнинг техник ва ахборот воситаларини ўқув жараёнига жорий этиш;

таълим муассасаларида ҳуқуқий таълим ва тарбияга, мутахассисларнинг касбий тайёргарлиги сифатини оширишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини ҳисобга олган ҳолда таълим дастурларини мунтазам такомиллаштириш;

ўқув ва ўқув-услубият адабиётларини нашр этишни ташкил қилиш;

таълим олувчиларнинг якуний давлат аттестацияси ва давлат таълим муассасаларида экстернат тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш;

давлат олий таълим муассасасининг ректорини тайинлаш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш;

педагог ходимларни тайёрлашни, уларнинг малакасини оширишни ва қайта тайёрлашни ташкил этиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг таълим соҳасидаги ваколатлари (27-модда):

таълим муассасалари фаолиятининг минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш эҳтиёжларига мувофиқлигини таъминлайдилар;

таълим муассасаларини ташкил этадилар, қайта ташкил этадилар ва тугатадилар (республика тасарруфида бўлган муассасалар бундан мустасно), уларнинг уставларини рўйхатга оладилар;

ўз ҳудудларидаги таълим муассасаларини ваколат доирасида молиялаш миқдорларини ва имтиёзларни белгилайдилар;

таълим сифати ва даражасига, шунингдек педагог ходимларнинг касб фаолиятига бўлган давлат талабларига риоя этилишини таъминлайдилар;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширадилар.

Қонуннинг 28-моддаси “Таълим муассасасини бошқариш” деб аталади. Бунга асосан таълим муассасасини унинг раҳбари бошқаради.

Таълим муассасаларида қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолият кўрсатадиган жамоат бошқаруви органлари ташкил этилиши мумкин.

Таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органлари билан нодавлат таълим муассасалари ўртасидаги ўзаро муносабатлар Қонуннинг 29-моддасида белгилаб берилган. Яъни таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органлари нодавлат таълим муассасаларида таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилади.

Нодавлат таълим муассасалари таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган тақдирда, аккредитация қилган органлар уларнинг фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ тўхтатиб қўйишга ҳақли.

Нодавлат таълим муассасаларига қабул давлат ўқув юртлари учун белгиланган тартибда ва муддатларда амалга оширилади.

Олий таълим бошқарув органи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги ПФ-5763-сон «Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4391- сонли Қарори қабул қилинди.

Қарорга асосан қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси **Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг асосий вазифалари** этиб белгиланди:

олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими соҳасида замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлашга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва чет тилларини чуқур ўзлаштирган кадрларни тайёрлашнинг юқори даражаси ва сифатини таъминлаш;

идоравий мансублигидан қатъи назар барча олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш, ўқув-педагогик ва илмий-услубий раҳбарликни амалга ошириш, мутахассислар тайёрлаш сифати, таълим мазмуни ва даражасини давлат таълим стандартлари ва малака талабларига мослигини таъминлаш;

таълимнинг янги педагогик технологиялари ва ўқитиш услубларини жорий этишнинг халқаро амалиётга мувофиқ таълим жараёнини ташкил этиш, ўқув режалари ва фан дастурларини такомиллаштириш, ўқитишнинг замонавий шакллари ва ахборот-коммуникация технология воситаларини жорий этган ҳолда ўқув жараёнини сифат жиҳатидан янгилаш;

иқтисодиёт тармоқлари, фан ва ижтимоий соҳани ривожлантириш эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда таълим йўналишлари ва мутахассисликларини оптималлаштириш, ишлаб чиқариш ва бошқа корхоналарда талабалар амалиётини ташкил этиш;

олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг маънавий-ахлоқий мазмунини кучайтириш, ёшларни мустақиллик ғояларига садоқат, миллий қадриятларга ҳурмат, инсонпарварлик ва юксак маънавий ғоялар асосида ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ёт ғоя ва мафкураларга қарши иммунитетни мустаҳкамлаш;

олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ишларини самарали ташкил этиш, тадқиқот натижаларини амалиётга кенг жорий этиш, илмий ишланмаларни тижоратлаштириш, олий таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро мустаҳкам интеграциясини таъминлаш, илмий-тадқиқот ишларига иқтидорли ёшларни кенг жалб этиш ҳамда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

таълим муассасаларини зиммасига юкланган вазифаларни юқори профессионал даражада бажаришга қодир раҳбар ва педагог кадрлар билан таъминлаш, уларни тизимли рағбатлантириш чораларини кўриш;

олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш ва такомиллаштириш, уларнинг касбий маҳорати сифати ва даражасини мунтазам ошириб бориши учун шароитлар яратиш, хорижий давлатларда малака ошириш ва стажировка ўташни ташкил этиш;

замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали талабалар, ўқитувчилар ва ёш тадқиқотчиларнинг жаҳон таълим ресурслари, илмий адабиётлар электрон каталоги ва маълумотлар базасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;

халқаро алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, ҳамкорликдаги қўшма олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим дастурларини амалга ошириш, соҳада эришилган ютуқларни халқаро миқёсда кенг ёритиш;

иш берувчиларнинг эҳтиёжлари ва таклифлари, илғор хорижий тажриба, иқтисодиётнинг реал секторидаги таркибий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда касб-ҳунар коллежларида меҳнат бозорида талаб юқори бўлган мутахассисларни тайёрлаш учун ўқув режалари ва дастурлар ишлаб чиқилишини ташкил этиш;

ўқув ва илмий лаборатория базаларини модернизация қилиш, замонавий асбоб ускуналар билан жиҳозлаш, спорт соғломлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.

Олий таълим тизимида ҳам муаммолар мавжуд бўлиб, улар ҳали тўла ечимини топгани йўқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сон Қарорида олий таълим муассасаларида таълим сифатини оширишга, республикада амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар, ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги янгиланишларда ушбу муассасаларнинг фаол иштирокини таъминлашга тўсиқ бўлаётган бир қатор муаммолар кўрсатиб берилди, хусусан:

биринчидан, олий таълим тизимида ўқитишни ташкил этиш жараёни, таълим олаётган талабалар билимини баҳолаш тизими бугунги кун талабларига жавоб бермаяпти;

иккинчидан, профессор-ўқитувчиларнинг фаолиятини, билимини ва педагогик кўникмасини баҳолашнинг замонавий тизими мавжуд эмаслиги таълим сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда;

учинчидан, олий таълим муассасаларига кириш тест саволлари абитуриентнинг мантиқий фикрлаш қобилиятини аниқлаш имконини бермаётганлиги иқтидорли ёшларни олий таълим муассасаларига қабул қилишда муаммолар келтириб чиқармоқда;

тўртинчидан, олий таълим муассасаларидаги таълим жараёни устидан самарали жамоатчилик назоратининг ўрнатилмаганлиги ушбу соҳада кўплаб муаммоларнинг, энг аввало, коррупция ҳолатларининг сақланиб қолишига сабаб бўлмоқда;

бешинчидан, олий таълим муассасаларининг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ва тизимли ўзгаришлардаги иштироки ҳамда

ташаббускорлиги сезилмаяпти, уларнинг ушбу йўналишдаги фаолияти ҳанузгача қониқарсиз бўлиб қолмоқда;

олтинчидан, республикамизда олиб борилаётган туб ислоҳотларнинг мазмуни ва моҳиятини оммавий ахборот воситалари орқали халқимизга, кенг жамоатчиликка тушунтиришда олий таълим муассасаларининг фаол иштироки йўлга қўйилмаган;

еттинчидан, олий таълим муассасалари инновацион ва технологик ғоялар билан фикр алмашадиган мулоқот марказларига айланмаган, тегишли соҳаларда мавжуд муаммо ва камчиликларни тизимли ўрганиш, таҳлил қилиш ва уларнинг ечими бўйича таклиф киритиш борасида профессор-ўқитувчилар, ёш олимлар ва талабаларнинг ташаббус кўрсатишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилмаган.

Юқорида кўрсатилган муаммоларни ечимини топиш, ҳусусан бошқарувни оптималлаштириш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

2019 йил 11 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5763-сон Фармони қабул қилинди. Фармонга асосан Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш, соҳада давлат бошқаруви самарадорлигини янада ошириш, тизимдаги муассасаларнинг сифатли фаолият юритишини таъминлаш орқали юқори малакали мутахассислар тайёрлашни ташкил этиш мақсадида, шунингдек 2017 -2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясига мувофиқ қуйидагилар олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари этиб белгиланди:

олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими соҳасида замонавий ва мустақил фикрлайдиган, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, билимли ҳамда юқори малакали кадрлар тайёрлаш;

олий таълим муассасаларида касбий фаолият йўналишида замонавий билим ва малакага эга, ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда чет тилларини ўзлаштирган кадрлар тайёрлаш сифатини таъминлаш;

барча олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини ўқув-педагогик ва илмий-услубий, шунингдек уларда мутахассислар тайёрлаш сифати, таълим мазмуни ва даражасини давлат таълим стандартлари ҳамда малака талабларига мувофиқлигини таъминлаш;

замонавий педагогик технологиялар ва ўқитиш услубларидан кенг фойдаланиш асосида ўқув режалари ва фан дастурларини такомиллаштириш, таълим жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ҳамда ўқитишнинг илғор шакллари, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

таълимда маънавий-ахлоқий мазмунни кучайтириш, ёшларни, мустақиллик ғояларига садоқат, миллий қадриятларга ҳурмат, инсонпарварлик ва юксак маънавий ғоялар асосида ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларини ташкил этиш;

олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, уларнинг самарадорлигини ошириш, тадқиқот натижаларини амалиётга кенг жорий этиш, илмий ишланмаларни тижоратлаштириш, олий таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро мустаҳкам интеграциясини таъминлаш, илмий-тадқиқот ишларига иқтидорли ёшларни жалб қилиш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

зиммасига юкланган вазифаларни самарали ва юқори профессионал даражада бажаришга қодир раҳбар ва педагог кадрларни танлаш ҳамда олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини бундай мутахассислар билан таъминлаш, тизимли рағбатлантириш ишларини олиб бориш;

раҳбар ва педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш, такомиллаштириб бориш, уларнинг касбий маҳорати сифати ва даражасини ошириш учун шароитлар яратиш, жумладан хорижий давлатларда малака ошириш ва стажировка ўташни ташкил этиш, ўқув жараёнларига хорижлик олимлар, ўқитувчилар ва юқори малакали мутахассисларни жалб қилиш;

талабалар, ўқитувчилар ва ёш тадқиқотчиларнинг жаҳон таълим ресурслари, илмий адабиётлар электрон каталоги ва маълумотлар базасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;

илғор халқаро тажрибалар асосида таълим тизимини такомиллаштириш, халқаро алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, ҳамкорликдаги қўшма олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими дастурларини амалга ошириш, таълим соҳасида эришилган ютуқларни халқаро миқёсда кенг ёритиш;

иш берувчиларнинг эҳтиёжлари ва таклифларидан ҳамда хорижий тажрибадан келиб чиқиб, шунингдек иқтисодиётнинг реал секторидаги таркибий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда касб-ҳунар коллежларида меҳнат бозорида талаб этиладиган мутахассисларни тайёрлаш учун ўқув режалари ва дастурлар ишлаб чиқилишини ташкил этиш.

Олий таълимда маркетинг. Бозор муносабатларига ўтилиши, бюджетдан молиялаштиришнинг етарли эмаслиги олий ўқув юртларини бюджетдан ташқари маблағларни қидириш билан шуғулланишга мажбур этади. Олий ўқув юртида тижорат фаолияти қуйидаги асосий шаклларга эга бўлиши мумкин: ишлаб чиқариш, лойиҳалаш, илмий ва ўқув фаолияти. Уларни ривожлантириш ва техник жиҳатдан қўшимча жиҳозлаш олий ўқув юртининг бухгалтерия ҳисоби ва хўжалик тизимларини янгилаш ва такомиллаштиришни талаб этади.

Пулли таълим хизматлари ҳам давлат олий ўқув юртларига бюджетдан ташқари қўшимча даромадлар келтиради.

Олий ўқув юртида тижорат фаолиятининг ривожланиши унинг етарли миқдордаги ресурслари (илмий-педагогик кадрлар ва моддий-техника базаси), шунингдек кўрсатилаётган хизматларга аҳолининг тўловга қобилиятли талаби билан қувватланиши лозим.

Олий ўқув юрти ва ўқув-илмий, ишлаб чиқариш тижорат тузилмалари ўртасида қўшимча маблағларни жалб қилишга доир ўзаро муносабатлар ҳамда ҳисоб-китоблар тартиби махсус низомлар ёки шартномалар билан белгиланади.

Бюджетдан ташқари асосий ўқув ва илмий фаолиятига чет эллик талабаларни пулли асосда ва шартнома асосида ўқитиш, қўшимча пулли таълим хизматлари кўрсатиш, хўжалик шартномаларига мувофиқ илмий фаолият билан шуғулланишни киритиш мумкин.

Таълим муассасалари ўз уставида назарда тутилган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари мумкин:

- таълим муассасасининг асосий фондлари ва мол-мулкини реализация қилиш ва ижарага бериш;
- товарлар, асбоб-ускуналар билан савдо қилиш;
- воситачилик хизматлари кўрсатиш;
- бошқа (шу жумладан таълим) муассасалар ва ташкилотлар фаолиятида ўз улуши билан иштирок этиш;
- акциялар, облигациялар, қимматли қоғозлар харид қилиш ва уларга даромадлар (дивидендлар, фоизлар) олиш;
- даромад келтирувчи бошқа хил операцияларни амалга ошириш.

Ҳозирги вақтда жаҳонда кенг тарқалган “**маркетинг**” тушунчаси бозорни эгаллаш билан боғлиқ фаолиятни англатади.

Кўпчилик маркетингни товарларни сотиш билан боғлайди. Аммо сотиш тизимининг вазифаси харидорни ишлаб чиқарилган маҳсулотни харид қилиш лозимлигига ишонтиришдан иборат бўлса, маркетинг фаолияти истеъмолчига нафақат бугун, балки эртага ҳам керак бўлган товарларни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳамда хизматларни кўрсатишни назарда тутади.

Маркетинг – бозор муаммоларини ечишга нисбатан комплекс ёндашув. У товар ҳаракатининг барча босқичларини – эҳтиёжларни ва товарга бўлган талабни ўрганиш, ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш дастурларини ишлаб чиқишдан сотувдан кейинги хизмат кўрсатишни ташкил этиш ва янги товарларга бўлган эҳтиёжларни шакллантиришга қадар қамраб олади.

Маркетингнинг бош қоидаси – истеъмолчига амалда зарур бўлган маҳсулотни ишлаб чиқариш, унга ўз эҳтиёжларини аниқлашга ёрдам бериш, истеъмолчини тўлақонли қондирадиган маҳсулот ва хизматларга талабни шакллантириш.

Маркетинг – бозор фаолиятини пухта ўйлаб ташкил этиш. У қуйидаги асосий йўналишларни ўз ичига олади:

- эҳтиёжлар ва талабни таҳлил қилиш, ўрганиш ва прогноз қилиш;
- бозорда ўз ўрнини топиш, сотувларнинг эҳтимол тутилган даражасини аниқлаш;
- товарни ишлаб чиқиш ва уни ишлаб чиқаришни ташкил этиш;
- нархни белгилаш;
- реклама;
- сотувни ташкиллаштириш ва рағбатлантириш.

Маркетинг ёндашуви асосида бозорни самарали бошқариш кам харажат билан кўп даромад олишни таъминлашга қаратилган ахборот йиғиш, бозор тадқиқотларини ўтказиш, рекламани ташкил этиш, сотув операцияларини амалга ошириш ва хизматлар кўрсатишни англатади.

Маркетинг-микс (4P сиёсати) – маркетологларга маркетинг мажмуасини ишлаб чиқишга ёрдам берувчи машҳур схема. У маркетинг дастури билан қамраб олиниши лозим бўлган тўрт соҳани кўрсатади:

- **Product** – эътиборни тортиш, харид қилиш, фойдаланиш ёки истеъмол қилиш учун бозорга таклиф қилиниши, бирон-бир эҳтиёжни қондириши мумкин бўлган ҳар қандай нарса. Жисмоний объект, хизмат, шахс, жой, ташкилот ёки ғоя бўлиши мумкин.
- **Price** – мижоз маҳсулот ёки хизматни қўлга киритиш ёки ундан фойдаланиш устунликларига алмаштирувчи пуллар ёки бошқа бойликлар миқдори.
- **Promotion** – муайян тоифадаги мижозларга махсулот ёки хизмат, унинг афзалликлари ҳақида хабар берувчи ва харид қилишга оғдирувчи ҳаракатлар.
- **Place** – корхонанинг маҳсулот ёки хизматни муайян тоифадаги мижозлар учун очиқ қилишга қаратилган барча ҳаракатлари.

Ўқув юртида маркетинг ва PR. Умуман олганда маркетинг – бу ташкилот мақсадларига эришиш учун истеъмолчиларнинг талаблари ҳақидаги ахборотга асосан товарлар ишлаб чиқариш ва сотиш ҳамда хизматлар кўрсатишни тартибга солувчи фаолият.

Турли мамлакатларда маркетинг концепцияси ўз хусусиятларига эга. Масалан, АҚШда асосий вазифа –потенциал харидорни кўндириш ва ишонтириш. Японияда маркетинг концепцияси истеъмолчининг истакларини қондиришга қаратилади. Америкача шиор – “Сотувчилар гапирсин”, японча шиор – “Товарлар ва хизматлар ўзи учун гапирсин”.

Маркетинг товарлар ва хизматлар билангина чекланмайди. Одамлар ҳам маркетинг объектлари бўлиши мумкин. Айни ҳолда олий ўқув юртларининг битирувчилари маркетинг объектлари ҳисобланади.

Олий ўқув юрти маркетинги ўзига хос хусусиятларга эга. Таълим хизматлари бозори олий ўқув юртларидан тегишли бозорга оид хулқ-атворни талаб этди. Бу хулқ-атвор олий ўқув юрти ўз таълим маҳсуллари ва хизматлари рекламасини фаоллаштиришидан бошланади.

Маркетинг соҳасидаги ютуқ ва камчиликлар таҳлили ўқув ва кўникмаларни икки таркибий қисмга ажратиш мумкинлигини кўрсатади:

- ўз товарини профессионал билиш;
- харидор психологиясини билиш.

Таълим менежментида реклама психологик имкониятларининг таҳлили. Реклама (лотинча - қичқирмоқ) бу бирор корхона, маҳсулот, хизмат тури, ижтимоий фаолиятнинг бирор турини оммалаштириш мақсадида қилинган ишдир. Шу мақсадда реклама ўша корхона ёки ижтимоий фаолиятининг бирор-бир маҳсулотига ёки хизмат турига кенг жамоатчиликнинг эътиборини жалб этади. Яхши ташкил этилган реклама бозор талабини олдиндан кўра билиш ва бозор шароитидан харидорлар оқимини бошқара олиш имконини беради.

Рекламанинг асосий вазифаси - махсус ахборотлардан фойдаланиб маҳсулот, хизмат турлари ва уларнинг харид қилиш жойи ҳақида ахборот беришдир.

Лекин рекламанинг вазифаси фақат бу билан чегараланиб қолмайди. Унинг ўзига хослиги шундаки, реклама ахборотни тарғибот ва ташвиқот билан бирга олиб боради. Шундай қилиб, фаол реклама ахборот берувчи ва айни вақтда ишонтирувчи, маълум мақсадга йўналтирувчи бўлиши лозим. Шу турдаги реклама талабни маълум йўналишга солади, уни бир турдаги хизмат ва маҳсулотдан бошқасига кўчиради, талабларни очади ва харидорнинг ниятларига таъсир қилади. Реклама ишлаб чиқарувчи, савдо ва харидор ўртасида тижорат ахборот алмашишига имкон беради.

Таълим хизматлари рекламасида баъзан информативлик эмоционалликдан устун келади, мақбул жамоатчилик фикрини яратиш вазифалари эса амалда ечилмайди. Айни ҳол реклама далилларини тузиш билан бу ерда интеллект ва заковатни эмоциялардан устун қўйишга одатланган одамлар шуғулланиши билан изоҳланса керак. Аммо улар таълим хизматлари рекламаси адресатларининг кўпчилиги, айниқса ёшлар учун эмоциялар сермазмун ахборотдан кам аҳамиятга эга эмаслигини ёдда тутишлари керак.

Замонавий реклама аллақачон глобал даражага чиққан, унинг кўпгина манбалари (энг аввало электрон ахборот воситалари) эса миллий чегара билмайди.

Бу реклама хабарлари сифатига қўйиладиган талабларни янада кучайтирган. Реклама сифатининг пастлиги ҳавога совурилган пуллардан бошқа нарса эмаслиги, боз устига, улар салбий самара беришига кўпгина реклама берувчилар амалда ишонч ҳосил қилганлар.

Сифатсиз рекламанинг салбий самараси таълим хизматлари бозорида айниқса бўртиб намоён бўлади. Хато ва камчиликлар билан берилган реклама эълони реклама берувчининг билим ва маданият савияси пастлигидан далолат беради ва таълим хизматларини харид қилишдан воз кечиш учун жиддий омил ҳисобланади.

Реклама матнини тузиш, иллюстрацияларни тайёрлаш ва умумий макет устида ишлаш – ижодий ёндашувни талаб этувчи ҳар хил фаолият турлари.

Олий ўқув юрти рекламасини жойлаштириш медиарежага мувофиқ амалга оширилади. Реклама бўйича менежер яхши самара бериши мумкин бўлган оммавий ахборот воситаларини танлайди.

Маркетингда имидж (image – образ, кўзгудаги акс) деганда ташкилот, унинг маҳсулот ва хизматлари образи, обрўси, улар ҳақида истеъмолчилар фикри тушунилади. Имидж турли объектлар: инсон, товар, ташкилот, давлатга хос бўлиши мумкин. Имиджни шакллантириш изчил амалга оширилиши мумкин. Бу ҳолда имидж бўйича мутахассислар (имиджмейкерлар) керакли сифатларни атайлаб кучайтирадилар ва номақбул сифатларни сусайтирадилар. Имидж уч даража: ташқи қиёфа, руҳий хоссалар ва ижтимоий хусусиятлар кўрсаткичларини ўз ичига олади.

Таълим муассасаси имиджи – ўқув юртининг муайян ижтимоий гуруҳлар вакилларига психологик таъсир кўрсатувчи образи. Изчил яратилган имидж ўқув юртининг хусусияти ва фаолият мақсадларига қараб тузиладиган тизимни ташкил этади.

Мазкур тизим элементлари қаторига ўқув юртининг машҳурлиги ва обрўсини, инновацион имкониятларини, таълим дастурларининг нуфузини, олий ўқув юртининг реклама сиёсатини, хорижий алоқаларнинг ривожланиш даражасини, молиявий таъминланганликни, рақобатбардошлик даражасини киритиш мумкин. Ҳар бир элемент ўз мезонлари ва кўрсаткичларига эга.

Маркетинг дастурларини ишлаб чиқишда мақсадли ёндашиш услубига асосан корхона (таълим муассасаси) мўлжалланган мақсадига эришиш ва уни бажарилишини назорат қилиш ресурслари ва тадбирлари тизими шакллантирилади.

Маркетинг дастури (бизнес режаси) таркиби қуйидагичадир:

1. Корхонанинг имкониятлари таҳлили (ҳолатли таҳлил).

Фаолияти, шарт-шароитлари ресурслари, самарали натижага эришиш йўналишлари. Корхонанинг ички ва ташки мухитларини солиштириш.

2. Ривожланиш мақсадларини аниқлаш.(Маркетинг синтези).

Ишлаб чиқариш ва ижтимоий ривожланишнинг устувор мақсадлари ва бозорда фойдага эришиш йўлларини аниқлаш.

3. Стратегияни ишлаб чиқиш.

Корхонанинг моддий, мехнат ва молия ресурсларидан самарали фойдаланишни кўзлаган узоқ муддатли мақсадни аниқлаш (бозор сеументларини, маркетинг воситасини, бозорга кириш вақтини ва бошқаларни танлаш).

4. Бизнес-режани ишлаб чиқиш.

Ишлаб чиқариш, молия, баҳо, кадрлар, реклама, сотиш ва бошқаларни амалга ошириш харажатлари ва натижаларини режалаштириш тизими.

5. Назорат қилиш.

Стратегик назорат (танланган тамойилни аниқ бозор ҳолатига тўғри келиш). Йиллик назорат (режадаги тадбирлар ва харажатларнинг бажарилиши), фойда олиш даражаси назорати.

4. Педагогик жараён ва унинг тузилмавий асослари.

Педагогик жараён – бу шахслараро муносабатларда, бевосита ва билвосита таъсир кўрсатиш жараёнида (тарбиявий муносабатлар) инсонларнинг шахсий сифатларининг шаклланиши ва ривожланишига, хатти-ҳаракати ва дунёқарашини ўзгаришига, тажрибасининг бойиши, билим, кўникма ва малакаларининг шаклланиши ва ривожланишига хизмат қиладиган омиллар мавжмуини ташкил қилувчи таълимий муҳит деб айтишимиз мумкин.

Педагогик жараён иштирокчилари томонидан кўзланган мақсадлар йўналишида эришилган натижалар мазкур жараённинг самарадорлигини ифодалайди ва у педагогик жараён субъектлари (мазкур жараён иштирокчилари) дунёқарашининг ўзгариши, тафаккурининг ривожланиши, билим, кўникма ва малакаларининг шаклланиши ва ривожланишида ўз ифодасини топади. Педагогик жараён самарадорлиги кўп жиҳатдан унинг қуйидаги ўзига хос жиҳатларини инобатга олиш заруриятини белгилайди:

- педагогик жараён самарадорлиги ўзаро боғлиқ ва алоқадор бўлган таълим-тарбиявий жараёнларнинг натижавийлигини ифодалаши;

- педагогик жараённинг ўзаро боғлиқ ва алоқадор бўлган барча ташкил этувчи қисмлари бир бутун, яхлит динамик ташкилий тузулишга эга эканлиги;

- педагогик жараён динамикаси процессуал хусусиятларга эга эканлиги;

- педагогик жараённи ташкил этишда икки томонлама ҳаракат, яъни тўғри ва тескари жараён мавжудлиги;

- педагогик жараён компонентларининг ўзгариши педагогик тизим самарадорлигига таъсир кўрсатиши.

Таълим муассасаларида педагогик жараёнлар икки кичик тизим доирасида, яъни дарсда ва дарсдан ташқари фаолият жараёнларида амалга оширилади. Бу жараёнларни ҳамда ўзаро боғлиқ бўлган ташкил этувчи қисмларнинг ички табиатига хос бўлган жараёнларни ўз ичига олган ҳамкорликдаги фаолиятлар, шунингдек, ички шароит ва имкониятлар педагогик тизимни ташкил этади, бунда тизимнинг субъекти ҳисобланган педагоглар, ўқувчи-талабалар, ота-оналар ва раҳбарларнинг фаолияти муҳим аҳамият касб этади.

Педагогик тизим таълим муассасасининг мақсади, вазифаси, таълим муассасаси томонидан танланган модел, стратегиялари орқали тавсифланади. Яъни ижтимоий тизим турларидан бири ҳисобланган педагогик тизим – ёш авлодга таълим ва тарбия бериш, педагогик жараёнларни ташкил этиш мақсадларига хизмат қилувчи турли структуравий ва функционал боғлиқ бўлган компонентлар мажмуидан иборатдир.

Педагогик тизим белгиланган мақсад йўналишида, субъектлар фаолиятини мувофиқлаштириш, раҳбарлар ва педагог ходимларнинг функционал вазифаларини амалга ошириш ва бошқаришда ташқи муҳит билан ўзаро таъсир кўрсатувчи, алоҳида хусусиятларга эга бўлган ўзаро боғлиқ қисмларнинг яхлит ҳолда вужудга келишидир.

Таълим муассасаларида ташкил этиладиган педагогик жараёнлар, яъни маъруза, семинар, амалий машғулот, тўгарак машғулотлари, экскурсия, давра суҳбати, учрашувлар, фанлар бўйича ташкил этиладиган мусобақа ва танловлар, санъат фестиваллари, конференция, ва бошқа турли йўналишлардаги тадбирлар, мустақил таълим, ўзини-ўзи тарбия, мустақил маълумот, мустақил ишлар, курс ишлари, битирув малакавий ишлар, тарбиявий муносабатлар жараёни (инсон-инсон, инсон-техника-инсон, инсон-китоб-инсон, инсон-табиат-инсон, инсон-санъат-инсон муносабатлари), ҳамда педагогик тажриба-синов ва педагогик амалиёт жараёнлари мажмуи ҳамда уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлиги педагогик тизимни ташкил этади.

Педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришда уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлигини инобатга олиш, яъни уларнинг ҳар бирининг самарадорлиги иккинчи бир жараён самарадорлигига таъсир кўрсатишига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Яъни педагогик жараённинг асосий компонентларидан бири ҳисобланган маъруза машғулоти самарадорлиги семинар машғулотлари натижавийлигига ўз таъсирини кўрсатиши ёки мустақил таълим учун асос сифатида хизмат қилиши, шунингдек, педагогик тажриба-синов жараёни ёки талабалар (олий ўқув юртлари ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари талабалари) учун ташкил этиладиган педагогик амалиёт жараёнлари самарадорлиги келажак авлод таълим-тарбиясига ўз таъсирини кўрсатишини инобатга олиш зарур.

Мазкур заруриятлар таълим муассасаларида ташкил этиладиган педагогик жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлигини ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганишни тақозо этади.

Педагогик жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари. Таълим муассасаларида ташкил этиладиган педагогик жараёнларда ўқувчи-талабаларни кўпроқ эркин ва мустақил фикрлашга ўргатиш, мазкур жараёнда шахсга йўналтирилган таълим жараёнини ташкил этиш, шунингдек, уларнинг мустақил таълим олишлари учун шарт-шароитлар яратиш, уларнинг бошланғич тушунчаларини ўрганиш асосида тушунчаларининг илмийлиги, янгилиги ва ишончлилигини таҳлил қилиш, энг янги ва ишончли ахборотлар билан таъминлаш, педагогик жараёнларда ахборотлар алмашинувига алоҳида эътибор қаратиш ўзига хос аҳамият касб этади.

Таълим муассасаларида педагогик жараёнларни ташкил этишда қуйидаги омилларга эътибор қаратиш зарур:

- педагогик жараёнлар самарадорлиги ўқувчи-талабалар фаоллиги ва мустақил фаолиятига боғлиқлиги;

- ўқувчи-талаба шахсининг ривожланишига турли даражада таъсир кўрсатувчи тарбиявий муносабатларнинг мавжудлиги;

- педагогик жараёнлар компонетларининг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлиги;

- педагогик жараёнларда қайта алоқанинг ўзига хос аҳамияти ва зарурияти;

- педагогик жараённинг процессуал томони, яъни тўғри ва тескари жараёнларнинг мавжудлиги;

- ўқувчи-талабаларда таълим олишга бўлган қизиқиш, яъни уларда ўқув мотивларини шакллантириш зарурияти;

- ўқувчи-талабаларда ижобий мотивлар шакллантиришнинг самарадорлиги педагогик жараёнларнинг натижавийлигини ифодалаши;

- педагогик жараёнларни самарадорлигининг мотивлаштиришга боғлиқлиги;

- педагогик жараёнларда ахборотларнинг янгилиги ва ишончлилиги.

Педагогик жараёнларни ташкил этишда алоҳида эътибор қаратилиши зарур бўлган омиллардан бири ўқувчи-талабалар фаоллигини таъминлаш ва мустақил фаолиятини ташкил этиш бўлиб, педагогик жараёнлар самарадорлиги нафақат таълим-тарбия жараёнини илмий асосда ташкил этишга, балки мустақил таълимни

йўлга қўйиш, ўқувчи-талабаларда ўзини-ўзи тарбиялаш кўникмаларини шакллантириш, шунингдек, рефлексив таълимий муҳитни ҳамда ўзаро таъсир жараёнини ташкил этишга боғлиқ бўлади.

Педагогик жараёнларни лойиҳалаштириш ва ташкил этишда дарс ва дарсдан ташқари ташкил этиладиган тадбирлар, мустақил таълим, тарбиявий муносабатлар жараёнлари ҳамда педагогик амалиёт ва педагогик тажриба-синов жараёнларининг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлигини таъминлаш ўқувчи-талабалар учун ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнлари натижавийлиги ҳисобланган педагогик жараёнлар самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади (1-расм).

2-расм. Таълим муассасаларида ташкил этиладиган педагогик жараёнлар лойиҳаси

Мазкур лойиҳада келтирилган педагогик жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлигини таъминлаш мазкур жараёнларни ташкил этишга тизимли ёндашувни татбиқ этиш заруриятини белгилайди.

Тизимли ёндашувда дарс ва дарсдан ташқари ташкил этиладиган тадбирлар, мустақил таълим, тарбиявий муносабатлар жараёнлари ҳамда педагогик амалиёт ва педагогик тажриба-синов жараёнлари тизимнинг компонентлари ҳисобланади. Тизимни ташкил этувчи компонентларнинг ўзаро алоқадорлиги ва боғлиқлиги уларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири бўлиб, ихтиёрий компонентнинг ўзгариши бутун бир яхлит тизимнинг ўзгаришига ўз таъсирини кўрсатади.

«Педагогик тизим» тушунчаси, "педагогик жараён", "педагогик технология" тушуналари билан боғлиқ уйғунликда ташкил этилиши тизимнинг алоқаси, муносабати, объектнинг структураси ва ташкил этилишини талаб қилади. Чунончи, “педагогик жараён” тадқиқот объектида нима бўлаётганлигини аниқласа, “педагогик технология” у қандай амалга ошаётганлигини белгилайди. Натижа педагогик тизимнинг вужудга келишини яратади. Педагогик тизим муаммоси

шундан иборатки, бу нафақат педагогик объектларни ўрганиш ёки белгилаш, балки, педагогиканинг методологик ва назарий муаммоларини ҳал этишга қаратилади.

Педагогик тизим “педагогик фанлар тизими” тушунасидан фарқлаш лозим. Зеро, уларнинг ҳар бирининг тизимли ёндашуви мавжуд. Педагогик фанлар тизими – бу турли педагогик соҳаларнинг йиғиндиси. Улар бир-бирлари билан боғлиқ бўлган ягона тизимни ташкил этади. Зеро, алоҳида ва ўзига хос хусусият, функцияларга эга ҳисобланади. Педагогик тизим, бу ягона маърифий мақсад сари, аниқроғи шахснинг камолотини таъминлаш учун ўзаро алоқадор бўлган, бир бирини тўлдирувчи, такомиллаштирувчи, сон ёки сифат кўрсаткичи бўйича бир хосса ўзгарса, албатта, иккинчи хосса ҳам ўзгарадиган, турли тузилмавий таркиблардан (яъни: педагогик фаолият, педагогик жараён, педагогик ҳамкорлик, педагогик мавжудликдан (реал амалиёт, таълимий манбалар ва б.) иборат бўлган мажмуадир (яхлитликдир).

Педагогик жараёнларни ўзаро боғлиқ ҳолда яхлит тизим деб ҳисобласак, уларни ташкил этиш ва бошқариш ҳам тизимли хусусиятга эга бўлиши керак. Педагогик жараёнларнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилишга тизимли ёндашувнинг мазмун ва моҳиятини қуйидаги тамойиллар асосида кўрсатишимиз мумкин:

- педагогик жараён иштирокчилари ҳисобланган профессор-ўқитувчилар ва ўқувчи-талабалар мазкур жараён субъектлари сифатида фаолият кўрсатиши, яъни педагогик жараёнларда субъект-субъект муносабатларининг қарор топиши;

- педагогик жараён субъектлари фаолиятининг мақсадга йўналтирилганлиги, изчиллиги ва ўзаро боғлиқлиги;

- мажмуавийлилик – педагогик жараёнлар ўзаро боғлиқ ва алоқадор бўлган компонентлар мажмуи эканлиги;

- интегративлик – ҳаракатланиш ва ривожланишга хизмат қилувчи ички ва ташқи омилларнинг ўзаро бирлиги;

- ўзаро боғлиқлик – педагогик жараёнлар алоҳида бир тизим сифатида ва юқори тартибли яхлит педагогик тизимнинг ташкил этувчи компоненти сифатида мавжудлиги;

- коммуникативлик – педагогик тизимнинг ташқи муҳит ва бошқа тизимлар билан ўзаро таъсир этиш хусусиятларига эга эканлиги.

Педагогик жараёнлар самарадорлиги, яъни таълим-тарбия жараёнлари натижавийлиги субъектларнинг шахсий ривожланиши ва тайёргарлигининг давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқлик даражасини белгилайди.

Таълим муассасаси фаолиятида вужудга келаётган педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш йўналишидаги муаммоларнинг кўпқирралилиги ва мураккаблиги, нафақат педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришни сифат

жиҳатдан ўзгартиришни назарда тутади, балки унинг мазмунини такомиллаштириш заруриятини ҳам белгилайди.

5. Тизимли фикрлаш.

Ахборот коммуникация технологиялари жадал сифатлар билан ривожланиб, инсон хаёти ва меҳнат фаолиятининг барча жабҳаларига кириб бораётган бир пайтда, шунингдек республикамизда фаолият кўрсатаётган таълим тизими модернизация қилинаётган шу кунларда, педагоглардан фақатгина керакли педагогик билим ва кўникмаларга эга бўлишлари камлик қилади. Барчамизга маълум, замонавий педагог бугун катта хажмдаги маълумотларни таҳлил қила олиши, ўзининг педагогик қарорларини асослаб бера олиши, ўз тажриба ва билимларига асосланган ҳолда тизимли фикрлаш ва ниҳоят тизимли прогнозлаштириш қобилиятига эга бўлиши лозим.

Бугунги кунда педагогик фаолиятда тизимли фикрлаш оддий билим ва айрим профессионал сифатларга эга бўлишдан юқори туради. XXI асрга келиб жамиятимизнинг турли соҳаларида, шулар қатори педагогика соҳасида вужудга келаётган муаммоларни ҳал қилишда тизимли ёндашиш ва тизимли фикрлашни билишни ҳаётнинг ўзи тақазо қилмоқда.

Ҳозирги замон таълим тизимининг бош мақсадларидан бири юқори маданиятли, тизимли фикрлай оладиган, олдинда учраши мумкин бўлган мураккаб муаммоларни еча биладиган, комил инсонни тарбиялаш тизимини яратишдир. XXI аср педагоги - нафақат ўқитувчи, тарбиячи, авалом бор у – юқори даражада тизимли фикрловчи ва изланувчи педагогдир.

Ваҳоланки шу кунгача республикамизда тизимли таҳлил қилишни биладиган, тизимли фикрлаш қобилиятига эга мутахассислар тайёрлаш муаммоси етарли даражада ҳал бўлгани йуқ. Бунга сабаб кўпчилик профессор-ўқитувчиларимизнинг ўзида тизимли ёндашув ва тизимли фикрлаш етарли даражада эмаслиги, бу билимларнинг ишлатилмаслиги. Бу эса, бизнинг фикримизча уларда: педагогик назария буйича билимларнинг саёзлигидан;

ўз билим ва кўникмаларини долзарблаштириш, уларни мажмуавий ишлатишни билмасликларидан;

инсон хақида объект ва предмет сифатида тизимли билимларнинг етишмаслигидандир.

Юқорида келтирилган фикрлар, биздан тизимли таҳлил асосларини замонавий таҳлил усуллари сифатида қўллашни ўрганишимизни талаб қилади.

Англаб етишнинг ўзига хослиги – фикрлашнинг аналитик ва синтетик кўринишларидан фойдаланишдир, яъни бир бутунни қисмларга бўлиш ва мураккабликни нисбатан содда бўлган таркибий қисмлар кўринишида намоён қилиш ва аксинча содда бўлганларни бирлаштирган ҳолда мураккабликни ташкил этиш.

Бу каби ўзига ҳослик ҳам алоҳида фикрлаш даражасида ҳам англашнинг ва фикрлашнинг оммавий даражасида кузатилади. Инсон билимининг таҳлилий асосда шаклланиши турли фанларнинг мавжудлиги, фанларни дифференциацияси, ҳар бири ўзича қизиқарли, муҳим, керакли бўлган тор масалаларни яна ҳам чуқуррок ўрганишда кўринади.

Шу билан бирга билимларни синтез қилишнинг “орқага қайтиш” жараёни ҳам жуда муҳимдир. Бу бионика, биохимия, синергетика ва бошқалар каби “чегаравий” фанларни вужудга келтиради. Бироқ бу синтезнинг шаклларидан бири холос. Бошқа, яна ҳам юқори бўлган, синтетик билимлар шакли табиатнинг энг умумий бўлган хусусияти тўғрисидаги фанлар доирасида амалга оширилади. Фалсафа борлиқнинг барча шаклларининг умумий хусусиятларини аниқлайди ва изоҳлайди; математика айрим, лекин шу вақтнинг ўзида умумий бўлган муносабатларни ўрганади. Синтетик фанлар сирасига формал, техник, гуманитар ва бошқа билимларни бирлаштирувчи тизимли таҳлил, информатика, кибернетика ва бошқалар киради.

Шундай қилиб, билимнинг ривожланиб бориши кўплаб янги фактларни, ҳаётнинг ҳар хил жабҳаларидан бўлган маълумотларни кашф этилишига ҳамда уларни тўплашга ва шу орқали инсониятни ушбу тўпланган билимларни тизимлаштиришга, хусусийликда умумийликни, ўзгарувчанликда турғунликни топишга мажбур қилиб қўйди. Шу аснода таъкидлаш жоизки, фикрлашни таҳлилга, синтезга бўлиниши ва бу қисмлар ўртасида ўзаро алоқанинг мавжудлиги тизимли таҳлилнинг яққол нишонасидир.

Агар классик табиий фанлар дунёни ҳаракатдан, ашё ва энергиянинг бир-бирига айланишидан келиб чиққан ҳолда тушунтирадиган бўлса, бугунги реал олам тобе бўлган тизимли, айниқса тизимли-ахборотли ва синергетик жараёнларни инобатга олган ҳолда тушунтирилиши мумкин.

Махсус фикрлаш тури бўлган тизимли фикрлаш жараён ёки ҳодиса моҳиятини нафақат тушунишни, балки уларни бошқаришни истайдиган таҳлиличига хосдир. Айрим ҳолларда бу фикрлаш турини таҳлилий фикрлаш билан ўхшатишади, аммо ушбу ўхшатиш тўлиқ эмас. Хусусан, идрок таҳлилий бўла олади, тизимли ёндашув эса, бу тизимлар назариясига асосланган услубиятдир.

Предметли (предметли йўналтирилган) фикрлаш – бу услуб бўлиб, нисбатан тор ва аниқ бўлган муайян йўналишга (воқеага, ҳодисага) қаратилган илмий жараёндир.

Тизимли (тизимли йўналтирилган) фикрлаш – бу услуб бўлиб, предметли (предметли йўналтирилган) фикрлашга нисбатан кенгроқ (ўз ичида икки ва ундан ортиқ предметли, (предметли йўналтирилган) фикрлашга тааллуқли бўлган объектларни мужассамлаштирган) лекин аниқ бўлган муайян йўналишга (воқеа, ҳодисага) қаратилган илмий жараёндир. Кўп ҳолларда ушбу фикрлашни "тизимларни тадқиқ қилиш" услубияти ҳам деб аташади.

Тизимли фикрлашда ҳар хил таркибий элементлардан ташкил топган воқеа ва ҳодисалар йиғиндиси нафақат таркибий элементлар ҳатти-ҳаракатини, хатто уларнинг сифатини ва миқдорини аниқламасдан ҳатти-ҳаракатини олдиндан айтиб бериш ва истиқболини белгилаш мумкин бўлган бир бутундай ҳамда умумий қоидалари бўйича ташкиллаштирилган бир воқеа ва ҳодиса сифатида долзарблаштирилади ва тадқиқ қилинади. Тизим бир бутунлик сифатида қандай қилиб фаолият кўрсатаётганлиги ёки ривожланаётганлиги тушуниб етилмагунича, унинг таркибий қисмлари тўғрисидаги билимлар ушбу ривожланиш бўйича тўлиқ бўлган маълумотни бермайди.

Масалан, тизимли фикрлаш тамойилига асосан жамият инсонлардан ташкил топган. Шунингдек, ҳар бир инсон тизимдир (масалан, физиологик). Ўз навбатида, инсонда ҳам унинг ўзига хос бўлган (организм сифатида қараганда) тизимлар мавжуд (масалан, қон айланиш тизими). Инсонлар ўзига ўхшашлар билан ҳамкорлик қилиши оқибатида янги тизимлар ташкил топади – оилалар, этнослар ва бошқ. Бу каби ўзаро алоқалар жамоат ташкилотлари, алоҳида инсонлар даражасида ва ҳаттоки мустақил қон айланиш тизимида (масалан, тўғридан-тўғри қон қуйиш натижасида) амалга ошиши мумкин.

Тизимли фикрлаш қоидаларига асосан ҳар қандай тизим бошқа бир тизимга таъсир кўрсатади. Бундан келиб чиқиб таъкидлайдиган бўлсак, бизни ўраб турган бутун борлиқ – бу бир-бири билан доим алоқада бўлган тизимлар мажмуидир.

Мавзу. Қарор қабул қилишнинг мазмун-моҳияти, тамойиллари ва унга нисбатан бўлган ёндашувлар

Режа:

1. Қарор қабул қилишнинг мазмун моҳияти, тамойиллари ва унга нисбатан бўлган ёндашувлар

2. Педагогик жараёнда қарор қабул қилишга қўйиладиган талаблар, унинг турлари ва психологик жиҳатлари.

3. Педагогик фаолиятда қарорнинг шаклланиши, қабул қилиш босқичлари ва ижросини таъминлаш.

Таянч сўз ва иборалар: *қарор, қарорнинг моҳияти, қарор қабул қилиш зарурияти, қарор турлари, қарор қабул қилиш босқичлари, педагогик фаолиятда қарор, қарорнинг тамойиллари, қарорга қўйиладиган талаблар, педагогик фаолият доирасида қарор қабул қилиш технологияси.*

1. Қарор қабул қилишнинг мазмун моҳияти, тамойиллари ва унга нисбатан бўлган ёндашувлар.

Сўнгги йилларда республикамизда фан, маданият, ишлаб чиқариш, таълим соҳасида жадал ривожланишлар суръати яққол кўзга ташланмоқда. Хусусан, таълим тизимида амалга оширилган туб ислоҳотлар тизимга янги ахборот ва педагогик технологияларнинг кириб келишига асос бўлди. Олий таълим тизимини янада ривожлантириш, унинг сифатини янги поғоналарга кўтаришда тизимни бошқаришдаги қарор қабул қилиш технологияларининг ўрни катта эканлиги барчамизга маълум.

Олий таълим тизиминини бошқаришда қарор қабул қилиш технологиялари, таълим тизимининг ҳалқаро миқёсдаги сифат меъёрларини такомиллашув тенденцияси ва уларнинг илғор ютуқларини мамлакатимиз олий таълим муассасалари тизимида қўллаш имкониятини беришга қаратилган бўлиб, ушбу соҳа бўйича профессор-ўқитувчилар компетентлигини оширишга хизмат қилади.

Қарор тушунчаси, мазмун-моҳияти, асосий турлари, унга бўлган ёндашувлар ва таснифлари.

Умуман олганда бошқарув фаолияти ёки хозирги замон таълим муассасини бошқариш:

-Муассасанинг фаолияти, шунингдек таълим ва тарбия масалалари бўйича мақсад ва вазифаларини тўғри аниқлаш;

-Қилинган ишлар ва эришилган ютуқлар бўйича холатни ўрганиб доим тахлил қилиб бориш;

-Режалаштириш;

-Ташкиллаштириш;

Қарор ишлаб чиқариш ва қабул қилиш, шунингдек қарор ижросини таъминлаш ва назорат қилиш, каби харакатлар мажмуи сифатида кўриш мумкин.

Бошқарув фаолиятида, шунингдек педагогик фаолиятни бошқаришда ҳам муҳим вазифалардан бири тўғри қарор қабул қилишдир. Тўғри қарор қабул қилиш бошқарув фаолиятининг негизи бўлиб, унинг сифати ва самарадорлигини белгилайди.

Қарор – бу бошқарув субъекти тамонидан ўз имконият даражасидан келиб чиққан холда, мавжуд маълумот таҳлили асосида бошқарув объекти қилиши керак бўлган ва шу соҳадаги муаммони ҳал қилишга қаратилган ҳаракат.

Қарор келажакда қилиниши керак бўлган ҳаракатни кўрсатиб, “нима қилиш керак”деган саволга жавоб беради. Қарорнинг мазмунида қилиниши керак бўлган ишнинг мақсади ва предмети бирлашади.

Қарор тушунчаси ўз маноси жиҳатидан “чора-тадбирлар” тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ. Педагогнинг фаолияти таълим соҳаси билан боғлиқлигини инобатга оладиган бўлсак, ушбу соҳадаги қарор қабул қилиш шу соҳага таъсир кўрсатишни англатади. Агар қарор тўғри бўлса, у ижобий натижаларга олиб келади. Нотўғри қарор аксинча, салбий натижаларга олиб келиши мумкин.

Айрим пайтларда “қарор қабул қилиш”, “қарор ишлаб чиқиш” деган деган иборалар ўрнига, “қарорни шакллантириш” деган ибора ҳам қўлланилади.

Қарорнинг “ижро этувчи” ва “бошқарувчи” турлари мавжуд бўлади.

Қарор қабул қилувчининг ўзига тегишли, ўзи қилиши керак бўлган ҳаракатларни кўрсатувчи қарорлар, ва умуман олганда “нима қилишим керак” деган саволга, ҳамда “у нарса қиламан”, “бу нарса қилишим керак” деган маънони англатадиган қарорлар ижро этувчи ёки шахсий қарорлар дейилади.

Улардан фарқли ўлароқ, бошқарувчи қарорлар бошқарувдаги шахсларга нисбатан қабул қилинади ва уларнинг ҳаракатини белгилаб беради.

Ҳар қандай соҳанинг ҳар қандай ходими ҳам “ижро этувчи”, ҳам “бошқарувчи” қарорлар қабул қилади. Одатда иккинчи қарор тури биринчисини пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Педагогик қарор - бу субъектлараро мавжуд ижтимоий муносабатлардаги педагогик ва психологик мулоқат натижаси.

Қарорлар ҳар доим ҳам бир ҳил бўлавермайди, айрим қарорларда вазифа умумий қўйилади, айримларида аниқ ва лўнда холда қўйилади. Қарорлар кўпинча бир-биридан келиб чиқади, бир-бирини тўлдиради, бир-бирига асос бўлади.

Барчамизга маълумки, қарорлар инсоннинг маълум ахборотни (маълумот, рақамлар) қайта ишлаши натижасида шаклланади. Бу маълумотлар қарор қабул қилиш жараёнида тутган ўрнига қараб уч турга бўлинади:

вазиятни кўрсатувчи маълумотлар;

мезонларни кўрсатувчи маълумотлар;

намунавий (прецедентли) маълумотлар.

Вазиятни кўрсатувчи маълумотлар, конкрет ҳал қилиниши керак бўлган вазиятни англатади. Бундай маълумотлар тез ўзгарувчан, қайтарилмас бўлиши мумкин.

Мезонларни кўрсатувчи маълумотлар қарорнинг шаклланиш жараёнини йўналтиради, унга мезон бўлади. Бундай маълумотлар одатда қонунларда, меёрий хужжатларда ўз аксини топган бўлади. Уларда қарор қабул қилишга қўйиладиган асосий вазифалар, қарорни ишлаб чиқариш услубияти ва бошқалар ўз аксини топади.

Намунавий маълумотлар шу соҳада ва шунга яқин соҳаларда қарор қабул қилиш бўйича мавжуд тажрибаларни англатади. Бунда сўз қарор қабул қилувчининг шахсий тажрибасидаги, ҳамда ўзгалар тажрибасидаги намуналар ҳақида юритилади.

Албатта авлодларимиз ишлаб чиққан тажрибадан хабардор бўлишимиз зарур, чунки унга қараб, ўрганиб, хатоларга йўл қўймайсан. Лекин у тажрибани кўр-кўрона ишлатиб ҳам бўлмайди, чунки айнан бир-хил вазият бўлмайди. Қандайдир фарқ доим бўлади. Шунинг учун уларни намуна сифатида ўрганиб, янги, оригинал қарорлар қабул қилишда фойдаланиш мумкин.

Қарорнинг шаклланиш жараёнида ҳар қандай соҳа ходими, улар қатори педагог ҳам ечимнинг бир неча вариантлари борлигини кўради. Ҳар бири бўйича барча “+” ва “–” ларни тарозига солади. Бу эса ўз йўлида ходимда шак-шубҳа, гумон, хар-хил кечинмалар туғилишига сабаб бўлади. Қарор қабул қилувчи субъектга, агар нотўғри қарор қабул қилса, нафақат ўзини, ҳатто бошқа шахсларни, айтайлик мауаммога алоқаси бор бўлган ижрочиларни ҳам ноқулай аҳволга қўйиши мумкинлиги унга салбий таъсир этади. Шунинг учун бир неча вариантлар орасида энг тўғрисини танлаш учун фақатгина билим ва кўникмаларнинг ўзи кифоя қилмайди. Бунинг учун қарор қабул қилиш жараёнини ташкиллаштирувчи ва рағбатлантирувчи ирода керак бўлади. Бундай холатларда ирода – қарор қабул қилишга ишини билиб ёндашишни англатади. Кучли ирода ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, у етарли таълим-тарбия натижасида етиштирилади.

Шундай қилиб қарорнинг шаклланиш асосида билим ва ироданинг мустахкам қоришмаси ётади.

Кўпинча қарор қабул қилишда малумотларнинг етишмаслигига, камлигига дуч келамиз. Ноаниқ вазиятда қарор қабул қилиш – барчамизга маълум нарса. Шундай пайтларда (маълумот камлиги) қабул қилинган қарор, қарор қабул қилувчи субъект, қарор объекти ёки вазиятга салбий таъсир кўрсатадиган омил бўлиши мумкин. Нотўғри қарор натижасида учраши мумкин бўлган хавф-хатар асосида кутилган натижа билан содир бўлиши мумкин бўлган салбий оқибат ётади.

Қарорлар одатда ҳар-хил роллар ижро этади. Уларнинг асосийлари: йўналтирувчи; ташкиллаштирувчи-мувофиқлаштирувчи; методик (услубий) ва педагогик-тарбияловчи роллар.

1. **Йўналтирувчи** ***(йўл кўрсатувчи)*** ролнинг маъноси шундаки, унда бўлажак (эришиш керак бўлган) мақсад аниқланади, тушунтирилади. Мақсад эришиш керак бўлган образнинг идеали сифатида ижрочиларга йўл кўрсатади.
2. **Ташкиллаштирувчи-мувофиқлаштирувчи** ролли қарорларнинг мақсадига етишда фойдаланиладиган инсон ресурслари ва бошқа имкониятлар, қарорни ечишда уларнинг ўрнини белгилайди. Бу роль айниқса режа асосида коллектив ижро этилиши керак бўлган муаммоларни ҳал қилишда асқотади. У ким, кимга, ким билан, қачон, нимага ўхшаган саволларга жавоб беради.
3. **Методик** ***(услубий)*** ролнинг маъноси шундаки, у мақсадга эришиш учун қандай усул ва услублар, йўллар ишлатилишини кўрсатади. Бу услублар қарорнинг ўзида кўрсатилиши мумкин. Айрим холларда ижрочиларнинг ўзлари топишади.
4. **Педагогик-тарбияловчи** ролнинг маъноси унинг номи айтиб турганидек, ижрочилар фаолиятини фаоллаштиришга қаратилган. Қарорнинг шаклланиш жараёнида ижрочилар тайёрлиги аниқланади. Агар улар тайёр бўлмаса, улар билан керакли тайёргарликлар ўтказилади.

Қабул қилинаётган қарор турли белгилар асосида таснифланиши (классификация қилиниши) мумкин. Бу таснифлаш қарорнинг мазмунига ёки қабул қилиниш шаклига қараб уч турга бўлинади:

структуравий; ташкилий ва функционал қарорлар.

Структуравий қарорлар педагогик фаолиятнинг ташкилий тузилмасини тузиш ва такомиллаштиришга қаратилган ҳаракатлар ҳисобланади.

Ташкилий қарорлар соҳа фаолиятини рағбатлантиришни, назорат қилиш, ҳисоботларни ташкиллаштириш ва бошқа ташкилий ҳаракатлар билан характерланади.

Функционал қарорлар мутахасисларнинг, улар қаторида педагогларнинг ҳам ўз функционал мажбуриятларидан келиб чиқади.

Юқорида келтирилган қарорлардан ташқари амалиётда комбинацияланган (биргаликдаги) характерга эга қарорлар хам учрайди (улар план, режаларда ўз аксини топган).

Қарор қабул қилишнинг асосий тамойиллари. Бошқарув фаолиятининг назарияси ва амалиёти қабул қилинаётган қарорга тегишли тамойилларни ишлаб чиқарган. Уларнинг асосийлари қуйидагилар:

1. Муаммонинг айрим қисмларини ўрганишдан аввал бутун муаммони ўрганиб чиқиш лозимлиги.
2. Барча вариантларни кўриб чиқмагунча, қарор қабул қилмаслик.
3. Маълумотларга дарров ишониб қолмаслиқ, шубҳаланиш лозимлиги.
4. Муаммога аниқлик киритиш мақсадида кўпроқ савол бериш.
5. Мияга келган биринчи қарор варианти билан қаноатланмаслик.

6. Қатъий қарор қабул қилишдан аввал ўзгаларнинг фикрига қулоқ солиш.
7. Ўзгалар фикрига илтифотсизлик кўрсатмаслик (беписанд бўлмаслик).
8. Ҳар ким муаммога ўз нуқтаи назаридан (манфаатидан келиб чиққан ҳолда) қарайди.
9. Масалага бир томонлича эмас, ҳар томонлама ёндашишга ҳаракат қилиш.
10. Муаммонинг моҳиятини англаш учун ўхшаш моделлар (ходисалар, қарорлар...) қидириш ва улар билан таққослаш.

Қарор таснифи ва унга бўлган ёндашувлар. Умуман олганда ҳар қандай бошқарув фаолиятида турли масалалар юзасидан турли даражада ҳилма-ҳил мохият ва мазмунга эга бўлган минглаб қарорлар қабул қилинади. Уларни қуйидаги белгилар асосида гуруҳларга бўлиш мумкин:

Амал қилиш даврига кўра– *Стратегик, Тактик.*

Мазмунинига кўра– *Сиёсий, Иқтисодий, Ижтимоий, Техникавий, Ташкилий.*

Ахборот билан таъминланганлиги кўра - *Аниқ, Эҳтимолий, Ноаниқ.*

Мақсадига кўра – *Бир мақсадли, Кўп мақсадли.*

Қарорнинг келиб чиқиш манбаига кўра -*Ташаббус асосида, Топшириқ асосида.*

Янгилик даражасига кўра – *оддий, стандарт, ижодий универсал.*

Улар бўйича алоҳида тўхталсак,

Стратегик қарорлар. У юқори бошқарув органлари томонидан туб ва истиқболли дастурларни ишлаб чиқиш мақсадларида қабул қилинади.

Тактик қарорлар мақсадга эришишнинг восита ва усуллари хусусидаги жорий, тезкор қарорлардир.

Умумий қарорлар бир хил муаммога дахлдор бўлиб, барча бўғинлар учун бирдек амал қилинади *(масалан иш кунининг бошланиши ва тугаши, тушлик вақти, иш хақини тўлаш муддати ва хоказо).*

Махсус қарорлар тор доирадаги муаммога тааллуқли бўлиб, ташкилотнинг муайян бир бўлими ёки бир гуруҳ ходимлари юзасидан қабул қилинади.

Стеоротип қарорлар одатда қатъий йўриқномалар, меёрий хужжатлар доирасида қабул қилинади. Бундай қарорлар базан кундалик масалалар бўйича қабул қилинади, лекин ўзгаришлар асосан муддатлар, айрим сифат параметрлари, ижрочиларга таалуқли бўлади

Ташаббусли қарорлар номи айтиб турганидек, новаторлик мазмунига кўра истиқболни назарда тутадиган қарорлардир.

Анъанавий қарорлар – бу одатий вазиятларда қабул қилинадиган қарорлардир.

Тавсияли қарорлар ўз моҳиятига кўра ташаббусли қарорларга яқин бўлиб, уларда ташкилот фаолиятини яхшилаш борасидаги тавсиялар ўз аксини топади.

Аниқ қарорлар тўла-тўкис ахборот мавжуд бўлган ҳолдагина қабул қилинадиган қарорлар.

Ноаниқ қарорлар – бу таваккал билан тўла бўлмаган ахборотга асосланиб қабул қилинадиган қарорлардир.

***Амал қилиш характерига қараб, бошқарув қарорлари қуйидаги турларга бўлинади*:**

Вақтинчалик қарорлар *(амал қилиш муддати чекланган);*

Тезкор қарорлар *(кечиктирилмай ижро этиш учун қабул қилинади);*

Мунтазам қарорлар *(белгиланган муддатларда чиқарилади);*

Вақт-вақти билан қабул қилинадиган қарорлар*(масалан, ҳар семестр охирида сессия бўйича ОТМ рахбарининг буйруғи чиқади).*

Қарор қабул қилувчига нисбатан, қарорлар:

-яккабошчилик принципи асосида қабул қилинган қарорлар;

-коллегиаллик (кўпчилик фикри) асосида қабул қилинган қарорлар;

-консенсус асосда қабул қилинган қарорлар;

Рингли усул асосида қабул қилинган қарорлар. *Япон бизнесида кенг қўлланниладиган усул бўлиб, у мажлисларда эмас, балки сўраб чиқиш йўли билан розилик олиш воситасида хал этилади.*

Қарорнинг шакли. Қарорлар ёзма ва оғзаки шаклларда бўлиши мумкин. Оғзаки қарорлардан фарқли ўлароқ ёзма шаклдаги қарорлар одатда қарорнинг сифатини ва уни бажаришга бўлган масулиятни оширади, ижрочиларни назорат қилиш, иш холатини таҳлил қилиш имконини беради. Шунинг учун айрим ҳолларда оғзаки қабул қилинган қарорлар кейин хужжатлаштириб қўйилади.

Қабул қилинган қарор режа, топшириқ, буйруқ, фармон ва фармойишлар орқали юридик кучга киритилади ва амалга оширилади. Шу нуқтаи назардан қарорни бошқарув биносининг пойдевори дейиш мумкин.

2. Педагогик жараёнда қарор қабул қилишга қўйиладиган талаблар, унинг турлари ва психологик жиҳатлари

Педагогик жараёнда қарор қабул қилишга қўйиладиган талаблар Бизнинг давлатимизда қарорга бўлган асосий талаблардан бири – қабул қилинган қарор Ўзбекистон Президенти ва республика хукумати кўрсатмаларига тўғри келиши. Педагогик фаолиятда улар баркамол авлодни тарбиясига хизмат қилишлари лозим.

Қарорга қўйиладиган умумий талаблардан яна бири, унинг оптимал бўлиши, яъни шу вазиятда қабул қилиниши керак бўлган энг тўғри қарор бўлиши. У (қарор) конкрет вазиятга мос келиши керак.

Оптималлик бир қанча бошқа талаблар бажарилиши асосида хосил бўлади. Уларга қарорнинг объективлиги, қарор қабул қилувчи субъект компетенциясининг тўғри акс этилиши, қарорда муаммога муносабати бор шахслар фикрининг тўғри ифода қилиниши, қарорнинг ўз вақтида эканлиги, конкретлиги, юмшоқлиги, ўзгарувчанлиги, қарор шаклининг унинг мазмунига мослиги.

1. **Қабул қилинаётган қарор доим объектив бўлиши керак**. Қарорнинг объективлиги – унга бўлган талабнинг мавжудлиги. Агар қарор номигагина қабул қилинса, у объектив бўла олмайди.

Қарорнинг объективлиги кўпинча уни қабул қилаётган субъектнинг профессионал ва назарий тайёрлиги билан боғлиқ, унинг бошқарув қонуниятларини билиш-билмасликларига боғлиқ. Шу билан бирга қарор қабул қилинаётганда ишлатиладиган маълумотларнинг тўлиқлиги, аниқлиги ҳам қарорнинг шаклланишига таъсир қилади.

2. **Қарорда уни қабул қилувчи шахснинг компетенцияси тўғри акс этиши лозим**, чунки уни қабул қилишга етарли ваколати бўлган инсон қабул қилиши керак. Ўз ваколат доирасидан юқори бўлган қарорларни қабул қилиш салбий натижаларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳар ким ўз ваколат доирасини билиши лозим ва шунга риоя қилиши керак.

3. **Қарорда унга муносабати бор, унга алоқадор шахсларнинг фикри ҳам инобатга олиниши керак**. Бу талаб қарорни ишлаб чиқишда қатнашганлар нуқтаи-назари инобатга олинишини назарда тутади. Қарор қабул қилиш бир нарса, уни ишлаб чиқиш , шакллантириш бошқа нарса. Чунки бу жараёнда унга алоқадор, манфаатдор шахслар, унинг бажарилишини таъминловчи ижрочилар, умуман муаммони яхши билувчилар қатнашиши мумкин.

4. **Коллегиал деганда қарорни ишлаб чиқишдаги бамаслахатлик, биргаликдалик, кенгашиб ишлаш тушунилади.** Бу эса ўз йўлида қарор қабул қилингандан кейин уни бажаришни осонлаштиришга имкон беради. Қарорни шакллантиришда қатнашган ижрочилар учун уни бажариш осонроқ кечади. Қарор қабул қилишдан олдин ўзгалар фикрини ҳам ўрганиш фақат фойда беради. Айрим пайтларда қарор қабул қилишдан олдин "ақлий хужум" услубидан унумли фойдаланса бўлади.

5. **Ҳар қандай қарор агар ўз вақтида қабул қилинсагина яхши**. Кеч қабул қилинган қарор, нотўғри ёки бирор хатога эга қарордан ҳам зарари кўпроқ бўлади. Шунинг учун қарор қабул қилинаётганда тезкор (оператив) ҳаракат қилиш керак. Лекин бу шошма-шошарликка йўл қўйиш керак дегани эмас.

6. **Қарор конкрет ва керак бўлса ўзгарувчан бўлиши керак**. Конкретлик бу мазмуннинг аниқ ва лўндалиги. Қабул қилинаётган қарорда "фаоллаштириш", "яхшилаш", "юқори даражага кўтариш " га ўхшаган жумла ва иборалар ишлатилмаганлиги маъқул. Айниқса ижрочиларга вазифа қўйилаётганда аниқлик ва конкретлик жуда зарур.

Бу талаб ижрочиларга ҳамма нарсани "чайнаб бериш керак" дегани эмас. Вазиятнинг ўзгарувчанлигини, қарор қабул қилиш учун керак бўлган маълумотнинг камлигини инобатга олсак, ижрочи олдига доим аниқ вазифа қўйиш қийин эканлиги маълум бўлади. Шунинг учун айрим пайтларда уларга вазифага керакли ўзгартиришлар киритиш имкониятини бериш мумкин.

Вазифани (қарорни) бажаришда стратегик йўналиш аниқ ва конкрет бўлгани билан, уни бажариш усуллари, йўллари юмшоқ, ўзгарувчан бўлиши мумкин

Қарорнинг юмшоқ, ўзгарувчанлиги турлича йўллар билан бажарилиши мумкин. Масалан вазифанинг айрим бажариш усулларини ижрочилар ваколатига берса бўлади. Айрим пайтларда бу – вақт, айрим пайтларда- жой, гоҳида бажариш усул ва воситаларини танлаш. Айрим пайтларда қандайдир чеклашлар қўйиш мумкин (ижрочи шу чекловлардан ташқарига чиқмаслиги учун). Вазиятдан келиб чиққан ҳолда конкретлик ва ўзгарувчанликка алоҳида эътибор бериш лозим.

7. Қарорнинг шакли унинг мазмунига мос бўлиши лозим. Бу талаб қарорнинг мазмун жихатдан оптимал ифодалаш ва технологик расмийлаштириш томондан тўғри бўлишини кўрсатади.

Педагогик жараённи бошқаришда тезкор қарор қабул қилиш талаб қилинади. Негаки вазият омили ўз таъсир даражасига эга. Шу сабабли қарорга қуйидаги **талаблар** ҳам қўйилади. Булар:

-қарор илмий асосланган бўлиши керак;

-тезислар бир-бири билан алоқадор ва якдил бўлиши лозим;

-хуқуқ ва жавобгарлик доирасида бўлиши керак;

-аниқ йўналишга эга бўлиши лозим;

-вақт бўйича қисқа ва аниқ бўлиши керак;

-тезкор бўлиши керак;

-мавжуд ресурсларни инобатга олиши керак;

-педагогик фаолият манфаатларини химоя қилишга қаратилган бўлиши керак.

Педагог ўзининг касбий фаолияти давомида талабаларга ёзма иш ҳам, оғзаки вазифа ҳам, талабалар ёзган ишларга (реферат, курс иши, эссе ва хоказоларга) резолюция (имзо) қўйиб ҳам вазифалар, кўрсатмалар беради. Ундан ташқари кўпинча у ректорат ёки деканат топшириқларини ҳам талабаларга етказади. Қабул қилинадиган қарор, бериладиган вазифанинг шаклига келсак, биз қарорни ифода этувчи тил ҳақида тўхталишимиз керак. Гапни кўпайтириш, уни турли-туман, керак-керакмас элементлар билан тўлдириш, қийинлаштириш зарарли. Ортиқча гап айни вазифани яхши тушунишга ҳалақит беради.Тингловчининг энсасини қотиради.

Қарорни изоҳ қилиш қисқа, аниқ, конкрет ва лўнда бўлиши керак. Агар қарор катта хажмда бўлса уни бир неча кичик қисмларга бўлим тушунтириш мақсадга мувофиқ бўлади. Фикрни ифода қилишда тушунарли тилда гапириш лозим. Махсус ибора ва терминларни кўп ишлатиш ҳам фойда беравермайди. Аниқлик, оддийлик, талабчанлик, хушмуомалик, тил хамсуханлиги, қарорнинг мазмуни ва шакли мослиги ифодаланиши лозим.

Қарор қабул қилишнинг психологик жихатлари. Бошқарув психологияси талабларига асосан, қабул қилинаётган қарор, уни қабул қилувчининг рухий холатига ҳам боғлиқ бўлиб, бундай холатда қабул қилинадиган қарорлар уч турга бўлинади:

1. Интуитив қабул қилинадиган қарорлар. *Бунда қарор ҳис –туйғулар асосида қабул қилинади, “тарафдорлар” ва “қаршилар” таҳлил қилинмайди. Маълумки, одамнинг интуицияси тажрибани эгаллаш билан биргаликда ривожланади.* Турли кишиларда бу сезги турлича даражада ифодаланади. Тўғри қарор қабул қилишда бу ёндашувнинг имкониятлари катта эмас. Қарор қабул қилишда одам ўз интуициясини бошқа ёндашувлар билан биргаликда мустаҳкамлаб бориши керак;

2. **Далилларга асосланган холда қабул қилинадиган қарорлар.** Бу билимларга ва тўпланган тажрибага асосланган қарор танловидир. Бундай қарорлар

мантиқан олганда суст, лекин бу ёндашувнинг афзаллиги унинг тезлиги ва альтернативаларни танлашнинг кам сарфлилигидадир. Билим ва тажрибадан фойдаланиб, соғлом фикрга асосланиб, одам олдин ўхшаш вазиятларда кўпроқ муваффақият келтирган вариантни танлайди. Агар одамнинг олдинги тажрибасида ўхшаш вазият бўлмаган бўлса, бу ёндашув одатда натижа бермайди;

3. Рационал (бор маълумотни объектив, тўғри таҳлил қилиш асосида) қабул қилинадиган қарорлар.

Маълум бир муаммонинг рационал ечимини топиш қуйидаги босқичларни босиб ўтади:

- муаммонинг диагностикаси;
- қарор қабул қилиш учун чекланганликларни ва мезонларни ифодалаш;
- альтернативаларни топиш;
- альтернативаларни баҳолаш;
- охирги (якуний) танлов).

Муаммо, муаммоли вазият, педагогик вазият: мазмун-моҳияти.

Муаммо деганда, кенг маънода мураккаб назарий ёки амалий, ўрганилиши ёки ечилиши зарур бўлган савол тушунилади. Илмда эса бу - ечилиши зарур бўлган бир-бирига зид, қарама қарши ходиса, воқеа. Ҳаётда муаммо одамларга маълум бўлган “нима” ва “қандай” ёки “нималигини биламан, лекин қандай қилишни билмайман” деган саволларга жавоб берадиган вазиятларда учрайди. Биз ушбу предмет жараёнида “муаммо” тушунчасига қуйидагича изох берамиз: **“муаммо бу - жавоби бевосита мавжуд билимда бўлмаган ва ечиш усули номалум бўлган савол”.**

Инсон учун ҳар қандай муаммонинг мазмуни, уни аниқлаш, таҳлил қилиш, баҳолаш, ечимини қидириб топиш ва амалиётда тасдиқлаш билан ифодаланади. Муаммо деганда одатда юқорида айтганимиздек ҳали ечимга эга бўлмаган ноаниқ савол тушунилади. Шу ноаниқлик муаммони вазифадан ажратиб туради.

Ўрганилаётган бир объект ичидаги бир-бири билан боғлиқ саволлар бирлашмаси – проблематика ёки муаммолар мажмуи деб аталади.

Одатдаги педагогик фаолиятда муаммо икки йўл билан пайдо бўлади.

Биринчидан, у ташқаридан берилади. Масалан, деканат, ректорат ёки вазирликдан ижро учун бирор қарор, кўрсатма ёки буйруқ келганда (уни бажариш учун сиз ўз ўрнингизда конкрет чора-тадбирлар қабул қиласизлар);

сиздан пастки поғонадаги ташкилот, гуруҳ ёки шахс бирор бир амалий масалани кўтариб чиққанда (мисол учун талабалар кўтариб чиқса);

ҳар-хил қўшни ташкилотлардан муаммолар кўтарилган мурожатлар келганда.

Бундай ва шунга ўхшаш ҳолларда уларни тўғри қабул қилиш, муаммолик жойини аниқлаш, ўзингиздаги шунга ўхшаш муаммо билан (агарда сизда шунга ўхшаш муаммо мавжуд бўлса) таққослаш лозим. Айрим пайтларда муаммо ўз ечими билан берилиши мумкин.

Иккинчидан, муаммо педагогнинг меҳнат фаолиятида учрайдиган турли хил маълумотларни таҳлил қилиши натижасида пайдо бўлиши мумкин.

Педагог ўз меҳнат фаолиятида янги-янги маълумотлар билан танишади. Ҳар-хил шароитларга дуч келади. Агар у олган маълумотда ёки дуч келган вазиятда мавжуд холат билан қарама-қаршилик бўлса ёки бошқача қилиб айтганда янги келган маълумот орқали педагогнинг меҳнат фаолиятига ёки шахсий ҳаётига таъсир этиши мумкин бўлган ходиса, воқеа ёки холат юз бериши мумкин бўлса, агар уни қониқтирмаса, ўшанда муаммо пайдо бўлди дейишимиз мумкин. Балким улар бирданига эмас, аста-секин пайдо бўлар.

Муаммони англаб етгандан сўнг, **муаммоли вазият** шаклланади. Муаммоли вазият деганда, керакли қарор ишлаб чиқариш ва қабул қилишга таъсир этиши мумкин бўлган жиҳатлар йиғиндиси тушунилади. Ёки бу мавжуд билим ва кўникмалар орқали ечиб бўлмайдиган, янги билимга зарурият уйғотадиган вазиятдир.

Илмий соҳада **муаммоли вазият** деб илмий билимлар тараққиётида тадқиқотчилар дуч келган шундай янги ходисадирки, уларни мавжуд илмий назария асосида тушунтириб бўлмайди, уларни тушунтириш учун янги назариялар ҳали ишлаб чиқарилмаган.

Педагогик фаолиятда уларни **педагогик вазият** деб ҳам айтилади.

Педагогик вазият – бу педагогик жараённинг таркибий қисми бўлиб, у орқали педагог педагогик жараён ва педагогик тизимни бошқаради. Бу педагогик жараён, педагогик тизимнинг вақт оралиғида тўпланган (концентрация қилинган) кўринишидир.

Педагог фаолиятида педагогик вазиятнинг ахамияти жуда мухим. Айниқса педагогик тажриба ортиришда. Унинг ичида педагогик жараён ва педагогик тизимнинг қадр-қиймати ҳам, камчиликлари ҳам жамланган бўлади. Улар педагог фаолиятидаги педагогик тажрибанинг шаклланишида мухим рольўйнайди. Ҳар бир педагог ўз архивида ҳар-ҳил педагогик вазиятлар ёзилган ёзмалари (блокнотда, дафтарда, карточкаларда, флешкаларда ва ҳоказо) бўлиши мақсадга мувофиқ. Бу унинг касбий бойлигидир.

Педагогик вазиятнинг моҳияти, унда ечилиши лозим бўлган қарама-қаршиликлар мавжудигидир. Шунинг учун ҳар қандай вазият агар унда муаммоси бўлса ўз йўлида муаммоли вазият деса бўлади. Педгогик вазият аниқ, конкрет, олдиндан режалаштирилган ёки стихияли равишда, ўз-ўзидан пайдо бўлган бўлиши мумкин (масалан дарс, зачет, имтихон пайтида).

Педагогик вазият классификацияси (таснифи).

Педагогик вазият ҳар-ҳил шароитларда, турли сабаблар асосида пайдо бўлиши мумкин. Улардан асосийлари:

1. Пайдо бўлиш ва ўтиш жойи бўйича (дарс пайтида, уйда, ётоқхонада, кўчада, стадионда ва хоказо);
2. Қандай пайдо бўлишига қараб (атайлаб ўйлаб топилган, табиий тарзда пайдо бўлган, режалаштирилган...);
3. Оригиналлигига қараб (стандарт, ностандарт, оригинал);
4. Бошқарув даражасига қараб (бошқарилувчан, бошқарилмайдиган);
5. Қатнашувчиларга нисбатан (студент ва студент орасида, студент билан ўқитувчи орасида, ўқитувчилар орасида...);
6. Ичидаги қарама-қаршиликка нисбатан (конфликтли, конфликтсиз, танқидий);
7. Мазмуни бўйича (ўқув мақсадида атайлаб яратилган, бошқа мақсадларда яратилган...);
8. Ҳарактери бўйича (фан ичидаги, фанлараро, илмий ва ҳоказо).

3. Педагогик фаолиятда қарорнинг шаклланиши, қабул қилиш босқичлари ва ижросини таъминлаш

Қарорнинг шаклланиши ва амалга оширилиши. Мантиқийлик, кетма-кетлик нуқтаи назаридан ҳар қандай қарорнинг шаклланишини учта нисбатан мустақил ҳаракатлар мажмуи сифатида кўз олдимизга келтиришимиз мумкин.

Улар: муаммо (вазифа) ва муаммоли вазиятни аниқлаш, муаммо бўйича ечим вариантларини ишлаб чиқариш, энг тўғри ечимни танлаш ва қарорни қабул қилиш.

Уларнинг ҳар бири бўйича алоҳида тўхталиб ўтамиз:

1. Муаммони аниқлаш, уни ўрганиш ва муаммоли вазиятни олдиндан айта билиш (прогноз қилиш).

Муаммоли вазият ўзининг мураккаблиги, тўхтовсизлиги, жўшқинлиги, ноаниқлиги ва низолилиги билан характерланади. **Вазиятнинг мураккаблиги** унинг таркибини ташкил қилувчи элементларининг кўплилигидан. Чунки уларнинг барчасини инобатга олиш керак. **Тўхтовсизлик (жўшқинлик)** ундаги элементларнинг ўзгарувчанлигидан. Муаммоли вазият натижасида бўлаётган ўзгаришларни, қарор шаклланаётганда ҳам қабул қилинаётганда ҳам олдиндан билиш мумкин эмас, бу эса унинг **ноаниқлигини** кўрсатади. Муаммо пайдо бўлиб

уни қандай ҳал қилиш керак деган фикр туғилгандан кейин, қўшимча маълумот йиғиш зарурлиги маълум бўлади. Бу қўшимча маълумот муаммоли вазиятдаги ноаниқликни иложи борича камайтиради.

Муаммоли вазиятни англашда эътиборга нафақат мавжуд ва бизга маълум жиҳатлар олинади. Шу билан бирга вазият қандай ривожланиши мумкинлигини кўрсатадиган жиҳатлари ҳам ўрганилади. **Вазиятни прогнозлаш** (олдиндан айтиб бериш) у бўйича етмаётган, лекин керак бўлган маълумотларни аниқлаш, ва бўлажак вазият моделини қуриш билан характерланади.

Ечим вариантларини ишлаб чиқиш.

Муаммо аниқланиб, муаммоли вазият ўрганилгандан кейин, ушбу муаммони қандай қилиб ечиб бўлади деган савол туғилади. Вазиятнинг ностандартлиги муаммони ечишда эски, мавжуд тажрибани ишлатишни қийинлаштиради, хатто йўққа чиқаради. Вазият биздан муаммога янгича назар ташлашга, янги ечимини қидиришга, унумли ижодий фикрлашга мажбур этади. *Амалиётда муаммо бўйича бўлажак ҳаракатни аниқлашнинг эвристик услубларидан муаммони декомпозиция қилиш, паралел вазифаларни илгари суриш, асосий вазифаларни аниқлаш, илгари сурилган вазифалар орасидаги муносабатларни ўрганиш, аналогия, вазиятнинг ривожланишини олдиндан айтиш (прогнозлаштириш), гипотезалар (бўлиши мумкинлик) оқибатини аниқлаш ва хисобга олиш каби усул ва услублар қўлланилади.*

1. ***Муаммони декомпозиция қилиш,*** уни мажмуавий ёндашув асосида кичик вазифаларга бўлиш. Бунда биз муаммонинг ичидаги муаммочалар, улар орасидаги муносабатларни ўрганамиз, қайси вазифани олдин, қайси бирини кейин кейин ечиш кераклигини аниқлаймиз.
2. ***Параллел вазифаларни илгари суриш,*** яъни муаммонинг ечимини бошқа, шунга ўхшаш вазиятларни ҳал қилишда ишлатса бўладими деган саволга жавоб беришимиз лозим. Шу билан биз куч ва воситаларимизни тежаган бўламиз.
3. ***Муаммонинг асосий вазифаларини аниқлаш***, муаммонинг ичида шундай вазифаларни топишни кўрсатадики, уларнинг ечими бутун муаммонинг ечимини яқинлаштиради.
4. ***Илгари сурилган вазифалар ичидаги ўзаро муносабатларни аниқлаш,*** муаммо бўйича қарор ишлаб чиқаришнинг асосий услубларидан бири бўлиб, муаммони хал қилиш учун керак ресурсларни аниқлаб беради. Муаммонинг ечми учун қандай куч ва воситалар кераклигини аниқлайди.
5. ***Аналогия - шунга ўхшаш муаммоларни хал қилиш тажрибасидан фойдаланишини англатади.*** Муаммонинг ўзи ечиш жараёни илгари ўз ечимини топган муаммо билан солиштириб борилади. Ўхшашликлар топилади. Лекин хеч қачон иккита бир хил нарса бўлмагандек ва ўзгаришлар бўлиши мумкинлигини инобатга олиб,муаммога яраша янги, унга мос ечим қидириш эсдан чиқмаслиги зарур.
6. ***Вазият ривожини прогноз қилиш (олдиндан айтиб бериш) қабул қилинадиган қарор қандай бўлишидан қатъий назар, келажакда бўлиши мумкин бўлган ўзгаришларни инобатга олиш кераклигини кўрсатади.*** Гипотезалар қанча

кўп бўлса, уларни текширишга қаратилган харакатлар ҳам шунча кўп бўлади. Демак хато ҳам шунча кўп бўлиши мумкин.ё

7. ***Ҳаракатларимизнинг бўлажак натижаси бўйича гипотеза қилиш, харакатларимиз нимага, қандай оқибатларга олиб келишини олдиндан аниқлаш дегани.***

Шундай қилиб, келтирилган барча усуллар ечим вариантларини ишлаб чиқаришга ўз хиссасини қўша олди.

Қарорнинг энг яхши вариантини танлаш ва қабул қилиш. Қарорнинг энг яхши вариантини танлаш ўрганилаётган жараённинг энг охирги босқичи хисобланади. Бунда барча вариантлар бир-бири билан боғлиқ бир неча мезонлар асосида бахоланади. Мезонлар ҳар-ҳил бўлишлари мумкин, улар муаммонинг мазмунидан келиб чиқади. Масалан, агар муаммони қандайдир мухлатгача ечиш, хал қилиш керак бўлса, шу мухлатга чидамаган барча вариантлар керак эмаслиги туфайли тўрганишдан олиб ташланади.

Мезонларга фойдаланиладиган куч ва воситалар ҳам киради. Бунда уларнинг хажми, тайёрлиги, сарфланадиган харажатлар ва хоказо ва хоказолар хисобланади.

Яна бир мезон – хавф-хатар даражаси, кутилаётган салбий оқибат. Бу ерда инобатга олиниши керак бўлган факторлар – салбий оқибатнинг характери ва унинг бўлиш-бўлмаслиги. Қарор қабул қилиш жараёнида мана шу икки саволга ҳам жавоб ьерилиши лозим.

Албатта ҳар қандай муаммо ўрганилиб, у бўйича қарор қабул қилинаётганда бир эмас, бир неча мезонларни инобатга олиш керак бўлади (масалан вақт бўйича, салбий оқибатлар бўйича, натижалар бўйича ва хоказо).

Вариантлар орасидан танлаб, бир ечимга келиш учун қарор қабул қилувчига ақл, заковат, билим ва кўникмалардан ташқари **кучли ирода** ҳам керак бўлади. Қарор қабул қилувчи бир неча ечим вариантлари орасидан энг яхшисини танлаб олишда, **унинг иродаси** тебраниш, шубхаланиш, журатсизлик каби инсон психологиясига хос қўрқувларни енгишга ёрдам беради.

Қарор қабул қилиш жараёнида танланган вариантнинг қисмлари, қарор қандай шаклда қабул қилинишиги, унинг чегаралари аниқланади. Қарор қабул қилаётиб, субъект уни ижрочиларга қандай етказишни, унинг амалга оширилиши қандай тарзда бўлишини ва нихоят қандай тарзда назорат қилиниши лозимлигини ўйлаши лозим.

Қарор қабул қилишдаги тизимли кетма-кетлик ва унда ишлатиладиган услублар.

Қарор қабул қилишнинг асосий босқичлари ва уларда ишлатиладиган услубият ҳақида алоҳида тўхталиб ўтамиз.

1-босқич. Муаммоли вазиятни аниқлаш ва ифода қилиш.

Муаммони аниқ ифода қилиш шу муаммони хал қилишнинг энг мухим поғонаси хисобланади, чунки нотўғри ифодаланган муаммоли вазиятга берилган тўғри жавоб ҳам вазиятни чалкаштириб нотўғри қарорга олиб келиши мумкин. Одатда муаммони ифодалаш жарёни мураккаб вазифа хисобланади. Бунинг асосий сабаблари муаммонинг объектив жихатдан мураккаблиги, ташкилий жихатдан кўп

алоқалиги, ёмон структуралаштирилганлиги (тузилмавийлиги), ўзгарувчан элементларини ўлчаш қийинлиги ва бошқа сабабларга кўра. Буларнинг барчаси муаммони ифодалаш жараёнига ижодий жараён сифатида қарашни талаб этади.

Муаммо исталган ва мавжуд холатлар ўртасидаги номуносиблик (тўғри келмаслик) сифатида аниқланишини инобатга олсак, унда муаммоли вазиятни ифодалаш, унга бахо бериш учун прогнозлаштириш, эксперт бахолаш ва тизимли тахлил методларини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Умуман олганд ***1-босқич*** қуйидаги саволларга жавоб бериши керак:

Қандай муаммони, қандай шароитда хал қилиш керак?

Муаммо қачон хал этилиши керак?

Қандай куч ва воситалар орқали муаммо хал этилиши керак?

2-босқич. Бошқариш тизимидаги мақсаднинг шаклланиши.

Муаммо, муаммоли вазиятни аниқлаб бўлганимиздан кейин, уни ечиш мақсади олдинга қўйилади. Агарда мақсад қанчалик аниқ ифода этилса, уни ечиш жараёни ҳам шунча енгил кечади. Бу босқичда биз бор муаммони ечиш учун нима қилишимиз кераклигини аниқлаб олишимиз керак бўлади. (*хали ечганимиз йўқ, фақат қандай ечишни хал қилиш керак*). 1-босқичда биз муаммо нимада эканлигини аниқлаб олган эдик (*албатта бу нисбатан осон вазифа*), 2-босқичда эса биз ўша муаммони йўқ қилиш учун нима қилиш зарур деган саволга жавоб қидирамиз. Албатта бу нисбатан қийинроқ.

Мақсадни аниқлашнинг методологик асоси бўлиб ақлий хужум, экспертлар бахоси каби методлардан фойдаланадиган тизимли тахлил ҳизмат қилади.

3-босқич. Танланадиган ечимнинг мезонларини шакллантириш.

Агарда муаммони ечиш бўйича мақсадга эришишнинг ўлчови бўлса, ечимнинг бир неча вариантлари бўлиши мумкин. Шундай ўлчов бўлиб одатда мезонлар хизмат қилади.

Ушбу босқичнинг асосий мақсади мос келувчи мезонлар тизимини яратиш хисобланади. Яратилган мезонлар кейинги босқичларда мақсаднинг ўрнига ишлатилади. Уларнинг ўзлари мақсад, эришиш лозим бўлган модель ўрнини эгаллашади.Ўрганилаётган объектнинг бахолаш мезони сифатида унинг турли белгилари хизмат қилади. *Масалан, олий ўқув юртида ўқув фаолиятини молиялаштириш жуда паст, ёки йилига 300 млн. сўм дейиш мумкин.*

Кўпмезонлилик мақсадни ифода қилишнинг асосий талабларидан биридир. Мақсадни ифода қилиш учун қанча мезон керак бўлса, шунча ишлатилиши керак. Бу мезонлар бир-биридан мустақил бўлишлари лозим.

Танланадиган ечимнинг (қарорнинг) мезонларини аниқлашда экспертлар бахоси ва математик статистика услубларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

4-босқич. Қарорни ишлаб чиқариш.

Ушбу босқичда қўйилган мақсадга эришиш учун фойдаланиш мумкин бўлган бир неча альтернатив қарорлар (ечимлар) вариантлари ишлаб чиқарилади. Қарорни шакллантириш – бу энг қийин ва энг ижодий жараён. Агар ечимнинг альтернатив вариантлари бўлмаса, унда танлов бўлмайди. Демак биз нотўғри йўлдан кетишимиз ва хатоли қарор қабул қилишимиз мумкин. Бундан ташқари альтернатив вариантлар ҳам яхши ўйланган, бутун муаммони қамраб оладиган (бутун муаммони хал

қиладиган) бўлиши керак. Улар ичида танлов ўтказиш учун номига альтернатив вариантлар ишлаб чиқариш - бу ишга зиён бўлади. Альтернатив вариантлар нечта бўлиши керак деган саволга, имкониятимиз, ресурсларимитз қанча кўтараолса шунча бўлиши керак деган жавоб тўғри бўлади. Альтернатив вариантларни шакллантиришга, текширишга кетадиган маблағ ва ресурслар ҳам инобатга олиниши керак. Альтернатив вариантлар ишлаб чиқаришдан қочиш, уларни ишлатмаслик мумкин, агарда мақсадимиз, унга эришиш йўллари олдиндан аниқ ва конкрет бўлса. Ҳамда вақт бўлмаса.

Амалиётда альтернатив вариантлар ишлаб чиқаришнинг ташкилий шакли бўлиб ақлий хужум, синектика, сценарийлар ишлаб чиқиш, морфологик тахлил, ўйинлар, хамда когнитив карта услублари ҳизмат қилади.

5-босқич. Келишиш ва қарорни танлаш.

Бу босқичда энг тўғри қарорни танлаш керак бўлади.

Бу ерда биз математик дастурлаш, вариацион хисоблаш, эвристик, ташкилий излаш каби методлардан фойдаланишимиз мумкин.

Агарда қарор қабул қилиш жараёнида бир-неча субъект қатнашса ва уларнинг қарорлари бир-бириникидан фарқ қилса қарорлар келишилган холда қабул қилинади.

Ўйинлар назарияси методи низоли вазиятда муросага келтирадиган қарор қабул қилишни таъминлайди.

Иш ўйинлари коллектив қарор қабул қилишнинг ташкилий томонларини, альтернатив харакатларни бахолашни, қабул қилинаётган қарор бўйича келишувни таъминлаш йўлида кўникмалар беради.

Математик дастурлаш кўп ўлчамли вазифаларни математик йўл билан ҳал қилишга (математик ҳисоблаш йўли билан энг афзалини топишга) имкон беради.

Эвристик методлар – ҳар-ҳил қоидалар, усуллар, соддалаштиришларга ўхшаш оптимал қарорлар излаш тажрибасини қўллашни англатади. Заиф формаллаштирилган альтернатив қарорларни бахолаш мақсадида экспертлардан фойдаланилади. Экспертлар бахоси методи экспертлар бахосини формаллаштиришга ва қайта ишлашга мўлжалланган.

6-босқич. Қарорни амалга ошириш ва баҳолаш.

Танланган қарорни амалга ошириш ким, қачон, қандай воситалар билан нима қилиши керак деган саволларга жавоб беради. Қарорни янада конкретлаштириш мақсадида ижрочилар танланади ва муддат қўйилади.

Ушбу мақсадга эришишда тармоқли режалаштириш ва бошқариш услуби қўлланилади.

Ресурслар таъминотини конкретлаштириш мақсадида ресурсларнинг тақсимланишини математик дастурлаш методи орқали амалга оширилади.

Агар қарорнинг бажарилиши бузилса, у қарор бажарилмайди, ёки нотўғрии бажарилади, бошқача айтганда амалга ошмайди. Шунинг учун қарор бажарилишини назорат қилиш ва бошқариб туриш лозим.

Юқорида келтирилга олти босқич қарорни шакллантириш ва қабул қилишнинг идеал варианти учун ишлаб чиқарилган. Аслида амалиётда ёки кундалик хаётда улар бирмунча мураккаброқ кечади ва кўрсатилган схемадан сал четга чиқиши мумкин. Айрим босқич ва хатти-харакатлар паралель олиб борилиши мумкин. Ундан ташқари, у ёки бу харакат амалга оширилаётганда, янги маълумот чиқиб қолса, режага ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Қарор қабул қилишнинг юқорида келтирилган босқичларини инобатга олган холда педагогик вазиятнинг ечими қуйидаги схема асосида бажарилади:

1. Конкрет вақтдаги педагогик вазиятнинг кўриниши (муаммонинг аниқланиши ва ифодаланиши).
2. Муаммонинг ташкиллаштирувчи мухим таркибий қисмларини аниқлаш.
3. Аниқланган таркибий қисмлар ва уларнинг алоқаларини ушбу муаммоли вазиятни ечиш нуқтаи назаридан тахлил қилиш.
4. Муаммони аниқлаш ва уни хал қилиш чегараларини ўрнатиш.
5. Гипотезаларни илгари суриш.
6. Қабул қилинган мезонлар асосида ечимнинг альтернатив вариантларини аниқлаш.
7. Энг тўғри вариантни аниқлаб, қарорни шакллантириш.
8. Қабул қилинган қарорнинг бажариш дастурини ишлаб чиқиш.
9. Ишлаб чиқарилган дастурларни текшириш.
10. Амалий бажариш.

Қарор қабул қилишда ирода. Қарор қабул қилишда бир неча вариантлар орасида энг тўғрисини танлаш учун фақатгина билим ва кўникмаларнинг ўзи кифоя қилмайди. Бунинг учун қарор қабул қилиш жараёнини ташкиллаштирувчи ва рағбатлантирувчи ирода керак бўлади. Бундай холатларда ирода – қарор қабул қилишга ишини билиб ёндашишни англатади. Кучли ирода ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, у етарли таълим-тарбия натижасида етиштирилади.

Шундай қилиб қарорнинг шаклланиш асосида билим ва ироданинг мустахкам қоришмаси ётади.

Бошқарув қарорлари ижросини таъминлаш. Бошқарув қарорлари ижросини таъминлаш - бошқарувнинг муҳим бўғини. Бошкарув қарорини хаётга

татбиқ этиш уни қабул қилиш жараёнининг мантикий давоми. Агар қарор қабул қилинган бўлса, демак, у ижро этилиши керак.

Қарорни ижро этиш жараёни уни қабул қилиш жараёнидан тубдан фарқ қилади. **Агар қарорнинг қабул қилиниши мақсадни белгилаш бўлса, унинг ижроси мақсадга эришишга йўналтирилганлиги.**

Қарорнинг ижроси - бошқарув ҳаракатининг интиҳосидир. **Ижродаги асосий нарса - мақсадга мувофиқ равишда режалаштирилган натижага эришиш.**

- бошқарув шароитларига мос равишда қарорга (дастур, лойихага) ўзгартишлар киритиш;

- қарорнинг ижро жараёнини уюштириш (бевосита ижрочиларни ва амалга ошириш механизмини аниқлаш, зарурий ташкилий чоралар кўриш);

- ижрони назорат остига олиш (кузатиш);

- ижро натижаларини умумлаштириш ва якуний баҳо бериш.

Бошқариш жараёнидаги охирги босқич — бу қабул қилинган қарорлар ижросини назорат қилишдир.

Назорат – бу қайта (жавоб) алоқа ҳисобланиб, юқори бошқарув органи томонидан чиқарилган буйруқ, фармойиш ва белгиланган режаларнинг жойларда бажарилиш даражаси тўғрисидаги маълумотларни аниқлаш усулидир.

6-тизимли таҳлилни амалга ошириш учун тадқиқот стратегисини тўғри танлаш ва методларни белгилаш;-тизимли таҳлил методларини амалий қўллай олиш ва олинган натижаларни таълим-тарбия жараёнига татбиқ этиш;-пеадгогик фаолиятни моделлаштириш ва прогнозини амалга ошириш;-касбий фаолиятда тизимли таҳлил методларидан фойдалана олиш;-педагогик жараён таҳлилинатижалари асосида манба тайёрлаш ва уни манзилга юбориш;-олий таълим тизими учун ахборотларни таҳлилини амалга ошириб, манба тайёрлаш;-ўқув жараёнини такомиллаштириш мақсадида педагогик жараённи тизимли таҳлил этишкомпетенцияларига эга бўлиши лозим.Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсияларМодул бўйича маъруза машғулотлари олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг мавзу доирасидаги долзарб масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашиш, мунозара, муҳокамасини ташкил этишга асосланади. Амалий машғулотлар давомида тингловчиларнинг таҳлилий, танқидий, ижодий ўрганиш ва тажриба алмашуви амалий мазмундаги топшириқларда бевосита фаол иштирок этиши орқали амалга оширилади. Маъруза, амалий машғулотлар ва мустақил таълим топшириқлари бир-бири билан узвий боғланган, бир-бирини тўлдирувчи амалий ишлардан иборат бўлиб, бунда ҳар бир тингловчига ўзи ўқитаётган ўқув фани, олий таълим муассасасидаги лавозим вазифалари доирасидаги муаммони танлаш, индивидуал ишлаш имконияти берилади.Ўқув машғулотларидан ташқари вақтда компьютер синфида модул бўйича тайёрланган услубий ишланмалар (маърузалар матни, тақимотлар,

намуналар, қўшимча материаллар, ёрдамчи манбалар, Интернет)дан, Низомий номидаги ТДПУ кафедраларида мавжуд имкониятлардан фойдаланиш учун шарт-шароит яратилади.

7Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ваузвийлигиМодул мазмуни ўқув режадаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожи ва таълим-тарбия масалалари”, “Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик хужжатлари“, “Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик”, “Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарорлар қабул қилиш технологиялари”, “Педагогик квалиметрия” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайѐргарлик даражасини орттиришга хизмат қиладиМодулнинг олий таълимдаги ўрниТингловчилар модул доирасида узатиладиган маълумотларасосида таълим-тарбия жараёнини тизимли таҳлилини амалга ошириб,педагогик жараён таркибий қисмлари, уларнинг функциялари, тизим яхлитлигини таъминлашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.Модулбўйича соатлар тақсимотиNoМавзуларТингловчининг ўқув юкламаси, соатУмумий соатАудиториядаги ўқув юкламасиМустақил таълимЖамиЖумладан:НазарийАмалий Кўчма машғулот1.Педагогик тизимнинг методологик асослари2222.Педагогик тизимларни моделлаштириш методлари222

83.Педагогик илмий тадқиқот ишлар тизими2224.Ўқув машғулотининг тизимли таҳлили2225.Ўқув фани асосий тушунчалар тизими2226.Ўқув фани бўйича назорат ва баҳолаш тизими 2227.Педагогик жараёнларни бошқариш тизимлари22Жами:1412482НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ1-МАВЗУ: ПЕДАГОГИК ТИЗИМНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИРежа:1.Педагогик тизим тушунчаси ва моҳияти.2.Педагогик тизимларининг ривожланиш хусусиятлари ва қонуниятлари.3.Педагогик жараёнлар ва ҳодисалар тузилмаларини тақдим этиш турлари ва шакллари.Педагогик тизим,педагогик тизим элементлари, тагтизмлари. Ўзбекистон узлуксиз таълим тизими, унинг тагтизимлари. Олий таълим тизими. Педагогик тизимнинг структуравий ва функционал таркибий қисмлари. Педагогик технологиялар педагогик жараён тизими сифатида. Педагогик тизим очиқ тизим сифатида. Педагогик тизим мураккаб тизим сифатида. Педагогик жараёнлар диффуз тизим сифатида. Педагогик жараёнлар ўз-ўзини ташкил этувчи, ривожлантирувчи тизим сифатида. Педагогик тизимлар асосий тамойиллари.

92-МАВЗУ: ПЕДАГОГИК ТИЗИМЛАРНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ МЕТОДЛАРИРежа:1.Педагогик жараёнлар ва ҳодисалар тузилмаларини тақдим этиш турлари ва шакллари.2.Педагогик тизимларни моделлаштиришга замонавий ёндашувлар3.Педагогик жараёнларни когнитив моделлаштириш4.Педагогик тизимларни сифатли таҳлили методлари.Тизим структураси. Тизимларни моделлаштириш. Педагогик тизим структураси ва унинг турлари. Тизим структурасининг декомпозицияси. Педагогик жараён иерархик структураси. Педагогик жараён матрицали структураси. Педагогик жараёнларни моделлаштиришга замонавий ёндашувлар. Педагогик тизимларни моделлаштиришнинг детерминал, стохастик, статик, динамик, дискрет, узлуксиз, дискрет-узлуксиз турлари. Педагогик жараёнларнинг реал, ҳаёлий, кўргазмали, фаразий моделлари. Педагогик жараёнларни когнитив моделлаштириш. Педагогик тизимларни сифатли таҳлили методлари.АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРМАЗМУНИ1-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТПЕДАГОГИК ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИШЛАР ТИЗИМИПедагогик илмий тадқиқотларнинг тизимли таҳлили: педагогика соҳаси (ихтисосликлар) бўйича долзарб илмий-тадқиқот ишлари. Олийтаълим педагогикасининг долзарб муаммолари. Мутахассислик фанларини ўқитишнинг долзарб муаммолари. Докторлик диссертациялари муаммоларига қўйилган талаблар. Докторлик диссертациялари мавзуларини танлаш, уларнинг асосномаси структураси. Автореферат, диссертациялар структураси.

102-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЎҚУВ МАШҒУЛОТИНИНГ ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛИЎқув машғулоти педагогик тизим сифатида. Дарснинг таркибий қисмлари. Замонавий дарслар ва уларга қўйилган талаблар. Тизимли таҳлил тамойиллари ва методлари асосида дарсни кузатишва баҳолаш. Дарснинг ўқув-методик таъминоти тизим сифатида. Дарсларда қўлланиладиган метод ва воситалар тизими ва уларнинг тизимли таҳлили.3-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЎҚУВ ФАНИ АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР ТИЗИМИОлий таълим муассасаси ўқув фани педагогик тизим сифатида. Тизимнинг тагтизимлари, элементларининг тизимли таҳлили. Ўқув фани асосий тушунчалари тизимининг бир бутунлилик,ривожланиш, глобал мақсад, функционаллик, марказдан қочиш, иерархия, ноаниқликтамойиллари асосидаги таҳлили. Ўқув фани асосий тушунчалари ва уларни шакллантириш жараёни структураси.4-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЎҚУВ ФАНИ БЎЙИЧА НАЗОРАТ ВА БАҲОЛАШ ТИЗИМИ Педагогик жараён натижалари. Мақсадга эришилганлик. Ўқув фани бўйича талабалар билим, кўникма ва малакалари тизими. Таълим жараёни натижаларини назорат қилиш ва баҳолаш тизими. Ўқув фани бўйича талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш долзарб муаммоларининг тизимли таҳлили асосида уни такомиллаштириш йўлларини ишлаб чиқиш.ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИМазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:-маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

11-давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);-баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш);-тренинг машғулотлар (олий таълим математика дарсларида инновацион метод ва воситалардан фойдаланиш тажрибасига эга бўлиш).БАҲОЛАШ МЕЗОНИ6.2.Педагогик жараённинг тизимли таҳлилиМаксимал баллБаҳолаш мезони 2"аъло"1,8-2"яхши"1,5-1,7"ўрта"1,1-1,4NoНазораттурлари Максимал баллНазоратлар сониУмумий балл1Амалий машғулот топшириғи0,341,22Мустақил таълим топшириғи 0,310,33Кейс0,510,5

12II.МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ“АҚЛИЙ ҲУЖУМ” МЕТОДИ -бирор муаммо бўйича таълим олувчилар томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келинадиган методдир. “Ақлий ҳужум” методининг ёзма ва оғзаки шакллари мавжуд. Оғзаки шаклида таълим берувчи томонидан берилган саволга таълим олувчиларнинг ҳар бири ўз фикрини оғзаки билдиради. Таълим олувчилар ўз жавобларини аниқ ва қисқа тарзда баён этадилар. Ёзма шаклида эса берилган саволга таълим олувчилар ўз жавобларини қоғоз карточкаларга қисқа ва барчага кўринарли тарзда ёзадилар. Жавоблар доскага (магнитлар ёрдамида) ёки «пинборд» доскасига (игналар ёрдамида) маҳкамланади. “Ақлий ҳужум” методининг ёзма шаклида жавобларни маълум белгилар бўйича гуруҳлаб чиқиш имконияти мавжуддир. Ушбу метод тўғри ва ижобий қўлланилганда шахсни эркин, ижодий ва ностандарт фикрлашга ўргатади. “Ақлий ҳужум” методидан фойдаланилганда таълим олувчиларнинг барчасини жалб этиш имконияти бўлади, шу жумладан таълим олувчиларда мулоқот қилиш ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади. Таълим олувчилар ўз фикрини фақат оғзаки эмас, балки ёзма равишда баён этиш маҳорати, мантиқий ва тизимли фикр юритиш кўникмаси ривожланади. Билдирилган фикрлар баҳоланмаслиги таълим олувчиларда турли ғоялар шаклланишига олиб келади. Бу метод таълим олувчиларда ижодийтафаккурни ривожлантириш учун хизмат қилади. “Ақлий ҳужум” методи таълим берувчи томонидан қўйилган мақсадга қараб амалга оширилади:1. Таълим олувчиларнинг бошланғич билимларини аниқлаш мақсад қилиб қўйилганда, бу метод дарснинг мавзуга кириш қисмида амалга оширилади.2. Мавзуни такрорлаш ёки бир мавзуни кейинги мавзу билан боғлаш мақсад қилиб қўйилганда –янги мавзуга ўтиш қисмида амалга оширилади.

133. Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш мақсад қилиб қўйилганда-мавзудан сўнг, дарснинг мустаҳкамлаш қисмида амалга оширилади.“Ақлий ҳужум” методини қўллашдаги асосий қоидалар:1.Билдирилган фикр-ғоялар муҳокама қилинмайди ва баҳоланмайди.2.Билдирилган ҳар қандай фикр-ғоялар, улар ҳатто тўғри бўлмаса ҳам инобатга олинади.3.Ҳар бир таълим олувчи қатнашиши шарт.Қуйида “Ақлий ҳужум” методининг тузилмаси келтирилган.“Ақлий ҳужум” методининг тузилмаси“Ақлий ҳужум” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:1.Таълим олувчиларга савол ташланади ва уларга шу савол бўйича ўз жавобларини (фикр, ғоя ва мулоҳаза) билдиришларини сўралади;2.Таълим олувчилар савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришади;3.Таълим олувчиларнингфикр-ғоялари (магнитафонга, видеотасмага, рангли қоғозларга ёки доскага) тўпланади;4.Фикр-ғоялар маълум белгилар бўйича гуруҳланади;5.Юқорида қўйилган саволга аниқ ва тўғри жавоб танлаб олинади.“Ақлий ҳужум”методининг афзалликлари:Муаммоли савол бериладиФикр ва ғоялар эшитилади ва жамлаб бориладиФикр ва ғоялар гуруҳланадиАниқ ва тўғри жавоб танлаб олинади

14натижалар баҳоланмаслиги таълим олувчилардатурли фикр-ғояларнинг шаклланишига олиб келади;таълим олувчиларнинг барчаси иштирок этади;фикр-ғоялар визуаллаштирилиб борилади;таълим олувчиларнинг бошланғич билимларини текшириб кўриш имконияти мавжуд;таълим олувчиларда мавзуга қизиқиш уйғотади.“Ақлий ҳужум”методининг камчиликлари:таълим берувчи томонидан саволни тўғри қўя олмаслик;таълим берувчидан юқори даражада эшитиш қобилиятининг талабэтилиши.“КИЧИК ГУРУҲЛАРДА ИШЛАШ” МЕТОДИ-таълим олувчиларни фаоллаштириш мақсадида уларни кичик гуруҳларга ажратган ҳолда ўқув материалини ўрганиш ёки берилган топшириқни бажаришга қаратилган дарсдаги ижодий иш. Ушбу метод қўлланилганда таълим олувчи кичик гуруҳларда ишлаб, дарсда фаол иштирок этиш ҳуқуқига, бошловчи ролида бўлишга, бир-биридан ўрганишга ва турли нуқтаи-назарларни қадрлаш имконига эга бўлади.“Кичик гуруҳларда ишлаш” методи қўлланилганда таълим берувчи бошқа интерфаол методларга қараганда вақтни тежаш имкониятига эга бўлади.Чунки таълим берувчи бир вақтнинг ўзида барча таълим олувчиларни мавзуга жалб эта олади ва баҳолай олади. Қуйида “Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг тузилмаси келтирилган.“Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг тузилмаси“Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

151.Фаолият йўналиши аниқланади. Мавзу бўйича бир-бирига боғлиқ бўлган масалалар белгиланади.2.Кичик гуруҳлар белгиланади. Таълим олувчилар гуруҳларга 3-6 кишидан бўлинишлари мумкин.3.Кичик гуруҳлар топшириқни бажаришга киришадилар.4.Таълим берувчи томонидан аниқ кўрсатмалар бериладива йўналтириб турилади.5.Кичик гуруҳлар тақдимот қиладилар.6.Бажарилган топшириқлар муҳокама ва таҳлил қилинади.7.Кичик гуруҳлар баҳоланади.«Кичик гуруҳларда ишлаш» методининг афзаллиги:ўқитиш мазмунини яхши ўзлаштиришга олиб келади;Кичик гуруҳлар шакллантириладиМавзу ёритилади1-гуруҳга топшириқ2-гуруҳга топшириқ3-гуруҳга топшириқ4-гуруҳга топшириқКўрсатма бериш ва йўналтиришМуҳокама ва таҳлил қилиш1-гуруҳ тақдимот2-гуруҳ тақдимоти3-гуруҳ тақдимот4-гуруҳ тақдимотБаҳолаш

16мулоқотга киришиш кўникмасининг такомиллашишига олиб келади;вақтни тежаш имконияти мавжуд;барча таълим олувчилар жалб этилади;ўз-ўзини ва гуруҳлараро баҳолаш имконияти мавжуд бўлади.«Кичик гуруҳларда ишлаш» методининг камчиликлари:баъзи кичик гуруҳларда кучсиз таълим олувчилар бўлганлиги сабабли кучли таълим олувчиларнинг ҳам паст баҳо олиш эҳтимоли бор;барча таълим олувчиларни назорат қилиш имконияти паст бўлади; гуруҳлараро ўзаро салбий рақобатлар пайдо бўлиб қолиши мумкин;гуруҳ ичида ўзаро низо пайдо бўлиши мумкин.“БАҲС-МУНОЗАРА” МЕТОДИ-бирор мавзу бўйича таълим олувчилар билан ўзаро баҳс, фикралмашинув тарзида ўтказиладиган ўқитиш методидир.Ҳар қандай мавзу ва муаммолар мавжуд билимлар ва тажрибалар асосида муҳокама

қилиниши назарда тутилган ҳолда ушбу метод қўлланилади. Баҳс-мунозарани бошқариб бориш вазифасини таълим олувчиларнинг бирига топшириши ёки таълим берувчининг ўзи олиб бориши мумкин. Баҳс-мунозарани эркин ҳолатда олиб бориш ва ҳар бир таълим олувчини мунозарага жалб этишга ҳаракат қилиш лозим. Ушбу метод олиб борилаётганда таълим олувчилар орасида пайдо бўладиган низоларни дарҳол бартараф этишга ҳаракат қилиш керак. “Баҳс-мунозара” методини ўтказишда қуйидаги қоидаларга амал қилиш керак:barча таълим олувчилар иштирок этиши учун имконият яратиш;“ўнг қўл” қоидаси (қўлини кўтариб, руҳсат олгандан сўнг сўзлаш)га риоя қилиш;fикр-ғояларни тинглаш маданияти;билдирилган фикр-ғояларнинг такрорланмаслиги;

17бир-бирларига ўзаро ҳурмат.Қуйида “Баҳс-мунозара” методини ўтказиш тузилмаси берилган.“Баҳс-мунозара”методининг тузилмаси“Баҳс-мунозара” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:1.Таълим берувчи мунозара мавзусини танлайди ва шунга доир саволлар ишлаб чиқади. 2.Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммо бўйича савол беради ва уларни мунозарага таклиф этади. 3.Таълим берувчи берилган саволга билдирилган жавобларни, яъни турли ғоя ва фикрларни ёзиб боради ёки бу вазифани бажариш учун таълим олувчилардан бирини котиб этиб тайинлайди. Бу босқичда таълим берувчи таълим олувчиларга ўз фикрларини эркин билдиришларига шароит яратиб беради. 4.Таълим берувчи таълим олувчилар билан биргаликда билдирилган фикр ва ғояларни гуруҳларга ажратади, умумлаштиради ва таҳлил қилади. 5.Таҳлил натижасида қўйилган муаммонинг энг мақбул ечими танланади. “МУАММОЛИ ВАЗИЯТ” МЕТОДИ -таълим олувчиларда муаммоли вазиятларнинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ечимини Муаммоли савол ташланадиТурли фикрлар тингланадиФикр-ғоялар тўпланадиТаҳлил қилинадиАниқва мақбул ечимни топиш

18топиш бўйича кўникмаларини шакллантиришга қаратилган методдир.“Муаммоли вазият” методи учун танланган муаммонинг мураккаблиги таълим олувчиларнинг билим даражаларига мос келиши керак. Улар қўйилган муаммонинг ечимини топишга қодир бўлишлари керак, акс ҳолда ечимни топа олмагач, таълим олувчиларнинг қизиқишлари сўнишига, ўзларига бўлган ишончларининг йўқолишига олиб келади. «Муаммоли вазият» методи қўлланилганда таълим олувчилар мустақил фикр юритишни, муаммонинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилишни, унинг ечимини топишни ўрганадилар. Қуйида “Муаммоли вазият” методининг тузилмаси келтирилган.“Муаммоли вазият” методининг тузилмаси“Муаммоли вазият” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:1.Таълим берувчи мавзу бўйича муаммоли вазиятни танлайди, мақсад ва вазифаларни аниқлайди. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммони баён қилади.Гуруҳларнинг муаммоли вазиятнингечимини ишлаб чиқишиМуаммоли вазият тавсифини келтиришГуруҳларга бўлишГуруҳларнингмуаммоли вазиятнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлашиГуруҳларнингмуаммоли вазиятнинг оқибатлари тўғрисида фикр юритишиТўғри ечимларни танлаш

1ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ -МЕТОДИК МАРКАЗИ“Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарорлар қабул қилиштехнологиялари”модулибўйичаЎ Қ У В –У С Л У Б ИЙМ А Ж М У АТошкент –2016

2Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 6 апрелидаги 137-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.Тузувчи:ТДТУ, ф.ф.д.проф. Р.С.Самаров,БИММ, пс.ф.н. Х.АлимовТақризчи:ТДЮУ, ф.-м.ф.н., доц. А.КаримовЎқув-услубий мажмуа

Бош илмий-методик марказИлмий-методик кенгашининг 2016 йил _____даги ___-сонли қарори билан нашргатавсия қилинган.

4I. ИШЧИ ДАСТУРКиришТаълим-тарбия жараёнида мақбул қарор қабул қилиш учун мавжуд таҳлил турларидан тизимли таҳлил усулидан фойдаланишни тақозо этади. Таҳлил, интеллектуал фаолиятнинг юқори босқичи ҳисобланиб, жорий ҳолат, ҳодиса, жараён, рақам ва далилларни алоқадорлик даражасини белгилаб, унинг маданий аҳамияти истиқболини белгилаб беришда ифодаланади. Шу сабабли, таҳлил фаолият шакли сифатида ривожланиб, бугунги кунда унинг соҳавий турлари ва моделлари яратилган. Негаки, ҳар қандай муаммони ечимини белгилашда, вужудга келган“Х-педагогик вазият”ни конструктив кечишини таъминлаш учун таҳлил амалий аҳамият касб этиб, педагогик фаолият доирасида регулятив, йўналтирувчи, жипслаштирувчи, рағбатлантирувчи, диагностик ва прогностик каби вазифа(функция)ларни бажаради. Мазкур хусусиятларни инобатга олган ҳолда Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларида“Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарорлар қабул қилиш технологиялари” модули жорий этилди.“Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарорлар қабул қилиш технологиялари”модулининг дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизиминиянада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.Дастур мазмуни Олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари вақонунчилик нормалари, Илғор таълим технологиялари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, Амалий хорижий тил, Махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги,Intenet тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари нафақат педагогик жараённи бошқарувини амалга оширишда, балки уни режалаштириш, такомиллаштиришда ҳар бир профессор-ўқитувчи томонидан қўлланилиши талаб этилади. Президентимиз Ислом Каримов“Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш –барча

5ишларимизнинг мезони ва мақсадидир” номли китобида “Биз жаҳондаги тараккий этган мамлакатларнинг ривожланиш йўлларини диққатбилан ўрганиб бормоқдамиз”1деб, тараққиётни таъминлаш йўлида табиий тарзда юзага келадиган муаммоларни ўрганиб, мақбул усулларни танлашимизни кўрсатиб ўтганлар. Бу йўсинда, тизимли таҳлилдан восита сифатида фойдаланиб, турли даражаларда мақбул қарор қабул қилиш амалий мвзун касб этади.Тизимли таҳлил, таҳлил турини нисбатан янги ва самарали усулларидан ҳисобланиб, ўзининг методологиясига эгадир. Бунда, ҳар қандай масала (муамо) яхлит тарзда (тизим шаклида) танланиб (идрок этиб), барча хоссалари билан алоқадорлик даражаси аниқланади. Бу амал жуда мураккаб, алоҳида тайёргарликка эга бўлиш билан бирга тизим назарияси, тизимларнинг структураси, тизимости алоқадорлик қонунияти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишшни тақозо этади.Тазимли таҳлил этиш учун ҳар қандайобъект танланиши мумкин. Бунда ижтимоий, иқтисодий, маданий институтларни яхлит тарзда автоном танлаш мумкин. Лекин, уларни мақсади, амал қилиш қонуниятларини инобатга олиш лозим бўлади. Тизимли таҳлил асосида бир бир кўринишга эга бўлган манба тайёрланади. У, маъруза, тезис, ҳисобот, тавсиянома бўлиши мумкин. Агарда, танланган мавзу кенг бўлса, бу ҳолда мақола, рисола ва монография тайёрлаш мумкин. Лекин,

бошқарувда, шу жумладан педагогик фаолиятда қарор қабул қилиш учун ҳам тизимли таҳлил амалий мазмун касб этади.Тизимлар турли белгилари асосида техник, иқтисодий, маданий, казуал, мураккаб, гипермураккаб каби турларга ажратилиши мумкин. Педагогик фаолиятда тизимли таҳлилни амалга оширишда биринчи навбатда педагогик ёки илмий муаммо тўғри танланиши лозим. Иккинчи навбатда, таҳлил методлари ўринли (мақсадли) танланиши лозим, иложи борижа ўлчов бирлигига эга бўлган методлардан фойдаланиш лозим. Сўнгра жамланган маълумотларни алоқадорлиги ва дахлдорлиги бўйича гуруҳларга ажратиб, тизим фаолиятига салбий таъсир кўрсатадиган омилни (бунда, тизим ости ҳам намоён бўлиши мумкин) белгилаб, уни фаолиятмандлигини таъминлаш лозим бўлади. Шу сабабли, тингловчиларга тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асосларига доир бўлган вазиятли машқларни бажариш, педагогик вазиятларни моделлаштириш, педагогик жараёнларнинг кечишини диагностикасини бажариш ҳамда прогнозини амалга ошириш орқали шахсий педагогик тактни танлаш (эгаллаш) имонини бериши нафақат педагогик фаолиятни, балки педагогик тизимни такомиллашуви учун хизмат қилади.1Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш –барча ишларимизининг мезонива мақсадидир. –Т.: Ўзбекистон, 2007. 98-99 бет.

6Модулнинг мақсад ва вазифалари:“Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарорлар қабул қилиш технологиялари” модулининг мақсади: педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг тингловчиларини таҳлил, таҳлилни ўтказиш босқичлари, тизимли таҳлилнинг вужудга келиши ва уни педагогик фаолиятда қўллаш технологияси, қарор ва унинг турлари, қарорни тайёрлаш босқичлари, қароларнинг мақсади ҳақида билимларини такомиллаштиришдан иборат. Бу ҳолат ўз навбатида тингловчилардан мазкур масалага бағишланган республикамиз ва хорижий илмий марказларда қўлга киритилган ютуқлар, замонавий илмий йўналишлар, тадқиқот моделлари билан таништириш ҳамда уларни ўз ихтисосслигидан келиб чиққан ҳолда амалий қўллаш юзасидан кўникма ва малакаларга эгабўлишни тақозо этади.Модулнинг вазифалари:-педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг тингловчиларига қарор вариантларини тайёрлаш учун тизимли таҳлил ўтказишнинг мақсад ва вазифалари, уни амалга оширишда қўлланиладиган услублар ҳақида аниқ тасаввурларни шакллантириш;-педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг тингловчиларига тизим ва унинг турлари, тизимли таҳлилнинг мақсади ва тизимли таҳлилни амалга оширишда қўлланиладиган методлар ҳақида аниқ ахборот бериб, тизимли таҳлил ўтказиш усулларини моделлари билан таништириш;-педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг тингловчиларига тизимли таҳлилни жамиятни иқтисодий, ижтимоий, маданий ва сиёсий соҳаларида қўллаш тартиби ва олинадиган натижаларни таълим-тарбия жараёнида қўллаш технологиялари кўрсатиш;-педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг тингловчиларига қарор ва унинг турлари, қарорни таёрлашда ахборот ва бошқа омилларнинг таъсири, ахборотни жамлаш ва саралашда қўлланиладиган методлар ҳақида аниқ маълумот бериш;-педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг тингловчиларига тизимли таҳлил натижалари асосида қарор қабул қилишни мақбул жиҳатларини аниқ мисоллар (вазиятли машқлар) воситасида очиб бериш;-педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг тингловчиларига педагогик муаммони вужудга келиши, кечиши ва уни бартараф этишда тизимли таҳлилнинг аҳамияти, қарор қабул қилишда талаба, педагог ва таълим муассасасини манфаатларини инобатга олиниши ҳақида маълумот бериш;-педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг тингловчиларига тизимли таҳлил моделлари билан таништириб, педагогик фаолиятда қарор қабул қилишда уларни қўллаш учун техникасини ўргатиш.

32-қиёслаш (рақамлар, далиллар, билдирилган фикр ва муносабатларни қиёслаш) усули;-суҳбат(нутқ мулоқоти ёрдамида бевосита ёки билвосита маълумот олишт) усули.-биографик (кишини унинг

таржимаи ҳоли билан боғлик бўлган хужжатлар орқали ўрганиш) усул;-интервью (муаммога оид бўлган саволларга берилган жавоб тариқасида ахборот тўплаш) усули;-кузатиш (кишининг ҳаракатларида намоён бўладиган турли ҳолатларни ҳисобга олиш, бирон бир жараённи кечишига оид ахборот олиш)усули;-социометрия(Ж. Морено томонидан тавсия этилган бўлиб, ўзаро муносабатлар тузилиши билан психологик қовушувчанликни аниқлаш мақсадида гуруҳ ва жамоалардаги шахслараро муносабатларни ўрганиш. Бугунги кунда социометрияни турли вариантлари ишлаб чиқилган) усули;-тест (стандартлаштирилган синов бўлиб, унинг ёрдамида у ёки бу хилдаги психик жараён баҳоланиб, шахсни бир бутунлигича ўрганиш мумкин) усули;-эксперимент(муаммоли вазиятни ҳал қилиш жараёни, ҳаттоки шахснинг ҳис-туйғулари, характери, қобилияти, ақл-заковатини ўрганиш мумкин. Бунда,объектга таъсир этадиган барча омиллар катъий назорат килган ҳолда кузатилади) усули;-моделлаштириш (жараённи билвосита ўрганишга асосланганбўлиб,бунда бирон объектнинг хусусиятларини ўрганиш учун махсус равишда тўзилган бошка объектда қайта хосил қилиш тушунилади) усули;-прогнозлаш (бирор-бир ҳодисанинг келажақдаги ҳолати ҳақидаги мулоҳаза) усули;-экстраполяция (лот. ekstra-тез, polio-силлиқлайман, тўғрилайман) бирор ҳодисанинг алоҳида қисмини кузатиш натижасида олинган хулосани шунга ўхшаш ҳодисанинг бошқа бир қисмига, бошқа ҳудудига (манзилга, жойга) тадбиқ этиш) усули.Шу билан бирга биографик ва тарихий-қиёсий усулларни ҳам кўрсатиб ўтиш мумкин.Биографик метод (юнон тилида bios –ҳаёт, graho–ёзаяпман) –шахс ҳаёт йўлини тадқиқ этиш, ташхислаш, коррекциялаш, режалаштириш услуби. Биографик усул XX асрнинг биринчи чорагида татбиқ этила бошланди. Бирламчи биографик усуллардан ёрдамида сиёсатчилар, тарихий шахслар ўтмишдаги сиёсий ҳаётни ретроспектив таҳлил этиш мақсадида фойдаланилган. Кейинчалик бунга муҳим ва келажакда бўлиши мумкин бўлган ҳодисаларни (бўлажак автобиография, бошқариладиган фантазия, ҳаётни режалаштириш, каузометрия)ни, шунингдек, шахснинг мулоқот доирасини (қўшимча биография, субъектнинг муносабатлар доирасини) қўшишди. Замонавий биографик методлар сиёсатчи шахсини тарихий,

ЗЗижтимоий ва индивидуал борлиқ доирасида ўрганишга асосланган бўлиб, шахс ривожининг сценарийси ва ҳаётий дастурлари, унинг касбий, оилавий, маънавий, табиий ва ижтимоий маконда «макон-вақт» доирасида таҳлил этади. Биографик методларни қўллашда сўровнома, интервью, тест, яқинларининг кўрсатмалари, замондошларининг хотиралари, фаолият маҳсулини ўрганиш(хатлари ва кундаликларини, маърузалари нутқларининг контент-таҳлили ва б.)дан манба ва восита сифатида фойдаланилади.Тарихий-қиёсий усулларгатарихий тавсиф, аниқ таҳлил, қиёслаш, даврийлаштириш, хронологик, муаммоли-хронологик, ретроспектив, истиқболни белгилаш, тарихий аналогик ва бошқа услублар киради. Қиёсий-тарихий услублар сиёсий-психологик далиллар ва ҳодисалар юзага келганда ҳамда амалга ошганда, ривожланишнинг турли босқичларида сифат кўрсаткичи жиҳатидан ўзгариб боришини тарихий муҳит билан узвий боғлиқ ҳолда ўрганиш имконини беради.Шу аснода тизим деганда, нафақат тизимнинг (бошқариш объектининг) ўзаро боғланган таркибий қисмларини йиғиндиси ва унинг ўзаро ички боғлиқлик даражалари тушунилиши лозим. Балки ташқи алоқадорликларни даражалари ҳам унинг таркибига киришини инобатга олиш мақсадга мувофиқдир. Буўз навбатида тизимли таҳлилни амалга ошириш йўлини, яъни ёндашувни белгилаб олишни тақозо этади.Таҳлил, бу турли ҳажм ва мазмундаги ахборотни жамлаб, манба шаклига келтириш бўлиб, бунга тизимли ёндашиш мақсадга мувофиқдир. Тизимли ёндашиш, бу объектни яхлит мажмуа сифатида ўрганишга асосланган методология, илмий англашни таъминловчи “йўл”дир. Фанда, тизимли ёндашув турли фан соҳаларининг вакиллари томонидан шакллантирилган. Тизимли ёндашув, бу ўзаро алоқадор бўлган жиҳатларни қамраб олган мажмуа бўлиб, таҳлилни амалга оширишда методология вазифасини бажара олади. Булар:–тизимли –хоссавий (элементли), тизим нималардан таркиб топган? деган саволга жавоб топиш учун хизмат қилади;–тизимли -структуравий, тизимни ички тузулишини, унинг таркибларини

таъминлашувини белгилаш учун хизмат қилади;–тизимли -функционал,тизим ва уни вужудга келтирувчи қандай вазифаларни бажаришини ажратиб бериш учун хизмат қилади;–тизимли -коммуникатив, тизимнинг бошқа тизимлар билан горизонтал ва вертикал алоқадорликларни моҳиятини белгилаш учун хизмат қилади;–тизимли -интегратив, тизимни сақланиш механизми, сақланиш омиллари ва такомиллашуви белгилаш учун хизмат қилади;–тизимли -тарихий, “тизим қандай шаклланган?”, “ривожланиш давомида қандай босқичлардан ўтган?”, “тизимни истиқболи қандай?” деган саволларга жавоб бериш учун хизмат қилади.Кўриниб турибдики, тизимли ёндашув, бу тизимли таҳлилни амалга ошириш йўлини белгилаб бериш учун хизмат қиладиган мажмуа ҳисобланади.

34Тизимни (объектни) бошқаруви билан боғлиқ бўлган масалани хавфсизликни таъминлаш назари асосида тизимли таҳлил қилишни тадқиқотчи қуйидаги кетма-кетликда амалга ошириши мақсадга мувофиқ:-ўзининг илмий салоҳиятини инобатга олиб, тадқиқотнинг вазифа ва мақсадини (яъни, истиқболдаги истакли ҳолатини) белгилаб олиши;-таҳлил учун танланган тизимни (бунда фаолият соҳалари назарга олинган) ҳамда ташқи муҳитнинг ривожланиш тарзи ва прогнозини тадқиқотда белгиланиши;-ташқи муҳит омилларини (истеъмолчилар бозори, мол етказиб берувчи ҳамда рақобатчилар ва бошқалар) тадқиқ қилиб, унинг истиқболини белгилаши;-мақсад ва вазифаларнинг тизим тузилиши(яратилиши)да ифодаланишини белгилаб олиши лозим.2.2. Умумилмий ва хусусий методлар.Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёни давомида табиий тарзда вужудга келадиган ҳар қандай мазмундаги муаммоларни/ўзгаришларни тизимли ўрганиш галдаги ривожланиш босқичига, яъни миқдорий кўрсаткичдан, сифат кўрсаткичига ўтишни таъминлаш учун хизмат қилади. Бу ўз навбатида жараённи илмий ўрганишни (билишни) тақозо этадики, бунда абстракция,индукция вадедукциякаби методлардан фойдаланишни тақозо этади.Билиш,оламнинг инсон онгида акс ээтириш жараёни ҳисобланиб, инсон ўзини қуршаб олган атроф-муҳит тўғрисида билим ва тасаввурга эга бўлмай туриб, фаолиятнинг бирон-бир тури билан шуғуллана олмайди. Б.нинг махсули, натижаси билим бўлиб, билимлар маиший, илмий ва махсус каби турларга ажратилади. Ҳар қандай муаммони ўрганиш учун билим керак бўлади ва таҳлилни амалга ошириш давомида эхтиёж сифатида, касбий зарурият кўринишида намоён бўлади.Ҳар қандай билиш мавҳумлик жараёнлари билан заруран боғлиқ. Бу жараёнларсиз нарса(жараён)нинг моҳиятини очиб бериш, унинг “ичи”га чуқур кириш мумкин эмас. Нарса(жараён)ни бўлакларга бўлиш, ундаги муҳим жиҳатларини қисмларга ажратиш, уларни “соф” ҳолида ҳар томонлама таҳлил қилиш, тафаккурнинг мавҳумлаштирувчи фаолияти натижасидир. Шу сабабли муаммони ўрганишда жараёнида абстракциянинг аҳамияти жуда катта. Абстакция нечоғлик чинакам илмий бўлишига қараб амалиёт мезони тарзида хизмат қилади.Абстракция(лот. abstaktio – мавхумлик) билиш шаклларидан бири бўлиб, у нарса(жараён)ларнинг бир қанча хоссаларини ва улар ўртасидаги алоқадорлиларни фикран назардан соқит қилишдан ҳамда бирон бир хосса ёки муносабатни ажратиб кўрсатишдан иборат. Назардан четлатиш жараёни абстракциялаш маҳсули ҳисобланиб, воқеа, ходиса, предметлар кузатилаётганда ниҳоясизлик абстракцияси, “санаб чиқилган”, “тугалланган”

35абстракцияларидан фойдаланиш мумкин.Ҳар муаммони ўрганишда абстракциясиз бирор бир натижага эришиб бўлмайди. Унингсиз предмет(жараён)ни моҳиятини очиш, унинг ички табиатига кириш мумкин эмас. Нарса, ҳодиса, предметни бўлакларга бўлиш, уларни муҳим тамойилларини ўрганиш, бўлакларгаажратиш абстракция методи орқали бажарилади.Тизимли таҳлил этиш жараёнида, фикр, мураккабликдан оддийликка, тасодифдан заруратга қараб, хилма-хилликдан айниятга ва бирликка қараб ҳаракат қилади. Шу сабабли, тизимли идрок алоҳида ўрин тутади. Чунки, тизили таҳлилнинг мақсади қисмларни, мураккаб бутуннинг унсурлари сифатида ўрганиб, уларўртасидаги алоқа ва қонуниятларни алоқадорлик даражасини белгилаб олишдан иборат. Бироқ, тизимли таҳлил жараённинг моҳиятини ажратиб, мавҳум ҳолда қолаётган бирлик, хилма-хилликдаги бирликни очиш учун хизмат қилади. Бунда синтезлашув жараёни вазифадорлигижиҳатидан муҳим ўрин тутиб, таҳлил

давомида ажратилган қисмлар, хоссалар, муносабатларни ягона бир бутунликка келтириш учун хизмат қилади. Синтез бирликдан, тафовутга ва хилма-хилликка қараб йўналтирилган бўлиб, умумийлик ва хусусийликни, бирлик ва хилма-хилликни муайян органик яхлитликга бирлаштиради.майдонини кегайтириши бўйича мураккаб вазиятга туширсада, аммо тадқиқотчининг таҳлилий фаолиятининг мазмундорлигини таъминлайди. Чунки ўрганилаётган жараёнга таъсир кўрсатадиган барча омиллар (субъекти, объектив)нинг таъсир кўрсатишини даражавийлигини (улар, кучли таъсир кўрсатади, тўлдирувчи тарзида амал қилиши мумкин) белгилаб олиш имкониятини яратади. Бу ўз навбатида тизимли таҳлил турининг тузулишига оид тасаввурга эга бўлишни тақозо этади. Назарий мулоҳазалар ва тажрибанинг хулосавий натижаларига суяниб тизимли таҳлилнинг назарий моделини (2 –чизма) келтирамиз.2 -чизма.Тизимли таҳлилни амалга оширишда умумилмий ва хусусий

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

Барча таълим йўналишлари учун

“ПЕДАГОГИК ЖАРАЁННИНГ ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛИ”

модули бўйича

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Тошкент - 2016

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 6 апрелидаги 137-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчилар: **ТДПУ ҳузуридаги ПКҚТ ва МО тармоқ маркази доценти, п.ф.д. Д.Юнусова**

Тақризчи: **Гейделберг педагогика университети (Германия), профессор. Hans-Werner Huneke.**

Ўқув-услубий мажмуа ТДПУ Кенгашининг 2016 йил 29 августдаги 1/3.8-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР 4

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ 12

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР 25

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ 64

V. КЕЙСЛАР БАНКИ 110

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ 126

VII. ГЛОССАРИЙ 131

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ 143

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 242-сонли Қарори, “Педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳақидаги Низом” талаблари асосида ишлаб чиқилган “Педагогика” таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйилган малака талабларидан келиб чиққан ҳолда олий таълим тизимида математика фанларидан ўқув машғулотлари олиб бораётган педагоглар назарий ва методик тайёргарлигини педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курси модуллари қаторида “Педагогик жараённинг тизимли таҳлили” ўқув модули ёрдамида такомиллаштириш режалаштирилган.

Тизимли таҳлил - бу шундай бир ижодий жараёнки, унинг натижасида алоҳида фактларни режалаштириш, назорат қилиш ва мувофиқлаштириш билан боғлиқ маълум қарорларни қабул қилувчи ва бажарувчилар учун мўлжалланган тайёр маҳсулотга айланади. Ҳозирги даврда ҳар бир педагог ахборот-таҳлил ишининг усул ва воситаларини билиши ҳамда юзага келувчи педагогик вазиятларни тадқиқ қилишда улардан самарали фойдалана олиши лозим. Илмий услубларни эътиборга олмаслик ёки улардан фойдалана билмаслик нафақат вақт ва кучни исроф қилишга, балки кейинчалик муҳим қарорлар қабул қилишга ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Тингловчиларга педагогик жараёнларнинг тизимли таҳлили асослари, педагогик вазиятларни моделлаштириш юзасидан маълумот бериш нафақат

педагогик фаолиятни, балки педагогик тизимни такомиллашуви учун хизмат қилади.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Педагогик жараённинг тизимли таҳлили**” модулининг мақсади:** педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчиларини олий таълим жараёни долзарб муаммолари, тизимли таҳлил метод ва воситалари асосида бу муаммоларни таҳлил қилиш, педагогик жараёнлар структурасидаги таркибий қисмлар, унинг яхлитлиги в.б. ҳақидаги билимларини такомиллаштириш, олий таълим тизими педагогларининг касбий тайёргарлиги сифатини орттириш; педагогик фаолиятга тизимли ёндашишни ўргатишдан иборат.

“Педагогик жараённинг тизимли таҳлили” модулининг вазифалари:

- тингловчиларда педагогик тизим ва унинг асосий компонентлари ҳақида аниқ тасаввурларни шакллантириш;

- тингловчиларда педагогик тизим турлари, тизимли таҳлилнинг мақсади ва тизимли таҳлилни амалга оширишда қўлланиладиган методлар ҳақида аниқ маълумот бериш;

- педагогик жараёнларнинг тизимли таҳлилининг мақсад ва вазифалари, уни амалга оширишда қўлланиладиган услублар ҳақида аниқ тасаввурларни шакллантириш;

- педагогик муаммони вужудга келиши, кечиши ва уни бартараф этишда тизимли таҳлилнинг аҳамияти ҳақида маълумот бериш;

- тизимли таҳлил моделларини педагогик фаолиятда қўллаш техникасини ўргатиш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Педагогик жараённинг тизимли таҳлили” модулини ўзлаштириш жараènида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчилар:

- турли педагогик вазиятларда таълим-тарбия манфаатларидан келиб чиққан ҳолда йўл тутиш;

- тизимли таҳлилни амалга ошириш учун тадқиқот стратегисини тўғри танлаш ва методларни белгилаш;

- тизимли таҳлил методларини амалий қўллай олиш ва олинган натижаларни таълим-тарбия жараёнига татбиқ этиш;

- пеадгогик фаолиятни моделлаштириш ва прогнозини амалга ошириш;

- касбий фаолиятда тизимли таҳлил методларидан фойдалана олиш;

- педагогик жараён таҳлили натижалари асосида манба тайёрлаш ва уни манзилга юбориш;

- олий таълим тизими учун ахборотларни таҳлилини амалга ошириб, манба тайёрлаш;

- ўқув жараёнини такомиллаштириш мақсадида педагогик жараённи тизимли таҳлил этиш **компетенцияларига эга бўлиши лозим.**

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

Модул бўйича маъруза машғулотлари олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг мавзу доирасидаги долзарб масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашиш, мунозара, муҳокамасини ташкил этишга асосланади. Амалий машғулотлар давомида тингловчиларнинг таҳлилий, танқидий, ижодий ўрганиш ва тажриба алмашуви амалий мазмундаги топшириқларда бевосита фаол иштирок этиши орқали амалга оширилади.

Маъруза, амалий машғулотлар ва мустақил таълим топшириқлари бир-бири билан узвий боғланган, бир-бирини тўлдирувчи амалий ишлардан иборат бўлиб, бунда ҳар бир тингловчига ўзи ўқитаётган ўқув фани, олий таълим муассасасидаги лавозим вазифалари доирасидаги муаммони танлаш, индивидуал ишлаш имконияти берилади.

Ўқув машғулотларидан ташқари вақтда компьютер синфида модул бўйича тайёрланган услубий ишланмалар (маърузалар матни, тақимотлар, намуналар, қўшимча материаллар, ёрдамчи манбалар, Интернет)дан, Низомий номидаги ТДПУ кафедраларида мавжуд имкониятлардан фойдаланиш учун шарт-шароит яратилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Модул мазмуни ўқув режадаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожи ва таълим-тарбия масалалари”, “Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик хужжатлари“, “Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик”, “Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарорлар қабул қилиш технологиялари”, “Педагогик квалиметрия” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайѐргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Тингловчилар модул доирасида узатиладиган маълумотлар асосида таълим-тарбия жараёнини тизимли таҳлилини амалга ошириб, педагогик жараён таркибий қисмлари, уларнинг функциялари, тизим яхлитлигини таъминлашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Мавзулар	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					
		Умумий соат	Аудиториядаги ўқув юкламаси				Мустақил таълим
			Жами	Жумладан:			
				Назарий	Амалий	Кўчма машғулот	
1.	Педагогик тизимнинг методологик асослари	2	2	2			
2.	Педагогик тизимларни моделлаштириш методлари	2	2	2			

3.	Педагогик илмий тадқиқот ишлар тизими	**2**	**2**		**2**		
4.	Ўқув машғулотининг тизимли таҳлили	**2**	**2**		**2**		
5.	Ўқув фани асосий тушунчалар тизими	**2**	**2**		**2**		
6.	Ўқув фани бўйича назорат ва баҳолаш тизими	**2**	**2**		**2**		
7.	Педагогик жараёнларни бошқариш тизимлари	**2**					**2**
	Жами:	**14**	**12**	**4**	**8**		**2**

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-МАВЗУ: ПЕДАГОГИК ТИЗИМНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Режа:

1. Педагогик тизим тушунчаси ва моҳияти.
2. Педагогик тизимларининг ривожланиш хусусиятлари ва қонуниятлари.
3. Педагогик жараёнлар ва ҳодисалар тузилмаларини тақдим этиш турлари ва шакллари.

Педагогик тизим, педагогик тизим элементлари, тагтизмлари. Ўзбекистон узлуксиз таълим тизими, унинг тагтизимлари. Олий таълим тизими. Педагогик тизимнинг структуравий ва функционал таркибий қисмлари. Педагогик технологиялар педагогик жараён тизими сифатида. Педагогик тизим очиқ тизим сифатида. Педагогик тизим мураккаб тизим сифатида. Педагогик жараёнлар диффуз тизим сифатида. Педагогик жараёнлар ўз-ўзини ташкил этувчи, ривожлантирувчи тизим сифатида.

Педагогик тизимлар асосий тамойиллари.

2- МАВЗУ: ПЕДАГОГИК ТИЗИМЛАРНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ МЕТОДЛАРИ

Режа:

1. Педагогик жараёнлар ва ҳодисалар тузилмаларини тақдим этиш турлари ва шакллари.

2. Педагогик тизимларни моделлаштиришга замонавий ёндашувлар

3. Педагогик жараёнларни когнитив моделлаштириш

4. Педагогик тизимларни сифатли таҳлили методлари.

Тизим структураси. Тизимларни моделлаштириш. Педагогик тизим структураси ва унинг турлари. Тизим структурасининг декомпозицияси. Педагогик жараён иерархик структураси. Педагогик жараён матрицали структураси. Педагогик жараёнларни моделлаштиришга замонавий ёндашувлар. Педагогик тизимларни моделлаштиришнинг детерминал, стохастик, статик, динамик, дискрет, узлуксиз, дискрет-узлуксиз турлари. Педагогик жараёнларнинг реал, ҳаёлий, кўргазмали, фаразий моделлари. Педагогик жараёнларни когнитив моделлаштириш. Педагогик тизимларни сифатли таҳлили методлари.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

ПЕДАГОГИК ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИШЛАР ТИЗИМИ

Педагогик илмий тадқиқотларнинг тизимли таҳлили: педагогика соҳаси (ихтисосликлар) бўйича долзарб илмий-тадқиқот ишлари. Олий таълим педагогикасининг долзарб муаммолари. Мутахассислик фанларини ўқитишнинг долзарб муаммолари. Докторлик диссертациялари муаммоларига қўйилган талаблар. Докторлик диссертациялари мавзуларини танлаш, уларнинг асосномаси структураси. Автореферат, диссертациялар структураси.

2- АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

ЎҚУВ МАШҒУЛОТИНИНГ ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛИ

Ўқув машғулоти педагогик тизим сифатида. Дарснинг таркибий қисмлари. Замонавий дарслар ва уларга қўйилган талаблар. Тизимли таҳлил тамойиллари ва методлари асосида дарсни кузатиш ва баҳолаш. Дарснинг ўқув-методик таъминоти тизим сифатида. Дарсларда қўлланиладиган метод ва воситалар тизими ва уларнинг тизимли таҳлили.

3- АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

ЎҚУВ ФАНИ АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР ТИЗИМИ

Олий таълим муассасаси ўқув фани педагогик тизим сифатида. Тизимнинг тагтизимлари, элементларининг тизимли таҳлили. Ўқув фани асосий тушунчалари тизимининг бир бутунлилик, ривожланиш, глобал мақсад, функционаллик, марказдан қочиш, иерархия, ноаниқлик тамойиллари асосидаги таҳлили. Ўқув фани асосий тушунчалари ва уларни шакллантириш жараёни структураси.

4- АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

ЎҚУВ ФАНИ БЎЙИЧА НАЗОРАТ ВА БАҲОЛАШ ТИЗИМИ

Педагогик жараён натижалари. Мақсадга эришилганлик. Ўқув фани бўйича талабалар билим, кўникма ва малакалари тизими. Таълим жараёни натижаларини назорат қилиш ва баҳолаш тизими. Ўқув фани бўйича талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш долзарб муаммоларининг тизимли таҳлили асосида уни такомиллаштириш йўлларини ишлаб чиқиш.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

-маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни

мустаҳкамлаш);

-давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);

-баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш);

-тренинг машғулотлар (олий таълим математика дарсларида инновацион метод ва воситалардан фойдаланиш тажрибасига эга бўлиш).

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

6.2.	**Педагогик жараённинг тизимли таҳлили**	**Максимал балл**	**Баҳолаш мезони**		
		2	"аъло" 1,8-2	"яхши" 1,5-1,7	"ўрта" 1,1-1,4

№	**Назорат турлари**	**Максимал балл**	**Назоратлар сони**	**Умумий балл**
1	Амалий машғулот топшириғи	0,3	4	1,2
2	Мустақил таълим топшириғи	0,3	1	0,3
3	Кейс	0,5	1	0,5

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“АҚЛИЙ ҲУЖУМ” МЕТОДИ - бирор муаммо бўйича таълим олувчилар томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келинадиган методдир. “Ақлий ҳужум” методининг ёзма ва оғзаки шакллари мавжуд. Оғзаки шаклида таълим берувчи томонидан берилган саволга таълим олувчиларнинг ҳар бири ўз фикрини оғзаки билдиради. Таълим олувчилар ўз жавобларини аниқ ва қисқа тарзда баён этадилар. Ёзма шаклида эса берилган саволга таълим олувчилар ўз жавобларини қоғоз карточкаларга қисқа ва барчага кўринарли тарзда ёзадилар. Жавоблар доскага (магнитлар ёрдамида) ёки «пинборд» доскасига (игналар ёрдамида) маҳкамланади. “Ақлий ҳужум” методининг ёзма шаклида жавобларни маълум белгилар бўйича гуруҳлаб чиқиш имконияти мавжуддир. Ушбу метод тўғри ва ижобий қўлланилганда шахсни эркин, ижодий ва ностандарт фикрлашга ўргатади.

“Ақлий ҳужум” методидан фойдаланилганда таълим олувчиларнинг барчасини жалб этиш имконияти бўлади, шу жумладан таълим олувчиларда мулоқот қилиш ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади. Таълим олувчилар ўз фикрини фақат оғзаки эмас, балки ёзма равишда баён этиш маҳорати, мантиқий ва тизимли фикр юритиш кўникмаси ривожланади. Билдирилган фикрлар баҳоланмаслиги таълим олувчиларда турли ғоялар шаклланишига олиб келади. Бу метод таълим олувчиларда ижодий тафаккурни ривожлантириш учун хизмат қилади.

“Ақлий ҳужум” методи таълим берувчи томонидан қўйилган мақсадга қараб амалга оширилади:

1. Таълим олувчиларнинг бошланғич билимларини аниқлаш мақсад қилиб қўйилганда, бу метод дарснинг мавзуга кириш қисмида амалга оширилади.

2. Мавзуни такрорлаш ёки бир мавзуни кейинги мавзу билан боғлаш мақсад қилиб қўйилганда –янги мавзуга ўтиш қисмида амалга оширилади.

3. Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш мақсад қилиб қўйилганда-мавзудан сўнг, дарснинг мустаҳкамлаш қисмида амалга оширилади.

“Ақлий ҳужум” методини қўллашдаги асосий қоидалар:

1.Билдирилган фикр-ғоялар муҳокама қилинмайди ва баҳоланмайди.

2.Билдирилган ҳар қандай фикр-ғоялар, улар ҳатто тўғри бўлмаса ҳам инобатга олинади.

3.Ҳар бир таълим олувчи қатнашиши шарт.
Қуйида “Ақлий ҳужум” методининг тузилмаси келтирилган.



“Ақлий ҳужум” методининг тузилмаси

“Ақлий ҳужум” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Таълим олувчиларга савол ташланади ва уларга шу савол бўйича ўз жавобларини (фикр, ғоя ва мулоҳаза) билдиришларини сўралади;

2. Таълим олувчилар савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришади;

3. Таълим олувчиларнинг фикр-ғоялари (магнитафонга, видеотасмага, рангли қоғозларга ёки доскага) тўпланади;

4. Фикр-ғоялар маълум белгилар бўйича гуруҳланади;

5. Юқорида қўйилган саволга аниқ ва тўғри жавоб танлаб олинади.

“Ақлий ҳужум” методининг афзалликлари:

• натижалар баҳоланмаслиги таълим олувчиларда турли фикр-ғояларнинг

шаклланишига олиб келади;

• таълим олувчиларнинг барчаси иштирок этади;

• фикр-ғоялар визуаллаштирилиб борилади;

• таълим олувчиларнинг бошланғич билимларини текшириб кўриш имконияти мавжуд;

• таълим олувчиларда мавзуга қизиқиш уйғотади.

“Ақлий ҳужум” методининг камчиликлари:

• таълим берувчи томонидан саволни тўғри қўя олмаслик;

• таълим берувчидан юқори даражада эшитиш қобилиятининг талаб этилиши.

“КИЧИК ГУРУҲЛАРДА ИШЛАШ” МЕТОДИ - таълим олувчиларни фаоллаштириш мақсадида уларни кичик гуруҳларга ажратган ҳолда ўқув материалини ўрганиш ёки берилган топшириқни бажаришга қаратилган дарсдаги ижодий иш.

Ушбу метод қўлланилганда таълим олувчи кичик гуруҳларда ишлаб, дарсда фаол иштирок этиш ҳуқуқига, бошловчи ролида бўлишга, бир-биридан ўрганишга ва турли нуқтаи- назарларни қадрлаш имконига эга бўлади.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методи қўлланилганда таълим берувчи бошқа интерфаол методларга қараганда вақтни тежаш имкониятига эга бўлади. Чунки таълим берувчи бир вақтнинг ўзида барча таълим олувчиларни мавзуга жалб эта олади ва баҳолай олади. Қуйида “Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг тузилмаси келтирилган.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг тузилмаси

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Фаолият йўналиши аниқланади. Мавзу бўйича бир-бирига боғлиқ бўлган масалалар белгиланади.

2. Кичик гуруҳлар белгиланади. Таълим олувчилар гуруҳларга 3-6 кишидан бўлинишлари мумкин.

3. Кичик гуруҳлар топшириқни бажаришга киришадилар.

4. Таълим берувчи томонидан аниқ кўрсатмалар берилади ва йўналтириб

турилади.

5. Кичик гуруҳлар тақдимот қиладилар.

6. Бажарилган топшириқлар муҳокама ва таҳлил қилинади.
7. Кичик гуруҳлар баҳоланади.



«Кичик гуруҳларда ишлаш» методининг афзаллиги:

- ўқитиш мазмунини яхши ўзлаштиришга олиб келади;

- мулоқотга киришиш кўникмасининг такомиллашишига олиб келади;
- вақтни тежаш имконияти мавжуд;
- барча таълим олувчилар жалб этилади;
- ўз-ўзини ва гуруҳлараро баҳолаш имконияти мавжуд бўлади.

«Кичик гуруҳларда ишлаш» методининг камчиликлари:

- баъзи кичик гуруҳларда кучсиз таълим олувчилар бўлганлиги сабабли кучли таълим олувчиларнинг ҳам паст баҳо олиш эҳтимоли бор;
- барча таълим олувчиларни назорат қилиш имконияти паст бўлади;
- гуруҳлараро ўзаро салбий рақобатлар пайдо бўлиб қолиши мумкин;
- гуруҳ ичида ўзаро низо пайдо бўлиши мумкин.

“БАҲС-МУНОЗАРА” МЕТОДИ - бирор мавзу бўйича таълим олувчилар билан ўзаро баҳс, фикр алмашинув тарзида ўтказиладиган ўқитиш методидир.

Ҳар қандай мавзу ва муаммолар мавжуд билимлар ва тажрибалар асосида муҳокама қилиниши назарда тутилган ҳолда ушбу метод қўлланилади. Баҳс-мунозарани бошқариб бориш вазифасини таълим олувчиларнинг бирига топшириши ёки таълим берувчининг ўзи олиб бориши мумкин. Баҳс-мунозарани эркин ҳолатда олиб бориш ва ҳар бир таълим олувчини мунозарага жалб этишга ҳаракат қилиш лозим. Ушбу метод олиб борилаётганда таълим олувчилар орасида пайдо бўладиган низоларни дарҳол бартараф этишга ҳаракат қилиш керак.

“Баҳс-мунозара” методини ўтказишда қуйидаги қоидаларга амал қилиш керак:

- ✓ барча таълим олувчилар иштирок этиши учун имконият яратиш;
- ✓ “ўнг қўл” қоидаси (қўлини кўтариб, руҳсат олгандан сўнг сўзлаш)га риоя қилиш;
- ✓ фикр-ғояларни тинглаш маданияти;
- ✓ билдирилган фикр-ғояларнинг такрорланмаслиги;

✓ бир-бирларига ўзаро ҳурмат.

Қуйида “Баҳс-мунозара” методини ўтказиш тузилмаси берилган.

“Баҳс-мунозара” методининг тузилмаси

“Баҳс-мунозара” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мунозара мавзусини танлайди ва шунга доир саволлар ишлаб чиқади.

2. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммо бўйича савол беради ва уларни мунозарага таклиф этади.

3. Таълим берувчи берилган саволга билдирилган жавобларни, яъни турли ғоя ва фикрларни ёзиб боради ёки бу вазифани бажариш учун таълим олувчилардан бирини котиб этиб тайинлайди. Бу босқичда таълим берувчи таълим олувчиларга ўз фикрларини эркин билдиришларига шароит яратиб беради.

4. Таълим берувчи таълим олувчилар билан биргаликда билдирилган фикр ва ғояларни гуруҳларга ажратади, умумлаштиради ва таҳлил қилади.

5. Таҳлил натижасида қўйилган муаммонинг энг мақбул ечими танланади.



“МУАММОЛИ ВАЗИЯТ” МЕТОДИ - таълим олувчиларда муаммоли вазиятларнинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ечимини

топиш бўйича кўникмаларини шакллантиришга қаратилган методдир.

“Муаммоли вазият” методи учун танланган муаммонинг мураккаблиги таълим олувчиларнинг билим даражаларига мос келиши керак. Улар қўйилган муаммонинг ечимини топишга қодир бўлишлари керак, акс ҳолда ечимни топа олмагач, таълим олувчиларнинг қизиқишлари сўнишига, ўзларига бўлган ишончларининг йўқолишига олиб келади. «Муаммоли вазият» методи қўлланилганда таълим олувчилар мустақил фикр юритишни, муаммонинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилишни, унинг ечимини топишни ўрганадилар. Қуйида “Муаммоли вазият” методининг тузилмаси келтирилган.



“Муаммоли вазият” методининг тузилмаси

“Муаммоли вазият” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мавзу бўйича муаммоли вазиятни танлайди, мақсад ва вазифаларни аниқлайди. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммони баён қилади.

2. Таълим берувчи таълим олувчиларни топшириқнинг мақсад, вазифалари ва шартлари билан таништиради.

3. Таълим берувчи таълим олувчиларни кичик гуруҳларга ажратади.

4. Кичик гуруҳлар берилган муаммоли вазиятни ўрганадилар. Муаммонинг келиб чиқиш сабабларини аниқлайдилар ва ҳар бир гуруҳ тақдимот қилади. Барча тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.

5. Бу босқичда берилган вақт мобайнида муаммонинг оқибатлари тўғрисида фикр-мулоҳазаларини тақдимот қиладилар. Тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.

6. Муаммони ечишнинг турли имкониятларини муҳокама қиладилар, уларни таҳлил қиладилар. Муаммоли вазиятни ечиш йўлларини ишлаб чиқадилар.

7. Кичик гуруҳлар муаммоли вазиятнинг ечими бўйича тақдимот қиладилар ва ўз вариантларини таклиф этадилар.

8. Барча тақдимотдан сўнг бир хил ечимлар жамланади. Гуруҳ таълим берувчи билан биргаликда муаммоли вазиятни ечиш йўлларининг энг мақбул вариантларини танлаб олади.



“ЛОЙИҲА” МЕТОДИ - бу таълим олувчиларнинг индивидуал ёки гуруҳларда белгиланган вақт давомида, белгиланган мавзу бўйича ахборот йиғиш, тадқиқот ўтказиш ва амалга ошириш ишларини олиб боришидир. Бу методда таълим олувчилар режалаштириш, қарор қабул қилиш, амалга

ошириш, текшириш ва хулоса чиқариш ва натижаларни баҳолаш жараёнларида иштирок этадилар. Лойиҳа ишлаб чиқиш якка тартибда ёки гуруҳий бўлиши мумкин, лекин ҳар бир лойиҳа ўқув гуруҳининг биргаликдаги фаолиятининг мувофиқлаштирилган натижасидир.

Лойиҳа ўрганишга хизмат қилиши, назарий билимларни амалиётга тадбиқ этиши, таълим олувчилар томонидан мустақил режалаштириш, ташкиллаштириш ва амалга ошириш имкониятини ярата оладиган бўлиши керак. Қуйидаги чизмада “Лойиҳа” методининг босқичлари келтирилган.

“Лойиҳа” методининг босқичлари

“Лойиҳа” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Муҳандис-педагог лойиҳа иши бўйича топшириқларни ишлаб чиқади. Таълим олувчилар мустақил равишда дарслик, схемалар, тарқатма материаллар асосида топшириққа оид маълумотлар йиғадилар.

2. Таълим олувчилар мустақил равишда иш режасини ишлаб чиқадилар. Иш режасида таълим олувчилар иш босқичларини, уларга ажратилган вақт ва технологик кетма-кетлигини, материал, асбоб-ускуналарни режалаштиришлари лозим.

3. Кичик гуруҳлар иш режаларини тақдимот қиладилар. Таълим олувчилар иш режасига асосан топшириқни бажариш бўйича қарор қабул қиладилар. Таълим олувчилар муҳандис-педагог билан биргаликда қабул қилинган қарорлар бўйича эришиладиган натижаларни муҳокама қилишади. Бунда ҳар хил қарорлар таққосланиб, энг мақбул вариант танлаб олинади. Муҳандис-педагог таълим олувчилар билан биргаликда “Баҳолаш варақаси”ни ишлаб чиқади.

4. Таълим олувчилар топшириқни иш режаси асосида мустақил равишда амалга оширадилар. Улар индивидуал ёки кичик гуруҳларда ишлашлари мумкин.

5. Таълим олувчилар иш натижаларини ўзларини текширадилар. Бундан ташқари кичик гуруҳлар бир-бирларининг иш натижаларини

текширишга ҳам жалб этиладилар. Текширув натижаларини “Баҳолаш варақаси”да қайд этилади.

6. Муҳандис-педагог ва таълим олувчилар иш жараёнини ва натижаларни биргаликда якуний суҳбат давомида таҳлил қилишади. Ўқув амалиёти машғулотларида эришилган кўрсаткичларни меъёрий кўрсаткичлар билан таққослайди. Агарда меъёрий кўрсаткичларга эриша олинмаган бўлса, унинг сабаблари аниқланади.

“КЕЙС-СТАДИ” МЕТОДИ. «Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	**Фаолият шакли ва мазмуни**
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	✓якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ахборотни умумлаштириш; ✓ахборот таҳлили; ✓муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	✓индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓муаммолар долзарблик иерархиясини аниқлаш;

	✓асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич:Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш ўқув топшириғи ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	✓индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	✓якка ва гуруҳда ишлаш; ✓муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

«ФСМУ» МЕТОДИ. Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, аққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

-қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф

этилади;

-ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

-иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

“ИНСЕРТ” МЕТОДИ. Методнинг мақсади: Мазкур метод ўқувчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	**1-матн**	**2-матн**	**3-матн**
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва

тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

“АССЕСМЕНТ” МЕТОДИ. Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

Намуна. Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.

Тест

Тизимли ёндашувнинг асосий турлари қайси қаторда тўғри келтирилган?

A. тизимли коммуникатив, тизимли структуравий, тизимли бошкарув, тизимли функциональ, тизимли интегратив

B. тизимли информацион, тизимли коммуникатив, тизимли структуравий, тизимли бошкарув, тизимли функциональтизимли интегратив

C. тизимли-генетик, тизимли информацион, тизимли коммуникатив, тизимли структуравий, тизимли бошкарув, тизимли функциональ, тизимли интегратив

Қиёсий таҳлил

Тизимли таҳлилнинг диагностик ва огоҳлантирувчи функцияларини қиёсий таҳлил қилинг?

Тушунча таҳлили

Тизимнинг функционал тавсифини изоҳланг...

Кейс

Маъруза дарсида қўлланиладиган методлар тизимини граф ёрдамида ифодаланг.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-МАЪРУЗА: ПЕДАГОГИК ТИЗИМНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Режа:

1. Педагогик тизим тушунчаси ва моҳияти.

2.Педагогик тизимларининг ривожланиш хусусиятлари ва қонуниятлари.

3.Педагогик жараёнлар ва ҳодисалар тузилмаларини тақдим этиш турлари ва шакллари.

Таянч иборалар: тизим, тагтизим, тизим элементи, мақсад, структура, педагогик тизим, очиқ тизим, мураккаб тизим, тизимли таҳлил тамойиллари.

Тизим (система–грекча systema–қисмлардан тузилган, бирлаштирилган) маълум бир яхлитликни ҳосил қилувчи, бир-бири билан маълум бир муносабат ва боғланишларда бўлган элементлар мажмуаси.

"Педагогик тизим" тушунчаси тизим ва педагогикадан иборат таркибий компонентларга асосланади. Шунинг учун, бу компонентлар талқинига мурожаат этамиз.

Тизим тушунчасининг кўплаб таърифлари бор Л. Фон Берталанфи тизимни "атроф-муҳит ва бир-бирлари билан маълум муносабатларда бўлган қисмлар комплекси" деб қарайди. Кейинчалик, тизим таърифига мақсад тушунчаси кириб келади. Масалан, Ф. Э. Темников "тизим - ташкил этилган тўплам" (яъни, қандайдир мақсадга бўйсундирилган тўплам) дир деб қарайди. Ундан кейин эса функциялар тизимни ташкил этувчи мезон, охирги натижа сифатида кириб келди. Ва ниҳоят, мақсадни аниқ билдирувчи тизим: "маълум бир вақт оралиғида аниқ бир мақсад доирасида атроф-муҳитдан ажратиб олинган чекли функционал элементлар ва улар орасидаги муносабатлар тўплами" сифатида изоҳланди.

Аниқ бир тизимларни лойиҳалаш ва таҳлил қилишда қуйидаги омилларни ҳисобга олиш зарур:

- тизими ишлашининг мақсади;

- тизим компонентлари ва уларнинг муносабатлари;

- тизими билан атроф-муҳитнинг ўзаро таъсири (атроф-муҳит сифатида "шундай барча объектлар мажмуасики, улар хусусиятларининг ўзгариши тизимга таъсир этади ва аксинча, тизим фаолияти натижалари натижасида бундай объектларни хоссалари ўзгаради" .

Қўйилган мақсад, муайян муаммони кўриб чиқиш, ечиш нуқтаи назаридан тизимни бўлаклаш чегараси. Бошқача айтганда, қаралаётган тизимнинг бўлакланмайдиган таркибий қисми. Тагтизим сифатида тизим сифатларига эга бўлган қаралаётган тизимнинг нисбатан эркли, тагмақсад, яхлитлик, боғланишларга эга қисми қаралади. Тизимнинг бундай хусусиятларга эга бўлмаган ва бир турдаги элементларининг мажмуаси тизим компоненти дейилади.

Тизим элементларининг эркинлигини улар орасидаги боғланишлар чеклайди, демак, элементлар ўзаро таъсир натижасида ўзининг айрим хоссаларини йўқотади.

Мақсад – одамлар гуруҳи, инсон онгли фаолиятининг олдиндан ўйланган натижаси . Мақсад тушунчаси билан мақсадга йўналтирилган, мақсадга мувофиқ каби тушунчалар ўзаро боғлиқ.



Структура (лот. structūra — «қурилиш» тизимнинг таркибий қисмлари

орасидаги маълум боғланишларни, уларнинг жойлашишини, тизимнинг қурилишини, тузилмасини акс эттиради.

Мураккаб тизимлар структураси барча элементлар ва улар орасидаги боғланишларни ифодаламайди, балки тизимнинг мавзудлиги ва унинг асосий хоссаларини ифодаловчи компонентлари ва улар орасидаги энг муҳим боғланишларни акс эттиради. Шу билан бирга тизим тадқиқотчи ёки билишнинг шу босқичидаги реал ҳолатига қараб турли структуралар орқали ифодаланган бўлиши мумкин.

Педагогиканинг фан сифатида ўрганиш объектини аниқлашга ўтамиз.

Маълумки, педагогика узлуксиз таълим турларидаги таълим тизимларида билимларни узатиш ва ўзлаштирилиш жараёнларини ўрганади.

Ўзбекистон таълим тизими:

- турли даража ва йўналишдаги узлуксиз ўқув дастурлари ва давлат таълим стандартлари;

- ташкилий-ҳуқуқий шакллари, турларидан қатъий назар давлат талаблари ва таълим стандартларини амалга оширувчи тармоқлар;

- таълимни бошқарув органлари ва уларга қарашли муассасалар ва ташкилотлар мажмуасидан иборат.

Аммо таълим тизимидаги жараёнларни нафақат педагогика ўрганади. Иқтисодиёт, социология, психология, техника (таълим воситаларини ишлаб чиқиш), фалсафа ва ҳ. к., каби илм-фан соҳалари таълимнинг турли жиҳатларини ўрганади. Педагогик тадқиқотлар қуйидаги муаммоларни ҳал қилади (ЎзР ОАК «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхати»га асосан):

13.00.01- педагогика назарияси ва тарихи. Таълимда менежмент;

13.00.02- Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (соҳалар бўйича);

13.00.03- Махсус педагогика;

13.00.04- Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва методикаси;

13.00.05- Касб-ҳунар таълими назарияси ва методикаси;

13.00.06- Электрон таълим назарияси ва методикаси (таълим соҳалари ва босқичлари бўйича).



Агар ўрганилаётган ҳодиса ёки жараёнлар юқоридаги соҳалар доирасида бўлса, биз педагогик илмий-тадқиқот ҳақида гапиришимиз мумкин бўлади ва илмий муаммони ҳал қилиш учун ишда ишлаб чиқилган бу тизимларни педагогик тизим деб атаймиз.

Педагогик тизимларнинг бошқа таърифлари ҳам бор. Кенг маънода қандайдир фан бўйича таълим мазмуни, ўқитиш шакллари ва усулларини аниқловчи асосий ҳолатлар (тамойиллар) ўқитиш тизими сифатида тушунилади. В. П. Беспалько педагогик тизимни қуйидагича аниқлайди: бу «керакли фазилатларга эга шахсни шакллантиришга ташкиллаштирилган, мақсадли ва мўлжалланган педагогик таъсирни амалга ошириш учун зарур бўлган ўзаро алоқадаги восита, метод ва жараёнларнинг маълум бир мажмуаси». И. В. Павлов таъкидлашича «педагогик тизим мураккаб структурага эга бўлиб, тарбиянинг бош ғоясида ифодаланувчи мақсад; уни амалга оширишни таъминловчи фаолият; унда иштирок этувчи ва уни

ташкил этувчи фаолият субъекти; субъект ва қандайдир умумийликни интегралаштирувчи фаолият ва мулоқотдан келиб чиқувчи муносабатлар; субъект томонидан ўзлаштирилган тизим муҳити, таркибий қисмларнинг яхлит тизимга интеграциясини таъминловчи ва бу тизимни ривожлантирувчи бошқарувни ўз ичига олади».

Айрим тадқиқтчилар педагогик тизимни "таълим ва тарбия мақсадларига бўйсунувчи яхлит бирликни ташкил этувчи ўзаро боғлиқ компонентларнинг тартибли тўплами» дея изоҳлайдилар.

Тизим структуравий ва функционал таркибий қисмлардан иборат. "Педагогик тизимининг структуравий қисмлари унинг асосий элементлари бўлиб, улар фақат педагогик тизимлар учун хос". Бундай компонентлар олтита:

1) мақсад - тизимни яратиш шартини ифодаловчи ҳар қандай таълим тизимининг энг муҳим таркибий қисми;

2) ўқув ахбороти - у ёки бу инсонлар томонидан ўзлаштириш предмети бўлиши зарур бўлган;

3) педагогик мулоқот воситалари - педагогик тизим мақсадига боғлиқ ҳолда ўқув ахборотини ўзлаштириш фаолиятини ташкил этишга ёрдам берувчи;

4) ўқувчилар – маълум бир тайёргарлик, таълим ва тарбияга эҳтиёж сезган одамларнинг аниқ бир контингенти;

5) педагоглар – тизим мақсадларига мос келувчи, педагогик таъсир объекти ҳақидаги психологик билимлар билан қуролланган, маълум бир ахборот, мулоқот воситаларига;

6) натижа – тизим фаолиятининг якунида таълим олувчиларда шакллантирилган билим, кўникма ва малакалар.

"Функционал компонентлар – раҳбарлар, ўқувчилар, педагоглар, …фаолияти давомида юзага келувчи таркибий қисмларнинг барқарор базавий алоқаси.

Педагогик тизимнинг функционал компонентлари:

1) Гностик – педагогик вазифаларни ҳал этишда тизим ва унинг таркибий қисмлари ҳақидаги янги билимлар жамланиши билан боғлиқ ҳаракатларни инобатга олувчи;

2) Лойиҳалаш – истиқболли режалаштириш вазифалари ва уларни ечиш йўллари билан боғлиқ ҳаракатларни инобатга олувчи;

3) Конструктив – ўқув ва тарбиявий ахборотлар мазмунини ишлаб чиқишдаги танлаш ва ишлов бериш ҳаракатларини инобатга олувчи;

4) Коммуникатив – педагогик жараён иштирокчилари орасида педагогик мақсадларга жавоб берувчи ўзаро алоқаларни ўрнатиш билан боғлиқ ҳаракатларни инобатга олувчи;

5) Ташкилий – жараён иштирокчилари ўзаро алоқасини аниқ ташки этиш педагогик ғоясини амалга ошириш билан боғлиқ ;

6) Коррекция- муваффақият даражасига қараб педагогик тизим фаолиятини қайта қуриш билан боғлиқ.

Г. К. Селевко таълим технологияларини такомиллаштириш тенденциялари билимларнинг тоза ассоциатив статик моделидан динамик тузилган ақлий ҳаракатлар системасига ўтиш билан изоҳланади деб ҳисоблайди.

Педагогик амалиёт ва ўқув-методик адабиётларда педагогик технология атамаси аксарият ҳолларда педагогик тизим тушунчасининг маънодоши сифатида қўлланилади. Лекин уларнинг муайян фарқли жиҳатларга эга эканлигини билиш зарур. Тизим тушунчаси технология тушунчасига қараганда кенгроқ бўлиб, умумий хусусиятга эга. Тизим ўзаро алоқадор муносабатда бу муайян яхлитлик ва бирликка эга бўлган элементлар йиғиндисини англатади. Масалан, мактаб педагогик тизими бир қанча технологик қаторларни қамраб олади. Ҳар қандай технология тизим бўла олгани ҳолда, ҳар қандай педагогик тизим технология бўла олмайди. Тизим тушунчаси аксарият ҳолларда статик ва тузилишга оид манзараларни тавсифлашга қаратилади, айни вақтда технология фаолият объекти ва субъектида бераётган ўзгаришларни, замондаги эврилиш жараёнларини

ҳамда барча вазифаларни акс эттира бориб, режалаштирилган натижаларда эришилган ютуқларни назарда тутади.

Тизим тушунчаси кўпроқ умумийлик хусусиятига эга. Тизим тушунчаси кўпроқ статистик, таркибий холатларни ифодалашда ишлатилса, технология тушунчаси маълум бир вақт оралиғида рўй берадиган жараён субъект ва объектлар орасидаги фаолиятни кўзланган натижага эришишни назарда тутишда ишлатилади. Ҳар қандай педагогик тизим технология бўла олмайди, лекин ҳар қандай технология маълум бир тизимни билдиради. Бундан ташқари “методика” ва “технология” терминларини ҳам бир – биридан фарқ қилиш лозим. Фанни ўқитиш методикаси мазмун, сифат, ҳар хилликка урғу берса, фанни ўқитиш технологиясида мақсад, жараён, сон-миқдор, мўлжалга урғу берилади.

Педагогик технология ва педагогик тизим тушунчалари кўп жиҳатдан ўзаро боғлиқ. Одатда технология сифатида тавсифланувчи педагогик жараёнлар- динамик ривожланувчи, бошқарилувчи жараёнлардир.

Технология таърифларига эътибор берамиз:

Технология – ҳолатни ўзгартириш, қайта ишлаш методлари мажмуаси, малакалар, маҳорат, санъат.

Технология – техник ахамиятли сифат ва қобилиятларнинг интеллектуал қайтаишлови.

Технология – ўқув жараёнига ташкиллаштирилган, мақсадли, мўлжалланган педагогик таъсир ўтказиш

Технология - мўлжалланган ўқув натижаларига эришишнинг кафолатланган воситаси.

Ҳар қандай технологияни берилган бошланғич шартлар, маълум натижа ва бу натижага эришиш воситалари билан сунъий ташкил қилинадиган жараён деб тушунилади.

Биз мисол тариқасида педагогик технологияларга берилган бир нечта таърифларни келтирамиз.

Педагогик технология – ўқитишнинг, таълимнинг шакллари, методлари,

усуллари, йўллари, тарбиявий воситаларнинг махсус йиғиндиси ва жойлашувини белгиловчи психологик тартиблар мажмуаси; у педагогик жараённинг ташкилий услубий воситаларидан иборат. (Б. Т. Лихачев)

Педагогик технология – ўқитувчи маҳоратига боғлиқ бўлмаган ҳолда педагогик муваффақиятни кафолатлай оладиган, ўқувчи шахсини шакллантириш жараёнининг лойиҳасидир. (В. П. Беспалько)

Педагогик технология – таълимнинг режалаштириладиган натижаларига эришиш жараёни тафсилоти. (И. П. Волков)

Таълим технологияси – дидактик тизимнинг таркибий жараёнли қисми. (М.Чошанов)

Педагогик технология – ўқув жараёнининг ўқувчилар ва ўқитувчи учун қулай шароитлар таъминлашни лойиҳалаш, ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича ҳамма деталлари ўйлаб чиқилган биргаликдаги педагогик фаолият модели. (В.М. Монахов)

Педагогик технология – техника ресурслари, одамлар ва уларнинг ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда таълим шаклларини оптималлаштириш вазифасини қўювчи ўқитиш ва билимларни ўзлаштиришнинг ҳамма жараёнларини яратиш, қўллаш ва аниқлашнинг тизимли методи. (ЮНЕСКО)

Педагогик технология – педагогик мақсадларга эришиш учун фойдаланиладиган барча шахсий, ускунали ва методологик воситаларнинг тизимли йиғиндисини ва уларнинг амал қилиш тартибини билдиради. (М.В.Кларин)

Педагогик технологиянинг моҳияти дидактик мақсад, талаб этилган ўзлаштириш даражасига эришишдан иборат бўлиб, уни тадбиқ этишни ҳисобга олган ҳолда таълим жараёнини илгаридан лойиҳалаштиришда намоён бўлади. (У.Нишоналиев)

Педагогик технология – бу ўқитувчи (тарбиячи) нинг ўқитиш (тарбия) воситалари ёрдамида ўқувчи (талаба)ларга муайян шароит ва кетма-кетликда таъсир кўрсатиш ва бу фаолият маҳсули сифатида уларда олдиндан белгиланган сифатларни шакллантириш жараёнидир. (Н.Саидахмедов)

Педагогик технологияларга берилган турли таърифларни таққосласак, уларнинг барчасида тизимлилик талабининг мавжудлигини сезиш мумкин. Бундан ташқари уларда берилган ҳолатдан берилган шартлар асосида янги ҳолатга ўтишдаги динамиклик ифодаланган.

Бошқача айтганда, таълим технологияси - узатиладиган билимлар ҳажми (таълим мазмуни), узатиш усуллари (таълим методлари ва шакллари), воситалар ва охирги натижалар (ДТСда белгилаб берилган) олдиндан белгилаб олинган ижтимоий билимларни таълим олувчиларга узатишнинг тизимли жараёни.

На педагогик, на психологик назарияларни бевосита амалий фаолият соҳасига кўчириш имконияти бўлмаганлиги сабабли, таълим технологиялари назария билан амалиётни боғловчи бўғин бўлиб хизмат қилади.

Ҳар қандай таълим технологияснинг структураси ўқув жараёнининг асосий компонентларини, айнан, мақсад, ўқитувчи ва ўқувчилар фаолияти, уларнинг ўзарофаолияти воситалари, шаклларини ифодалаши керак.

Мисол тариқасида, Ўзбекистон узлуксиз таълим тизими структурсини белгилаб берувчи Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, таълим мутахассисликлари ёки йўналишларининг ДТС, ўқув фанининг намунавий дастури, ишчи дастури, календар тематик режа, ўқув машғулоти технологияси, технологик харитаси, …ни келтириш мумкин.

Тизимлар бир-биридан хоссалари ёки белгиларига мувофиқ фарқ қилади. Тизимлар аниқ (детерминированный) ва тасодифий (стохастический), очиқ ва ёпиқ, ҳаёлий (абстракт) ва моддий ва бошқа турларга бўлинади. Таснифлаш ҳар доим нисбийдир. Ҳар қандай абстракт моделнинг қандайдир моддий ифода (қоғоздаги тасвир, компьютер дастури ва ҳ. к.)си бор.

Қуйидаги тизимнинг ҳар бир элементи ўз навбатида алоҳида структурага эга яна бир бошқа тизимдир ва қаралаётган тизим учун масалан малака ошириш тизими тагтизим вазифасини ўтайди.



Вазирлар Маҳкамасининг
2012 йил 10 августдаги 242-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими кадрларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти
ТУЗИЛМАСИ



* Малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультети ҳамда фойдаланиш-сўғалик бўлими ходимлари сони қонун ҳужжатларида белгиланган нормативлар бўйича аниқланади.
** Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига сақланади.
Ходимларнинг чекланган сони (фойдаланиш-сўғалик бўлимининг техник, хизмат кўрсатувчи ходимларини, факультетнинг ўқув-ёрдамчи ва профессор-ўқитувчи ходимларини ҳисобга олмаганда) — 32 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари сони — 13 нафар.

Педагогик тизимлар учун энг муҳим бўлган айрим хоссаларни кўриб чиқайлик. Очиқ тизими тушунчаси Л. фон Берталанфи томонидан жорий этилган. Очиқ тизимларнинг асосий хусусиятлари – муҳит билан масса, энергия, ахборот алмашиш қобилияти. Ҳар қандай педагогик тизим жамиятда мавжуд бўлиб, атроф-муҳит ҳолатига (иқтисодий, сиёсий, экологик, технологик ва бошқа жиҳатлар) доимий боғлиқ бўлганлиги сабабли очиқ тизим ҳисобланади.

Мисол учун, қўшимча таълим муассасаларининг ташқи алоқаларини қуйидаги схема орқали ифодалаш мумкин:

Айнан очиқ тизимларда атроф-муҳит билан ахборот алмашиш яхши сақлаб қолиниши муҳим аҳамиятга эга, чунки уларда ўз-ўзини ташкил этиш қонуни бажарилади.

Объектлар ва жараёнларни тизимли таҳлил қилиш, таркибий элементлар, қисмларга ажратиш, улар орасидаги боғланишларни ўрнатиш, бу боғланишлар вазифалари ва ўрнини аниқлаш,…, орқали олинадиган ахборотлар қаралаётган жараён ёки объектни тизим сифатида ифодалаш учун асос бўлади.

Ахборотларнинг тизимли таҳлили натижасида бу ахборотларнинг

манбаси, қандай ахборот, бирламчи ёки иккиламчи ахамият касб этиши, ахборот орқали объект ёки жараён юзасидан узатилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги даражаси, аниқлиги, тўлиқлиги, …, асосланганлиги, исботланганлиги, ишончлилик даражаси ўрганилаётган тизимдаги мавжуд муаммоларни тўғри аниқлаш, тизим ҳолатини тўғри баҳолаш, муаммоларни ҳал этишнинг ички ва ташқи имкониятларини аниқлаш имкониятларини беради.

Ахборотнинг шаффоф, нисбатан шаффофлигига қараб ундан қаралаётган маммолар, қўйилган саволларга жавобни тўғридан-тўғри ёки маълумотлараро мантиқий боғланишлар кетма-кетлигини ўрнатиш орқали топиш мумкин.

Жараён ёки ҳодисалар ҳақидаги маълумотларнинг аниқлик даражасини орттириш учун, бу жараён иштирокчилари томонидан узатиладиган ахборотларнинг тўғри ва аниқлигини таъминлаш учун тадқиқотчи томонидан аниқловчи, ўрганувчи мақсадли саволлар кетма-кетлиги қўйилиши муҳим.

Объектлар ва жараёнлар юзасидан ахборотларнинг тизимли шарҳи муаммоларни, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, уларни бартараф этиш йўллари, келиб чиқадиган оқибатлар,…ни ўрганишга имкон бериб, бундай шарҳлар давлат ва жамиятнинг барча соҳаларидаги ходиса ва воқеаларни ўрганиш асосини ташкил этади.

Ахборотларнинг тизимли шарҳи қандай амалга оширилади, ва бу шарҳлар кимларга, нима учун керак деган бу каби муаммолар Mark Petticrewнинг «Systematic reviews in the social sciences: a practical guide» номли китообида кенг ёритилган. Жумладан, журналистлар томонидан тайёрланган мақолаларнинг шарҳи ва угдаги далилларнинг тизимли таҳлилига ёндашувлар юзасидан қуйидаги маълумотлар келтирилган:

НИМА УЧУН БИЗГА МУНТАЗАМ ШАРҲЛАР КЕРАК?

1.1.Жадвал

Буюк британия ва халқаро оммавий ахборот воситаларида “ижтимоий

тадбирлар”

«Шаҳар бошпанасизларни кўчалардан олиш кенгайтирилган ташабуси»

«Бахтни пулга сотиб олиш мумкинми? (Йўқ , буни акси сотиб олиш мумкин)»

«Қамоххона бошлиғи Пароле “Бизда хибсда сақланаётганлар кўп, уларга сарфланаётган маблағларни жамиятга сарфлаш ҳам мумкин”

«Президент аҳолида оила қуришни кўпайтириш учун 1.5 млн АҚШ долларига тенг маблағни ажратди»

1.1. Жадвалда Буюк Британия ва халқаро газеталарида баъзи драматик сарлавҳаларида кўринишидан ўта муҳим лекин аслида ҳар ҳил бўлган жамиятни ривожи бўйича ташаббуслар кўриш мумкин. Биринчи сарлавҳада Буюк Британия шаҳарларидаги бошпанасизларни доимий турар жой билан таъминлаш дастури ҳақида сўз юритилади. Иккинчи сарлавхада мен томонимдан ўрганилганда, маълум бир миқдордаги бойликни кўпайиши бахтга чекланган миқдорда таъсир этишини аниқладим. Учинчи сарлавхали мақолада эса солиқ тўловчилардан келиб тушган маблағларни қамоқхонада озодликдан махрум бўлганларни таъминлашдан жамиятга сарфлашни афзаллигини келтириб ўтган.

Ушбу мақолаларда журналистлар кўтарган мавзу аслида кенг қамровли масалларни ўз ичига олган. Уларнинг асосий талаблари бу “Қайси иш” бўлишидан қатъий назар ушбу ишларга аралашув самарадорлиги талаб қилинмоқда. Журналистлар ўз мақолаларида давлат маблағларини жамият ривожи учун қандай сарфланишини ошкора ёки акси яширин холатда талаб қилишмоқда. “Оила қуриш дастури амалда ишламоқда”- дейди Вайд Ҳом, Америка Қўшма Штатларида соғлиқни сақлаш ва болаларни ижтимоий таъминоти бўйича давлат котиби ўринбосари. Мақолада келтирилган ваъдалар номаълумлигича, яъни аниқ бир ижтимоий муаммони ечимини топишда аниқ бир шахс ёки шаҳслар

келтириб ўтилмаган. Албатта мақолада келтирилган фиркга эътироз бўлиши ва бу дастур амалда ишлаётгани ёҳуд ишламаётганлигида эмас балки мақолада келтирилган

фирк илмий изланишдан ўзиб кетаётганини ва амалда ушбу ижтимоий муаммо бўйича қабул қилинган дастурда келтирилган тадбирларни мақолада келтирилган фикрдан ҳақиқатдан ортда қолиб кетаётганини англатади.

Адабиётларни тизимли шархи бу катта хажмдаги маълумотларни тушуниш усули бўлиб, ушбу усул орқали нима ишлайдию нима ишламайди каби ва бошқа шунга ўхшаш ижтимоий масалалардаги саволларга жавоб топиш учун рағбатлантириш воситаси ҳисобланилади. Улар ўзида ноаниқликни акс эттирувчи усулларни ва янги изланишлар олиб борилиши лозим бўлган ерда тегишли тадқиқотларни озлиги ёҳуд умуман бажарилмаганлигини аниқлашни тақдим этмоқдалар. Мунтазам шарҳлар ҳам шу соҳадаги катта миқдорда сохта ишончлардан устундир. Бу соҳада биз кўпроқ биламиз деб ўйлаган фирклар бор, лекин аслида билганларимизни қўллаб-қувватлаш учун аниқ далил йўқ.

1.2. жадвалда бизнинг саводсизлигимни ҳақида учта муаллиф тўхталиб ўтишган. Шу муаллифардан Лао Сзи, Конфуций ва Доналд Рамсфелд таъкидлаганларидек , ҳақиқий ва тахмин қилинаётган билимларни фарқини билишни жуда ҳам аҳамиятли бўлган ҳолда айтишни мунтазам шарҳ ёрдамида амалга ошириш мумкин. Шундай бир неча изланишлар борки уларни услубий асосланган, натижалари умумлаштирилган ва биз ишонч билан айта олишимиз мимкин-ки ушбу изланишлар натижаси "ҳақиқат" га яқинлиги ҳамда ушбу натижаларни ошкора қабул қилишимиз мумкин.

1.2. Жадвал.

Ноаниқликларни билишнинг муҳимлиги
Муҳими биз билганларимизн билишими эмас аксинча билмаганларимизни
(Лаоо-Цзи, хитой файласуфи (тахминан милоддан аввал 604-521йиллар.))
Агар сиз билишингиз билишингизни англатса билмаганингиз эса бу

билишни англатади. (Конфуций, хитойлик педагог ва файласуф(милоддан аввал 551-479 йиллар)).

Биз билганлар ҳаммага маълумлигини биламиз. Шундай нарсалар борки уни фақат биз биламиз. Биз яна ҳаммага номаълум бўлган

Лекин номаълумлани ҳам номаълумлари борки биз уларни билмаслигимизни ҳам билмаймиз (Доналд Рамсфелд,

Шу билан бирга бир нарсани инкор этиб бўлмайдики, бир изланишда ҳақиқатда керакли натижар борлигини, лекин кўплаб изланишларни ушбу изланишни қогўзда тугал мазмунни англатувчи сўзлар орқали тушуниш мумкин ва бу тугал мазмунни аглатувчи сўзлардаги натижалар бошқа изланишлардаги натижалардан олинган бўлиб бу ғоялар албатта бошқа изланишларда ҳам илгари сурилган. Изланишлардаги дуч келаётган муаммолардан бири шундаки унда сарлавхаси ҳақиқий ҳаётдан анча узоқдалиги.

Изланишларни муаммолардан бири унда олиб борилган изланишларни ҳаётий қонунлардан йироқлигида бўлиб ушбу изланишларни оммага тарғиб этишда уларни фан оламида етарли даражада асосланмаган ёҳуд жиддий қабул қилиш муаммоси баъзан давлат арбоблари ва жамотчилликларни туғдирмоқда. Давлат арбоблари ушбу мужмал изланишларни оммага тарғиб эттиришдан аввал ушбу изланишни бошқа бир изланувчи томонидан ўрганилиниб аввалги изланишдан акси натижа бўлгунга қадар сарф қиладилар. Агарда бир изланишда жиноятчига қисқа тезкор электр қисқа туташуви керак деса, бошқа бир изланишда жиноятчилар орасида ўзаро фаол дам олишлари учун аҳил жамоа шаккилантиришни таклиф этади.

Изланишларда баъзан бир-бирига тўғри келмайдиган фикрлар дуч келиши мумкин, бу услубий камчилик ёҳуд муаллифни ишқибозлигидан келиб чиқиши мумкин. Изланишларни турли туман бўлишни сабаби оддий статистик сабаб бўлиши мумкин. 20 дона изланишга бир дона ташқи

таъсири бутун бир спектрни бир неча бор баҳолашга олиб келади ва ушбу изланишлардан бирида статистик аҳамиятга эга бўлган лекин ижтимоий таъсир этмайдиган натижага эришиҳши мумкин.

Баъзан изланишларда арбоблар учун қизиқ бўлган бир ҳолат бу кучли бир шаҳс сифатда ёшларни маълум бир ижтимоий аҳамиятга молик ишни бажаришни талаб этишдир. Шундай ижтимоий аҳамиятга молик ишлардан бири бу Никоҳланиш. Бироқ ёшларга мураббийлик қилиш эса бу бошқа масала(1.3 жадвалга қаранг).

1.3. Жадвал.

~~Болалаларда ноижтимоий ҳулқни камайтириш тарбияси~~

Ёшларни ноижтимоий ҳулқлари хуқуқ тарғибот органлари, жамоатчилик ва давлат арбоблари учун ката муаммолардан биридир. Бундай муаммода сиёсий қарорлар дан бирини яни “ниманидир қилиш керак” деган кучли бир ёшлардан исён кўтарувчи бир кучга ўхшшаш туйғуни пайдо бўлишидир. Бундай ноижтимоий ҳулқни пасайтиришни бирдан бир йўли бу тарбиядир. Устоз ёҳуд муррабий ёшларни қўллаб қувватлшни таклиф этадива ўз тажриба ва маслаҳатлари билан ёшларга йўл йўриқ кўрсатади. Устоз бу жамият ичида пайдо бўлган бундай ёшларга ҳудди бир дармон сифатида қабул қилиш мумкин. Бундай устоз мураббийлар барча давлат сиёсатига ва давлат арбобларига энг мақбул йўл ҳисобланилади.

2003 йил феврал ойида Буюк британия ички ишлар вазири лорд Филкин устоз муррабийлик дастурига £ 850000 фунт стерлинг миқдорда маблағ ажратилинганини эълон қилди.

Шунингдек у “Устоз ва муррабийлар аҳолини маълум гуруҳини ўзгартиришга ва жамиятни янада баркамоликка етаклайди. Устоз ва муррабийларни жамиятда ўрнини кўтариш учун бизда дастур бор ва у амалда ” деди. Дунёниу чеккасида АҚШ президенти Жорж Буш давлатни мақсадли дастури сифатида ёшларга устоз муррабийликни ташкил этишни

ва бу дастурга 450 млн АҚШ доллари йўналтирш режаларини эълон қилди.Бу дастурда 300 млн АҚШ доллари тарбияси оғир ўқувчиларга устоз ва мураббийликни ташкил этишга мўлжалланган бўлса қолган 150 млн АҚШ доллари эса озодликдан махрум этилган вояга етмаган болларга устоз ва муррабийликни ташкил этишга йўналтирилади.У ўз нутқида “Ман АҚШ конгресси ва халқидан бир ёқадан бош чиқариб давлар органлари билан биргаликда Ҳамкорли қилишга чақираман.Фуқаролик жамиятнинг нозик томони яъни тарбияси оғир бўлган ёш ўсмирлар ва қизлар ҳар қандай бошқарувсиз ва ҳеч кимга бўйсинмасдан яшашга интилмоқда. Истардимки ушбу ёшларни тоғри маслахат беришни ва озодликдан маҳрум бўлган вояга етмаган болаларни қамоқхоналардан чиқиб ўз ота- онаси бағрига эсон омон қайтишини истайман”

Муаммо шундаки биз баъзан изланишдаги кўрсатилиб ўтилган муҳим тадбирларни аслида ҳақиқатдан ҳам самара беришини билмаймиз. Агарда биз изланишда қарама қарши жавоблар олсакда, қайси изланишни текширишни ва бу текширишда шу соҳа мутахассиси томонидан ёзилган адабиётларда ёзилган манбалар асосида текширишни билмаймиз. Бироқ адабиётларни шарҳи ҳолис бўлмаган ва изланишларни диққат билан танлаш орқали ушбу изланишлар учун тақриз зарур бўлганда, икки хил изоҳларни пайдо бўлишига ва бу изоҳлар бир- бирига қарама қарши ҳулосалар келтиришига олиб келади[1].

Таъкидланганидек, тизимлари учун муҳим тушунча - мақсад ҳисобланади. Мақсадга йўналтирилган ва мақсадга интилувчан тизимлар фарқланади. Улар мақсаднинг ташқаридан қўйилганлиги ёки мақсад ички (очиқ, ўз-ўзини ташкил этувчи тизимларга хос) шакллантирилганлиги билан фарқланади.

Мураккаблиги даражасига кўра оддий ва мураккаб тизимлар фарқланади. Тизимининг мураккаблигини белгилашда унинг ҳажми

[1] Petticrew, Mark. Systematic reviews in the social sciences : a practical guide/Mark Petticrew and Helen Roberts. H62.P457 2005 ISBN-10: 1-4051-2111-4 . P 19-23

катталиги эмас, балки тизим фаолиятининг мураккаблиги (ҳатто микроорганизмлар мураккаб тизим бўлади) инобатга олинади. Одамлар асосий элементи ҳисобланган тизимлар мураккаб бўлади, чунки ўзини англаш, тафаккур, оддий бўлмаган ҳулқ-атвор орқали тавсифланади.

Тизимини ташкил этиш даражасига кўра яхши структураланган ва ёмон структураланган (диффуз) турларга бўлинади. Объект ёки ходисаларни яхши ташкил этилган тизим орқали ифодалаш мумкин агар тадқиқотчи томонидан тизимнинг барча элементлари, элементлараро ва тизим мақсади орасидаги боғланишлар аниқ (аналитик, график) қўйилган бўлса. Тизимнинг аниқ тавсифи ва моделининг реал объектга ёки жараёнга мослиги тажрибада асосланган бўлса, у ҳолда объектни яхши ташкил этилган тизим орқали ифодалаш мумкин.

Ходисалар синфи ёки бирор бир объект тўлалигича ўрганилмаган ҳолларда уларни ўрганиш натижасида бу объект ёки жараённинг асосий холатларини ифодаловчи ажратиб олинган компонентларига таянган холда макропараметрлар ва қонуниятларни орқали тизим тавсифланса бу яхши структураланмаган тизим бўлади. Бундай танлаб олинган холатларни ўрганиш асосида олинган тавсифлар ва қонуниятлар бутун тизим учун татбиқ этилади.

Педагогик тизимлар яхши структураланмаган тизимларга киради. Тизимнинг фаолияти танлаб олинган холатларни тадқиқ этиш орқали аниқланади шунинг учун бундай холатнинг эҳтимолий хусусиятини инобатга олиш ва махсус математик статистика методлари асосида уларнинг эҳтимолийлик даражасини аниқлаш зарур.

Тизимларни тарқоқ (диффуз) кўринишда ифодалаш турли хусусиятга эга тизимларнинг ўтказувчанлик қобилиятини ўрганишда кенг қўлланилади, масалан, ахборот узатувчи хужжатлар оқимини ўрганишда.

Ўз-ўзини ташкил этувчи ва ривожланувчи тизимлар уларни реал ривожланаётган объектларга яқинлаштирувчи бир қатор сифатлар орқали тавсифланади. Бундай сифатларга қуйидагилар киради:

- алоҳида кўрсаткич (параметр)ларнинг ўзгарувчанлиги ва уларнинг тарқоқ хатти- ҳаракати;

- аниқ вазиятларда тизим холатининг бетакрорлиги ва уни олдиндан тасаввур қилиб бўлмаслик ва шу билан бир вақтда мавжуд ресурслар ва маълум тизимларга хос таркибий боғланишларга таянган имкониятларнинг чегараси мавжудлиги;

- фаол элементлар мавжудлигидан тизимни барбод этилишига қаршилик кўрсатиш қобилияти;

-ўзининг яхлитлиги ва асосий хоссаларини сақлаб қолган ҳолда заруратга қараб ҳатти-ҳаракатлар вариантларини ишлаб чиқиш ва ўз структураси ўзгартириш қобилияти;

-мақсадли ташкиллаштириш қобилияти ва истаги.

Маълум мураккаблик даражасидан бошлаб, тизимни расмий модел орқали ифодалашдан кўра уни ишлаб чиқиш ва йўлга қўйиш, ўзгартириш ва қайта қуриш осонлигини ёдда тутиш лозим. Бундай тизимларни ўрганиш тажрибалари натижасида уларнинг асосий хусусияти – ривожланувчи ва ўз-ўзини ташкил этувчи тизимларни формал ифодалаш имкониятларининг чекланганлиги тушунилди. Педагогик тизимлар ривожланувчи тизимлардан бўлганлиги сабабли уларни тадқиқ этишда формал ва сифат таҳлиллар методларидан фойдаланилади.

Мураккаб тизимларнинг фаолияти ва уларнинг ривожланишини ўрганиш натижасида бир қатор қонуниятлар аниқланган. Булар:

1) бутун ва қисмлар ўзаро таъсири қонунияти, асосий кўрсаткич тизимнинг яхлитлиги (эмержентлик). Яхлитликни асослашда тизим яхлитлиги хоссаси унинг элементларининг оддий йиғиндиси эмаслиги, балки бошқа бир хоссаларнинг келиб чиқариши ҳамда тизим хоссалари уни ташкил этувчи элементлар хоссаларига боғлиқлигини кўрсатиш керак;

2) интегративлик, тизимни ташкил этувчи ва уни сақлаб қолувчи сифатлар, бунда тизим элементларининг турли-туманлиги, қарама-қаршилиги ва шу билан бир вақтда уларнинг ҳамжиҳат, ҳамкорлиги;

3) коммуникативлик, тизимнинг ташқи муҳит билан ва шу билан бирга таркибидаги тагтизимлар, қаралаётган тизим билан бир ҳил даражадаги тизимлар билан алоқалари;

4) иерархиялилик – глобал муаммоларни ҳал этишда мавҳумликнинг олдини олиш учун уни кичик муаммоларга ажратиш, хаттоки кичик муаммоларни ҳал этиш имконияти бўлмаган ҳолда ҳам уларни иерархик жойлаштириш муаммога маълум бир аниқлик киритади;

5) тарихийлик – ҳар қандай тизим ўзгаришини инобатга олади;

6) ўз-ўзини ташкил этиш-тизимнинг парчаланиши (энтропия) ва ривожланиш натижасида ўз-ўзини қайтадан ташкил этиши орасидаги қарама-қаршиликлар натижасида иерархик тартибнинг юқори ёки пастки даражасига ўтиши;

7) эквифиналлик – тизимнинг бошланғич шартларга боғлиқ бўлмаган ҳолда тизим параметрлари орқалигина аниқланадиган вақтга боғлиқ бўлмаган ҳолатга эришиши;

8) мажбурий турли-туманлик қонуни – турли муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган тизимнинг бу муаммоларни ҳал этиш йўлларининг турли-туманлиги;

9) мақсадни қўйиш қонуни-мақсад ҳақидаги тасаввурлар ва уни ифодалашнинг объектни билиш босқичи ва вақтга боғлиқлиги, мақсаднинг ички ва ташқи омилларга боғлиқлиги, умумлаштирувчи (умумий, глобал) мақсадни ифодалаш масаласини мақсадни структуралаштириш масаласига айлантириш;

10) мақсадлар структурасини шакллантириш қонуни- мақсадни объектни ўрганиш босқичига боғлиқ ҳолда ифодалаш, яхлитлик қонуниятини ифодаловчи мақсадларнинг структурада пайдо бўлиши, мақсадлар иерархиясини шакллантириш.

Ўзбекистон таълим тизими мураккаб тизимларга хос қуйидаги қонуниятларга бўйсунади:

- қисмлар ва бутуннинг ўзаро алоқаси (яхлитлик ва интегративлик);

- тизимнинг иерархик тартиби (коммуникативлик, иерархиялилик);

- тизимнинг ишлаши ва ривожланиши (тарихийлик, ўз-ўзини ташкил этиш);

- тизимни амалга ошириш (эквифиналлик, зарурий турли-туманлик, самарадорлигини ошириш);

- мақсадларнинг пайдо бўлиши ва шакллантириш;

- мақсадлар структурасини шакллантириш, унда бутунлик конуниятининг намоён бўлиши;

- мақсадлар иерархик структураларини шакллантириш.

Назорат саволлари:

1. Тизим тушунчасига таъриф беринг.
2. Тизимнинг қандай таркибий қисмлари мавжуд?
3. Педагогик тизим тушунчасини изоҳланг.
4. Педагогик тизимнинг таркибий элементларини, тагтизимларини мисоллар ёрдамида тушунтиринг.
5. Педагогика соҳасидаги илмий тадқиқот ишлари ихтисосликлари қандай номланади?
6. Педагогик тизимлар тизимлар таснифи бўйича қандай тизим?
7. Нима учун педагогик тизим очиқ, мураккаб, диффуз тизимлар сирасига киради?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Бизнинг мақсадимиз - эркин ва фаровон, деморкатик ҳаёт кўриш. − Т.: Ўзбекистон, 2015.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон эришган ютуқ ва марралар - биз танлаган ислоҳотлар йўлининг тасдиғидир. Т.22. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
3. ana in with ystems hin in , ichae a , c raw-Hill, London, 1994.
4. Petticrew, Mark. Systematic reviews in the social sciences : a practical

guide/Mark Petticrew and Helen Roberts. H62.P457 2005 ISBN-10: 1-4051-2111-4 (pbk. : alk. paper)

5. Самаров Р. Ахборотнинг психологик хавфсизлигини таъминлаш механизми (услубий қўлланма). – Тошкент: Университет, 2015. – 91 б.
6. Самаров Р.С, Раджабов А..Сиесий матн таҳлили (методология, назария, амалиёт). - Тошкент 2010. - 176 б.
7. Systems Thinking: Managing Chaos and Complexity, Jamshid Gharajedaghi, Butterworth Heinemann, Oxford, 1999.
8. Sistemologiya._Avtomatizaciya_resheniya_sistemnyh_zadach._D.Klir.1990
9. Obschaya_teoriya_sistem_dlya_gumanitariev._A._Uemov,_I._Saraeva,_A._Tsofnas._2000
10. http://lex.uz/pages/getpage.aspx
11. tspu.edu.ru/files/npo/PDF/articles/kamaleyeva
12. web.snauka.ru/issues/2012/06
13. it.lib.ru/s/sofronowa
14. megaobuchalka.ru
15. https://www. oo e.com/search?q=системный+анализ

2-МАЪРУЗА: ПЕДАГОГИК ТИЗИМЛАРНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ МЕТОДЛАРИ

Режа:

1. Педагогик жараёнлар ва ҳодисалар тузилмаларини тақдим этиш турлари ва шакллари.

2. Педагогик тизимларни моделлаштиришга замонавий ёндашувлар

3. Педагогик жараёнларни когнитив моделлаштириш

4. Педагогик тизимларни сифатли таҳлили методлари.

Таянч иборалар: тармоқли структура, иерархик структура, матрицали структура, граф, декомпозиция, модел, моделлаштириш, когнитив модел.

Тизимли таҳлилга асосланган амалий мазмунли тадқиқот ишларида асосан тармоқли ва иерархик структуралардан фойдаланилади.

Тизимлар структираларини ифодалашнинг матрицали, тўпламлар назарияси асосидаги, алгебра тилидаги ва бошқа тизимларни моделлаштириш воситаларига боғлиқ тавсифлари мавжуд.

Тизимларнинг граф ва матрицали структуралари



	A	B	C	D
A	1	1	1	0
B	0	0	0	0
C	0	1	0	1
D	0	0	0	0

Педагогика ижтимоий соҳага тегишли бўлганлиги ва математика

абстракт педагогика эса реал жараёнларни ўрганганлиги учун, педагогик тизимлар структураларини тавсифлаш ва таҳлил қилишда математик аппаратдан қисман фойдаланилади.

Педагогика назарияси ва амалиётида қўлланиладиган структуралар турлари билан танишамиз.

Тармоқли тузилма, одатда вақт кесимида тизим декомпозициясини ифодалайди. Тармоқ структураларга олиб келувчи тизимлар декомпозициясига мисоллар келтирамиз.

«Мақсадларнинг келиб чиқиш фазоси» белгиси бўйича декомпозиция.

Қуйидаги расмда У - қаралаётган тизимни таркибий қисм сифатида ўрганувчи ва унга ўз талабларини қўювчи, тизим фаолиятини чегараловчи ва унинг натижаларидан фойдаланувчи юқори даражадаги усттизим (надсистема); ПТ – асосан тизим охирги маҳсулоти хоссаларига таъсир этувчи унинг таркибидаги тагтизим; ФТ – мухим ёки долзарб муҳит, яъни ўрганилаётган тизим махсулотини яратишга бевосита алоқадор фаол тизим; Т-тадқиқ этилаётган тизим.



Тизимнинг ташқи муҳити структураси.

Педагогик тизимларни «ҳаётий цикли» бўйича декомпозицияси. Тизим охирги маҳсулотини олишнинг шакллантириш ёки ташҳислашдан то истеъмолгача бўлган босқичлари аниқланади. Масалан, таълим йўналишлари ёки мутахассисликлари, ўқув предметларининг олий таълимга киритилиши ёки уларни тизимдан чиқарилиш вақти.

Масалан ўқитувчининг инновацион фаолияти тизимини жараён босқичлари орқали қуйидагича декомпозиция қилиш мумкин (1-расм).

Асосий таркибий элементлар бўйича декомпозиция. Тизимнинг бундай структурасини қуриш орқали асосий элементларга бўлган эҳтиёжлар асосида тизим функцияси шакллантирилади.

Масалан таълим жараёни таркибини қуйидаги кўринишда декомпозициясини амалга ошириш мумкин (2-расм).

Декомпозициядан кейин асосий элементлар орасидаги функционал боғланишларни аниқлаш, ҳар бир элементнинг ўрнини аниқлаш ва тавсифлаш, ташқи муҳит билан алоқасини ўрнатиш керак (3-расм).

1-расм.


Янгиликни бошланғич сезиш
Янгиликни рўёбга чиқариш
Инновацион фаолиятнинг касбий моҳияти
Инновацион фаолиятнинг шахсий моҳияти
Педагогик қарашларнинг ўзгариши

2-расм.

3-расм.



Иерархик структура тизимнинг фазодаги декомпозициясини ифодалайди. Бундай структураларда қаралаётган вақт моментида бир вақтнинг ўзида барча элементлар мавжуд бўлади (учлари, қирралари).



Иерархик структуралар аксарият ҳолда дарахт шаклидаги графлар ёрдамида ифодаланади (цикларсиз), бундай структуралар «кучли» алоқали структуралар дейилади.



Граф G_1

Граф G_2

Иерархик структуранинг қайсидир элементи ўзидан юқори қатламдаги икки ва ундан ортиқ тугунлар билан боғланган бўлса, бундай структура «кучсиз» алоқали структура дейилади.



Бошқарув цикли бўйича декомпозиция.

Матрицали структуралар педагогик жараёнларда кенг қўлланилади. Масалан, дарслар жадвали, синф раҳбарининг иш режаси, ўзлаштириш натижалари ва б. Матрицали кўринишда иерархик структуралар қатламлари орасидаги муносабатларни ҳам ифодалаш мумкин.

Масалан бакалавриат таълим йўналишларидаги ўқув жараёнини жадвали матрицали структураси 4-расм кўринишида.

Ҳар қандай дарс педагогик тизим сифатида вақт кесиимида, мақсад, мазмун, метод, восита ва натижалар ва уларнинг декомпозицияси асосида ёки бошқа бир тадқиқот ёндашуву асосида таркибий элементларга ажратилиши мумкин. Натижада битта дарснинг турли структуралари хосил қилинади.

4-расм.

I. ЎҚУВ ЖАРАЁНИ ЖАДВАЛИ

| Курс | Ҳафталар | | |

Худди шундай педагогик жараённинг меъёрий хужжатлари, услубий манбалари ёки бу жараённинг айрим қисм жараёнларини декомпозициясини қаралаётган муаммо мақсадига мос амалга ошириб турли кўринишдаги структуралар орқали ифодалаш мумкин.

Педагогик тизимларни моделлаштиришга замонавий ёндашувлар

Илмий тадқиқотларда энг кўп ишлатиладиган метод моделлаштиришдир. Модел тушунчасининг кўплаб таърифлари бор. Масалан, модел-объект, объектлар тизими, жараён ёки ходисанинг математик муносабатлар, сонлар, матн, чизма, жадвал, сўзлар билан ифодаланган формулалар билан ифодаланган формал тавсифи.

Модел-реал объект, жараён ёки ходиса ҳақидаги соддалаштирилган тавсифи.

Моделлаштириш-объектлар, жараёнлар, ҳодисаларни ўрганиш учун уларнинг моделларини қуриш.

Моделлаштиришнинг негизида иккинчи даражали омилларидан воз кечиб, у ёки бу жараёнларни амалга оширишда муҳим бўлганларини ўрганиш ётади. Лекин бунда қандай омиллар муҳим, қайсилари муҳим эмаслигини ажратиб олишдек муҳим муаммо келиб чиқади.

Илмий адабиётларда кўплаб моделлар ва моделлаштириш технологияларининг таснифлари берилган. Моделлаштиришнинг одатда детерминал, стохастик, статик, динамик, дискрет, узлуксиз, дискрет-узлуксиз турлари фарқланади.

Детерминал моделлаштириш тасодифий таъсирларга эга бўлмаган жараёнларни акс эттиради. Стохастик (тасодифий) моделлаштириш эҳтимолий жараён ва ҳодисаларни инобатга олади. Статик моделлаштириш объектнинг бирор бир вақт моментидаги холатини ифодалашда қўлланилади. Динамик моделлаштириш объектнинг бирор бир вақт оралиғидаги холатини ифодалайди.

Шу билан бирга аналогли (узлуксиз), дискрет ва аралаш моделлар билан ишланади. Ҳар қандай педагогик жараён ва ҳодиса кўплаб тасодифий

омиллар (ўқитувчи кайфияти, у ёки бу ўқувчининг билимлари, раҳбарият ва ўқитувчи, ўқитувчи ва ўқувчи, ўқитувчи ва ота -оналар орасидаги муносабатлар)га боғлиқ ва вақт оралиғида ўзгаргани сабабли одатда динамик стохастик модел сифатида ифодаланади.

Бундан ташқари реал ва ҳаёлий моделлардан фойдаланилади. Ҳаёлий моделлаштириш одатда ўқитувчининг дарсга тайёргарлик кўришида, педагогик тажриба ўтказишида қўлланилади.

Кўргазмали лойиҳалаштириш натижасида инсоннинг реал объектлар, улардаги жараёнлар ҳақидаги тасаввурлари плакатлар, схемалар, диаграммалар кўринишида ифодаланади.

Фаразий моделлаштириш натижасида ўрганилаётган жараёнлардаги кириш ва чиқишлар орасидаги сабаб-натижа муносабатлари фараз кўринишида ишлаб чиқилади. Масалан, ҳар қандай илмий тадқиқот ишининг илмий фарази, тадқиқот муаммосининг келиб чиқиш сабаблари ва уларни бартараф этиш имкониятларини ўзаро боғлайди.

Педагогикада таълимнинг мазмуни ҳам ўқув фаолияти ҳам моделлаштирилади.

Таълим модели-моделнинг дидактик негизини ташкил этувчи педагогик техника, методлар тизими, таълимнинг ташкилий шакллари орқали аниқланади.

Ўргатувчи моделларнинг бир нечта турлари бўлиб, масалан семиотик ўргатувчи модел белгили ахборотлар билан ишлашни ўргатувчи, матн билан ишлашни назарда тутувчи топшириқлар тизимидан иборат.

Педагогик жараёнларни когнитив моделлаштириш.

Охирги йилларда когнитив технологиялар иқтисод, сиёсат, социология соҳаларида кенг қўлланилмоқда. Когнитив ёндашувнинг бир нечта изоҳлари бор.

Когнитив анализ технологияси ва моделлаштиришнинг негизида объект ва унинг ташқи муҳити ҳақидаги билимларни когнитив (билиш-мақсадли) тизимлаштириш ётади, бунда объект ва унинг ташқи муҳити «аниқмас»

чегараланган.

Ижтимоий жараёнларни изоҳлаш, тавсифлаш, изоҳлашда қўлланиладиган ёндашувлар юзасидан Гарб давлатлари олимлари қуйидаги фикрларни баён этадилар.

АНЪАНАВИЙ ШАРҲЛАРГА ЁНДАШУВ

Баъзи олимлар ўз илмий фаолиятида бир хил стандатрдан фойдаланишмайди, улар усллубларни аниқлаш учун барча нарсага қўл урадилар. Бу билан улар минимал хатоликлар орқали янги изланишлардаги тасодифий хатоликлар орқали улар ушбу қўлга киритилган натижаларни амалда қўлламайдилар.

Афсуски барча даврда каби барча ёшларга таълим олиш имкониятига эга эмаслар ва бу баъзи тарбияси оғир ёшларга албатта зарарлидир. Бу эса устоз муррабийликни ишламаётганлигини англатмайди.Бизнинг ҳозирги кундаги узтоз муррабийлик бўйича самарадорлиги бўйича билимларимиз ҳудди янги дорига ўхшайди, лекин бу кейинчалик изланишларга эхтиёж туғилишида давом этади.

мумкин хулосалар ва зарар ва исроф қилиш ресурслари.Таъкидланган ҳали анъанавий адабиёт шарҳлар тез-тез, бир систематик ва танқидий эмас мода тадқиқотларнинг юқори

вакили этувчи намуналари умумлаштириш Жадвал 1.4.

Биз кейинчалик бобларда кўришимиз мумкинки, тадқиқотчилар илмий изланишларини чоп этиш учун онгли равишда уларнинг ҳомийларига таъсир кўрсатиши мумкин. Баъзин изланишни тўхтаб қолиши мумкин, қайсики фан оламида хақиқат ва ёлғонни бир паллада тенг бўлиб қолса.

Витамин С ва шамолланиш

Павел Книпсчилд таърифига кўра у ва унинг дўстлари Витамин С шаммолланишга қарши самара бера олармикан деган вазифани олдиларига қўйишган. Шаммолашни олдини олиш борасида катта дозада қабул қилиш орқали эришишган. 1986 йил Нобел мукофоти соҳиби Лайнус Полинг асарида инсон қанчалик узоқ яшашишини ва ўзининг умри давомида яҳши ҳис қилишини йўлини топган. У изланишларини ҳулосасида биз истеъмол этаётган озиқ- овқат таркибида витамин С ни 200 баробар кўпайтиришни маслаҳат берган.

Книпсчилд ва касбдошларини Полинг томонидан келтирилган изланишга

қарши янги изланиш олиб борганлар. Улар олиб борган 61 та синовдан 15 донасигина муваффақиятли тамомланган бўлиб ушбу изланишлар натижасига кўра Витамин С мегадозасини қабул қилиш шамолланишни даволамасдан балки ушбу касалликни давомийлигини қисқартиради холос. Книпсчилдни Полингни изланишларини изоҳлар экан бу 15 та изланишлар шамолланиш касаллиги даволашдан уни бошқа томонлама айланиб ўтган. Яъни ҳаттоки кўпли экспертларда ҳам баъзан ўтказилган самарасиз натижалардан дол ҳақиқатни эмас балки ўйлган маълумотларни тақдим этиши мумкин.

Албатта адабиётларни анаънавий шарҳлаш мунтазам шарҳлаш

туради. Лекин ҳар бир изоҳда мунтазам шарҳ бўлиши шарт эмас. Баъзан китобхон(ўқувчи) исталган изланиш муаллифидан изланишни қисман изоҳини эмас, балки коптомонлама аниқ ва ишончли таҳлил қилинган

изланишни талаб қилишга ҳаққи бор. Китобхон ишончига киришни ягона йўли бу у фойдаланган усулни тўлиқ изоҳлаб кетиш. Биз ушбу китоб орқали тақризчи

фиркри адабиётлар шарҳи натижаларига таъсир этганидек изланувчи ҳиссиётга берилши бирламчи изланишлари натижасига таъсир қилиши мумкин.

Мисол учун Шадишда 280 та психологик журналларда чоп этилган мақолалаларни муаллифларидан сўров ўтказди ва бу изланишлар муаллифнинг ўз аргументни қўллаб қувватлашини илмий ишларини эса ишончлийлига эса эътобор берилмаган.

АХБОРОТЛАРНИНГ ҲАДДАН ТАШҚАРИ КЎПЛИГИ

Муамме фақат номусофиклик кўплигида эмас - балки ахборот ҳаддан

ҳам бўлган илм-фан қоғозлар нашр, шунингдек катта ўсиш, сони ташқи кўринишига кўра, тегишли ахборот web-асосланган манбалар сезиларли даражада ошди. Кўп жиҳатдан, бу билим демократлаштиришни кутиб олиш ёки камида бир

воситаси орқали ахборот анча кенг фойдаланиш мумкин бўлади. Лекин бу веб-сайтлари ишончли маълумот ёки муайян масала фақат қисман бир кўриниши тақдим йўқлигини айтиш қийин бўлиши мумкин. Кўп ҳолларда, ахборот шунчаки эскирган[2].

Жадвал 1.5

100 йил аввалги ахборотларнинг кўкларга (тоғларга) интилиши

Бизни тажрибавий адабиётларни ҳажмини кўпайиши, янъи ҳар йили борган сари изланишлар чоп этилиши эмас балки яна бир қоғоз уюми кўпайишига ҳеч қандай шубҳа қимаса ҳам бўлади.

(Титченер, 1903)

Қаралаётган фанга ҳос анъанавий муаммоларни сезиш, тафаккур, билиш, тушунтириш ва тушуниш жараёнларининг когнитив жиҳатларига кириб борувчи методлар ёрдамида ечишга когнитив ёндашув деб қаралади.

Когнитив технологиялар педагогик тизимларни тизимли таҳлилисинтези ва моделлаштиришни янги сифат даражасида амалга ошириш имконини беради.

Л.Ф.Спириннинг фикрича педагогик вазият педагогик тизимнинг аниқ бир вақт моментидаги ҳолатини ифодалайди. Шунинг учун педагогик тизимларни когнитив моделлаштиришда вазиятнинг когнитив харитаси (модели) асосий тушунчадир.

Педагогик вазиятнинг когнитив харитаси (модели) белгили йўналтирилган графдан иборат, унда

- граф учлари - педагогик вазиятнинг базавий факторларини;

-учларни туташтирувчии ёйлар-бир-бири билан боғлиқ факторларни ифодалайди, агар бу боғланиш ижобий бўлса «+», салбий бўлса «-» ишораси йёга мос қўйилади.

Масалан, бўлажак ўқитувчининг математик маданиятини

[2] Petticrew, Mark. Systematic reviews in the social sciences : a practical guide/Mark Petticrew and Helen Roberts. H62.P457 2005 ISBN-10: 1-4051-2111-4 . P 23-30

шакллантиришнинг когнитив картасини қуйидаги модел орқали ифодалаш мумкин:



«Алгебра ва сонлар назарияси»нинг модули структураси



Педагогик тизимларни сифатли таҳлили методлари.

Педагогик тизимлар формаллаштиришга бўйсунмайдиган жараёнлар бўлганлиги сабабли, уларнинг моделларини яратиб, қандайдир ишончлилик даражасида ўрганиш мумкин, лекин таълим-тарбия жараёнининг реал шарт-шароитлари ҳар қандай оптимистик мўлжалларни инкор этиши мумкин.

Шунга қарамай педагогик жараёнларни ўрганиш мумкин ва зарур. Тизимли таҳлил элементлар ва улар орасидаги муносабатларни нафақат формаллаштириш балки белгилар орқали ифодалаб, уларни сифатли таҳлил қилиш имкониятини беради.

Тизимларнинг сифатли методлари:

- «ақлий ҳужум» ёки ғояларнинг жамоавий генерацияси;
- сценариялар методи;
- экспертлар баҳоси методи;
- Дельфи методи;
- мақсадлар дарахти методи;
- морфологик метод.

Ғояларнинг жамоавий генерациясидаги мунозаралар учун ўқувчиларни жойлаштириш намунаси:



Назорат саволлари:

1. Тизим структураси тушунчасини тушунтиринг.
2. Модел, моделлаштириш, тизим модели тушунчаларини изоҳланг.
3. Графли структура талабларини айтинг.
4. Матрицали структурага мисол келтиринг.
5. Мақсадлар иерархияси, ҳаётий цикл, асосий таркибий қисмлар

структураларига педагогик тизимлардан мисоллар келтиринг.

6. Педагогик тизимларнинг бошқарув структурасини изоҳланг.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистон эришган ютуқ ва марралар - биз танлаган ислоҳотлар йўлининг тасдиғидир. Т.22. – Т.: Ўзбекистон, 2014.

2. Managing with Systems Thinking, Michael a , c raw-Hill, London, 1994.

3. Petticrew, Mark. Systematic reviews in the social sciences : a practical guide/Mark Petticrew and Helen Roberts. H62.P457 2005 ISBN-10: 1-4051-2111-4 (pbk. : alk. paper)

4. Самаров Р. Ахборотнинг психологик хавфсизлигини таъминлаш механизми (услубий қўлланма). – Тошкент: Университет, 2015. – 91 б.

5. Самаров Р.С, Раджабов А..Сиесий матн таҳлили (методология, назария, амалиёт). - Тошкент 2010. - 176 б.

6. Systems Thinking: Managing Chaos and Complexity, Jamshid Gharajedaghi, Butterworth Heinemann, Oxford, 1999.

7. Sistemologiya._Avtomatizaciya_resheniya_sistemnyh_zadach._D._Klir. 1990

8. Obschaya_teoriya_sistem_dlya_gumanitariev._A._Uemov,_I._Saraeva,_ A._Tsofnas._2000

9. npo.tspu.edu.ru/files/npo/PDF/articles/kamaleyeva

10. web.snauka.ru/issues/2012/06

11. it.lib.ru/s/sofronowa

12. megaobuchalka.ru

13. https://www. oo e.com/search?q=системный+анализ

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

ПЕДАГОГИК ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИШЛАР ТИЗИМИ

Ишдан мақсад: олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларида илмий тадқиқот ишлар тизимини тизимли таҳлил этиш, таркибий элементларини аниқлаш, тагтизимлар функцияларини аниқлаш, мақсад асосида синтезлаш юзасидан амалий кўникмалар шакллантириш.

Масаланинг қўйилиши: Ҳар бир тингловчи ўзи олиб борган ёки олиб бораётган илмий тадқиқот ишининг предметини ёки айрим бир муаммосини ҳал этиш жараёнини тизим орқали ифодалйди.

Бунда:

1. Тадқиқот ташқи муҳити, компонентлари, тагтизимлари, элементларини аниқлайди.

2. Тизим компонентлари, тагтизимлари, элементлари орасидаги боғланишларни аниқлайди.

3. Тизимнинг ташқи муҳит билан алоқаларини ўрнатади.

ЁРДАМЧИ МАТЕРИАЛЛАР

Масалан, «Мактаб ва олий таълим математика курси узвийлиги (преемственность)ни таъминлашнинг методик асослари» мавзусидаги илмий тадқиқот ишида А.П.Сманцер томонидан таклиф этилган таълим узвийлигини ифодаловчи тизимнинг дидактик моделидан фойдаланиш мумкин. Бу тизим иккита тагтизимдан:

1) Таълим олувчилар фаолияти билан боғлиқ бўлган ўқиш-ўрганишдаги узвийлик;

2) Таълим берувчилар фаолияти билан боғлиқ ўргатиш жараёнидаги узвийликдан иборат.

Ўқиш-ўрганишдаги узвийлик тагтизими мотивацияли-мақсадли, мазмунли-фаолиятли, баҳолов-рефлексив, ташкилий-режавий; ўргатиш жараёни тагтизими эса меъёрий, ташкилий-методик, бошқарув-рағбат,

назорат-баҳо компонентлардан ташкил топади.

Ўз ўрнида тагтизимларнинг ҳар бир компонентини тагтизим сифатида бўлаклаш мумкин.

АМАЛИЙ МУСТАҚИЛ ИШ УЧУН НАМУНАЛАР

Ўқитувчининг инновацион фаолияти структураси





Тажриба-синов ишлари тизими.

Биология ўқитувчиси мутахассислигининг замонавий модели




Тафаккур структураси
Дедуктив
Тахминий
Шартли
Жузъий
Умумий
Якка
Хусусий
Умумий
Якка
Абстракт
Конкрет
Кузатиш
Суҳбат
Таҳлил қилиш
Тест
Тажриба - синов
Методлари
Хулоса чиқариш
Ҳукм
Тушунча
Сифатлари
Мустақиллиги
Танқидийлиги
Пишиқлиги
Серташаббуслилиги
Маҳсулдорлиги
Самарадорлиги
Ихчамлиги
Анализ ва синтез
Таққослаш
Абстракциялаш
Умумлаштириш
Классификациялаш
Конкретлаштириш
Системалаштириш
Операциялари
Шаклига кўра
Топшириқ характерига кўра
Оригиналлик даражасига кўра
Кўргазмали-ҳаракат
Кўргазмали-образли
Сўз-мантиқ(вербал)
Амалий
Назарий
Ихтиёрсиз
Ихтиёрий
Репродуктив
Ижодий
Визуал
Фазовий
Конкрет
Абстракт
Реалистик
Аутистик
Дискурсив
Интуитив
Диалектик

Назорат саволлари:

1. Тизим, педагогик тизим тушунчаларини изоҳланг.

2.Педагогик тизимларга мисоллар келтиринг.

3.Илмий тадқиқот иши методологияси тушунчасини аниқланг.

4.Педагогик илмий тадқиқот ишлар мақсади, предмети, объектига мисоллар келтиринг.

5.Педагогик жараёнларнинг қандай моделларини биласиз?

6.Педагогик тизимларнинг структурасини қандай ифодалаш мумкин?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Petticrew, Mark. Systematic reviews in the social sciences : a practical guide/Mark Petticrew and Helen Roberts. H62.P457 2005 ISBN-10: 1-4051-2111-4 (pbk. : alk. paper)

2. Самаров Р.С, Раджабов А..Сиесий матн таҳлили (методология, назария, амалиёт). - Тошкент 2010. - 176 б.

3. ana in with ystems hin in , ichae a , c raw-Hill, London, 1994.

4. Systems Thinking: Managing Chaos and Complexity, Jamshid Gharajedaghi, Butterworth Heinemann, Oxford, 1999.

5. Sistemologiya._Avtomatizaciya_resheniya_sistemnyh_zadach._D._Klir._ 1990.

6.. Obschaya_teoriya_sistem_dlya_gumanitariev._A._Uemov,_I._ Saraeva,_ A._Tsofnas._2000

7. Толипова Ж.О. Биология ўкитувчисининг илмий-методик тайёргарлиги даражасини орттириш назарияси ва амалиёти: Пед. фан. докт. … дис. – Т.: ТДПУ, 2006. – 284 б.

8. Юнусова Д. Бўлажак математика ўқитувчисини инновацион фаолиятга тайёрлаш назарияси ва амалиёти. - Т.: Фан, 2009. – 165 б.

9. https://www. oo e.com/search?q=системный+анализ

10. www. Ziyonet. uz

ТОПШИРИҚ НАЗОРАТИ ВА БАҲОЛАШ

Ишланма А4 форматдаги қоғозда тайёрланади.

МУДДАТ: Тингловчилар томонидан тайёрланган ишланма келгуси амалий машғулот куни баҳолаш учун топширилади**.**

БАҲОЛАШ:

1. Ижодий иш максималл **0,3** балл билан баҳоланади.

2. Ўз муддатида топширилмаган ишлар баҳоланмайди.

Тингловчилар томонидан тайёрланган услубий ишланма модул бўйича барча машғулотлар якунида, битирув лойиҳа ишларини жиҳозлаш вақтида тингловчиларга қайтарилади.

2- АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ.

Ишдан мақсад: Олий таълим муассаси профессор –ўқитувчисининг ўқув машғулотини педагогик тизим сифатида тизимли таҳлилини амалга ошириш кўникмаларини ривожлантириш.

Масаланинг қўйилиши: Ҳурматли тингловчилар, Сизларнинг эътиборингизга маъруза ва амалий машғулот лойиҳалари ҳавола этилмоқда. Ушбу лойиҳаларнинг тизимли таҳлилини амалга ошириб, ундаги ижобий ва салбий ҳолатларни аниқланг. Ижобийларини оммалаштириш ва салбийларини бартараф этиш таклифларини ишлаб чиқинг.

	ПРЕДИКАТЛАР. КВАНТОРЛАР. ПРЕДИКАТЛАР АЛГЕБРАСИНИНГ ФОРМУЛАСИ ВА УНИНГ ТАТБИҚИ

Муаммоли, визуал маъруза машғулотининг технологик картаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	ўқитувчининг	талабанинг
1-босқич. Кириш (5 мин.)	1.1. Мавзу, мақсад ва режалаштирилган ўқув натижаларини эълон қилади. 1.2. Режа ва муаммоли ҳолатларни ифодаловчи саволларни экранга чиқаради (1-слайд).	1.1. Эшитадилар, ёзиб оладилар. 1.2. Эътибор берадилар.
2-босқич. Билимларни фаоллаштириш (10 мин.)	2.1. ББББ жадвали ҳақида тушунча беради (2-слайд) 2.2. Уй вазифаси асосида ББББ жадвалга асосий тушунчаларни тушуришни сўрайди (1-илова).	2.1.ББББ жадвалини тўлдиради.
3-босқич. Асосий (55 мин.)	3.1. Қуйидаги саволни ўртага ташлайди: Айтинг-чи, мулоҳаза билан предикатнинг қандай фарқи бор? Предикатлардан қандай қилиб мулоҳазалар ҳосил қилиш мумкин? Предикатларнинг қандай татбиқларини биласиз? Ана шу савол бўйича билимларни тартиблаш, мустаҳкамлаш учун 2-иловадаги матн билан талабаларни таништиради. 3.2. Предикатли формула, унинг турлари моҳияти билан таништиради. 3.3. Математик тасдиқларни предикатлар	3.1.Саволларга жавоб беради, изоҳ беради. 3.2.Ёзиб оладилар, муҳокама қиладилар. 3.3.Намойишлар асосида ахборот олади..

	тилида ёзиш намунасини намойиш қилади (2-слайд).	
4-босқич. Якуний (10 мин.)	4.1. «Қандай?» жадвалини тузишни сўрайди (3-слайд, 3-илова). 4.2. Асосий категория ва тушунчаларни ББББ жадвалига қайта тушуришни сўрайди (1-илова). Мавзуга хулоса ясайди. Ўқув жараёнида фаол иштирок этган талабаларни рағбатлантиради. 4.3.Мустақил иш учун вазифа: маърузалар матнидаги 3-мавзуни инсерт усулида ўқиб келишни вазифа қилиб беради (2-слайд)	4.1.Жадвал тузади (3-илова). 4.2.ББББ жадвалини қайта тўлдиради. 4.3.Топшириқни ёзиб оладилар.

ТАРҚАТМА ВА ВИЗУАЛ МАТЕРИАЛЛАР

1-слайд

Predikatlar va kvantorlar.

1. Predikatlar.
2. Predikatning qiymatlar va rostlik sohalari.
3. Predikatlar ustida mantiq amallari.
4. Aynan rost, aynan yolg’on, bajariluvchi predikatlar.
5. Teng kuchli predikatlar.
6. Umumiylik va mavjudlik kvantorlari.
7. 1, 2, 3 o’rinli predikatlardan kvantorlar yordamida mulohazalar hosil qilish.
1. Predikatli formulalar.
2. Asosiy predikatli mantiq qonunlari.
3. Mulohazalarni predikatlar tilida yozish.
4. Teorema va uning turlari.
5. Teoremalarni isbotlash usullari.

2-слайд

1-илова.

ББББ ЖАДВАЛИ

Биламан «+»	Қисман биламан «?»	Билмайман «-»

№	Тушунчалар	Модулга киришда			Модулдан чиқишда		
		«+»	«?»	«-»	«+»	«?»	«-»
1.	мулоҳаза						
2.	ростлик қиймати						
3.	конъюнкция						
4.	дизъюнкция						
5.	импликация						
6.	эквиваленция						
7.	инкор						
8.	формула						
9.	қисмформула						
10.	ростлик жадвали						

11.	айнан рост формула						

12.	айнан ёлғон формула						
13.	бажарилувчи формула						
14.	мантиқ қонуни						
15.	предикат						
16.	предикатнинг қийматлар соҳаси						
17.	предикатнинг ростлик соҳаси						
18.	кванторлар						
19.	предикатли формула						
20.	айнан рост предикатли формула						

2-илова.

Предикатлар мантиқининг асосий тушунчаларидан бири предикат тушунчаси билан танишиб чиқамиз. Бирорта бўш бўлмаган M тўплам берилган бўлсин. M тўпламнинг a элементи ҳақида айтилган тасдиқни R(a) орқали белгилаймиз. Шундай қилиб, M тўпламнинг a элементи ҳақида айтилган тасдиқ a нинг ўрнига M нинг аниқ битта элементини қўйсак мулоҳаза бўлар экан. Бундай тасдиқларни бир ўзгарувчили мулоҳазавий формула ёки бир ўзгарувчили предикат деб атаймиз. Шунга ўхшаш икки, уч ўзгарувчили предикат тушунчалари киритилиши мумкин.

Юқоридагидек n та $x_1, \ldots, x_n$ ўзгарувчиларга богъликъ R $(x_1, \ldots, x_n)$-тасдиқ берилган бўлсин. У ҳолда $x_1, \ldots, x_n$ ўзгарувчиларнинг мазмунга эга бўладиган қийматлар тўплами, шу ўзгарувчиларнинг ёъл қўйиладиган қийматлари соҳаси дейилади.

Бир ўринли предикатлар билан тўлиқроқ танишиб чиқамиз. Предикатлар устида ҳам мулоҳазалар устида бажарилган $\neg$, $\wedge$, $\vee$, $\rightarrow$, $\leftrightarrow$ амалларни киритишимиз мумкин.

Таъриф. $M \neq \varnothing$ тўпламда аниқланган бир ўринли R(x) - предикат берилган бўлсин, у ҳолда R(x) - предикатнинг инкори деб ҳар қандай $x \in M$ элемент учун R(x)-предикат рост бўлганда ёлғон бўладиган; R(x) ёлгъон

боълганда рост боъладиган ⎤R(x) предикатга айтилади. Яъни, M нинг ихтиёрий элементи учун (⎤R)(x) = ⎤(R(x)) тенглик ўринли бўлади.

Таъриф. $M \neq \varnothing$ тўпламда аниқланган P(x) предикат берилган бўлсин, у ҳолда P(x) предикатни рост мулоҳазага айлантирадиган x нинг M тўпламга тегишли барча элементларини E_p орқали белгилаймиз. E_p-P(x) предикатнинг ростлик соҳаси дейилади.

Таъриф. 1)ҳар қандай элементар формула предикатлар мантиқининг формуласидир;

2) агар А ва Б лар предикатлар мантиқининг формулалари бўлса, у ҳолда (⎤A), (A ∧ B), (A ∨ B), (A ↔ B), (∃xA), (∀xA) ифодалар ҳам предикатлар мантиқининг формулаларидир;

3) бошқа усул билан предикатлар мантиқининг формулаларини ҳосил қилиб бўлмайди.

Предикатлар мантиқининг А формуласи таркибидаги элементар формулаларни, ҳар қандай предикатлар билан алмаштириш натижасида айнан рост предикат ҳосил бўлса бундай формула айнан рост формула ёки мантиқ қонун ё умумқийматли формула дейилади. Предикатлар алгебрасининг иккита формуласи уларга кирган барча предикатларни ҳар қандай предикатлар билан алмаштирганимизда бир хил қийматлар қабул қилсалар, улар тенг кучли дейилади. А ва В формулалар тенг кучлилиги A ≡ B кўринишида белгиланади.

Бу тенг кучлиликлардан ташқари предикатлар мантиқнинг ўзигагина хос бўлган тенг кучли формулалар ҳам бор. Шундай тенг кучли формулалар намуналарини келтирамиз:

1. ⎤(∀xP(x)) ≡ ∃x⎤P(x).
2. ⎤(∃xP(x)) ≡ ∀x⎤P(x).
3. ∀xP(x) ≡ ⎤(∃x⎤P(x)).
4. ∃xP(x) ≡ ⎤(∀x⎤P(x)).
5. ∃xA(x) ∨ ∃xB(x) ≡ ∃x(A(x) ∨ B(x)).

6. $\forall xA(x) \wedge \forall xB(x) \equiv \forall(x)(A(x) \wedge B(x))$.

Мулоҳазалар алгебарсидагидек предикатлар мантиқининг тенг кучли формулаларида « ≡ » тенгкучлилик белгисини «⇔» эквиваленция амали билан алмаштирсак, айнан рост формулалар, яъни мантиқ қонунлари ҳосил бўлади. Масалан, $\neg(\forall xP(x)) \Leftrightarrow \exists x\neg P(x)$; $\neg(\exists xP(x)) \Leftrightarrow \forall x\neg P(x)$- формулалар мантиқ қонунлардир.

Математик мантиқ элементлари мавзунинг ўқитилишидан қўйилган асосий мақсад-математик мантиқ фанининг алгебра, геометрия, математик таҳлил каби бир қанча математик фанларга тадбиқининг энг содда кўринишларидан бири-математик жумлалар (аксиома, теорема, таъриф,...)ларни мулоҳазалар ва предикатлар алгебралари тили орқали ифодалашга ўқувчиларни ўргатишдир.

Предикатли формулаларга кванторларни қўллаш натижасида ҳосил қилинган мулоҳазавий формулалар ёрдамида таъриф, теоремаларни ифодалашга бир нечта мисоллар кўриб чиқамиз.

Мисол. Натурал сонлар тўпламида қаралган туб сон тушунчаси учун қуйидаги формулани келтириш мумкин:$(\forall n\in N)((n\text{-туб сон})\Leftrightarrow(n\neq1\wedge n\vdots P\Rightarrow p=1\vee p=n))$.

2-слайд.

Қуйидаги тасдиқни формула кўринишида ифодаланг:

Агар берилган учбурчакнинг медианаси

баландлиги ҳам, биссектрисаси ҳам бўлмаса, у ҳолда бу учбурчак тенг ёнли ҳам, тенг томонли ҳам эмас.

A ⇋ «Учбурчакда медиана баландлик ҳам; B ⇋ «Учбурчакда медиана биссектриса ҳам; C ⇋ «Учбурчак тенг ёнли»;

D ⇋ «Учбурчак тенг томонли».

$(\neg A \,\&\, \neg B) \Rightarrow (\neg C \,\&\, \neg D)$.

3-слайд.

3-илова.



I.2. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИНГ ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Вақти –4 соат	Талабалар сони: 25-30 нафар
Ўқув машғулоти шакли	Назарий билимларни мустаҳкамлаш ва амалий кўникмаларни шакллантириш амалий машғулоти

Ўқув машғулоти режаси	1. Мулоҳаза, унинг рост ёки ёлғонлигини

	Ростлик жадвали асосида формуланинг турини аниқлаш.. 2. .Предикатнинг ростлик соҳасини аниқлаш. 3. Кванторлар ёрдамида предикатлардан мулоҳаза ҳосил қилиш. 4. Математик тасдиқларни предикатлар тилида ифодалаш.
Ўқув машғулотининг мақсади: Амалий машғулот давомида назарий билимларга асосланган амалий кўникмаларни шакллантириш.	
Педагогик вазифалар: - амалий топшириқлар асосида назарий билимларни мустаҳкамлаш: -инсерт техникаси асосида матн билан мустақил ишлаш кўникмаларини ҳосил қилиш; -индивидуал топшириқлар асосида мустақил амалий кўникмаларга эга бўлишга ўргатиш; -жуфтликда ишлаш, ўз хулосаларини асослашг кўникмаларини ривожлантириш	*Ўқув фаолиятининг натижалари:* Талаба: гапнинг мулоҳаза бўлиш, бўлмаслиги, рост ёки ёлғонлигини аниқлай олади; мулоҳазалардан конъюнкция, дизъюнкция, импликация, эквиваленция, инкор амаллари ёрдамида янги мулоҳаза ҳосил қила олади; формуланинг ростлик жадвалини тузиб, унинг турини аниқлай олади; предикатнинг ростлик соҳасини аниқлай олади; предикатлардан мулоҳазалар ҳосил қила олади; -таъриф, теоремаларни предикатлар тилида ифодалай олади.
Ўқитиш услуби ва техникаси	Инсерт жадвали, биргаликда ўрганамиз, ўзаро назорат, нилуфар гули, мунозара.
Ўқитиш воситалари	Маъруза матни, мустақил ишлар тўплами,

	ўқув қўлланмаси, проектор, доска, тарқатма материаллар, слайдлар.
Ўқитиш шакли	Гуруҳда, индивидуал, жуфтликда ўқитиш.
Ўқитиш шароитлари	Компьютер, проектор, доска билан таъминланган, гуруҳда дарс ўтишга мослаштирилган аудитория

2- МАШҒУЛОТ. ПРЕДИКАТЛАРДАН КВАНТОРЛАР ЁРДАМИДА МУЛОҲАЗА ҲОСИЛ ҚИЛИШ. ПРЕДИКАТЛАР АЛГЕБРАСИНИНГ ФОРМУЛАСИ ВА УНИНГ ТАТБИҚИ

Амалий машғулотнинг технологик картаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	ўқитувчи	талаба
1-босқич. Кириш (15 мин)	1.1. Мавзуни, унинг мақсади, кутиладиган ўқув натижаларини эълон қилади. Машғулот якка, жуфтликда, ҳамкорликда ишлаш технологиясини қўллаган ҳолда ўтишини маълум қилади. Баҳолаш турлари, мезонларини эълон қилади. 1.2. «Нима учун» диаграммасидан фойдаланган ҳолда талабаларнинг назарий тайёргарлик даражасини аниқлайди: (1-слайд,1-илова). 1.3. Мавзу бўйича талабалар назарий билимларини умумлаштиради.	1.1. Мавзуни ёзади ва «Нима учун» диаграммасини тўлдиради. 1.2. Саволларга жавоб беради, эшитади.
2-босқич асосий (55 мин)	2.1. Предикатни таниш, унинг ростлик соҳасини аниқлашга доир мисолни намойиш қилади (2-илова).	2.1. Тинглайди, ўйлайди, саволга жавоб беради,

	2.2.Талабаларнинг ҳар бирига алоҳида мустақил иш топширади. (мустақил ишлар тўпламидан ўз вариантидаги 6,7-мисоллар). 2.3.Вазифани бажаришда ўқув материаллари (маъруза матни, ўқув қўлланма)ларидан фойдаланиш мумкинлигини эслатади. Топшириқ натижалари жуфтликда муҳокама қилиниши ва ўзаро баҳолашни топширади. «Нима учун» диаграммасини баҳолайди (4-илова). 2.4. Предикатларни кванторлар ёрдамида боғлашга доир мисолни ечиш жараёнини намойиш этади (3-илова). 2.5. Талабаларга якка тартибда бажариш учун топшириқ беради (мустақил ишлар тўпламидан шеригининг вариантидаги 8,9-мисоллар). 2.6. Ўзаро назорат, муҳокама амалга оширилишини эслатади. Қаторлар оралаб талабаларнинг мисол ишлаш ва ўзаро муҳокамасини кузатади.	ёзиб олади. 2.2.Ўз топшириғини бажаради, ўқитувчидан ёрдам сўрайди. 2.3.Шериги жавобини эшитади ва баҳолайди. 2.4. Тинглайди, ўйлайди, саволларга жавоб беради, ёзиб олади. 2.5. Топшириғини бажаради, зарур ҳолда ўқитувчидан ёрдам сўрайди. 2.6.Шериги жавобини эшитади ва баҳолайди.
3-босқич Якуний (10 мин)	3.1. Машғулотни якунлайди талабаларни баҳолайди (4-илова) ва фаол иштирокчиларни рағбатлантиради. 3.2. Мустақил иш сифатида мисол ва машқлар тўпламидаги мавзуга оид	3.1. Эшитадилар. 3.2Топшириқни оладилар.

	мисолларни ишлаб келишни топширади.	

ТАРҚАТМА ВА ВИЗУАЛ МАТЕРИАЛЛАР

1-слайд.



2

1-илова.



2-илова.

Декарт координаталар текислигида $x<3 \wedge x>-1 \wedge й < 3 \wedge й >1$ предикатнинг ростлик соҳасини тасвирланг.

Ечиш. Берилган икки ўринли предикат тўртта бир ўринли предикатларнинг конъюнкциясидан ташкил топган. Конъюнкция амалининг таърифидан, предикатлардаги иккала ўзгарувчи ўрнига қийматлар

берганимизда, уларнинг барчасини рост мулоҳазага айлантирувчи х ва у ларнинг қийматлари берилган предикатнинг ростлик соҳаси бўлади. Бунинг учун ҳар бир предикатнинг ростлик соҳаларини аниқлаб, уларнинг



ҳосил бўлган чизмадаги АБСД тўртбурчакнинг ички нуқталари берилган предикатнинг ростлик соҳаси бўлади.

3-илова

~~M = { 1, 2, . . . , 20} тўпламда қуйидаги предикатлар берилган:~~

А(х): «(х : 5)»; Б(х): «х – жуфт сон»; С(х): «х – туб сон»; Д(х): «х 3 га каррали». А(х) ∧ Б(х) ⇒ С(х) ∨ Д(х) предикатнинг ростлик соҳасини топинг.

Ечиш. К орқали М тўпламнинг А(х) ∧ Б(х) предикатни рост, С(х) ∨ Д(х) предикатни ёлғон мулоҳазага айлантирадиган элементларини белгилаб оламиз. Мантиқ амалларининг таърифига кўра берилган предикатнинг ростлик соҳаси М тўпламдан К тўпламни айиришдан ҳосил бўлган тўпламдан иборат. К тўпламни аниқлаймиз:

1) А(х) ∧ Б(х) предикат рост мулоҳазага айланадиган қийматлар тўплами А(х) ва Б(х) предикатларни бир вақтда рост мулоҳазага айлантирадиган М тўпламнинг элементлари, яъни $А_1$={5,10,15,20} ва $Б_1$={2,4,6,8,10,12,14,16,18,20} тўпламларнинг кесишмасидан иборат. Бу тўпламни $М_1$ орқали белгилаймиз: $М_1$= $А_1$ ∩ $Б_1$ = {10,20}.

2)С(х) ∨ Д(х) предикат С(х) ва Д(х) предикатлар бир вақтда ёлғон мулоҳазага айланадиган М тўпламнинг қийматларида ёлғон мулоҳаза бўлади. У $С_1$={1,4,6,8,9,10,12,14,15,16,18,20} ва

$Д_1$={1,2,4,5,7,8,10,11,13,14,16,17,19,20} тўпламларнинг кесишмасидан иборат M_2 = {1,4,8,10,14,16,20} тўпламдан иборат.

Демак, берилган А(х) ∧ Б(х) ⇒ С(х) ∨ Д(х) предикатнинг ростлик соҳаси $M_1 \cap M_2$ = {10,20} тўпламдан иборат.

4- илова.

Баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари (балл)

№	Ф.И.Ш.	Нима учун (1,0)	6-мисол (1,0)	7-мисол (1,0)	8-мисол (1,0)	9-мисол (1,0)	Жами баллар (5,0)
1.							
2.							
3.							
4.							

МУСТАҚИЛ ИЖОДИЙ ИШ УЧУН ЁРДАМЧИ МАТЕРИАЛ

Дарс кузатиш ва унинг тизимли таҳлили

Дарс кузатиш ва таҳлил қилиш орқали ўқувчиларнинг умумий тайёргарлиги, билим олишдаги фаолияти, ўқув фанга бўлган қизиқиши, диққат билан ишлаши, матн, харита, жадвал, асбоблар билан мустақил ишлай билиши, ўқитувчига бўлган муносабати аниқланади. Шу билан бирга ўқитувчининг фаолияти ҳам таҳлил қилинади. Чунончи, ўқитувчининг ўқув дастури материалларини билиш даражаси, янги мавзуни тушунтириш жараёнида асосий фикрни ажратиб олиши, илмийлик ва соддалик, кўргазмалилик тамойилларига риоя қилиши, дарс мақсадини тўғри қўйиши, дарс жараённи тўғри режалаштириши, дарсда ҳамкорликка эриша олиши, билим ва кўникмаларни ўзлаштиришни назорат этиш, ўқувчилар билан якка ва жамоада ишлашни ташкил эта билиши, дарс мобайнида вақтдан унумли фойдаланиши ва педагогик муамала маданиятини эгаллаганлик даражаси,

каби жиҳатлар инобатга олинади.

Ўқитувчиниг дарсини бир неча марта кузатиш ва таҳлил қилиш унинг педагогик маҳорати, иш тизими, ўқувчиларининг ўзлаштириши, билим даражаси каби соҳавий ва касбий лаёқати юзасидан хулоса чиқариш имконини беради.

Таъкидлаш жоизки, умумий ўрта таълим мактаб ўқитувчиларининг дарсларини таҳлил қилишда кўпинча кузатувчилар дарсга яхлит тизим сифатида қарамай кўпроқ ташқи жиҳатларига баҳо берадилар, дарснинг мазмун-моҳияти хусусида юзаки мулохаза юритадилар. Шунингдек, дарс таҳлилида ўқитувчининг кўрсатмали қуролдан фойдаланиши, дидактик карточкалар билан ишлаши ва ҳоказолар айтилади-ю, аммо улардан нима мақсадда, қайси вазиятда фойдаланилгани, қанчалик самара берганлиги, вақт тақсимотига тўғри амал қилинганлиги, ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган олмаганлиги каби масалалар тўғрисида фикр юритилмайди. Бундан ташқари яна бир жиддий камчилик ўқитувчининг ўзини ўзи таҳлил қилишга эътибор қаратмасликдир. Ўзини-ўзи таҳлил қилиш тамойили ўқитувчининг ўз фаолиятидаги ютуқ ва камчиликларини аниқлаш ва бартараф этишга оид мақсадли йўлни белгилаб олишига асос бўлади. Ўқитувчилар аксарият ҳолларда дарс жараёнида қуйидаги хато ва камчиликларга йўл қўядилар. Жумладан:

- Дарс мақсади билан ўқувчиларни таништирмаслик;
- Интерфаол методлардан самарасиз фойдаланиш;
- Дарс жараёнида барча ўқувчиларнинг иштирокини таъминлай олмаслик;
- Ўқувчилар билан якка ва жамоа тартибда ишлашга эриша олмаслик;
- Ўқувчиларнинг мустақил ишлашини таъминламаслик.
- Ўқувчилар бажарган ишларини вақтида баҳоламаслик;
- Ўкитувчи нутқининг равон таъсирчан эмаслиги;
- Мавзуни амалиёт билан боғлаб тушунтирмаслик;

- Мавзуни илмий ва амалий нуқтаи назардан тушунтиришга эътибор бермаслик;
- Синф доскаси, дарслик, ўқувчи дафтари, қўшимча адабиётлардан фойдаланишнинг тизимли йўлга қуйилмаганлиги;
- Ўқувчиларга бериладиган саволларнинг муаммоли тарзда тузилмаганлиги кабилар.

Дарслар аниқ мақсад асосида кузатилиши ва таҳлил қилиш лозим. Шундагина натижаси самарали бўлади ва ўқув жараёни юзасидан аниқ хулоса чиқаришга ёрдам беради. Дарс таҳлилида тизимсизлик, аниқ бир мақсаднинг йўқлиги, дарсга тасодифан қатнашиш, дарсни чуқур таҳлил қила олмаслик, ўкитувчига амалий ёрдам кўрсата олмаслик эса дарслар сифатининг ва савиясининг пасайиб кетишига олиб келади.

Дарсларни таҳлил қилиш фақатгина методик аҳамиятга эга бўлмай, балки мактабда ўқув-тарбия жараёнига раҳбарлик ва назоратнинг муҳим шаклларидан биридир. Ўқитувчи дарсини кузатиш ва таҳлил қилиш амалиётининг тизимли амалга оширилиши дарсларни қиёслаш ва йўл қўйилган хатоларнинг бартараф этилганлигини аниқлаш имкониятини беради. Ўқитувчиларнинг ўзаро дарс кузатиши тажриба алмашинув жараёни бўлиб, дарс ўтаётган ўқитувчи бор маҳоратини ишга солиб, юқори ишчанлик билан фаолият кўрсатса, таҳлил қилувчи ўқитувчи эса таклиф ва мулоҳазалар бериш орқали тажрибасини бойитади, методик малакасини оширади.

Дарс таҳлили ўқув машғулотини кузатиш, ўрганиш шаклида олиб борилади. Шу ўринда савол туғилади. Ўқитувчининг дарси ким томонидан кузатилиши лозим? Қандай мақсад Билан кузатилади ва таҳлил қилинади? Ўқитувчининг дарси вилоят ХТБ, туман, халқ таълими бўлими, таълим муассасалари раҳбарлари, ходимлари, методистлар ва ўқитувчилар томонида кузатилади ва таҳлил қилинади.

Бунинг учун энг аввало, дарсга киришдан мақсад нимадан иборат эканлигини аниқлаб олиш зарур. Дарс қуйидаги мақсадда кузатилади ва таҳлил қилинади:

- таълим ва тарбия жараёни сифатини аниқлаш;
- ўқитувчининг педагогик маҳоратини оширишга ёрдам бериш;.
- илғор иш усуллари ва методларини ўрганиш ва оммалаштириш;.
- ўқитувчиларнинг ўзаро тажриба алмашиши;
- ўқувчиларнинг билими ва тарбияланганлик даражасини аниқлаш;
- илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш;
- ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ўрганиш;
- дарс жараёнида юзага келаши мумкин бўлган хато ва камчиликларнинг олдини олиш ўқитувчига амалий ва методик ёрдам кўрсатиш;
- таълим-тарбия жараёнида ўқувчилар психологик хусусиятларининг томонларида ўзига хослигини эътиборга олиниш;
- дарсда ўқувчиларни фаоллаштириш ва мавзуни ўзлаштиришлари эътиборга олинганлиги.

Дарс ўқув жараёнининг жуда кўп таълим-тарбия қирраларини ҳал қилувчи асос ҳисобланади. Шунга кўра дарсга кузатувчи ва таҳлил қилиувчилардан махсус тайёргарлик кўриш талаб этилади.

Дарсни таҳлил қилиш қуйидаги босқичларда амалга оширилади.

1.Дарсни кузатишга тайёргарлик

2.Дарснинг боришини кузатиш

3.Ўз-ўзини таҳлил қилишни таъминлаш

4.Дарс таҳлили ва таклифлар бериш

Дарсни таҳлил қилишда қуйидагиларга эътибор қаратишни тавсия этамиз.

1. Дарсни кузатишдан олдинги тайёргарлик.

- дарс кузатишдан кўзланаётган мақсад ва вазифаларни шакллантириш;
- кузатиладиган дарсни аниқ белгилаб олиш;
- дарс кузатиш тузилмасини тайёрлаш;
- керакли материалларни тайёрлаш; ўқитувчи билан суҳбатлашиш.

2 Дарснинг мақсадларини таҳлил қилишда:

- ўқув фани ва мавзунинг хос томонлари, ўқувчилар ёши ва билим даражаси эътиборга олинган ҳолда таълим-тарбия мақсадининг тўғри ва асосли қўйилганлиги;
- ўқувчиларнинг тайёргарлиги, ўрганилаётган мавзу бўйича дарслар тизимидаги айнан шу дарснинг ўрнини ҳисобга олган ҳолда мақсад қўйилишининг тўғрилиги ва асосланганлиги;
- дарс асосий ғоясининг тўғри қуйилиши ва ўқувчиларга мақсаднинг етказишлиши, мақсадга эришиш даражаси.

3. Дарс тузилмаси ва дарснинг ташкил қилинишини таҳлил қилишда:

- дарс тузилмасининг дарс мақсадларига мослиги;.
- дарснинг тури, структурасининг пухта ўйланганлиги;
- дарснинг босқичларининг мантиқий кетма- кетлилиги ва бир- бири билан боғлиқлиги;
- дарс босқичлари учун вақтнинг тўғри тақсимланганлиги;
- ўқитиш шаклларининг тўғри танланганлиги;
- дарс режасининг мавжудлиги ва унинг ўқитувчи томонидан бажарилишини ташкил қилиш;
- дарс жиҳозлари. Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг меҳнатини унумли ташкил қилиш.

4. Дарс мазмунини тахлил қилишда.

- дарс мазмунининг Давлат таълим стандарти талабларига мослиги;
- материалларнинг ишончлилиги, тўлиқлиги, тушунарлилиги;
- баён қилинаётган материаллнинг илмий даражаси;
- дарснинг тарбиявий йўналиши, таълимий таъсир даражаси;
- дарсни ҳаёт, меҳнат тарбияси ва касбга йўналтириш билан боғлаш;
- ўқувчилар томонидан янги билимларни қабул қилишдаги қийинчиликларни бартараф этиш;
- янги материаллнинг асосий ғоясини ажратиш. Янги тушунчаларни шакллантириш. Таянч билимларнинг муҳимлигини кўрсатиш.

5. Ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил қилиш.

• Машқ ва топшириқларнинг хусусиятлари, мустақил ишларнинг турлари, мураккаблик даражаси, ўқувчилар тайёргарлик даражасининг ҳисобга олинганлиги;

• ўқитувчи томонидан тушунтириш ишларининг олиб борилиши;

• ўқитувчининг ёрдами. Янги материалнинг ўзлаштирилганлик даражаси;

• янги мавзунинг олдинги мавзулар билан боғланганлиги. Такрорлаш (ташкил қилиш, шакллари, усуллари, ҳажми).

6. Даср ўтиш методикасини таҳлил қилиш.

Ўқитишнинг метод, восита ва усулларини танлашда ўқув материалининг мазмунига, дарс мақсадларига, синфнинг имкониятларига мос танланганлиги ва асосланганлиги. Ўқитувчи томонидан дарснинг ҳар бир босқичида метод, усулларни тўғри қўллаганлиги, ишлатилаётган метод ва усулларнинг хилма- хиллиги. Кўргазмали қуроллар, тарқатма материаллар, техника воситаларидан самарали фойдаланилганлиги. Ўқитувчининг методик қуролланганлигини ва педагогик техникасини баҳолаш.

7. Ўқувчиларнинг дарсдаги интизоми ва иш фаолиятини таҳлил қилиш.

Синфга умумий баҳо бериш. Синфнинг диққати ва фаоллиги. Фанга бўлган қизиқиши. Ўқувчиларнинг дарс босқичларидаги лаёқати.

Ўқувчиларнинг мустақил ўқув фаолиятини ташкил қилиш. Ўқув фаолияти шаклларидан фойдаланишнинг самарадорлиги ва мақсадга мувофиқлигини баҳолаш. Умумтаълим ва махсус кўникма ва малакаларни шакллантириш. Ягона талабларнинг бажарилиши. Иқтидорли ва қолоқ ўқувчилар билан якка тартибда ишлаш. Умумий ва якка ишлаш фаолиятни биргаликда олиб бориш. Синфнинг интизоми ва интизомни сақлаш усуллари.

8. Ўқитувчининг ўқувчилар билан мулоқати. Педагогик этикаси , нутқи , аҳлоқий ва психолагик иқлимнинг ташкил этилиши.

9. Ўқувчилар билимини баҳолаш.

Ўкувчилрга берилган билим кўникма ва малаканинг сифати. Мустаҳкам

ва чуқур билим берилиши.Ғоя ва материалларнинг асоси томонларини кўрсата олиши, амалий кўникмаларнинг эгаллаганлик даражаси.

Текшириш турлари. Баҳоларнинг жамланганлиги.

10. Уй вазифасини таҳлил килиш. Уй вазифасини беришдан мақсад ва ҳажми. Синфда бажарилган иш билан уйга берилган вазифанинг ҳажми. Уйга берилган вазифанинг хусусияти (ижодий, такрорлаш, мустаҳкамлаш, ривожлантириш), уй вазифасини беришда ўқитувчининг изоҳи.

Дарс таҳлили қилишни қуйидаги турларга бўлиш мумкин :

1. Илмий таҳлил
2. Психологик таҳлил
3. Методик таҳлил
4. Дидактик таҳлил
5. Умумпедагогик таҳлил

Илмий таҳлил берилаётган билимларнинг илмий –назарий жиҳатни, ўқувчи бажараётган мустақил ишнинг эса мақсадга мувофиқ йўналиши жиҳатидан тўғрилигини аниқлаш демакдир .

Ҳар бир дарс кузатувчи раҳбар дарснинг илмий таҳлилида асосан қуйидагиларга эътибор бериши мақсадга мувофиқ бўлади :

1. Ўқитувчининг илмий жиҳатдан (ўзи мутахассис бўлган фанни илмий асосда чуқур билиши) қуролланганлиги.
2. Шу кунги дарсга илмий жиҳатдан тайёргарлик ҳолати.

3.Ўз мутахассислигига оид энг янги илмий –назарий ахборотлар билан қуролланиб бориши.

4. Дарс жараёнида илмий қоида ва таърифларнинг тўғри баён этилиши ҳамда илмий атамаларнинг ўқувчиларга сингдириб борилиши

5. Дарсда таълимнинг ўзига хос хусусиятларининг ҳисобга олиниши.

6.Дарслик материалларининг қўшимча адабиёт материаллари билан бойитилиши.

7. Ўқувчи бажараётган лаборатория , амалий ҳамда мустақил ишларнинг илмий йўналиш бўйича мақсадга мувофиқлиги.

8. Ўқувчилар хулосасининг илмий жиҳатдан туғри , қисқа ва мукаммал баён этилиши ҳамда уни ўқитувчи томонидан назорат қилиниши.

9.Дарс давомида , янги мавзуни баён этиш жараёнида таълим- тарбия билан боғланиши.

10.Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг илмий нутқ маданияти.

Методик таҳлил – ўқитувчининг дарс жараёнида қўллаган усулларининг мақсадга мувофиқ эканлиги таълимнинг турига ва ўзига хос хусусиятларигақараб белгиланади . Ўқув материалларини ўқувчиларга баён қилиш ва тушунтириш жараёнида қўлланилган усулларнинг шу материалга мослиги ёки эмаслиги методик таҳлил давомида аниқланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки , ўқитувчи дарсда қўллаган усулларнинг самарадорлиги , ранг-баранглиги , намунавийлиги унинг ўтган, янги мавзу материалини ўқувчиларнинг қай даражада ўзлаштириб олганликлари билан белгиланади . Шу боисдан ҳар бир дарс кузатувчи (ўқитувчи, директор , илмий бўлим мудири , инспектор ёки методист) дарс таҳлилининг бу турига алоҳида эътибор билан қаращи керак .

Дарс методларини таҳлил қилишда қуйидагиларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир:

1. Дарс жараёнидаги ўқитувчи ва ўқувчилар фаолиятининг ташкилий шаклларига кўра:

а) ҳикоя усули;

б) оғзаки баён усули;

в) суҳбат усули

2. Ўқувчиларнинг ўзлаштиршига кўра:

а) ўқитувчиларнинг сўзлаш усули;

б) кўрсатмали қуроллардан фойдаланиш усули;

в) дарслик, контурли карта, диаграмма ёки жадваллар билан ишлаш усули;

г) лаборатория асбоблари билан ишлаш усули;

д) техника воситаларидан (информатика электрон ҳисоблаш техникаси,

кинофилм, диафилъм, радио, телевизор кабилар) фойдаланиш усули;

е) синф доскасидан, жўғрофия, тарих ёки зоологияга тегишли бўлган турли карталардан фойдаланиш усули кабилар.

Дидактик таҳлили – таълим турлари самарадорлиги ва уни белгиловчи қонунлар ва қоидаларнинг дарсда қанчалик тўғри ҳамда мукаммал бажарилганлигини таҳлил қилиш демакдир.

Дарсни дидактик жиҳатдан таҳлил қилишда қуйидагиларга эътибор бериш ўринли бўлади:

1. Ўқитувчи баёнининг синф ўқувчилари жамоасига тўла тушунарли бўлиши ва бу баённинг изчил равишда ўқувчи онгига етиб бориши.

2. Ўқитувчи фикрининг сиёсий – ғоявий жиҳатдан тарбия талабига мос бўлганлиги.

3. Барча ўқувчиларнинг ўқитувчи бераётган материалини онгли равишда ўзлаштиришлари.

4. Ўқитувчи баёнида ривожлантирувчи ва муаммоли таълимнинг мавжудлиги.

5. Ўқтиувчи фикрнинг изчилиги.

6. Дарс жараёнида ёки янги мавзуни баён қилишда кўрсатмали қуроллардан, тарқатма материаллари ва техника воситаларидан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги ёки номувофиқлиги.

7. Экскурсия, тажриба, лаборатория ва амалий ишларнинг мақсадга йўналтирилган ҳолда ўтишга эришилганлиги.

8. Дарслик билан ишлашнинг тўғри бўлиши

9. Мисолларнинг таълим-тарбия бирлиги мазмунида йўналиши.

10. Дарсни маълум бир тизимда олиб борилиши кабилар.

Умумий педагогик таҳлил – дарсдаги ҳамма жиҳатларининг қисқа ва енгил кўринишидаги таҳлилдир.

Дарсни умумий педагогик жихатдан таҳлил қилганда қуйидагиларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир:

1. Ўқув хонаси ёки синф хонасининг дарс ўтишга тайёргарлик ҳолати (дарс жиҳозлари).

2. Ўқув хонаси ёки синф хонасининг санитария- гигиена ҳолати.

3. Ўқитувчининг дарс мавзуи ва унинг таълимий, тарбиявий мақсади.

4. Ўқитувчининг мазкур дарсга илмий-методик ва педагогик жиҳатдан тайёрланганлиги даражаси.

5. Ўқитувчининг дарсни ташкил этиш ва дарс этапларидан тўғри фойдаланиши.

6. Ўқитувчининг ўқувчиларга таълим –тарбия беришида педагогик жиҳатдан намунали шахс даражасига кўтарила олганлиги.

7. Ўқувчилар билимига қўйиладиган баҳонинг адолатли ва изоҳли бўлиши.

8. Ўқувчиларнинг дарсдаги фаоллиги, интизоми, мустақил фикр юритиши ҳамда мазкур фан асосларини ўзлаштириб олганлик даражаси.

9. Ўқувчиларнинг ўқитувчи дарсига муносабати в ҳурмат билан қараши.

10. Ўқитувчининг дарсдаги раҳбарлик роли ва иш услуби.

11. Ўқитувчининг дарс давомида таълим- тарбияга боғлаши.

12. Дарс жараёнида ёки янги мавзуни баён қилишда ўлкашунослик материалларидан фойдаланиши.

13. Дарсда ўқувчиларнинг сифат ўзлаштириши.

14. Ўқитувчининг дарсдаги таълимий ва тарбиявий мақсадига тўлиқ эриша олганлиги.

15. Ўқитувчининг илмий, методик ва умумпедагогик жиҳатдан ёрдамга мухтожли кабилар.

Дарсни психологик-педагогик жиҳатдан таҳлил қилиш

Дарсни психологик-педагогик жиҳатдан таҳлил қилиш схемаси:

I. Дарснинг аниқ мақсад ва вазифаларига боғлиқ равишда тузилишига психологик баҳо бериш.

а/ дарснинг мавзуи, мақсад ва вазифалари:

б/ дарснинг тузилиши ва унинг психологик жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги.

II. Дарснинг мазмунига психологик жиҳатдан баҳо бериш.

а/ Ўқув материалларининг сифати (тасвирловчи, тушунтирувчи, кўргазмалилик, аниқлик, мавҳумлик ва умумлашганлик даражаси):

б/ ўқувчи билим фаолиятини фаоллаштириш, ўқув ахборотини идрок этиши (образли, оғзаки мантиқий хотирани, хаёлий тафаккурни, ҳаётини). Уқандай хис-туйғуларни уйғотади?

в/ мазкур материал ўқувчилар билим фаолиятининг ёш хусусиятларига, уларнинг хаётий тажрибаси ва билимлари даражасига мос келиши:

г/ ўқитувчининг мураккаб ўқув материалини мазкур ёшдаги ўқувчиларнинг идрок этиши учун қулай, тушунарли ва қизиқарли уюштириш (баён қилишнинг равшанлиги ва оддийлиги, ёркин мисоллар, ўхшатишлар, қиёслашларнинг мавжудлиги, кўргазмали материаллардан фойдаланиши, ҳаёт билан боғлаши).

д/ ўрганилаётган материалнинг тарбиявий таъсири (ахлоқий, эстетик ва хакозо). Ўқитувчи унинг тарбиявий имкониятларини қай даражада амалга оширади?

III. Дарсда ўқувчилар билим фаолиятининг намоён бўлиши ва уни бошқариш.

1. Диққатни ташкил этиш.

Машғулотнинг барча босқичларида ўқувчиларда диққатни ташкил этиш йўллари (диққатли бўлиш, ўтказилаётган ишнинг мақсади ва аҳамиятини тушуниш, кўргазмалиликдан фойдаланиш, ихтиёрсиз диққатга эътиборни жалб этиш ва хакозо).

Дарсдаги диққатнинг турлари ва уларнинг айрим ўқувчиларда намоён бўлиши. Ўқувчилар диққатнинг бир фаолиятдан бошқасига кўчиш усуллари. Ўқитувчи таклиф этган фаолият турларида ўқувчилар диққатининг тақсимланиши ва уларнинг бунинг уддасидан чиқишлари.

2. Идрокни ташкил этиш ва унинг хусусияти.

Ўқувчилар идрокининг объектлари (ўқитувчи нутқи, дарслик матни, турли кўргазмали воситалар). Идрок этиш материалининг сифати.

Кўргазмали воситалардан фойдаланиш уларнинг дарсдаги вазифаси учун ахборот

3. Хотирани фаоллаштириш ва унинг ривожлантирилиши.

Ўқитувчининг ўқувчилар хотирасига мурожаат қилиши. Бу иш машғулотнинг турли босқичларида қандай мақсадда амалга оширилиши. Дарсда хотира турларининг (кўргазмали-образли, оғзаки-мантиқий, ҳиссий, олдиндан ўйланмаган, олдиндан ўйланган, механик, мантиқий турлари) намоён бўлиши, баён қилинаётган маълумотларни яхшироқ эслаб қолиш усулларидан фойдаланиши (эслаб қолиш мақсадини қўйиш, материалга мантиқий ишлов бериш, турли-туман ассоциацияларни белгилаш, фаолиятга киришлик, такрорлаш, ҳиссий вазифа бериш ва хакозолар).

Дарсда айрим ўқувчиларда хотира жараёнларининг намоён бўлиши (эслаб қолиш, билиб олиш, қайта эсга тушириш, унутиш).

4. Ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятини кучайтириш.

Ўқитувчи ўқувчиларда қандай илмий тушунчаларни шакллантирди? Бунда кўргазмали материаллардан фойдаландими? У тушунчалар ўртасида ўрнатган алоқалари, ишлаб чиқилган фикр-мулоҳазалар. У қандай йўл билан (индуктив ёки дедуктив) ўқувчиларни маълум тушунчалар ва фикрларни ўзлаштиришга олиб келди?

Ўқитувчи ўқувчиларда мазкур тушунчаларни ўзлаштириш эҳтиёжини вужудга келтирдими (уларнинг назарий аҳамиятини очиб бердими, амалий қўлланишини кўрсатдими, турмуш билан боғладими ва хакозо)?

Ўқувчилар дарсларда қандай ўзлаштириш даражаларини кўрсатдилар ва тушунчаларни белгилашда йўл қўйилган камчиликлар нималардан иборат бўлди? Ўқитувчи ўқувчиларнинг мустақил ижодий тафаккурини қандай фаоллаштирди? Дарс муаммоли тузилиши билан ажралиб турдими? Муаммоли вазиятлар қандай йўллар билан яратилди? Ўқувчилар жавобларни излашда фаоллик кўрсатдиларми? Улар қўйилган муаммонинг ечимини

топиш учун қандай аниқ фикрлаш ҳаракатларини мустақил равишда амалга оширдилар (битта мисолни таҳлил қилиб бериш керак)?

Синф муаммоли таълимга қай даражада ҳозирлик кўрган (умумий ривожланиш даражаси, зарур билим ва малакаларнинг мавжудлиги, саволга жавоб излашда ўзини фаоллик билан кўрсатган ўқувчилар).

Ўқитувчи ўқувчиларни оқилона фикрлашнинг тайёр усулларига ўргатганми, алгоритм типидаги фармойишлар берганми ва уларни қандай киритган?

Дарснинг изчиллиги ва мантиқий барқарорлиги. Ўқувчилар мулоҳазаларининг мантиқлиги ва уларнинг хатолари.

5. Дарсда ўқувчиларнинг хотира тасаввури, репродуктив ва ижодий хаёли фаоллашдими?

6. Ўқитувчи ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятларини хисобга олишни қандай амалга оширди?

IV. Дарсларнинг ўқувчи шахсининг умумий ривожланишига таъсири.

1. Ўқитувчи дарснинг қайси босқичларида (сўраш вақтида, янги материални ўтишда, уни мустаҳкамлашда) ўқувчиларга қандай мақсадлар билан мурожаат қилди?

2. Дарсда ўқувчиларнинг билимларини ўзлаштиришининг қандай даражаларини аниқлаш мумкин?

3. Ўқувчилар дарсда олган баҳоларига қандай муносабатда бўлдилар?

4. Ўқувчилар жавобларининг ўқитувчининг бундан кейинги ҳатти-ҳаракатларига ва ўзларига таъсир қилдими, яъни ўқитувчи ўз фаолиятини қандай қилиб қайта қурди?

V. Дарсда ўқитувчи шахси ва фаолиятининг тарбиявий таъсири.

1. Ўқитувчи шахсининг унинг ташқи қиёфаси, нутқи, ўзини тутиши, ўқувчилар билан муомилада бўлиш табиатининг тавсиявий таъсири. Болаларнинг унга бўлган муносабати. Дарснинг ҳиссий мухити.

2. Ўқитувчининг қўядиган талаблари ва уларнинг ўқувчиларда ирода ва ахлоқий сифатларини шакллантириш учун аҳамияти (ўқувчиларнинг

жавобига, хулқига, нутқига, интизомига ва хакозоларига қўйиладиган талаблар). Болаларнинг бу талабларга муносабати.

3. Дарсда фойдаланадиган таълим методлари ва усулларининг тарбиявий аҳамияти.

4. Ўқитувчи қандай қилиб ўқув ишлари техникасини (тушунтирилганларни эшитиши, ёзув олиб бориши, вазифалар шартлари, китоб билан ишлаш, ҳал қилиш усулларини топиш, ўз-ўзини назорат қилиш ва хакозолар ўргатди, яъни у болаларни қандай қилиб билим олишга ўргатди?

VI. Дарснинг натижалари.

Дарсда мақсадга эришилганлиги. Бу ҳақда қандай психологик кўрсаткичларга қараб хулоса чиқариш мумкин (ўзлаштириш даражаси, диққат, қизиқиш, ҳис-туйғуларни намоён қилиш)? Дарс ўқувчиларнинг умумий ривожланиши учун нималар берди?

Маълумки, кузатилган дарснинг таҳлили умумий педагогика ва хусусий методика талаблари нуқтаи назаридан бир хил бўлса ҳам, лекин ҳар бир фаннинг ўз талаблари бор. Масалан, физика, химия, биология дарсларида ўқувчиларнинг амалий тажриба ўтказишлари ва бошқа амалий малакаларига аҳамият берилса, она тили ва адабиёт дарсларида ўқувчиларнинг нутқ маданиятига алоҳида диққат қилинади. Лекин ҳамма фан бўича дарс кузатиш ва уни таҳлил қилишдан асосий мақсад ўқувчиларнинг билим ва малакаларини такомиллаштиришга ўқитувчиларнинг маъсулиятини оширишга қаратилмоғи лозим.

ТОПШИРИҚ НАЗОРАТИ ВА БАҲОЛАШ

МУДДАТ: Тингловчилар томонидан тайёрланган ишланма келгуси амалий машғулот куни баҳолаш учун топширилади**.**

БАҲОЛАШ:

1. Ижодий иш максималл **0,3** балл билан баҳоланади.

2. Ўз муддатида топширилмаган ишлар баҳоланмайди.

Тингловчилар томонидан тайёрланган услубий ишланма модул бўйича барча машғулотлар якунида, битирув лойиҳа ишларини жиҳозлаш вақтида тингловчиларга қайтарилади.

Назорат саволлари:

1. Олий таълим жараёнида дарснинг ўрни қандай?

2.Профессор-ўқитувчи педагогик фаолияти тизимида дарснинг функцияларини аниқланг.

3.Ўқув фани бўйича талабалар ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш тизимида дарснинг функциялари қандай?

4.Ўқитувчи педагогик фаолиятида очиқ дарслар функцияларини аниқланг.

5.Сиз ҳамкасбларингиз очиқ дарсларини қандай кўрсаткичлар бўйича таҳлил этасиз?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Авлиякулов Н.Х., Мусаева Н.Н. Янги педагогик технологиялар. Олий ўқув юртлари учун дарслик. www. Ziyonet. uz

2. Азизходжаева Н.Н. Педагогические технологии и педагогическое мастерство. Т.: ТГПУ им. Низами, 2003.

3. Боголюбов В.И. Лекции по основам конструирования современных педагогических технологий. Пятигорск, Из-во ПГЛУ, 2001, 188 с.

4. Бордовская Н.В., Реан А.А. Педагогика. Учебник для вузов. – Санкт-Петербург: Питер, 2000. – 304 с.

5. Голиш Л.В. Технологии обучения на лекциях и семинарах/Учебное пособие// Под общей редакцией академика С.С.Гулямова. - Т.:ТГЭУ, 2005.

6. Didactics of mathematics as a scientific discipline. Rolf Hiehler, Ro and W. cho z, Rudo f trässer, ernard Win e mann. I N: 0-7923-2613-X. 2002 Kluwer Academic Publishers, New York.

7. Educating teachers of science, mathematics, and technology : new practices for the new millennium / Committee on Science and Mathematics. Copyright 2001 by the National Academy of Sciences. Constitution Avenue, N.W. Washington.

8.Подласый И.П. Педагогика. Учебник для студ. пед. вузов. В 2-х кн. – М.: ВЛАДОС, 1999. – 256 с.

9. Systems Thinking: Managing Chaos and Complexity, Jamshid Gharajedaghi, Butterworth Heinemann, Oxford, 1999.

10. Sistemologiya._Avtomatizaciya_resheniya_sistemnyh_zadach._D._Klir._1990

13. Сурмин Ю.П. Теория систем и ситемный анализ. Киев, 2003.

14.Obschaya_teoriya_sistem_dlya_gumanitariev._A._Uemov,_I._Saraeva,_A._Tsofnas._2000

11. Юнусова Д.И. Математикани ўқитишнинг замонавий технологиялари. Т: “Фан ва технологиялар” , 2011. – 200 б.

12. Интернет ресурс: http://www.freebookcentre.net/SpecialCat/Free-Mathematics-Books

13. http://www.nap.edu/collection/43/higher-education

14. http://www.worldscientific.com/worldscibooks

15. http://bookzz.org/Science-Mathematics

16. www. Ziyonet. uz

17. www. edu. uz

3-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

ЎҚУВ ФАНИ АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР ТИЗИМИ

Ишдан мақсад: олий таълим муассасаларида ўқув фанларидан дарс берувчи профессор-ўқитувчиларда маъруза, амалий машғулотлар, талабалар мустақил таълимини ташкил этишда ўқув фанининг асосий тушунчалар тизимини тизимли таҳлилини амалга ошириш, улар орасидаги чизиқли, тармоқли боғланишларни ўрнатиш кўникмаларини ривожлантириш.

Масаланинг қўйилиши: Топшириқлар:

1. Ўзингиз ўқитадиган ўқув фани маъруза ёки амалий машғулотидаги асосий тушунчалар тизимини ишлаб чиқинг.

2. Тизим структурасини граф орқали ифодалаб, бу тушунчалар орасидаги боғланишларни ўрнатинг.

3. Тушунчалар билан ўқув фани маъруза машғулотлари орасидаги боғланишларни аниқланг.

МУСТАҚИЛ АМАЛИЙ-ИЖОДИЙ ИШ УЧУН ЁРДАМЧИ МАТЕРИАЛЛАР


1. Тўпламлар назарияси ва математик мантиқ элементлари
2. Ҳақиқий сонлар
3. Комплекс сонлар
4. Кўпҳадлар
5. Алгебраик ифодалар
6. Алгебраик тенгламалар ва тенгсизликлар
7. Функция ва графиклар
8. Даражали, кўрсаткичли ва логарифмик функциялар
9. Тригонометрик функциялар
10. Ностандарт функциялар
11. Сонли кетма-кетликлар ва уларнинг лимити
12. Функция лимити ва узлуксизлиги
13. Функция ҳосиласи ва унинг қўлланилиши
14. Интеграл
15. Дифференциал тенгламалар
16. Комбинаторика элементлари
18. Чизиқли алгебра асослари
17. Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика элементлари


Тафаккур структураси
Тасдиқлов
Индуктив
Дедуктив
Аналогик
Методлари
Кузатиш
Суҳбат
Таҳлил қилиш
Тест
Тажриба - синов
Хулоса чиқариш
Ҳукм
Тушунча
Тахминий
Шартли
Жузъий
Умумий
Якка
Тўпланма
Хусусий
Умумий
Якка
Абстракт
Конкрет
Сифатлари
Мустақиллиги
Танқидийлиги
Пишиқлиги
Серташаббуслилиги
Маҳсулдорлиги
Самарадорлиги
Ихчамлиги
Операциялари
Анализ ва синтез
Таққослаш
Абстракциялаш
Умумлаштириш
Классификациялаш
Конкретдаштириш
Системалаштириш
Шаклига кўра
Топшириқ характерига кўра
Оригиналлик даражасига кґра
Кўргазмали-ҳаракат
Кўргазмали-образли
Сўз-мантиқ(вербал)
Амалий
Назарий
Ихтиёрсиз
Ихтиёрий
Репродуктив
Ижодий
Визуал
фазовий
Конкрет
Абстракт
Реалистик
Аутистик
Дискурсив
Интуитив
Диалектик

ТОПШИРИҚ НАЗОРАТИ ВА БАҲОЛАШ

МУДДАТ: Тингловчилар томонидан тайёрланган ишланма келгуси амалий машғулот куни баҳолаш учун топширилади**.**

БАҲОЛАШ:

1.Ижодий иш максималл **0,3** балл билан баҳоланади.

2.Ўз муддатида топширилмаган ишлар баҳоланмайди.

Тингловчилар томонидан тайёрланган услубий ишланма модул бўйича барча машғулотлар якунида, битирув лойиҳа ишларини жиҳозлаш вақтида тингловчиларга қайтарилади.

Назорат саволлари:

1. Тушунча иборасини шарҳланг.

2.Ўқув фанининг асосий ва ёрдамчи тушунчалари қандай фарқланади?

3.Битта маъруза давомида ўртача нечта янги тушунчалар киритасиз?

4.Тушунчалар орасидаги боғланишларни ўрнатишга талабаларни қандай ўргатасиз?

5.Талабаларда ўқув фани асосий тушунчалари тизимини шакллантиришда қандай ўқитиш методлари самарали деб ҳисоблайсиз?

6. Талабаларда ўқув фани асосий тушунчалари тизимини шакллантиришда қандай ўқитиш воситалари самарали деб ҳисоблайсиз?

7.Талабаларни асосий тушунчалар таҳлилини амалга ошириш кўникмалари қандай шакллантирилади?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Авлиякулов Н.Х., Мусаева Н.Н. Янги педагогик технологиялар. Олий ўқув юртлари учун дарслик. www. Ziyonet. uz

2.Азизходжаева Н.Н. Педагогические технологии и педагогическое мастерство. Т.: ТГПУ им. Низами, 2003.

3.Антонов А.В. Системный анализ. − М.2002.

4. Боголюбов В.И. Лекции по основам конструирования современных педагогических технологий. Пятигорск, Из-во ПГЛУ, 2001, 188 с.

5.Голиш Л.В. Технологии обучения на лекциях и семинарах/Учебное пособие// Под общей редакцией академика С.С.Гулямова. - Т.:ТГЭУ, 2005.

6. Didactics of mathematics as a scientific discipline. Rolf Hiehler, Ro and W. cho z, Rudo f trässer, ernard Win e mann. I N: 0-7923-2613-X. 2002 Kluwer Academic Publishers, New York.

7. Educating teachers of science, mathematics, and technology : new practices for the new millennium / Committee on Science and Mathematics. Copyright 2001 by the National Academy of Sciences. Constitution Avenue, N.W. Washington.

8.Подласый И.П. Педагогика. Учебник для студ. пед. вузов. В 2-х кн. – М.: ВЛАДОС, 1999. – 256 с.

9. Systems Thinking: Managing Chaos and Complexity, Jamshid Gharajedaghi, Butterworth Heinemann, Oxford, 1999.

10. Sistemologiya._Avtomatizaciya_resheniya_sistemnyh_zadach._D._Klir._1990

11.Obschaya_teoriya_sistem_dlya_gumanitariev._A._Uemov,_I._Saraeva,_A._Tsofnas._2000

11. Юнусова Д.И. Математикани ўқитишнинг замонавий технологиялари. Т: “Фан ва технологиялар” , 2011. – 200 б.

12. Интернет ресурс: http://www.freebookcentre.net/SpecialCat/Free-Mathematics-Books

13. http://www.nap.edu/collection/43/higher-education

14.http://www.worldscientific.com/worldscibooks

15. http://bookzz.org/Science-Mathematics

16.www. Ziyonet. uz

17.www. edu. uz

4- АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

ЎҚУВ ФАНИ БЎЙИЧА НАЗОРАТ ВА БАҲОЛАШ ТИЗИМИ

Ишдан мақсад: Олий таълим муассасаларида ўқув фанларидан дарс берувчи профессор-ўқитувчиларга маъруза, амалий машғулотлар, талабалар мустақил таълимини ташкил этишда талабалар билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш ва баҳолаш жараёнининг тизимли таҳлили, уни тизимли амалга ошириш юзасидан амалий кўникмаларини такомиллаштириш.

Масаланинг қўйилиши:

Амалий машғулот якка тартибдаги ижодий иш шаклида олиб борилади.

Ҳар бир тингловчи ўзи олий таълим муассасида таълим берадиган ўқув фанларидан бири доирасида талабалар билим, кўникма ва малакалари тизимини ўқув фани ишчи дастури асосида тизимли таҳлил қилади ҳамда улар асосида рейтинг тизими структурасини граф орқали ифодалаб, такомиллаштириш таклифларини ишлаб чиқади.

ИШНИ БАЖАРИШ УЧУН НАМУНА

№	Машғулот тури	Ажратилган соат	Семестр
1	Маъруза	18	3
2	Амалий	20	3
3	Мустақил таълим	24	3
	Жами:	62	

Рейтинг тизими

Назорат тури	Назорат шакллари	Ҳар бир назорат учун белгиланган максимал балл	Назорат сони	Назорат шакллари бўйича белгиланган максимал балл
Жорий назорат	Уй вазифалари	3	5	15
	Реферат	5	2	10
	Дарслардаги фаоллик	3	5	15
Жами:		40	12	40
Оралиқ назорат	Ёзма иш ёки Коллоквиум	30	1	30
Жами:		30	1	30
Якуний назорат	Ёзма.	30	1	30
Жами:		100	14	100

Оралиқ ва якуний назоратлар саволномалари

Оралиқ назорат саволномаси

1.Формулалар. Асосий тенг кучли формулалар.

2.Мулоҳазалар алгебрасининг функциялари.

3. Нормал формалар.

4.Иккилик принципи.

5.Аксиоматик усул.Мулоҳазалар ҳисобини қуриш.

6.Тенг кучли алмаштиришлар. Мулоҳазалар ҳисобининг хоссалари.

7.Предикатлар. Кванторлар. Предикатлар алгебрасининг тили.

8.Формал арифметика.

9. Рекуррент муносабатлар.

10. Ньютон биноми. Биномиал коэффитсиэнтлар.

11. Асимптотик методларга кириш.

12. Рекуррент муносабатларнинг асимптотик ечимлари.

13.Графлар назариясининг асосий тушунчалари.

14. Дарахтлар.

15. Математик мантиқ ва дикрет математиканинг техникага татбиқлари

16. Математик мантиқ ва дикрет математиканинг педагогикага татбиқлари

17. Рекуррент муносабатларни ечиш усуллари.

18. Полиномиал формулалар.

19. Боғланган графлар.

Якуний назорат саволномаси

1.Формулалар. Асосий тенг кучли формулалар.

2.Мулоҳазалар алгебрасининг функциялари.

3. Нормал формалар.

4.Иккилик принципи.

5. Аксиоматик усул.Мулоҳазалар ҳисобини қуриш.

6. Тенг кучли алмаштиришлар. Мулоҳазалар ҳисобининг хоссалари.

7.Предикатлар. Кванторлар. Предикатлар алгебрасининг тили.

8. Формал арифметика.

9. Рекуррент муносабатлар. Рекуррент муносабатларни ечиш усуллари.

10. Ньютон биноми. Биномиал коэффитсиэнтлар. Полиномиал формулалар.

11. Асимптотик методларга кириш.

12. Рекуррент муносабатларнинг асимптотик ечимлари.

13.Графлар назариясининг асосий тушунчалари.

14. Дарахтлар.

15. Математик мантиқ ва дикрет математиканинг техникага ва педагогикага татбиқлари

Баҳолаш мезонлари

Талабанинг “Математик мантиқ ва дискрет математика” фани бўйича билим, кўникма ва малакаларини баҳолашда қуйидаги мезонларга асосланилади:

а) 86-100 балл учун Формулалар. Асосий тенг кучли формулалар.Мулоҳазалар алгебрасининг функциялари. Нормал формалар. Иккилик принципи. Аксиоматик усул.Мулоҳазалар ҳисобини қуриш.Ҳосилавий келтириб чиқариш қоидалари. Тенг кучли алмаштиришлар. Мулоҳазалар ҳисобининг хоссалари.Предикатлар. Кванторлар. Предикатлар алгебрасининг тили.Формал арифметика. Алгоритм. Қисмий рекурсив функциялар. Рекуррент муносабатлар. Рекуррент муносабатларни ечиш усуллари. Ньютон биноми. Биномиал коэффитсиэнтлар. Полиномиал формулалар. Асимптотик методларга кириш. Рекуррент муносабатларнинг асимптотик ечимлари. Графлар назариясининг асосий тушунчалари. Дарахтлар. Математик мантиқ ва дикрет математиканинг техникага ва педагогикага татбиқлари ҳақида тўлиқ тассавурга эга бўлиши ва мисолларни еча билиши керак.

б) 71-85 балл учун Асосий тенг кучли формулалар. Мулоҳазалар алгебрасининг функциялари.Нормал формалар.Иккилик принципи.Аксиоматик усул. Мулоҳазалар ҳисобини қуриш..Ҳосилавий келтириб чиқариш қоидалари.Тенг кучли алмаштиришлар.Мулоҳазалар ҳисобининг хоссалари. предикатлар. Кванторлар.Предикатлар алгебрасининг тили. Формал арифметика. Рекуррент муносабатларни ечиш усуллари. Ньютон биноми. Полиномиал формулалар. Асимптотик методларга кириш. Рекуррент муносабатларнинг асимптотик ечимлари. Графлар назариясининг асосий тушунчалари. Математик мантиқ ва дикрет математиканинг техникага ва педагогикага татбиқларини билиши ва мисолларни еча билиши керак.

в) 55-70 балл учун. Мулоҳазалар алгебрасининг функциялари.Иккилик принципи. Аксиоматик усул. Мулоҳазалар ҳисобини қуриш.Гипотезалардан келтириб чиқариш. Тенг кучли алмаштиришлар.Мулоҳазалар ҳисобининг хоссалари. Предикатлар.Кванторлар. Предикатлар алгебрасининг тили.Формал арифметика. Рекуррент муносабатлар. Ньютон биноми. Асимптотик методларга кириш. Рекуррент муносабатларнинг асимптотик ечимлари.

Графлар назариясининг асосий тушунчалари. Математик мантиқ ва дикрет математиканинг техникага ва педагогикага татбиқлари ҳақида тассавурга эга бўлиши, мисолларни еча билиши керак.

г) Тушунчаларга берилган таърифларда камчиликлар мавжуд, бу тушунчаларга мисоллар келтирмаган ёки мисоллар нотўғри танланган (тушунча ҳақида тасаввурга эга эмас). Саволга таалуқли бўлмаган фактлар ёзилган. Аниқ тасаввурга эга бўлмаса, билмаса талабаларга **54 ва ундан паст балл қўйилади**.

Рейтинг жадвали.

Максимал балл – 100

б. Саралаш балл – 55 б.

ЖН (жорий назорат) – макс. 40 б.

ОН (оралиқ назорат) – макс. 30 б.

ЙН (якуний назорат) – макс. 30 б

ТОПШИРИҚ НАЗОРАТИ ВА БАҲОЛАШ

МУДДАТ: Тингловчилар томонидан тайёрланган ишланма келгуси амалий машғулот куни баҳолаш учун топширилади**.**

БАҲОЛАШ:

1.Ижодий иш максимал **0,3** балл билан баҳоланади.

2.Ўз муддатида топширилмаган ишлар баҳоланмайди.

Назорат саволлари:

1. Педагогикада назорат ва баҳолашнинг ўрни қандай?

2.Назорат ва баҳолаш мониторинги тушунчасини изоҳланг.

3.Талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг талабларида қандай ўзгаришлар киритилган?

4.Ўқув фани рейтинг тизимини такомиллаштириш юзасидан таклифларингизни ишлаб чиқинг ва уларни асосланг.

5.Махсус фанлар бўйича рейтинг назорати қандай ташкил этилиши

маъқул?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Авлиякулов Н.Х., Мусаева Н.Н. Янги педагогик технологиялар. Олий ўқув юртлари учун дарслик. www. Ziyonet. uz

2.Азизходжаева Н.Н. Педагогические технологии и педагогическое мастерство. Т.: ТГПУ им. Низами, 2003.

3.Голиш Л.В. Технологии обучения на лекциях и семинарах/Учебное пособие// Под общей редакцией академика С.С.Гулямова. - Т.:ТГЭУ, 2005.

4. Didactics of mathematics as a scientific discipline. Rolf Hiehler, Ro and W. cho z, Rudo f trässer, ernard Winkelmann. ISBN: 0-7923-2613-X. 2002 Kluwer Academic Publishers, New York.

5. Educating teachers of science, mathematics, and technology : new practices for the new millennium / Committee on Science and Mathematics. Copyright 2001 by the National Academy of Sciences. Constitution Avenue, N.W. Washington.

6. Systems Thinking: Managing Chaos and Complexity, Jamshid Gharajedaghi, Butterworth Heinemann, Oxford, 1999.

7. Sistemologiya._Avtomatizaciya_resheniya_sistemnyh_zadach._D._Klir._1990

13.15.Obschaya_teoriya_sistem_dlya_gumanitariev._A._Uemov,_I._Saraeva,_A._Tsofnas._2000

8. Юнусова Д.И. Математикани ўқитишнинг замонавий технологиялари. Т: “Фан ва технологиялар” , 2011. – 200 б.

9. Интернет ресурс: http://www.freebookcentre.net/SpecialCat/Free-Mathematics-Books

10.http://www.nap.edu/collection/43/higher-education

11.http://www.worldscientific.com/worldscibooks

12. http://bookzz.org/Science-Mathematics

13.www. Ziyonet. uz

14.www. edu. uz

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

1 –кейс.

Синергетика – табиат, жамият, инсон ва техника тизимларида ўзини ўзи ташкил қилиш жараёнларини ўрганувчи таълимот, комплекс фан, назария сифатида шаклланди. Ўзини ўзи ташкил қилиш ҳодисалари борлиқнинг барча соҳаларига хослиги сабабли синергетика ушбу умумий қонуниятларни излаб топувчи таълимот сифатида фалсафага яқин жиҳатларга эга бўлди. Агар борлиқнинг синергетик ривожланиш қонуниятларини тадқиқотчи ўзлаштирса, унинг методологик, услубий қобилиятлари, маҳорати ошади. У ўзининг тадқиқотларида ўрганилаётган объектга нисбатан ўзини ўзи ташкил қилувчи система ёки шундай системанинг бир компоненти, қисми сифатида ёндашиш кераклигини назарда тутади. Натижада у ўз тадқиқоти борасида изчилроқ ва сермаҳсулроқ фаолият олиб боради.

Синергетика борлиқдаги объектларни очиқ системалар сифатида қарайди. Очиқ система бу шундай системаки, у атрофдаги системалар билан модда, энергия ва информация билан алмашиб туради. Бундай системалар яна диссипатив системалар ҳам дейилади. Диссипатив системалар борлиқда, коинотда бир бутун диссипатив системалар тизимини ташкил қилади.

Аввалги замонда, синергетика яратилишидан аввал фан ўз объектларини ёпиқ системалар сифатида ўрганар эди. Ёпиқ система бу шундай системаки, у бошқа системалар билан модда, энергия ва информация билан алмашмайди. Замонавий фан шуни кўрсатяптики, борлиқдаги барча системалар очиқ системалардир ва муайян даражада бошқа системалар билан модда, энергия ва информация алмашинувида қатнашади. Лекин муайян системаларнинг ушбу алмашинуви нисбатан жуда оз бўлиши ҳам мумкин. Шундай системаларни идеаллаштириб, соддалаштириб, ёпиқ системалар деб тадқиқ этиш мумкин. Бу соддалаштириш муайян даражада хатоликларга ҳам олиб келади. Лекин соддароқ системанинг муаммолари ҳам соддароқ бўлиб, ечим топиш енгилроқ бўлиши мумкин. Ана шундай системаларни аввалги фан ўрганар эди.

Ҳозирги замон фани ўта мураккаб очиқ системаларни ўрганмоқда. Уларни соддалаштириш ва ёпиқ система сифатида қараш ноўриндир. Шу сабабли замонавий фан таркибида синергетика фани яратилди ва синергетикага хос синергетик ёндашув шаклланди. Ушбу ёндашувнинг тамойилларини ва услубларини ижодий жараёнида, билиш жараёнида ишлата билган тадқиқотчигина ҳозирги замон фанида тўғри, адекват натижаларга эриша олади. Синергетика ривожланиш жараёнини математик формулалар билан ифодалашга интилади ва бу борада муайян натижаларга эришган. Синергетика кашф этган ривожланиш жараёнини ифодаловчи математик формулалардан фойдалана билган тадқиқотчи диссипатив, очиқ системаларнинг ривожланиш қонуниятини янада аниқроқ ифодалаб беради. Шу нуқтаи назардан, ўз соҳасидаги конкрет масалани ечиш борасида синергетика қонуниятидан фойдаланиш катта ютуқларга олиб келади.

Синергетиканинг асосий тушунчалари, категориялари сифатида қуйидаги категориялар ишлатилади: 1) “Флюктуация”, яъни муайян кўрсаткичнинг ўзгариб туришини, ўзгариш меъёрларини кўрсатувчи характеристика; 2)“Бифуркация”, бу шундай жараёнки, унда очиқ система бир ҳолатдан бир нечта ҳолатга ўтиш имкониятига эга ва ўша ҳолатлардан бирига ўтганидан сўнг, яъни бу ҳолатни гўё “танлаганидан” сўнг, “танланмаган” бошқа ҳолатларга ўтишга имкониятини йўқотади. Шундай бифуркациялар натижасида ривожланиш жараёни ортга қайтмаслик хусусиятига эга бўлади; 3) “Тартиб” ва “тартибсизлик” (“хаос”) тушунчалари очиқ системадаги жараёнлар синергетик ривожи жараёнида система муайян тартибли ҳолатга келиб, сўнгра флюктуациялар ва ўзгаришлар, бифуркациялар оқибатида муайян чегаралардан (меъёрлардан) ўтганидан сўнг, тартиб бузилиб кетиб, тартибсизлик (хаос) пайдо бўлиши, сўнгра яна содир бўладиган ўзгаришлар, флюктуациялар, бифуркациялар оқибатида янги тартиб пайдо бўлишини ифодалаш учун ишлатилади. Бундай тартибнинг тартибсизликка, сўнгра янги тартибга ўтиш жараёнлари узлуксиз

давом этаверади; 4) “Аттрактор” тушунчаси ҳам синергетиканинг асосий тушунчаларидан, фундаментал категорияларидан биридир.

Юқорида кўрсатилган тартибнинг тартибсизликка, сўнгра янги тартибга ўтиш жараёнлари узлуксиз давом этавериши натижасида, оқибатида пайдо бўладиган муайян ҳолат сари ривожланади ва бу ҳолатнинг номи “аттрактор” дейилади. Ушбу ва бир қатор бошқа категориялар ёрдамида синергетика ривожланишнинг муайян фундаментал қонунларини ифодалаб беради. Синергетика кашф этган ушбу қонуниятлар диалектика кашф этган универсал ривожланиш қонуниятларига ҳамохангдир ва диалектика қонуниятларининг конкретлаштирилган ифодаси деб қаралиши мумкин .

Синергетика қонуниятларини ўзининг билиш жараёнида ишлата билган тадқиқотчи энг замонавий методология асосида иш олиб бораётган бўлиб, ўз илмий соҳасида катта илмий, ижодий ютуқларга эриша олади.

Савол ва топшириқлар:

1. Синергетика сўзининг маъноси қандай?
2. Синергетика предмети нималардан иборат?
3. Синергетика объектини аниқланг.
4. Синергетиканинг асосий тушунчалари тизимининг улар орасидаги боғланишлар орқали структурасини ишлаб чиқинг.
5. Педагогик жараёнлар синергетика объекти, предмети сифатида қаралиши мумкинми?

Тавсия этиладиган манбалар:

1. Синергетик парадигма: муаммо ва имкониятлар: илмий-назарий семинар материаллари. 20 сентябрь 2013 йил. – Тошкент, 2013. – 142 б.
2. http://faylasuf.uz/

Тингловчилар учун кўрсатмалар:

1. Кейс моҳиятини етарлича англаб олинг.
2. Берилган манбаларга таянган ҳолда саволлар ечимини топишга хизмат қилувчи омилларни аниқланг.

3. Аниқланган ахборот орасидан қўйилган саволларга барчасидан кўпроқ даҳлдор бўлган ахборотни ажратинг.

4. Ана шу ахборотлар ва ўз тасаввурларингиз, билим, тажрибангиз асосида ечимни асослашга урининг.

2-кейс.

Илмий билиш жараёни муайян структурага эга. Унинг тизимида қуйидаги компонентларни ажратиб кўрсатиш мумкин: муаммо, ғоя, гипотеза, далиллар ва назария. Илмий тадқиқот муайян муаммони аниқлашдан бошланади. Одатда ушбу муаммо ижтимоий хаётда ёки билиш жараёнида пайдо бўлган зиддият ва қийинчиликлардан пайдо бўлади. Олим ушбу қийинчиликларни, зиддиятларни бартараф этиш учун, муаммони ечиш учун инсоният аввал ишлаб чиққан, яратган назария ва усулларидан фойдаланиб, ечим излайди.

Агар бу ҳаракатлар ечим бермаса, муаммоли вазият ёки муаммо пайдо бўлди дейилади. Ушбу муаммони англаб етган олимлар, тадқиқотчилар янги ечимни янги ғоя яратиш ёки янги усул яратиш асосида ечишга ҳаракат қилишади. Бир қатор ғоялар гипотеза сифатида, яъни тахмин, фараз, тусмол сифатида илгари сурилади. Улар асосида муаммони ечишга ҳаракат қилинади. Бу борада ушбу ғоялардан келиб чиқадиган хулосалар шакллантирилади ва бу хулосалар борлиқ ва амалиёт билан таққослаб кўрилади. Агар ушбу хулосалар борлик ва амалиётга мос келса, улар гипотезани тасдиқловчи далиллар деб қаралади. Агар мос келмаса, зид бўлса, улар гипотезани инкор этувчи далиллар деб қаралади. Шу борада гипотеза инкор этилса, унда янги гипотеза яратилади ва ундан хулосалар чиқарилиб, яна борлиқ ва амалиёт билан таққосланади. Бу жараён то гипотеза асосида борликдаги инсониятга маълум бўлган барча ходисаларга, воқеаларга мос келадиган гипотеза топилгунча давом этади ва шундай гипотеза назария деб эълон қилинади.

Яратилган назария асосида борлиқнинг муайян соҳаси ёки қисми тушунтирилади ва бу тушуниш асосида инсоният ушбу соҳадаги ўз фаолиятини ташкил қилади. Бу фаолият борасида кўп ютуқларга эришилади ва шу сабабли ушбу назария юқори баҳоланади. Лекин муайян ҳодиса ва воқеаларни тушунтириш борасида бу назария кутилган ижобий натижани бермаслиги маълум бўлади. Бу янги муаммоли, зиддиятли вазиятни яратади. Шунинг оқибатида назария муаммога дуч келди, уни қайта кўриб чиқиш лозим деган фикр пайдо бўлади. Ва бу муаммони ечиш учун янги ғоялар, гипотезалар шакллантирилади. Шу тарзда илмий тадқиқот узлуксиз ижодий жараён, ижодий изланиш шаклида янги назарияларни яратиш ва бу назариялар чекланганлиги маълум бўлганидан сўнг янада умумийроқ назарияларни яратиш, конкрет янги соҳа ва ҳодисаларни тушунтириб бера оладиган назарияларни яратиш шаклида давом этаверади.

Билиш жараёнининг ушбу структурасидан кўриниб турибдики илмий билишда гипотезанинг роли каттадир. Айни вақтда муаммони топиш, уни ифодалаш ҳам илмий билиш жараёнида катта аҳамиятга эгалиги ва бу илмий билишни янада чуқурлаштириш учун хизмат қилиши билиш жараёнининг ушбу структурасида намоён бўлади. Назарияни яратиш ижодий изланиш жараёни эканлиги ва айни вақтда назария ушбу жараён натижаси эканлиги юқорида баён қилинган илмий билиш жараёнининг структурасидан ва механизмидан кўриниб турибди. Ушбу механизм айни вақтда илмий назария ва амалиётнинг ўзаро узвий алоқадорлигини намоён қилади, яъни амалиёт ривожи учун илмий назария назарий асос бўлиб хизмат қилади. Илмий назария амалиёт билан таққосланиш ва унга мос келиш борасида илмий гипотезалардан пайдо бўлади.

Эвристика бу кашфиётлар ва ихтиролар қилиш жараёнини ўрганувчи фандир. Ушбу жараёнларнинг кўп жиҳатлари мантиқ ва рационаллик қоидалари асосида амалга ошмайди. Бу жараёнлар таркибида кўп интуитив, ғайришуурий, ақл билан англаш қийин бўлган компонентлар мавжуд. Муаммо ва масалаларни ечиш борасида аввалги муаммо ва масалаларни

ечишда ишлатилган қоида, усул ва алгоритмларни ишлатишга ҳаракат қилинади. Лекин янги муаммо ва масала шу йўл билан ечилмаслиги ҳам мумкин. Шундай вазиятда янги усул, янги ечим йўли топилиши зарур бўлади. Бу ўта мураккаб масала устида тадқиқотчи кўп ҳаракат қилади, кўп қийинчиликка дуч келади, янги ечим топиш азобини бутун вужуди билан ҳис қилади.

Ечишнинг кўп вариантларини синаб кўради. Лекин улар ечим бермайди. Ана шундай вазиятларда баъзан ечим бирданига тадқиқотчининг онгида ойдин, равшан шаклда пайдо бўлиши ҳам мумкин. Шунда тадқиқотчи олим “Эврика!” деб, “Ечимни топдим!” деб ҳурсанд бўлади. Лекин бундай бахтли ҳодиса содир бўлмай, ечим топилмай тураверса, эвристиканинг усулларидан фойдаланилади. Биринчи вариантда ечишнинг барча усуллари кетма-кет қараб чиқилади, шу умид биланки, қайсидир усул ечимни топишга йўл очиб беради. Бу ўта сермашаққат ва сермеҳнат йўл. Инсон бу вариантда кўпинча натижага эришиши қийин, лекин компьютер тизимлари, сунъий интеллект тизимлари бу усул билан ўртача даражадаги қийинликдаги масалаларни еча олади. Иккинчи вариант бу лабиринт усули. Бу вариантнинг эвристик алгоритмлари муайян даражада ишлаб чиқилган ва улар ечим жараёнига муайян йўналиш ва структура киритади. Биринчи вариантга нисбатан ечим излаш меҳнатини осонлаштиради. Учинчи вариант бу семантик йўналтирилган дастурлаш усули. Бу усул ҳозирги эвристика фани доирасида энг ривожланган усул деб қаралади. У ечиш жараёнини муайян тизимга, йўналишга солиб, поғонама-поғона ечимга олиб келувчи тадқиқот қадамларини ташкил қилишга ёрдам беради. Бу йўналишда компьютер дастурлари, алгоритмлари муайян даражада шакллантирилган ва бир қатор масалаларнинг ечими шу усул билан топилган.

Савол ва топшириқлар:

1. Илмий билиш ҳақидаги тасаввурларингизни олган ахборотингиз билан таққосланг.

2. Илмий муаммо нима?

3. Илмий муаммо фарази қандай шакллантирилади ва қандай илмий асосланади?

4. Педагогик жараёнларда қўлланиладиган эвристик методларни “эврика” сўзи маъноси билан боғланишларини ўрнатинг.

5. Эвристика предметини аниқланг..

6. Педагогик жараёнлар эвристика объекти сифатида қаралиши мумкинми?

Тавсия этиладиган манбалар:

1. Синергетик парадигма: муаммо ва имкониятлар: илмий-назарий семинар материаллари. 20 сентябрь 2013 йил. – Тошкент, 2013. – 142 б.

2. http://faylasuf.uz/

Тингловчилар учун кўрсатмалар:

1. Кейс моҳиятини етарлича англаб олинг.

2. Берилган манбаларга таянган ҳолда саволлар ечимини топишга хизмат қилувчи омилларни аниқланг.

3. Аниқланган ахборот орасидан қўйилган саволларга барчасидан кўпроқ даҳлдор бўлган ахборотни ажратинг.

4. Ана шу ахборотлар ва ўз тасаввурларингиз, билим, тажрибангиз асосида ечимни асослашга урининг.

3-кейс.

Кўз олдингизга таълим жараёнини юксак маҳорат билан бошқараётган, уни ўзига хос ва қизиқарли тарзда жўшқинлик, завқу шавқ билан ташкил этаётган ўқитувчини келтиринг. У, гарчи, ўзини креатив шахс ёки ижодкор деб билмаса-а, бироқ, креативликни намоён этувчи таълим жараёнини ташкил этаётганидан, унга имкон берадиган метод, усулларни қўллаётганлигидан ўзи ҳам мамнун, қолаверса, талабаларнинг миннатдор бўлишларига эришмоқда. Ўқитувчи таълим жараёнида креатив метод, усуллардан қанча кўп фойдаланса, ўзига ва ўзининг ижодий, креатив имкониятларига нисбатан ишончи шунча ортади.

Педагоглар томонидан креативлик сифат ва кўникмаларининг ўзлаштирилишида фан сифатида “Креатив педагогика” муҳим ўрин тутади. У 1) педагогда таълим ва тарбия жараёнини ташкил этишга нисбатан ижодий, креатив ёндашиш, мавжуд педагогик муаммоларни ижобий ҳал қилишга бўлган қобилият ва малакаларини ривожлантириш; 2) талабаларда ўқув материалларини ўзлаштиришга ижобий, мустақил ёндашиш, ўқув топшириқларини бажаришда янги, ижодий ва креатив ғояларни илгари суриш қобилияти кўникмаларини шакллантириш ҳамда босқичма-босқич ривожлантириш асосида касбий тайёрлаш асосларини ёритадиган, шахс креативлигининг турли ёш босқичлари хусусиятларига мувофиқ ривожланиши масалаларини ўрганувчи фан.

Олий таълим муассасалари талабаларида креатив тафаккурни шакллантириш жараёнида қуйидаги ҳолатлар сўз юритилаётган жараёнда самарадорликка эришишни кафолатлайди:

- олий таълим муассасалари талабаларида креатив тафаккурни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш;

- олий таълим муассасалари талабаларида креатив тафаккурни шакллантиришнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш;

- олий таълим муассасалари талабаларида креатив тафаккурни шакллантиришга хизмат қилувчи мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш чора-тадбирларини белгилаш;

- талабаларнинг креатив тафаккурини шакллантиришга ёрдам берувчи шакл, метод ва воситалар тизимини асослаш;

- мазкур жараёнда фанлараро алоқадорликни таъминлаш;

- талабалар томонидан ўзлаштирилган назарий-педагогик билимларнинг амалиётга тадбиқ этишга имкон берувчи шарт-шароитларни яратиш.

Креатив педагогиканинг умумий моҳияти унинг конпепцуал ҳолатларини ифодаловчи бир қатор тушунчалар асосида очиб берилади. Улар қуйидагилардан иборат:

Ижодкорлик – муайян янгиликнинг аҳамияти ва фойдали эканлигини белгиловчи шахс фаолияти ва унинг натижаси.

Ижодкор шахс – ижодий жараённи муваффақиятли амалга ошира оладиган ҳамда аниқ ижодий натижа (маҳсулот)ларга эга шахс

Креатив шахс – жараён ёки натижа сифатида ижодкорликни намоён этувчи, масалаларни ечишга ностандарт усуллар билан ёндаша олишга мойил, ўзига хос ҳаракатларни ташкил этиш, янгиликларни илгари суришга, ижодий маҳсулотларни яратишга лаёқатли ва тайёр шахс

Бунёдкор шахс – ҳам жараён, ҳам натижа сифатида объектив ижодкорликни амалга оширадиган ва талаблар даражасида ижодий маҳсулотларини ярата оладиган шахс

Креатив шахсни тайёрлаш – ижодкорликка ўргатиш ва ўзини ўзи ижодий намоён этиш жараёнида шахсда барқарор креатив сифатларни шакллантириш ва ривожлантириш мазмуни

Ижод – ижтимоий субъектнинг янгилиги, аҳамияти ва фойдалилиги жамият ёки муайян гуруҳ томонидан тан олинган фаолияти ёки фаолияти натижаси

Ижодкор шахс – касбий-ижодий фаолият тажрибаларини қарор топтириш ва бойитиш асосида ижодий ғоя, уларни амалга ошириш кўникма ва малакаларига эга шахсни шакллантириш ҳамда ривожлантириш.

Касбий-ижодий фаолият – мутахассиснинг касбий масалаларни ижодий ҳал қилиш муваффақиятини тавсифловчи фаолияти, инновацион хатти-ҳаракати

Ижодий топшириқлар – муаммоли вазиятларни тизимли таҳлил асосида ҳал қилишга йўналтирилган масалалар тизими

Касбий-ижодий имконият – 1) касбий компетенция, малакага эгалик;

2) касбий ижод методологияси асосларини ўзлаштирганлик;

3) ижодий тафаккурнинг шаклланганлик даражаси;

4) касбий-ижодий лаёқат ва шахсий сифатларнинг ривожланганлиги

Касбий ижодкорлик методологияси – ижодкорликнинг жараён ва натижа сифатида объектлар ҳамда муайян касбий фаолият турларига

муносабат кўринишидаги тузилиши, мантиқий ташкил этилиши, метод ва воситалари ҳақидаги таълимот

Ижодий тафаккур – тафаккурнинг ижод жараёнини ташкил этиш ва ижод натижалари (маҳсуллари)ни башоратлашни ифодаловчи тури

Креатив қобилият – шахснинг ижодий фаолиятни ташкил этиш ва унинг натижаланганлигига эришишни таъминлаш имкониятини белгиловчи индивидуал хусусияти

Ижодий қобилият – ижодий фаолиятни муваффақиятли амалга ошириш ва унинг натижаланганлигини

Ўзини ўзи ижодий фаоллаштириш – шахснинг ижодий фаолиятда ўз имкониятларини тўлақонли намоён қилиши ва ривожлантириши

Савол ва топшириқлар:

1. “Педагогика”, “креатив” сўзларининг луғавий маънолари қандай?

2. Креатив педагогика ҳақидаги тасаввурларингизни олган ахборотингиз билан таққосланг.

3. Креатив педагогиканинг объекти ва предметини аниқланг.

4. Креатив педагогиканинг асосий тушунчалари орасидаги боғланишлар

5. Ни граф орқали ифодаланг.

6. Креатив педагогиканинг педагогик ва бошқа фанлар билан алоқасини ўрнатинг (структура).

Тавсия этиладиган манбалар:

1. Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem soving). – Alexandria – Virginia, USA: ASCD, 2014.

2. Файзуллаева Н. Педагогик билимлар – ўқитувчи касбий маҳоратининг назарий асоси //Uz u siz ta’ im ж. – Т.: 2006. 6-сон. – 102-б.

Тингловчилар учун кўрсатмалар:

1. Кейс моҳиятини етарлича англаб олинг.

2. Берилган манбаларга таянган ҳолда саволлар ечимини топишга хизмат қилувчи омилларни аниқланг.

3. Аниқланган ахборот орасидан қўйилган саволларга барчасидан кўпроқ даҳлдор бўлган ахборотни ажратинг.

4. Ана шу ахборотлар ва ўз тасаввурларингиз, билим, тажрибангиз асосида ечимни асослашга урининг.

Ўқитувчининг айрим саволларга ечими

Объекти

Барча ёш босқичлари бўйича креатив шахсни касбий шакллантириш ва ривожлантириш жараёни

Предмети

Креатив шахсни касбий шакллантириш ва ривожлантириш методологияси, устувор тамойиллари, етакчи ғоялари, муҳим йўналишлари, асосий босқичлари ва б.



Фалсафа Эстетика асослари Психология

4- кейс.

Креатив педагогиканинг педагогика туркум

ва ижтимоий фанлар билан ўзаро алоқадорлиги

Илмий адабиётларда таъкидланишича педагоглар педагогик фаолиятни самарали ташкил этишлари учун бир қатор лаёқатларга эга бўлишлари зарур. Жумладан:

Билишга оид (гностик) малакалар:

- талабаларнинг ёш ва индивидуал хусусиятлари, жамоанинг ижтимоий-психологик ўзига хослигини инобатга олган ҳолда ўқув-тарбиявий вазифаларни аниқ белгилаш;

- замонавий таълим талабларидан келиб чиққан ҳолда ўқув-тарбия жараёнини дидактик, психологик ва методик жиҳатдан режалаштириш ва таҳлил қилиш;

- таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этишнинг самарали шакл, метод ва воситаларни асосли равишда танлай олиш;

- талабалар томонидан ўқув дастури талабларидан келиб чиққан ҳолда материалларни ўзлаштирганлик натижаларини, ўқувчиларнинг тарбияланганлик ва ривожланганлик даражасини аниқлай билиш;

- талабаларнинг билишга бўлган қизиқиш, эҳтиёж ва фаолликларини ривожлантириш бўйича турли кўринишдаги ишларни олиб бориш;

- дарсда, дарсдан ташқари шароитларда, куни узайтирилган гуруҳларда, тўгарак, клуб ёки жамиятларда турли тарбиявий ишларни олиб бориш;

- талабалар, уларнинг ота-оналари билан индивидуал ишларни амалга ошириш;

- талабаларда соғлом турмуш кечиришга бўлган эҳтиёжни шахсий ва умумий гигиенага амал қилиш кўникмаларини, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш малакаларини шакллантириш;

- таълим жараёнида турли кўрсатмали қуроллар, замонавий техник воситалар, ахборот ва илғор педагогик технологияларидан самарали фойдаланиш;

- дидактик материал ва кўрсатмали қуролларни ишлаб чиқиш;

- ота-оналарни педагогик билимлар асослари, болаларнинг асосий ёш хусусиятлари, психологик ўзига хосликлари, турли ёш босқичларида

фарзандлар билан ота-оналар ўртасида кечадиган муносабатлар моҳиятидан хабардор қилиш;

- ўз-ўзини таҳлил қилиш, ўз-ўзини баҳолаш ва шахсий фаолиятда йўл қўйилган камчиликларни тузатиш

Ижодий-амалий (конструктив) малакалар:

- алоҳида-алоҳида маълумотлардан фойдаланган ҳолда яхлит ўқув ва тарбиявий характердаги материални шакллантириш;

- ўқув материалини турли расм, сурат, жадвал, диаграмма, модел ва бошқалар билан бойитиш;

- ўзига хос, оргинал ўқув материалини тайёрлаш;

- мустақил равишда янги методни асослаш;

- ўқув машғулоти (дарс) ва тарбия тадбир учун кўрсатмали қуроллар тўпламини яратиш;

- дарс ёки тарбиявий тадбирнинг технологик паспорти, харитасинияратиш;

- дарс ёки тарбиявий тадбирда фойдаланиш учун мультимедия материалларини яратиш;

- ўқув материалининг тақдимот вариантини тайёрлаш;

- турли мавзулардаги тарбиявий тадбирлар учун талабаларнинг фаол иштирокида видео роликлар яратиш;

- дарс конспектини тайёрлаш;

- турли шакл ва методларга асосланган синов топшириқлари (савол, топшириқ, масала, мисол, машқ, тест), баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш;

- назорат ишларини ташкил этишга ижодий ёндашиш

Ташкилотчилик малакалари:

- талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини бошқариш;
- талабаларда илмий билимларни ўзлаштириш кўникма, малакаларини шакллантириш;
- дарс жараёнида вақтни тўғри тақсимлаш ва режани самарали бажариш;
- талабалар билан индивидуал ишларни ташкил этиш;

- гуруҳ жамоаси билан жамоавий ёки гуруҳли ишларни олиб бориш;
- талабаларда таълим муассасаси ички тартиб-қоидаларига риоя этиш кўникмаларини шакллантириш;
- талабаларга ўқув ва ижтимоий топшириқларни бериш;
- ўқувчиларнинг диққатини бошқариш;
- талабалар ўртасида баҳс-мунозара ташкил этиш ва уни бошқариш;
- дарсларда ўйин технологияларидан фойдаланиш;
- талабаларнинг ўқув фаолликларини ошириш, уларнинг мустақиллигини таъминлаш;
- кичик гуруҳларни шакллантириш асосида топшириқлар бажарилишини таъминлаш;
- талабалар билан ҳамкорликда тарбиявий ишлар рўйхатини ишлаб чиқиш

Тадқиқотчилик малакалари:

- илмий изланиш олиб бориш метод ва воситаларини танлаш;
- манбалар билан ишлаш (назарий таҳлил, муҳим маълумотни топиш, тезс, конспект, реферат, картотека билан ишлаш, адабиётлар рўйхатини тузиш);
- нашр манбалари ва ахборот технологиялари (Интернет) материаллари билан танишиш;
- анкета сўровини ташкил этиш;
- замонавий педагогик муаммоларни аниқлаш, долзарблигини асослаш;
- мавжуд манбалар асосида муаммонинг ишланганлик даражасини ўрганиш;
- педагогик тажриба олиб бориш методикасини ишлаб чиқиш;
- уч (ёки тўрт) босқичли педагогик тажрибани илмий-методик ташкил этиш;
- илмий мақола, ахборот ва ҳисобот тайёрлаш;
- илмий мақолаларни нашрга тайёрлаш;

- педагогик тажриба натижаларини умумлаштириш ва таҳлил қилиш;

- таҳлил натижаларини математик-статистик таҳлил қилиш;

- статистик таҳлил натижаларига кўра хулоса чиқариш ва илмий-тавсияларни илгари суриш;

- педагогик тажриба натижаларини муҳокама қилиш (саволлар қўйиш, шахсий фикрни билдириш, танқидий фикрларни айта олиш, амалий таклифлар бериш)

Изчилликни таъминловчи (процесссуал) малакалар:

• ўқув материали мазмунини баён қилишда нутқий изчилликни таъминлаш;

• оғзаки ва ёзма нутқни баён қилишда ўзаро изчилликни қарор топтириш;

• талабаларнинг мавжуд билимлари билан янги ўзлаштириладиган билимлар ўртасида муайян изчилликни юзага келтириш;

• талабаларнинг мавжуд ҳаётий қарашларини янги ғоялар билан бойитиш;

• дарсда ва дарсдан ташқари тарбиявий ишларда талабаларни фаол фаолиятга ундовчи методлардан фойдаланишда муайян изчилликка эришиш;

• талабалар БКМ даражасининг ДТС талабларига мувофиқ келишида маълум изчилликка эришиш;гуруҳ жамоасининг ижтимоий-психологик ҳолатини ўрганиш методларидан фойдаланишда

• педагогик фаолият изчиллигини таъминлаш; талабаларнинг тарбияланганлик ва ривожланганлик даражасини баҳолашда доимий изчилликка эришиш

Савол ва топшириқлар:

1. Қайд этилган лаёқатлар гуруҳлари қандай номланади?

2. Лаёқатлар гуруҳлари ва лаёқатлар орасида боғланишлар ўрнатинг.

3. Матнда келтирилган ахборотнинг тизимли таҳлилини амалга оширинг.

4. Педагогга хос лаёқатлар тизими, тагтизимлари, элементларини ифодаловчи структурани ишлаб чиқинг.

5. Қайд этилган лаёқатлар тизимини тизимларни моделлаштиришнинг қайси модели ёрдамида тасвирлаш мақсадга жавоб беради?

Фойдаланилган адабиёт:

1. Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem soving). – Alexandria – Virginia, USA: ASCD, 2014.

2.Қурбонов Ш., Сейтхалилов Э. Миллий истиқолол ғоясини шакллантиришда ташкилий-услубий ёндошувлар (Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида). – Т.: Академия, 2002. – 280 б

3.Мадумаров Т., Камолдинов М. Инновацион педагогик технология асослари ва уни таълим-тарбия жараёнида қўллаш. / Методик қўлланма. – Т.: Талқин, 2012. – 144 б.

4.Файзуллаева Н. Педагогик билимлар – ўқитувчи касбий маҳоратининг назарий асоси //Uz u siz ta’ im ж. – Т.: 2006. 6-сон. – 102-б.

5. Педагогик технологиялар. Педагогика олий ўқув юртлари учун дастур / Тузувчилар Мадиярова С.А., Усмонбаева М. в.б.–Т.:ТДПУ,2003.-8б.

6. Педагогика назарияси ва тарихи. Педагогика олий ўқув юртлари учун дастур / Тузувчилар Нишонова С., Хасанбоев Ж. в.б. – Т.: ТДПУ, 2003.– 44 б.

7. Толипов Ў.Қ. Олий педагогик таълим тизимида умуммеҳнат ва касбий кўникма ва малакаларни ривожлантиришнинг педагогик технологиялари: Пед. фан. докт. … дис. – Тошкент, 2004. – 314 б.

Тингловчилар учун кўрсатмалар:

1. Кейс моҳиятини етарлича англаб олинг.

2. Берилган манбаларга таянган ҳолда саволлар ечимини топишга хизмат қилувчи омилларни аниқланг.

3. Аниқланган ахборот орасидан қўйилган саволларга барчасидан кўпроқ даҳлдор бўлган ахборотни ажратинг.

4. Ана шу ахборотлар ва ўз тасаввурларингиз, билим, тажрибангиз асосида ечимни асослашга урининг.

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

1. Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Ҳар бир тингловчи қуйида келтирилган мавзулардан ўзи ўқитаётган ўқув фани доирасидаги мавзуни танлаб амалий машғулотлар давомида аудиторияда ва аудиториядан ташқари бажариладиган мустақил иш топшириғи мавзусидан келиб чиққан ҳолда тавсия этилган манбалар, ўз тажрибасига таянган ҳолда ижодий фаолият билан машғул бўлади.

Тингловчиларга тавсия этилган мавзулар олий таълим муассасалари таълим-тарбия жараёнлари мазмуни асосида тайёрланган.

Мустақил таълим топшириқлари маъруза, амалий машғулотлар давомида эгалланган билим ва кўникмалар асосида, модул бўйича тавсия этилган манбалардан фойдаланилган ҳолда бажарилади.

ТИНГЛОВЧИЛАРГА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ УЧУН ТАВСИЯ ЭТИЛГАН МАВЗУЛАР:

Қуйидаги жараёнларни бошқариш ва бошқарувни такомиллаштириш таклифларини ифодаловчи тизим структурасини граф орқали ифодаланг

1. Кафедра миқёсидаги бошқарув.
2. Ўзингиз ўқув машғулотлари олиб борадиган ўқув фани бўйича жорий назорат ва баҳолашни бошқарув тизими.
3. Ўзингиз ўқув машғулотлари олиб борадиган ўқув фани бўйича оралиқ назорат ва баҳолашнинг бошқарув тизими.
4. Талабалар курс ишини назорат қилиш ва баҳолашни бошқарув тизими.
5. БМИни назорат қилиш ва баҳолашни бошқарув тизими
6. Кафедра миқёсида илмий ишларга раҳбарлик.
7. Кафедра миқёсида тарбиявий ишларга раҳбарлик.
8. Гуруҳ мураббийси фаолияти.
9. Факультет бошқаруви.

10. Факультет миқёсида илмий ишларга раҳбарлик.

11.Факультет миқёсида тарбиявий ишларга раҳбарлик.

12.Маъруза машғулотини бошқарув тизими.

13.Амалий машғулотни бошқарув тизими.

14.Лаборатория машғулотини бошқарув тизими.

15. Семинар машғулоти технологиясини бошқарув тизими

16. Таълим жараёнининг меъёрий-ҳуқуқий хужжатларини яратишни бошқарув тизими.

17. Талабалар ўқув амалиётини бошқарув тизими.

18. Талабалар педагогик амалиётини ташкил этишни бошқарув тизими.

19.ПЎ шахсий иш режасини шакллантиришни бошқарув тизими.

20.Ўқув фани дастурини ишлаб чиқишни бошқарув тизими.

21.Ўқув фани ишчи дастурини ишлаб чиқишни бошқарув тизими.

22. Ўзингиз ўқув машғулотлари олиб борадиган ўқув фани бўйича 1 семестрлик назоратлар ва баҳолашни бошқарув тизими.

23. Ўзингиз ўқув машғулотлари олиб борадиган ўқув фани бўйича талабалар мустақил таълимини бошқарув тизими.

24. Ўқув адабиётини ёзиш ва нашрга беришни бошқарув тизими.

25.Талабаларнинг дарсдан ташқари вақтини самарали ташкил этишни бошқарув тизими.

26. Ўқув фанининг электрон ўқув-методик мажмуасини яратишни бошқарув тизими.

2. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУСИ

ПЕДАГОГИК ЖАРАЁНЛАРНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМЛАРИ

Топшириқ. Олий таълим муассасалари таълим-тарбия жараёнлари бошқарувини тизимли таҳлил қилиш. Танлаган мавзуингиз қамраб олган тизимни бошқарув ҳолатини ва уни такомиллаштириш юзасидан ўз таклифларингизни ифодаловчи тизим структурасини граф кўринишида тасвирланг.

ЁРДАМЧИ МАТЕРИАЛЛАР

Бошқарув инглиз тилидаги (mana ement) лотинча «manus» (қўл) сўзидан келиб чиққан. Олдин бу сўз ҳайвонларни бошқаришга алоқадор бўлиб, отларни бошқариш санъатини билдирган. Кейинчалик бу сўз инсон фаолияти соҳаларида қўлланиб, инсонлар ва ташкилотларни бошқарувини англата бошлаган. Менеджер сўзининг замонавий маъноси махсус тайёргарликка эга мутахассис. АҚШда, бугунги кунда республикамизда ҳам, «менежмент» ибораси нисбатан кенг маънода ишлатилиб, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳамда таълим соҳасида ҳам ишлатилмоқда.

Педагогик тизимларни бошқариш учун бошкарув тамойилларини билиш зарур. Улар:

1) Мақсад тамойили – ҳар бир фаолият аниқ ва тушунарли мақсадга эга бўлиши керак;

2) Бошқарув қарорининг ҳуқуқий ҳимояланганлик тамойили-қонун хужжатларини билган ҳолда бошқариш;

3) Бошқарувни оптималлаштириш тамойили-бошқарувни оптималлаштириш бошқарилаётган тизим самарадорлигини орттиради;

4) Бошқарувни марказлаштириш ва марказдан узоқлаштириш тамойили;

5) Мослик тамойили-бажарилаётган иш бажарувчининг интеллектуал ва жисмоний имкониятларига мос бўлиши керак;

6) Келмаганни алмаштириш тамойили-қандайдир сабаб (касаллик, таътил, меҳнат сафари)га кўра ишга келмаган ходимни мақсадли алмаштириш;

7) Биринчи раҳбар тамойили-муҳим ишлаб чиқариш топшириғини бажарилишини ташкил этишда ишларнинг бориши назорати корхонанинг биринчи раҳбари томонидан амалга оширилиши керак;

8) Ахборотни бир марта киритиш тамойили-компьютер хотирасига бир марта киритилган маълумотдан, бу маълумот билан боғлиқ бўлган кўплаб вазифаларни ҳал этишда фойдаланиш мумкин;

9) Малака ошириш тамойили;

Педагогик жараёнларда ўқитувчилар томонидан ўз фаолиятлари ва талабаларнинг дарс ва дарсдан ташқари фаолиятлари бошқарилади.

МУСТАҚИЛ ИШНИ БАЖАРИШ НАМУНАСИ

Семинарни педагогик бошқариш тизими



ТОПШИРИҚ НАЗОРАТИ ВА БАҲОЛАШ

МУДДАТ: Тингловчилар томонидан тайёрланган ишланма модул бўйича охирги машғулот куни баҳолаш учун топширилади**.**

БАҲОЛАШ:

3. Ижодий иш максималл **0,3** балл билан баҳоланади.

4. Ўз муддатида топширилмаган ишлар баҳоланмайди.

Тингловчилар томонидан тайёрланган услубий ишланма модул бўйича барча машғулотлар якунида, битирув лойиҳа ишларини жиҳозлаш вақтида тингловчиларга қайтарилади.

VII. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
Абстрактлаш	мавҳумлаштириш орқали назарий умумлашмалар ҳосил қилишдан иборат таълим методи	process of taking away or removing characteristics from something to reduce it to some set of essential characteristics
Алгоритм	кўрсатилган мақсадга эришиш ёки қўйилган топшириқ(масала)ни ечишга қаратилган вазифа(амал)лар кетма-кетлигини бажариш борасида ижрочига тушунарли ва аниқ кўрсатмалар бериш	to achieve the specified goal or task(issue), is focused on the task to take off(to follow)complete, understandable and give clear instructions of the sequence of performer in the field.
Альтернатив	муқобил, муқобил ўқув материали	alternative, alternative educational materials
Амалий машғулотлар	махсус жиҳозланган хона ёки алоҳида ажратилган тажриба майдонида ташкил этилиб, таҳсил олувчиларда улар томонидан ўзлаштирилган назарий билимларни амалиётда қўллай олиш кўникма ва малакаларини ҳосил қилишга йўналтирилган таълим шакли	allocated a room specially equipped or established a particular experience in the area of scholarship utilized by the recipient to apply their theoretical knowledge in practice to get the skills and education to ensure focused skills form

Баҳо	таълим олувчилар билим, кўникма ва малакаларининг миқдорий баҳолашда бал ёки рақамлар воситасида шартли ифодаланиши	education buyers knowledge, skills and qualifications in quantitative evaluation expressed by means of points or numbers example
Билим - knowledge	ҳақиқий борлиқ умумий аксини топади. Талабалар ҳодиса, воқеа, қонуниятлар тўғрисидаги маълумотларни ўрганадилар ва у уларнинг ютуғи бўлади.	really being reflected in the total. Student events, learn information about the laws and their achievement.
Болонья декларацияси- Bologna Declaration	2001 йилда 29 та Европа давлатлари таълим вазирлари томонидан Болонья декларациясининг имзоланиши. Европа таълим ҳудудини яратилиши. Болонья декларациясига кўра дипломларнинг ўзаро тан олиниши, яъни ўқитиш натижаларини якуний кўрсаткичларнинг ўзаро тан олиниш муддати – 2010 йил деб белгиланган эди.	In 2001, 29 countries of the European education ministers signed the Bologna Declaration. The creation of the European education area. Mutual recognition of diploma according to the Bologna Declaration, the mutual recognition of the final results of the training indicators for the period of 2010 respectively.
Вазият- situation	(ситуация) (кейинги лотинчадаги situation - аҳвол) – муайян вазият, аҳволни ҳосил қиладиган шарт-	(Situato) (the situation in Latin - the situation) - specific situation, the situation creates the

	шароитлар ва ҳолатлар уюшмаси.	conditions and circumstances of the Association.
Бунёдкор шахс Creative personality	ҳам жараён, ҳам натижа сифатида объектив ижодкорликни амалга оширадиган ва талаблар даражасида ижодий маҳсулотларини ярата оладиган шахс.	an individual who carries out objective creativity as a process and as a result and produces high quality creative products
Даврлаштириш Periodization	(юнон. “peridos” – “доира бўйлаб айланиш”) – муайян ҳодисани ўзида қандайдир якунланган жараённи қамраб олган маълум вақт бирликларига ажратилиши.	(from ree . “peridos” – gyre, helix,) – division of a certain phenomenon into units of time that comprise a completed process
Дарс таҳлили	ўқув машғулотини бир бутун яхлит ҳолда ёки муайян бўлакларга бўлиб баҳолаш	certain pieces of training sessions or reviews, without a holistic whole
Инновацион вазият	педагогик янгиликларни яратиш, ўзлаштириш ва татбиқ этишга қаратилган вазият.	creation of pedagogical innovations, development and implementation aimed at the situation of
Инновация	янгидан киритилган тушунчалар, тартиб қоидалар, технологиялар ва янгиликлар	from included new concepts, rules of procedure, and technology news
Интерфаол усул	таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасидаги фаол	the active cooperation of the education system, the

	ҳамкорлик мулоқоти	interaction between education and dialogue
Касб- profession	бу меҳнат фаолиятининг барқарор тури бўлиб, у нафақат аниқ билим ва кўникмаларни бўлишини талаб қилмай, балки бир хил бўлган умум касбий билимларни ҳам бўлишини талаб қилади	This type of stable activity, it not only does not require specific knowledge and skills, but also requires the same general professional knowledge
Касбий-ижодий фаолият Professional and creative activity	мутахассиснинг касбий масалаларни ижодий ҳал қилиш муваффақиятини тавсифловчи фаолияти, инновацион хатти-ҳаракати.	an innovative behavior or an activity of a specialist characterizing his success in solving professional issues in a creative way.
Кейс-стади **Case study**	(инглизча case - тўплам, аниқ вазият, stadi -таълим) кейсда баён қилинган ва таълим олувчиларни муаммони ифодалаш ҳамда унинг мақсадга мувофиқ тарздаги ечими вариантларини излашга йўналтирадиган аниқ реал ёки сунъий равишда яратилган вазиятнинг муаммоли-вазиятли таҳлил этилишига асосланадиган таълим услубидир.	(English Chassis kit, clear the situation, study the field), Casey explained and trained the way of solving the problem formulation and the purpose of his options Search Ref concrete situation, real or artificially created problem-based analysis of the situation of the teaching methods.
Креативлик (ижодийлик)	қандайдир янги, бетакрор нарса ярата олиш лаёқати,	is how new, get disabled create something unique

	бадиий шакл яратиш, фикрлаш, ғоя ва ечимга олиб келувчи ақлий жараён	and artistic form, creating, thinking, the mental process which lead to ideas and solutions
Кўникма - the ability to	эгаллаган билимлар асосида ўзгарувчан шароитларда бирорта фаолиятни амалга ошириш қобилияти.	based on knowledge of changing conditions, the ability to carry out any activities.
Малакалар - qualified	бу, кўп марта такрорлаш натижасидаги машинал (беихтиёрий), ҳаракатлардир.	This is repeated several times (involuntary), action
Математик модел	математик тимсоллар, белгилар ва ҳодисалар синфининг тахминий намунаси, баёни	mathematical analogy, the approximate description of the characters and events of the class sample
Метод	таълим жараёнида тақдим этилган амалий ва назарий билимларни эгаллаш, ўзлаштириш, ўргатиш, ўрганиш, билиш учун хизмат қиладиган йўл-йўриқлар, усуллар мажмуи	presented practical and theoretical knowledge in the process of education to master, master to teach, to learn, to know, which serve for guidance of the method set
Модератор - moderator	Қабул қилинган қоидаларга амал қилиш текширади, талабаларнинг мустақил фикрлаш ва ишлаш қобилиятларни ривожлантириш, билиш фаолятини фаоллаштиришга	Checks the validity of the regulations adopted in the development of students' independent thinking and processing skills, knowledge, help to boost activity. Information,

	ёрдам беради. Маълумотни, семинарни, тренинглар ва давра суҳбатларини бошқаради, фикрларни умумлаштиради.	seminars, workshops and panel discussions, provide generalizes.
Модул	ўқув ахборотининг мантиқий бўлакка бўлинган қисми, ушбу қисм мантиқан яхлит ва тугалланган бўлиб, унинг ўзлаштирилишини назорат қилиш мумкин бўлади	a piece of educational information to the logical part, logical and holistic this part is completed, you will be able to control his master, receives
Модулли ўқитиш - modular training	ўқитишнинг истиқболли тизимларидан бири ҳисобланади, чунки у таълим олувчиларнинг билим имкониятларини ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш тизимига энг яхши мослашгандир.	Because it is one of the promising systems of education in educational opportunities for recipients of knowledge and creative skills development system is the best fit.
Муаммо	ўқув жараёнида ҳал қилиниши лозим бўлган масала, вазифа	issues that must be resolved in the educational process, tasks
Муаммоли вазият - a problematic situation	Мазкур ҳолда вазият субъектининг ҳозирги вақтда ёки келгусидаги мақсадларга эришишига хавф соладиган вазият тушунилади.	Currently the subject of the situation in this case understood the situation or endanger the future to achieve the objectives.
Муаммоли таълим – problematic	муаммони ҳал этиш ғояси ётувчи, яхлит	That underlie the idea of solving the problem, a

training	тизим.Муаммоли ўқитиш ҳам амалий, ҳам назарий-билиш хусусиятидаги муаммоли вазиятларни ҳал этиш орқали янги билимларни эгаллашга асосланган.	holistic training tizim.Muammoli both practical and theoretical know-featured solution to problematic situations based on new knowledge.
Мустақил таълим	инсоннинг ўзи танлаган воситалар ва адабиётлар ёрдамида авлодлар тажрибасини, фан ва техника ютуқларини ўрганишга йўналтирилган шахсий ҳаракатлари жараёни	the generation of the experience of man's own choice and means of using literature, the achievements of science and technology to the study of the process of focused personal action
Педагогик таксономия	ўқув мақсадларининг таснифланиши, ўқув фани бўйича хусусий мақсадларнинг аниқ белгиланиши	the classification of educational goals, clearly defined the purpose of training on the subject of private
Рақобатбардош мутахассис-competitive specialist	бу биринчидан, ўзининг қобилиятларини ривожланганлиги, касбий чуқур билимлилиги, шахсий ва фуқаровий сифатларини шаклланганлиги, иккинчидан шахсий ва оилавий фаровонликни таъминлашга имкон берувчи, маҳсулотга яхши баҳо берувчидек таклиф	This, first of all, his ability, professional deep knowledge of personal and civil formulated, and secondly to provide individual and family welfare, product ratings, such as the employer's ability to offer high level of professional training.

	қила олиш каби касбий фаолиятга юқори даражадаги тайёргарликдир.	
Ривожлантирувчи вазифа- Educational task	ўқитиш жараёнида шахснинг ақлий, ҳиссий ва иродавий ривожланиши, билишга бўлган интилишларини ва ижодий фаолликни шакллантириш ва ривожлантиришни таъминлашдан иборат бўлади.	he process of teaching a person's mental, emotional and of Zulayha development, the desire to know and to ensure the development of creative activity.
Ривожлантирувчи таълим - developing training	ўқитувчининг асосий вазифаси билиш мустақиллиги ва қобилиятларини ривожлантиршга йўналтирилган, талабаларни ўқув фаолиятини ташкиллаштириш ҳисобланади.	Aimed to improve the ability to learn independence and the role of the teacher, the students' educational activities.
Таълим олиш - education	бу билим, кўникма ва малакалар тизимини эгаллаш жараёнидир, яъни бунда шахснинг ижодий фаолиятининг жиҳатлари, дунёқараши ва ўзини тутиш сифатлари ташкил топади,ҳамда билиш қобилиятлари ривожланади.	This knowledge, skills and process skills to master the system, which is such a personal aspects of creative activity, as the outlook and behavior, in the ability to learn and develop.

Таълим бериш-learnig education	бу ҳамкорий фаолиятни намоён қилиб бунда касб таълим ўқитувчиси талабалар фаолиятини ташкиллаштиради, рағбатлантиради, ўзгартиради ва назорат қилади.	This cooperation activities with respect to the organization of the professional teacher education students, encourage, change and control.
Таълим воситаси	муайян ўқитиш методи ёки усулларидан муваффақиятли фойдаланиш учун зарур бўлган ёрдамчи ўқув материаллари	teaching assistant training materials needed for the successful use of a method or a particular method
Таълим тизими	турли даража ва йўналишдаги ўзаро алоқадор узлуксиз таълим дастурлари ва давлат таълим стандартлари, ташкилий ҳуқуқий турларидан қатъий назар таълим муассасаларининг барча тармоқлари, таълимни бошқарув органлари ва улар қошидаги муассаса ҳамда ташкилотларни қамраб олувчи тизим	continuing education programs and collaboration between different levels and direction of state education standards, legal organizational type, the educational institutions in spite of all sectors of the institution and the education system under the covering of their bodies and organization
Таълимнинг синф–дарс тизими	мактабда ўқув жараёнини ташкил этиш тизими. Унда ўқувчилар ёш ҳусусиятлари ва ўқиш муддатларига кўра	the organization of the educational process in the school system. The age peculiarities of the pupils

	муаян синфларга ажратилиб, таълим ўқув режаси ва дастурига мувофиқ, асосан, дарс шаклида олиб борилади	of the mean than to read the term and allocated to the class of education according to the program curriculum and, basically, the lesson is conducted in the form of
Таҳлил	муайян объект, воқеа-ҳодисани ҳар томонлама таҳлил қилиш, чуқур текшириш, ўрганиш	certain objects, events, comprehensive analysis, in-depth survey, study
Тизим	1) тартибга солинган, ўзаро боғланган ва таъсир кўрсатиб турадиган педагогик ҳодиса; 2) тартибга солинган тушунчалар йиғиндиси.	with this regulation, a phenomenon which indicate the mutual influence of pedagogic and bound; 2) regulation with the concepts summary.
Тизимли ёндашув	тадқиқотчининг педагогик объект яхлитлигини очиб кўрсатишга йўналтирувчи, унинг ички алоқа ва муносабатларини белгиловчи жараён	the object of pedagogical researchers to show the integrity of open referral, the process of defining its internal communication and relationship
Тизимлаштириш	педагогик ҳодисалар ва тушунчаларни гуруҳларга ажратишга асосланган фаолият	educational events and groups to distinguish concepts-based business
Узлуксиз таълим	ўзаро мантиқий изчиллик асосида боғланган ҳамда	on the basis of mutual logical consistency, and

	соддадан мураккабга қараб ривожланиб борувчи ва бир-бирини тақозо этувчи босқичлардан иборат яхлит таълим тизими	paired soddadan advancing to complex and, depending on the a-one of the stages requires a holistic education system, which consists
Ўқитиш - training	бу таълим олувчиларга янги ўқув ахборотини тақдим этиш, уни ўзлаштиришни ташкиллаштиришга, кўникма ва малакаларни шакллантиришга, билиш қобилиятларини ривожлантиришга мақсадли йўналтирилган, мунтазамли ташкилий жараёндир.	trained to provide new information, organization skills and mastering of skills, knowledge, abilities, develop targeted, the regularity of the process.
Эвристик ўқитиш - heuristic teaching	ўқитувчи ўқувчилар билан ҳамкорликда ҳал этилиши зарур бўлган масалани аниқлаб олиши. Ўқувчилар эса мустақил равишда таклиф этилган масалани тадқиқ этиш жараёнида зарурий билимларни ўзлаштириб оладилар ва унинг ечими бўйича бошқа вазиятлар билан таққослайди. Ўрнатилган масалани ечиш давомида ўқувчилар илмий	clarify the issue needed to be resolved in cooperation with teachers, students. Students and independent research on the issue of the proposed mastered the necessary knowledge, and, compared with the resolution of the other cases. Students know the scientific methods to solve'll assume the experience of conducting

	билиш методларини ўзлаштириб тадқиқотчилик фаолиятини олиб бориш кўникмаси тажрибасини эгаллайдилар.	research skills.
«Қора қути» методи	таҳсил олувчилар томонидан мавзуни пухта ўзлаштиришга эришиш билан бирга уларни фаолликка ундаш, уларда ҳамкорлик ишлаш, маълум вазиятларни бошқариш ҳамда мантиқий тафаккур юритиш кўникмаларини шакллантиришни назарда тутувчи интерактив метод	along with searching by theme adopters reach scholarship recipient motivated them to be active, they work in cooperation to manage the specific situation and logical thinking skills maintaining the form of development, which refers to interactive methods
Ҳамкорликда ўқитиш	Машғулотлар жараёнида талабалар билан ахборот, шахсий ва касбий тажрибаларни алмашиш асосидаги гуруҳий ўқитиш шакли	Information sharing, personal and professional experiences among the students in the process of group face-to-face classes

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: «Маънавият”. –Т.: 2008.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”. –Т.: 2011.

3. Каримов И.А. Бизнинг мақсадимиз - эркин ва фаровон, деморкатик ҳаёт кўриш. − Т.: Ўзбекистон, 2015.

4. Каримов И.А. Ўзбекистон эришган ютуқ ва марралар - биз танлаган ислоҳотлар йўлининг тасдиғидир. Т.22. – Т.: Ўзбекистон, 2014.

Меъёрий-ҳуқуқий хужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.– .: Ҳалқ нашриёт – матбаа концерни, 1997.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.– .: Ҳалқ нашриёт – матбаа концерни, 1997. – Б 31 – 64

3.Ўзбекистон Республикасининг «2008 – 2012 йилларда узлуксиз таълим тизимини мазмунан модернизациялаш ва таълим-тарбия самарадорлигини янги сифат даражасига кўтариш» Давлат дастури. – Тошкент: 2008. – pedagog.zn.uz/files/dastur-2008-2012.doc.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 - февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25 -сонли Қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта

тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12 июнь 2015 йилдаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732 фармони.

7. Ўзбекистон Республикасида олий таълимнинг меъёрий ҳужжатлари. – Т.: Адолат, 2001.

8.Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури: Т.: 1999, 4-махсус сон, "Шарқ нашрёти мотбаа концерни", 171-177 б.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта таълим вазирлиги. Ўрта махсус касб – ҳунар таълими маркази. Академик лицейларнинг табиий фанлар йўналишидаги тармоқ таълим стандарти ва чуқурлаштирилган фанлар ўқув дастурлари. – Т., 2005, - 352 б.

Махсус адабиётлар:

1. Авлиякулов Н.Х., Мусаева Н.Н. Янги педагогик технологиялар. Олий ўқув юртлари учун дарслик. www. Ziyonet. uz

2. Азизходжаева Н.Н. Педагогические технологии и педагогическое мастерство. Т.: ТГПУ им. Низами, 2003.

3.Антонов А.В. Системный анализ. − М.2002.

4. Боголюбов В.И. Лекции по основам конструирования современных педагогических технологий. Пятигорск, Из-во ПГЛУ, 2001, 188 с.

5. Бордовская Н.В., Реан А.А. Педагогика. Учебник для вузов. – Санкт-Петербург: Питер, 2000. – 304 с.

6. Голиш Л.В. Технологии обучения на лекциях и семинарах/Учебное пособие// Под общей редакцией академика С.С.Гулямова. - Т.:ТГЭУ, 2005.

7. Didactics of mathematics as a scientific discipline. Rolf Hiehler, Roland W. cho z, Rudo f trässer, ernard Win e mann. I N: 0-7923-2613-X. 2002 Kluwer Academic Publishers, New York.

8. Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem soving). – Alexandria – Virginia, USA: ASCD, 2014.

9. Educating teachers of science, mathematics, and technology : new practices for the new millennium / Committee on Science and Mathematics. Copyright 2001 by the National Academy of Sciences. Constitution Avenue, N.W. Washington.

10.Мадумаров Т., Камолдинов М. Инновацион педагогик технология асослари ва уни таълим-тарбия жараёнида қўллаш. / Методик қўлланма. –Т.: Талқин, 2012. – 144 б.

11. ana in with ystems hin in , ichae a , c raw-Hill, London, 1994.

12. Petticrew, Mark. Systematic reviews in the social sciences : a practical guide/Mark Petticrew and Helen Roberts. H62.P457 2005 ISBN-10: 1-4051-2111-4 (pbk. : alk. paper)

13. Педагогик технологиялар. Педагогика олий ўқув юртлари учун дастур / Тузувчилар Мадиярова С.А., Усмонбаева М. в.б.–Т.:ТДПУ,2003.-8б.

14. Педагогика назарияси ва тарихи. Педагогика олий ўқув юртлари учун дастур / Тузувчилар Нишонова С., Хасанбоев Ж. в.б. – Т.: ТДПУ, 2003.– 44 б.

15.Подласый И.П. Педагогика. Учебник для студ. пед. вузов. В 2-х кн. – М.: ВЛАДОС, 1999. – 256 с.

16. Самаров Р. Ахборотнинг психологик хавфсизлигини таъминлаш механизми (услубий қўлланма). – Тошкент: Университет, 2015. – 91 б.

17. Самаров Р.С, Раджабов А..Сиесий матн таҳлили (методология, назария, амалиёт). - Тошкент 2010. - 176 б.

i.Синергетик парадигма: муаммо ва имкониятлар: илмий-назарий семинар материаллари. 20 сентябрь 2013 йил. – Тошкент, 2013. – 142 б.

18. Сурмин Ю.П. Теория систем и ситемный анализ. Киев, 2003.

19. Systems Thinking: Managing Chaos and Complexity, Jamshid Gharajedaghi, Butterworth Heinemann, Oxford, 1999.

20. Sistemologiya._Avtomatizaciya_resheniya_sistemnyh_zadach._D.Klir.19

21. Obschaya_teoriya_sistem_dlya_gumanitariev._A._Uemov,_I._Saraeva,_A._Tsofnas._2000

22. Толипов Ў.Қ. Олий педагогик таълим тизимида умуммеҳнат ва касбий кўникма ва малакаларни ривожлантиришнинг педагогик технологиялари: Пед. фан. докт. … дис. – Тошкент, 2004. – 314 б.

23. Толипова Ж.О. Биология ўкитувчисининг илмий-методик тайёргарлиги даражасини орттириш назарияси ва амалиёти: Пед. фан. докт. … дис. – Т.: ТДПУ, 2006. – 284 б.

Файзуллаева Н. Педагогик билимлар – ўқитувчи касбий маҳоратининг назарий асоси //Uz u siz ta’ im ж. – Т.: 2006. 6-сон. – 102-б.

24. Юнусова Д. Бўлажак математика ўқитувчисини инновацион фаолиятга тайёрлаш назарияси ва амалиёти. - Т.: Фан, 2009. – 165 б.

25. Юнусова Д.И. Математикани ўқитишнинг замонавий технологиялари. Т: “Фан ва технологиялар” , 2011. – 200 б.

26.Қурбонов Ш., Сейтхалилов Э. Миллий истиқолол ғоясини шакллантиришда ташкилий-услубий ёндошувлар (Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида). – Т.: Академия, 2002. – 280 б

Интернет ресурслар

1. www.gov.uz
2. www.edu.uz
3. www.ziyonet.uz
4. www.pedagog.uz
5. http://www.freebookcentre.net/SpecialCat/Free-Mathematics-Books
6. http://www.nap.edu/collection/43/higher-education
7. http://www.worldscientific.com/worldscibooks
8. http://bookzz.org/Science-Mathematics
9. www.school.edu.ru;
10. http://festival.1september.ru/subjects/1/

11. http://www.websib.ru/ites/2000/05-04.htm
12. htth//www.iteach.ru. Обучение для будущего.
13. http://journal.sakhgu.ru/work.php?id=38
14. http://faylasuf.uz/
15. http://lex.uz/pages/getpage.aspx
16. tspu.edu.ru/files/npo/PDF/articles/kamaley
eva 17. web.snauka.ru/issues/2012/06
18. it.lib.ru/s/sofronowa
19. megaobuchalka.ru
20. https://www. oo e.com/search?q=системный+анализ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙВА ЎРТАМАХСУСТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИБУХОРОМУХАНДИСЛИКТЕХНОЛОГИЯИНСТИТУТИ«ТЕХНОЛОГИКЖАРАЕНЛАРНИБОШҚАРИШНИНГАХБОРОТ – КОММУНИКАЦИЯТИЗИМЛАРИ» КАФЕДРАСИ«ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛ АСОСЛАРИ»фанидан

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

БУХОРО – 2013

2Тузувчи : И ва АТ» кафедрасидоценти Убайдуллаева Ш. Р.
Такризчилар:доц. И. Жалолов, Бухоро Давлат университети “Амалий математика ваинформатика ” кафедраси; доц. Абидов К. З., БухМТИ «ТЖБАКТ» кафедраси.Институтўкув – услубий кенгашида тасдиқланди (баен No___ _____).АННОТАЦИЯ«Тизимли таҳлил асослари» фанитизим тушунчалари, турли муаммоларни ўрганишда қабулқилинадиган қарорларниасосий тушунчалари билан таништириш, хусусан хар хил даражадагиавтоматлаштирилган мураккаб бошқариш тизимларини яратиш ва жорий қилиш вактида пайдобўладиган муаммоларни ўрганишга имкон беради. Тизимли тахлил тушунчаси, қўлланилишсохалари, системология, тизимнинг элементтушунчалари, мураккаб ва оддий системалар,табиий ва сунъий системаларни ўрганишга имкон беради. Тизимни аниқлаш

факторлари,тизимни атроф мухити, тизимнинг функционал структурасини ўрганишга имкон беради.Ахборот оқимларихақида маълумот берилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО МУХАНДИСЛИК ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

«ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЕНЛАРНИ БОШҚАРИШНИНГАХБОРОТ – КОММУНИКАЦИЯ

ТИЗИМЛАРИ» КАФЕДРАСИ

«ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛ АСОСЛАРИ»

фанидан

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

БУХОРО – 2013

Тузувчи : И ва АТ» кафедраси доценти Убайдуллаева Ш. Р. Такризчилар:

доц. И. Жалолов, Бухоро Давлат университети “Амалий математика ва информатика ” кафедраси;

доц. Абидов К. З., БухМТИ «ТЖБАКТ» кафедраси.

Институт ўкув – услубий кенгашида тасдиқланди (баен №).

АННОТАЦИЯ

«Тизимли таҳлил асослари» фани тизим тушунчалари, турли муаммоларни ўрганишда қабул қилинадиган қарорларни асосий тушунчалари билан таништириш, хусусан хар хил даражадаги автоматлаштирилган мураккаб бошқариш тизимларини яратиш ва жорий қилиш вактида пайдо бўладиган муаммоларни ўрганишга имкон беради. Тизимли тахлил тушунчаси, қўлланилиш сохалари, системология, тизимнинг элемент тушунчалари, мураккаб ва оддий системалар, табиий ва сунъий системаларни ўрганишга имкон беради. Тизимни аниқлаш факторлари, тизимни атроф мухити, тизимнинг функционал структурасини ўрганишга имкон беради. Ахборот оқимлари хақида маълумот берилади.

Мундарижа

1- маъруза.Тизимли таҳлилнинг тарихи, предмети, мақсади 3

2- маъруза.Тизим таҳлилининг баёни, базовий таснифи ва босқичлари 8

3- маъруза.Тизимнинг иш бажариши ва ривожланиши 12

4- маъруза.Тизимлар классификацияси 14

5- маъруза.Тизим, ахборот, билимлар 16

6- маъруза.Тизимда ахборот ўлчами 21

7- маъруза.Тизим ва бошқариш 24

8- маъруза.Ахборот тизимлари 29

9- маъруза.Ахборот ва тизимнинг ўз-ўзини ташкил қилиши назорат 32

10- маъруза.Тизимларни моделлаштириш асослари 36

11- маъруза.Математик ва компьютерли моделирлаш 40

12- маъруза.Эволюцион моделлаштириш ва генетик алгоритмлар 44.

13- маъруза.Қарорлар қабул қилиш ва ҳолатли моделлаштириш асослари 47

14- маъруза.Билимлар моделлари 49

15- маъруза.Лойиҳалашнинг ва тизим таҳлилининг янги технологиялари 52

Адабиетлар рўйхати 59

1- маъруза. Тизимли таҳлилнинг ривожланиш тарихи, предмети, мақсади.

Режа: I Тизимли таҳлилнинг предмет соҳаси;

II Асосий тизимли методлар ва жараёнлар

Тизимли таҳлил асосларининг туғилиш даври кўпинча физик ёки фалсафий (гносеологик) келиб чиқишга эга тизимларни кўриб чиқиш билан характерланган. “Система" – бизнинг ҳолда тизим (организм, тузилиш, иттифоқ, бутунлик, қисмлардан тузилган) сўзи 2000 йил илгари Қадимий Грецияда пайдо бўлган. Бу фаннинг мақсади, ҳар қандай бошқа фан каби, объектлар ва ҳодисаларнинг янги алоқалари ва муносабатларини тадқиқ қилиш. Аммо, шу билан биргаликда, бунда объектлар ва ҳодисаларнинг янги алоқалари ва муносабатлари шунчаки ўрганилиб қолмасдан, балки бунинг натижасида тадқиқ қилинаётган объектлар яна ҳам кўпроқ бошқариладиган ва ўрганиладиган даражага олиб келиниши керак. Бу фаннинг асосий муаммосидир. Тизимли таҳлил – ҳар хил табиатга ва тавсифга эга бўлган ҳодисалар ва жараёнларни, фанлараро муаммоларни ўрганиш ва баён этиш учун керак бўладиган тушунчалар, жараёнлар ва технологиялар тўпламидир. Бу тўплам шундай тизимларни тадқиқ қилишнинг усуллари, методлари, умумий қонунларини ўз ичига олади. Бу, назария ва амалиётнинг мураккаб, кўпинча тўла аниқ бўлмаган, муаммоларини ўрганиш методологиясидир. . Фаннинг предмет соҳасига тизимли жараёнларнинг предметли аспектларини ва предметли жараёнлар ва ҳодисаларнинг тизимли аспектларини ўрганувчи фан бўлими киради. Бу таърифни предмет соҳасининг тизимли

таърифи деб ҳисоблаш мумкин

Тизимли таҳлил ҳар хил фанларда, системаларда фойдаланиш учун қўйидаги тизимли методларни ва процедураларни беради:

- мавҳум (абстракт)лаш и аниқ (конкрет)лаш;
- анализ ва синтез, индукция ва дедукция;

- формаллаштириш и аниқ (конкрет)лаштириш;
- композиция ва декомпозиция;
- чизиқли кўринишга келтириш ва чизиқли бўлмаган ташкил этувчиларни ажратиш;
- тасниф (структура)лаш ва таснифни бузиш (реструктурлаш);
- макет ясаш;
- реинжиниринг;
- алгоритмлаш;
- моделирлаш ва тажриба (эксперимент);
- дастурли бошқариш ва йўналтириш;
- таниш (распознавание) ва ўхшатиш (идентификация);
- қисмларга бўлиш (кластеризация) ва синфлаш;
- экспертли баҳолаш ва тестлаш;
- верификация
- ва бошқа методлар ҳамда процедуралар
- Фикрлашнинг алоҳида тури, жараён, ҳодисанинг моҳиятини билиш билан бирга, балки уларни бошқара олишни ҳам хоҳловчи таҳлилчига хос тизимли фикрлашдир. Баъзида уни аналитик фикрлашга тенглаштирадилар, аммо бу тенглаштириш тўлиқ маънода эмас. Тафаккур аналитик бўлиши мумкин, тизимли ёндошиш эса, тизимлар назариясига асосланган методологиядир.
- Предметли (предметга йўналтирилган) фикрлаш – бу хусусий ва умумий воқеалар ва ҳодисалар қаторида, бир мақсадга йўналтирилган ҳолда (одатда, ўрганиш мақсадида) сабаб-оқибат алоқаларини ва қонуниятларини топиш, аниқлаш ва фаоллаштиришга ёрдам берувчи метод (принцип)дир. Кўп ҳолларда бу системаларни тадқиқ қилишнинг методикаси ва технологиясидир.

Илмий билим сифатида тизимли таҳлилнинг зарурий атрибутлари (ташкил этувчилари) :

- предмет соҳасининг мавжудлиги – тизим (система)лар ва тизим процедуралари;

- тизимнинг умумий хоссалари ва атрибутларини аниқлаш, системага солиш, баён этиш;
- бу тизим (система)ларда қонуниятлар ва инвариантларни аниқлаш ва баён этиш;
- тизимларни, уларнинг табиатини ва атроф-муҳит билан алоқасини ўрганиш учун қонуниятларни фаоллаштириш;
- тизимлар ҳақидаги билимларни жамлаш, сақлаш ва фаоллаштириш (коммуникатив функция).

Тизимли таҳлил бир қатор умумий тамойил (принцип)ларга таянади, уларнинг ичида:

- Дедуктив кетма-кетлик принципи – бу тамойилга кўра тизим босқичлар бўйича кетма-кет: атроф-муҳит ва бир бутун билан боғлиқликдан то қисмларнинг бир бутун билан боғлиқлигигача, кўриб чиқилади (тизимли таҳлилнинг босқичларида бу савол батафсил кўрилади);

- жамлаб (интегрир) қараб чиқиш тамойили – бунда, системанинг ҳатто алоҳида ички қисмлари қаралганда ҳам, ҳар бир система узлуксиз бир бутун бўлиши керак;

- ресурсларни ва кўриб чиқиш мақсадларини мослаштириш, тизимни фаоллаштириш;

- зиддиятсизлик тамойили – бутун қисмлар ўртасида, бутун ва қисмларни бир-бирига нисбатан зиддиятларга олиб келувчи, зиддиятнинг мавжуд бўлмаслиги.

Назорат саволлари:

1. Жамиятнинг асосий тизим ресурслари қандай бўлади?

2. Материяга нисбатан ресурснинг ҳар бир тури нимани тавсифлайди?

3. Тизимли таҳлил нима? Тизимли таҳлилнинг предмет соҳасига нима киради?

4. Қандай асосий тизим усуллари ва процедуралари бор?

Масалалар ва топшириқлар:

1. "Тизимли таҳлил тарихи" мавзусига эссе ёзинг.

2. "Тизимли таҳлилнинг ривожланишига катта ҳисса қўшган шахс” мавзусига эссе ёзинг.

3. Ҳар бири “пи” сонининг навбатдаги тақрибий яқинлашишига: 3; 3,1; 3,14; : (вергулдан кейин биринчи рақамигача) тенг бўлган ҳақиқий сонлар тизимини кўрамиз. Бу тизимнинг моддий, энергетик, ахборот, инсоний, ташкилий, фазовий ва вақт аспектларида қарашни кўрсатинг. Бу тизимни билиш ва унинг ресурслари ўртасидаги қарама-қаршиликларни кўрсатинг.

Илмий тадқиқотлар, рефератлар ва Интернет-саҳифалар учун мавзулар:

1. Тизимли таҳлил- методологик фан сифатида.

2. Системология – назарий фан, тизимлар назарияси сифатида.

3. Системотехника ва системотехнологика – амалий фанлар сифатида.

2- маъруза. Тизимлар таҳлилининг баёни, базавий таснифи ва босқичлари

Режа:

I Мақсад, тасниф, тизим, ички тизим, вазифа, муаммо II Тизимнинг асосий белгилари ва топологиялар.

III Тизимли таҳлилнинг босқичлари

- Муаммо – мақсади, эришиладиган (эришиш мумкин бўлган, исталган) натижалари, ресурслари ва мақсадга эришиш (ечиш) каби масалалари аниқланган ҳолатнинг мазмунли баёни. Муаммо тизимнинг ўзгаришида пайдо бўлади.

- Тизимнинг баёни (спецификация) – бу уни аниқловчи элементлар ва ички тизимларнинг идентификацияси (таққосланиши), уларнинг ўзаро алоқаларининг, мақсадларининг, функцияларининг ва ресурсларининг, яъни тизимнинг мумкин бўлган ҳолатларининг, баёни.

- Тасниф (структура) – бу кўплаб объектларга тартиб киритувчи ҳамма нарсалар, яъни, мақсадга эришиш учун зарур бўлган, бир бутуннинг қисмлари ўртасидаги алоқалар, муносабатлар тўплами.

- Тизим, яъни “система" грек тилидан “қисмлардан тузилган бутун”, деб таржима қилинади. Бу тизимли таҳлилнинг аниқлаштириш (конкретлаштириш), яъни аниқ формаларда ифодалаш мумкин бўлган абстракция (мавҳумлик)ларидан бири. Система – бу мақсадга эришиш воситаси ёки объектларнинг қандайдир бир берилган тўпламида (операцион муҳитда) мақсадга эришиш учун зарур бўлган ҳамма насалар (элементлар, муносабатлар, тасниф, иш, ресурслар).

Ҳар қандай тизим ўзининг ички ҳолатига, кирувчи маълумотларни чиқувчига (ички баён) айлантирувчи ички механизмга, шунингдек ташқи кўринишларга (ташқи баён) эга.

Ички баён тизимнинг табиати, унинг ички таснифининг мақсадларга, ички тизимларга (элементларга) ва тизимдаги ресурсларга мос келиш (мос келмаслиги) ҳақида маълумот беради., внешнее описание - о взаимоотношениях с другими системами, с целями и ресурсами других систем.

Тизимнинг ташқи баёни унинг ички баёни билан аниқланади

- Тизимнинг морфологик (таснифий ёки топологик) баёни – бу тизимнинг тузилиши ёки таснифининг ёки бу тизим А элементлари тўпламининг ва мақсадга эришиш учун тизимнинг бу элементлари ўртасида R зарурий муносабатлари бирлашмасининг баёнини билдиради.

- Тизимнинг функционал баёни – бу тизимнинг ишлаш қонуниятларини, тизим эволюциясини, табиатининг алгоритмини, “иши” нинг баёнини билдиради.

- Тизимнинг информацион (информацион-мантиқий ёки инфологик) баёни

– тизимнинг атроф-муҳит билан, шунингдек унинг ички тизимлари билан информацион боғлиқлигининг баёнини билдиради.

Тизимнинг асосий белгилари:

- тизимнинг бутунлиги, боғлиқлиги ёки муҳитга ва тизимларга нисбатан мустақиллиги (тизимнинг энг муҳим миқдорий тавсифи). Боғлиқликнинг йўқолиши билан, тизим элементлари ва улар ўртасидаги баъзи бир муносабатлар сақланган бўлса ҳам, тизим йўқолади;

- Ички тизимларнинг ва улар ўртасида боғлиқликнинг ёки тизим таснифининг мавжудлиги (тизимнинг энг муҳим сифат тавсифи). Ички

тизимларнинг ва улар ўртасидаги боғлиқликнинг йўқолиши билан тизимнинг ўзи ҳам йўқолиши мумкин;

- Тизимни атроф муҳит билан асослаштириш ёки ундан абстраклаш, яъни мақсадга эришиш учун етарли даражада таъсир этмайдиган муҳит факторларидан тизимни нисбий асослаштириш;
- Ресурслар алмашинуви бўйича атроф-муҳит билан алоқалар;
- Бутун тизим ташкилотининг қандайдир мақсадга буйсунганлиги (бу тизим таърифидан келиб чиқади);
- эмерджентлик ёки тизим хоссаларининг элементлар хоссаларига келтирилмаслиги.

Объектларнинг, жараёнларнинг, ҳодисаларнинг тизимли таҳлилида тизимли таҳлилнинг қуйидаги босқичларини кўрсатилган тартибда ўтиш зарур:

- Муаммони (масалани) топиш;
- Муаммонинг долзарблигини баҳолаш;
- Мақсадлар, уларнинг афзалликлари ва тадқиқот муаммоларини ифодалаш;
- Тадқиқот ресурсларини топиш ва уларга аниқлик киритиш;
- Ресурслар ёрдамида тизимни атроф-муҳитдан ажратиш;
- Ички тизимларни (уларнинг таснифини очиш), уларнинг бутунлигини (алоқасини), элементларини (тизим таснифини очиш)),ички тизимлар ўзаро алоқасининг таҳлилини баён этиш;
- Тизим таснифини қуриш (шакллантиришни баён этиш);
- Тизим функциялари ва уларнинг ички тизимларини ўрнатиш (баён этиш, расмийлаштириш);
- Тизим мақсадларини унинг ички тизимлари мақсадларига мослаштириш;
- Тизим бутунлигини таҳлил қилиш (синаш);
- Тизим энержентлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш;
- Тизимни синаш, унинг тизим моделини верификация қилиш, ишлашини текшириш;
- Тизимни синаш натижасида тескари алоқаларни таҳлил қилиш;

- Олдинги бўлимлар натижаларига аниқлик киритиш, тузатиш.
- Муаммони (масалани) топиш;
- Муаммонинг долзарблигини баҳолаш;
- Мақсадлар, уларнинг афзалликлари ва тадқиқот муаммоларини ифодалаш;
- Тадқиқот ресурсларини топиш ва уларга аниқлик киритиш;
- Ресурслар ёрдамида тизимни атроф-муҳитдан ажратиш;
- Ички тизимларни (уларнинг таснифини очиш), уларнинг бутунлигини (алоқасини), элементларини (тизим таснифини очиш)),ички тизимлар ўзаро алоқасининг таҳлилини баён этиш;
- Тизим таснифини қуриш (шакллантиришни баён этиш);

- Тизим функциялари ва уларнинг ички тизимларини ўрнатиш (баён этиш, расмийлаштириш);
- Тизим мақсадларини унинг ички тизимлари мақсадларига мослаштириш;
- Тизим бутунлигини таҳлил қилиш (синаш);
- Тизим энержентлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш;
- Тизимни синаш, унинг тизим моделини верификация қилиш, ишлашини текшириш;
- Тизимни синаш натижасида тескари алоқаларни таҳлил қилиш;
- Олдинги бўлимлар натижаларига аниқлик киритиш, тузатиш.

Назорат саволлари:

1. Мақсад, тасниф, тизим, ички тизим, масала, масалани ечиш, муаммо нима?
2. Тизимнинг асосий белгилари ва топологияси нима? Уларни баён этишнинг асосий турлари қандай??
3. Тизимли таҳлилнинг қандай асосий босқичлари бор? Бу босқичларнинг асосий вазифалари нимада?

Масалалар ва топшириқлар:

1. “ОЎЮ” ("ВУЗ") тизимининг қандай ички тизимлари бор? Улар ўртасида қандай боғлиқликлар мавжуд? Уларнинг ташқи ва ички муҳитларини, таснифини баён этинг. Ички тизимларни тушунтиришлар билан синфланг.

Кўрсатилган тизим ва унинг ички тизимларнинг кириши, чиқиши, мақсади, боғлиқликларини баён этинг. Тизим топологиясини чизинг.

2. Қандайдир бир тизимга мисол келтиринг, унинг ташқи муҳит билан боғлиқликларини, кирувчи ва чиқувчи параметрларини, тизимнинг, ички тизимнинг мумкин бўлган ҳолатларини кўрсатинг. Бу мисол (яъни масалаларнинг бири) билан бу тизимда пайдо бўладиган “масалани ечиш” ва “масаланинг ечими” тушунчаларининг аниқ маъносини тушунтиринг. Бу тизим учун битта муаммони қўйинг.
3. Бир-иккита тизимнинг морфологик, информацион ва функционал баёнини беринг. Бу тизимлар қийин тавсифланадиганми, қийин расмийлаштириладиганми? Уларни таснифлашни ва расмийлаштиришни қандай қилиб яхшилаш мумкин?

Илмий тадқиқотлар, рефератлар ва Интернет-саҳифалар учун мавзулар:

1. Қийин таснифланадиган ва расмийлаштириладиган тизимлар.
2. Тизим хоссалари, уларнинг долзарблиги ва зарурийлиги. Мисоллар.
3. Тизимли таҳлилнинг босқичлари, уларнинг асосий мақсадлари, вазифалари.

3- маъруза. Иш бажариш ва тизимнинг ривожланиши

Режа:

I Иш бажариш ва тизимнинг ривожланиши II Тизимнинг инвариантлиги ва изоморфизми

Тизимнинг фаолияти (иши) иккита асосий режимда амалга ошиши мумкин: ривожланиш (эволюция) ва иш бажариш.

Иш бажариш деб тизимнинг бош мақсадини ўзгартирмасдан ишлаш фаолиятига айтилади. Бу тизим вазифаси (функцияси)нинг вақт ичида намойиш этилишидир. Тизим ишлаётган вақтда тизим инфраструктурасининг сифат ўзгариши аниқ амалга ошмайди: унинг инфраструктурасининг сифати тизим ривожланганда ўзгаради.

Ривожланиш тизимдаги ташкиллаштириш ва унинг аксининг курашидир, у ахборотнинг жамланиши ва мураккаблашуви, унинг ташкил этилиши билан боғлиқ. Тизим мақсадининг ўзгартирилиши билан бўладиган фаолият ривожланиш дейилади.

Тизимнинг эгилувчанлиги деб, тизимнинг ташқи муҳит таъсирига жавобан таснифий мослашиш (адаптация) қобилияти тушунилади.

Тизим, тизим ҳаракати, тизим траекториясини йўналтириш (регулирование) деганда тизимни керакли ҳолатга, ҳаракатнинг керакли траекториясига қайтариш мақсадида , тизим ҳаракатлари траекториясининг кузатишлари бўйича бошқарувчи параметрларни тузатиш (коррекция) тушунилади.

Тизим траекторияси деганда тизим ишлаётган вақтда у қабул қиладиган ҳолатлар кетма-кетлиги тушунилади. Бу ҳолатлар тизим ҳолатлари тўпламида қандайдир нуқталар сифатида кўрилади. Физик, биологик ва бошқа тизимлар учун – бу фазовий борлиқдир.

Назорат саволлари:

1. Тизимнинг иш бажариши ва ривожланиши, ривожланиши ва ўз-ўзидан ривожланишлари ўртасида асосий ўхшашликлар ва арқлар бор?

2. Тизимнинг эгилувчанлиги, очиқлиги, ёпиқлиги нимада кўринади?

3. Қандай тизимлар эквивалент дейилади? Тизимларнинг инвариантлиги нима? Тизим изоморфизми нима?

Масалалар ва топшириқлар:

1. Иш бажариш ва ривожланиш режимларида бўлган тизимларнинг спецификациясини тузинг (тизимни баён этинг). Тизимнинг ҳамма атрибутларини кўрсатинг.

2. Қуйидаги муносабатларда бўлган тизимларга мисол келтиринг: а) рефлексив, симметрик, транзитив; б) носимметрик, рефлексив, транзитив; в) нотранзитив, рефлексив, симметрик; г) норефлексив, симметрик, транзитив; д) эквивалентлик.

3. Инварианти бўлган иккита тизимга мисол келтиринг. Бу тизимлар изоморфми?

Илмий тадқиқотлар, рефератлар ва Интернет-саҳифалар учун мавзулар:

1. Тизимнинг иш бажариши, ривожланиши ва ўз-шзидан ривожланиши, нисбий таҳлил.

2. Тизимларнинг эгилувчанлиги, боғлиқлиги, эквивалентлиги ва инвариантлиги, нисбий таҳлил.

3. Муносабатлар алгебраси – тизимлар назариясининг универсал аппарати сифатида.

4- маъруза. Тизимлар классификацияси (синфланиши)

Режа:

I Тизим классификацияси II Тизим мураккаблиги

Тизимни ҳар хил мезонларга кўра синфлаш мумкин. Уни қатъий равишда амалга ошириш мумкин эмас, у мақсад ва ресурсларга боғлиқ.

Синфлашнинг асосий усулларини (тизимларни синфлашнинг бошқа мезонлари ҳам бўлиши мумкин) келтирамиз:

- Тизимнинг атроф-муҳитга муносабатига кўра;
- Тизимнинг келиб чиқишига (элементларига, алоқаларига, ички тизимларига) кўра;
- Тизим ўзгарувчиларининг баёнига кўра;
- Тизим ишлаш қонуни (қонунларининг) баёнига кўра;
- Комбинир бошқариш (автоматик, ярим автоматик, автоматлаштирилган, ташкилий) билан тизимни (тизим ичида) бошқариш усулига кўра.

Агар тизимни тадқиқ қилиш ёки моделирлаш унинг катта ўлчамига (яъни тизим ҳолатлари тўплами S катта ўлчамга эга) кўра қийин бўлса, бундай тизим катта дейилади.

Агар тизимда ҳолатларни, иш бажариш қонуниятларини самарали баён этиш, тизимни бошқариш (аниқлаш, бошқарувчи параметрларни баён этиш) ёки бундай тизимларда қарорлар қабул қилиш (уларда ҳамма вақт қарор қабул қилиш ички тизими бўлиши керак) учун ресурслар (асосан информацион) етарли бўлмаса, бундай тизим мураккаб дейилади.

Баъзан тизимнинг уч хил баёнига кўра унинг траекториясини, моҳиятини аниқлаш мумкин бўлмаса ва шу сабабли яна қўшимча (ҳаракатнинг интеграл модели ёки конфигуратор) – морфолого-функционал-инфологик интеграл баён зарур бўлса, бундай тизим мураккаб ҳисобланади.

Мураккаб тизимлар ҳар хил мураккаблик турларида бўлиши мумкин:

- Таснифли ёки ташкилий (таснифни қуриш, баён этиш, бошқариш учун ресурс етишмайди);
- Динамик ёки вақтга боғлиқ (тизим ҳаракати динамикасини баён этиш ва унинг траекториясини бошқариш учун ресурслар етишмайди);

- Информацион ёки информацион-мантиқий, инфологик (тизимни информацион, информацион-мантиқий баён этиш учун ресурслар етмайди);

- Тадқиқотни ҳисоблаш ёки амалга ошириш (тизим параметрлари ҳисоблашларини самарали прогноз қилиш учун ресурслар етмайди ёки уларни ўтказиш ресурслар етишмаслиги сабабли қийин);

- Алгоритмик ёки конструктив (иш бажариш алгоритмини баён этиш ёки тизимни бошқариш учун, тизимни функционал баён этиш учун ресурслар етмайди);

- Ривожланиш ёки эволюция, ўз-ўзини ташкил этиш (барқарор ривожланиш, ўз-ўзини ташкил қилиш учун ресурслар етмайди).

Назорат саволлари:

1. Тизим қандай синфланади?

2. Қандай тизим катта, мураккаб дейилади?

3. Тизимнинг ҳисобланиш мураккаблиги (таснифли, динамик) нима билан аниқланади? Бундай тизимларга мисоллар келтиринг.

Масалалар ва топшириқлар:

1. Бир-иккита мураккаб тизимларга мисол келтиринг, мураккабликнинг сабаблари ва турини, ҳар хил турдаги мураккаблигининг ўзаро боғлиқлигини тушунтиринг. Мураккабликни баҳолаш ўлчамларини (усуллари, процедураларини) кўрсатинг. Мураккаб тизимларнинг 3D-, 2D-, 1D таснифларини қуринг. Асосий боғлиқликларни намойиш этувчи расмларни ҳосил қилинг.

2. Қандайдир бир экотизимни, ундаги турларнинг кўплигини мураккаблик ўлчами сифатида танлаб, унинг мураккаблигини (турли-туманлигини) баҳоланг.

3. Қандайдир бир адабий (мусиқавий, жизилган расмнинг) асар қисмининг мураккаблигини баҳолашга мисол келтиринг.

4. Илмий тадқиқотлар, рефератлар ва Интернет-саҳифалар учун мавзулар:

5. Тизим синфларининг тизимли синфланиши.

6. Катта ва кичик тизим – ўзаро бир-бирига ўтишлар ва ўзаробоғлиқликлар.

7. Ҳар хил турдаги мураккабликларнинг бирлиги ва кураши.

5- маъруза. Тизим, ахборот, билимлар

Режа:

I Ахборот (информация);

II Ахборотни олиш ва ундан фойдаланиш усуллари

Ахборот (информация) тушунчаси

Ахборот – кўп фанларда таянч тушунча, аммо ҳар бир фанда у ҳар хил таърифланади:

- ахборот бу, тизимни ифодалаган (математика, тизимли таҳлил) қандайдир бир информацион-мантиқий (инфологик – хабарлардан, маълумотлардан, билимлардан, мавҳумликлардан, таснифли схемалардан ва бошқалардан иборат) моделда ўзгаришга олиб келувчи моҳиятдир;

- ахборот бу, тизим томонидан адаптив бошқариш, мослашиш (бошқариш назарияси, кибернетика) жараёнида ташқи дунёдан олинган хабардир;

- ахборот бу, тизимдаги ноаниқликларни бартараф қилувчи алоқа ва муносабатлардир (ахборот назарияси);

- ахборот бу, тизимда танлаш эҳтимоллигидир (эҳтимоллар назарияси);

- ахборот бу, материя аксланиши, онг атрибути, тизим “иқтидори”дир (фалсафа).

Билиш жараёни – ахборот долзарблигининг иерархик тизими, унда иерархиянинг ҳар бир навбатдаги поғонасида билим олдинги поғонадаги билимлар долзарблигининг интеграл (жамланган) натижасидир. Бу оддий сезги ёрдамида қабул қилинадиган ахборотлардан тортиб, то мураккаб аксиоматик ва абстракт (мавҳум) назарияларгача бўлган информацион ресурсларнинг интеграцияланиш жараёнидир.

Маълумотлар – маълумотларнинг қандайдир манбаи ёрдамида долзарблаштириладиган синтаксис сигналлар, образлардир. Улар уларнинг семантик маъносига боғлиқмас ҳолда кўрилади. Ахборот(информация) – бу семантик моҳияти ҳисобга олган ҳолда кўриладиган маълумотлардир. Билимлар – қандайдир бир мақсад ва

таснифга эришишни таъминлайдиган ахборот (информация)дир.

Ахборот (информация) қўйидаги турларда бўлади:

- Бошланғич (ахборотни фаоллаштиришда ундан фойдаланиш бошланадиган босқичдаги ахборот);

- оралиқ (ахборотни фаоллаштиришда бошидан охиригача бўлган босқичда ишлатиладиган ахборот);

- натижавий (ахборотдан фойдаланиб бўлингач, унинг фаоллаштирилиши якунида олинадиган ахборот).

- доимий (фаоллаштирилганда ҳеч қачон ўзгармайдиган ахборот);

- ўзгарувчан (фаоллаштирилганда ўзгарадиган ахборот);

- аралаш – шартли –доимий (ёки шартли-ўзгарувчан).

Ахборот (информация)нинг синфланиши:

- Фойдаланиш босқичига кўра;
- Тўлиқлигига кўра (ортиқча, етарли, етарлимас);
- Тизим мақсадига нисбатан (синтаксис, семантик, прагматик);
- Тизим элементларига нисбатан (статик, динамик);
- Тизим таснифига нисбатан (таснифли, нисбий);
- Тизимни бошқаришига нисбатан (бошқарувчи, маслаҳат берувчи, ўзгартирувчи);
- Ҳудудга нисбатан (федерал, регионал, маҳаллий ва ҳ.к.);
- Фойдаланиш мумкинлигига кўра (очиқ ёки ҳамма фойдаланиши мумкин ва ҳ.к.);
- Предмет соҳасига кўра, фойдаланиш характерига кўра

Ахборотнинг асосий хоссалари:

Ахборотнинг тўлиқлиги, долзарблиги, маълумотларнинг қиймати, ойдинлиги, ўхшашлиги (адекватлиги), аниқлиги, таҳлил ва қабул қилишнинг, узатишнинг ихчамлиги, ишончлилиги, танлаш мумкинлиги, маълум манзилга мўлжалланганлиги, махфийлиги, оммавийлиги, кодлаш имкониятининг борлиги, тежамлилиги, қисиш имконияти, ихчамлиги, ҳимояланганлиги, тўсиқларга бардошлиги, фойдаланишнинг мумкинлиги, қиймати. Ахборот – хабар мазмуни. Хабар – ахборотнинг ифодаланиш ёки фаоллаштирилиш шакли.

Ахборот ҳамма вақт ташувчига эга, ахборотнинг фаоллаштирилиши ташувчининг, ресурснинг ўзгаришига боғлиқ. Ахборот ресурларнинг бошқа турларисиз (энергия, моддалар, ташкил этувчиларсиз) мавжуд бўлмайди. Худди шунингдек улар ҳам ахборотсиз мавжуд бўла олмайди. Тизимлар (ички тизимлар)нинг ихтиёрий ўзаро ҳаракати – ҳамма вақт материо-энерго- информацион ҳаракатдир. Аниқлаш (тизимга солиш, таснифлаш), баён этиш, ўрганиш, ўзаро ҳаракатларнинг инвариантлигини қўллаш фаннинг инсон фаолияти сифатидаги вазифасини ташкил қилади

Ахборотни олиш ва фойдаланиш усуллари:

Уларни, баъзан бир-биридан фақат шартли равишда ажратиладиган, учта гуруҳга ажратиш мумкин:

- эмпирик усуллар ёки эмпирик ахборотни (эмпирик маълумотларни) ҳосил қилиш усуллари;
- назарий усуллар ёки назарий ахборотни (назарияни қуриш) олиш усуллари;
- эмпирик-назарий усуллар (аралаш, яримэмпирик) ёки эмпирик-назарий ахборотни олиш усуллари.

Эмпирик усуллар:

- Кузатиш – бирламчи ахборотни ёки тизим ҳақидаги (тизим ичида) эмпирик тасдиқларни йиғиш.
- Тасдиқлаш – ўрганилаётган тизимда ёки тизимларда умумийликни ва фарқларни ўрнатиш.
- Ўлчаш – излаш, эмпирик фактларни расмийлаштириш.
- Эксперимент (тажриба) – ўзгартирилаётган тизим (тизимлар)ни, у (улар)нинг хоссаларини аниқлаш учун, мақсадга мувофиқ ўзгартириш

Эмпирик-назарий усуллар:

- Абстрак (мавҳум)лаштириш;
- Таҳлил (анализ);
- Декомпозиция;
- Синтез;
- Композиция;
- Индукция;
- Дедукция;
- Эвристика, эвристик процедураларни ишлатиш;
- Моделирлаш;
- Тарихий усул;
- Мантиқий усул;
- Макетлаштириш;
- Долзарб (фаол)лаштириш;
- Визуализация.

Назарий усуллар:

- Мавҳумликдан аниқликка қараб бориш – тизимнинг онг ва тафаккурда ҳосил бўладиган мавҳум билимларига асосланиб, тизим ҳақида билим олиш;
- Идеаллаштириш – амалда мавжуд бўлмаган тизим ва (ёки) ички тизимларни хаёлий конструирлаш (лойиҳалаш), тафаккурда тасаввур қилиш йўли билан тизим ёки унинг ички тизимлари ҳақида билимлар олиш;
- Формаллаштириш – тизим ҳақида белгилар ёки формулалар , яъни сунъий келтириб чиқарилган тиллар (масалан, математика тили) ёрдамида билим олиш;
- Аксиоматизация – тизим ёки жараён ҳақида баъзи бир, атайлаб шу учун ишлаб чиқилган аксиомалар ва шу аксиомалар тизимидан чиқиш қоидалари ёрдамида билим олиш;

- Виртуализация – тизим ҳақида алоҳида муҳит, шароит, бу муҳитсиз амалга ошириш мумкин бўлмаган ҳолатни (унга ўрганилаётган тизим ва/ ёки унинг ўрганилаётган субъекти ўрнатилади) яратиш орқали тегишли билимларни олиш;

Тизимни ўрганиш таснифи

Назорат саволлари:

1. Ахборот нима? Ахборот қандай синфланади? Ахборот хабардан нимаси билан фарқланади?

2. Ахборотни олишнинг қандай асосий эмпирик усуллари бор?

3. Ахборотни олишнинг қандай асосий назарий усуллари бор?

Масалалар ва топшириқлар:

1. Квадрат тенгламани ечиш масаласи учун кирувчи, чиқувчи, тизим ичидаги ахборотларни, уларнинг ўзаро боғлиқлигини кўрсатинг.

2. Шаҳарда грипп эпидемиясини ўрганиш (тадқиқ қилиш) тактикасини фақат эмпирик (назарий, аралаш) усуллар билан қуринг.

3. Об-ҳаво ҳақида ахборотни эмпирик (назарий, эмпирик-назарий) усуллар билан олишни (ёндошишларни умумий ҳолда) баён этинг.

4. Илмий тадқиқотлар, рефератлар ва Интернет-саҳифалари учун мавзулар:

5. Ахборот - билимлар, мавҳумлик.

6. Ахборот – тизимда тартиблилик, ташкилийлик, турли-туманликнинг ўлчами.

7. Ахборот – тизимдаги таснифлилик ва ноаниқлилик ўлчами.

6- маъруза. Тизимда ахборот меъёри

Режа:

I Ахборот меъёри

II Хартли ва Шеннон бўйича меъёр

Ахборот миқдори – сонли миқдор, у фаоллаштириладиган ахборотни турлилигига, мураккаблигига, таснифлаштирилганлигига (тартибга солинганлигига), аниқлилигига, ифодаланаётган тизим ҳолатининг танланишига кўра адекват таснифлайди.

Миқдор – ҳодисалар тўпламида аниқланган ва аддитив бўлган (йиғинди меъёри меъёрлар йиғиндисига тенг) узлуксиз ҳақиқий манфиймас функция. Миқдорлар, қандай ахборотни баҳолашга имкон беришига кўра, статик (фаоллашмаган, бунда хабарлар ресурсларни ва фаоллаштириш шаклини ҳисобга олмаган ҳолда баҳоланади) ва динамик (фаоллашган, бунда ресурсларнинг сарфи ҳам ахборотни фаоллаштириш учун баҳоланади) бўлиши мумкин.

Р. Хартли меъёри.

S тизимнинг N ҳолати ёки тизимнинг ҳар хил, тенг кучли, кетма-кет ҳолатли N тажрибаси бўлсин. Агар тизимнинг ҳар бир ҳолати, масалан, маълум d узунликдаги иккилик кодлар билан кодланса, унда бу узунликни, хар хил комбинацияларнинг ҳаммасининг сони N дан кам бўлмайдиган қилиб танлаш керакки. N. Буни амалга ошириши мумкин бўлган энг кичик сон тизим ҳолатлари турли кўринишларининг ўлчами дейилади ва Р. Хартли формуласи билан берилади: H=klogaN, бу ерда k пропорционаллик коэффициенти (танланган ўлчамни ўлчаш бирлигига боғлиқ равишда масштаблаш), а-тизим меъёри асоси.

Хартли формуласи кўрилаётган тизимнинг семантик, сифат ва индивидуал хоссаларидан ажратилган бўлади. Бу формуланинг асосий ва ижобий томонидир. Аммо унинг асосий ва салбий томони ҳам бор: формула тизимнинг кўрилаётган N ҳолатларининг фарқланиши ва фарқларини ҳисобга олмайди.

К. Шеннона меъёри

Шеннон формуласи ахборотга, унинг маъносига боғлиқ бўлмаган баҳони беради:

бу ерда n – тизим ҳолатлари сони; pi – тизимнинг i-ҳолатга ўтиш эҳтимоллиги (ёки нисбий частота), бунда ҳамма pi ларнинг йиғиндиси 1 га тенг.

Шеннон формуласининг тизимнинг семантик, сифат ва индивидуал хоссаларидан ажратилганлиги унинг асосий ижобий томонидир. Хартли формуласидан фарқ қилиб, у ҳолатларнинг ҳар хиллиги, ҳар хил эҳтимолли бўлишини ҳисобга олади – формула, уни амалий ҳисоблашлар учун қулай қиладиган эга (хабарлар тавсифини ҳисобга олади) статик характерга. Шеннон формуласининг асосий салбий томони шундаки, у ҳолатларни (масалан, ютуқларнинг бир хил эҳтимоллигида) фарқлай олмайди, очиқ ва мураккаб тизимларнинг ҳолатларини баҳолай олмайди ва уни, ахборот маъносидан четга чиққан ҳолда, фақат ёпиқ тизимларда қўллаш мумкин бўлади.

Ахборотнинг бошқа меъёрлари

Кейинги вақтларда кўплаб муаллифлар томонидан ахборот маъносини ўлчаш учун ҳар хил миқдорий ўлчамлар кўрилган, масалан,

- мақсад тушунчасига таянган ўлчов (А.Харкевич ва бошқалар); тезаурус тушунчасига T=<X,Y,Z> таянган меъёр, бу ерда X, Y, Z – бу билимларнинг мос тарзда исмлари, маънолари ва қийматлари (прагматиклари)нинг тўпламлари (Ю. Шрейдер и ва бошқалар);
- иккилик сўзларнинг тикланиш мураккаблиги меъёри (А. Колмогоров ва бошқалар);

- апостреор билимлар меъёри (Н. Винер ва бошқалар);
- муваффақиятли қарор қабул қилиш меъёри (Н. Моисеев ва бошқалар);
- ахборот ўхшашлиги ва фарқланишлари меъёри ва ахборот ўлчамларига қаратилган ёндошишлар.

Назорат саволлари:

1. Ахборот ўлчами нима? АхХборот ўлчамларига қандай умумий талаблар қўйилган?
2. Хартли ва Шеннон бўйича ахборот миқдорининг маъноси нима? Ахборот миқдори ва энтропиянинг, тизимдаги тартибсизликнинг боғлиқлиги нимада?
3. Ахборотнинг термодинамик ўлчами нима? Ахборотнинг квант-механик ўлчами нима? Улар тизимда нимани ифодалайдилар?

Масалалар ва топшириқлар:

1. Тизим N та эҳтимолли ҳолатларга эга. Ахборотнинг тизимдаги (унинг ҳолати ҳақидаги) миқдори 5 битга тенг. Битта ҳолатнинг эҳтимоллиги нимага тенг? Агар тизим ҳолати номаълум бўлса, унда тизимдаги ахборот миқдори нимага тенг бўлади? Агар тизим 8 рақамли ҳолатда эканлиги маълум бўлса, унда ахборот миқдори нимага тенг?
2. Қандайдир бир тизим қуйидаги эҳтимолликлар билан 4 та ҳолатда бўлиши мумкин: биринчи (энг ёмон) -0,1, иккинчи ва учинчи (ўртача) ҳолатларда – 0,25, тўртинчи (энг яхши) ҳолатда – 0,4. Тизимдаги ахборот миқдори (танлов ноаниқлиги) нимага тенг?
3. Бошқариш мақсадига эришиш эҳтимоллиги билан (тизим ҳолати ҳақида ахборот олгунга қадар -p0=0,4 ва ахборот олинганидан кейин -p1=0,5) тизим берилган. Бу тизимни бошқаришнинг мақсадга мувофиқлиги ўлчамини баҳоланг (битларда).

Илмий тадқиқотлар, рефератлар ва Интернет-саҳифалар учун мавзулар:

1. Тизимда энтропия ва тартибсизлик ўлчами. Тизимда ахборот ва тартиб ўлчами.
2. Ахборотни ўлчашга квант-механик ва термодинамик ёндашиш.
3. Ахборотник семантик ва носемантик ўлчамлари – янги ёндашувлар ва аспектлар.

7- маъруза. Тизим ва бошқариш

Режа:

I Тизимда бошқариш II Эшби тамойили III Когнитология

Ахборотнинг доимий оқими сабабли тизим атроф муҳит билан мақсадга мувофиқ ўзаро ҳаракатни амалга оширади, яъни бошқаради ёки ўзи бошқарилади. Ахборот нафақат ишлаб чиқаришнинг, балки бошқаришнинг ҳам воситасига айланди.

Тизимнинг бошқариш мааласининг моҳияти – қимматли ахборотни “шовқин”лардан (кераксизларидан, баъзан тизим учун зарарли бўлганларидан) айириш ва ушбу тизимга мавжуд бўлишига ҳамда ривожланишига имкон берадиган ахборотни ажратиш. Бошқариш – бу билимларни бир мақсадга йўналтирилган ҳолда фаоллаштириш. Бошқариш ва алоҳида шакл бўлган ўз-ўзини бошқариш – билимларни фаоллаштиришнинг энг олий шаклидир.

Тизимда бошқариш – тизимнинг, қандай қилиб, қайси элементлари билан бажарилишига боғлиқ бўлмаган ҳолда амалга ошириладиган, ички вазифасидир.

Тизимни бошқариш – бошқаришнинг, тизимнинг ишлаши учун зарурий бўлган шартларини таъминлайдиган, ташқи вазифаларини бажариш.

Тизимни бошқаришнинг умумий схемаси

Мисол 1. Тизимда бошқариш – ташқи муҳитнинг шароитларига боғлиқ бўлмаган ҳолда амалга ошириладиган тизимнинг ички функцияси. Тизимни бошқариш – бошқаришнинг тизимни муҳит билан зарурий ўзаро муносабатларини таъминловчи ташқи функцияларининг бажарилиши. Тизимни (тизим ичида) бошқариш ҳар хил мақсадларда ишлатилади:

1) маълумотларни узатиш тезлигини ошириш;

2) узатиладиган маълумотлар ҳажмини ошириш;

3) маълумотларни қайта ишлаш вақтини камайтириш;

4) маълумотларни қисиш даражасинини ошириш;

5) тизим алоқаларини (модификациясини) ошириш;

6) ахборотларни (ахборот билан таъминланганликни) ошириш.

Мисол 2. Электр ва магнит тебранишларини бошқариш имкониятининг пайдо бўлиши радио ва телевидениедан оммавий фойдаланишни берди, бунда ахборотни узатиш тезлиги ёруғлик тезлигига бориб етди; телеканалнинг ўтказувчанлик қобилияти телефон каналининг ўтказувчанлик қобилияти билан

таққосланганда тахминан 2000 марта, қайта ишлаш тезлиги эса миллион марта ўсди. Ахборотнинг қисқалиги ва кўпроқ маълумотга эгалиги ҳам ошди.

Мисол 3. Эшби тамойили маълум: тизимнинг бошқарувчи ички тизими бошқарилувчи ички тизимга нисбатан ташкил этишнинг анча юқори даражасига (ёки кўпроқ турли-туманликка, катта танловга) эга бўлиши керак. Масалан, фирма менеджери фирма сотувчисига нисбатан кўпроқ тайёргарликка, юқорироқ билимга, яхшироқ ташкилотчиликка, қарорлар қабул қилишда кўпроқ эркинликка эга бўлиши керак. Кичик, ўрта фирмалар, МЧЖ – турли-туманликнинг, бизнесни муваффақиятли ривожлантиришнинг зарурий факторидир, чунки улар анча динамик, эгилувчан, бозорга мослашувчан. Ривожланган бозор тизимларида улар катта салмоққа эга, масалан, АҚШ да катта корпорациялар ҳиссаси 10% дан катта эмас.

Мисол 4. Тизимни бошқаришнинг асосий вазифалари ва масалалари:

1. Тизимни ташкил қилиш – ички тизимларни ажратиш, уларнинг ўзаро ҳаракатининг ва тизим таснифининг баёни;

2. Тизим табиатини прогнозлаш;

3. Тизим мақсадига эришиш учун зарур бўлган (оптимал режалаштиришда етарли бўлган) тизим ресурслари ва элементларини, тизим таснифини режалаштириш;

4. Тизимнинг у, ёки бу керакли ҳолатига олиб келувчи ресурсларни ҳисобга олиш ва назорат этиш.

Тизимни бошқаришнинг вазифалари ва масалалари ўзаро бир-бири билан боғлиқ. Масалан, иқтисодий тизимда бозорнинг асосий бошқарувчилари - ресурсларни прогноз қилмасдан, ҳисобга олмасдан ва назорат қилмасдан, талаб ва таклифни таҳлил қилмасдан туриб тўла режалаштиришни амалга ошириб бўлмайди. Ҳар қандай давлатнинг иқтисодиёти – бошқариш ички тизимлари ҳар хил ташкил қилинган бўлса ҳам, ҳар хил элементларга, мақсадларга, таснифга, муносабатларга эга бўлса ҳам, ҳамма вақт бошқариладиган тизимдир.

Бошқарувчи параметрларни топиш ва улардан тизимни бошқаришда фойдаланиш ҳам тизим мураккаблигини камайтириши мумкин. Ўз навбатида, тизим мураккаблигининг камайиши, тизимни тўлалигича бошқариладиган қилиши мумкин.

Назорат саволлари:

1. Тизимни бошқариш ва тизимда бошқариш нима? Уларнинг ўхшашлиги ва фарқларини тушунтиринг. Тизимни бошқаришнинг вазифалари ва масалаларини тушунтиринг.

2. Эшби тамойилининг моҳияти? Тизим барқарорлигининг қандай турлари бор? Тизим мураккаблиги ва барқарорлиги қандай боғланган? Тизимни бошқариш вазифалари ва масалалари ўртасида қандай ўзаробоғлиқлик бор?

3. Когнитология нима? Когнитив схема (чамбараа) нима? Ундан нима учун ва қандай фойдаланиш мумкин?

Масалалар ва топшириқлар:

1. Бошқариладиган тизим турли-туманлигининг зарурлиги (актуаллиги) тамойилидан фойдаланишга мисол келтиринг ва у нимани бошқаришини тушунтиринг.

2. Тизимни бошқаришнинг ва қандайдир бир социал-иқтисодий тизим учун бошқаришнинг аниқ мақсадини келтиринг.

3. Тизимни бошқаришнинг вазифалари ва масалаларининг ўзаро боғлиқлигига мисол келтиринг. Тизимни бошқаришга, бошқариш мақсадини ўзгартиришга ёрдам берадиган параметрларни ажратинг.

4. Танлов асосида битта муаммонинг когнитив схемасини (чамбарани) қуринг.

Илмий тадқиқотлар, рефератлар ва Интернет-саҳифалар учун мавзулар:

1. Тизимни бошқариш (тизим ичида) мақсадлари, вазифалари, босқичлари ва қоидалари.

2. Тизимларнинг барқарорлиги ва уларнинг турлари, кўринишлари.

3. Когнитология – синтетик фан. Когнитив чамбаралар (схемалар) – тизимларни билиш асбоби.

8- маъруза. Ахборот тизимлари

Режа: I Ахборот тизими, ахборот муҳити

II Бошқаришнинг ахборот тизими

III Ахборот тизимини тизимли лойиҳалаш

Ахборот муҳити – ўзаро ҳаракат қилувчи ахборот тизимларидан, шу жумладан, бу тизимларда фаоллаштириладиган ахборотдан ҳам, иборат муҳит (яъни тизим ва унинг атрофи). Ахборот тизимида унинг элементлари, мақсади, ресурслари, таснифи (ташкил этилганлиги), асосан, ахборот даражасида (табиий ҳол, кўриб чиқишнинг бошқа даражалари бўлса ҳам, масалан, энергетик даража) кўрилади.
Ҳар қандай ахборот тизими ички тизимларнинг қуйидаги асосий турларига эга:

- ахборот (маълумотлар) таъминоти ички тизими;
- интеллектуал таъминот (ахборот, билимлар) ички тизими;
- техник (аппаратура) таъминот ички тизими;
- технологик (технология) таъминот ички тизими;
- коммуникатив (интерфейс) таъминот тички тизими;
- таҳлил ва лойиҳалаш ички тизими;
- адекват (ўхшаш)лиги ва сифати, верификацияни баҳолаш ички тизими;
- ташкилий ўзаро ҳаракат ва персонални бошқариш ички тизими;
- логистика (режалаштириш, товарлар ва хизматларнинг ҳаракати) ички тизими.

Бошқаришнинг ахборот тизими – бошқариш учун, (бошқа тизим билан ҳам, тизим ичида ҳам) мўлжалланган тизим.

Тизимнинг тури мақсади, ресурслари, фойдаланиш характерлари ва предмет соҳаси билан аниқланади. Бошқаришнинг ахборот тизимларининг 6 хил тури бор:

- Сўровларни қайта ишлашнинг мулоқот тизими (Transaction Processing System)
- Ахборот таъминоти тизими (Information Provision System)
- Қарор қабул қилишни қувватлаш тизими (Decision Support System)
- Қарор қабул қилишнинг интегрирлашган дастурланувчи тизими (Programmed Decision System)
- Эксперт тизимлар (Expert System)

- Интеллектуал тизимлар ёки билимларга асосланган тизимлар (Knowledge Based System)

Тизимли лойиҳалаш (ишлабчиқиш) ва ахборот тизимидан фойдаланиш ахборот тизимининг қуйидаги ҳаёт циклини ўтиши керак:

- лойиҳадан олдинги таҳлил, тизим ташқи кўринишларининг таҳлили;
- тизим ичидаги таҳлил, ички таҳлил;
- тизимни тизимли баён этиш;
- адекватлик, самарадорлик ва барқарорлик (ишончлилигини) мезонини аниқлаш;
- тизим ички тизимларининг функционал баёни (моделларни, ички тизим ишлашининг алгоритмлари баён этиш);
- тизимни макетлаш, тизим ички тизимлари ўзаро ҳаракатларининг баҳоси, бунда адекватлик, барқарорлик, самарадорлик мезонлари “макет”ларини фойдаланиш мумкин;
- тизимни “йиғиш" ва тестлаш – тўла функционал ички тизимларни ва мезонларни амалга ошириш, шаклланган мезон бўйича моделни баҳолаш;
- тизим ва унинг иловаларининг кейинги ривожлантириш мақсадларини аниқлаш;
- тизимга ҳамкорлик қилиш - аниқлаш, модификация, тизим имкониятларини унинг ишлаш режимида кенгайтириш.

Ахборот тизимларини ишлаб чиқишнинг бош шиори: “Ахборот тизимларини ишлаб чиқиш ахборот тизимини қўллаш учун эмас, балки самарали бошқаришни, ишлашни, режалаштиришни ва прогнозлашни, тизим ахборот билан таъминлайдиган тизим эволюциясини қўллашни таъминлаш учун амалга оширилади".

Бир қатор тасдиқларни ахборот тизимларини бошқаришнинг аксиомалари кўринишида келтирамиз:

- Аксиома 1. Иерархик тизимнинг ихтиёрий ички тизимида ахборот миқдори нолинчи даражадаги ички тизимдан чиқувчи ва бу ички тизимга эришувчи сигналларнинг миқдори ва бу сигналларнинг энтропияси билан аниқланади..
- Аксиома 2. Бошқарувчи ички тизимнинг ихтиёрий элементи энтропияси янги мақсад ҳолатига ўтишда бошланғич ахборот оқими ва бу элементнинг энтропияси билан аниқланади.
- Аксиома 3. Бутун бошқарувчи ички тизимнинг энтропияси янги мақсад ҳолатига ўтишда унинг ҳамма элементларининг энтропияси билан аниқланади.
- Аксиома 4. Бошқариш объектига йўналтирилган тўла ахборот оқими унинг янги мақсад ҳолатига ўтиш даврида, бутун бошқарувчи тизимнинг янги мақсад ҳолатига ўтиш давридаги энтропияси билан бошқариш объектининг янги ҳолатга ўтишга сарфлайдиган энергиясининг фарқига тенг бўлади.
- Аксиома 5. Бошқарувчи ички тизимнинг ресурларни ўзгартириш бўйича ахборотли иши икки қисмдан иборат – бошланғич энтропиянинг ўрнини тўлдиришга сарфланган бошқарувчи ички тизимнинг бошқарувчи объектга қаратилган , яъни тизимни барқарор ҳолатда сақлашга қаратилган иши.
- Аксиома 6. Бошқарувчи тизимнинг фойдали иши қандайдир вақт оралиғида, бошқарилувчи тизимга таъсир этувчи тўла ахборот оқимига мос тушиши керак (4-аксиомага мос тарзда).

Назорат саволлари:

1. Ахборот тизими нима? Ахборот муҳити нима?

2. Бошқаришнинг ахборот тизими нима? Унинг қандай турлари бор?

3. Ахборот тизимини тизимли лойиҳалашнинг моҳияти нимада? Унинг ҳаёт цикли қандай?

Масалалар ва топшириқлар:

1. "Ахборот тизимларининг инжиниринги ва реинжиниринги" мавзусида эссе ёзинг.

2. Тизимга мисол келтиринг. Унинг бошқарувчи (ахборот) ички тизимини кўрсатинг, бошқаришнинг ахборот тизими турини аниқланг.

3. Ахборот тизимининг битта мураккаб бўлмаган лойиҳасини (лойиҳалашнинг ҳамма ҳаёт цикларини ўтган ҳолда) тузинг (лойиҳаланг).

Илмий тадқиқотлар, рефератлар ва Интернет-саҳифалар учун мавзулар:

1. Ахборот тизимларининг менеджменти.

2. Ахборот тизимларининг ва уларнинг лойиҳалаш услубларининг синфланиши.

3. Ахборот тизимини лойиҳалашнинг ҳаёт цикли ва унинг босқичларининг мазмуни.

9- маъруза. Ахборот ва тизимнинг ўз-ўзини ташкил қилиши

Режа:

I Ўз-ўзини ташкил қилиш, ўз-ўзини ташкил қилувчи тизим;

II Синергетика аксиомалари, И. Пригожиннинг синергетик тамойиллари

Ўз-ўзини ташкил қилиш – бу таснифни тизим атрофи билан маълум мақсадда ўзаро ҳаракат натижасида, тизимнинг ички ресурслари ҳисобига фазовий, вақтга боғлиқ, информацион ёки функционал ташкил қилишидир (аниқроғи, янги таснифни ташкил қилишга, яратишга интилиш). Агар, тизим маълум мақсадсиз ташқаридан бўладиган таъсирсиз (тизим таснифини яратиш ёки ўзгартириш мақсадида) фазовий, вақтга боғлиқ, информацион ёки функционал таснифга эга бўлса, у ўз-ўзини ташкил қилувчи бўлади. Ўз-ўзини ташкил қилиш (очиқ ёки очиқмас) мураккаб очиқ тизимларда кузатилади. Ўз-ўзини ташкил қилишга атрибут-бошқариш хос. Тизимни автоматик ўз-ўзини ташкил қилиш бўлмайди, бунинг учун бошқарувчи таъсирлар зарур. Ўз-ўзини ташкил қилиш тизим ривожланишининг, эволюциясининг мумкин бўлган йўлидир. Бу тизимнинг, нисбатан бўлса ҳам, тартибга солиш учун бўладиган ҳаракат йўлидир.

Тизим барқарорлиги – бу унинг ўз ҳаракатини (ресурслар истеъмолининг, узоқ вақтгача ўз-ўзини қувватлай оладиган ва ўз-ўзини йўналтирадиган даражасида) траектория бўйича сақлаш қобилиятидир.

Тизим самарадорлиги – тизимнинг қандайдир “ресурс таъминотига харажатлар – янги ресурсларнинг келиб тушиш ҳажми“ муносабат тури каби самарадорлик мезонини (глобал-потенциал ёки локал-реал) оптималлаш қобилиятидир.

Стратегик режалаштириш – асосий масалаларни (ресурслар тақсимоти, ташқи факторларнинг, ички координациянинг ва мобилизациянинг ўзгаришига мослашиш, ташкилий стратегия ва мақсадларни англашни) амалга ошириш учун бошқарувчи қарорлар қабул қилишга ёрдам берадиган асбоб.

Коэволюция – тизим ёки бутун ичида қисмларнинг ўзаро асосланган ўзгариши. (Бу глобал эволюция тамойили.)

Тизимнинг атроф муҳит шароитларининг эгилувчан ўзгаришига жавоб кўринишида пайдо бўладиган сакраш тарзидаги, дестабилизирловчи ўзгаришлари ҳалокатлар (катастрофа) дейилади. Бу ўзгаришлар тасодифий, ишончли аниқлик билан прогноз қилиб бўлмайдиган, улар муҳит шартларининг суръатларига нисбатан кескин.

Информацион динамик жараёнларнинг асосий аксиомалари (информацион

синергетиклар):

- Аксиома 1. Тизимнинг ривожланиши (эволюцияси) унинг қандайдир мақсад ва информацион ресурслари, информацион очиқлиги билан аниқланади.

- Аксиома 2. Мақсадга интилишда, тизимнинг ички таснифини, тизим ичидаги ахборотни ўзгартиришда ҳам ишлатиладиган, кирувчи ахборотни тизим қабул қилади.

- Аксиома 3. Тизим ичидаги ахборотнинг ўзгариши шундай тарзда амалга ошадики, бунда тизимнинг негэнтропияси (тартиб меъёри) ўсиши учун, тизимда энтропия (тартибсизлик меъёри) камаяди.

- Аксиома 4. Тизим ички таснифидаги ёки тизим ичидаги ахборотнинг ихтиёрий ўзгариши тизимнинг чиқишидаги ахборотга (яъни тизимнинг атроф муҳитига) таъсир ўтказади, ички энтропия тизимнинг ташқи энтропиясини ўзгартиради.

Синергетика – янги сифат хоссаларининг ва таснифларининг пайдо бўлиш назарияси бўлгани учун, мазмуннинг (интерпретация ва хабарни тушуниш) пайдо бўлиши эса ҳамма вақт тизимдаги сифат ўзгаришларига боғлиқ бўлгани учун, информацион ўз-ўзини ташкил қилиш ҳақида гапириш мумкин.

Ахборот – синергетик муҳит, унинг ёрдамида бутун тизим, унинг алоҳида ички тизимлари қувватланади ва тизим қандай ривожланиши ҳақидаги ахборотни ажратилади(генерирланади). Тизимларда ахборотнинг пайдо бўлиши учун муҳим шарт унинг очиқлигидир. Ёпиқ тизимларда, термодинамиканинг иккинчи бошланишига биноан, таснифлар макроскопик даражада тарқалиб кетади. Шунинг учун иссиқлик мувозанати ҳолатидаги тизимларда ахборот туғилмайди ва сақланмайди, чунки ёпиқ тизимларда ҳамма вақт иссиқлик мувозанати ўрнатилади. Ўз-ўзини ташкил қилиш босқичида жамоа, корпоратив ҳаракат (яъни, мазмун, семантика ҳосил бўлиш иерархиясининг янги поғонаси) ишлаб чиқилади. Бунда тирик тизимларда нафақат муҳит билан алоқа, балки генетик ўрнатилган ахборот ёки ўз-ўзини ташкил қилиш ахбороти ҳам фойдаланилади.

- Тизим эволюцияси тамойили, унинг ривожланиш жараёнларини тўхтатиб бўлмаслиги;

- Тизим ҳаракатидаги кичик ўзгаришларнинг унинг эволюциясига ҳал қилувчи таъсир қилиши мумкинлиги тамойили;

- Тизим ривожланиш йўллари кўплигининг ва уларнинг ичидан оптималини танлаш имконияти борлигининг тамойили;

- Ўз-ўзини бошқарувчи ривожланиш жараёнига аралашмаслик ва тизим эволюцион ҳаракатини айтиб бўлмаслик тамойили;

- Жараёнларнинг стохастик ва ноаниқлигини ҳисобга олиш тамойили;

- Тизим барқарорлиги, ривожланиш суръатларининг мураккаб бўлиб бориш тамойили;

- Тизим факторларининг стабил ва стабилмаслигини, унда тартибни ва тартибсизликни, аниқлик ва аниқмасликни ҳисобга олиш тамойили;

- алоҳида ички тизим ёки элемент ва бутун тизим жараёнлари муҳити барқарорлигининг бир-бирига таъсири тамойили.

Назорат саволлари:

1. Ўз-ўзини ташкил қилиш ва ўз-ўзини ташкил қилувчи тизим нима?

2. Ҳар қандай тизим ўз-ўзини ташкил қилувчи бўла оладими? Қандай тизимлар ўз-ўзини ташкил қилишга келтирилади.

3. Ахборот синергетикасининг қандай асосий аксиомалари бор? И. Пригожиннинг асосий синергетик тамойили нима?

Масалалар ва топшириқлар:

1. “Тирик табиатда ўз-ўзини ташкил қилиш" мавзусида эссе ёзинг.

2. "Тирик бўлмаган табиатда ўз-ўзини ташкил қилиш" мавзусида эссе ёзинг.

3. Ўз-ўзини ташкил қилувчи тизимга мисол келтиринг ва унинг асосида Пригожиннинг (олдиндан у билан танишиб) синергетик тамойилларини тушунтиринг

Илмий тадқиқотлар, рефератлар ва Интернет-саҳифалар учун мавзулар:

1. Ўз-ўзини ташкил қилишнинг фалсафий аспектлари.

2. Социал-иқтисодий тизимларнинг ўз-ўзини ташкил қилиши ва уларнинг аҳамияти.

3. Тизимларнинг ўз-ўзини ташкил қилишининг аксиоматикаси.

10- маъруза. Тизимни моделлаштириштириш асослари

Режа:

I Модел ва моделлаштириштириш (турлари, хоссалари)

II Моделлаштириштиришнинг ҳаёт цикли

“Модел" (лат. modelium) сўзи “ўлчам", “усул", “нима биландир ўхшашлик“ маъносини билдиради.

Модел - объект ёки объект баёни, асл тизимни яхшироқ ўрганиш ёки унинг қандайдир хоссаларини ҳосил қилиш учун маълум бир шароитларда, таклифларда, гипотезаларда бир тизимни (яъни аслини) бошқаси билан алмаштириш. Модел – бир таснифни (ўрганилганини) бошқаси (кам ўрганилгани) билан алмаштириш натижаси. Физик тизимни (объектни) математик тизим (масалан, тенгламаларнинг математик аппаратига) билан ифодалаш орқали тизимнинг физико-математик модели ёки физик тизимнинг математик модели олинади. Ҳар қандай модел йўл қўйиладиган маълум бир шартларда, гипотезаларда қурилади.

- Моделлар, агар уларнинг қўлланилиш соҳалари эътиборга олинмаса, уч хил турда бўлади:

- Ўрганувчи модел – билимларни ташкил қилиш ва ифодалаш шакли, янги ва эски билимларни боғловчи восита. Ўрганувчи модель, одатда, ҳақиқатга мослаштирилади ва назарий билим бўлади.

- Прагматик модель – амалий ҳаракатларни, тизимни бошқариш учун унинг ишчи мақсадларини ташкил қилиш воситаси. Уларда ҳақиқат қандайдир бир прагматик моделга мослаштирилади.

- Инструментал модел – прагматик ва (ёки) ўрганувчи моделни тадқиқ қилиш, қуриш ва (ёки) фойдаланиш воситаси. Ўрганувчи моделлар мавжуд объектларни, прагматиклари эса мавжуд бўлмаса ҳам хоҳишдагиларни ва бажариладиган муносабат ва алоқаларни ифодалайди.

Моделлаштириш – бу билимларни олиш, баён этиш ва фойдаланишнинг универсал усули. Моделлаштириштириш муаммоси учта масаладан иборат:

- моделни қуриш (бу масаланинг, моделни қуриш учун алгоритми йўқ, шу учун уни баён этишнинг имконияти кам);

- моделни тадқиқ қилиш (бу масалани баён этишнинг имконияти кўпроқ, моделларнинг ҳар хил синфларини ўрганишнинг усуллари бор);

- моделдан фойдаланиш (конструктив ва конкретлаштириладиган масала).

Моделларни синфлаш ҳар хил мезонларга кўра амалга оширилади. Биз энг оддийсидан ва амалий аҳамиятга эга бўлганидан фойдаланиз:

- Статик модел;

- Динамик модел;

- Дискрет модел;

- Тақлидий (имитацион) модел;

- Детерминирланган модел;

- Функционал модел;

- Назарий-тўплам модели;

- Мантиқий модел;

- Ўйинли модел;

- Алгоритмик модел;

- Графли модел;
- Иерархик модел;
- Тилли модел;
- Визуал модел;
- Геометрик модел;
- Катакли-автоматик модел;
- Фрактал модел;

Модел тури моделлаштирилаётган тизимнинг физик табиатига эмас, балки унинг информацион моҳиятига, унинг ички тизимларининг ва элементларининг алоқа ва муносабатларига боғлиқ. Моделлаштириштириш – тизимли таҳлил методи. Моделлаштириш фани моделлаштириштириш жараёнини (тизимлар, моделларни) босқичларга (ички

тизимлар, ички моделларга) бўлишдан, ҳар бир босқични, босқичлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни, алоқаларни батафсил ўрганишдан, сўнгра уларни максимал даражада расмийлаштириб, ўхшатиб самарали баён этишдан иборат. Моделлаштириштириш ("метод", "моделли тажриба - эксперимент“ маъносида) тажрибанинг алоҳида шакли сифатида қаралади.

Моделирланувчи тизимнинг ҳаёт цикли:

- Объект тўғрисида ахборот йиғиш, гипотезаларни олдинга суриш, модел олди таҳлили;
- Таснифни ва модел таркибини (ички моделларни) лойиҳалаш;
- Модел хусусиятларини қуриш, алоҳида ички моделларни ишлаб чиқиш ва яхшилаш, моделни бир бутун қилиб йиғиш, агар керак бўлса, модел параметрларини ўхшатиш;
- Моделни ўрганиш – ўрганиш методини танлаш ва моделлаштириштириш алгоритмини (дастурларни) ишлаб чиқиш;
- Модел ўхшашлигини (адекватлилигини), барқарорлигини, сезувчанлигини ўрганиш;
- Моделлаштириштириш воситаларини (сарфланган ресурсларни) баҳолаш;
- Моделлаштириштириш натижаларига изоҳ бериш, таҳлил қилиш ва ўрганилаётган тизимда баъзи бир сабаб-оқибат алоқаларини ўрнатиш;
- Ҳисоботларни ва қарорларнинг халқ хўжалиги лойиҳаларини генерациялаш (ажратиш);
- Моделни аниқлаштириш, модификациялаш.

Ҳар қандай моделнинг хоссалари:

- бир мақсадга қаратилган;
- сўнгги натижага эга;
- соддалаштирилган;
- тахминий;

- ўхшаш (адекват);

- кўргазмали;
- фойдаланиш имкониятига эга;
- ахборотга эга;
- ахборотни сақлайди;
- тўлиқ;
- барқарор;
- бир бутун;
- берк;
- адаптив;
- бошқариш мумкин;
- эволюционликка эга.

Назорат саволлари:

1. Модель нима, у нега керак ва қандай ишлатилади? Қандай модел статик (динамик, дискрет ва ҳ.к.) дейилади?

2. Моделларнинг асосий хоссалари нималар ва улар қанчалик муҳим?

3. Моделлаштириштиришнинг (моделланадиган тизимнинг) ҳаёт цикли нимада?

Масалалар ва топшириқлар:

1. X ва Y сонли: xi, i=0, 1, ..., n ва символли - yi, i=0, 1, ..., m массивлар берилган. Қуйидаги амалларни:

- X ёки Y массивни ўнгга такрорий суриш ва берилган сонни X0 га ёки амал белгисини y0 (в "верхушку стека" X(Y)) га ёзиш, яъни “стекка итариш” амалини бажариш;

- “стек учи”ни ҳисоблаш ва X ёки Y массивни навбатдаги чапга такрорий суриш (“стекдан итариб чиқариш”);

- x0 ва x1 ни ёки y0 ва y1 ни ўринлари билан алмаштириш;

- "тест учини иккига бўлиш", яъни x0 ёки y0 ни x1 ёки ва y1 да нусхасини ҳосил қилиш;

- “стек учини (+, -, * ёки / белгини) ҳисоблаш”, сўнгра бу амални очиш, амал операндаларини X “уч”дан ҳисоблаш, бу амални бажариш ва натижани X “уч”га жойлаштириш амалларини бажаришга а имкон берадиган стекли калькуляторнинг моделини тузинг.

2. “Ресурс-истеъмол” гуруҳ турига кирувчи В.Вольтернинг тизимнинг “ваҳший-қурбон” туридаги классик динамик модели маълум. Бундай тизимнинг катак-автомат моделини кўрамиз.

“Ваҳший-қурбон” туридаги тизимни моделловчи катак-автома алгоритмнинг ҳаракати қуйидаги босқичлардан иборат:

- тасодифан ёки детерминир ҳолда ваҳшийлар ва қурбонларнинг бошланғич тақсимоти берилади;
- катакларнинг “қўшничилик” қонунлари (ўзаро муносабат қоидалари) аниқланади, масалан, (i,j) индексли катакларнинг "қўшнилари" деб
- (i-1,j), (i,j+1), (i+1,j), (i,j-1) катаклар ҳисобланади;
- Катакларнинг туғилиш ва ўлиш қонунлари берилади, масалан, агар катакда иккитадан кам (учтадан кўп) қўшнилари бўлса, у “ёлғизлик”дан (“кўп бўлиш”идан) ҳалок бўлади.

Моделлаштириштиришдан мақсад: ваҳшийлар ва қурбонларнинг навбатдаги авлодларининг эволюциясини аниқлаш, яъни берилган қўшничилик ва дискрет ривожланиш динамикасидан фойдаланиб, янги ва ҳалок бўлган катакларнинг сонини аниқлаш. Агар катакларнинг берилган конфигурациясига эришилган ёки ривожланиш турнинг йўқолишига олиб келган бўлса, моделлаштириштириш тугатилади.

Илмий тадқиқотлар, рефератлар ва Интернет-саҳифалар учун мавзулар:

1. Моделирлаш услуб, методология, технология сифатида;
2. Макродунё ва микродунёда моделлар;
3. Моделларнинг (бизнинг билимларимизнинг) чизиқлилиги ва табиат ҳамда жамият ҳодисаларининг чизиқлимаслиги.

11- маъруза. Математик ва компьютерли моделлаштириштириш

Режа:

I Математик модел;

II Ҳисобли и компьютерли тажриба (эксперимент);

III Компьютерли ва математик моделлаштириштириш

Математик модел математик таснифлар, математик аппарат (сонлар, ҳарфлар, геометрик образлар, муносабатлар, алгебраик таснифлар ва бошқалар) билан баён этилади. Математик моделларда дидактик аспектлар – фикрлашнинг, моделланадиган тизимнинг таснифига ва ички мантиқига киришга имкон берувчи, моделли ва математик стилнинг ривожланиши ҳам бор.

Математик моделлаштиришнинг асосий амаллари (процедуралар):

1. Чизиқлаштириш;
2. Идентификациялаш (ўхшатиш);

3. Модел адекватлиги (аниқлигини) баҳолаш;

4. Модел сезувчанлигини баҳолаш;

5. Модел бўйича ҳисобий тажриба.

Тизимни моделлаштиришда компьютернинг асосий вазифалари:

- масалаларни ечиш учун одатдаги ҳисоблаш воситалари, алгоритмлар, технологиялар ҳам фойдаланиши мумкин бўлган ёрдамчи восита ролини бажариш;

- анъанавий воситалар, алгоритмлар, технологиялар билан ечилмайдиган янги масаларнинг қўйиш ва ечиш воситаси ролини бажариш;

- “ўрганувчи - компьютер - ўргатувчи", " ўрганувчи - компьютер - ўргатувчи", " ўргатувчи - компьютер – ўрганувчилар гуруҳи ", " ўрганувчилар гуруҳи - компьютер - ўрганувчи ", "компьютер - ўрганувчи – компьютер” туридаги компьютерли ўргатувчи ва моделирловчи воситаларни конструктирловчи восита ролини бажариш;

- янги билимлар олиш учун моделлаштириштириш воситаси ролини бажариш;

- янги моделларни “ўргатиш” (моделнинг ўз-ўзини ўргатиш) ролини бажариш.

Компьютерли моделлаштириш – ЭҲМ да билимларни ифодалаш (билимларнинг ҳар хил базаларини қуриш) асоси. Моделлаштириштириш тараққиёти, моделнинг бутун ҳаёт циклини қувватлайдиган компьютерли моделлаштириш тизимларини ишлаб чиқиш билан, информацион технологияда эса тараққиёт, банк моделидан янги моделларни йиғишга имкон берувчи моделлар, методлар ва дастурий воситаларнинг банкларини яратиш билан компьютерда моделлаштириштириш тажрибасини фаоллаштиришга боғлиқ.

Автоном ички моделлар ягона информацион шина – моделлар банки, компбютер моделлари бўйича билимлар базаси орқали бир-бирлари билан ахборот алмашишади. Моделлаштириш компьютер тизимларининг хусусиятлари

– уларнинг юқори интеграцияси ва интерфаоллигидадир. Кўпинча бу компьютер воситалари реал вақт режимида иш олиб боради.

Ҳисобий тажриба (эксперимент) – компьютерли моделлаштириш турларидан бири.

Компьютерли моделлаштириш, масаланинг қўйилишидан ечимнинг олинишигача бўлган қўйидаги компьютер босқичларни ўтади:

- Масаланинг қўйилиши;

- Модел олди таҳлили;.

- Масала (модел) таҳлили;

- Моделни ўрганиш;

- Дастурлаш (дастурни лойиҳалаш);

- Тестлаш ва яхшилаш;

- Моделлаштиришни баҳолаш;

- Ҳужжатлаштириш;
- Ҳамкорлик;
- Моделдан фойдаланиш.

Математик моделлаштириш фақат охирги вақтларда технологик асосга ўтмоқда, шунга боғлиқ ҳолда, тизимларда, уларнинг моделларида содир

бўладиган реал ҳолатларни ўйнашга имкон берадиган, технологик имитацион моделлаштиришнинг алоҳида ролини кўрсатиш зарур. Компьютерли моделлаштириш (ЭҲМ ёрдамида билимларни олиш, жамлаш, қайта ишлаш, сақлаш, фойдаланиш, фаоллаштириш), математик моделлаштиришдан фарқ қилиб (бу моделлаштириш технологиялари бир-бири билан зич боғлиқ бўлса ҳам), яқиндан бошлаб ишлатила бошланди. Одатда компьютерли моделлаштириш, математик таҳлилий моделни қуриш мумкин бўлмаганида ёки бундай модел тадқиқот учун қийинлик қилганида, қўлланилади.

Назорат саволлари:

1. Математик модел нима?
2. Чизиқлаштириш, идентификация, моделнинг адекватлиги (ўхшашлиги) ва сезувчанлигини баҳолаш нима дегани?
3. Ҳисобловчи ёки компьютерли эксперимент (тажриба) нима? Компьютерли моделлаштиришнинг математик моделлаштириш билан таққослангандаги хусусиятлари нимада?

Масалалар ва топшириқлар:

1. Қуйида келтирилган моделлардан, агар узлуксиз модел келтирилган бўлса, тегишли дискрет моделни ёки, агар дискрет модел келтирилган бўлса, узлуксиз моделни ёзиб олинг;

- Қўйилган мақсадга мос тарзда моделни ўрганинг (ечимни ҳосил қилинг, унинг ягоналигини, барқарорлигини, стационар ечими борлигини текширинг);
- Моделлаштириш алгоритмини тузинг;
- Моделни модифицирланг ёки унинг асосида янгисини ишлаб чиқинг; модел билан баён этиладиган бир нечта реал тизимларни шакллантиринг;
- Моделни чизиқлаштиринг ва модел билан таққослашлар бажаринг (ёндошишлар таклиф қилинг);
- Моделларни ва, уларни ўрганиш вақтида олинган, натижаларни қўллашнинг бир нечта мумкин бўлган соҳаларини келтиринг;
- Моделнинг турини, кириш ва чиқиш тўпламларини аниқланг.

2. Оқим билан дарёга келиб тушаётган модданинг концентрацияси тарқалиш, адвекция, реакция натижасида ўзгаради. Дарёдаги xi модданинг концентрацияси фақат i масофага боғлиқ, i=0,1,:, n дарё оқими бўйича ва қўйидаги формула билан аниқланади: ab(xi+1-2xi+xi+1)-c(xi-xi-1)-daxi=0, бу ерда a – дарё кўндаланг кесимининг юзаси, b – дарё бўйлаб тарқалиш коэффициенти, c – дарёнинг тўла ҳажмий сарфи, d – органик модданинг емирилиш тезлиги. Бу a, b, c, d миқдорлар ҳозирча доимий, деб

ҳисобланади. Миқдорнинг умумий оқими: N=cxi-ab(xi+1-xi) билан аниқланади. Моделлаштириштиришдан мақсад: дарё (ҳар бир і учун) ифлосланишини башорат (прогноз) қилиш..

Илмий тадқиқотлар, рефератлар ва Интернет-саҳифалар учун мавзулар:

1. Математик моделлаштириш: тарих, шахслар, келажак.

2. Компьютерли моделлаштириш ва унинг хусусиятлари.

3. Ҳозирги дунёда математик моделлаштиришнинг роли.

12- маъруза. Эволюцион моделлаштириштириш ва генетик алгоритмлар

Режа: I Эволюцион моделлаштириштириш;

II Генетик алгоритм.

Кўплаб социал-иқтисодий тизимларни, ягона-эволюцион назария методлари ва воситалари билан яхлит позициялардан баён этиш мумкин. Эволюцион моделлаштириштиришда мураккаб социал-иқтисодий тизимни моделлаштириштириш жараёни унинг эволюцияси моделини яратишга ёки тизимнинг йўл қўйиладиган ҳолатларини излашга, кўплаб мумкин бўлган ҳолатлар (траекториялар)ни кузатиш процедурасига (алгоритмига) келтирилади. Социал-иқтисодий тизимларни эволюцион моделлаштириштиришда классик ва классик бўлмаган математик моделларни, жумладан, тизимнинг фазовий таснифини (масалан, кактакли автоматлар ва фракталлар), ички тизимларнинг таснифи ва иерархиясини, тажриба ва сезгисини ҳисобга олиб ишлатиш фойдали. Эволюцион моделлаштириштириш процедурасини амалга

оширишнинг адекват воситаси генетик алгоритмлардир.

Тизим эволюциясини ўрганишда, таъминот мақсадида, унинг ички тизимларга декомпозицияси зарур:

- муҳит билан самарали ўзаро ҳаракат;
- ички тизимлар билан моддий, энергетик, информацион, ташкилий ресурсларни аниқловчилар билан оптимал айирбошлаш;
- динамик алмаштириш ва мақсадларнинг қайта тартибланиш, таснифли фаоллик ва тизим мураккаблиги шароитларида Тизимнинг эволюционирланиши;
- тизимнинг бошқарувчанлиги, бошқарувчи ички тизим ва тизим ички тизимлари билан самарали боғлиқлик, тескари алоқанинг идентификацияси.

Генетик алгоритм – бу эволюцион динамиканинг тамойилларига мос тарзда популяция ривожланишининг генетик процедураларини имитация қилишга асосланган алгоритм. У кўпинча кўп мезонли оптимизация, излаш ва бошқариш масалаларини ечиш учун ишлатилади. Бу алгоритмнинг хусусияти – уларнинг NP-мураккаб

муаммоларни (полиномиал ўсувчи алгоритмик мураккабликдаги алгоритм тузиш мумкин бўлмаган муаммолар) ечишда муваффақият билан ишлатилишидир. Генетик алгоритмларни бошқа усуллар билан ечиш мумкин бўлмаган масалаларни ечишда қўллаш мумкин бўлса ҳам улар оптимал ечимни топиш учун (ҳеч бўлмаганда, мумкин бўлган вақтда, бу ерда полиномиал баҳолар кўпинча яроқсиз) кафолат

бермайдилар.

Назорат саволлари:

1. Эволюцион моделлаштириштириш нима?

2. Эволюцион моделлаштириштиришда самарадорлик мезонлари нима?

3. Прогнозлашнинг қандай турида (даврийлигига кўра) эволюцион моделлаштириштириш ишлатилади ва самарали ҳисобланади?

4. Генетик алгоритм нима?

5. Генетик ва “ногенетик” алгоритмларнинг асосий умумий ва фарқ қилувчи хоссалари нимада?

Масалалар ва топшириқлар:

1. Битта экологик ёки экономик эволюционирланувчи тизимга мисол келтиринг ва бу тизимни эволюцион моделлаштириштириш масаласини қўйиш учун асосий тамойиллари ва тушунчаларини шакллантиринг.

2. Қандайдир бир тизим мисолида, эволюцион моделлаштириштириш мақсадида, унинг декомпозициясини қандай амалга ошириш мумкинлигини кўрсатинг. Декомпозиция афзалликларини кўрсатинг. Масала учун тизим фаоллигининг қандайдир бир усулини (баёнини), шунингдек, тизимнинг эволюционерланишини аниқлаш мумкин бўлган функцияларини кўрсатинг.

3. Описать укрупненный генетический алгоритм эволюции некоторого предприятия (некоторых предприятий).

Илмий тадқиқотлар, рефератлар ва Интернет-саҳифалар учун мавзулар:

1. Эволюцион моделирлаш - хусусиятлари, аҳамияти, иловалари.

2. Генетик алгоритмлар - хусусиятлари, аҳамияти, қўлланилиши.

3. Ёмон тавсифланадиган, ёмон расмийлаштириладиган тизимларни генетик алгоритмлар ёрдамида имитацион эволюцион моделирлаш.

13- маъруза. Қарорлар қабул қилиш асослари

Режа:

1. Қарорлар қабул қилиш асосларига мазмунли кириш

2. Тизимларни ҳолатли моделлаштириштириш

Қарорлар қабул қилиш – бу мумкин бўлган кўрилаётган вариантлардан бирини танлаш.

Қарорлар қабул қилиш масалаларининг синфланиши ҳар хил белгиларига кўра олиб борилади: ахборотни аниқланиш даражаси; ахборот олиш учун тажрибадан фойдаланиш; қарорлар қабул қилувчи шахсларнинг сони; қарор мазмуни; қарорнинг йўналиши. Қарорни танлаш қарор қабул қилиш жараёнининг энг маъсулиятли ва сўнгги босқичидир.

Самарадорлик мезонига, стратегиялар ва бошқариш факторларига боғлиқ равишда оптималлашнинг мос усуллари танланади.

- Чизиқли ва динамик дастурлаш усуллари;
- Оммавий хизмат масалалари назарияси усуллари;
- Имитацион (тақлидий) моделлаштириш усуллари;
- Ўйинлар назарияси усуллари;
- Жадваллар назарияси усуллари;
- Тармоқли режалаштириш ва бошқариш усуллари;
- Кўп мезонли (векторли) оптималлаш усуллари.

Қарорлар қабул қилиш моделларида ҳар хил жараёнлардан фойдаланилади.

Хусусан, энг оддий ва самарадорлилари қўйидагилар:

- Математик дастурлаш усуллари;
- Эгри чизиқли фарқсизланиш усуллари;
- Афзалликнинг аниқ ва аниқмас муносабати асосида муқобиллик (альтернатив)ларни кўп мезонли танлови;
- Вариантларни кетма-кет баҳолаш ва кейингиларини ҳисобдан чиқариш;
- Объектларни кўп ўлчамли ранжирлаш (шкалалаш) ва бошқалар.

Қарор қабул қилишнинг умумий жараёни қўйидаги босқичлардан иборат бўлиши мумкин:

- Муаммо ва муҳит таҳлили;
- Масаланинг қўйилиши;
- Масалани ечиш усулини танлаш
- Ечимни баҳолаш усулини танлаш (адаптация, ишлаб чиқиш);
- Масалани ечиш;
- Натижани таҳлил қилиш изоҳлаш.

Жиддий қарорлар қабул қилишнинг (инвестирлаш муаммоларида, ҳаракат, ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқишда ва бошқаларда) самарали механизмларидан бири замонавий таҳлилий қайта ишлаш воситалари ва ахборотни визуаллаш воситалари ҳамда эксперт гуруҳлар фаолиятини қўллаб қуввотловчи технологияни бирлаштирувчи қарорлар сақлашнинг ахборот тизимлари (ҚСАТ) дан (ИСПР- информационных систем поддержки решений ёки Decision Support Systems) фойдаланишдир.

ҚСАТ қўйидаги режимларда ишлаши мумкин:

- жорий ахборотга эга бўлиш ва катта бўлмаган негатив ҳодисаларнинг жамланишини огоҳлантириш мақсадида муаммоли мониторинг ва ахборотни фаоллаштириш (ҳокимият органларини, бошқариш объектларини ва бошқаларини);
- Режа-таҳлилий режим –қаралаётган қарорни, олдиндан белгиланган сценарий бўйича материални узатиш, уни “кенг” лиги ва “чуқур”лиги бўйича таҳлил қилиш учун намойиш қилиб, қўллаб-қувватлаш ва қабул қилиш мақсадида муаммоли ҳолат бўйича таҳлилий маърузаларни режа бўйича тинглаш ва муҳокама қилиш;
- Фавқулодда режим – ахборотнинг оператив мониторинги, фавқулодда ҳолатларга таъсир этувчи негатив факторларни камайтириш мақсадида олдиндан кўрилмаган, вафқулодда муаммолар бўйича қарорлар қабул қилиш ва уларнинг бажарилишини назорат этиш.

Назорат саволлари:

1. Билимлар, метабилимлар нима? Билимларни ифодалаш нима?

2. Ккатегория, функтор нима?

3. Қандай билим моделлари турлари бор, уларнинг тавсифлари??

Масалалар ва топшириқлар:

1. "Масалани ечинг", "Масалани ечиш", "Масалани ечиш усули", "Масалани ечиш алгоритми" тушунчаларини изоҳланг;

2. Ихтисослик бўйича билимларнинг битта маҳсулий (продукцион) ва битта семантик моделини тузинг;

3. Ихтисослик бўйича билимларнинг битта фреймли ва битта мантиқий моделини тузинг;

Илмий тадқиқотлар, рефератлар ва Интернет-саҳифалар учун мавзулар:

1. Шаклланган ва шаклланмаган билимлар. Билимларни шакллантириш усуллари;

2. Билим моделлари;

3. Категориал-функтор таҳлил ва унинг қўлланилиши.

14- маъруза. Билимлар модели

Режа:

I Билимлар, билимларни намойиш этиш; II Категория, функтор;

III Семантик тармоқ.

Билимларни расмийлаштириш – бу билимларни намойиш этиш ва қабул қилишга қоидаларнинг конструктив системасини қўллаш.

Расмийлаштирилмайдиган билимлар – бу номаълум (расмийлаштирилмаган) қоидаларни қўллаш орқали олинадиган билимлар.

Билимларнинг синфланиши:

- Тушунчали;
- Конструктив;
- Жараёнли;
- Фактографик;
- Метабилимлар.

Билимлар намойишининг мақсади – ахборотни қуйидаги кўринишларда

ифодалаш :

- Информатив хабарлар;
- Оғзаки нутқ жумлалари;
- Ёзма нутқ жумлалари;
- Китоблар саҳифалари ва маълумотномалар тушунчалари;
- географик карта объектлари, расмлар ва картина персонажлари.

Категория ва функторлар - билимларни қатъий расмийлаштириш учун

истиқболли воситалар

- Категория – бу эквивалентлик, инвариантлик ва бошқа хоссаларни баён этишга имкон берадиган, категория объектлари ва ўзгартиришлар, М- махсус турдаги ўзгартириш морфизмлари деб аталадиган S элементлар (ташкил этувчилар, характеристикалар, параметрлар, хоссалар) тўпламидир.

- Функтор – бу категория тушунчасининг умумлаштирилганлигидир. Функтор –семантик операциясининг аналоги.

Билимларни намойиш этишнинг асосий моделларидан бири бу билимларни семантик тармоқлар кўринишида ифодалашдир.

- Семантик тармоқ – бу йўналтирилган графли тасниф, унинг ҳар бир учи қандайдир бир тушунчани (объект, жараён, ҳолат) ифодалайди, граф қирралари эса “бу ...”, “тегишли”, “сабаби”, “... га киради”, “... иборат”, “каби” ва шунга ўхшаш жуфтлик тушунчалар ўртасидаги ҳолатлар турига мос келади. Семантик тармоқларнинг ижобий томони – унда билимларнинг кўргазмали намойиш этилишидир. Унинг камчилиги –чиқишнинг, тегишли саволга графни топишнинг қийинлиги.

Назорат саволлари:

4. Билимлар, метабилимлар нима? Билимларни ифодалаш нима?

5. Ккатегория, функтор нима?

6. Қандай билим моделлари турлари бор, уларнинг тавсифлари??

Масалалар ва топшириқлар:

4. "Масалани ечинг", "Масалани ечиш", "Масалани ечиш усули", "Масалани ечиш алгоритми" тушунчаларини изоҳланг;

5. Ихтисослик бўйича билимларнинг битта маҳсулий (продукцион) ва битта семантик моделини тузинг;

6. Ихтисослик бўйича билимларнинг битта фреймли ва битта мантиқий моделини тузинг;

Илмий тадқиқотлар, рефератлар ва Интернет-саҳифалар учун мавзулар:

4. Шаклланган ва шаклланмаган билимлар. Билимларни шакллантириш усуллари;

5. Билим моделлари;

6. Категориал-функтор таҳлил ва унинг қўлланилиши.

15- маъруза. Лойиҳалашнинг ва тизим таҳлилининг янги

технологиялари

Режа:

1. I Информацион технологиялар;

2. МБ (БД), МББТ (СУБД), АИЎ (АРМ);

3. III Информацион технологияларнинг роли

Янги информацион технологиялар – бу янги инфологик ва компьютер воситаларига таянган ҳолда ахборотни, билимларни олишнинг, сақлашнинг, фаоллаштишнинг информацион технологиясидир.

Юқори технологиялар – бу ечиладиган масалалар сифат таркибининг, характерининг, ечиш усулларининг ўзгариш технологиясидир, иш бажариш эмас, эволюция технологиясидир. Ҳисоблашнинг одатдаги (“эски") технологияси масалани мумкин бўлган вақтда ва қийматда ечимини топишни асосий мақсад қилиб қўяди. Математик компьютер технологияларидан фойдаланишнинг янги технологияси ечимни тез, аниқ ва кам сарфли қилиб топиш мақсадини қўяди. Тақсимотли, квантли ҳисоблашларнинг юқори технологияси одатдаги технологиялар билан ечилмайдиган (қийин ечиладиган) масалаларнинг ечимларини топишни мақсад қилиб қўяди.

Янги информацион технологиялар қўйидаги база турларида бўлади:

- когнитив технологиялар кўпроқ билимларни олиш, сақлаш ва фаоллаштиришга, интеллектуал ечимлар қабул қилишга қаратилган бўлади;
- инструментал технологиялар кўпроқ бошқа технологияларни қуриш ва уларга хизмат кўрсатиш учун хизмат қилувчи муҳитдан асбоб сифатида фойдаланишга қаратилган бўлади;
- амалий технологиялар кўпроқ қандайдир муаммоли соҳа (ёки соҳалар)нинг масалаларини ечишга қаратилган бўлади;
- коммуникатив технологиялар кўпроқ алоқа, коммуникация, мулоқот муаммоларини ечишга қаратилган бўлади.

Маълумотлар базаси (МБ) ва МБ сини бошқариш тизимларининг

технологияси

МБ – машина ташувчиларида ифодаланган ва умумий ҳамда қулай таснифга, фойдаланувчиларнинг ҳар хил дастурлар билан маълумотлардан фойдаланишини таъминлайдиган ягона ташкилий-услубий, дастурий-техник ва тил воситаларига эга бўлган, қандайдир бир предмет соҳасининг таснифлаштирилган маълумотларининг етарли даражадаги катта тўплами. Маълумотларни ифодалашнинг усулига ва технологиясига боғлиқ равишда маълумотлар базасининг иерархик, тармоқли ёки реляцион, жадвалли ёки саҳифали турлари бўлади.

МБ сини йўқотиш технологияси маълумотларни узатиш тармоқларида мулоқот режимида фойдаланувчиларнинг ягона компьютерда ёки хост-компьютерда тўпланган ахборот ресурсларидан жамоа бўлиб фойдаланишига таянади.

МБ сининг асосий хусусиятлари:

- фойдаланувчига фақат ахборот хизматларини кўрсатиш;
- ахборотнинг тўлиқлиги;
- ахборот янгиланишининг, такомиллаштирилишининг ва ўрнини ўзгартирилишининг юқори тезлиги;
- ривожлантирилган дастурий таъминоти.

МББТ (DBMS - DataBase Management System) – фойдаланувчи дастури ва МБ даги маълумотлар билан мулоқотни (интерфейсни) таъминловчи дастурий тизим. Бу мулоқот маълумотлар ва маълумотлар таснифини мантиқий ифодалашнинг махсус нопроцедур тилида амалга оширилади. Маълумотларнинг ўзи ҳам маълумотларни ифодалашнинг махсус тилида баён этилади, бунда фойдаланувчининг дастурлари дастурлаш тилида ёзилиши мумкин. МББТ маълумотлар базасига сўровни (излашни,

саралашни ва ҳ.к.ни) фойдаланувчи учун тушунарли ва табиий тилга яқин, аммо бир вақтда расмий, ЭҲМ да амалга оширилган тилда баён этишга имкон берадиган воситаларга эга бўлиши керак.

МББТ ларининг асосий вазифалари:

- ташқи хотирада маълумотларни бошқариш - маълумотларни сақлаш ва улар билан ишлаш учун ташқи хотиранинг зарурий таснифини таъминлаш;
- хотиранинг буфер соҳаларини бошқариш – тезкор хотира соҳаси (буфери)да МБ сининг керакли қисмининг нусхаланишини таъминлаш, шунингдек буферлар билан ишлашда маълум қоидалардан фойдаланиш;
- транзакцияларни бошқариш, яъни МББТ ларни битта макрооперация деб қаровчи МБ устидаги операциялар кетма-кетлигини бошқариш;
- аппаратура ёки дастур ишламай қолганида маълумотларни сақлаб қолиш учун уларнинг МБ да сақлаш ишончлилигини маълумотларнинг ортиқчалиги орқали қувватлаш;
- МБ си тилларини қувватлаш.

Билимлар базаси (ББ)нинг ва эксперт тизимларнинг (ЭТ) технологияси ББ –ҳар хил соҳаларга тегишли билимларни, улардан фойдаланишни,

уларни сақлашни, кенгайтиришни, янги билимларни олиш ва ҳосил қилишни ва ҳ.к. ишларни бажара оладиган қилиб, ЭҲМ ёрдамида жамлаш, таснифлаш ва сақлаш.

ЭТ – юқори даражадаги малакали экспертларнинг тажрибаларини, билимларини, малака, кўникмаларини жамлаш, таснифлаш ва сақлаш, шу соҳанинг ҳар хил муаммолари бўйича эксперт муҳокамалар олиш учун ЭҲМ ёрдамида фаоллаштириш.

Электрон почта – узатувчининг компьютери ёрдамида хабарларни узатиш ва уларни қабул қилувчи компьютери ёрдамида олиш.

Автоматлаштирилган тизим (АТ) – ходимнинг иш ўрнида ҳар куни, кўп ҳолларда машаққатли бўлган, малакали қилиб бажарадиган ишларини бажарувчи инсон-машина тизими.

Автоматлаштирилган иш ўрни (АИЎ) –мутахассиснинг бевосита иш ўрнида ўрнатилган ва малакавий фаолиятини автоматлаштириш учун мўлжалланган предмет-йўналтирилган инструментал АТ.

Ҳар қандай АИЎ ларини яратиш тамойиллари:

- тизимлилик;
- эгилувчанлик;
- барқарорлик;
- самарадорлик;
- бажариладиган ишларнинг тўлиқлиги;
- интерфаоллик;
- функционаллик;

- электрон почта ва фойдаланувчидан узоқдаги ахборотдан телекоммуникацион фойдаланиш технологияси;
- офисдаги жамоа ишининг компьютерлаштирилган офис технологияси;
- машина графикаси ва визуализация технологияси – ҳар хил график объектларни чизиш тизимига асосланувчи технология;
- гиперматнли технология;
- мультимедиа (multimedia) ва гипермедиа (hypermedia) восита ва тизимлари. Медиа - “ахборот воситаси ва ташувчиси»
- виртуальной борлиқ технологияси;
- когнитив технологиялар;
- ахборот реинжиниринги технологияси.
- Объектга-йўналтирилган технологиялар;
- Муҳитга-йўналтирилган технологиялар;
- CORBA технологияси;
- CASE-технологиялар (Computer-Aided System Engineering);
- компьютер алгебраси, символли ўзгартиришлар системасининг технологиялари ва тизимлари.

Тизимли таҳлил учун энг муҳим янги ахборот технологияларининг тўлиқ бўлмаган (тўлиғини келтириш мумкин эмас) шарҳи берилди. Бу технологияларнинг борган сари янги турлари ва иловалари пайдо бўлмоқда, улар эса глобаллашувнинг, қарорлар қабул қилишнинг анъанавий

мезонларини ва жаҳон бизнесининг имкониятларини (қиймат ҳосил қилиш, харажатлар, жойлашув ўрни ва ҳ.к.) ўзгартирувчи асосий факторига (асбобига) айланиб бормоқда.

Назорат саволлари:

1. Янги технология “эски”сидан, юқориси – янгисидан нимаси билан фарқ қилади?
2. Янги информацион технологияларнинг асосий элементларига нималар киради?
3. МБ (МББТ, ИЎА, электрон почта, телеконференция, билимлар базаси, экспертн тизим, амалий дастурларнинг интегрир пакети, машина графикаси, компьютер и виртуал офис, виртуал корпорация, мультимедиа, гипермедиа, математик ва компьютерли моделирлаш, нейротехнологиялар, виртуал борлиқ, объектга ва муҳитга йўналтирилган технология) нима?
4. Информатика технологиясининг билиш жараёнида роли қандай?
5. Янги информацион технологияларнинг жамият ривожланишидаги, социал муҳитдаги, жамият инфраструктурасини ривожлантиришдаги роли қандай?
6. Янги информацион технологияларни ижтимоий ҳаётга, фанга, ишлаб чиқаришга, кундалик турмушга киритишдан келиб чиқадиган асосий социал-иқтисодий натижалари нималарда кўринади?

Масалалар ва топшириқлар:

1. Бир-иккита янги технологияларни танланг, уларни қўллашга мисоллар келтиринг, камчиликлари ва ютуқларини кўрсатинг;

2. Социал-иқтисодий йўналишдаги МБ нинг (масалан, пенсия фондининг) бир нечта макетини (мантиқий моделини) қуринг. Ёзувлар, база майдонлари атрибутлари таснифини баён этинг, сўровларни расмийлаштиринг. Маълумотлар базаси билан амалларни (излаш, саралаш, модификациялаш) бажаринг. МБ даги ахборот ҳажмини баҳоланг;

3. Социал-иқтисодий предмет соҳаси бўйича маълумотлар базасининг бир нечта макетини (мантиқий моделини) қуринг. Социал-иқтисодий муаммо

бўйича эксперт тизимнинг бир нечта макетини (мантиқий моделини) қуринг. Эксперт тизимлар ёрдамида самарали ечиш мумкин бўлган муаммоларга мисол келтиринг. Мантиқий даражада қурилган билимлар базаси билан қандайдир ишларни амалга оширинг. Билимлар базасининг реал-социал иқтисодий тизимлари (жараёнлари) бўйича компьютерли моделларини қуринг ва эксплуатация қилиш ҳолатларини қўллаш соҳасида уларни кўриб чиқинг. Билимларнинг (ёки бошқасининг) базасида ахборот ҳажмини (сифатий ва миқдорий) баҳоланг. Билимларнинг ёки эксперт солиқ тизимининг қандайдир базаси ёрдамида ечиш мумкин бўлган баъзи бир масалаларнинг қўйилишини амалга оширинг. Билимлар базасидан, билимлар базаси таснифини соддалаштириб, мантиқий чиқариш амалини бажаринг;

4. Ҳар хил солиқ муаммолари бўйича телеконференция ўтказишнинг бир нечта сценарийларини қуринг. Ташкилотчи (модератор)нинг ва телеконференция фойдаланувчисининг ишини баён этинг. Телеконференция сеансидаги ахборот ҳажмини баҳоланг. Телеконференция ёрдамида ечиш мумкин бўлган баъзи бир масалаларнинг қўйилишини амалга оширинг. Бу масалаларни ечишнинг технологиясини баён этинг. Телеконферециялар ўтказиш ва электрон почтадан фойдаланишнинг социал-иқтисодий натижаларига мисоллар келтиринг. Бу натижаларни баҳоланг. Ихтисослигингиз бўйича телеконференцияларга мисоллар келтиринг;

5. Сизнинг келгуси ихтисослигингизнинг мутахассислари иштирок этган қандайдир гипотетик виртуал корпорациянинг ишини баён этинг. Сизнинг келгуси ихтисослигингиз бўйича талабаларни ўқитиш тизими хусусиятлари ва реинжиринги процедурасини баён этинг.

Илмий тадқиқотлар, рефератлар ва Интернет-саҳифалар учун мавзулар:

1. Янги информацион технологиялар: социал-иқтисодий аҳамияти, натижалари, истиқболи;

2. Малакали мутахассисларнинг виртуал жамиятлари;

3. Маълумотлар банкидан маълумотларнинг интеллектуал таҳлилигача маълумотлар таҳлили;

4. Кутубхоналардан интегрир интеллектуал пакетларгача дастур (программа) комплекслари;

5. Компьютерли офис, виртуал офис, виртуал корпорация. Кейин нима келади?

6. Юқори технологияларнинг шахсий ва ижтимоий ҳаётга таъсири, ижобий ва салбий аспектлар.

Адабиетлар рўйхати

Асосий

1. Ф.И.Перегудов, Ф.П.Тарасенко "Введение в системный анализ" М. - Высшая школа - 1989й.

2. А.Холл., и др. "Опыт методологии для схемотехники" - М.- Советское радио - 1975й.

3. Годин В.В. и др. "Основы автоматизации процесса принятия решений" М- 1996й.

4.. Мамиконов А.Г. "Основы построения АСУ" М-Высшая школа-1981й.

Қўшимча

1. Оптнер С.Л. "Системный анализ для решения деловых и промышленных проблем" М-1969й.

2. Мамиконов А.Г. "Основы построения АСУ" М-Высшая школа-1981й.

3. Интернет сайтлари

.www.rambler.ru; www.yandex.ru; www.google.com; www.intuit.ru; www.ziyonet.uz.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

КИЧИК БИЗНЕСНИ БОШҚАРИШ

Дарслик

Тошкент – 2010

Муаллифлар: профессор Ф.Ш. Каримов раҳбарлигида: проф. Р.С.Ходжаев
проф. А. Эгамбердиев
проф. Р.Х. Аюпов к.ўқ.
Ф.Қ. Шаюсупова,
ТДИУ- и.ф.д., проф. Ш.Н.Зайнутдинов

Тақризчилар: и.ф.д., проф. М.Мирсаидов
и.ф.д., проф.И.Мирзаев
доц. Б.Махмудов
ТДИУ – проф.Э.Х.Махмудов

“Кичик бизнесни бошқариш” фанидан дарслик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида» ги 2001 йил
343 - сонли қарори, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан 2002 йил 28 февралда тасдиқланган «Бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисларининг Давлат таълим стандартлари» талаблари ҳамда Вазирликнинг 2004 йил 16 августдаги 199 - сонли «Олий таълимнинг бакалавриат босқичини янги таҳриридаги намунавий ўқув режаси билан таъминлаш тўғрисида» ги буйруғи ҳамда Вазирлик Ҳайъатининг 2006 йил 30 ноябрдаги “Олий ва ўрта махсус, касб ҳунар таълими муассасаларини замонавий ўқув адабиётлари билан таъминлаш тўғрисида”ги қарори ва Вазирликнинг № 87 - 02 - 2 рақамли модемномасига мувофиқ таянч олий ўқув юрти профессор – ўқитувчилари билан ҳаммуаллифликда тайёрланган. Келгусида ундан барча олий ўқув юртларида, ўрта махсус, касб ҳунар коллежларида иқтисодий йўналиш бўйича таҳсил олаётган талабалар, аспирантлар, магистрантлар, мутахассислар, ва бошқалар фойдаланишлари мумкин.

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида ва Республика Олий Мажлиси сессияларида қабул қилинган қонунларда Ўзбекистонда кичик бизнес ва тадбиркорликни молиявий жихатдан қўллаб - қувватлаш, уларга ҳар томонлама мадад бериш, уларнинг самарали ишлаши ва ривожланиши учун қулай шарт - шароитлар яратиш, улар ёрдамида мамлакат истеъмол бозорини юқори сифатли товарлар билан тўлдириш масалаларига доимо алоҳида эътибор берилиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикасининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларга асосан бизнес ва тадбиркорликнинг фаолият соҳаларини ривожлантиришни рағбатлантириш, уларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, масъулиятлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш давлат томонидан кафолатланган. Бу ўз навбатида, кичик бизнес билан шуғулланувчи ишбилармонларнинг ишчанлигини янада фаоллаштиришга, мамлакат ялпи миллий маҳсулоти ҳажмини оширишга, инфляция жараёнларини секинлаштиришга, иқтисодиётни барқарорлаштириш ва ривожлантиришга кенг имконият яратди.

Мамлакатимиз иқтисодини ислоҳ қилиш ва модернизациялашни изчил давом эттириш жараёнида кичик бизнес соҳаси билан шуғулланувчи ишбилармонларга талаб янада ортди. Бу Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари олдига ҳам бир қатор вазифалар қўяди. Улардан бири кичик ва ўрта бизнес учун малакали мутахассислар тайёрлаш, қайта тайёрлаш, ходимлар малакасини ошириш, уларни замонавий ижтимоий - иқтисодий ва ҳуқуқий билимлар билан қуроллантиришдир. Бу йўналишда зарур бўлган моддий - техник база Республикада бозор муносабатларига ўтиш билан бир вақтда яратилиб, ривожлантириб борилмоқда. Аммо замонавий иқтисодий айниқса, бизнес, тадбиркорлик, маркетинг ва менежемент каби фанлар бўйича ўзбек тилидаги адабиётларнинг етарли эмаслиги бу соҳадаги ишларни янада кучайтиришни талаб қилмокда. Шу боисдан, ўзбек тилида тайёрланаётган ушбу дарсликда кичик бизнесга доир маълумотларни имконият даражасида кенгроқ қамраб олиш мақсад қилиб қўйилган.

Мазкур дарсликда кичик бизнеснинг моҳияти ва иқтисодиётда тутган ўрни, уни ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар, хорижда ва Ўзбекистонда кичик бизнеснинг шаклланиши ва ривожланиши, кичик бизнес фаолиятини ташкил этиш, иқтисодий - молиявий кўрсаткичларни таҳлил этиш, режалаштириш, бошқариш, кичик бизнесни банк, молия тизими ва аудит муассасалари билан ўзаро алоқалари атрофлича ёритиб берилган, шунингдек, кичик бизнесда молиявий бошқариш ва бошқариш психологияси каби долзарб муаммолар батафсил баён этилган.

«Кичик бизнесни бошқариш» фани муайян иқтисодий фанлар: Иқтисодиёт назарияси, Пул муомаласи, кредит ва молия, Микроиқтисодиёт, Макроиқтисодиёт, Солиқлар ва солиққа тортиш, Бухгалтерия ҳисоби, Иқтисодий таҳлил ва аудит, Амалий иқтисодиёт, Корхона иқтисодиёти, Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар, Бизнес асослари, Менежемент, Маркетинг, Кичик бизнес ва тадбиркорлик ва бошқа иқтисодий фанлар билан узвий боғлиқликда ўрганилади.

Ушбу фаннинг асосий вазифаси иқтисодий билимларнинг амалдаги ютуқларидан бизнес фаолиятида мақсадга мувофиқ фойдаланиш, кичик бизнес фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш, жаҳон бозорига рақобатга бардош берадиган юқори сифатли маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни таъминлаш ва унинг асосида халқ фаровонлигини юксалтириш йўлларини талабаларга ўргатишдан иборат.

1 боб. Кичик бизнес тизимида бозор ва рақобат

1.1. Бозор тушунчаси ва турлари, бозорнинг функциялари

Бозор иқтисодиёти ва бозор тушунчалари ўзаро боғлиқ бўлсада, улар айнан бир нарса эмас. Бозор иқтисодиёти яхлит бир организм бўлса, бозор унинг муҳим аъзосидир.

Бозор такрор ишлаб чиқаршнинг айирбошлаш босқичига хос бўлган иқтисодий категориядир. Аммо бозор ҳар қандай айирбошлашни эмас, балки пул воситасидаги, олди-сотди шаклидаги айирбошлашни билдиради. Айирбошлашда пул иштирок этмасдан, бир товар бошқасига тўғридан-тўғри алмашганда бозор муносабатлари пайдо бўлмайди. Бозорнинг энг муҳим шарти, айирбошланганда пулнинг воситачи сифатида бўлишидир. Бозорда товар муомаласи юз бериб, у икки жараённинг биргаликда боришини билдиради. Бозорда товар пулга алмашинади, яъни товарни сотиш юзага келади, айни вақтда пул товарга алмашинади, яъни товарни сотиб олиш келиб чиқади. Олди-сотди бозордаги яхлит муомаланинг икки томони бўлганидан, унда сотувчи ва ҳаридор иштирок этади.

Демак, бозор - бу сотувчилар ва ҳаридорларнинг товарларни пул воситасида айирбошлаши натижасида келиб чиққан иқтисодий муносабатлари, уларнинг ўзаро алоқаларидан иборат.

Сотувчилар ва ҳаридорларнинг биргаликдаги саъй- ҳаракатлари бозорни келтириб чиқаради, бозор эса уларни бирлаштирувчи механизм бўлиб хизмат қилади.

Бироқ, ҳозирги кунда бозор деганда кўпчилик юртдошларимизнинг кўз ўнгида кундалик эҳтиёжларини қондириш учун зарур озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа буюмлар сотиб олинадиган истеъмол бозорлари намоён бўлади. Булар бозор ҳақида илк тасаввур - тор тушунча бўлиб, бозор - кенг маънода маҳсулотларни ҳунарлар воситасида ишлаб чиқариш қонуниятлари бўйича ташкил қилинган **айирбошлаш**, **товар** ва **пул** муомаласи муносабатларининг мажмуидир. Бозор - қадимги файласуфлар таъбири билан айтганда, “ижтимоий бирлашиш” вакиллари - сотувчилар билан ҳаридорлар ўртасида маҳсулотларни айирбошлаш ёхуд сотувчилар билан ҳаридорлар ўртасидаги инсоний-иқтисодий муносабатлар мажмуидир. “Ижтимоий

бирлашиш”да айирбошлаш ихтиёрий ва эркин баҳо - нарх орқали содир бўлади.

Айирбошлаш миқёсининг ҳудудий ва ҳуқуқий чегаралари мавжуд: маҳаллий бозор, миллий бозор, халқаро, дунё бозори - ички ва ташқи бозорлар муайян ижтимоий тартиб-қоидалар асосида ҳаракат қилади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми, олди - сотди миқдори бозор муносабатларининг мавқеини - ҳажми (катта- кичиклиги) ни белгилайди. Бозорни “ижтимоий бирлашмалар” иқтисодий тараққиёти ёхуд тушкунлигини кўрсатувчи кўзгу, макон ва замон ўлчагичи - Адолат торозуси – олий ҳакам дейиш мумкин; бозор жамият аъзоларининг талаб ва эҳтиёжларини қондиришга, пул муомаласини барқарор сақлашга, маҳсулот нархи билан ишлаб чиқаришга кетган харажатларнинг мос бўлишига, халқлар ва давлатлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга хизмат қилади.

Бозор иқтисодий муносабатларни шаклланишида ва ривожланишида қуйидаги 5 функцияни бажаради:

1. Ишлаб чиқариш билан истеъмолни боғлаш функцияси. Иқтисодий фаолият ишлаб чиқаришдан бошланиб, истеъмол билан тугалланади. Муҳими, ишлаб чиқариш ихтисослашади, кишилар ўзига керакли барча товарларни ўзи ишлаб чиқармайди. Масалан, самолёт заводи учиш аппаратини чиқаради, аммо ўз ишчилари учун озиқ-овқат, кийим-кечак, турар жой яратмайди. Завод самолётни бозорда сотиб, пулини ишчиларга маош қилиб беради, улар истеъмол бозоридан ўз эҳтиёжларини қондириш учун товарларни сотиб оладилар. Демак, бозор орқали инсоннинг эҳтиёжи қондирилади ва ишлаб чиқариш билан боғланади.

2. Қийматни товар шаклидан пул шаклига айлантириш функцияси. Товар ишлаб чиқариш учун меҳнат сарфланади, шу меҳнат қийматни шакллантиради. Қиймат иш кучи ва моддий ресурслар сарфидан иборат бўлади. Товар бозорга чиқишга қадар меҳнат моддий шаклда (масалан, озиқ-овқат, кийим, станок ва ҳ. к) бўлади, бозорда сотилгач, ундаги меҳнат маълум миқдордаги пулга айланади, яъни товар ўзининг пул эквивалентини топади ва қиймат пул шаклига айланади.

3. Ишлаб чиқаришни янгилашга шарт-шароит ҳозирлаш функцияси. Корхоналар бозордан ўзларига ишлаб чиқаришни давом эттириш учун керакли ресурсларни топадилар, станоклар,

хом ашё, ёқилғи, ҳар хил моддий-материал қийматликларини ҳарид қиладилар. Улар меҳнат (иш кучи) бозоридан ишчиларни ёллаб ишлатадилар, бозордан керакли ахборот ва ҳар хил ишлаб чиқариш учун зарур хизматларни ҳам топадилар. Бу ресурсларнинг истеъмоли эса ишлаб чиқаришнинг янгитдан бошланишини билдиради.

4. Иқтисодиётни тартиблаш функцияси. Бу вазифани бозор механизми бажаради. “Нимани, қанча ишлаб чиқариш керак?” -деган саволга бозор жавоб беради. Товарларни бозорда чаққон ўтиши ёки ўтмаслиги, товарларнинг қимматлашуви ёки арзонлашуви, уларнинг қанчалик керакли ёки керак эмаслигини кўрсатади. Бозор барометр сингари иқтисодиётдаги “об-ҳаво”дан дарак беради. Товар ўтмаса, демак у керак эмас, уни ишлаб чиқариш тўхтатилади. Товар чаққон сотилса ва яхши фойда олинса, уни ишлаб чиқариш ўсади. Товар мўлжалланган нархдан арзонроқ нархда, лекин яхши сотилса, бу товарга кетган сарф-харажатларни камайтириш зарурлигини англатади. Бозор механизми бамисоли рул сингари иқтисодиётни у ёки бу томонга буриб туради.

5. Мамлакатлар, халқлар ўртасида иқтисодий ҳамкорлик ўрнатиш функцияси. Бу функцияни давлатлараро ёки жаҳон бозори бажаради. Бозор иқтисодий ҳамкорликнинг кенгайиб боришини талаб қилади. Азалдан бозор кўпгина мамлакатлар, миллатлар ва элатларни яқинлаштириб, улар ўртасида манфаатли алоқаларни мустаҳкамлашга кўмаклашган. Бунга мисол қилиб, савдо-сотиқ орқали Шарқ билан Ғарбни боғлаган Буюк ипак йўлини олиш мумкин. Бозор муносабатлари кенгайиб борган сари, янгидан - янги мамлакатлар ва халқлар ўртасида ўзаро иқтисодий алоқалар кенгайиб боради.

Бозорга ғоят хилма-хил товар ва хизматлар чиқарилади ва улар бозор объектини ташкил этади. Ўзининг объекти жихатидан бозорни бир неча турга бўлиш мумкин:

1). Истеъмол товарлари бозори:
2). Ишлаб чиқариш воситалари ва ресурслари бозори:
3). Иш кучи ёки меҳнат бозори:
4). Молия бозори;
5). Интеллектуал товарлар бозори;
6). Қурол - аслаҳа бозори.
7). Эркин бозор.

8) Хуфёна бозор ва бошқалар.

Истеъмол товарлари бозори кишиларнинг тирикчилиги учун зарур бўлган товарлар ва хизматлар бозорларидир. Бу бозорда кенг истеъмол буюмлари, маданий-маиший ва коммунал хизматлари олди - сотдиси олиб борилади. Бу бозорда деярли барча фуқаролар иштирок этади. Бу бозорнинг Ўзбекистонда аниқ кўринишлари бор: савдо дўконлари, савдо уйлари, фирмалар, супермаркет, ошхона, нонвойхона, ҳар хил устахоналар, салонлар, ниҳоят, деҳқон бозорлари, буюм бозорлари ва ҳ.к.

Ишлаб чиқариш воситалари ва ресурслари бозори - ишлаб чиқариш учун зарур бўлган нарсалар бозоридир. Бу бозорда улгуржи савдо- сотиқ юз беради. Мазкур бозор савдо фирмалари, савдо уйлари, биржалар фаолиятида, ер ва бошқа кўчмас мулк савдосида намоён бўлади. Бундай бозорда ресурсларга талабгорлар ресурс етказувчилар билан контракт-шартномалар асосида алоқа қиладилар. Ресурс бозорининг бош бўғини товар биржаси ҳисобланади. Товар биржаси улгуржи савдо билан шуғулланувчи тижорат муассасасидир. Биржада товарларни етказиб бериш ҳақида шартнома-битим тузилади.

Иш кучи ёки меҳнат бозори иш кучи олди - сотди қилинадиган бозордир. Иш кучи махсус товар бўлганидан унинг бозори ўз хусусиятига эга. Агар оддий товар сотилганда, унинг эгаси ўзгарса, иш кучи сотилганда унинг эгаси ўзгармайди, чунки уни инсон жисмидан ажратиб бўлмайди.

Меҳнат бозори меҳнат биржалари, ишчи ёлловчи воситачи фирмалардан ва ниҳоят, кишиларни бевосита ишга жалб этувчи корхоналарнинг ўзидан иборат. Шарққа хос бўлган тартибсиз ва тартибли меҳнат бозори - бу мардикор бозоридир.

Молия бозори ҳам бозорнинг махсус тури. Молия бозори деганда молия ресурсига айланган пул маблағлари ва уларга тенглаштирилган қимматли қоғозлар бозорини тушуниш керак. Молия бозори таркибан кредит бозори, қимматли қоғозлар бозори ва валюта бозоридан иборат. Валюта аукциони, кредит пуллари аукциони, банклар, молия компаниялари, фонд биржалари ва бошқаларнинг фаолияти молия бозорининг яққол кўринишларидир.

Интеллектуал товарлар бозори бу ақлий меҳнат маҳсули бўлган товарлар ва хизматлар бозоридир. Бу бозордаилмий ишланмалар, ғоялар, техникавий лойиҳалар ва чизмалар, ахборот,

санъат, адабиёт ва илмга тегишли асарлар, ижрочилик хизмати ва турли томоша хизматлари сотилади. Бу бозорнинг муҳим унсури патент ва лицензия бозори ва ҳозирги кунда шоу - бизнес ва кино бозорларидир.

Қурол - аслаҳа бозори бозорни алоҳида турини ташкил этади, бу ердаги товарлар истеъмол буюмлари ҳам эмас, ресурслар ҳам эмас. Бу ерда хавфсизликни таъминловчи қурол - яроғлар сотилади. Бу бозор салонлар ва кўргазмалар шаклида амал қилади. Майда қуроллар магазинлар орқали сотилади.

Бозорлар эркин ва монопол бозорга бўлинади. **Эркин бозор** деганда ҳаридорлар ҳам, сотувчилар ҳам кўп бўлиб, улардан ҳеч бири монополия мавқейига эга бўлмай, бир - бирини тездан топа оладилар. Бунда рақобат тўла - тўкис ҳукмрон бўлган, нархлар эркин савдолашув асосида шаклланган бозор тушунилади.

Эркин бозорга мисол қилиб, Ўзбекистондаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорини кўрсатиш мумкин. Бу бозорда миллионлаб кишилар ҳаридор, сотувчилар эса давлат хўжалиги, жамоа хўжалиги, фермер хўжалиги, томорқа хўжалигидан иборат. Бу ерда кимга нимани сотиш, кимдан нимани олиш, қандай нархда савдо қилиш юқоридан туриб белгиланмайди, буни бозор иштирокчиларининг ўзлари ҳал қиладлар.

Монопол бозор деб озчилик ҳаридорлар ва сотувчилар ҳукмрон бўлган, монопол нарх ўрнатилган, рақобат чекланган ёки рақобат умуман бўлмайдиган бозорга айтилади.

Монопол бозорнинг ўзи 3 хил кўринишда бўлади: **Монопол рақобатлар бозори.** Бу бозор сон жихатидан кўп бўлмаган, бозорга бир хил ўхшаш ёки ўринбосар товарлар чиқарадиган фирмалар қўлида бўлади, улар ўзаро рақобат қиладилар. Бунга мисол қилиб, Ўзбекистондаги кийим-кечак бозорини олиш мумкин. Бу ерда асосан 8 та фирма маҳсулот чиқаради, лекин улар нафақат ўзаро балки товари Ўзбекистонга кириб келган хориж фирмалари билан ҳам рақобатлашадилар.

Олигаполистик бозор. Озчилик фирмалар ҳукмрон бўлган бозор бунда рақобат кўпинча сотувчилар орасида эмас, балки ҳаридорлар ўртасида юз беради. Бунга мисол тариқасида Ўзбекистондаги цемент бозорини олиш мумкин. Бозорга 3та корхона маҳсулот чиқаради. Цемент ҳарид қилиш учун рақобат эса ҳаридорлар ўртасида боради.

Соф монополия бозори. Бундай бозорга товарни бутун тармоқда ҳукмрон бўлган айрим корхоналар етказиб беради. Масалан, Ўзбекистонда пахта териш машиналарини фақат Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи, тракторларни фақат Тошкент трактор заводи ишлаб чиқариб, бозорга чиқаради. Ички бозорда уларнинг рақиблари йўқ.

Бозорга ўтиш, мулкчиликнинг хилма - хил шаклларини яратиш жараёнида бозор иқтисодиётига хос бўлган ўзини - ўзи бошқариш механизмлари - бозор муносабатлари иштирокчиларидан ҳар бирининг максимал даражада фойда олишга интилиши, рақобатчилик шароитлари ва шу кабилар ишга киришди ҳамда борган сари кўпроқ таъсирчан бўлиб бормокда. Бозор иқтисодиётида хўжалик нисбатларининг асосий бошқарувчиси-бозорнинг ўзидир.

“Хуфёна бозор”- бунда бирон бир давлатнинг қонун ҳужжатларида белгиланмаган моддий, материал қийматликлари: наркотик моддалар, қурол - аслаҳа, “ноу - хоу”, давлат сирлари ва бошқаларнинг яширин ҳолдаги олди – сотдиси амалга оширилади. Бундай савдони амалга оширувчилар жиноий жавобгарликка тортилади.

1.2. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос йўллари

Бозор иқтисодиёти деганда иқтисодий фаолиятда эркинликка, хўжалик юритишда оқилоналик тамойилларига асосланган демократик иқтисодиёт тушунилади.

Бозор иқтисодиётига эркинлик хос бўлиб, уни мулкчилик шакли таъминлайди. Бунадй иқтисодиётда хусусий мулк, жамоа мулки ва давлат мулки мавжуд бўлиб, у ёки бу мулкнинг якка ҳокимлиги бўлмайди. Барча мулклар тенг, улар чекланмаган ҳолда ривожланади. Мулкчиликнинг асосини хусусий мулк ташкил этади. Тарихан бозор иқтисодиётининг 2 тури мавжуд бўлган. Биринчиси, **“ёввойи”**, иккинчиси, **“маданий”лашган бозор иқтисодиёти.**

Ёввойи бозор иқтисодиётининг асл намунаси XVIII ва XIX асрларга хос бўлиб, унинг асосий белгилари қуйидагилардан иборат бўлган:

- якка эгаликдаги хусусий мулкнинг ҳукмрон бўлиши, мулкнинг озчилик қўлида тўпланиши;

- иқтисодиётнинг стихияли ўсиши, яъни иқтисодий бебошлик ва тартибсизликнинг бўлиши;

- номаълум бозор учун кўр - кўрона равишда товар ишлаб чиқариш, товарнинг сотилиши ёки сотилмаслигининг номаълумлигиги;

- рақобат курашининг қонун-қоидасиз, террор, зўравонлик, қаллоблик каби ғайриинсоний усуллар билан бориши;

- тадбиркорлар ўртасида шерикчилик алоқаларининг тасодифий бўлиши;

- давлатнинг иқтисодиётга аралашмаслиги, ундан четлашиб қолиши;

- тартибсизлик натижасида кучли иқтисодий тангликларнинг келиб чиқиши, иқтисодий талофатларнинг юз бериши;

- кишиларнинг ўта бой ва ўта камбағалларга ажралиб қолиши, улар ўртасидаги синфий курашнинг мавжудлиги, ижтимоий мувозанатнинг йўқлиги.

Аммо ёввойи иқтисодиёт абадул-абад сақланмайди. У маданийлашган бозор иқтисодиётига айланиб боради. Маданийлашган бозор иқтисодиётининг ҳам ўзига хос белгилари бор. Улар қуйидагилардан иборат:

- асосий бўлган хусусий мулк билан бир қаторда бошқа мулк шакллари ҳам мавжуд бўлади, мулкий мувозанат юзага келади;

- иқтисодиётдаги бебошлик қаттиқ чекланади, иқтисодиёт тартибга солинади;

- бозор талабни ҳисобга олади, ишлаб чиқариш талабига мослашади;

- рақобат кураши белгиланган қоидаларга биноан ҳалол боради, унинг маданий усуллари қўлланилади;

- иқтисодиёт субъектлари (иштирокчилари) ўртасида доимий ва узоқ даврга мўлжалланган, ўзаро манфаатли шерикчилик алоқалари ўрнатилади;

- давлат иқтисодий ҳаётга аралашади, ўз чора - тадбирлари билан иқтисодий тамойилларнинг амал қилиши учун шароитлар ҳозирлайди;

- иқтисодиёт тартибга солиб турилганидан чуқур иқтисодий тангликлар юз бермайди, иқтисодий тангликдан тезда чиқилади;

- иқтисодиёт юксак бўлганидан жамият бой бўлади, тадбиркорлик фақат фойда топиш учун эмас, балки эл оғзига тушиш, обрў - эътиборли бўлиш учун ҳам олиб борилади;

- иқтисодиёт ижтимоий йўналтирилган, оммавий фаровонликни таъминлашдек аниқ мўлжалга эга бўлади;

- кишиларнинг иқтисодий жихатдан табақаланиши чегараланади, ўзига тўқ, ўртаҳол аҳоли асосий ижтимоий қатламга айланади. Шу боисдан жамиятда ижтимоий қатламга мувозанат сақланиб, кишилар ўртасида тўқнашувларга ўрин қолмайди.

Бозор иқтисодиёти қачонки, инсонлар моддий ва маънавий эҳтиёжлари билан узвий боғлангандагина, фуқоролар манфаатлари ижтимоий қонунлар билан ҳимоялангандагина, ҳар бир шахснинг сиёсий, иқтисодий ва маданий эркинлиги, ижодкорлиги таъминлангандагина руёбга чиқади. Зеро, бозор муносабатлари ижодкор, уддабурон, маърифатли инсонларнинг ижодий қобилияти, ишбилармонлик ва тадбиркорлигини юзага чиқариш асносида халқ моддий ва маънавий фаровонлигини таъминлашнинг бирдан - бир йўлидир.

Бозор иқтисодиётини ҳаракатга келтирувчи кучлардан бири бу хусусий тадбиркорликдир. Оламга машҳур Форд янги машина ишлаб чиқарганида халқнинг ғамини еб, хайрли иш қилишим керак, деб харажат қилмаган, албатта. У бу ишни ўз манфаати учун фойда олиш учун қилган. Фойда бу тараққиётни етакловчи куч сифатида хизмат қилади. Даромад келтирувчи иқтисодгина тараққиётга эга ишбилармонлар, тадбиркорлар бўлсагина, мустаҳкам мулкчилик пайдо бўлади. Эртага ҳеч ким уни мусодара қилмаслигига ишончи ҳосил бўлсагина, бу мулк фойда келтиради.

Бозор иқтисодиёти афзалликлари жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг тамойилларида яққол кўзга ташланади. Масалан, иккинчи жаҳон урушида тўла вайрон бўлган, ниҳоятда катта моддий ва маънавий талофатга учраган Япония бозор иқтисодиётига ўтиши туфайли деярли бир авлод ҳаёти давомида ўзини тиклабгина қолмай, энг юқори ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олди. Жанубий Корея ўтган чорак аср давомида ниҳоятда тараққий этиб, “Осиё йўлбарси” деган ном олди. Бозор

иқтисодиёти шароитида Хитой мислсиз ривожланиш йўлига ўтди ва бу тажриба бутун жаҳонни лол колдирди.

Бозор иқтисодиёти савдо - сотиқ, товар - пул муносабатларига асосланган бўлиб, ўзига хос иқтисодий қонунлар асосида бошқарилади. Унинг амал қилиши учун маълум шарт- шароит мавжуд бўлмоғи лозим. Уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

- ҳар бир мамлакатнинг тарихий, минтақавий, миллий, иқтисодий, сиёсий хусусиятларини ҳисобга олиш, барча ресурс ва имкониятлардан тўлиқ фойдаланишга интилиш;
- иқтисодий эркин ва мустақил товар ишлаб чиқарувчиларнинг мавжудлиги;
- мулкчилик шаклларининг хилма - хиллиги ва нисбатан тенглигига эришиш, рақобат учун тўлиқ шарт - шароит яратиш ва рақобатни қўллаб - қувватлаш;
- ишбилармонлик, хусусий ташаббус ва шахсий иқтидорни қўллаб-қувватлаш;
- юқори унумли меҳнатни рағбатлантириш;
- ишлаб чиқаришни экспортга мўлжаллаб қуроллантириш ва ташкил этиш ҳамда экспорт молларини, уларнинг хилларини кўпайтириш;
- ҳамма жабҳаларда эркинлик ва озодликка эришиш, демократияни ҳар томонлама юксалтириш, ҳуқуқий давлат ва ҳуқуқлар устунликни таъминлаш;
- бозор инфратузилмасини яратиш ва мукаммаллаштириш;
- ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида, айниқса иқтисодиётда бозор иқтисодиёти муносабатларини шакллантириш, ва бошқа шарт - шароитлар.

Бозор иқтисодиёти умуман олганда қандайдир мутлақ жумбоқ ва янгилик эмас, у инсониятга минг йиллар давомида хизмат қилиб келмоқда. Айниқса, бозор иқтисодиёти Шарқ мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистонда қадимдан маълум. Эрамиздан олдинги II асрдан милоднинг XVI асригача давом этган Буюк Ипак йўли тажрибасининг ўзи бозор иқтисодиётининг мукаммал шаклидир.

Бозор иқтисодиёти барча мамлакатларда ўз хусусиятларига эга бўлиб, илмий иқтисодиётда ҳар хил моделлар шаклида қарор топган. Улар орасида ўзининг ёркинлиги, самарадорлик даражаси

билан жаҳон иқтисодиёти тарихига кирганлари Америка, Германия, Хитой, Швеция, Туркия, Япония, Жанубий Корея андозаларидир.

Америкача андозанинг ўзига хос хусусияти унинг тадбиркорликни аҳоли орасида кенг ёйишга, оммавийлигига эришишга интилишидадир. У жамият аъзоларидан ҳар бирининг ишбилармонлик фаолиятини қўллаб - қувватлаш, иқтисодий фаоллигини, хусусий манфаатдорлигини ошириш, бойиши учун кенг ва тўлиқ, шарт - шароит яратишга қаратилган. Мамлакат иқтисодий ривожланишидаги айрим зиддиятлар, пасайиш ва инфляция сингари нохушликлар кўплаб суғурта, хайрия жамғармалари, қолаверса, давлат ёрдами туфайли ҳал этиб борилади. Бунда давлат барча қонунларни (улар ҳамма соҳаларни қамраб олган) тўла ва тўғри бажарилишини кузатиб боради.

Японча андоза иккинчи жаҳон урушида вайронага айланган мамлакатда, ўз ахолиси ҳисобига, ҳокимиятни ҳар томонлама ва сўзсиз қўллаб - қувватлаши Япония ватанпарварлик туйғуси асосида яратилди. Бу модел энг аввало, ишлаб чиқаришни четга маҳсулот ишлаб чиқаришга мослаштириб, валюта ишлаш, пулнинг эвазига хорижий мамлакатлардан энг янги техника ва технология, лицензия ва “ноу - хоу” сотиб олиб, ўз технологиясини янгилаш, юқори меҳнат унумдорлигига эришиш, тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли табақаланишини тезлаштириш ҳисобига вужудга келтирилди. Мақсадга етилгач, аҳолининг эҳтиёжманд қисмига давлат ва фирмалар ёрдами кучайтирилди, умумий фаровонликка эришилди.

Шведча андоза америкача ва японча моделлардан фарқли ўлароқ, иқтисодиётни кўпроқ ижтимоий йўналишда ташкил қилинганлиги, иш ҳақи орасидаги фарқнинг юқори эмаслиги билан ажралиб туради. Бу модель миллий даромадни аҳолининг эҳтиёжманд қисми фойдасига кўпроқ тақсимлаш ва оқибатда, аҳоли орасидаги табақаланиш, тенгсизликни камайтиришга қаратилган. Шунинг учун ҳам Швеция ахолиси фаровонлик жихатидан жаҳонда етакчи ўринни эгаллайди.

Бу андоза шаклланишида Швециянинг тарихан иқтисодий юксак ривожланганлик даражаси ва меҳнаткашлар касаба ташкилотларининг жамиятда, айниқса, ишлаб чиқаришда тутган катта таъсирчанлиги алоҳида ўрин тутади. Бу андозаларнинг қайси бири республикамиз учун кўпроқ қўл келиши, маъқул бўлиши

ҳақида ҳамон қизғин тортишувлар бўлиб туради. Ваҳоланки, бу борада энг тўғри ва маъқул йўл - республикамизнинг ўз ривожланиш йўли - ўз андозасини яратиш йўлидир.

Ҳозирги даврда бозор иқтисодиётига ўтиш деганда цивилизациялашган, яъни маданийлашган иқтисодиёт сари бориш тушунилади.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг икки жихати бор**:** биринчиси - бозор иқтисодиётига қандай мазмундаги иқтисодиётдан ўтилиши бўлса, иккинчиси - бозор иқтисодиётига қандай таҳлитда ўтилади, унинг йўллари, усуллари ва шиддати қандай бўлади деган масала. Шу нуқтаи назардан қарасак, **бозор иқтисодиётига ўтишнинг 3 та йўли борлигини кўриш мумкин:**

1) **Классик йўл.** Бу ҳозирги ривожланмаган мамлакатларга хос бўлган, узоқ давом этган йўл. Натурал хўжаликдан ҳозирги бозор иқтисодиёти сари тараққиёт бир неча асрлар давомида боради.

2) **Мустамлакачилик асоратидан озод бўлган ёш мамалакатларнинг бозор иқтисодиётига ўтиш йўли.** Бунда бозор иқтисодиётига ўтиш хусусий мулк ва хўжалик юритишнинг хусусий усуллари замирида юз беради.

3) **Собиқ ижтимоийистик мамлакатларнинг бозор иқтисодиётига ўтиш йўли.** Бу тўла давлатлаштирилган, режали иқтисодиётдан эркин бозор иқтисодиётига ўтишни билдиради.

Бозор иқтисодиётининг тамойиллари, қонун - қоидалари, охирги мақсад бир хил бўлса-да, аммо унинг йўллари ҳар хил. Ўзбекистон олдида икки стратегик - истиқбол кўзланган вазифа туради. Уларнинг бири - мустақиллик учун иқтисодий пойдевор қуриш. Иккинчиси - бозор иқтисодиётига ўтиш. Иқтисодий мустақилликка бозор механизми орқали эришилади, лекин унинг Ўзбекистонда шаклланиши ўзига хос йўл билан юз бермоқда. Бу йўл бозор иқтисодиётининг умумийлигини эътироф этган ҳолда Ўзбекистоннинг миллий хусусиятларини ҳисобга олади.

Бу хусусиятлар қуйидагилардан иборат:

1) Ўзбекистон иқтисодиёти кам ривожланган бўлса-да, унинг ишончли салоҳияти бор.

2) Ўзбекистон табиий ва меҳнат ресурсларига бой диёр, унинг сахий ери ва меҳнатсевар халқи бор.

3) Ўзбекистон ахолисининг ўсиш суръатлари жадал, шу боисдан меҳнат ресурслари тез ортиб боради.

4) Ўзбекистон иқтисодиётида қишлоқ хўжалигининг ўрни катта, шу боисдан аҳолининг катта қисми қишлоқ жойларда истиқомат қилади.

5) Ўзбекистон шарқий цивилизацияга мансуб мамлакат. Бу ерда шарқона иқтисодий кўникмалар, ота - боболардан мерос қолган хўжалик юритиш усуллари бор.

Айтилган хусусиятлар Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти сари боришнинг ўзига хос йўлини танлаш учун асос бўлди. Бу йўл жаҳон тажрибасига таянган ҳолда, аммо Ўзбекистоннинг миллий манфаатини, бу ердаги реал шароитни ҳисобга олган ҳолда бозор иқтисодиётига ўтишни билдиради. Бу йўл бозор иқтисодиётига инқилобий сакрашларсиз, ижтимоий ларзаларсиз, тинчлик ва хотиржамлик шароитида, халқни ижтимоий ҳимоя қилиш орқали секин-аста, босқичма - босқич ўтилишини таъминлайди.

Ўзбекистоннинг ўзига хос йўли Президент И. А. Каримов олға сурган **беш тамойилда** ифодалаб берилди ва иқтисодий тафаккур хазинасига катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Биринчи тамойил - иқтисодиётнинг устуворлигини таъминлаш. Бу иқтисодиётнинг ўз қонун - қоидаларига биноан ривожланишини, аввал иқтисодиётни ўнглаш, сўнгра эса бошқа ижтимоий муаммолар ечимига ўтишни билдиради.

Иккинчи тамойил - давлат бош ислоҳотчи бўлиши керак. Бу тамойил бозор иқтисодиётига ўтиш тартибсиз равишда, ўзибўларчилик асосида эмас, балки давлат раҳбарлигида амалга ошадиган ислоҳотлар орқали юз беришини билдиради.

Учинчи тамойил - қонунлар ва уларга риоя этишнинг устуворлигини таъминлаш. Бу тамойил бозор иқтисодиётига ўтиш тартибли равишда, ҳамманинг кенг жамоатчилик иштирокида давлат ишлаб чиққан қонунларига сўзсиз риоя этиши орқали боришини билдиради.

Тўртинчи тамойил - фаол ижтимоий сиёсат юритиш. Бу иқтисодиётга кучли таъсир эта оладиган, халқнинг ижтимоий ҳимоясини, унинг фаоллигини таъминлайдиган, адолатни юзага чиқарадиган ижтимоий сиёсатга амал қилишни билдиради.

Бешинчи тамойил - бозор иқтисодиётига босқичма - босқич ўтиш. Бу тамойил чуқур иқтисодий ислоҳотларни шошмасдан, собитқадамлик билан амалга оширишни билдиради.

Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтишда “Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг” нақлига амал қилиб, сакрашларсиз, инқилобий ўзгаришлар йўли билан эмас, балки изчиллик билан, босқичма-босқич бориш йўлини танлади. Бу эса бозор иқтисодиётига ўтишда Ўзбекистон андозасининг ўзига хос хусусиятидир. Бунда бир босқич тугалланиб, янгисига ўтилади.

Ҳар бир босқичда ўзига хос устуворликлар шаклланади, уларни таъминлаш воситалари такомиллашади. Ҳар бир босқич муддати унда ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоларга, ташқи омиллар қулайлигига, аҳолининг фидокорона меҳнатига боғлиқдир.

Ташкилий, иқтисодий, молиявий, кредит тизимларини ўзгартириш, ҳуқуқий асос, бозор инфратузилмасини барпо этиш, талаб ва таклиф мутаносиблигига асосланган қонунларни амалга ошириш учун эски тасаввурлар ва одатларни ўзгартириш, албатта, вақт талаб этади. Айниқса, кишиларнинг тафаккурини, одат тусига кирган қоидаларни ўзгартириш муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир босқичда кишиларнинг тафаккурини ўзгаришларига тайёрлаш, уларни амалий фаолият орқали янги тузум афзаллигига ишонтириш лозим бўлади. Зеро, бозор шарт - шароитларига кишиларни руҳан тайёрламай туриб, кутилган натижага эришиб бўлмайди. Бозор муносабатларига хос бўлган руҳият, дунёқараш шакллансагина, инсонлар шунга мувофиқ иш тутсаларгина бозор иқтисодиёти воқеликка айланади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш қонун устуворлиги, кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш, инсон фаолияти учун ҳуқуқий кафолат, ижтимоий ҳимоя, муҳтож табақаларни ҳар жихатдан қўллаб - қувватлаш, бир текисчиликдан воз кечиш, меҳнат бозорини яратиш, маънавиятни ўстириш, ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш, мулкчилик, кредит, банк тизими, пул муомаласини мустаҳкамлаш ва бошқа масалалар билан изоҳланади. Бозор иқтисодиёти ишлаб чиқарилган маҳсулотни айирбошлашда, нархлашда истеъмолчи эҳтиёжининг ишлаб чиқаришга таъсиридир. Бозор иқтисоди асрлар бўйи ривожланиб келган азалий умуминсоний қадриятдир. Унинг энг муҳим

белгиларидан бири маҳсулот ишлаб чиқарувчининг иқтисодий эркинлиги, мустақил иқтисодий фаолият юритишидир. Бундай қилиш учун эса у мулк эгаси бўлиши лозим. Яъни, деҳқон ўз хусусий ерига эга бўлсагина яхши ишлайди, унинг шу пайтгача “давлат мардикори” бўлиб келгани энг катта хатодир. Энди у ўзи яратган маҳсулотнинг мулкдори, уни истаган нархда, истаган вақтда сотиши мумкин. Шунингдек, олувчи ҳам хоҳлаган нархда, хоҳлаган ердан олиши мумкин, уларнинг муносабатлари эркин ва ихтиёрийдир. Бозор иқтисодиёти шароитида мол эгаси эмас, ҳаридор ўз шартини қўяди. Ишлаб чиқарувчи истеъмолчининг талаб - эҳтиёжини қондиргандагина даромад олади, кун кўради, акс ҳолда хонавайрон бўлади. Бозор иқтисодиётининг қуйидаги муҳим қонунлари бор:

- талаб ва таклиф қонуни;
- пул муомаласи қонуни.

Бозор иқтисодиёти якка ҳокимликни инкор этади, эркин рақобатни юзага келтиради.

1.3. Рақобат турлари ва рақобат воситалари

Рақобат бу тадбиркорликнинг ажралмас бир бўлагидир. **Рақобат** - умумижтимоий категория бўлиб, ижтимоий жараён қатнашчилари ўртасида яхшироқ яшаш учун бўладиган курашни англатади.

Рақобат иқтисодий фаолият иштирокчиларининг ўз манфатларини тўлароқ юзага чиқариш, яъни яхши даромад топиш, ўз мавқеини мустаҳкамлаш, ўз қобилиятини намоён этиши ва имиж (обрў - эътибор)га эга бўлиши учун бошқалар билан курашувидир.

Бозор тизимида рақобатнинг **мукаммал ва номукаммал рақобатдан** иборат икки асосий тури бор.

Мукаммал ёки соф рақобат шундай рақобатки, унда кўпчилик қатнашади. Эркин рақобатли бозорда сотувчилар ва ҳаридорлар кўпчилик бўлиб, улардан ҳар бири монопол мавқега эга бўлмайди, бозорда зўравонлик қилиб, ўз измини юргиза олмайди.

Номукаммал рақобат чекланган рақобат, табиатан монопол рақобатдир. Бунда кўпчилик бўлмаган, лекин товарларнинг катта қисмини таклиф этувчи ёки сотиб олувчи фирмалар

рақобатлашади. Номукаммал рақобатнинг олигаполистик рақобат деган тури ҳам борки, унда ғоят озчилик, лекин йирик фирмалар қатнашади. Шу боисдан рақобат тор доирада юз беради. Олигаполистик рақобатга мисол қилиб, автомобиль бозоридаги рақобатни олиш мумкин. Масалан, Германияда “Мерседес - Бенц”, “БМВ”, “Фолксваген” ва “Оппель” каби фирмалар автомобиль бозорида ўзаро рақобатлашадилар, уларга бас келадиган фирмалар умуман йўқ. Аммо улар ҳам жаҳон бозорида “Форд”, “Тайота”, “Пежо” ва “Вольво” каби фирмалар рақобатига йўлиқади.

Номукаммал рақобатнинг яна бир тури соф монополистик рақобатдир. Бу рақобатга хос белги у ёки бу тармоқда айнан бир фирманинг ҳукмронлик қилишидир. Масалан, Тошкент трактор заводи Ўзбекистондаги трактор бозорида танҳо ҳукмрон, ундан бошқа тракторсозлик заводлари йўқ. Лекин четдан, хорижий мамлакатлардан келтирилган тракторлар унинг товари билан рақобатлашади.

Соф монополияни икки омил юзага келтиради:

а) технологик монополия - техникавий янгиликлар йирик фирмалар қўлида тўпланади, натижада бошқалар улардан фойдалана олмайдилар ёки фойдаланган тақдирда ҳам бунга катта пул тўлайдилар, натижада уларнинг товарлари қимматга тушиб, рақобатга чидай олмайди;

б) табиий монополия - ер ости ва ер усти бойликлари айрим фирмаларнинг ихтиёрида бўлиб, бошқалар улардан фойдалана олмайди. Масалан, бир фирма нефтга бой бўлган ерни сотиб олган бўлса, бошқа фирмалар шу ерда нефт қазиб олиб, нефт бозорида рақобат қила олмайди.

Рақобат кураш воситалари ва усуллари жихатидан **ҳалол рақобат ва ғирром рақобатга** бўлинади.

Ҳалол рақобат қонуний, йўл берилган ва ҳамма тан олган, инсоний усуллар билан ўзаро беллашувдир.

Ғирром рақобат ман этилган воситалар ёрдамида ва ғайриинсоний усуллар билан олиб борилган курашдир.

Ғирром рақобат ёввойи бозор иқтисодиётининг, ҳалол рақобат маданий (цивилизациялашган) бозор иқтисодиётининг белгиси ҳисобланади. Ғирром рақобат юз берганда жосуслик, кўпорувчилик, рэкет, туҳмат, товар белгисини ўғирлаш ва хатто

қотиллик каби усуллар қўлланилади, рақибни турли йўллар билан обрўсизлантириш чоралари кўрилади.

Ҳалол рақобатда маданий усуллар қўлланилади. Бу усуллардан нарх воситасида рақобатлашув, товар сифатини ошириш орқали курашиш, сервис (хизмат кўрсатиш) орқали беллашув кенг тарқалган. Бу усуллардан алоҳида-алоҳида эмас, балки биргаликда фойдаланиш ҳам қўлланилади.

Рақобатнинг турли усулларини қўллашдан асосий мақсад, харидорни ўз товарига жалб этиб, унинг пулини олишдир. АҚШда буни “истеъмолчи доллари учун кураш” деб атайдилар. Рақобатчилик усули қанчалик самарали бўлса, ғолиб чиқиш имконияти шунчалик кўп бўлади.

Ҳозирги рақобат курашида товар рекламасига алоҳида эътибор берилади.

Реклама товарнинг нафлилиги ҳақида холисона ахборот бўлиб, турли йўллар билан харидорга етказилади. Бозор қоидасига биноан, рекламага пулини аямаган фирма рақобатда ғолиб чиқади. Реклама савдо-сотиқни ҳаракатга келтирувчи кучдир.

1.4. Рақобат стратегияси ва рақобат босқичлари

Рақобат курашида самарали фаолият юргизиш, унда муваффақият қозониш рақобат стратегиясининг қанчалик пухта, изчил, узоқни кўра оладиган режасини ишлаб чиқишга узвий боғликдир.

Рақобат стратегияси рақобат курашининг узоқ даврга мўлжалланган бош йўли ва йўл - йўриқларини ифода этади**.**

Стратегиянинг мақсади тез кунда фойдани максималлаштириш, оз фойда билан қаноат қилган ҳолда ўз бозорини кенгайтириш ёки рақибни бозордан сиқиб чиқариш, янги бозорга аста - секин кириб бориш каби масалаларда ҳаракат йўлларини белгилашдан иборат. Стратегияга қараб кураш тактикаси (усули ва шакллари) танланади.

Фирмалар рақобатнинг бир усулидан аста - секин бошқа усулига ўтиши ёки бир йўла турли усулларни қўллаши мумкин. Масалан, Хитой фирмалари сифати паст бўлса-да, арзон товарлар чиқариб, нарх рақобати йўлидан, Ғарбий Европадаги фирмалар нархи юқори бўлса-да, сифатли товарларни таклиф этиш йўлидан

борадилар, чунки Ғарбий Европада аҳолининг ҳарид қобилияти Хитойга қараганда анча юқори. Янги индустриал давлатлардаги (Тайвань, Гонконг, Сингапур, Корея Республикаси) фирмалар ҳам сифат, ҳам нарх воситасида рақобатлашувга мойил. Бу мамлакатларда юксак технология мавжуд ва ишчи кучи малакали бўлса-да, арзон туради. Натижада мавжуд афзалликлар харажатларни пасайтирган ҳолда, сифатли товар чиқариш имконини беради. Бунга мисол қилиб Кореянинг “Самсунг электроник” компанияси бозорга чиқарадиган телевизорларни ва ДЭУ корпорацияси автомобилларини олиш мумкин. Улар рақобатбардош бўлганидан жаҳон бозорига шиддат билан кириб бормокда.

Рақобатга ҳар хил ёндашув Ўзбекистонда ҳам бор. Масалан, Тошкент бозори учун ишловчи фирмалар ҳам нарх, ҳам сифат рақобатини қўллаши мумкин, бу шаҳарда аҳолининг бой қатламлари борки, улар учун нархга кўра товарнинг сифати афзалроқ, айни вақтда аҳолининг камқувват қисми ҳам борки, улар учун товарнинг арзон бўлиши муҳим. Нукус ва айрим бошқа шаҳарлардаги фирмалар кўп ҳолларда нарх рақобатига мойил бўладилар, бу ерда аҳолининг ҳарид қобилиятига кўра арзон товарлар рақобатбоп ҳисобланади.

Рақобат қўл ковуштириб ўтиришга йўл қўймайди, у кураш бўлганидан ҳаммани ҳаракатга, яхши ишлашга ундайди.

Рақобат бозор иқтисодиётини ҳаракатга келтирувчи механизм, уни олға элтувчи куч ҳисобланади.

Рақобатдаги иқтисодий танлов тамойилига кўра иқтисодиёт иштирокчилари сараланади, яхши ишлаган фирма бойиб боради, ёмон ишлагани синади, ёпилади ёки кучли фирмаларга қўшилиб кетади. Рақобатга бардош бера олмаган фирмалар зарар кўрадилар, ўз мажбуриятлари бўйича пул тўлай олмай қоладилар, яъни банкрот ҳолига тушадилар.

Бозор иқтисодиётининг илк белгилари пайдо бўлиши билан унга хос рақобат ҳам юзага келади. Иқтисодиёт ривожига мос ҳолда рақобатчилик муносабатлари ҳам такомиллашиб боради. Бозор рақобати тарихан 4 босқичдан ўтади.

Биринчи босқич - бу натурал хўжаликдан бозор иқтисодиётининг дастлабки шаклларига ўтиш бўлиб, бу даврда рақобат майда товар ишлаб чиқарувчилар ўртасида боради. Бу

босқичда рақобат маҳаллий бозорлар доирасида борсада, у бир турдаги товар ишлаб чиқарувчилар ўртасида бўлади. Рақобатда ғолиб чиқиш воситаси тажриба тўплаб, меҳнат маҳоратини ошириш ҳисобланади.

Иккинчи босқич - бу капиталистик эркин рақобат босқичидир. Бу босқич товар хўжалигининг оммавий тус олиши билан, майда товар ишлаб чиқариш ўрнига йирик машиналар тизимига ва ёлланган меҳнатга таянган товар ишлаб чиқаришнинг келиши билан ҳарактерланади. Рақобатни чеклашлар бўлмайди, у эркин курашга айланади, бу кураш маҳаллий бозорлар доирасидан чиқиб, миллий бозор миқёсида юз беради. Рақобат шиддатли боради, унинг иштирокчилари кўпчиликдан иборат бўлади. Рақобатда ғолиб чиқишнинг шарти янги техникани жорий этиб, меҳнат унумдорлигини ўстириш, янги товарларни ишлаб чиқариш бўлади.

Учинчи босқич - бу монопол рақобат босқичи бўлиб, у якка ҳокимликка интилувчи йирик корхоналарнинг курашидир. Рақобат иқтисодни монополлашган ва монополлашмаган соҳаларида алоҳида боради, аммо бу соҳалар ўртасида ҳам кураш кетади. Рақобатда енгиб чиқиш шартлари иккинчи босқичдагидек бўлади, аммо ўзаро курашда бозорни эгаллаб олиш, сиёсий ҳокимиятдан фойдаланиш кабилар кенг қўлланилади. бу босқичда монопол рақобат етакчи бўлса-да, эркин рақобат йўқолиб кетмайди, у иккинчи қаторга сурилади. Иқтисодиётда монопол рақобат соҳаси ва эркин рақобат соҳаларига ажралиш бўлади.

Тўртинчи босқич - янгича эркин рақобат босқичи бўлиб, у аралаш иқтисодиётга хосдир. Бу босқичда рақобатчилар ғоят кўпчилик бўлиб, улар йирик корпорациялар, ўртача, майда ва ўта майда корхоналардан иборат бўлади. Рақобат доираси кенгайиб, у ишлаб чиқаришдан ташқари, хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам фаоллашади, у молия бозорига шиддат билан кириб боради, хатто саёхат бизнеси, шоу (томоша) - бизнес, спорт бизнеси, ҳарбий бизнес кабиларни ҳам ўз домига тортади. Рақобатлашув байналмилаллашиб, халқаро бозор доирасида ҳам юз беради. Энг янги техника - технологияни қўллаш, бошқаришни компьютерлаштириш, товар таркибини зудлик билан янгилаш, энг малакали иш кучига эга бўлиш ва, ниҳоят, замонавий маркетинг хизматини уюштириш рақобатда енгиб чиқиш шартига айланади.

Рақобатни унинг ҳарактерига қараб ҳам баҳолаш мумкин. Қайси босқичда юз беришдан қатъий назар, рақобат 2 типда бўлади, яъни у тартибсиз **ёввойи рақобатдан** ва қонун - қоидалар билан тартибга солинувчи **цивилизациялашган рақобатдан** иборат. Турли босқичларда ҳар иккала рақобат типининг нисбати ҳар хил бўлади. Цивилизациялашган рақобат аралаш иқтисодиётга хос бўлади, аммо у бирдан эмас, балки секин - аста рақобатнинг асосий типига айланади. Бу бозор муносабатининг ривожланишидан келиб чиқади. Аралаш иқтисодиёт бозор ва нобозор муносабатининг яхлитлиги бўлганидан бу ерда рақобат билан биргаликда шерикчилик алоқалари ҳам амал қилади.

Рақобат иштирокчиларининг ижтимоий - иқтисодий мақоми бир хил эмас, шу сабабдан, уларнинг бевосита мақсади ҳам фарқланади. Тадбиркорнинг мақсади кўпроқ фойда кўриш, ишчиники яхши иш ҳақи олиш, ер эгасиники ердан даромад олиш, пулдорники пулидан кўпроқ пул чиқариб олиш. Рақобат фақат индивидуал манфаатни эмас, балки жамоанинг биргаликдаги манфаатини ҳам кўзлайди. Айрим кишининг манфаати бир томондан, алоҳидалашган, иккинчи томондан, жамоа манфаатига бирлашган, шу орқали юзага чиқади. Ишловчилардан ҳар бири яхши иш жойи учун курашади, улар жамоа доирасида унинг манфаати йўлида биргаликда, бошқа жамоалар билан рақобатлашади. Рақобат хўжаликнинг ҳамма соҳасида боради, унда иқтисодий фаол кишилар қатнашади.

Бозор хўжалигидаги рақобат ким бўлишидан қатъий назар, яхши ишлаганларни ютиб чиқишини билдиради. Шу жихатдан у бозор иқтисодиётини ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланади, иқтисодий ресурсларни тежамли ишлатишга, товар ва хизматларни кўплаб ва сифатли ишлаб чиқаришга ундайди. У хўжалик юритишнинг энг самарали усулларини юзага келтиради, иқтисодий алоқаларнинг энг маъқулини топишга мажбур қилади.

Рақобат иқтисодий ўсишни таъминлайди, бу эса ўз навбатида рақобат доирасини кенгайтиради, чунки тадбиркорлар сафи кенгайиб боради. Рақобат бозорнинг ҳамма турларида амал қилади. Тадбиркорлар товар бозорида сотувчи сифатида, ресурслар бозорида эса ҳаридорлар сифатида рақобатда бўлишади. Ишчилар меҳнат бозорида яхши иш жойини эгаллаш учун курашадилар. Рақобат ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар ўртасида ҳам

боради, бу сотувчи ва ҳаридор рақобатида кўринади. Сотувчи қимматроқ сотишга интилса, ҳаридор арзонроқ сотиб олишни мўлжаллайди. Бу молия бозорида ҳам бўлади. Пулдорлар ўз пулини қарзга берганда қарз ҳақини (фоизни) оширишга интиладилар, қарз олувчилар уни пасайтиришга ҳаракат қиладилар. Ер эгалари ерга ижара ҳақини оширишни мўлжаллайдилар, ижарачилар эса аксинча, пасайтириш чораларини кўрадилар. Хуллас, рақобатлашув иқтисодий фаолиятнинг ҳамма турларига хос бўлади, у бозорнинг ўзида ва бозордан ташқарида боради. Бозорда рақобат бевосита юз берса, бозордан ташқарида хусусан, ишлаб чиқаришда унга ҳозирлик кўрилади, рақобатда ғолиб чиқиш чора - тадбирлари амалга оширилади. Бозорда нархни ўзгартириш, савдо рекламасини ташкил этиш орқали беллашув юз беради. Бозор рақобатнинг шартлари: - шароити қандайлиги ҳақида ахборот беради, унга асосланиб чора - тадбирлар ишлаб чиқилади. Бу ўринда маркетинг алоҳида аҳамият касб этади.

Таянч сўз ва иборалар. Назорат ва мулоҳаза учун саволлар Бозор тушунчаси, бозорнинг функциялари, бозорнинг турлари, эркин бозор, монопол бозор, монопол рақобатли бозор, олигаполистик бозор, соф монополия бозори, бозор иқтисодиётининг белгилари, бозор иқтисодиётининг икки тури, бозор иқтисодиётига ўтишнинг уч йўли, Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишининг ўзига хос йўли, рақобат тушунчаси, рақобат турлари, рақобат воситалари, рақобат босқичлари, рақобат стратегияси.

Назорат ва мулоҳаза учун саволлар

1. Бозор тушунчаси, моҳияти ва аҳамиятини тушунтириб беринг?
2. Айирбошлаш тизимида бозорларнинг роли ва ўрни нималардан иборат?
3. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида тадбиркорликни ўрни ва аҳамиятини изоҳлаб беринг?
4. Бозор иқтисодиётига ўтишда жаҳоннинг илғор давлатлари андозалари, унинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
5. Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишининг ўзига хос хусусиятларини изоҳлаб беринг?

6. Рақобат нима? Унинг тадбиркорликда тутган ўрни ва моҳияти нималардан иборат?

7. Рақобат босқичларини изоҳлаб беринг. Унинг хусусий тадбиркорликдаги роли нималардан иборат эканлигини асослаб беринг?

8. Рақобатнинг турлари ва воситалари нималардан иборат?

9. Рақобат стратегиясини тушунтириб беринг?

II боб. Кичик бизнеснинг моҳияти ва ривожланиши

2.1. Кичик бизнес тушунчаси ва унинг моҳияти

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш, қўшма корхоналар тузиш, корхоналарни очиқ типдаги акциядорлик жамиятларига айлантириш ва айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масалаларига катта эътибор берилмоsда.

Ўзбекистонда ва Мустақил Ҳамдўстлик Давлатларида бизнес ҳақидаги мақолалар, адабиётлар 60-йилларнинг ўрталарида пайдо бўлган. Бироқ, у пайтдаги барча мақолалар танқидий тарзда ёзилар эди. Чунки бизнеснинг асосини хусусий мулкчилик ташкил этар эди. Хусусий мулкчилик эса ўша давр мафкураси учун бутунлай ёт нарса эди. Бизнесни фан сифатида ўрганиш 90- йилларнинг бошларида, бозор муносабатларига аста - секин ўтиш билан бошланди.

“Бизнес” сўзи инглизча сўз бўлиб, у тадбиркорлик фаолияти ёки бошқача сўз билан айтганда, кишиларни фойда олишга қаратилган турли меҳнат фаолияти маъносини билдиради.

Хорижий адабиётларда бизнес таърифининг кўп турлари мавжуд. Инсоният жамиятининг бутун ривожланиш тарихи у ёки бу жихатдан доимо бизнес билан боғлиқ бўлган.

Бизнесмен (тадбиркор) сўзи биринчи маротаба Англия иқтисодиётида XVIII асрда пайдо бўлиб, у “мулк эгаси” деган маънони билдирган. Жумладан, Адам Смит тадбиркорни мулк эгаси сифатида таърифлаб, уни “фойда олиш учун қандайдир тижорат ғоясини амалга ошириш мақсадида иқтисодий таваккалчиликка борадиган кишидир”, деб тарифлайди. Тадбиркорнинг ўзи, ўз ишини режалаштиради, ишлаб чиқаришни ташкил этади, маҳсулотни сотади ҳамда олган даромадига ўзи хўжайинлик қилади.

Хорижий мамлакат олимлари дарсликларда бизнесга тизимли таъриф берадилар. Америка Қўшма Штати (АҚШ) нинг Техас ва Иллинойа университетлари профессорлари С. Розенблат, Р. Боннингтон ва Б. Нидлслар томонидан тайёрланган “Бизнес концепцияси” дарслигида: “Бизнес нима?” деган саволга, улар:

Бизнес - бу иш юритиш тузилмасидир.

Бизнес - бу инсонларга керак бўлган маҳсулотларни яратишдир.

Бизнес - бу ишдир.

Бизнес - бу бизни қандай яшашимиздир.

Бизнес - бу ижтимоий-иқтисодий тизимимизнинг марказий кўчасидир.

Бизнес - бу ўзимизнинг хоҳиш - истакларимизни қондириш учун яратган тизимимиздир.

Бизнес - бу жамиятни хоҳиш ва эҳтиёжларини қондириш учун яратилган ишлаб чиқариш тизимидир - деб жавоб берганлар.

Бизнес нима? Бизнес - бу пулдан пул қилиш, лекин албатта инсонларга керакли бўлган маҳсулотни ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш натижасида пулдан пул қилишдир. Бизнеснинг формуласи оддий, яъни П-П. Аммо бу оддий формула мазмунида мураккаб ҳаёт жараёни ётади. Бизнес - бу аввало ишлаб чиқаришни ташкил этиш, иқтисодий фаолият ва муносабатлар, ҳаётни ўзи, сўнгра эса пул ишлаши демакдир. Бизнес хорижий сўзбўлиб, у бутун дунё бўйича тарқалган, ундан барча мамлакатларда фойдаланилади. Ўзбек тилида эса бизнес сўзи тадбиркорликни, бизнесмен эса тадбиркор маъносини билдиради ва у маъно жихатдан хорижий сўзга тўғри келсада, унга қўшимча маъно ҳам беради. Бу сўзларни ортида “иш”, яъни иш билан шуғулланиш ёки корхона ташкил қилиш ётади. Шундай қилиб бизнес - бу корхона ташкил қилиш демакдир (саноат корхонаси, савдо дўкони, хизмат кўрсатиш корхонаси, аудиторлик конторaси, адвокат конторaси, банк ва ҳ.к.). Демак, бизнес бу йўқ нарсадан пул қилиш эмас, балки мураккаб ишлаб чиқаришни ёки хизмат кўрсатишни ташкил этиш демакдир. Тадбиркорлик - бу доимо ўз ишининг фидоийси, билимдони бўлиши дегани. Тадбиркорлик учун илм олиш - ўқиш керак, балки тадбиркор бир умр ўқиш, изланишда бўлиши зарур.

Тадбиркор нималарни билиши ва қилиши керак? У энг аввало, тадбиркорлик фаолиятини қандай амалга оширишни, қандай шароитда амалий ҳаракат қилишни, тадбиркор олдида учрайдиган тўсиқларни ҳал қилиш йўлларини ва қандай ютуқларга эришишни билиши зарур. Тадбиркор ишлаб чиқаришни ташкил этишни ҳамда маҳсулотни сотишни билиши лозим. У бозор муносабатлари шароитида юзага келадиган аниқ шароитларни

баҳолашни ва тўғри йўл танлашни билиши шарт. Ҳеч ким, ҳеч қачон тадбиркорга нима қилишни ўргатмайди ва оғир пайтларда ёрдамга келмайди. Ҳар бир тадбиркор фақат ўз кучига, билимига ва заковатига ишониши ва суяниши лозим.

2.2. Кичик бизнесни иқтисодиётда тутган ўрни

Мамлакатимизда хорижий мамлакатлар тажрибасига суянган ҳолда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга давлат томонидан катта эътибор берилмоқда. Бунга 1995 йилнинг 21 декабрида Олий Мажлис томонидан қабул қилинган “Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини мисол қилиб кўрсатса бўлади. Эркин рақобатга тобора кенг имкон яратиш, турли мулкчилик шаклларидаги бозор субъектлари ўртасида бўладиган иқтисодий - ҳуқуқий муносабатларни жаҳон андозалари даражасида ташкил этиш борасида ушбу қонун муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур қонуннинг 2 - моддасида кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг миқёси аниқ белгилаб берилган. Жумладан, саноат ва қурилишда - 50 кишигача, қишлоқ хўжалиги ва ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларида - 25 кишигача, фан ва илмий хизмат кўрсатиш соҳаларида - 10 кишигача, чакана савдода -
5 кишигача бўлган корхоналар кичик ва хусусий тадбиркорлик доирасидаги корхоналар бўлиб ҳисобланади. 2004 йилда кишилар сони тармоқларда 200 тагача ўзгартирилган.

Хўш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланган давлатларда қандай эътироф этилади ва унинг моҳияти нимадан иборат? АҚШ да 500 тагача ходими бўлган корхона кичик корхона ҳисобланади. Германия ва бошқа Ғарбий Европа давлатларида эса 300 тагача ходими бўлган корхона кичик корхона ҳисобланади.

Хорижий мамлакатларда кичик корхоналарни 2 та тамоман ўзгача турларга бўлиш мумкин:

1) ҳаётни таъминловчи корхоналар;
2) тез ўсувчи корхоналар.

Одатда кичик корхоналарнинг қарийиб 80-90% ўта кичик бўлиб, улар ўсиш учун чекланган имкониятларга эга. Бундай корхоналар ҳаётни таъминловчи корхоналар деб юритилади. Ушбу

турдаги корхоналарга маслахат хизмати кўрсатувчи фирмалар, тор доирада ихтисослашган дўконлар, кафе ва шу кабилар киради. Улардаги ходимлар тўлиқ бўлмаган иш кунига эга бўлиб, фирма манзиллари сифатида тадбиркорлар ўз ўйларидан фойдаланадилар. Ҳаётни таъминловчи корхоналар кичик бизнес корхонаси бўлиб, унинг эгаси етарли турмуш даражасини таъминлаш мақсадида ташкил этади.

Иккинчи турдаги корхоналар тез ўсувчи корхоналар деб номланади. Уларнинг бундай номланишига сабаб, уларнинг мақсади тезроқ кичик бизнес чегарасидан чиқиб ривожланишни мақсад қилиб олганлигидир. Тез ўсувчи корхоналар кичик бизнес корхонаси бўлиб, улар тезкор ўсиш тенденциясига ва қўйилган сармоянинг юқори қайтимлигига эга ҳисобланади. Одатда бундай туркум корхоналарга бир неча киши раҳбарлик қилади. Тез ўсувчи корхоналар йирик инвестиция манбаларига тез яқинлаша оладилар ва бунинг натижасида кенг бозорда янги товарлар ва хизматларни киритиш имкониятига эга бўладилар. Бундай турдаги корхоналар ҳар йили АҚШ да чоп этиладиган “Инк” журналида эълон қилинади. 1990 йили 500 та шундай компаниянинг йиллик обороти 9,6 млрд. долларга тенг бўлди ва 56,8 минг иш жойини ташкил қилди. 1990 йилда бу рўйхатда “Коджентрикс” фирмаси пешқадамликни эгаллаб, унинг асосий фаолияти Шарлотта шаҳрида (Шим. Королина штати) электростанцияларни қуриш ва таъмирлаш бўлган. Маълум йилларда ушбу рўйхатда “Чарлз Шваб” ва “Микрософт” корпорациялари карвонбошлик қилганлар. Ҳозирги пайтда ушбу корпорациялар юксак ривожланган корпорациялар сафига киради.

2.3. Ўзбекистонда кичик бизнеснинг шаклланиши ва ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўз кўлами жихатидан иқтисодиётни узлуксизлигини ва барқарорлигини таъминлашда катта ўрин эгаллайди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётга таъсир кўлами бир қатор иқтисодий, ижтимоий, маданий, маърифий ва бошқа жихатларни ўз ичига олади. Биз фақатгина иқтисодий жихатдан муҳим бўлган хусусиятлар ҳақида қуйидагилар бўйича фикр юритамиз:

а). Иш жойларини ташкил этишдаги мавқеининг юксаклиги. Ўтган 10 йил мобайнида АҚШдаги кичик бизнес бўйича бошқарманинг ахборотига кўра, янги иш жойларининг ярмидан кўпи 100 кишидан кам ходим ишлаётган корхоналар ҳиссасига тўғри келади. Тез ўсувчи фирмалар янги фирмаларнинг 27% ташкил этиб улар 60% янги иш жойларини ҳосил қилишда қатнашмокдалар. Шу билан бирга, кичик бизнесда ҳосил қилинган иш жойларининг хусусиятлари мавжуд:

- иш ҳақи ва қўшимча тўловлар, имтиёзларнинг бирмунча пастлиги;
- иш жойларининг қарийиб 25% нотўлиқ иш куни тартибида шаклланади;
- уларда ишловчилар таркибининг турли - туманлиги, яъни биринчи марта ишлаётганлар, ўта ёшлар ва ўрта ёшдан ўтганлар салмоғини кўплиги билан ажралиб туради.

б). Янги товарлар ва хизматларни татбиқ қилиш. АҚШ миллий фондининг ҳисобларига кўра 98% янги маҳсулот хусусидаги тадқиқотлар кичик бизнесда яратилган. Бу ўта муҳим кўрсаткичдир. Ваҳоланки, улар мамлакат бўйича изланишлар ва тадқиқотларга аниқ маблағнинг атига 5% дан камроғини сарфлайдилар. Энг йирик кашфиётлар: хавфсиз соқол олиш ускуналари, электрон соатлар, вертолётлар, зангламас пўлат ва бошқа товарлар кўлами бевосита кичик бизнесда яратилган.

в). Йирик корпорациялар эҳтиёжини қондириш. Йирик компаниялар маҳсулотларини сотиш, уни бозор талаблари асосида шаклланишига кўмак беришда кичик корхоналарнинг аҳамияти юқоридир. Ўз навбатида, йирик ривожланувчан фирмалар ўз иқтисодий стратегияларида майда таъминотчилар билан алоқа ўрнатишни самарали ҳисоблайдилар. Чунки улар мослашувчанлик хусусиятига эгадир.

г). Махсус товарлар ва хизматлар билан таъминлаш вазифаси. Кичик корхоналар мижозларининг ўзгача, махсус эҳтиёжларини қондиришда етакчи ўрин эгаллайдилар. Чунки, биринчидан, махсус талабнинг оммавий тусга эга эмаслиги ва уни йирик ишлаб чиқаришда ташкил этиш самарали бўлмаслиги сабаб бўлса, иккинчидан эса бой ҳаридорларнинг “ўзига хос” истакларининг мавжудлигидир.

Кичик бизнесни ташкил этишда муҳим ўринни фирмани барпо этиш ва уни самарали соҳасини аниқ белгилаш эгаллайди. Статистика янги ишни бошлашдаги кўп омадсизликлардан далолат беради. Кўпчилик уни 30% миқдорда дейди, чунки 85% янги корхоналар дастлабки ишлашнинг 10 йиллик давридаёқ инқирозга учрайдилар. Шу билан бирга, қайд этилган кичик фирмаларнинг 40 фоизи 5 йилдан сўнг ўз ишларини яна давом эттирмоқдалар.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида тутган ўрнини 2.1.-жадвал маълумотларидан кўриш мумкин.

2.1.-жадвал

Ривожланган мамлакатларда кичик, ўрта ва йирик бизнес корхоналарида саноат маҳсулотлари ҳажмининг тақсимланиши (жамига нисбатан фоизларда)

Кўрсаткичлар	АҚШ			Франция			Япония		
	Корхоналар шакли								
	йирик	ўрта	кичик	йирик	ўрта	кичик	йирик	ўрта	кичик
Корхоналар-нинг умумий сони	0,5	7,9	91,6	0,1	1,5	98,4	1,4	21,6	77,0
Саноат маҳсулотлари ҳажмида ҳиссаси, %	35,0	28,4	36,6	42,1	19,1	38,8	34,4	30,1	35,4

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, АҚШда кичик корхоналар жами корхоналар сонининг 91,6 фоизини, Францияда - 98,4 фоизини, Японияда эса 77 фоизини ташкил этади. АҚШда саноат маҳсулотлари ҳажмининг 36,6 фоизи, Францияда - 38,8 фоизи, Японияда эса 35,4 фоизи кичик корхоналар ҳиссасига тўғри келади.

Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ривожланишига бир қатор омиллар таъсир этади. Булар қуйидагилардир:

1) **Корхоналарнинг йириклашуви тенденциясининг пасайиши.** АҚШда яқин 15-20 йил ичида корхоналарнинг йириклашуви тенденцияси пасайди. Бу, асосан, хизмат кўрсатиш соҳасидаги силжишлар билан боғлиқ. Албатта, бу хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият кўламини кенгайтириш имкони пастлиги билан

белгиланади. Ҳозирги пайтда хизмат кўрсатиш соҳасидаги кичик корхоналар йирик рақобатчиларига нисбатан айрим юмушларни самарали ташкил қила олмоқдалар. Бу биринчи навбатда бошқариш тизимининг соддалиги ва ихчамлиги билан боғлиқ.

2) **Аёллар иш кучининг иқтисодга кириб келиши.** 80 - йиллардаёқ 2 млн. аёл ўз иш жойларини очди. Ҳозир АҚШ да 4,6 млн. корхона аёлларга тегишли бўлиб, улар мамлакатдаги жами кичик корхоналарнинг 30% ни ташкил этади. Бу тенденция давом этса, 2000 йилга бориб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда аёллар ва эркаклар сони тенглашади.

3) **Йирик ишлаб чиқаришда ходимларнинг қисқариши.** Бу айрим жихатдан демографик омиллар билан боғлиқ. Жумладан, "демографик портлаш" даврида туғилганлар ҳозирда 30 - 40 ёшга, яъни ўз ишини мустақил бошлаш вақтига етдилар. Бундан ташқари, йирик корхоналарда иш ўрни учун кураш, ўрта бўғин ходимларининг қисқартирилиши бевосита кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига таъсир кўрсатади.

4) **Янги корхоналар очиш суръатини ортиши**. АҚШ да ҳар йили ўртача 200 мингга яқин аҳоли ўзининг янги фирмасини очади. Уларнинг ярмидан кўпи 20 минг доллардан кам оборот билан ўз фаолиятларини бошлайдилар. Уларнинг қарийиб 75% ўз фирмаларида ҳафтасига 50 соат ишлайдилар, 25% эса 70 соат ва ундан ортиқ меҳнат қиладилар. Қарийиб 2/3 қисм янги бизнесни бошловчилар янги ёки энди иш бошлаётган компаниялар ҳисобланадилар, яъни улар амалда ишлаётган корхоналарни сотиб олмай, янгидан ўзлари хусусий бизнесни бошлайдилар. Уларнинг 80% дан ортиғи ўз ишларини ўта самарали ғояларни эмас, балки оддий ишларни тартибли ҳал қилиш билан бошлайдилар.

Демак, кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига таъсир этувчи омилларни умумлаштирсак, улар қуйидагилардан иборат бўлади:

- корхоналар йириклашуви тенденциясининг пасайиши;
- аёллар иш кучининг иқтисодга кириб келиши;
- йирик ишлаб чиқаришда ходимларнинг қисқариши;
- янги корхоналарни очиш суръатининг ортиши ва бошқалар.

Барча янги мустақил давлатларда ислоҳотлардан олдинги даврда мулкчиликнинг давлат шакли устунлик қилган. Хўжаликнинг давлат секторида меҳнаткашлар умумий сонининг

4/5 қисми, кооперативларда 14 - 15 % (буларнинг ярмидан кўпи жамоа хўжаликлар (колхозлар)да), хусусий секторда 3% га яқини банд бўлган. Саксонинчи йилларнинг иккинчи ярмида хўжаликнинг кооператив секторини яратиш, ижарани ривожлантиришга ҳаракат қилинган. Бу ҳаракатлар бозор инфратузилмасини ривожланмаганлиги, давлат мулкчилигининг ҳукмронлиги, хўжалик юритишнинг янгича шаклларини давлат секторига қарамлиги, хўжалик қонунларининг ноаниқлиги ва бошқа бир қатор сабаблар туфайли натижасиз бўлган.

Корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва бошқа объектларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш иқтисодий ислоҳотларнинг етакчи бўғинидир. Хусусийлаштириш натижасида демократик жамиятнинг ижтимоий заминини ташкил қилувчи хусусий мулкчилик қатлами шаклланиши, бозор иқтисодиёти ва ишлаб чиқаришни самарали ривожланиши учун шароитлар яратилиши керак.

Хусусийлаштириш жараёни ўзича жуда оғир ўтади. Бу табиий. Чунки хусусий мулкчиликни яратишдек кенг кўламли фаолият турли хил соҳалар ва корхоналарнинг иқтисодий жихатдан тайёрлигини, иқтисодий манфаатларини, якка ҳукмронликни енгиб ўтишни, шерикчилик асосида тадбиркорлик тузилмаларини ташкил этилишини, айнан шундай ташкилий ва молиявий муносабатларни шаклланишини, янги молиявий, ишлаб чиқариш, хусусий ўзаро алоқаларни ташкил бўлишини ва манфаатларни чатишиб кетишини ҳисобга олиши керак. Бозор тузилмаларини яратилишида умумдавлат миллий манфаатларни ҳисобга олган ҳолда давлат томонидан қўллаб - қувватлаш ва мувофиқлаштириш талаб қилинади. Хусусийлаштирилган мулкка ҳақиқий таклиф ва талабни ҳисобга олган ҳолда молиявий томони ҳақида ҳам ўйлаш ва ҳисоблаб чиқиш зарур.

Ниҳоят, амалга оширилаётган тадбирларни қўйилган мақсадларга мослигини таъминлаш керак: фаол ва самарали хўжалик фаолиятидан манфаатдор мулкчилар ва хусусий тадбиркорликнинг ташкилотчилари табақасини ташкил қилиш, бундай фаолиятнинг керакли қизиқтирувчи омиллари, рақобат муҳити ва инфратузилмани яратиш лозим.

Ўзбекистонда хусусий тадбиркорликни ривожланиши ва шаклланишининг тарихини уч босқичга бўлиш мумкин: **инқилобгача, шўро даври ва ҳозирги давр.**

Инқилобга қадар, Ўзбекистон жуда катта хом ашё ресурслари захираларига эга бўлган ҳолда, ўз саноатига эга бўлмаган. Подшо Россиясининг саноатчилари Туркистон ўлкасида саноат корхоналарини қуришга ўз сармояларини киритмаганлар. Улар учун арзон хом ашёларни олиб кетиш ва тайёр маҳсулотларни орқага олиб келиш фойдалироқ бўлган. Аҳолининг кундалик товарларга ва ҳар турли асбоб - ускуналарга эҳтиёжи, асосан, уларни ҳунармандлар ва майда корхоналар томонидан ишлаб чиқариш орқали қондирилган.

Ўрта Осиё халқларининг эстетик идеаллари тарихий сабабларга кўра амалий санъатда яққол ўз аксини топган. Ўзбек халқи турмушининг фазилатлари асрлар давомида кўп сонли ҳунарларни кенг ривожланиши учун шарт - шароитларни шакллантирган, улар орасида бадиий буюмларни ишлаб чиқариш фахрли ўринни эгаллаган. Ҳар бир уста турмуш учун зарур буюмни яратган. Аммо амалий буюмга ўз тушунчасига кўра, гўзаллик киритган ва буюм санъат асарига айланган.

Ҳар бир қишлоқда, ҳамма вақт ҳам юксак бадиий бойликка эга маиший буюмларни тайёрлаш бўйича усталар бўлган: кулоллар ва наққошлар, ёғоч ва ганч ўймакорлари, тўқувчилар ва гилам тўқувчилар шулар жумласидандир.

Ҳар бир мутахассислик бўйича ҳунармандлар шаҳарнинг алоҳида маҳаллаларига жойлашганлар. Наққошлар, заргарлар, эгарчи ва ҳоказо маҳаллалар мавжуд бўлган. Ҳар бир уста ўз уйида ишлаган ва шу ерда ўз товарларини сотган. Аммо бир мутахассисликнинг барча усталари “цех”ларга ёки корпорацияларга бирлашган, уларга сайланган оқсоқоллар раҳбарлик қилганлар. Бундай раҳбарлик маҳсулотлар сифати устидан раҳбарлик қилган, нарх - навонинг умумий сиёсатини амалга оширган, цех аъзоларининг ижтимоий - маиший муаммоларини ҳал қилган. Бундай кўриниш ўрта асрлар давридаги барча халқлар ва давлатлар учун хосдир.

Рус ахолисининг Туркистонга, шу жумладан, Ўзбекистоннинг ҳозирги ҳудудига келиши, тарихан қисқа муддатда маҳаллий аҳоли ҳаётининг кўпгина соҳаларида анъанавий тартибни

ўзгартириб юборди. Жамиятнинг феодал тузилмаларига хўжалик юритишнинг капиталистик шакллари кира бошлади. Фабрикаларнинг арзон буюмларининг рақобати маҳаллий ҳунармандларни ишлаб чиқаришнинг янги усуллари ва янги таркибий ташкилотларга ўтишга мажбур қилди.

Туркистон ўлкасининг бойликлари Россия савдо - саноат давраларининг диққат - эътиборларини жалб қилди. Россия савдогарлари ва маҳаллий ҳунармандларнинг биринчи алоқалари (контактлари) ўз натижаларини берди. Россиянинг йирик шаҳарларидаги турли хил кўргазмаларда Туркистон халқ усталарининг буюмларига доир бўлимлар пайдо бўла бошлади. Бу буюмлар жамиятнинг юқори доираларини ҳам қизиқтира бошлади. 1870 йилда император хонимнинг манфактура кўргазмасининг Туркистон бўлимида бўлгандан кейин берилган буюртмаси билан тилла ва кулолчилик буюмларини Қишки Саройга етказиб берилганлиги ҳақидаги ҳужжатли маълумотлар мавжуд.

1867 йилдаёқ туркистонлик ҳунармандларнинг буюмлари Бутунжаҳон Париж кўргазмасининг Россия бўлимида намойиш қилинган эди. Ўзбек ҳунармандларининг буюмлари 1873 ва 1876 йиллардаги Москва политехника кўргазмаларида мукофотлар ва дипломлар билан тақдирланган. 1888 йилларда ҳунармандчилик саноат кўргазмалари Туркистонда ҳам ташкил қилина бошланди. Масалан, 1886 йилда ўзбек усталарининг буюмлари ҳунармандчилик - саноат ва қишлоқ хўжалиги кўргазмаларида намойиш қилинган, 1887 йилда Самарқандда ҳунармандчилик ишлаб чиқаришининг даврий кўргазмаси ташкил қилина бошланди, 1888 йилда эса йирик Туркистон кўргазмаси ўтказилган. Аста - секинлик билан ўзбек ҳунармандларининг буюмлари, шу жумладан, бадиий буюмлари, Париждаги Бутунжаҳон кўргазмасида, 1904 йилдаги Сан - Луи (АҚШ) даги кўргазмада жаҳоннинг эътирофига эга бўлди.

Ўзбек ҳунармандлари бадиий буюмларининг муваффақиятлари фақат нуфузли ҳарактерга эга бўлиб, Россия сармоясига эса йўлга қўйилган ишлаб чиқариш даркор эди. 1870 йилларнинг охирида Россия маъмурияти Туркистон ўлкасининг барча вилоятларидан жойлардаги мавжуд завод ва фабрикалар ҳақида маълумотларни жадаллик билан йиғади. Жавоблар деярли бир хилда эди. Масалан, Андижон тумани бошлиғининг Фарғона

вилояти бошлиғига 1878 йилнинг ноябридаги билдиришномаси қуйидаги жумла билан тугайди: “ **.....** менинг қарамоғимдаги туманда завод ва фабрикалар йўқ, барча маҳаллий асарлар ва буюмлар оддий қўл воситаларида тайёрланади”. Усталарнинг ҳунармандлик ва бадиий асарларини саноат ишлаб чиқаришининг йўлга қўйишга биринчи қадамлар 1889 йилда қўйилди. Бу вақтда Тошкентда ҳунармандлик бошқармаси таъсис этилди. Аммо бошқарманинг раҳбарлиги анъанавий фикр юритувчи усталарнинг қўллаб - қувватлашига эга бўлмади. Бошқаришнинг марказлашуви уларнинг ташаббусларини бўғар эди. Шунинг учун 1902 йилда Туркистон губернатори иш юритиш хонасининг “Ҳунармандлик жамиятларини тарқатиш ҳақида”ги қарори чиқди. Аммо капиталистик муносабатлар бозор стихиясига ҳукмронлик билан кириб борди, ҳунарманд усталарнинг меҳнат артеллари ташкил бўла бошлади ва 1909 йилда “Усталар ва қора ишчилар артелининг Низоми” тасдиқланди.

Баён этилганлардан келиб чиқадики, маҳаллий ҳунармандларнинг биринчи ташкилоти 1889 йилда тузилган. Унга ҳам маиший, амалий буюмлар, ҳам халқ санъати асарлари, яъни бадиий ҳунармандлик буюмларини ишлаб чиқариш кирган, аммо Россия журналларининг бир шарҳчиси “Тошкентда Туркистон кўргазмаси” мақоласида (1890 йил) ҳунармандлик буюмларини саноат асосида яратиш тарихига анъанавий усталарнинг хусусий ишлаб чиқаришининг мавжудлиги даврини ҳам киритади. У: “25 йил давомида ўлкада кўпгина нарсалар ўзгарди, маҳаллий саноат кенгайди ва ривожланди” - деб ёзади. Бу кўргазма шуниси билан ҳарактерлики, унда алоҳида павильон - Тошкентда яшовчи Акром Асқарнинг ёдгорликлари павильони намойиш қилинган, яъни биринчи марта нафақат ўзбек устасининг буюмлари намойиш қилинган, балки унинг ўзи ҳам ушбу кўргазманинг иштирокчиси бўлган. Кўргазмада иштирок этганлиги учун Давлат мулк вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат от заводи ҳамда Императорнинг Москва қишлоқ хўжалиги жамияти томонидан кўп сонли олтин, кумуш ва бронза медаллари таъсис этилган.

Туркистондан келтирилган буюмлар иштирок этган кўргазмалар ҳамма вақт ҳам тижорат ҳарактерига эга бўлган. Уларда павильонларга қўйилган товарлар сотилган. Ерни тузиш ва деҳқончилик Бош бошқармасининг Санкт - Петербург ҳунар

омборининг Сирдарё вилоят бошқармасига 1907 йил 15 сентябрида юборган хати сақланиб қолган, унда ҳунармандчилик буюмларини сотиш ҳам Петербургда ва ҳам хорижда кенгайганлиги учун ўлка билан алоқалар ва у ердан олиб келишларнинг маълум қийинчиликларига қарамасдан, омбор буюмларни олиб келишни оширишни сўраганлиги кўрсатилади. Шунинг билан бир қаторда Туркистон товарларининг миқдорини ошириш учун Бутунроссия Кўргазмалар қўмитасининг фахрий раиси Туркистон генерал- губернаторининг кенгашидан аҳолини кўргазмага жўнатиш учун буюмларни давлат томонидан ҳарид қилишдан ташқари, ҳар бир хоҳловчи ўз буюмларини Петербургга ўз ҳисобидан жўнатиши мумкинлиги ҳақида аҳолини хабардор қилишини сўрайди.

Туркистон ҳунармандларининг бадиий ва маиший буюмлари Петербург ва Москвадаги ҳар йиллик Бутунроссия кўргазмаларига 1917 йилга қадар мунтазам етказиб берилган, 1910 йилларда эса Самарқандда ҳунармандлик буюмларининг бозор кўргазмалари ўтказила бошланди.

Инқилобдан сўнгги давр тадбиркорлар учун мураккаб ва бир хил бўлмаган.

Шўро ҳукуматининг биринчи йилидан бошлаб ҳукумат мамлакатнинг бутун ҳудудида ҳунармандлик ишлаб чиқаришини қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилган. 1919 йилнинг 25 апрелида Бутун Россия Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлари Кенгашининг ҳунармандчилик саноатига кўмаклашиш тадбирлари ҳақида Декрети чиққан, унда айтилишича, «ҳунармандлик саноатининг барча кичик корхоналарини на маҳаллийлаштириш, на хусусийлаштириш ва на мусодара қилиш фақат фавқулодда ҳоллардан ташқари, мумкин эмас». Шундан кейин ҳунармандлар ишлаб чиқарадиган ҳунармандлик буюмлари санаб ўтилган. Улар ичига тўқима буюмлар, халқ чолғу асбоблари, кашталар, ўйинчоқлар ва бошқа бадиий буюмлар кирган. Бунинг устига таъкидланганки: “Кооператив бирлашмаларга юқорида санаб ўтилган буюмларни Россия Республикасининг барча ҳудудларига олиб бориш ва сотишга рухсат берилган”.

Аста - секинлик билан хусусий бизнесга талаблар ҳисобга олина бошланди ва у маълум доирага киритилди. 1921 йилнинг 8 августида Туркистон Республикасининг Советлар марказий Ижроия Комитети 88 - сонли “Ҳунармандчилик ва майда саноат

ҳақида”ги қарорини қабул қилди. Бу қарор билан ҳунармандлик ва майда саноатнинг регламенти ва статуси, уларнинг ҳуқуқлари ва давлат билан ўзаро муносабатлари белгилаб берилди. Амалда республиканинг барча ҳудудларида металл ва ёғочдан буюмлар ишлаб чиқариш, кулолчилик, кийимлар ва пойафзал тикиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, аҳолига маиший хизматлар кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги асбобларини ишлаб чиқариш бўйича кичик корхоналар ташкил қилинди. Кичик корхоналарнинг тез ривожланиши уларни бошқариш идораларини тузиш заруриятини келтириб чиқарди ва 1923 йилнинг 16 сентябрида Туркистон Республикаси Халқ Комиссарлари Кенгаши 139 - сонли қарорни қабул қилди, унда ТССР ҳудудида саноатни умумий тартибга солиш вазифалари белгилаб берилган ва вилоят ижроия комитетлари бўлимлари ҳуқуқида ҳаракат қилувчи ва вилоят ижроия комитети сметаси бўйича маҳаллий бюджетга кирувчи маҳаллий саноатнинг вилоят бўлимлари тасдиқланган.

Ўша узоқ йилларда саноатга раҳбарлик қилиш қандай амалга оширилган? Бу қизиқарли масалани алоҳида кўриб чиқиш зарур. Саноат устидан давлат назоратини ўрнатиш ва тартибга солиш масалаларини амалга ошириш учун жойларда вилоят иқтисодий Кенгашлари қошида ходимларнинг тегишли штати билан вилоят саноат нозирларининг лавозими таъсис этилган. Вилоят саноат нозирлари Марказга бўйсунганлар, унинг фармойишларига амал қилганлар, ўз фаолиятларини вилоят иқтисодий Кенгаши билан мувофиқлаштирган ва унга зарур ҳисоботларни тақдим қилганлар.

Барча фабрика-завод ёки ҳам давлат, ҳам маҳаллий кооператив, хусусий, умуман саноат ҳарактерига эга ҳамма корхоналар вилоят саноат нозирларининг ихтиёрида бўлган. Бунинг устига кучайтирувчи қурилмалар мавжуд бўлса ёки бештадан ортиқ ишчи хизмат қилса корхона деб ҳисобланган, агар иш ёлланма ишчилар томонидан эмас, балки оила ёки артел аъзолари томонидан бажарилса, унда бир ҳовли жойда ўнтадан ортиқ киши банд бўлиши керак бўлган. Ўттизинчи йилларнинг бошларида саноат корхоналарини белгилаш учун шундай мезонлар бўлган. Саноат нозирлари фабрика-завод корхоналарини рўйхатга олган, уларнинг ускуналари ва унинг техник ҳолати ҳақида мунтазам ахборотларни йиққанлар, корхоналар ишининг таҳлилини ўтказганлар. Корхоналарни техник қайта жихозлаш, уларни қайта

қуриш, янги фабрика ва заводларни қуриш, хом ашё ва материаллар, ёнилғини тежаш, ишчи кадрлар ва раҳбар ходимларни тайёрлаш, ишлаб чиқаришга кашфиётларни татбиқ этиш ва кашфиётчиларга ҳамкорликни яратиш бўйича масалалар ҳам уларнинг ҳуқуқ доираларига кирган.

Ҳозир маҳаллий саноатнинг бошланишида турган биринчи тадбиркор - ташаббускорлар ҳақида аниқ бир нарса айтиш қийин. Афсуски, ўша нотинч йилларда ҳали ҳисоблар, архивлар ва статистиканинг уйғун тизими мавжуд бўлмаган, биз учун ўтган воқеаларни ҳужжат билан тасдиқланган аниқликда тиклаш қийин. Аммо бир нарса шубҳасиз: бу мақсад сари интилган, ўз интилишларида олижаноб бўлган, ўз меҳнатлари ва тадбиркорлик иқтидорлари билан ўзларининг маҳаллий саноатларини яратишга аҳд қилган бир мақсад билан бирлашган ходимлар эди, бу орқали ўша вақтнинг кундалик масаласи иш бериш, халқни тўйғизиш, кийинтиришни тез ва энг кам харажатлар билан ҳал қилиш мумкин бўлган. Бу пайтда айниқса, анъанавий ҳунармандлик вакиллари ўзларини кўрсатдилар.

Кулолчилик энг қадимий халқ ҳунармандлиги бўлиб, у жаҳоннинг барча халқларига қадимдан маълум. Ўзбекистон ҳудудида турли даврларнинг сопол буюмларининг энг қадимги даврдаги, антик даврдаги ва Ўрта асрлар давридаги археологик қолдиқлари топилган. Қадимги усталар турли хил бўёқларни тайёрлашнинг кўпгина сирларини билганлар, афсуски, ҳозир улар йўқолиб кетган.

Ўзбек усталари архитектура иншоотлари учун сопол безак плиталарини, маиший анжомлар ва гўзаллиги бўйича ажойиб бўлган бадиий идишлар намуналарини ишлаб чиқаришини давом эттирганлар. XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёга темир йўл қурилиши сопол ишлаб чиқаришнинг кенгайишига, аммо соддалашишига олиб келди, бу йўл билан бу ерга Россия фабрикаларида ишлаб чиқарилган сифатлироқ ва арзонроқ маҳсулотлар оқими оқиб кела бошлади ва маҳаллий усталар янада арзонроқ кўп миқдордаги буюмларни ишлаб чиқаришга мажбур бўлганлар. Бу жуда қаттиқ рақобат ва бозор учун кураш эди.

2.2 - жадвал

Маҳаллий буюмлар ишлаб чиқарилиши. (1915-1924 й.й.)

Кўрсаткичлар	Риштон		Тошкент	
	1915 йил	1924 йил	1915 йил	1924 йил
Усталар сони	80	57	10	23
Буюмлар миқдори, дона	260 000	512 000	50 000	205 000

Қадимий кулолчилик марказлари ҳамма вақт ҳам карвон йўллари бўйича жойлашганлар. Бу анъана Буюк Ипак йўли даврларидан сақланиб қолган. Бундан ташқари, усталар карвон ҳаётининг маиший шароитларини ҳам ҳисобга олганлар ва шунинг учун сополчилик устахоналари ўзбошимчалик билан эмас, балки бир - бирларидан тахминан 4 фарсанг (32 км) да жойлашган. Бу карвоннинг бир кунлик йўли эди. Аммо инқилобдан сўнг сополчилик марказлари янги жойларда ҳам вужудга кела бошлади. 1925 йилда Ўзбекистонда кулолларнинг 420 та хўжаликлари бўлган, улар уй - рўзғор буюмлари, нон ёпиш учун тандирлар ва бошқаларни ишлаб чиқарганлар.

Уруш даврида сопол идишларга эҳтиёж ошган. Сополчи рассомлар, усталар, шакл берувчилар, пиширувчилар тайёрлаш бўйича курслар очилган. Масалан, Риштонда бундай курсларни 70 киши битирган. Булар орасида Иноғомжон Содиқов, Маҳмуд Эргашев ва Акбар Тожиалиев каби кейинчалик машҳур бўлган усталар бор эди.

Зардўзлик тарихи ҳам жуда қизиқ археологик маълумотлар бўйича Ўзбекистон ҳудудида 2 минг йилдан буён мавжуд. VI - VIII асрлардаги Болалик тепа, Варахши, Афросиёб саройларидаги суръатларда зар ип билан тикилган кийимлар кийган кишиларни акс эттиради. XIX асрнинг охирида бу қадимий санъат фақат Бухоро амирининг саройида сақланиб қолган. Тилла ип билан кўпчилик кийимлар, бош кийимлар ва отларнинг кўчалик анжомлари безалган. Иш жуда кўп меҳнатни талаб қилганлиги сабабли, бир буюм устида бир неча киши ишлаган, яъни меҳнат жамоаниқи бўлган. Қадимда халқ санъатининг бу турида фақат эркаклар ишлаган, эркаклар безакларни ўйлаб топганлар ва

тикканлар. Инқилобнинг бошларида Бухорода 300 - 350 та тилла ип билан тикувчилар зардўзлар бўлган.

Бухородаги инқилобий воқеалар бу ҳунарни бир оз тўхтатган. Аммо 1930 йилдаёқ эски усталар ва ёшларнинг янги авлоди, шу жумладан, аёллар “Қизил тўқувчи”, “Қизил аёллар”, “Меҳнаткаш”, Охунбобоев номли, Сталин номли артелларга бирлашган. Бу артелларнинг бошида зардўзлар наслидан бўлган Ниғмон Аминов (кейинчалик хизмат кўрсатган маданият ходими) ва Нурмат Султоновлар турганлар. 1939 йилда майда артеллар битта артелга бириктирилган, унда 13 киши ишлаган, кейинчалик у (1960 йилда) “Октябрнинг 40 йиллиги” номли Бухоро зардўзлик фабрикасига айлантирилган. Қирқинчи йилларда усталар сони 70 гача етган. Уларнинг кўпчилигини аёллар ташкил қилган. Ниғмон Аминов, Рахмат Мирзаев, Сайфуддин Саъдуллаевлар уларга ўзларининг бой тажрибаларини ўргатганлар.

Эски анъаналарни сақлаб қолиш зардўзликнинг замонавий буюмларида янги расмларни яратиш учун асос бўлган. Масалан, Ўзбекистон амалий санъат музейида 30 дан ортиқ турли хил безакларга эга Бухоро зардўзлик фабрикасида тикилган дўппилар сақланади, баҳор, чор - гул, хуржед, қубба, точ, хафтабарг каби бу безаклар қадимий ва янги номларга эга.

Ҳунармандларларнинг сермеҳнат ҳаётида ташкилий тузилмалар кўп марта ўзгарган, аммо асосийси нафақат музейлар ва кўргазмаларни безовчи, балки кўплаб кишилар қалбига гўзаллик ва севинч олиб кирувчи миллий санъат асарлари қолган.

Шўро ҳокимияти йилларида усталар ва ҳунармандлар катта ва машаққатли йўлни босиб ўтдилар.

Ўзбекистоннинг мустақиллиги ҳақида Декларация қабул қилингандан бошлаб кичик ва хусусий бизнес ривожланишининг учинчи муддати бўйича энг қисқа, аммо энг катта даври бошланди. Бу 1990 йилнинг 20 июнида содир бўлди. 1992 йилнинг 30 августида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида давлат суверенитети ҳақидаги қонун қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати саноат салоҳиятини ўстиришга катта аҳамият бермоқда. Айниқса, бунда кичик ва хусусий корхоналарни ривожлантириш каби олижаноб ишга катта эътибор қаратилган.

1990 йилнинг апрель - май ойларида Президентимиз И. Каримов томонидан Ўзбекистонда биринчи хусусий корхоналарни очиш ҳақида қарор қабул қилинди. Республика раҳбарияти ишни хўжалик юритишнинг янги шаклларини фаол қидиришдан бошлади. Биринчи хусусий корхоналар узоқ муддат мавжуд бўлдилар ва уларнинг тажрибалари асосида давлат корхоналарини оммавий равишда хусусийлаштириш бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг туман - шаҳар саноат комбинатларини ташкил қилиш ҳақидаги қарорини 90 - йиллардаги энг кучли ва самарали қарорлардан бири бўлди. Уларга давлат - кооператив статуси берилди. 1990 йилда қабул қилинган бу қарор корхоналарга ижобий ташаббускорларнинг ташаббусларини амалга оширишга имкон берди.

Қисқа давр ичида Ўзбекистоннинг барча туманларида хусусий ва давлат мулки асосида деярли 200 та туман саноат комбинатлари ташкил қилинди. Белгиланган солиқлар ва бюджет тўловлари бўйича имтиёзлар, бинолар ва иншоотларнинг бепул берилиши уларнинг кўпчилигига тез оёққа туришга ва мустаҳкам хўжаликлар яратишга имкон берди.

Бу жараёнда учта ягона вазифа тез суръатларда ҳал қилинди: 1). Ижтимоий - жамоа ишлаб чиқаришида банд бўлмаган кўп сонли кишиларни, шу жумладан, кўп болалик оналар ва ёшларни ишчи ўринлар билан таъминлаш.

2). Сиёсий - қишлоқ жойларда миллий ишчи синфини яратиш.

3) Иқтисодий - халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқаришни кескин ошириш ва товар етишмовчилигини қисқартириш.

Республика учун уруш ва меҳнат ногиронларини, кўп болалик аёлларни, ишлаб чиқаришда ишлаш имкониятига эга бўлмаган уй бекаларини ишга жойлаштириш муҳим ижтимоий- иқтисодий аҳамиятга эга. Уларни ишга жойлаштириш учун меҳнатнинг уйда ишлаш шакли ташкил қилинган. Уйда ишловчилар учун корхоналар уларнинг уйларига хом ашё, материаллар ва ярим фабрикатларни етказиб берадилар, улар ишлаб чиқарган маҳсулотлар эса корхоналар омборларига топширилади. Уйда ишловчи - касаначиларнинг сони йилдан - йилга ошмоқда. 1995 йилдаёқ уларнинг сони 35 мингдан ошиб кетган эди.

Республикада якка тартибдаги иш фаолияти борган сари кенг ёйилмокда. Соддалаштирилган рўйхатга олиш ва бухгалтерия ҳисоби тизимлари уларнинг афзалликларидир. У патентни ҳарид қилиш ва солиқ идораларида рўйхатдан ўтишдан иборатдир. Натижада, 1995 йилда республикада бундай шаклдаги мустақил бизнес билан 220 мингдан ортиқ киши шуғулланган.

Савдо, маиший хизмат, маҳаллий саноат, ижтимоий соҳалар корхоналарини давлат мулкликдан хусусий мулкка айлантириш жараёни анча қийин ўтди.

Бунда хусусийлаштириш аввал йириклаштирилган ишлаб чиқариш бўлинмалари бўйича бажарилди, уларнинг замирида очиқ турдаги акциядорлик жамиятлари тузилди. Аммо ҳаёт бу жамиятларни янада кичиклаштирилишини тақозо қилди, шу мақсадда унга кирувчи айрим таркибий бирликларга катта мустақиллик берилди. Натижада “Ўзбексавдо”, “Ўзмаишийиттифоқ”, “Ўзбекбирлашув” каби тармоқлар бўйича 13 мингга яқин хусусий корхоналар ташкил этилди.

1995 йилдан кичик ва хусусий корхоналарни ташкил қилишга янадакатта эътибор берилди.Шу йилнинг ўзида 61 минг янги тадбиркорлик тузилмалари тузилмалари ташкил этилди. 1995 йилнинг охирига келиб Ўзбекистонда деярли 100 мингта кичик ва хусусий корхоналарда ва 230 мингдан ортиқ якка тартибдаги меҳнат фаолиятлари патентлари билан ишловчи кичик бизнес тадбиркорларининг синфи пайдо бўлди.

1996 - 1998 йилдан бошлаб давлат мулкининг йирик объектлари, корхоналар ва бирлашма холдинглари, молия-саноат гуруҳлари акциядорлар жамиятини ва қишлоқ хўжалиги тармоқлари янги ташкилий шаклларини барпо этишга, қимматли қоғозлар бозорини жадал ривожлантириш, унинг сотилишини кучайтириш, товар, хом ашё биржалари ва ярмаркаларида хизмат ҳажмлари ва улгуржи бозорларининг кенгайтиришга, инвестиция сиёсати иқтисодиётимиздаги барқарорлик, таркибий ва сифат ўзгаришларини белгиловчи муҳим омил эканлилигини инобатга олган ҳолда сармоя қўйилмаларини ва инвестициянинг бошқа турларини иқтисодиётга киритишга эътибор кучайтирилди. Жумладан 2003 йилда мамлакат иқтисодиётига 2 триллион сўмга яқин сармоя қўйилмалари киритилган, хорижий инвестициялар ва кредитларни ўзлаштиришнинг умумий миқдори 602,3 миллион

АҚШ долларини ташкил этган, бир неча ўнлаб қўшма корхоналар фаолият кўрсата бошлади. 2004 йил ҳисобот даврида хорижий шериклар томонидан 16,5 миллион АҚШ долларига ёки йиллик прогнознинг 103,4 фоизига тенг инвестициявий мажбуриятлар бажарилди. Айни вақтда мамлакатимизда 250 мингга яқин кичик бизнес ва тадбиркор корхоналари фаолият кўрсатмоқда, бу соҳада 5,5 миллион киши ёки иш билан банд бўлган инсонларнинг 57 фоизи меҳнат қилмоқда. Ялпи ички маҳсулотнинг 35 фоизи, 2004 йилда 35,6 фоизи, 2005 - 2006 йил якунида, тегишли равишда 37,8**%** - 39,5%, ана шу корхоналар ҳиссасига тўғри келган.

2004 йилнинг ўзида тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан 375 мингта янги иш ўринлари ташкил этилди.

Президентимиз томонидан 2007 йилга уларнинг салмоғини 45,0% га, 2010 йилда эса 50 – 52 фоизга етказиш мақсад қилиб қўйилган эди. 2007 йилда – 45,5%, 2008 йил якунида эса 48,2% фоизни ташкил этган.

2006 йилнинг ўзида тадбиркорликни рағбатлантириш, хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, фуқароларга касаначиликнинг турли шакллари билан шуғулланиши учун шарт – шароит яратиб бериш, муҳтож оилаларни чорва моллари билан таъминлаш борасида қилинган кўпгина ишлар туфайли мамлакатимизда қарийб 570 мингта янги иш ўринлари ташкил этилган. Айниқса, шу йили йирик саноат корхоналари билан кооперациялашиш негизида касаначилик фаол ривожланиб, бунинг натижасида 60 мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилди.

2.4. Корхоналарни хусусийлаштиришнинг жаҳон **тажрибаси**

Хусусийлаштириш дастурини амалга ошираётиб, ҳар қандай ҳукумат энг камида икки асосий мақсадни: корхоналарга ажратилаётган маблағлар камайиши ва давлат фаоллрини (активлари) сотишдан тушувчи маблағлар ҳисобига бюджетни тўлдиришни кўзлайди. Бунга мисол тариқасида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

Америка Қўшма Штатларида хусусийлаштириш жараёни Рональд Рейгеннинг президентлик бошқаруви даврида кучайди. Хусусийлаштиришнинг Америка моделида муниципал мулкларни

хусусийлаштириш салмоқли ўрин эгаллади. Соғлиқни сақлаш ва тиббиёт соҳасидаги муниципал хизматларнинг 47 фоиздан кўпроғи давлат тасарруфидан чиқарилди. Дам олиш ва кўнгилочар соҳаларда хусусийлаштириш энг кўп амалга оширилди - 82 фоиздан ортиқ мулк хусусий қилиб берилди. Давлат шоссе йўлларини хусусий пуллик йўлларга айлантириш кенг қўлланилди. 12 та штатда аҳлоқ тузатиш муассаларини қуриш ва эксплуатация қилиш хусусий фирмалар қўлига ўтди. Кўп жойларда қўриқлашга ихтисослашган хусусий фирмалар шаҳар қоровуллари билан алмашинди. Баъзи районларнинг маъмуриятлари йўл ишларини ўтказишга хусусий компаниялар билан шартномалар туздилар, шаҳар автобекатлари, клиникаларини хусусийлаштириш амалга оширилди, кўчаларнинг ёритилиши ва уларни жорий таъмирлаш бўйича таъмирлаш ишлари хусусий секторга топширилди.

АҚШ да муниципал хусусийлаштиришнинг кенг ёйилиши маҳаллий солиқлар кўпаймаган, федерал молиялаш эса анчагина ишончсиз манба бўлиб қолган бир пайтда, бюджет харажатларини камайтиришга интилиши билан боғлиқ эди. Бундай ҳолатларда аҳолининг шаҳар атрофига миграциясини келтириб чиқариши мумкин бўлган маҳаллий солиқларни кўпайтириш ўрнига, шаҳар ҳокимликлари хусусийлаштирилган манбаларга мурожаат қилдилар.

Муниципал мулкни хусусийлаштиришнинг икки хил шакли энг кўп тарқалди. Биринчиси - маъмурият ва тадбиркор ўртасида контракт тузилади, унда томонлар муниципал мулкни топшириш шартлари, шунингдек, маъмурият томонидан назоратнинг шакллари ва муддатлари тўғрисида келишиб оладилар. Аҳоли фикрини билиш учун 1987 йилда ўтказилган сўров шуни кўрсатадики, жавоб берувчиларнинг 74 фоизи шартнома бўйича ишлаётган корхоналарда сарф - харажат камайганлигини, 33 фоизи бундай корхоналарнинг ошганлигини таъкидладилар. Иккинчи шарти, муниципал мулкларни - маҳаллий аэропортларни, муниципал корхоналарни сотиш - бу бир томондан уларни бу объектларни сотиб олган компаниялар даромадларини ва кўчмас мулклардан олинадиган солиқ базасининг (асосининг) кенгайиши ҳисобидан маҳаллий бюджетга маълум миқдордаги маблағларни тушириш имконини беради.

Буюк Британияда хусусийлаштириш 1981 йилда бошланган. Ўн йил ичида Британия ҳукумати хусусийлаштиришдан 35 млрд. фунт стерлинг ёки 50 млрд. доллар даромад олган. Олдин миллийлаштирилган мамлакат машҳур компанияларининг кўпчилиги яна хусусий қўлларга ўтказилган. Булар - «Бритиш стил», «Бритиш Петролеум» (Роллс - Ройс). Уларниг кўпчилиги ўз самарадорликларини сезиларли даражада оширдилар. Бунда иш ташлаш ҳаракати даражаси кескин пасайган. Хусусийлаштириш қимматли қоғозлар бозорининг ривожланишига янги туртки (импульс) берган, у акцияларни (хусусан «Бритиш Петроелум» ёки «Бритиш Эйруэйз» акцияларини) улгуржи сотиш шарофати билан Европада энг ликвидли бўлиб қолган, бу Лондоннинг Европанинг молия маркази сифатидаги позициясини мустаҳкамлади.

Бироқ 1991 йилдан бошлаб хусусийлаштиришнинг самарадорлиги камая бошлаган. Ҳукуматнинг темир йўллар ва кўмир саноатини хусусий қўлларга беришга уриниши ҳеч қандай натижа бермади. Англияда сув таъминоти соҳасининг хусусий эгаликка ўтиши билан сув истеъмоли нархи кескин ошиб кетгандан кейин, Шотландияда сув билан таъминлашни хусусийлаштириш режасини фақат 4 фоиз аҳоли қўллаб - қувватлаган. Ҳозирги вақтда, Буюк Британияда хусусийлаштириш жараёни ўзининг самарали тарқалиш чегараларига етгач, бутунлай тўхтаган. Шуни назарда тутиш лозимки, рақобат мавжуд бўлган - нефть саноати, авиация соҳаларидаги компанияларни хусусийлаштириш ўртасида муайян фарқ мавжуддир. Сув ва газ билан таъминлаш тармоқларидаги хусусий монополистлар баҳони мавжуд бўлган инфляция даражасидан кўра юқорироқ кўтарадилар, бунинг натижасида эса истеъмолчилар зарар кўрадилар.

Бундан ташқари, осон хусусийлаштириладиган барча тармоқлар хусусий эгаларининг қўлларига ўтдилар. Темир йўллар ёки кўмир шахталари эса давлат субсидияларига эҳтиёж сезадилар ва шунинг учун ҳам хусусий инвесторлар хўжаликнинг бу тармоқларига ўз пулларини қўйишга шошилмайдилар.

Ғарбий Европанинг бошқа мамлакатларида, (Буюк Британиядан ташқари) хусусийлаштиришга анча эҳтиёткорона ёндашув мавжуд эди. Ҳукуматлар давлат тасарруфига ўтказилган мулклар билан ажралишга шошилмадилар. Аммо Буюк Британия ва АҚШнинг хусусийлаштиришни ўтказиш орқали иқтисодий ўсишни

рағбатлантириш бўйича муҳим муваффақиятлари уларни ҳам бу йўналишда кенг қамровли иш олиб боришга ундади.

Францияда конценваторларнинг 1986 - 1988 йилларда хусусийлаштиришни ўтказишга уринишлари ижтимоийистларнинг олдинги ҳукумати давридаги миллийлаштириш жараёнидан кам бўлмаган тортишувларни келтириб чиқаради. Франсуа Миттеран 1988 йилдаги сайловолди компанияда ҳеч қандай миллийлаштиришни ўтказмасликка ва ҳеч бир компанияни хусусийлаштирмасликка ваъда берган. Шунга қарамай, вақт ўтиши билан бу жараён бироз жадаллашди. 1993 йилнинг октябрида Париж миллий банкининг умумий қиймати 43 милрд. франк ёки 7,6 млрд. доллар бўлган давлат акциялари сотилди. Ялпи инвесторларга ва акция эгаларининг максимал кенг доирасига қаратилган хусусийлаштиришнинг Британия моделидан фарқли равишда, француз моделида асосий диққат - эътибор фонд бозорида чуқур иш тажрибасига эга. Бундан ташқари, уларда хусусийлаштириш миллий йирик институтционал инвесторларга қаратилган.

Бироқ, амалда француз миллатига мансуб инвесторлар сотиб олинадиган давлат мулкига нисбатан алоҳида қизиқиш кўрсатмадилар ва уни ўзларига фойда қиладиган қилиб қайта сотиб юбордилар, айни пайтда эса кўзга кўринарли муваффақиятлари хорижлик йирик ҳаридорлар билан боғлиқ бўлиб қолди.

Италияда давлат мулкини энг кўп ўзгартиришлар амалга оширилмоқда. Хусусий секторни кенгйтириш Британия ва француз моделларини ўрганиш асосида ишлаб чиқилган катта давлат дастури доирасида олиб борилмоқда. Бу соҳада амалга оширилган энг йирик лойиҳалардан «Италия кредити» ва «Италия тижорат банки» - давлатнинг йирик банкларини хусусийлаштириш бўлиб ҳисобланади.

Германияда хусусийлаштириш жараёни анча секинлик билан юз берди. Масалан,1982-1992 йилларда унча аҳамиятли бўлмаган обьектларни хусусийлаштиришдан бор - йўғи 10 млрд. марка ёки 4,2 млрд. доллар олинди. Лекин собиқ Германия демократик республикасини қайта тиклаш харажатлари ҳукумат қарзларини 1992 йилда 1300 млрд. маркадан 1995 йилда 1900 млрд. маркагача кўпайтириш мумкинлигини назарда тутиб, 1993 йилда Германия ҳукумати томонидан «Люфтганза» компаниясидаги ўз пайларини

(51 фоиз) сотиш тўғрисида эълон берилди ва биржада қиймати 50 - 70 млрд. марка атрофида баҳоланаётган «Дойче телеком» ни сотиш истаги билдирилди. Айни пайтда Германиянинг шарқий ерларидаги собиқ давлат корхоналарини хусусийлаштириш кенг миқёсда олиб борилмоқда.

Белгияда хусусийлаштириш жараёнлари фақат 1991 йилдангина бошланди. Ўша пайтда давлат корхоналарини сотишга рухсат берувчи қарор қабул қилинган эди, бироқ бу қонунда сотилган давлат корхоналарида 50 фоизли давлат сармояси иштирокининг сақланиб қолиниши айтилган эди. 1993 йилда хусусийлаштиришдан тушган даромад 15 млрд. Белгия франкини, 1994 йилда эса 25 млрд. Белгия франкини ташкил этди.

Грецияда консерваторлар ҳукумати 1993 йилда, иккита халқаро инвестицион банклар томонидан таклиф қилинган, давлатнинг йирик «ОТЕ» телекоммуникацион корпарациясини хусусийлаштириш дастурини қабул қилган, унга кўра компаниянинг 49 фоиз акцияларини асосан трансмиллий телекоммуникацион корпорацияларга сотиш режалаштирилган эди, ҳукумат тепасига ижтимоийистларнинг келиши билан бу келишувнинг ҳаракати тўхтатиб қўйилган. Бироқ миллий валюта инқирози ва давлат бюджетининг сезиларли танқислиги 1994 йилда ҳукуматни бу компаниянинг 25 фоиз акцияларини Афина фонд биржасида, асосан, хорижий инвесторларига сотишга ва агар грек драҳмасининг курси барқарорлашмаган тақдирда «ОТЕ»ни бутунлай хусусийлаштириш вариантларини кўриб чиқишга мажбур қилган. Бундан ташқари, таркибига мамлакатнинг иккита йирик нефтни қайта ишлаш комбинати кирувчи яна бир давлат компаниясини қисман хусусийлаштириш тўғрисидаги масала қўйилди.

Ғарбий Европа давлатларидаги хусусийлаштириш жараёнларининг тезлашуви (интенсификацияси) 90 - йиллар бошида, биринчи навбатда 1990 йилнинг баҳорида сезилиб қолган ҳамда Америка ва Европа иқтисодларида қўққисдан иқтисодий бўшашишга олиб келган инқирозий ҳодисалар билан боғлиқлиқ. Бу инқироз 20 млн. иш ўринларининг қисқаришига сабаб бўлди, кенг истеъмол моллари нархининг 1940 йилдаги рекорд даражасигача пасайишига олиб келди ва валюта бозорларининг ларзага келишлари билан давом этиб турди. Инқироз оқибатида Европа

давлатларида давлат бюджети танқислиги сезиларли даражада кўпайди, бу эса ҳукуматларнинг хусусийлаштириш жараёнларини кенгайтириш бўйича фаолиятларига бевосита туртки бўлди. Давлат корхоналари тушкунлик даврида, давлат томонидан сезиларли дотацияга эҳтиёж сезадилар, бу эса фақат умумиқтисодий ҳолатни ёмонлаштиради. Уларни хусусий секторга бериш, биринчидан, акцияларни сотишдан тезлик билан даромад олиш имконини беради, иккинчидан, хусусийлаштирилган корхоналардан солиқ тушумлари кўпаяди ва учинчидан, ҳукумат зарарига ишлайдиган хусусий корхоналарни (компанияларни) субсидиялаш бўйича ҳар қандай мажбуриятлардан озод бўлади.

90 - йиллар бошидаги «хусусийлаштириш тўлқини» билан бошқа омилларнинг биргаликдаги таъсири оқибатида ишлаб чиқаришнинг тушиши 1993 йилда бошланган ва 1994 йилда мустаҳкамланган кўтарилиш билан алмашди. Шундай қилиб, Ғарбий Европанинг 17 мамлакатида ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) 2 фоизни ташкил қилди. Шундай қилиб ривожланган мамлакатларда хусусийлаштириш иқтисодий тушкунликни бартараф қилишга ёрдам беради ва иқтисодий ўсишни рағбатлантиради. Бунинг ўзига хослиги, агар монополлашган иқтисод шароитларида хусусий секторнинг хаддан ортиқ ривожланиши инфляцияни келтириб чиқарса, аксинча, етарлича рақобат мавжуд бўлган муҳит шароитларида эса у ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошишини таъминлайди. Кейинги ўн йилликларда ривожланган мамлакатларда ўтказилган, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни фаол қўллаб-қувватлашни ўз ичига олган антимонопол сиёсат давлат сектори ҳажмларини умумиқтисодий барқарорлик ва мувозанат учун зарарсиз тарзда, сезиларли даражада камайтириш имконини берди.

Шарқий Европа ва собиқ Иттифоқининг аксарият мамлакатларида Чехия, Словакия республикалари, Польша, Россия, Қозоғистон ва бошқа давлатларда оммавий хусусийлаштириш давлат корхоналари акцияларининг аҳоли ўртасида «ваучер» (сертификатлар ёки гувоҳномалар)ни аҳоли ўртасида тарқатиш йўли билан бепул ёки энг кам тўловлар эвазига тақсимоти орқали амалга оширилган.

Ўзбекистонда хусусийлаштиришнинг ваучерлаштириш йўли бўйича олиб борилиши учун қатор қатьий ички ва ташқи

таклифлар бўлишига қарамасдан, ушбу усулдан воз кечилди. Бунда Президентимиз И. Каримовнинг «Биз шундай қатьий хулосага келдик - давлат мол - мулки фақат янги мулкдорларга сотиш йўли билангина мулкчиликнинг бошқа шаклига айлантирилиши мумкин… мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга бундай ёндашишнинг мазмуни жуда оддий: «ваучерлашган» қиёфасиз мулкдордан қочиш ва топширилган мол - мулкни тўғри тасарруф эта оладиган, фаолиятнинг дастлабки босқичидаёқ ундан катта самара билан фойдаланишни таъминлайдиган шахсларга мулк беришдан иборат»[2] - деб айтган.

Муҳими шундаки, бундай ёндашув (мулкнинг сотилиши) хусусийлаштиришдан олинадиган маблағларни корхоналарнинг ўзини - ўзи қувватлашга, кичик, ўрта бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтириш, улардан иқтисодиётнинг устувор тармоқлари ва йўналишларини молиялаштириш ва кредитлаш учун фойдаланиш имкониятини беради.

Иқтисодчи олимларнинг, мутахассисларнинг фикрича, жаҳоннинг турли мамлакатларида хусусийлаштиришнинг таҳлили натижасида унинг еттита асосий усулини алоҳида ажратиб олиш мумкин. Уларга:

1. Давлат корхоналари акцияларининг очиқ сотувини ўтказиш. Фонд бозорлари етарли ривожланмаган мамлакатларда акцияларни очиқ сотиш қийин бўлиб, қимматга тушиши мумкин. Бу кенг кўламли реклама компанияси учун заруратдан келиб чиқади. Лекин у тамомила ўзини оқлайди. Масалан, Ямайкада шундай компания давлат банкини сотиш бўйича кимошди савдосини муваффақиятли ўтказилишига ёрдам берди.

2. Акцияларни кимошди (аукцион) савдоси йўли билан сотиш. Хусусийлаштиришнинг кенг тарқалган бу усули кимошди савдоси орқали амалга оширилиши керак. Бунда айрим фуқороларга устунлик берилишининг олди олинади. Чунончи, Мексикада хусусийлаштиришнинг дастлабки босқичида корхоналар ҳукмрон партияга яқин турган шахсларга анча-мунча арзон нархларда сотилганликда айблаш туфайли кўплаб баҳоларни келтириб чиқарган эди.

[2] И.А.Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. - Тошкент: Ўзбекистон. 1995, 47 бет.

3. Давлат корхоналарини хусусий инвесторлаш. Бу усул обьектни тўғридан - тўғри сотиб олиш, акциялар пакетини сотиб олиш йўли билан амалга оширилади. Хусусий инвесторлашни йирик корхоналар учун самарасиз ҳисоблайдилар, чунки давлат акцияларнинг назорат пакетини ўз қўлида сақлаб қолади, бу эса келгуси муваффақиятлар олдида масъулият кучли бўлган асноларда инвестиция тўғрисидаги қарорларни қабул қилишда ўз аксини кўрсатиши мумкин. Янги инвестициялар, яъни акцияларни очиқ сотиш ёҳуд хусусий бадаллар ёрдами билан жалб этилиши мумкин.

4. Корхонанинг мулкини сотиш ва кейинчалик мавжуд қарзларни тўлаш йўли билан Давлат корхонасини тугатиш. Бу жараён Польша давлатида кенг қўлланилган ва қўлланиб келинмоқда.

5. Давлат корхонасини алоҳида бўлинмаларга ажратиш ёки бўлиш ва қайта қуриш йўли билан уларни қисмлар бўйича сотиш. Бунда корхонанинг фойда келтирувчи бўлинмалари алоҳида корхоналар тариқасида сотилади.

6. Корхоналарни раҳбарлар ва меҳнат жамоаси аъзолари томонидан сотиб олиниши. Бу усулдан АҚШда фойдаланиб келинмоқда.

7. Давлат корхонасини хусусий шахс томонидан ижарага олиниши ёки давлат ва хусусий корхоналар ўртасида корхонани бошқариш тўғрисида битим тузилиши. Бунда корхонанинг фаоллари ва пассивлари амалда давлат мулқилигича қолади. Бундай ёндашув олис муддатдаги истиқболда кескин чекланиши мумкин.

Юқорида фикр юритилган жаҳон тажрибасига амал қилинган ҳолда жорий этилган ушбу усуллар мамлакатимизда хусусийлаштиришни жадаллаштиришга ва иқтисодиётни янада ўсишига олиб келиши мумкин.

Таянч сўз ва иборалар. Назорат ва мулоҳаза учун саволлар

Кичик корхона, қўшма корхона, бизнес, бизнесмен, тадбиркор, хусусийлаштириш, акциядорлик жамияти, тадбиркорлик тўғрисидаги қонун, хусусий тадбиркорлик субъекти миқёси, ҳаётни таъминловчи корхоналар, тез ўсувчи корхоналар, кичик бизнесни ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар,

Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантиришнинг тарихий босқичлари: инқилобгача, шўро даври, ҳозирги давр.

Назорат ва мулоҳаза учун саволлар

1. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолияти тушунчаси ва моҳияти деганда нимани тушунасиз?

2. “Бизнес” ва “тадбиркорлик” сўзларининг иқтисодий тушунчаси ва уларнинг фарқи нимлардан иборатлигини тушунтириб беринг.

3. Ҳукумат қарорларида бизнес ва тадбиркорлик фаолиятларини қўллаб – қувватлаш борасидаги фикрлар моҳиятини очиб беринг.

4. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

5. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига таъсир этувчи омилларни таъкидлаб ўтинг.

6. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига яна қандай (ички ёки ташқи) омиллар таъсири бўлиши мумкин?

7. Маҳаллий хунармандчилик ишлаб чиқаришига асосланган жамиятда тадбиркорлик ячейкаларини таркиб топишини қандай изоҳлайсиз?

8. Чор Россияси томонидан Туркистонда амалга оширилган ислоҳотларнинг салбий ва ижобий томонлари нималардан иборат?

9. Туркистонда бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий тенденцияларини таърифлаб беринг.

10. Ўзбекистонда тадбиркорликнинг тарихий шаклланиш босқичлари моҳиятини тушунтириб беринг.

11. Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиршда қандай иқтисодий омиллар муҳим роль ўйнаган?

12. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятининг аҳамиятини белгиловчи қандай иқтисодий кўрсаткичларни биласиз?

13. Хусусийлаштириш ривожланган қайси хорижий давлатлар тажрибасини биласиз?

14. Хусусийлаштиришда ривожланган хорижий давлатлар тажрибаларидан қандай хулосалар чиқариш мумкин?

15. Хусусийлаштиришда ривожланган қайси хорижий давлатлар тажрибасини Ресбубликамиз иқтисодиётига татбиқ этиш мумкин ?

III боб. Кичик бизнес тадбиркорлигиниг ташкилий ва ҳуқуқий шакллари

3.1. Кичик бизнесни ривожлантиришнинг асосий қоидалари

Ўзбекистон Республикасининг мулкчилик, корхоналар, хусусийлаштириш ва давлат тасаруффидан чиқариш тўғрисидаги ва бошқа яна бир қатор меъёрий ҳужжатларида кўп укладлилик асослари белгиланиб, улар мулкчиликнинг барча шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини қарор топтириш, мулкдорларнинг ҳуқуқлари қатъий ҳимояланиши, хусусий мулкни янада ҳимоя қилиш, тадбиркорликни ривожлантириш ва чет эл инвестицияларини жалб этишга қаратилгандир.

Товар - пул муносабатлари ривожланаётган ва бошқариладиган бозор шароитида мулкчиликнинг барча шаклига мансуб корхоналарни барпо этиш, улар фаолиятини ташкил этиши, қайта ташкил этиш ва тугатишнинг умумий ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий асослари мазкур меъёрий ҳужжатларда кенг ёритиб берилган.

“Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”ги (1990 йил 31 октябрь) қонунда белгилаб қўйилган мулк шакллари қуйидаги турдаги корхоналарга бўлинади:

- Ўзбекистон Республикаси фуқороларининг, шунингдек, ажнабий фуқороларнинг индивидуал (хусусий ва шахсий) мулкига асосланган корхоналар;
- жамоа (ширкат) мулкига асосланган жамоа, оила, маҳалла корхоналари, ишлаб чиқариш кооперативлари; кооперативларга қарашли корхоналар, акциядорлик жамиятларига, масъулиятли чекланган жамиятларга, ўзга хўжалик жамиятлари ёки ширкатларига қарашли корхоналар; жамоат ташкилотларининг корхоналари, диний ташкилотларнинг корхоналари ва жамоа мулкчилигининг бошқа шаклларига асосланган корхоналар;
- давлат мулкига асосланган республика давлат корхонаси, Қорақалпоғистон Республикаси давлат корхонаси, вилоятлараро, вилоят, туманлараро, туман, шаҳар давлат корхонаси ва корхоналарнинг бошқа турлари;

- тўла ёки улуш қўшиб иштирок этишга асосланган (қўшма корхоналар) республика мулки, Қорақалпоғистон Республикаси, ажнабий ҳуқуқий шахслар, фирмалар ва давлатлар мулки бўлган корхоналар;

- мулкчиликнинг аралаш шаклларига асосланган корхоналар.

Мулкчилик шаклларидан қатъий назар, корхоналарда ишловчилар сонига қараб кичик корхоналар жумласига (4 мавзуда ёритилган) киритилган, бундай корхоналарни барпо этиш ва улар фаолиятининг ўзига хос жихатлари, мақоми, уларни рўйхатга олиш шартлари, шунингдек, корхоналарни бу турга киритиш тартиби, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Вазирлар Маҳкамаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан тартибга солинади.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик (бундан кейин **тадбиркор** деб аталади) фаолиятини ташкил этиш, уни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари, шунингдек, рағбатлантириш йўллари “Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида” (1991 йил 15 февраль) ва “Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида”ги (1995 йил 21 декабрь) қонунларида ўз аксини топди. Мазкур қонунлар тадбиркорликнинг иқтисодий ва ҳуқуқий мустақиллигига кафолат беради, уларнинг ҳуқуқ ва масъулиятини аниқлайди, тадбиркорларнинг бошқа корхоналар ва ташкилотлар, давлат бошқаруви идоралари билан муносабатларини тартибга солади.

Бундан ташқари, фуқороларнинг тадбиркорлик қобилиятини бутун чоралар билан ишга тушириш, уларнинг ишбилармонлик хусусиятларини ошириш, тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий кафолатларини белгилаш асосида бозор муносабатларини жадаллаштиришга қаратилган.

Тадбиркорлик тўғрисидаги меъёрий ҳужжатлар мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларини эркин танлаш, бу шаклларнинг тенгҳуқуқлилик асосида амал қилиши, ўзаро ҳамкорлик ва эркин рақобатлашув таъминланадиган шароитларнинг яратилишига кўмаклашади.

Хўш, тадбиркорликнинг ўзи нима? Унинг фаолиятини амалга ошириш асослари ва ривожлантиришнинг асосий қоидалари нималардан иборат?

Тадбиркорлик - мулкчилик субъектларининг фойда олиш мақсадида таваккал қилиб ва мулкий жавобгарлиги асосида, амалдаги қонунлар доирасида ташаббус билан иқтисодий фаолият кўрсатишидир.

Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик:

- тадбиркорнинг шахсий мол - мулки асосида;
- тадбиркорнинг бошқа фуқоролар ва юридик шахслар, шу жумладан, ажнабий фуқороалар ҳамда юридик шахсларнинг мол - мулкларини турли шаклларда жалб этиши асосида;
- тадбиркорнинг давлат ва жамоат ташкилотлари мол - мулкларидан фойдаланиши асосида;
- юқорида қайд этилган шаклларни қўшиб олиб бориш асосида амалга оширилади.

Тадбиркорлик фаолиятнинг ва мулкдор билан бўлган муносабатларнинг ҳарактеридан келиб чиққан ҳолда, тадбиркорлик фаолияти мулкдор томонидан ҳам, хўжаликни тўлиқ юритиш ҳуқуқи асосида (ана шу чегаралари мулк эгаси томонидан белгиланган ҳолда) мулкдорнинг мол - мулкини идора қилувчи субъект томонидан ҳам амалга оширилади.

Ҳар қандай шаклдаги тадбиркорлик мулк эгасининг ишлаб чиқариш жараёнида шахсан бевосита иштирок этишига ва (ёки) бошқа фуқороларнинг меҳнатидан фойдаланиш йўли билан фаолиятини амалга оширишига асосланади.

Тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий қоидалари қуйидагилардан иборат:

- қонун билан тақиқланмайдиган ҳар қандай тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда тадбиркорнинг ўзига тегишли бўлган мол-мулкдан фойдаланиш эркинлиги;
- тадбиркорнинг хўжалик фаолиятини юритишдаги ва фаолият маҳсулини тақсимлашдаги мустақиллиги;
- тадбиркорнинг барча турдаги ишлаб чиқариш - хўжалик фаолиятини юритишда, мулк шаклларидан қатъий назар, қонун олдида тенг ҳуқуқлилиги;
- тадбиркорликни амалга ошириш ва ходимларни ишга олиш (ёллаш)нинг ихтиёрийлиги;
- даромад олишнинг манбалари ва усуллари қандай бўлишидан қатъий назар, солиқ идоралари хузурида ҳисоб беришнинг асосланган (декларатив) шакли, тадбиркорларнинг

даромадларини яшириб қолганлик (камайтириб кўрсатганлик) учун Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан жавобгарлиги.

3.2. Кичик бизнес корхоналарини ташкил этишнинг умумий асослари

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун тадбиркорлик субъекти тадбиркорлик ташкилотлари (ширкатларини) тузади. Тадбиркорлик ташкилотларини (ширкатларини) тузиш, уларнинг фаолиятини кўрсатиш, уларни қайта ташкил этиш ва тугатишнинг умумий ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий асослари Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида”ги қонуни билан тартибга солинади.

Тадбиркорлик корхоналарини барпо этиш ва уни рўйхатдан ўтказиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

1. Корхонани барпо этишнинг умумий шарт - шароитлари:

а) корхона мол-мулк эгаси (эгалари) ёки у (улар) вакил қилган идора, корхона, ташкилот қарорига мувофиқ ё бўлмаса, таъсис этувчилар гуруҳи ва айрим таъсис этувчи шахслар қарори билан ушбу ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларида кўзда тутилган тартибда барпо этилади;

б) корхона ишлаб турган корхоналар, ташкилотлар таркибидан битта ёки бир нечта таркибий бўлинманинг шу бўлинма (бўлинмалар) меҳнат жамоаси ташаббуси билан ажралиб чиқиши натижасида, агар бундай ажралиб чиқиш учун корхона мол-мулки эгасининг (у вакил қилган идора, корхона ва ташкилотнинг) розилиги бўлса ва корхона илгари ўз зиммасига олган мажбуриятларнинг бажарилиши таъминланса, тузилади;

в) корхонани барпо этиш ва унинг фаолияти учун ер участкаси, бошқа табиат ресурслари талаб қилинадиган ҳолларда улардан фойдаланишга рухсатномани ҳокимият идораси, тегишли қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда эса экология экспертизасининг ижобий хулосаси бўлган тақдирда табиатдан фойдаланувчи тегишли бошланғич ташкилот томонидан ҳам берилади. Ер участкаси ва бошқа табиат ресурсларини бериш рад этилганида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида кўзда тутилган тартибда тегишли жойларга шикоят қилиниши мумкин;

г) корхона давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб барпо этилган деб ҳисобланади ва ҳуқуқий шахс ҳуқуқини олади.

2. Корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби:

а) корхона, агар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ўзгача тартиб кўзда тутилган бўлмаса, корхона жойлашган ердаги маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари томонидан давлат рўйхатидан ўтказилади. Корхона давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси ягона давлат реестрига киритиш учун 10 кун муддат ичида Молия вазирлигига хабар қилинади;

б) корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш учун тегишли маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идораси бу корхонани барпо этиш тўғрисидаги қарор, Низом ҳамда меъёрий ҳужжатларда белгилаб қўйилгандек, рўйхат бўйича бошқа ҳужжатлар тақдим этилади.

Корхона, тегишли маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идорасига зарур ҳужжатлар илова қилиниб, ариза топширилган пайтдан бошлаб узоғи билан 30 кунда давлат рўйхатидан ўтказилади;

в) корхонани барпо этишнинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартиби бузилганлиги, шунингдек, таъсис ҳужжатлари қонун талабларига мос келмаслиги сабабларига кўра корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилиши мумкин.

Корхоналар зарур ҳужжатларни тақдим этган тақдирда, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари уларни рўйхатга олишни рад этишга ёки рўйхатга олиш учун қўшимча шартлар белгилашга ҳақли эмаслар.

Агар корхона белгиланган муддатда давлат рўйхатидан ўтказилган бўлмаса ёки таъсис этувчи корхонани рўйхатдан ўтказиш рад этилганлиги сабабларини асоссиз деб ҳисобласа, у судга мурожаат қилиши мумкин.

Суд корхонани рўйхатдан ўтказиш рад этилганлигини асоссиз деб топса, бу ҳол корхонани рўйхатдан ўтказмаган маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идорасининг моддий жавобгарлиги (суд чикимларидан ташқари) сабаб бўлади. Моддий жавобгарликнинг миқдори суд томонидан аниқланади ва қонунда белгиланган тартибда ундириб олинади.

г) корхонани давлат рўйхатидан ўтказганлик учун ундан Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгилаб қўйиладиган миқдорида ҳақ олинади. Олинган маблағ маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идораси томонидан корхона рўйхатдан ўтказилган жойдаги нохия, шаҳар, шаҳардаги нохия бюджетига ўтказилади.

3. Корхонанинг устав асосида иш олиб бориш тартиби.

Корхона уставида қуйидагилар белгилаб қўйилади:

- корхонанинг номи, унинг каерда жойлашганлиги;
- фаолият тури ва мақсадлари;
- унинг бошқарув ва назорат органлари, уларнинг ваколатлари;
- корхона мол-мулкини ташкил этиш ва фойдани (даромадни) тақсимлаш тартиби;
- корхонани қайтадан ташкил этиш ва унинг фаолиятини тўхтатиш шартлари.

Низомга корхона фаолиятининг хусусиятлари билан боғлиқ бўлган, қонунларга зид келмайдиган бошқа қоидалар ҳам киритилиши мумкин.

4. Корхонани бошқаришни ташкил этишнинг умумий қоидалари.

Корхона ўз Низомига мувофиқ бошқарилади. Корхона бошқарув структураси, шакли ва услубларини мустақил аниқлайди, штатларни белгилайди.

Мулкдор корхонани бевосита ёки ўзи ваколат берган идоралар орқали бошқаради. Мулкдор ёки хўжаликни тўла юритиш ҳуқуқи субъекти ёхуд у ваколат берган идоралар ана шу ҳуқуқларни корхона кенгашига (идорасига) ё бўлмаса корхона Низомида кўзда тутилган ҳамда мулкдор ва меҳнат жамоаси манфаатларини ифода этадиган бошқа идорага топшириши мумкин.

Корхона раҳбарини ёллаш (тайинлаш, сайлаш) ва бўшатиш корхона мулки эгасининг ёки хўжаликни тўла юритиш ҳуқуқи субъектининг ҳуқуқи бўлиб, бу ҳуқуқни улар бевосита, шунингдек, ўзлари вакил қилган идоралар орқали ёки корхонани бошқариш ҳуқуқи берилган корхона кенгаши, бошқаруви ёхуд бошқа идоралар орқали амалга оширадилар.

5. Корхонанинг меҳнат жамоаси, унинг ваколатлари.

Ўз меҳнати билан корхона фаолиятида меҳнат шартномаси (битим, келишуви), шунингдек, ходимнинг корхона билан меҳнат муносабатларини тартибга солувчи бошқа шакллар асосида қатнашувчи барча фуқоролар шу корхонанинг меҳнат жамоасини ташкил этадилар.

Корхоналар меҳнат жамоаси ваколатларини амалга оширишнинг асосий шакли унинг умумий йиғилиши бўлиб ҳисобланади. Умумий йиғилиш: корхона мол - мулкини сотиб олиш билан боғлиқ масалаларни, корхона маъмурияти билан жамоа шартномаси (битими) тузиш зарурлиги тўғрисидаги масалани, ўз ходимлари учун қўшимча таътиллар, қисқартирилган иш куни ва ишлаб топилган ҳамда истеъмолга сарфланадиган маблағлар доирасида бошқа ижтимоий имтиёзларни белгилайди.

6. Жамоа шартномаси (битими).

Жамоа шартномаси (битими) ҳамма турдаги корхоналарда тузилиши мумкин ва у амалдаги қонунларга зид бўлмаслиги лозим. Корхонадаги ишлаб чиқариш ва меҳнат муносабатлари, меҳнатни муҳофаза қилиш, жамоанинг ижтимоий тараққиёти ва жамоа аъзоларининг саломатлиги масалалари жамоа шартномаси (битими) билан тартибга солинади.

Жамоа шартномаси (битими) тузиш ёки уни бажариш чоғида келишмовчилик чиққан тақдирда бу келишмовчилик қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

7. Тадбиркорнинг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:

- Республика ҳудудларида яшовчи ва фаолият юритувчи ҳар бир фуқоро (бир гуруҳ фуқоролар) хўжалик юритувчи бошқа субъектлар билан тенг асосларда қонунларда белгиланган шартларга риоя қилган ҳолда корхоналар ва ташкилотларни вужудга келтириш, таъсис этиш, сотиб олиш ва қайта тузиш йўли билан тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва давом эттириши;
- бу фаолиятни бажариш учун бошқа юридик шахслар ва фуқороларнинг мол - мулки ҳамда пул маблағларини ихтиёрий асосларда жалб этиши, ходимларни мустақил ёллаш ва ишдан бўшатиши;
- тадбиркорликдан қонунларда белгиланган тартибда солиқ солинадиган чексиз миқдорда шахсий даромад орттириши, ижтимоий таъминланиш ва ижтимоий суғурта қилиниш ҳуқуқларига эгадирлар.

Тадбиркор ёки у вакил қилган шахслар хўжалик юритувчи бошқа субъектларнинг ҳар қандай хатти - ҳаракатлари ва тадбиркорга қилаётган даъволари ҳамда белгиланган тартибда бериладиган жазо чоралари хусусида бахслашишга ҳақли, қонунларга мувофиқ сўзсиз қўлланадиганлари бундан мустасно дир.

8. Тадбиркорнинг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

- тадбиркор амалдаги қонунлардан ҳамда ўзи тузган битимлардан келиб чиқадиган барча мажбуриятларни бажариши;
- ёлланиб ишлаётган ходимлар билан қонунларга мувофиқ меҳнат шартномалари (битимлар) тузиши, ёлланиб ишлаётган ходимларни ижтимоий ва тиббий суғурта қилиши;
- ишга жалб этилган барча ходимилар билан тузилган битимга мувофиқ, корхонанинг молиявий аҳволидан қатъий назар, тўла ҳисоб - китоб қилиши;
- махсус билим ва кўникма талаб қилинадиган ишларга фақатгина зарур тайёргарликка эга, касб - кори жихатидан яроқли ва тегишли маълумотга эга бўлган шахсларнигина жалб этиши.

9. Тадбиркорнинг масъулиятлари. Солиқ ва кредит мажбуриятларининг, тузилган битимларининг ижроси, бошқа субъектларнинг мулкий ҳуқуқларни бузганлиги, хавфсиз меҳнат шароитларига риоя этмаслиги, истеъмолчиларга инсонларнинг саломатлигига зарар етказадиган маҳсулот етказиб берганлиги, атроф - муҳитга зарар етказганлиги, якка ҳокимликка қарши қонунларни бузганлиги учун тадбиркор ўз мол - мулки доирасида амалдаги қонунларга мувофиқ жавобгар ҳисобланади.

Мулкий даъволар тадбиркорнинг меросхўрларига ҳам тааллуқли бўлади, лекин улар мерос қилиб колдирилган мол - мулк ҳажмидан ошмаслиги зарур.

10. Молия ва кредит муносабатлари.

Фойда, амортизация ажратмалари, қимматли қоғозларни сотишдан тушган пул, меҳнат жамоаси аъзоларининг, корхоналар, ташкилотлар, фуқороларнинг пай ва ўзга бадаллари, шунингдек, бошқа тушумлар корхона молиявий ресурсларини ташкил этувчи манбалардир.

Корхона тижорат шартномаси асосида банк кредитидан, бошқа корхоналарнинг кредитларидан ҳам фойдаланади.

Тадбиркор пул маблағларини сақлаш ҳамда барча турдаги ҳисоб - китоб, кредит ва касса операцияларини амалга ошириш

учун корхона рўйхатга олинган жойдаги ҳар қандай банкда, бошқа жойдаги банкда эса - шу банкнинг розилиги билан ҳисоб-китоб рақамлари ва бошқа ҳисоб рақамлари очиши ҳам мумкин.

Иш ҳақи тўлаш ва бюджетга тўловлар барча корхоналар учун биринчи галдаги тўлови бўлиб ҳисобланади. Ҳисоб - китобларнинг бошқа турларини корхона календарь тартибига мувофиқ амалга оширади.

Корхона ҳаридор (истеъмолчилар)га қарзга олинган маблағ учун фойда тўлаш тартибида қарзга маҳсулот етказиб бериши, ишни бажариши ва хизмат кўрсатиши мумкин. Бундай савдо битимларини расмийлаштириш учун корхона хўжалик оборотида вексел қўллаши мумкин. Корхона фоиз тўлаш шарти билан бошқа корхоналарга кредит бериши ҳам мумкин.

Ҳисоб - китоб қилиш юзасидан ўз мажбуриятларини мунтазам бажармайдиган корхона банк томонидан тўловга қобилиятсиз деб эълон қилиниши мумкин. Бундай корхоналарга таъсир ўтказиш чоралари ва уларни қўллаш тартиби банклар томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

11. Тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришни рағбатлантириш ва уни қўллаб - қувватлаш йўналишлари.

Давлат кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига риоя этилишини кафолатлайди, эркин рақобат учун шарт-шароит яратади, моддий, молиявий, меҳнатга оид ва бошқа ресурслардан фойдаланишда тенг имкониятларни таъминлайди.

Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг кичик ва хусусий тадбиркорлик масалаларига оид, ҳамма учун мажбурий бўлган норматив ҳужжатлари тегишлича Адлия вазирлигида, унинг маҳаллий органларида ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши, давлат рўйхатига олиниши зарур ва бу ҳужжатлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг хизмат ёки тижорат сири бўлган ахборотларнинг ҳимоя қилиниши кафолатланади.

Давлат органлари ва бошқа органларнинг, улардаги мансабдор шахслар ва ходимларнинг, меъёрий ҳужжатларида

назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувига йўл қўйилмайди.

Давлат органлари ёки бошқа органларнинг ҳамда улардаги мансабдор шахсларнинг кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини бузувчи хатти - ҳаракатлари (қарорлари) устидан суд тартибида шикоят қилиниши ҳам мумкин.

Шуни таъкидлаш лозимки, давлат органлари ёки бошқа органларнинг ёхуд улардаги мансабдор шахсларнинг хатти- ҳаракатлари (қарорлари) туфайли кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектига етказилган зарар, бой берилган фойдани қўшган ҳолда, шу органлар томонидан қонуний равишда қопланади. Зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар фақат суд органлари томонидан, белгиланган тартибда ҳал этилади.

Давлат томонидан кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мол-мулки олиб қўйилишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар ва тартибда олиб қўйиш бундан мустаснодир.

Кичик ва хусусий тадбиркорликни шакллантириш, ривожлантириш жараёнларини тартибга солиш ва рағбатлантириш давлат томонидан норматив - ҳуқуқий негизни такомиллаштириш, инфратузилмани шакллантириш ҳамда кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун шарт - шароит яратиш асосида иқтисодий таъсир кўрсатиш йўли билан амалга оширилади.

Бу борада маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида:

- кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун маҳаллий солиқлар ва йиғимлар бўйича имтиёзлар белгилайди;
- кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳудудий дастурларини ишлаб чиқадилар;
- кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини аниқлайдилар.

Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ишлаб чиқиладиган кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг давлат ҳамда ҳудудий дастурларига мувофиқ амалга оширилади.

Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг давлат ва ҳудудий дастурлари бозор инфратузилмасини вужудга келтиришни, қулай тадбиркорлик муҳитини шакллантиришни ҳамда кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни иқтисодий рағбатлантириш тадбирларини ўз ичига олади.

Дастурларни молиявий таъминлаш кичик ва хусусий тадбиркорликни қўллаб - қувватлаш фондлари, халқаро дастурлар бўйича, хусусий ва бошқа манбалардан жалб этилган маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

Кичик ва хусусий тадбиркорликни қўллаб - қувватлаш фондлари томонидан ажратиладиган маблағлар қуйидаги мақсадлар учун берилади:

- кредитлар, шу жумладан имтиёзли кредитлар бериш асосида инвестиция лойиҳаларини молиявий таъминлаш;
- устав сармоясида иштирок этиш;
- маслахат ва ахборот хизматлари кўрсатиш шаклида техник жихатдан кўмаклашиш;
- инфратузилмани ривожлантиришга кўмаклашиш;
- олинаётган кредитлар учун кафолатлар, мажбуриятлар ва кафилликлар бериш йўли ҳамда қўллаб - қувватлашнинг бошқа шакллари билан кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришни рағбатлантириш учун ҳосил қилинади.

Қишлоқ жойлардаги кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини, шунингдек, рақобатбардош ва экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва шундай хизматлар кўрсатиш юзасидан кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини барпо этиш кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришнинг устувор йўналишлари бўлиб ҳисобланади.

Кичик ва хусусий корхоналарни барпо этишда давлат тасарруфидан чиқарилаётган ва хусусийлаштирилаётган асосий фондлар қийматининг имтиёзли индексацияси қўлланилади.

Қишлоқ жойлардаги кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иморатни ижарага олиш ёки сотиб олишда, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини улар жойлашган ер участкалари билан биргаликда сотиб олишда биринчи навбат ҳуқуқига эгадирлар.

Давлат бошқарув органлари кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари замонавий ускуна ва технологиялар олишга,

технопарклар, лизинг корхоналари, бизнес инкубаторлар, ишлаб чиқариш - технология марказлари ва инфратузилманинг бошқа объектлари тармоғини барпо этишга ёрдам бериш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини таъминлайдилар, ихтисослашган улгуржи бозорлар, ярмаркалар барпо этиш ва ташкил этишда ёрдамлашадилар.

Давлат бошқарув органлари маҳсулотлар ҳарид этиш ва етказиб бериш, хизматлар кўрсатиш учун шартномаларни тузиш вақтида буюртмаларни танлов асосида кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тақсимлаб беришлари ҳам мумкин.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўз маҳсулотлари ва хизматларини, мавжуд талаб-эҳтиёжлардан келиб чиқиб, эркин баҳоларда реализация қиладилар.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан, шу жумладан, қишлоқ жойларда фаолият олиб бораётган ёки рақобатбардош ва экспортга мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун бирмунча ноқулайроқ шароитларни юзага келтирадиган ўзгартишлар киритилган тақдирда, мазкур субъектлардан кейинги 2 йил давомида улар давлат рўйхатидан ўтган пайтда амалда бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ, солиқ ундирилади.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари асосий фондлардан аммортизация ажратмаларини ишлаб чиқариш чиқимларига мўлжалланган харажатларга киритиб, асосий ишлаб чиқариш фондларининг тезлаштирилган аммортизациясини тегишли асосий фондлар учун белгиланган нормадан 2 мартадан кўпроқ ошиб кетмайдиган миқдорда қўллашга ҳақлидир.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари 3 йилдан кўпроқ муддат давомида ишлатилиб, аммортизация ажратмалари ажратиб келинган асосий фондлар дастлабки қийматининг 50 фоизига қадарини ҳисобдан чиқаришга ҳақлидирлар.

Кичик ёки хусусий корхона ишга тушган пайтдан эътиборан 2 йил ўтгунга қадар ўз фаолиятини тугатган тақдирда қўшимча равишда ҳисоблаб чиқарилган (тезлаштирилган) амортизация суммаси кичик ёки хусусий корхонанинг баланс фойдаси кўпайиши ҳисобига қайтарилади.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларига имтиёзли кредитлар бериш махсус фондларнинг ихтисослаштирилган агентликлари томонидан суғурта полиси асосида амалга оширилади.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик корхоналарига имтиёзли кредитлар бериш кичик ва хусусий тадбиркорликни қўллаб - қувватлаш Фонди (Бизнес-фонди) томонидан амалга оширилади. Республика Давлат мулк қўмитаси ушбу мақсад учун хусусийлаштириш ва давлат тасаруффидан чиқаришдан тушган тушумлар ҳисобидан 50 фоиз маблағларни Бизнес- фондга ўтказади. Ўз навбатида, Бизнес - фонди кичик ва хусусий тадбиркорликни суғурталаш бўйича ҳимоя қилишни “Мадад” суғурта агентлиги ва бошқа махсус агентликларнинг тавсияномаларига асосан имтиёзли кредитларни ажратади. Мазкур ихтисослашган суғурта агентликлари тадбиркорлик таваккалчиликларидан ҳамда кредитлар қопланмаганлиги учун қарздорни жавобгарликдан имтиёзли шартларда суғурта йўли билан ҳимоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига оладилар.

Тижорат банклари кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларига зарар етказганлиги учун, шу жумладан бой берилган фойда тарзида зарар етказганлиги учун норматив - ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Тижорат банклари кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларига банкдаги ўз ҳисоб вароқаларидан ўз маблағларини олишни рад этишга ҳақли эмаслар.

12. Тадбиркор корхонанинг ташқи иқтисодий фаолияти.

Корхона қонунларга мувофиқ, мустақил равишда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Олинган валюта корхонанинг валюта баланси ҳисобига ўтказилади ва ундан корхона мустақил фойдаланади. Корхонанинг валюта тушумидан мазкур корхона ўз валюта ҳисобидан қилган бевосита валюта харажатлари чегириб ташлангандан сўнг республика ва маҳаллий бюджетларга валюта ажратмалари ўтказилади.

Республика ва маҳаллий бюджетларга ажратмалар миқдори қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Корхонанинг валюта маблағини ўзга йўл билан тортиб олиш таъкидлаб ўтилган

қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларда кўрсатилганидек, қатъий ман этилади.

Давлат бошқарув органлари кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт - импорт операцияларидаги иштирокини кенгайтиришга, шунингдек, мазкур субъектларнинг ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги дастурларини ва лойиҳаларни рўёбга чиқаришда қатнашувига оид тадбирларни амалга оширадилар, уларнинг халқаро кўргазмалар ва ярмаркаларда қатнашишларига ёрдам берадилар.

13. Корхона фаолиятини назорат қилиш тартиби. Корхонанинг молиявий - хўжалик фаолияти мулкдорнинг ташаббуси билан ва бир йилда кўпи билан бир марта тафтиш қилиниши мумкин.

Норматив - ҳуқуқий ҳужжатлар талаби билан корхоналар фаолиятининг айрим жихатларини текшириш вазифаси юкланган солиқ ва бошқа давлат идоралари бундай текширувларни зарурат туғилганида ва қатъиян ўз ваколатлари доирасида амалга оширишлари мумкин. Корхона ўз навбатида, ана шу идораларнинг вазифасига кирмайдиган масалалар юзасидан мазкур идораларнинг талабларини бажармасликка ва назорат соҳасига кирмаган материаллар билан уларни таништирмасликка ҳақлидирлар.

Барча турдаги текширувлар ва тафтишлар корхонанинг нормал фаолият юритишига, ишлашига ҳалақит бермаслиги керак. Тафтишлар ва текширувларнинг натижалари ўз вақтида корхонага хабар қилинади.

14. Корхонани тугатиш ва қайта ташкил этиш шартлари. Корхонани тугатиш ва қайта ташкил этиш (бирлаштириш, қўшиш, бўлиб юбориш, ажратиш, қайтадан тузиш), корхона мол - мулки эгасининг ёки шундай корхоналарни тузишга ваколатли бўлган идоралар қарорига биноан ёхуд суд ёки ҳакамлик судининг қарорига биноан амалга оширилади. Банкрот - синган корхоналарни тугатиш қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Корхона давлат рўйхати реестридан чиқариб юборилган пайтдан бошлаб қайта ташкил этилган ёки тугатилган ҳисобланади. Корхонани қайта ташкил этиш ва тугатиш давомида ишдан бўшатилаётган ходимларга меъёрий ҳужжатларда белгиланганга

мувофиқ уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига риоя этилишига кафолатлар берилади.

Корхона бошқа корхона билан қўшилган тақдирда мазкур корхоналарнинг ҳар бирига тааллуқли барча мулкий ҳуқуқлар ва мажбуриятлар қўшилиши натижасида вужудга келган корхонага ўтади. Бунда унинг барча мулкий ҳуқуқлари ва мажбуриятлари қўшиб олган корхонага ўтади.

Корхона бўлиб юборилган тақдирда қайтадан ташкил этилган корхонанинг мулкий ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ана шу бўлиб юбориш натижасида вужудга келган янги корхоналарга бўлиб юбориш ҳужжатлари (баланси)га мувофиқ тегишли қисмларда ўтади.

Агар корхонадан битта ёки бир нечта янги корхонани ажратиб чиқарилса, қайтадан ташкил этилган корхонанинг мулкий ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўлиб юбориш ҳужжатлари (баланси)га мувофиқ тегишли қисмларда уларнинг ҳар бирига ўтказилади.

15. Тадбиркорлик корхоналари учун кадрлар тайёрлашни давлат томонидан қўллаб - қувватлаш тадбирлари.

Давлат тадбиркорлик корхоналари учун кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ривожлантиришни таъминлайди. Қишлоқ жойлардаги кичик ва хусусий тадбиркорлик учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш билан шуғулланувчи муассасалар ва ташкилотлар норматив - ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартибда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Таянч сўз ва иборалар. Назорат ва мулоҳаза учун **саволлар**

Корхона ҳақида тушунча, хусусий мулкка асосланган корхоналар, давлат мулкига асосланган корхоналар, мулкчиликнинг аралаш шаклига асосланган корхоналар, қўшма корхоналар, тадбиркорлик тушунчаси, тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий қоидалари, корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш тартби, корхонанинг устави, корхонани бошқаришни ташкил этиш, корхонанинг молия ва кредит муносабатлари, корхонанинг ташқи иқтисодий фаолияти.

Назорат ва мулоҳаза учун саволлар

1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари нималардан иборат?

2. Тадбиркорлик фаолияти тушунчаси, моҳияти ва аҳамиятини изоҳлаб беринг.

3. Тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий қоидалари нималардан иборат?

4. Корхонани ташкил этиш, иш юритиш, бошқариш тартибини изоҳлаб беринг.

5. Тадбиркорнинг ҳуқуқ ва бурчлари нималардан иборат?

6. Корхонада молия ва кредит муносабатлари қандай амалга оширилади?

7. Давлат томонидан тадбиркорлик субъектларини рағбатлантириш ва қўллаб - қувватлаш йўналишлари нималардан иборат?

8. Корхонанинг ташқи иқтисодий фаолият юритиш тартиби қандай?

9. Корхона фаолиятини назорат қилиш, тугатиш ва қайта ташкил этиш шартлари нималардан иборат?

IV боб. Кичик бизнес ҳақида маълумотлар йиғиш

4.1. Бизнесда маълумотларнинг аҳамияти ва уларнинг турлари

Бизнесда жуда катта миқдордаги ахборотлар хизмат қилади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик доирасида бажарилаётган ишларнинг турли хилларига жавоб берувчи ахборотларнинг шахсий базалари шаклланади.

Бизнес етарли ва аниқ ахборотларсиз амалга оширилиши мумкин эмас, бу ахборотлар тадбиркорлик фаолияти учун зарур бўлган маълумотлар, хабарлар мажмуасидан иборат бўлади. Ахборот - бу ишлаб чиқарувчилар, товарни сотувчилар ва ҳаридорлар ўртасидаги алоқа шаклидир.

Ишбилармонлар, асосан, турли хил ахборотлар: статистик, оператив, ташкилий, фармойишга оид, бухгалтерлик, молиявий, маркетинг, таъминот бўйича, ходимлар бўйича, маълумотли ва ҳ. к. билан ишлайдилар.

Ахборотлар **ички ташқи, дастурий ва меъёрийга** бўлинади.

Ички ахборот кичик корхона ёки савдо ташкилоти ичида айланиб юради. У корхона фаолиятини, унинг техник - иқтисодий кўрсаткичларини, моддий ва меҳнат харажатлари ҳажмини, нақд пул ҳаракатини, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳақидаги маълумотларни акс эттиради.

Ташқи ахборотлар маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар, ҳокимият идоралари, банклар, рақиблар ва бошқа ташкилотлар билан алоқаларни таърифлайди. У товарларни сотиш ва ҳарид қилиш шартлари ҳақидаги ташқи муҳит хабарларидан иборат бўлади.

Фойдаланиш вақти бўйича ахборотлар: тезкор (оператив), даврий ва узоқ муддатлига, ўзгартириш даражаси бўйича бирламчи ва иккиламчига бўлинади.

Бизнесда иқтисодий ахборотлар етакчи роль ўйнайди, чунки улар товар ишлаб чиқариш, моддий бойликларни тақсимлаш, айирибошлаш ва истеъмол қилиш жараёнида одамлар ўртасидаги муносабатларни акс эттиради.

Кичик корхоналар учун илмий - техник ахборотларни роли ҳам муҳим, улар ишлаб чиқаришнинг илмий - техник тараққиёт асосида ривожланишини акс эттиради.

Доимийлик даражасидаги ахборот доимий, шартли - доимий ва ўзгарувчан бўлади. Доимий ахборот ўз маъносини узоқ вақт давомида ўзгартирмайди.

Шартли доимий ахборотлар маълум вақт давомида ўз маъносини сақлаб қолади. Унга маҳсулот тайёрлаш учун техник шартлар, меъёрлар ва нормативлар, тариф миқдорлари, лавозим иш ҳақлари ва ҳ. к. киради.

Ўзгарувчан ахборотларни ҳарид қилиш - сотишнинг ўсишини акс эттиради. Улар қарор қабул қилиш учун доимо тез қайта ишлашни талаб қилади, акс ҳолда уларни олишдан маъно қолмайди.

Ҳар қандай ахборот ҳужжатларда акс эттирилади. Ҳужжат - бу ахборот тарқатувчи. Ҳар бир ҳужжатнинг вазифаси уни шаклида акс эттирилади. Нафақат ишбилармонлар, балки бу ҳужжатларни ўқувчи, фойдаланувчи, қайта ишловчи ва сақловчи одамларнинг меҳнат харажатлари ҳам ҳужжатнинг шаклларига боғлиқ. Бизнесда кераксиз ҳужжатлар бўлиши мумкин эмас.

Ахборот оқимлари муваффақиятли бизнес учун керакли алоқаларни таъминлайди. Бундай алоқалар товар ишлаб чиқарувчилар ва уларнинг истеъмолчилари, маҳсулотларни сотувчилар ва ҳаридорлар, турли муассасалар ўртасида зарурдир.

Ахборот манбаалари ва қабул қилувчилар ўртасида энг яхши алоқаларни таъминлаш бизнес ва хусусий тадбиркорликни самарали ишлашининг ўзгармас шартларидан биридир.

Ахборотларни айирбошлаш кичик ва хусусий тадбиркорликнинг энг мураккаб муаммоларидан бири бўлади.

Самарали ишлаётган ишбилармонлар алоқа қилишдаги самарали кишилардир. Улар алоқа қилиш жараёнининг моҳиятини тушунадилар, оғзаки ва ёзма муамоланинг уддасидан чиқа оладилар.

Алоқа қилиш жараёни - бу икки ёки ундан ортиқ кишилар ўртасида ахборот айирбошлаш жараёни. Алоқа қилиш жараёнининг асосий вазифаси - алмашув мавзуи бўлган ахборотни тушинишини таъминлаш. Аммо ахборот алмашувини ўзи бу жараёнда иштирок

этаётган ишбилармонларнинг алоқалари самарадорлигига кафолат бермайди.

Ахборот алмашиш жараёнида тўртта элемент иштирок этади: жўнатувчи, хабар, канал - ахборотни узатувчи восита ва олувчи. Бу элементларнинг иши аниқ йўлга қўйилган бўлса, ахборотлар аниқ ва ишонарли бўлади.

Ахборот алмашуви чоғида икки томон муҳим роль ўйнайди. Агар сотувчи товар нархини айтса, бу фақат ахборот алмашувини бошланиши. Ахборот алмашуви самарали бўлиши учун, харидор товарни шу нархга харид қилишга рози эканлигини сотувчига хабар қилиши лозим.

Агар бир томон ахборотни тақдим этса ва бошқа томон уни бузмасдан қабул қилган ҳолда ахборот алмашуви содир бўлади. Шунинг учун алоқа қилиш жараёнига диққат билан эътибор бериш керак.

Алоқа қилиш техникаси турли - тумандир. Бизнеснинг алоқа қилиш техникасининг турларидан бири - компьютерлаштиришдир. Компьютерлаштиришнинг аҳамияти бозор муносабатларига ўтиш, ишбилармонларни жаҳон бозорига чиқиши муносабати билан таққослаб бўлмайдиган даражада ўсмоқда. Маълумки, бизнеснинг жаҳон амалиётида компьютерлаштириш кундалик ва муҳим техника бўлиб қолган. Компьютерлар ёрдамида бизнес - режалар тузилади, меҳнатга ҳақ тўлаш амалга оширилади, бозор тадқиқот қилинади, чакана ва улгуржи савдолар ўрганилади.

Айтилганлардан келиб чиқадики, ахборот бизнесда, кичик ва хусусий тадбиркорликда катта аҳамиятга эга, қабул килинаётган қарорларни манбаи бўлади. Ҳақиқатда ахборотсиз, керакли маълумотларсиз ҳеч ким ишламайди. қабул килинаётган қарорларни амалийлиги, кичик ва хусусий тадбиркорликнинг самарадорлиги ахборотлар сифати, уни ўз вақтида йиғиш, узатиш ва қайта ишлашга боғлиқ.

4.2. Бизнесда ахборот тизими

Ахборотлар мажмуаси бизнесда ахборот тизимини ташкил қилади. Бизнеснинг ахборот тизими ўз ичига керакли ахборотлар, ҳужжатлар, бизнес тадқиқотлари тизими, алоқа каналлари ва техник воситаларни олувчи, мураккаб ахборот тузилмасидир.

Тадбиркорлар ўз иш кунларини кичик ва хусусий корхоналар, савдо нукталари иши ҳақидаги маълумотлар, маҳсулотларга буюртмалар ва ортиб жўнатиш ҳақидаги телекс ҳисоботлари билан танишиш, ҳақиқий ва режа кўрсаткичларини ўзаро муносабатларини фоизларда, ишлаб чиқариш харажатларида ўрганишдан бошлайдилар. Улар маҳсулотларни жорий ва ўтган вақтда сотилиш, товар-моддий захиралар, меҳнатни ташкил қилиш ва унга ҳақ тўлаш, транспортда ташиш ва аҳолига бошқа хизматлар кўрсатиш ҳақидаги ахборотларни саноқли дақиқаларда оладилар. Бунда уларга ҳисоблаш техникаси ва ахборотларни қайта ишлаш жараёнини компьютерлаштириш ёрдам беради.

Йиғилган ва қайта ишланган ахборот тадбиркорга бошқарув қарори қабул қилишда ёрдам беради.

Самарали ишлаётган корхоналар йиғилаётган ахборотлар сифатини ошириш ва миқдорини кўпайтиришга етарли даражада куч сарфлайдилар. Улар ўз ходимларини содир бўлаётган воқеаларни қайд этиш ва улар ҳақида хабар қилишга ўргатадилар ва бунинг учун тақдирлайдилар. Фирма улгуржи ва чакана сотувчилар ва бошқа иттифоқчиларини унга муҳим хабарларни узатишга рағбатлантиради. Ишбилармонларга рақиблари ҳақида ахборотлар зарур. Рақиблар ҳақидаги маълумотларни яна уларни ҳисоботларини ўқиб ва ҳиссадорлар мажлисларида иштирок этиб, рақиб корхона ходимлари, рақибларга мол етказиб берувчилар ва ҳаридорлар билан суҳбатлашиб ҳам олиш мумкин.

Рақиблар рекламалари йиғиндисини, уларнинг рекламага харажатлари ва улар фойдаланаётган реклама воситалари тўпламини олиш учун газетадан кесиб олинган парчалар бюросининг пуллик хизматларига мурожаат қилинади.

Ишбилармонларга мижозлар, дилерлар ва бозорда ҳаракат қилувчи бошқа кучлар ҳақида маълумотлар керак. Бозор муносабатларига ўтиш янада кенгроқ ва янада сифатлироқ ахборотлар олиш зарурлигини шарт қилиб қўяди.

Кичик ва ҳуқуқий корхоналар ўз бозорлари ҳудудини доимо кенгайтира борадилар ва ишбилармонлар ахборотларни қидириб топишнинг янги йўлларини излаб, топишга мажбурлар.

Ишбилармонлар учун ҳаридорни товар хусусиятларига муносабатларини олдиндан башорат қилиш борган сари қийинлашмоқда ва улар тадқиқотларга мурожаат қилмоқдалар.

Ишбилармонларга борган сари кўпроқ ахборотлар керак бўлади, улар доимо етишмайди. Шунинг билан бир вақтда, ишбилармонлар ўзларига керакли аниқ ва фойдали маълумотларни етарли миқдорда йиға олмаётганликларидан шикоят қиладилар.

Баъзи бир корхоналарда жорий ахборотларни йиғиш ва тарқатиш бўйича махсус бўлимлар ёки лабораториялар мавжуд. Бу бўлимлар ходимлари керакли ахборотларни қидириб топиш учун энг муҳим нашрлар, газета ва журналларни кўздан кечирадилар ва ишбилармонларга махсус тайёрланган ахборот вароқаларини жунатадилар. Бундай хизматлар тадбиркорларга келиб тушаётган ахборотлар сифатини кескин оширишга имкон беради.

Бизнес тадқиқотлари тизимининг вазифаси муваффақиятли бизнес учун керакли маълумотлар доирасини мунтазам равишда аниқлашдан иборат.

1 - чизма

Бизнес учун керакли маълумотларни тадқиқот қилиш **кетма – кетлиги**



Ишбилармонларда, қоидага кўра, ўз кучлари билан бизнес тадқиқотлари ўтказиш учун на вақт ва на кўникма бор, шунинг учун улар бундай тадқиқотларни буюришга мажбурлар. Корхона шартнома асосида тадқиқот ўтказишга соҳа илмий - тадқиқот институтига ёки олий ўқув юртига буюртма бериши мумкин. Йирик корхоналар ўз тадқиқот бўлимлари ва лабораторияларига эгалик қилишлари мумкин. Бўлим ходимлари орасида муҳандислар, иқтисодчилар, социологлар, психологлар, бизнес бўйича мутахассислар бўлиши мумкин.

Одатда, бизнес тадқиқотлари тизими ўз ичига қуйидагиларни олади:

* бозорни тадқиқот қилиш;
* реклама воситасини, реклама эълонлари самарадорлигини ошириш;
* ходимларнинг ишга фаоллигини аниқлаш;
* рақиблар товарларининг турлари ва сифатини билиш;
* нарх - наво сиёсатидан хабардор бўлиш;
* товар ассортиментларини ўрганиш;
* халқаро бозорларни ўрганиш;
* раҳбарликни ахборотлар билан таъминланишини тадқиқ қилиш;
* ходимлар билан ишлаш сиёсати ва ходимларнинг фаолиятини баҳолашни ўрганиш;
* социологик тадқиқотлар ва ҳ. к.

Бизнес тадқиқотлари қуйидаги кетма - кетликда ўтказилади:

тадқиқотчилар муаммони аниқ белгилашлари ва тадқиқот мақсадини келишиб олишлари керак. Ахборотларни йиғиш анча қимматга тушади ва муммони мужмал ёки нотўғри белгилаш ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган харажатларга олиб келади. Аниқ қўйилган мақсад муаммони ҳал қилишни осонлаштиради.

Тадқиқотнинг иккинчи босқичида буюртмачини қизиқтираётган ахборот турини ва уни энг самарали йиғиш йўлини аниқлаш зарур. Тадқиқотчи иккиламчи ёки бирламчи ахборотларни ёки иккаласини бир вақтда йиғиши мумкин.

Иккиламчи ахборот аввал бошқа мақсадлар учун йиғилган мавжуд ахборотдир.

Иккиламчи ахборотларнинг манбалари қуйидагилар:

- корхоналар ҳисоботлари;
- бўлғуси тадқиқотлар ҳақидаги ҳисоботлар;
- давлат муассасалари нашрлари;
- баланс ҳисоботлари;
- статистик маълумотномалар;
- биржалар маълумотномалари;
- газеталар, журналлар, радио, телевидение ва ҳ. к.

Иккиламчи ахборот тадқиқотни бошланғич нуқтаси бўлиб хизмат қилади. У арзон тушиши ва олиш осонлиги билан бошқасидан фарқ қилади. Аммо тадқиқотчига керакли маълумотлар эскирган, ноаниқ, тўлиқсиз ёки ишончсиз бўлиши мумкин. Бу

ҳолда тадқиқотчига янада кўпроқ маблағлар ва вақт сарфлаш орқали бирламчи ахборот йиғишга тўғри келади.

Бирламчи ахборот - бу аниқ мақсад учун биринчи марта йиғиладиган ахборот. Бирламчи ахборот йиғишнинг учта услуби бор:

1) кузатиш;
2) тажриба;
3) сўров.

Кузатиш - бирламчи ахборот йиғишнинг эҳтимол тутилган услубларидан бири, унда тадқиқотчи одамлар ва вазият устидан бевосита кузатиш олиб боради. Кузатиш фойдали ғояларга, рақиблар тажрибасини ўрганишга олиб келиши мумкин.

Маълумот йиғишнинг бошқа услуби - **тажриба.**

Тажриба тадқиқотлари ўзаро таққосланаётган субъектлар гуруҳини танлаш, бу гуруҳлар учун турли хил ҳолатларни яратиш, таққосланаётганлар устидан назоратни ва кузатилаётган фарқларнинг даражаси ва аҳамиятини белгилашни талаб қилади. Бундай тадқиқотнинг мақсади - кузатиш натижаларини зиддиятли изоҳлашларни саралаш йўли билан сабаб - натижа муносабатларини очиб ташламоқдан иборат.

Сўров - кузатиш ва тажриба ўртасида туради.

Кузатиш қидирув тадқиқотлари учун кўпроқ тўғри келади; тажриба - сабаб - натижа алоқаларини аниқлаш учун, сўров эса тасвирий тадқиқот ўтказишда энг қулай усулдир.

Бизнес тадқиқотчиси иш режасини ишлаб чиқиши керак, шу туфайли йиғилган ахборотлар тадқиқотчилар олдида турган вазифаларга жавоб беради.

Режада: Кимдан сўраш? Қанча миқдордаги одамлардан сўраш керак? Сўралувчиларни қандай тартибда танлаб олиш керак? Ишни бажариш муддати ва ҳо казолар белгиланган бўлиши керак.

Тадқиқотчи қандай ахборотлар ўзига зарурлиги ва улар кимда бўлишини ҳал қилиши керак.

Тадқиқот режасини ишлаб чиқиб, ахборотларни йиғилади. Қоидага кўра, бу тадқиқотнинг энг қийин ва қимматли босқичи. Керакли ахборотларни қаердан олишни, биринчи навбатда, кимлардан сўрашни аниқлаш керак бўлади. Баъзи бир сўралувчилар уйда ҳам, ишда ҳам бўлмасликлари мумкин. Бошқалар сўровда иштирок этишдан бош тортишлари мумкин. Учинчилар ғараз билан

ёки носамимий ҳолда жавоб беришлари мумкин. Белгиланган ахборотларга эга ҳужжатлар билан танишишда ҳам кийинчиликлар вужудга келади.

Тадқиқотнинг кейинги босқичи - йиғилган ахборотларни таҳлил қилиш, яъни олинган маълумотлар мажмуасидан энг муҳим маълумотлар ва натижаларни ажратиб олиш. Йиғилган ахборотларнинг таҳлили олинган маълумотларни статистик ёки иқтисодий - математик услуб орқали қайта ишлаш йўли билан ўтказилади.

Қайта ишлашнинг асосий натижалари жадваллар ва диаграммаларга кўчирилади, раҳбарликка бошқарув қарорлари қабул қилиш учун тақдим қилинади.

4.3. Бизнесни ахборот билан таъминлашни ташкил этиш

Бизнесни ахборот билан таъминлашдан мақсад барча лавозимлардаги ишбилармонларни сифатли ахбортлар тизими билан ўз вақтида таъминлашдир.

Ахборотларга эҳтиёж кичик ва хусусий бизнесни ахборотлар билан таъминланишининг асосий шарти бўлади.

Ахборотларга эҳтиёж ишбилармонлар томонидан бажарилаётган ишларни ҳисобга олган, кичик ва хусусий тадбиркорликнинг мақсадлари ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Ахборотлар ҳажми, уларнинг турлари, уларда қайд килинган керакли ҳужжатларнинг миқдори, кўрсаткичларни аниқлаш ахборотлар билан таъминлаш тизими ташкилотчиларининг биринчи навбатдаги иши бўлади. Ишбилармонлар самарали ишлаши учун етарли миқдордаги барча керакли ахборотлар билан таминланган бўлишлари керак. Ахборот тўғри, ишончли ва аниқ бўлиши, ўз вақтида келиб тушиши керак.

Ҳар бир кичик корхонада ҳужжатларни ўрганиш жараёнида доимий, ўзгарувчан ва ҳосила ахборотларни, уларнинг даврийлигини, қарор қабул қилиш учун ишлатилишини аниқлаш керак.

Ҳужжатларни бизнеснинг бажарилаётган у ёки бу хизматларига тегишли эканлигини аниқлаш учун уларнинг йўналишлари: техник, режавий, молиявий, меъёрий, дастурий ва ҳ.к. бўйича гуруҳларга ажратилади.

Ҳужжатларни бундай туркумлаш улар ҳаракатининг умумий қонуниятини аниқлашга, ҳужжатларни тузилиши, маълумотларни қайта ишлашнинг кетма - кетлигини ва ходимларни иш билан банд қилиш даражасини, ҳамма ҳисоблаш техникасини белгилашга имкон беради.

Шундай туркумлашга мувофиқ ҳужжатлар айланишининг мавжуд тасвири таҳлили ўтказилади, маълумотларни қайта ишлаш тизимининг умумий доираларини аниқлашга ва уни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишга имкон беради. Ҳужжатларни шаклланиши ва ҳаракати қонуниятини ҳисобга олган ҳолда ҳужжатлар айлануви тасвирини кўриш мумкин. Ҳужжат айлануви тасвирлари ҳужжатлар таркиби ва қайта ишланишини батафсил тадқиқот қилиш натижаларини умумлаштиришдан иборат бўлади. Улар бажарилаётган ишлар турлари, ҳужжатлар шакллари ва ходимлар вазифалари орасида мавжуд бўлган алоқалар ва ўзаро бир-бирларини алмаштиришни график шаклида кўргазмали тақдим қилишга имкон беради.

Айрим ҳужжатлардан фойдаланиш тезлиги, уларнинг кўрсаткичлари ва шаклларини аниқлаш ҳужжатлар ва кўрсаткичлар сонини қисқартиришга имкон беради.

Ахборот оқимларини ташкил қилиш ўз ичига:

- ахборотлар манбалари ва истеъмолчиларни аниқлаш;
- ҳужжатлар айланувини ишлаб чиқиш;
- ахборотларни йиғиш, узатиш, қайта ишлаш ва сақлаш учун техник воситаларни аниқлаш ҳамда ҳужжатларни тузиш;
- расмийлаштириш, рўйхатдан ўтказиш, мувофиқлаштириш ва тасдиқлаш тартибларини белгилаш.

Кичик ва хусусий бизнесни ахборот билан таъминлашни ташкил қилишда мавжуд ҳисоблаш ва перфокартали техникада, ахборотларни йиғиш, қайта ишлашнинг автоматлаштирилиши ва механизациялаштирилиши даражасидан келиб чиқиш керак.

Техник восита қанчалик мукаммал бўлса, бизнес, ишбилармон меҳнатини ташкил қилиш шунчалик самаралидир. Техникага фақат ҳисоблаш машиналари ва компьютерларнигина киритиш керак эмас. Биринчи марта техник воситалар юз йидан ортиқ вақтда пайдо бўлган. Уларнинг кўп турлилигини, яъни ручка, чизғич ва энг оддий варокдан тортиб то ЭҲМ гача икки асосий синфга бўлиш

мумкин: ташкил қилишнинг техник воситаси **ва** ҳисоблаш машиналари.

Ташкил қилишнинг техник воситасига ахборотларни олиш ва қайта ишлаш, нусха кўчириш ва уларни кўпайтириш учун ускуналар, мосламалар, машиналар ҳамда алоқа воситалари киради. Бунга яна ахборот ташувчилар ва хизмат кўрсатиш воситалари, хизмат хоналари асбоб - ускуналарини ҳам киритиш мумкин. Ишбилармонлар ўз ишларида жуда катта миқдордаги оддий қурол ва мосламалардан: қаламлар, ручкалар, счётлар, идора дафтарлари, жадваллар, графиклар ва бошқалардан фойдаланадилар.

Ишбилармон меҳнатини автоматлаштириш ва механизациялаштириш меҳнатнинг оддий восита ва қуролларини энг мувофиқ қўллаш муаммосини йўқ килмайди, балки фақат ўзгартиради. Энг охирги авлод ЭҲМ лари ва компьютерлар оддий қалам ёки чизғични қўллашни тўлиқ йўқ қила олмайди. Қулай, ихчам ва узоқ муддатли оддий техник воситалар бизнесда, айниқса кичик бизнесда, мураккаб техник қурилмалардан кам бўлмаган ҳолда муҳим ва зарурдир.

Кичик ва хусусий бизнесни ахборот билан таъминланишини ташкил қилиш яна ҳужжатларни сақлаш воситалари: токчалар, жовонлар, картотекалар, магнит тасмалари, магнит ва лазер дисклари мавжудлигини кўзда тутади. Алоқа воситаларининг: телефонлар, телекслар, АТС, директорлик ва диспетчерлик коммутаторлари, радиоалоқа, чақириш ва авария сигнали бериш қурилмалари ва ҳ. к. ларнинг мавжудлиги ҳам жуда муҳим.

Бизнесда ўлчов идишлари, тарозилар, соатлар, ҳисоблагичлар ва ахборотлар датчиклари, турли хил ўлчов асбоблари, ёзув ва нусха кўчириш машиналари муҳим аҳамиятга эга.

Бизнесда маълумотларни қайта ишлаш учун юзлаб турдаги ҳисоблаш машиналари ишлатилади. Бу машиналар қуйидаги гуруҳларни ташкил қилади:

- ҳисоблаш - клавишли машиналар;
- ҳисоблаш - перфокартали машиналар;
- электрон - ҳисоблаш машиналари.

Ҳисоблаш - клавишли машиналар энг содда арифметик амалларни механизациялаштиришга имкон беради, жамловчи машиналар қўшиш ва олишни бажаради, ҳисобловчилар - қўшиш,

олиш, кўпайтириш ва бўлишни ҳамда энг мураккаб амалларни бажаради.

Электрон - ҳисоблаш машиналари мураккаб мантикий операцияларни: таққослаш, кейинги амални танлаш, ишлаб чиқарилган дастурлар бўйича мураккаб ҳисобларни ўтказишни бажариш қобилиятига эга.

Бизнесда техник воситалардан фойдаланишни ташкил қилиш шакллари турли - туман. Кичик корхоналарда машина - ҳисоблаш станциялари ташкил қилинади.

Кўпгина ишбилармонлар ахборот - ҳисоблаш марказлари хизматларидан хўжалик шартномалари асосида фойдаланадилар.

Ахборотлар билан таъминлашни ташкил қилиш ахборотларни йиғиш, узатиш ва қайта ишлаш билан машғул ходимлар меҳнатини ҳам ташкил қилишни кўзда тутади. Унумли меҳнат учун қуйидагилар зарур:

- ишчи ўринларини ташкил қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш;
- меҳнатни аниқ тақсимлаш ва бирлаштириш;
- меҳнат жараёнларини механизациялаштириш ва автоматлаштириш, ходимлар меҳнати ва турмушининг қулай санитария - гигиена шароитларини яратиш.

Тадбиркор ишида ахборот бошқарув қарорини асослаш воситаси бўлади. Қабул килинган қарорларнинг сифати, демак, бизнеснинг самарадорлиги ва фойдалилиги бундай ахборотнинг ўз вақтидалиги, ишончлилиги ва тўлалигига боғлиқ.

Ахборот бўйича иш ишбилармонга келиб тушаётган ахбортларнинг сифатини пастлиги ва ўз вақтида эмаслиги учун унинг ишчи вақтини анча катта қисмини олади. Тадқиқотлар кўрсатадики, ишбилармонлар 50 фоизгача бизнес учун керакли ахбортларни оладилар. Улар ахборот оқимида ортиқча бўлади. Ишбилармонга ахборот хизмати кўрсатиш ахборотга эҳтиёжларни тадқиқот қилишга асосланади.

Тадбиркор вазифасининг таҳлили, у томонидан қабул килинаётган бошқарув қарорлари хусусиятларининг таҳлили тадбиркорнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини аниқлаш учун объектив асос бўлади. Қарор қабул қилиш учун турли - туман ахборотлар керак. Бу, ҳаммадан аввал, бизнесни таърифловчи ички ахборот. Бу моддий ва меҳнат захиралари, ишлаб чиқариш технологияси, маҳсулотларни таннархи, кичик корхона ичида

юкларни ташиш, ходимлар меҳнатига хак тўлашни ташкил қилиш, уларнинг малакаларини ошириш ҳақида ва ҳ. к. ахборотлар бўлиши мумкин.

У тезкор ҳарактерга эга ва энг аввало, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишнинг боришни, ҳамда бизнеснинг иқтисодий кўрсаткичини акс эттиради. Тадбиркорга ички ахборотдан ташқари ташқи ахборот ҳам керак бўлади. У маълумотларни кенг доирасидан иборат бўлади. Ишбилармонга бозор, товарлар нархлари, транспорт харажатлари ҳақида ишончли маълумотлар керак. Тадбиркор энг янги ускуналар ва илғор технология, бизнеснинг уни қизиқтирган соҳасидаги фан ва амалиёт ютуқлари ҳақидаги маълумотларсиз ишлай олмайди, яна унга, шунингдек, рақиблари, уларнинг ютуқлари ва хатолари ҳақидаги маълумотлар ҳам керак. Ишбилармон солиқ солиниши, товарлар нархлари ҳақидаги маълумотларга эга бўлиши, бу борадаги янгиликларни ўрганиши керак. У тадбиркорлик ҳақидаги қонунлар, меҳнат қонунчилигини ва бошқа меъёрий ҳужжатларни ҳам яхши билиши керак. Ишлаб чиқариш хусусиятидаги бошқарув қарорларини қабул қилишда маҳсулот истеъмолчиларига бизнеснинг ушбу соҳасини ривожланиши суръати, реклама ва реклама берувчилар ва кўпгина бошқалар ҳақида маълумотлар керак.

Тадбиркорга яна қуйидаги ижтимоий-психологик ахборотлар ҳам зарур:

- атроф муҳитнинг экологик ҳолати ҳақида;
- маҳсулот истеъмолчиларининг яшаши ва маиший шароитлари ҳақида.

Тадбиркорнинг дунёқараши кенг бўлиши, одамларни ҳақиқий эҳтиёжини, ҳаридорларнинг интилишлари, талабларини билиш керак. У ходимлари, маҳсулотлар ва хизматлар истеъмолчиларининг ишончларига сазовор бўлиши керак. Тадбиркор қўйилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда ахборотлар оқимидан энг зарурларини танлаб олиши, улар билан танишиб, кераксиз ва аҳамияти кам маълумотларни ташлаб юбориши ва у ёки бу масала бўйича бошқарув қарорини ишлаб чиқиши керак. Ишбилармон ўзининг ахборотга доир ишини, ҳамда унга ахборотларни тайёрловчи ходимлари меҳнатини мувофиқ ҳолда ташкил қилиши керак. Тасодифий маълумотлар раҳбаргача етиб бормаслиги лозим. Пастроқ даражадаги ходимлар қарор қабул

қилишлари мумкин бўлган ахборотлар раҳбарга етиб боришига йўл куймаслик керак. Тадбиркорга ахборот хизматини кўрсатишни ташкил қилишда энг асосийси - ортиқча маълумотларни сараловчи ишончли фильтрни яратиш. Тадбиркорнинг ёрдамчилари ана шундай фильтр бўлишлари керак.

Кескин рақобат шароитида фақат илмий техник тараққиётнинг олдида борувчи, истеъмолчилар талабини ҳисобга олувчилар ютиб чиқади. Илмий - техник тараққиёт ўзагидан бориш учун тадбиркорга илмий ахборотлар, фан ва техника ютуқлари ҳақидаги билимлар керак.

Қисқача хулосалар

Бизнесда ахборотларнинг аҳамияти ва уларнинг турлари. Бизнеснинг ахборот тизими. Бизнесни ахборот билан таъминлашни ташкил этиш.

Бизнесда жуда катта миқдорда ахборотлар хизмат қилади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик доирасида бажарилаётган ишларнинг барча турига жавоб берувчи ахборотларнинг шахсий базалари шаклланади.

Бизнес етарли ва аниқ ахборотларсиз амалга оширилиши мумкин эмас, бу ахборотлар тадбиркорлик фаолияти учун зарур бўлган маълумотлар, хабарлар мажмуасидан иборат бўлади. Ахборот - бу ишлаб чиқарувчилар, товарни сотувчилар ва ҳаридорлар ўртасидаги алоқа шаклидир. Ахборотлар ички ва ташқи, дастурий ва меъёрийга ҳам бўлинади. Ички ахборот кичик корхона ёки савдо ташкилоти ичида айланиб юради. У корхона фаолиятини, унинг техник - иқтисодий кўрсаткичларини, моддий ва меҳнат харажатлари ҳажмини, нақд пул ҳаракатини, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳақидаги маълумотларни акс эттиради.

Ташқи ахборотлар маҳсулот ишлаб чиқарувчилари ва истеъмолчилари билан, ҳокимият идоралари, банклар, рақиблар ва бошқа ташкилотлар билан алоқаларни таърифлайди. У товарларни сотиш ва ҳарид қилиш шартлари ҳақидаги ташқи муҳит хабарларидан иборат бўлади. Фойдаланиш вақти бўйича ахборотлар: тезкор, даврий ва узоқ муддатлига, ўзгартириш даражаси бўйича бирламчи ва иккиламчига бўлинади.

Бизнесда иқтисодий ахборотлар етакчи роль ўйнайди, чунки улар товар ишлаб чиқариш, моддий бойликларни тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш жараёнида одамлар ўртасидаги муносабатларни акс эттиради. Кичик корхоналар учун илмий - техник ахборотларни роли ҳам муҳим, улар ишлаб чиқаришнинг илмий - техника тараққиёти асосида ривожланишини акс эттиради. Доимийлик даражасидан ахборот доимий, шартли - доимий ва ўзгарувчан бўлади. Доимий ахборот ўз маъносини узоқ вақт давомида ўзгартирмайди.

Таянч сўз ва иборалар. Назорат ва мулоҳаза учун саволлар

Ахборот тушунчаси, ахборот турлари, ички ахборот, ташқи ахборот, дастурий ахборот, меъёрий ахборот, доимий ахборот, шартли - доимий ахборот, ўзгарувчан ахборот, ахборот алмашуви, ахборот тизими, бирламчи ахборот, иккиламчи ахборот, бирламчи ахборотни йиғиш усуллари, иккиламчи ахборотни йиғиш манбалари, ахборот оқими, бизнесни ахборот билан таъминлаш йўллари.

Назорат ва мулоҳаза учун саволлар

1. Тадбиркорлик ва ишбилармонликда ахборотнинг моҳияти ва аҳамиятини гапириб беринг.
2. Бизнесда ахборот турлари ва уларнинг тутганн ўрни нималардан иборат?
3. Ахборот алмашувининг асосий элементлари ва ахборот тизимлари ҳақида сўзлаб беринг.
4. Ишбилармонлар ўз фаолиятини ривожлантиришда ахборотлар тизимидан қандай фойдаланадилар?
5. Сизнинг-ча, бизнес фаолиятида зарур ҳисобланган таҳлилий ҳужжатларга нималар киради ва улар ўз йўналишига кўра қандай турларга бўлинади?
6. Тадбиркорликда ахборотлар оқимини ташкил қилиш қандай амалга оширилади?
7. Ахборотлар тизими самарадорлигини оширишда қандай алоқа воситаларидан фойдаланилади?
8. Сизнинг-ча, ишбилармонликда изчил, мукаммал, тез тарқалувчи ахборотлар қандай бўлиши мумкин?
9. Бизнес фаолиятида ахборот таъминотини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

V боб. Кичик бизнес фаолиятини бошқариш ва режалаштириш

5.1. Кичик бизнес корхоналари бошқарувининг ташкилий тузилмалари

Корхонани бошқаришнинг самарали тузилмасини вужудга келтириш бошловчи тадбиркор ҳал этиши керак бўлган муҳим вазифалардан биридир. У ташкилотни самарали ишлаши учун унга қайси ихтисосдаги мутахассислар қандай малакада, қандай шахсий фазилатларга эга бўлган қанча инсонни бирлаштириши кераклигини аниқлаб олиши керак. Корхона катталашиб, унинг фаолият соҳалари кенгайиб бориши билан оқилона тузилмага бўлган эҳтиёж янада ортади. Корхонанинг етуклик, хатто, гуллаб - яшнаган босқичида ҳам ташкилий тузилма инсоннинг ҳаётий қобилиятини белгиловчи муҳим омил бўлиб қолади. Корхонанинг рақобат курашига бардош бериши, ўз қувватини сақлаб туриши ёки ошириб бориши, унинг ўзгариб бораётган шароитларга мослашиш қобилиятига боғлиқ бўлади.

Корхона бошқарувининг ташкилий тузилмаси бўлимлар, ишчи - ходимлар ўртасидаги махсус ишлаб чиқилган алоқалар ва муносабатларнинг яхлит тизимини ўз ичига олади ва унинг доирасида ишловчи инсонлар олдига қўйилган мақсадга энг самарали йўл билан эришиш вазифасини бажаради. Мазкур тизимнинг ташкилий вазифалари 2-чизмада кўрсатилган.

2-чизма

Корхона бошқарувининг ташкилий тузилмаси



2- чизма. Корхона бошқарув тизимининг ташкилий вазифалари.

Корхона тузилмасида қуйидаги элементлар ажратиб кўрсатилади: раҳбарлик ва алоқа (горизонтал ва вертикал) бўғинлари (бўлимлар), даражалар (босқичлар).

Бўғин (бўлим) - бу ташкилий жихатдан алоҳида, мустақил бошқарув ташкилотидир. Бўлим (инсонлар гуруҳи) томонидан муайян вазифанинг бажарилиши уни шакллантиришнинг асосий мақсади ҳисобланади. Бўлимлар ўртасидаги алоқалар горизонтал тусга эга. Раҳбарлик (бошқарув) даражасини (босқичини) бошқарув иерархиясида маълум босқични эгаллаган бўлимлар гуруҳи (ёки битта бўлим) сифатида белгилаш мумкин. Босқичлар ўртасидаги алоқалар вертикал бўйича алоқадир. Улар қуйи даражалардан бошлаб юқори даражагача эркин ифодаланган изчил бўйсуниш тусига эга.

Ҳар қандай, хатто кичик корхоналарда ҳам, юқорида баён этилган учта тузилма элементларининг ҳаммаси мавжуд бўлади. Тадбиркор у ташкил этган корхонанинг мулкдори бўлиб, унинг ишига раҳбарлик қилади. Вертикал бўйича унга ходимлар бўйсунади.

Корхонанинг турли вазифаларини (ташкилотчилик, маркетинг, бухгалтерия ва ҳ.к.) бажараётган ходимлар ўртасида горизонтал алоқалар ўрнатилади. Улар бевосита бўйсуниш тусида бўлмайди, лекин, кўпинча корхонанинг турли ишлаб чиқариш (амалий) операцияларининг изчиллиги ва ўзаро боғлиқлигини белгилайди.

Бошқарув бирлиги қоидаси бошқарувчи тизим (бошқарув органи, ташкилоти) ва бошқариладиган тизим (ишлаб чиқариш)нинг борлигини англатади. Ҳар қандай кичик фирманинг бошқаруви ва бошқариладиган тизимлари ўртасида тўғри ва тескари алоқа амалга оширилиши керак. Бошқарувчи тизим бошқарилувчи тизимдан ахборот олади.

Бошқарув органида олинган ахборот асосида қарорлар қабул қилинади. Шу тариқа бошқарув тўғри ва тескари алоқа асосида амалга оширилади.

Бўйсуниш бирлиги қуйидаги маънони англатади:

1). ходимлар гуруҳи ўзининг устидан қўйилган бир раҳбарга бўйсунади;

2). бўйсунувчилар турли раҳбарлардан бир - бирига зид, ўзаро боғланган кўрсатмалар олмасликлари керак.

Маҳаллий бошқарув ташкилотлари, бу амалда туман (шаҳар) ҳокимияти, ташкилотлар, назорат органлари томонидан бажарилаётган бошқарув вазифаларидир. Маҳаллий ташкилотлар бошқаруви "Маҳаллий ўзини - ўзи бошқариш тўғрисида"ги қонунга асосланиб, амалга оширадилар.

Алоқа тизими барча бошқарув органлари ўз вазифаларини бир-бирлари билан мустаҳкам алоқада бажарадилар, деган маънони англатади. Алоқани йўқотиш - бошқаришни йўқотиш, деган маънони билдиради. Алоқалар турли шаклда: чизиқли (вертикал), функционал (горизонтал), тармоқли, минтақавий бўлиши мумкин.

Йўналтирилганлик қоидаси ҳар бир корхонанинг маълум ташқи инфратузилмаларга - (банклар, биржалар, молия ташкилотлари, таъминот-сотиш ташкилотларига) мўлжал олиши ва ташқи муҳитнинг ўзгариб турган шароитларига мослаша олиши кераклигини билдиради.

Ишни табақалаштириш корхонада ишларни: ким нима учун жавоб бериши, ким назорат ёки шикоят қилиш ҳуқуқига эга эканлигини ва ҳоказоларга қараб, аниқ фарқлашни билдиради. Буларнинг ҳаммаси ходимларнинг бошқарув масалаларидаги мустақиллигини оширади. Ҳаммабоплик қоидаси бозор муносабатлари, рақобат шароитларида фақат махфий ҳисобланмаган ахборот билан эркин танишиш имконияти берилиши керак, декан маънони билдиради. Масалан, атроф - муҳитнинг ифлосланиш даражаси ҳақидаги, маҳсулот сифати, техника хавфсизлиги тўғрисидаги ахборотлар шулар жумласига киради.

Операциялар устидан назорат бажарилаётган ишнинг барча босқичларида назоратнинг техник воситаларидан фойдаланиб ёки фойдаланмай, амалга оширилиши мумкин.

Режалаштириш - бошқарув жараёнининг дастлабки босқичларидан бири бўлиб, у мақсадни амалга оширишни ривожлантиришда йўналишни белгилаш демакдир. Ҳар қандай фирма ўз фаолиятини пухта ва яхши режалаштириши керак, чунки, фирманинг омон қолиши ва фойда кўриши шунга боғлиқ бўлади.

3-чизма

Корхона бошқарув тизимини шакллантириш жараёни

Босқичлар	Мазмуни
Бажаралаётган иш характерини белгилаш	Вазифаларни қўйиш. Қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун зарур бўлган ишлар ҳажмини белгалаш. Фойдасиз ишни ва айрим операцияларни такрорлашни истисно этиш. Бошқарув ва такрорлашни истисно этиш. Бошқарув ва назорат тизими элементларининг ўзаро ҳамкорлиги жараёнини ишлаб чиқиш, қарорлар турлари ва уларни қабул қилишда у ёки бу менежернинг иштироки хусусиятини, менежер умумий ишга қўшиши керак бўлган ҳиссани белгилаш, менежер ўзаро ҳамкорлик қилиши керак бўлган шахсларнинг қарор қабул қилаётган бошқа шахсларнинг менежерга кўрсатадиган таъсирини ўз ичига олади.
Ишни бошқарувнинг алоҳида элементлари ўртасида тақсимлаш	Маъёрларни белгилаш ва андозаларни тасдиқлаш. Масалан, корхонани бошқаришнинг ҳар қандай даражасининг ҳар бир раҳбари учун аниқ лавозим мажбуриятларини белгилаш, қабул қилиш. Бошқарувнинг илмий услублари доирасидаги техник усуллар. Масалан, иш вақти, меҳнатни ташкил этиш ва бошқарув фаолиятининг бошқа омилларини таҳлил этиш услубларини тадқиқ этиш. Корхона доирасида ишлаётган барча шахсларнинг мустаҳкам ҳамкорлигини ва аниқ ўзаро ҳаракатини ташкил этиш.
Бошқарувнинг мантиқий гуруҳларини қуриш	Бўлинмаларни ташкил этиш. Бошқарилаётган иш турига мувофиқ бошқарув элементларини гуруҳлаш. Масалан, обрўга эга бўлган раҳбарлар атрофида бўлинмалар (бўлимлар) тузиш.

5.2. Кичик бизнес корхоналари бошқарувининг ташкилий тузилмасида бўлинмаларнинг ўрни ва вазифаси

Корхона (фирма) ичида бўлинмаларни тақсимлаш маълум қоидаларга асосланиши керак. Жумладан, тенг гуруҳларга бўлиш қоидаси ходимлар малака тайёргарлигига эга бўлиб, қўйилган мақсадга эришиш учун яна муайян миқдордаги инсонлар зарур бўлган ҳолларда қўлланилади.

Функционал белги бўйича бўлиш қоидаси эса ишлаб чиқариш бўйича цехлар, маркетинг, кадрлар, молия ва ҳ.к. бўлимларни ташкил этишнинг энг оммалашган усулидир. Улар сони ташкилот эҳтиёжларига боғлиқ бўлади.

Ҳудудий белги бўйича бўлиш қоидаси корхона ўз фаолиятини турли туманлар ҳудудида амалга оширганда кўпроқ қўлланилади. Мазкур ҳудудда корхонанинг барча турдаги операцияларининг бажарилиши, жумладан, сотиш бўйича ишлар минтақавий бажарувчига топширилиши мумкин.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот асосида тақсимлаш қоидаси ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турини кўпайтириб бораётган, бошқа ташкилий тузилмани қўллаш ишини фақат мураккаблаштириши мумкин бўлган йирик корхоналарда кенг оммалашган.

Истеъмолчилар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда тақсимлаш қоидаси. Ҳаридор ҳал қилувчи омил бўлган тармоқларда унинг манфаатлари ташкилий тузилмага кучли таъсир кўрсатади. Шунинг учун, истеъмолчилар манфаати юқори қўйилган корхоналарда ушбу усул қўлланилади.

Йирик корхоналарда юқорида кўрсатилган қоидаларнинг айримларидан ёки ҳаммасидан фойдаланилади. Санаб ўтилган омилларнинг ҳаммасига ёки биронтасига муҳим аҳамият берилишига тегишли усулни танлашга асос бўлади.

Бўлинмаларнинг бошқарув тузилмаларини шакллантиришда қуйидагиларни ҳисобга олиш зарур.

Стратификацияни, яъни, агар тадбиркор ўз ишини эндигина бошлаган бўлса, бошқарувнинг қандай даражасини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлишини аниқлаш. Бунда бир ёки одатда, икки бўйсуниш даражаси мавжуд бўлади. Лекин, иш кенгайиб бориши билан, бошқарув даражалари сони ошиб боради. Маълумки, йирик

корхоналарда бошқарув зинапояси 12 тадан 20 тагача босқичдан иборат бўлади.

Расмийлаштиришни, яъни, ташкилотдаги раҳбарлик услубини ва фаолият жараёнини, ходимлар орасидаги муносабатлар хусусиятини билиш. Агар бу муносабатлар кўплаб қоидалар ва йўриқномалар билан тартибга солинса, ташкилотга расмий ташкилот сифатида қаралади. Қоидалар қанчалик кўп, раҳбарлик усули қанчалик бюрократик бўлса, корхона тузилмаси шунчалик расмий ва тармоқли бўлиши керак.

Марказлаштириш ёки марказлаштирмасликни, яъни олий раҳбарлик ҳал қилиши керак бўлган масалалар рўйхати бўйича қарорларни қабул қилиши ва қарорларни етказиш иерархиясини билиш демакдир. Марказлаштирилган раҳбарлик усулини ташкил этишда муҳим ва иккинчи даражали масалаларни раҳбарнинг (раҳбарлар гуруҳининг) ўзи ҳал қилишга интилади. Ишни раҳбар ўз ваколатларининг катта қисмини бошқарувнинг қуйи даражасига берадиган ва шу билан ўз ходимлари ижодий салоҳиятларини ривожлантиришга кўмаклашадиган тарзда ташкил этиш энг илғор ва самарали деб тан олинади.

Ташкилий тузилманинг мураккаблик даражасини билиш. Корхонадаги бўлимларнинг тури, миқдори ва ўзаро ҳамкорлиги, раҳбар ходимлар, ишчи-хизматчилар сони ва бошқалар бошқарувнинг мураккаблик даражасини белгилаб беради. Корхонанинг самарали ишлаши учун ходимларнинг вазифалари ва ваколатлари, шунингдек, уларнинг ўзаро муносабатлари тартиби белгиланади. Вазифалар ва ваколатларни белгилаш ва уларни ташкилот доирасида оммалаштиришнинг учта усули мавжуд: ташкилий схемалар, жадваллар тузиш; қўлланма (маълумотлар) ёки йўриқнома ишлаб чиқиш; вазифаларни тақсимлаш.

Корхонанинг раҳбари ва ҳар бир ходими ўз вазифалари, ваколатларини, бошқа ходимлар билан ҳамкорлик қилиш тартибини билиши керак.

5.3. Кичик бизнес корхоналари бошқарув тузилмаларининг **ташкилий турлари**

Ваколатлар, ҳуқуқлар, вазифалар ва жавобгарлик нуқтаи назаридан, кичик бизнес корхоналари бошқарув тузилмаларининг: чизиқли; чизиқли - функционал; лойиҳаланадиган ва матрицали; венчур ва фирма ички инновацияли ташкилий турлари мавжуд.

Бошқарувни чизиқли ташкил этиш бевосита лавозим вазифаларини шу тариқа тақсимлаш асосида кўриладики, бунда, ҳар бир ходим фирма олдида турган вазифаларни бажаришга энг кўп даражада йўналтирилган бўлади. Чизиқли тузилма қўл остидагиларга бевосита таъсир кўрсатишни амалга оширишни ва тадбиркор раҳбарда барча бошқарув вазифаларини жамлашни назарда тутади. Барча ваколатлар тўғридан - тўғри (чизиқли) белгиланади.

Улар юқори бошқарув бўғинидан қуйи бошқарув бўғинларига қараб ўзгаради.

Бошқарувнинг чизиқли тузилмасининг афзалликлари:

- тадбиркор раҳбарнинг якка бошчилиги, бунда ходимларнинг иш натижалари учун шахсан жавобгарлиги қоидасига қатъий риоя этилади;
- ходимлар ўз раҳбарларидан бир - бирига зид ва ўзаро боғлиқ бўлмаган кўрсатмалар олмайдилар. Тадбиркор ўз ҳаракатлари билан бутун масъулиятни ўз зиммасига олади;
- қарорлар қабул қилишнинг тезкорлиги;
- ахборотни тушуниш ва ундан фойдаланишнинг соддалиги;
- зарур интизомнинг мавжудлиги, бошқаришнинг пухталиги ва тежамкорлиги ва уларни сақлаб туриш мумкинлиги.

Чизиқли тузилманинг камчиликлари:

- мослашувчан эмаслиги, жиддийлиги, корхонанинг бундан кейинги ўсишига мос келмаслиги;
- бошқарув усулининг бюрократик, танҳо ҳукмронликка асосланган бўлиши мумкинлиги;
- тадбиркор ўз ишида, албатта, юқори малакали (профессионал) бўлиши ва барча масалаларни тушуниши, билиши керак, бу эса ишчи - ходимларнинг кўплиги ва улар ҳарактери турли хил эканлиги билан ғоят катта қийинчиликлар туғдиради.

Амалда чизиқли тузилма якка тартибда эгалик қилишда ва ходимлар сони кам бўлган кичик корхоналарда қўлланилади.

Бошқарув тузилмасини чизиқли - функционал ташкил этиш ўз ичида ҳам чизиқли, ҳам функционал бошқарув элементларини мужассамлаштиради, яъни чизиқли бошқарув махсус ёрдамчи хизматлар билан мустаҳкамланади.

Мазкур тузилманинг камчиликлари:

- чизиқли ва функционал ходимлар ўртасидаги келишмовчиликлар;
- тадбиркорга функционал ходимлар фаолиятини мувофиқлаштириш қийинроқ бўлади.

Амалда бошқарувнинг мазкур тузилмалари кичик бизнесда тадбиркорлик кенгайиб бораётган ва маҳсулот сотиш ҳажмлари кўпайиб бораётганда, қўлланилади.

Лойиҳавий ва матрицали бошқарув тузилмалари. Лойиҳавий тузилма махсус лойиҳани ишлаб чиқиш ва унга раҳбарлик қилишда қўлланилади. У дастурий-мақсадли деб ҳам номланади. Мутрицали ёки катакли ташкилий тузилма ана шу тузилманинг такомиллашгани ҳисобланади.

Лойиҳавий тузилма - бу аниқ вазифани ҳал этиш учун ташкил этиладиган вақтинчалик ташкилотдир. У функционал бўлинма ичида ташкил этилади. Муайян лойиҳани амалга ошириш учун тўпланган турли соҳаларнинг юқори малакали мутахассислари унинг аъзолари ҳисобланади. Лойиҳа тугалланганидан кейин гуруҳ тарқатиб юборилади. Мутахассисларнинг бир гуруҳи ўзининг аввалги иш жойига кетади, иккинчи қисми - янги лойиҳаловчи гуруҳга ўтади. Бу тузилманинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, ходимлар бир вақтнинг ўзида икки раҳбарга - лойиҳа раҳбарига ва бу гуруҳ доирасида ишлаётган бўлим раҳбарига бўйсунадилар. Кўпгина тадбиркорлик фирмалари бор эътибор ва куч - ғайратини алоҳида-муҳим янги технологиялар ва маҳсулотларни ишлаб чиқариш, яъни инновация лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида мана шундай тузилмаларни ташкил этадилар.

Матрицали тузилма лойиҳавий тузилмаларининг такомиллашгани ҳисобланади. У тақсимлашнинг икки тури: вазифалар бўйича ва маҳсулот бўйича тақсимлашнинг уйғунлашувидир. Матрицали тузилмалар 50 - 60 йилларда

АҚШнинг унча катта бўлмаган авиасозлик фирмаларида пайдо бўлган. Улар соф лойиҳавий (одатда, қиммат турадиган) тузилмадан самарали фойдаланиш учун ишлаб чиқилган.

"Женерал Электрик", "Шилл Ойл" ва бошқа корпорацияларда лойиҳавий тузилмани функционал тузилмага қўшиш юзасидан тажриба ўтказилади. Шу тариқа олинган схема катаклардан иборат бўлган матрица (пантера) шаклига эга бўлиб, тадбиркорлик фирмасида бир вақтнинг ўзида тўрт маҳсулот яратиш ва ишлаб чиқариш имконини беради. У гуруҳнинг ҳар бирига алоҳида раҳбар жавоб беради. Хизматчиларнинг тўртта гуруҳи маҳсулотни яратишдан бошлаб, уни ишлаб чиқариш ва сотишгача бўлган вазифаларни бажаради.

Матрицали усулнинг афзаллиги: фирма фаолиятининг ўзгариб бораётган ички ва ташқи шароитларига тез муносабат билдириши ва мослашишига имкон беради;

- истеъмолчи талаблари ва ресурсларни тежаш зарурати ўртасида самарали мувозанатни йўлга қўйиш имконини беради;
- мутахассислар ўртасида бевосита алоқаларни қўллаб - қувватлаш, зарур ахборот билан тўғридан - тўғри таъминлаш имконини беради;
- бўлим ичида бюрократик тамойилларни заифлаштиради; функционал тузилмада қабул қилинганига нисбатан хулқ - атворнинг янада демократик меъёрлари ҳисобига меҳнатдан манфаатдорликни кучайтиради ва меҳнатга иштиёқни орттиради.

Матрицали тузилманинг камчиликлари: тузилманинг мураккаблиги, раҳбарлар ваколатларини аниқ белгиламаслик натижасида турли низоли вазиятларнинг вужудга келтириши мумкинлигидир.

Хорижий мамлакатлардаги тадбиркорлик фаолиятини таҳлил этиш натижаларининг кўрсатишича, лойиҳавий ва матрицали тузилмалардан қуйидаги шартлар мавжуд бўлганида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

1. Ишлаб чиқилган лойиҳа ноёб ва долзарб (уни бажаришда эса сусткашлик бўлмаслиги керак);
2. Маҳсулот тури ёки технология тез - тез алмашганда.
3. Гуруҳнинг лойиҳа устида ишлаш вақти чекланган бўлиши керак. Буюмни оммавий ишлаб чиқариш бошланиши

билан, уни такомиллаштириш юзасидан ишлар оддий функционал бўлимларда олиб борилади.

4. Муаммо гуруҳ аъзоларининг умумий куч - ғайратлари ҳисобига ҳал этилдиган ҳолларда.

Венчур ва инновация тузилмалари. Венчур ва инновация тузилмалари лойиҳавий (дастурий-мақсадли) ташкилий тузилмаларнинг замонавий кўриниши ҳисобланади. Бу икки ном муайян даражада синоним ҳисобланади. Инглизча "venturi" сўзи "таваккал иш" деган маънони билдиради. Одатда, бизнесда таваккал иш инновациялар, яъни янги технологиялар, товарлар ёки хизматларни ишлаб чиқаришдан иборатдир. Бозор иқтисодиёти ривожланган барча мамлакатларда кичик бизнесда ана шундай тузилмалар ташкил этилади. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, бу бозорнинг тез ўзгараётган шароитларига тез муносабат билдиришнинг энг истиқболли йўлидир.

Қуйидагилар ана шундай тузилмаларнинг ҳарактерли хусусиятлари ҳисобланади:

***** таваккалчилик бизнеси, яъни, тадбиркор мутлақо янги, аввал ҳеч ким ишлаб чиқармаган (инновация) объектини танлайди ва уни ишлаб чиқаришга ўз сармояси, ёки, қарзга олинган молия маблағлари билан таваккал қилади. Тадбиркор муваффақиятга эришса, юқори ёки ўта юқори фойда олиши мумкин;

***** фан билан боғлиқ венчур фирмасида маҳсулотни яратиш ва ишлаб чиқаришгача етказиш катта фирмаларнинг функционал бўлимларидагидан анча тез (тўртдан уч, кўпинча бешдан уч баравар тез) рўй беради. Буни иккита сабаб билан тушунтириш мумкин: кичик жамоанинг йиғинчоқлиги ва фаолиятнинг бир мақсадга йўналтирилганлиги ҳамда бундай ташкилотларнинг инновация объектини танлашга ўзига хос ёндашуви. Венчур фирмасида, одатда, тез самара берадиган лойиҳалар ишлаб чиқилади. Ҳамма нарса мақсадга мувофиқликка ва пировард маҳсулотни ишлаб чиқаришга бўйсундирилади;

***** венчур фирмаси яхлит кичик бизнес бўлганидан бизнес дунёсида катта тезкорликка эга бўлади. У мустақил ташкилот бўлиб, иш схемалари, усулларини тез ўзгартириш имкониятига эга.

* Тадбиркор (мулкдор, раҳбар, менжер)нинг уддабуронлиги, илғор фикрлаши, тиришқоқлиги, дадиллиги, таваккалчиликда

жўшқинлиги каби фазилатлар ғоят муҳим бўлиб, "венчур" номига бевосита мос келади.

Кичик бизнесда муваффақиятли ҳаракат қилаётган венчурларнинг самараси шунчалик юқорики, катта фирмаларнинг раҳбарлари кўпинча улар ичидан иттифоқчи излашади, улар билан инновация лойиҳаларини бажариш учун шартнома - буюртмалар тузадилар. Иккинчи йўл венчур гуруҳларининг ижобий тажрибасини ўрганиш ва фирма ичида тегишли инновация бўлинмаларини ташкил этишдир.

Инновация (венчур) фирмаси ички бўлинмаларининг турлари. Тадбиркорликда инновациялар қоидасига амал қилиш рақобат курашида фирманинг омон қолиши ва унинг самарали фаолият кўрсатишининг муҳим шарти ҳисобланади.

Йирик тадбиркорлик фирмаларида инновация тузилмалари бир қанча омиллар, ишлаб чиқарилаётган лойиҳаларнинг аҳамиятини, уларнинг мақсад - йўналишлари ва мураккаблиги, шунингдек, расмийлаштириш даражасига боғлиқ ҳолда бир неча турга бўлинади.

Янги маҳсулотни яратиш бўлими. Бу аслида, лойиҳавий маҳсулот тузилмасидир. Бўлим фирма учун стратегик аҳамиятга эга бўлган янгиликни ишлаб чиқиш учун ташкил этилади. Расман, у соҳага мос бўлган функционал бўлимга тааллуқли бўлади. Лекин инновация бўлимидаги ишланмалар мазкур бўлим иш режасига қўшилмайди.

Бевосита интеграция. Бу энг муҳим аҳамиятга эга бўлган маҳсулотни ишлаб чиқиш демакдир. Шу билан бирга, инновация асосий ишлаб чиқариш фаолияти билан мустаҳкам боғлиқликдадир. Ишни муваффақиятли амалга ошириш учун унинг асосида турадиган технология, конструкторлик ва бошқа хизматлар ҳам керак бўлади. Шу тариқа, янгиликни ишлаб чиқиш фирмани бошқаришнинг мавжуд тизимига интеграцияланади. Табиийки, фаолиятнинг янги, ижодий тури пайдо бўлиши ташкилотга жиддий таъсир кўрсатади, унинг аъзолари хулқ - атворида у ёки бу ўзгаришларни келтириб чиқаради.

Агар инновация фирма учун жуда муҳим аҳамиятга эга бўлса-ю, амалдаги асосий ишлаб чиқариш билан мутлақо боғлиқ бўлмаса, у ҳолда корхона бошқарувида янги маҳсулотни яратиш билан шуғулланувчи ихтисослаштирилган бўлинма ташкил

этилиши ва унинг воситасида бозорга чиқиш катта фойда келтириши мумкин. Муваффақиятга эришилса, бундай бўлинма мустақил бўлимга айлантирилади.

Янги тузилмаларни анъанавий функционал ва бошқа хизматлар билан боғлаш учун фирмада кўпинча воситачилик марказлари ташкил этилади. Бу - экспертларнинг мустақил гуруҳлари бўлиб, улар, бир томондан, яратилаётган маҳсулот хусусиятлари ҳақида, иккинчи томондан, унинг эҳтимол тутилган истеъмолчиси ёки унинг фойдаланувчиси ҳақидаги ахборотга эга бўладилар ва ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасида алоқа ўрнатишга ёрдам берадилар.

Тадбиркорлик фирмасида шу тариқа унинг фаолияти самарадорлиги ва рақобат курашида унинг матонатини кафолатлайдиган мувофиқлаштирувчи (мослаштирувчи), венчур ва инновация тузилмаларининг бутун бир тармоғи амал қилади.

5.4. Кичик бизнес корхоналари бошқарув тузилмалари аъзоларининг ўзаро муносабатлари

Тадбиркорлик тузилмаларини ташкил этиш турларининг ранг - баранглиги турли мансаб ва лавозимларни эгаллаб турган ташкилот аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ҳар хил турларини ўрнатиш заруратини келтириб чиқаради. Ташкилотнинг ички муносабатлари турлари унинг ташкилий таркиби тури билан бир хилдир. У қуйидаги вариантларни ўз ичига олади.

- чизиқли муносабатлар;
- функционал муносабатлар;
- бошқарув аппарати муносабатлари;
- шахслараро норасмий муносабатлар.

Чизиқли муносабатлар - бу раҳбар ва унинг қўл остидагилари ўртасидаги муносабатлар. Масалан, цех бошлиғи ва уста; бош бухгалтер ва моддий бойликларни ҳисобга олиш бўйича бухгалтер ўртасидаги муносабатлар. Ўсиб бораётган корхонада бўйсунишнинг чизиқли муносабатлари, жамоа тарзида бўлиши мумкин, бунда, бир даражадаги бир қанча бўлим анча юқорироқ бошқарув даражасидаги бўлимга бўйсунади. Масалан, бригадирлар цех бошлиғига бўйсунади; бош муҳандиснинг қўл остида бир неча цех бошлиғи бор.

Функционал муносабатлар - бу ташкилот доирасида у ёки бу вазифани бажаришга ваколатли бўлган мутахассиснинг бошқа аъзолар билан муносабатидир. Одатда, бундай ишлаб чиқаришнинг вазифаси тавсия шаклида бўлади. Масалан, кадрлар бўлими бошлиғи ходимларни ишга қабул қилиш, ўқитиш ва ижтимоий жихатдан таъминлаш масалаларида цех бошлиғи билан функционал муносабатлар бўлади. Бухгалтер - пул билан таъминлаш, сотиш, реклама ва бошқа масалалар бўйича сотиш бўлими бошлиғи билан функционал муносабатларда бўлиши мумкин. Шу билан бир қаторда, функционал раҳбарнинг ўзи ҳам ўз чизиқли ташкилот доирасида чизиқли муносабатда бўлади (масалан, кадрлар бўлими бошлиғи ўз бўлими ходимларига нисбатан чизиқли муносабатда бўлади). Функционал муносабатларнинг бошқа турига латеран деб номланган муносабатлар ҳам киради. У инглизча "Lateran" сўзидан олинган бўлиб, "ён томондаги" деган маънони билдиради. Латеран муносабатлар функционал муносабатларнинг бир тури ҳисобланади. Улар икки тоифада бўлиши мумкин:

коллегиал - битта бўлим ходимлари ўртасидаги (ҳамкасблар ўртасидаги) муносабатлар;

параллель - бу ташкилотда бир хил мавқега эга бўлган, лекин турли бўлимлар ва бўлинмаларда ишлаётган хизматчилар (ходимлар) ўртасида ахборот, ғоялар, фикрларни айирбошлаш зарурати билан вужудга келадиган муносабатлардир. Бунга бир неча бўлим (хизматлар) раҳбарлари ўртасидаги муносабатлар ёрқин мисол бўлади. Яна бир мисол сифатида битта касбдаги, аммо вазият тақозоси билан турли бўлинмаларда ишлаётган мутахассислар ўртасидаги иш бўйича муносабатлар ёки уларнинг ходимлари ўртасида ахборот айирбошлаш муносабатларини келтириш мумкин.

Бу муносабатларнинг мақсади ахборотларни оптималлаштиришдан иборатдир. Бироқ, шуни айтиш керакки, параллел муносабатлар ҳар доим ҳам бенуқсон ва ўзаро манфаатли бўлавермайди. Улар доирасида зиддиятли вазиятларнинг вужудга келиш ҳоллари кам эмас (масалан, махфий ахборотнинг ошкор бўлиши, ҳокимият рақобати).

Бошқарув аппарати муносабатлари. Муносабатларнинг бу тури у ёки бу кишиларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини ифодалаганда

рўй беради. Бунда, лавозим мажбуриятлари тавсиялар, маслахатлар беришдан иборат бўлади.

Масалан, корхонада янги ходимларни ишга қабул қилиш масалалари билан шуғулланадиган махсус гуруҳ тузилиши мумкин. Бунга, ходимлар бўлими вакили, бўш жойлар мавжуд бўлган бўлимларнинг раҳбарлари ёки раҳбар ўринбосарлари киради. Бунда, гуруҳ лавозимга номзод билан суҳбатлашиш, тест синовидан ўтказишни амалга оширади ва шундан кейин, мазкур кишини ишга қабул қилиш (ёки рад жавоб бериш) ҳақида хулоса - тавсиянома беради.

Муносабатларнинг тўртинчи тури **шахслараро муносабатлардир**. Бундай муносабатлар - жамоа ходимлари ўртасида бошқариб бўлмайдиган равишда - ташкилотда қабул қилинган қоидалар, кўрсатмалар, инсонларнинг хизмат мақомидан қатъий назар, вужудга келади. Бундай муносабатлар ўзаро симпатия – ёқтириш ёки антипатия - ёқтирмаслик, янгилик, дўстлик, ҳурмат ва бунинг аксига асосланиши мумкин. Бўлимда норасмий пешқадам, муҳим мансабга эга бўлмасада, шундай ҳарактер белгиларига эга бўлган инсон бўлиши мумкинки, бу белгилар бошқа инсонларни унинг фикрини тинглашга ёки унинг қарорларига бўйсунишга мажбур этади. Ҳар қандай, хатто энг кичик корхонада ҳам расмий тузилма билан бирга норасмий тузилма пайдо бўлади ва ривожланади. Бунда, турли шахслараро муносабатларнинг чирмашиб кетиши рўй берадии. Норасмий алоқаларнинг йиғиндииси жамоадаги микроиқлимни белгилайдики, бу кўп жихатдан меҳнат самарадорлигига таъсир кўрсатади. Агар микроиқлим ижобий, дўстона бўлса, демак, бўлим ҳам катта самара билан ишлайди, аксинча бўлса, унинг иш қобилияти кескин пасаяди. Жамоа ичида шахслараро муносабатлар муаммоси билан, кўпинча кичик корхона раҳбарининг ўзи шуғулланишига тўғри келади.

5.5. Кичик бизнес корхоналарининг иқтисодий - молиявий **фалияти**

Бозор иқтисодиёти шароитида корхона ва ташкилотлар фаолият юритишларини маблағ билан таъминлаш иқтисодий муаммолардан бири бўлиб, катта таваккалчиликни талаб этади.

Сарфланган маблағларни қайтариш, қоплаш муддати қанчалик узоқ бўлса, бу хавф даражаси ҳам шунчалик ошиб боради. Чунки, бу муддат ичида бозор конъюнктураси ҳам, нарх - наволар ҳам, иш ҳақи тўловлари ҳам зимдан ошиб боради. Шунинг учун, иқтисодиёт барқарор бўлмаган шароитларда (айниқса, бу ҳолат нафақат айрим товар бозори, балки бутун мамлакат учун хос бўлса) харажатлар тезроқ қопланадиган самарали лойиҳаларга маблағ сарфлаш мақсадга мувофиқдир. Бундай ёндашиш илмий - техника тараққиётининг суръати энг юқори бўлган ва янги технология ёки маҳсулотларнинг кириб келиши олдинги инвестицияларни тезда қадрсизлантириб юбориши мумкин бўлган тармоқлар учун жуда муҳимдир. Бундан ташқари, пулни олувчи унчалик обрўга эга бўлмаса ва маблағ эгаси узоқ муддатга унга пулини ишонишни хоҳламаса ҳам маблағнинг ўзини қоплаш муддатига қараб иш кўрилади.

Мисол тариқасида, мустақил фаолият юргизаётган “Азизбек” кичик корхонасининг маблағ билан таминланиш ва ўзлаштириш тартибини кўриб чиқамиз. Корхона ихтиёрида ўзлаштириш учун 120 минг сўмлик хом ашё ресурслари ва тайёр маҳсулотлар мавжуд. Мазкур ресурслардан фойдаланиш натижасида корхона 35 минг сўм даромад олишни кўзда тутмокда. Шу аснода корхонанинг ривожланиш фондидан ажратилган пуллар ва банкдан олинган кредитларни 4 йилдан кечиктирмасдан қайтариш режалаштирилган. Хўш, ушбу лойиҳа талабни қондира оладими?

Бунинг учун қуйидаги ҳисоб - китобларни амалга оширамиз.

Корхона харажатларини қоплаш муддати қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

Харажатлар - Бошланғич инвестицияларни қоплаш 120 000 муддати

= ---------- = ------- = 3,4 йил

(1) Ҳар йилги пул даромадлари 35 000

Мазкур ҳисоб - китобдан кўриниб турибдики, ҳисоблаб чиқилган харажатларни қопланиш муддати белгиланган муддатдан анча кам (8 ой). Демак, инвестиция ажратишнинг ушбу варианти қулайдир.

Аммо амалда пул даромадлари ҳар йили ҳар хил бўлади. Одатда, улар иш бошида камроқ бўлиб, кейинчалик ўсиб бориши

мумкин (агар, лойиҳа бирор - бир аниқ мақсадни кўзлаган бўлса ва ишлаб чиқарадиган маҳсулот ҳаридоргир бўлса, албатта). Бундай ҳолатда харажатларни қоплаш муддати анча бошқача бўлади.

Фараз қилайлик, инвестиция миқдори мисолимиздаги каби бўлсин, йиллар бўйича кўзда тутиладиган тушумлар қуйидагича бўлсин:

биринчи йил - 25 минг сўм;
иккинчи йил - 35 минг сўм;
учинчи йил - 48 минг сўм;
тўртинчи йил - 54 минг сўм.

Булардан кўринадики, биринчи 3 йилда даромадлар ҳажми 108 минг сўмни ташкил этади, демак, инвестициянинг тўлиқ қопланиши учун тўртинчи йил давомида атига 12 минг сўм талаб этилади. Бу суммани тўртинчи йилда кўзда тутилган даромадлар суммаси (54 минг сўм) га бўлиб, шу йил учун харажатларни қопланиш муддатига - 0,22 йилга эга бўламиз. Шундай қилиб, харажатларни қоплаш муддати 3,22 йилни (3,0 + 0,22) ташкил этади.

Инвестицияларни таҳлил қилишнинг бундай усули соддалиги ва аниқлиги билан ажралиб туради. Унинг қулайлиги яна шундаки, агар инвестиция йўл қўйиладиган муддатда қопланиши нуқтаи назаридан баҳоланганда, у инвестициянинг қалтислиги ҳақида ҳам аниқ тасаввурга эга бўлишга ёрдам беради. Шу боисдан бундай ҳисоб-китоб инвестицияни баҳолашнинг энг мукаммал усулларига фойдали қўшимча бўла олади. Чунки улар кўпинча кутилиши мумкин бўлган иқтисодий инқироз хавфини унчалик яққол ифодалаб - кўрсатиб бера олмайди.

Бу усулнинг ҳам ўзига яраша камчилик ва нуқсонлари бор, албатта. Биринчидан, у пулнинг вақт давомида қиймат ўзгаришини ҳисобга олмайди. Иккинчидан, юқорида келтирилган формулада инвестиция тўлиқ қоплангандан кейин тушадиган даромадлар ҳам кўрсатилмаган. Зеро, янги фондлар ундан кейин ҳам ишлатилади. Шу сабабли, ушбу камчиликларни ҳеч бўлмаганда қисман бартараф этиш учун, харажатларни қоплаш муддатини сўмнинг бугунги ва кечаги қиймати ўртасидаги фарқни ҳисобга олган ҳолда, яъни дисконтлаштирилган усулни қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Дисконт [инг. discount] ҳозирги пайтдаги баҳолар билан уларни қайтариш давридаги баҳолар ўртасидаги фарқлари ёки

қимматбаҳо қоғозлар номиналидир.Моҳияти, турли даврларда инвестиция сарфлари ва келгусида фирманинг ички даромадлилик нормаларини аниқлаш давомидаги пул тушумлари, яъни капитал маблағларни қопланиш (қайтарилиш) коэффициентидан иборатдир. Пулларнинг ёки сарфланган маблағларнинг “бугунги” ва “кечаги” қийматлари ўртасидаги фарқни ҳисобга олиш учун инвестицияларнинг қопланиши ҳисоб - китоб қилинаётганда, келгусидаги даромадлар дисконтлаш коэффициентларига кўпайтирилади. Дисконт коэффициентларининг ҳисоблаш қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$Кд = \frac{1}{(1 + К) \times Т} \quad (2)$$

бунда, К - пул қийматининг ўзгариш суръати (одатда, банк кредитлари бўйича ўртача фоиз даражасида қўлланилади);

Т - инвестиция ажратилган вақтдан бошлаб ўтган вақт, кунлар.

Масалан, фоиз ставкаси 10 га тенг бўлса, учинчи йил учун дисконтлаш коэффициенти:

$$К = \frac{1}{0,3} = 0,769$$ ни ташкил этади. (1 +

Бундан фойдаланиб, юқорида кўриб чиққан мисолимиз учун инвестицияни қопланиш муддатини аниқлаймиз. Бунинг учун (1) формуладан фойдаланиб, инвестициянинг қопланиши керак бўлган даврда пул қийматининг фарқини аниқлаб оламиз.

Шундай қилиб, банк фоизи 10% бўлган ҳолда, дисконтланиш даромадлари:

	Дисконтланиш коэффициенти:	Дисконтланиш даромадлари:
биринчи йилда	1 / (1+0,1) = 0,9091;	25000 х 0,9091 = 22728 сўмни;
иккинчи йилда	1 / (1+0,2) = 0,8333;	35000 х 0,8333 = 29166 сўмни;
учинчи йилда	1 / (1+0,3) = 0,7692;	48000 х 0,7692 = 36922 сўмни

ташкил этади. Жами бўлиб, уч йилда дисконтланган, яъни сўмнинг бугунги кундаги ҳарид қобилиятида ифодаланган, даромадлар

ҳажми 88 816 сўм (22728 + 29166 + 36922) ни ташкил этади. Демак, фирма бўйича инвестициянинг тўлиқ суммасини қоплаш учун фирмага 31184 (120000 - 88816) сўм етишмаяпти. Тўртинчи йилда инвестициянинг умумий ҳажмини етишмаётган қисмини янада аниқроқ қилиб ҳисоблаб чиқишимиз мумкин. Демак, тўртинчи йилда дисконтланган даромадлар:

1 / (1 + 0,4) = 0,7142; 54000 х 0,7142 = 38567 сўмни ташкил этади.

Энди фирма учун инвестициянинг етишмаётган суммасини (31184 сўм) ҳисоблаб чиқилган тўртинчи йилдаги ивестиция суммаси (38567 сўм)га бўлиб 0,81га эга бўламиз. **Шундай қилиб**, **фирма инвестицияларининг қопланиш муддати 4 йилни эмас, балки 3,81 йилни ташкил этар экан.** Ваҳоланки, фирма инвестиция харажатларининг маълум вақт ўтиши билан қиймати (таннархи)нинг ўзгариб боришини ҳисобга олмасдан, амалга оширган олдинги ҳисоб - китобларимиздаги муддат 3,22 ни ташкил этган эди. Аммо белгиланган даврлардаги муддатлар ичида барча омилларни ҳисобга олиб, янада аниқроқ ҳисоблаб чиққан ивестицияларни қопланиш кўрсаткичи ишлаб чиқилаётган лойиҳа учун ажратилган маблағларни 4 йил муддатга зўрға етишини кўрсатиб берди. Агар, банк кредитларининг фоизлари ҳам инфляция даражасини ҳисобга олиб ўзгариб борса, унда ушбу лойиҳани қабул қилиш мақсадга мувофиқ эмас. Шунинг учун, инвестициялаштирилаётган лойиҳаларни ишлаб чиқиш давомида кўзда тутилаётган (иқтисодий) омиллардан ташқари, кўзда тутилмаган (табиий, ижтимоий) омилларни эътиборга олган ҳолда бир нечта вариантларни ишлаб чиқиш тақозо этилади.

Лекин, буни қандай амалга ошириш мумкин?

Бундай ҳолатларда мавжуд барча инвестициялаш вариантларини инвестицияларнинг фойдалилик даражаларини аниқлаш орқали ўрганиб чиқиш тавсия этилади. Фойдалилик кўрсаткичи сифатида, **фойдалилик коэффициенти** деб аталувчи катталикдан фойдаланиш мумкин. У қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$\text{Фойдалилик коэффициенти} = \frac{\text{Кўзда тутилган даромадлар суммаси}}{\text{Кўзда тутилган харажатлар суммаси}} \quad (3)$$

Кўзда тутилган даромадлар суммаси - бу мазкур инвестициялаштирилаётган лойиҳани амалга ошириш эвазига келгусида олинадиган фойда ҳажмидир. Аммо у келгусида кутилаётган мутлақ миқдорларда эмас, балки юқорида таъкидлангандек, дисконтлаш коффициентлари билан тўғриланган ҳолда юзага келади. Бошқача қилиб айтганда, формуланинг суратида сўмнинг бугунги қийматида ифодаланган даромадлар суммаси акс этади.

Кўриб чиқилаётган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун сарфланадиган барча харажатлар ҳажми ҳам худди шундай ҳисобланади. Бу ҳисоб-китоблар бир ннеча йилдаги инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган, агар инвестициялаштириш қисқа муддатларга (3 ой, 6 ой ёки 1 йилга) мўлжалланган бўлса, бундай ҳолда харажатлар ва даромадларни дисконтлашнинг ҳожати йўқ.

Фойдалилик коэффициентига асосланиб, агар коэффициент 1,00 дан юқори ёки унга тенг бўлган тақдирдагина инвестциялаштирилаётган лойиҳаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Бироқ, бу ҳисоб - китобларлар ҳам айтарлича етарли эмас. Негаки, маблағ билан таъминлаш тақчиллиги юқори бўлган шароитларда, фойдалилик коэффициентлари юқорироқ бўлган лойиҳаларни қўллаш афзал бўлиб қолади. Буни қуйидаги мисолда кўриб чиқайлик. Дейлик, иккита инвестицион лойиҳа тақдим қилинган бўлсин.

Биринчи лойиҳа бўйича харажатлар ҳажми 200 минг сўмни ташкил этиб, бунинг жами 1 млн. сўм миқдорда дисконтланган даромад келтириши кўзда тутилган. Бунда соф даромад (даромад - инвестиция, харажат) 800 минг сўмни ташкил этади.

Иккинчи лойиҳа бўйича эса жами харажатлар ҳажми 50 минг сўмни талаб этган ҳолда, дисконтланган даромадлар ҳажми эса 450 минг сўмни ташкил этади. Бунда соф даромад 400 минг сўмга тенгдир, яъни биринчи лойиҳадан 2 мартага кам.

Сиздаги мавжуд маблағ эса 200 минг сўмни ташкил этиб, биринчи лойиҳани инвестициялаштириш имкониятига эгасиз. Хўш, бу мақсадга мувофиқми?

Албатта, йўқ. Чунки, биринчи лойиҳа учун фойдалилик коэффициенти 5 га (1 млн. сўм / 200 минг сўм), иккинчи лойиҳа

учун эса 9 га (450 минг сўм / 50 минг сўм) тенг эканлигини ҳисоблаб чиқиш қийин эмас. Демак, агар 200 минг сўм маблағингизни фойдалилик коэффициенти 9 га яқин бўлган бир нечта кичик лойиҳаларга сарф қилсангиз, натижада сиз 1,6 млн. сўмга яқин соф даромадга эга бўласиз. Бу эса биринчи лойиҳа даромадига нисбатан 2 мартага кўпдир.

Бироқ ҳаётда бир вақтнинг ўзида фойдалилик коэффициентлари бир хил бўлган бир нечта лойиҳалар камдан - кам ҳоллардагина учрайди. Бу коэффициентлар кўпинча бир- биридан кескин фарқ қилади. Шунинг учун қайси лойиҳани танлаш масаласи ҳал қилинаётганда, аввалambор, уларнинг фойдалилик коэффициентларини катталиклари бўйича, яъни ушбу коэффициентлар миқдорини камайиб бориш тартибини кўрсатувчи схема тузиб, кузатиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Буни харажатлар ва даромадлар имкониятига қараб қуйидаги жадвал тарзида ҳам ифодалаш мумкин (5.1 - жадвал).

5.1 - жадвал

“Азизбек” фирмасининг инвестициялаштирилган лойиҳалар **бўйича фойдалилик коэффициентларининг ҳисоб-китоби.**

Лойиҳа	Кўзда тутилган харажатлар суммаси, минг сўм	Кўзда тутилган даромадлар суммаси, минг сўм	Фойдалилик коэффициенти	Ранглар
А	600	840	1,4	1
Б	900	1305	1,45	2
В	300	390	1,3	3
Г	700	770	1,1	4
Д	1200	1260	1,05	5

5.1 - жадвалдан кўринадики, агар фирма 2,5 млн. сўмлик лойиҳаларни инвестициялаштириш имкониятига эга бўлса, бу маблағларни А, Б, В ва Г лойиҳалар учун сарфлаш мақсадга мувофиқ бўлиб, бундан жуда катта даромад келтириш имконияти бўлсада Д лойиҳадан воз кечмоқ зарур.

Агар фойдалилик коэффициентига эътибор бермасдан, фақат кўзда тутилган даромадларнинг максимал миқдорларига қараб иш кўрилганда, унда Д, Б ва В вариантлар танланган бўлинарди. Бунда

жами харажатлар 2,4 млн. сўмни ташкил этган ҳолда, фирма даромади 2,955 млн. сўмни ташкил қилар эди. Агар фойдалилик коэффициентини ҳисобга олиб тузилган инвестиция лойиҳаси амалга оширилганда, олинадиган даромад ҳажми 3,305 млн. сўмни ташкил қилиши мумкин эди.

Юқорида таъкидланганлардан ташқари, амалда бўлиши мумкин бўлган комплекс лойиҳаларни эътиборга олиш ҳам жоиздир. Бу ҳам инвестиция маблағларини ажратишнинг вариантларидан бири бўлиб, бунда маълум бир лойиҳа бир вақтда бошқа бир лойиҳа билан параллель амалга оширилиши мумкин. Масалан, янги цех қурилиши бутун заводга хизмат қиладиган энергетика ёки тозалаш иншоотлари реконструкцияси учун маълум даражада маблағ қўйишни талаб этади. Бундай ҳолда, иккала инвестиция маблағини сарфлаш лойиҳасининг ҳам фойдалилик коэффициентини ҳисоблаб чиқиш лозим. Бунда ушбу коэффициентларнинг индивидуал даражаларига эътибор қаратиш шарт эмас. Мисол учун, фирмада 600 минг сўм маблағ сарфлаб, 840 минг сўм миқдорда даромад келтирадиган лойиҳа бор. Бунда фойдалилик коэффициенти 1,4 (840/600) ни ташкил этади. Лекин, шунинг билан бирга, фирма умумзавод хўжалигини такомиллаштиришга яна 100 минг сўм сарфлаши зарур. Бу эса даромадлиликни фақат 60 минг сўм миқдордагина ўсишига олиб келади ёки бошқача қилиб айтганда, бу лойиҳа бўйича фойдалилик коэффициенти 1 дан кичик бўлиб, 0,6 (60/100) ни ташкил этади. Бироқ, агар бир - бири билан боғлиқ бўлган ушбу лойиҳалар бўйича инвестициялар миқдорини ва кутилаётган даромадларни қўшсак, бунда биринчи ҳолатда 700 минг сўм (600 + 100), иккинчи ҳолатда эса 900 минг сўм (840 + 60) келиб чиқишини кўрамиз. Шундай қилиб, умумий (интеграл) фойдалилик коэффициенти 1,29 (900/700) ни ташкил этади, яъни 1 дан анча юқори. Бу эса бизга иккала лойиҳани бир вақтда амалга ошириш учун қанча зарур маблағ сарфлаш мумкинлигини кўрсатади.

Фойдалилик коэффициентларидан фойдаланиш - ўзининг оддийлиги ва қулайлиги билан ажралиб турадиган усул бўлиб, етарлича асосли қарорлар (хулосалар)ни қабул қилишга ёрдам беради. Ягона мураккаблиги шуки, кўзда тутилаётган даромадларни ва инвестицияларни дисконтлаштириш бўйича ҳисоб

- китобларни тўғри амалга оширишдан иборатдир. Айниқса, у янги

очилаётган ва иш бошлаётган корхона ва фирмалар учун жуда фойдалидир. Чунки улар олган қарзларидан тезроқ қутилиб, даромадларини янада кўпайтириши натижада маблағ сарфлашнинг энг фойдали лойиҳаларини танлаш имкониятларини яратмоқлари зарур.

Бозор иқтисодиёти шароитида давлат мулкини хусусийлаштириш натижасида, хўжалик юритаётган субъектларнинг турли мулк эгалигидаги ташкилий - ҳуқуқий шаклларининг шаклланиши, тармоқларнинг молиявий - хўжалик фаолиятини бошқаришда ва назорат қилишда бухгалтерия ҳисобот маълумотларини ҳамда молиявий натижаларини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси территориясида турли мулкчилик шаклларида фаолият кўрсатаётган тармоқлар молиявий фаолиятини таҳлил қилишни такомиллаштириш ва тўғри юритишни йўлга қўйиш борасида Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган (1995 йил 27 январь, № 9), Давлат, Солиқ қўмитаси билан ўзаро келишилган (1995 йил 26 январь, № 01 - 8 - 18 ва 1995 йил 17 январь, № 5) ва Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилган (1995 йил 13 март, № 130) ва 1998 йил 5 февралда қўшимча ва ўзгартиришлар киритиб, қайта қонун сифатида қабул қилинган, ҳозирда амал қилаётган “Маҳсулотлар таннархига киритиладиган маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш (ишлар, хизматлар) бўйича харажатлар турлари тўғрисида ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низом (1999 йил 5 февралда янгитдан **қонун** сифатида қабул қилинган) муҳим меъёрий ҳужжатлардан бири ҳисобланади.

Қоидада кўрсатилган харажатлар классификацияси аввало харажатларни тўғри ва тўлиқ ифодалашга (ҳисобга олишга) йўналтирилган, шунингдек, корхоналарнинг молиявий ҳисоботларини тайёрлаш мақсадида молиявий натижаларни (фойда ёки камомадларни) ҳам тўғри аниқлашга қаратилгандир.

Корхоналар фаолиятининг молиявий натижаларини ифодаловчи **фойданинг** асосий кўрсаткичлари қуйидагилардан иборат:

а) маҳсулотлар сотишдан тушган ялпи фойда (ЯФ); бу реализациядан тушган соф тушум (СТ) ва сотилган маҳсулотнинг таннархи (МТ) ўртасидаги фарқдан иборат, яъни:

ЯФ = СТ - МТ

б) асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан тушган фойда (ИЧФ); бу маълум давр ичида маҳсулотлар сотишдан тушган ялпи фойда (ЯФ) ва харажатлар (Ҳараж.) ўртасидаги фарқ ва плюс ёки бошқа асосий фаолият соҳалар даромадлари (Дар.) ёки камомадлари (БКам.) айирмасидан иборат, яъни:

ИЧФ = ЯФ - Ҳараж. + БДар. - БКам.

в) умумий хўжалик фаолиятидаги фойда (ёки камомад) (УХФ); бу алгебраик ифодалар йиғиндиси тарзида ифодаланади: асосий фаолиятидаги фойда (АФФ) плюс дивидендлар (ДД) ва фоизлар (ФД) бўйича даромадлар плюс (ёки минус) чет эл валюталари бўйича операцияларидан даромадлар (ёки камомад) (+/- ЧЭВ) плюс (ёки минус) қимматбаҳо қоғозлар инвестицияларини қайта баҳолашдаги даромадлар (ёки камомадлар) (+/- КККБ) минус фоизлар бўйича харажатлардан (ФХ) иборат, яъни:

УХФ = АФФ + ДД + ФД +/- ЧЭВ +/- КККБ – ФХ

г) солиқ тўловларигача бўлган фойда (СФ); бу кўрсаткич ҳам алгебраик ифодалар йиғиндиси тарзида ифодаланиб, умумий хўжалик фаолиятидаги фойда (УХФ) ва тасодифий (кўзда тутилмаган) фойда ва камомадлар (ТФК) сальдосидан иборат, яъни:

СФ = УХФ +/- ТФК

д) йиллик соф фойда (ЙСФ); бу барча солиқларни тўлаб бўлгандан сўнг, корхона ҳисобига қоладиган даромад, яъни солиқ тўловларигача бўлган фойдадан (СФ), даромад ёки фойда солиғини (ФС) ҳамда бошқа солиқлар ёки тўловларни (БС) олиб ташлангандан қолган қисмидир, яъни:

ЙСФ = СФ - ФС – БС

Корхоналарнинг хўжалик фаолияти юритиши давомида келиб чиқадиган харажатлар ўз хусусиятларига кўра, қуйидаги классификацияга бўлинади:

1. Маҳсулотлар ишлаб чиқариш таннархи:
   а) тўғри ва эгри моддий харажатлар;
   б) тўғри ва эгри меҳнат харажатлари;
   в) бошқа тўғри ва эгри харажатлар;
2. Маълум даврдаги харажатлар:
   а) сотиш билан боғлиқ харажатлар;
   б) бошқариш билан боғлиқ харажатлар (администрация харажатлари);
   в) бошқа жараёнлар билан боғлиқ харажатлар ва камомадлар.
3. Молиявий фаолият билан боғлиқ харажатлар:
   а) фоизлар бўйича харажатлар;
   б) хорижий валюталар билан операциялар билан боғлиқ курсларнинг салбий фарқи;
   в) қимматбаҳо баҳолар бўйича сарф қилинган маблағларни қайта баҳолаш.
   г) молиявий фаолият билан боғлиқ бошқа харажатлар.
4. Тасодифий камомадлар.

Корхоналарнинг хўжалик фаолияти юритиш давомида келиб тушадиган даромадлар ўз хусусиятларига кўра қуйидагича гуруҳланади ва у ҳисоботларда қуйидаги асосий бўлимлар бўйича акс этади:

- реализациядан тушган соф тушумлар;
- асосий фаолият соҳаларидаги бошқа даромадлар (операцион даромадлар);
- молиявий фаолият соҳаларидги даромадлар;
- тасодифий даромадлар.

1. Реализациядан тушган соф тушумлар - маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ни сотишдан тушган тушумлардан, қўшимча қиймат солиғи, акцизлар, экспорт солиғи (сотиб олувчи томонидан бериладиган айрим чегирмалар ёки товарларни қайтариш суммаси бунга киритилмайди) ва бошқа тўлов ҳамда ажратмаларни олиб ташлангандан қолган қисми каби ҳисобланади.

Корхоналарни экспорт фаолияти билан боғлиқ операцияларидан тушган фойда ва даромадларни ҳисоблаш,

маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни остишдан тушган тушумлар ҳажмини аниқлаш ва ҳисоб-китоб ишлари таъкидланган қоидада, белгиланган тартибда амалга оширилади.

2. Асосий фаолият соҳаларидаги бошқа даромадлар (операцион даромадлар) ҳисобот бўлимидаги “Бошқа даромадлар ва тушумлар” бандида ифодаланади.

Ушбу даромадларга:

- хўжалик шартномаларининг шартларини бузганлик учун турли хилдаги санкциялар, жарималар, неустойкалар, пениялар, шунингдек, келтирилган зарар ва камомадларни қоплаш;

- ҳисобот йилида, ўтган йилдаги даромадлар ва фойдаларни ҳисоблаб топилган суммаси;

- маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни сотиш ёки ишлаб чиқариш жараёнлари билан боғлиқ бўлмаган бошқа даромадлар, яъни рента даромадлари, ёрдамчи хизмат кўрсатиш тармоқларидан тушган даромадлар, корхона тизимидаги ошхоналар ва кафелар ҳисобидан келиб тушадиган тушумлар;

- асосий фондлар ва корхонанинг бошқа мол - мулклари фаолиятидан келиб тушадиган молиявий даромадлар;

- тўлов муддати тўлган кредиторлик қарзларини кўчириб ёзишдан тушган даромадлар.

3. Молиявий фаолият соҳаларидаги даромадлар бўйича бўлимлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- роялти (лицензия битимида кўрсатилган нарсадан фойдаланиш ҳуқуқи учун сотувчига вақти - вақти билан пул ўтказиб туриш) ва трансфера (эгасининг номи ёзилган қимматбаҳо қоғозларни бир киши номидан бошқа кишига ўтказиш) капиталларини тўплаш;

- корхона тизимидаги фаолият кўрсатаётган тармоқларнинг қимматбаҳо қоғозларга қўшган улушларидан келиб тушадиган дивидендлар ҳисобидаги даромадлар;

- валюта счетлари бўйича курслар фарқининг ижобий сальдолари, шунингдек чет эл валюталари бўйича;

- шўъба корхоналарнинг қимматбаҳо қоғозларига сарфланган маблағларни қайта баҳолаш ҳисобидан келиб тушадиган фойдалар ва бошқалар.

4. Тасодифий фойда ёки даромадлар хўжалик фаолиятини юргизиш давомида кўзда тутилмаган тасодифлар, ҳодисалар,

эътиборга олинмаган жараёнлар ва воқеалар туфайли вужудга келадиган даромадлар ҳисобланади. Буларга асосий фаолият юргизиш давомида ифодаланган ҳисоботларда акс этган бошқа даромадлар бўлими бандидаги даромадлар киритилмайди.

Хўжалик фаолиятини юритиш давомида ўз маблағлари даражасини аниқлаш, доимо назорат қилиш муҳим ўрин тутади. Чунки мулкий жавобгарлик, тузилган контрактлар ва шартномалар асосида келиб чиқадиган ўзаро келишмовчиликлар ёки муаммолар мана шу мулкка бўлган эгалик ҳуқуқлари бўйича кафолатланади. Шу сабабли бу борада Молия вазирлиги (1996 йил 18 ноябрдаги 17-06/150-сонли йўриқномаси) ва Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 1 октябрдаги № 342 Қарорига мувофиқ, хўжалик юритувчи субъектлар мулкий жавобгарлик бўйича мурожаат қилиши мумкин бўлган ўз маблағларини мавжудлигини (сонини) тасдиқловчи суммаларга импорт битим - контрактлари тузиш ҳуқуқига эга эканликларини таъкидлаб ўтишади.

Мулкий жавобгарлик мулк шаклидан қатъий назар, фақат корхонаниинг ўз маблағларига қўйилиши мумкин. Ўз маблағларининг миқдори бухгалтерия баланси маълумотларига асосан аниқланади. Контракт-битим ҳисобланган ва импорт контракт - битими тузилган кунга даъво муддати тугаган дебиторлик қарзлари, кредиторлик қарзлари суммага тўғриланган (корректировка қилинган) охирги ҳисобот даври балансини маълумотлари қўлланилади.

Мулк шаклларидан қатъий назар, хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобида бўлган **ўз маблағлари суммаси** қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$Ў.маб. = БВ - (М + Маж.ус - Маж. сун) - Дд.туг. - З,$$

бунда: Ў.маб - ўз маблағлари;

БВ - баланс валютаси (баланснинг ҳамма суммаси 360 кат. ёки 780 кат.);

М - узоқ ва қисқа муддатли мажбуриятлар (баланс пассивини иккинчи ва учинчи бўлимлари - 520 кат. ва 770 кат. суммалари);

Маж. ус.- мажбуриятларнинг ўсиши - охирги ҳисобот даври учун баланс маълумотлари билан таққослаганда контракт

имзоланган кунга қарз олинган ва жалб қилинган (кредиторлик қарзлари, заёмлар, кредитлар ва ҳ.к.) маблағлар;

Маж.сун. - контрактни имзолаш санаси ва охирги ҳисобот даври учун баланс тузиш санаси ўртасидаги давр учун сўндирилган мажбуриятлар;

Дд. туг.- даъво қилиш муддати тугаган дебиторлик қарзлари (Ўзбекистон Республикаси Фуқоролик кодексининг 89, 97 - моддаларига мувофиқ, даъво қилиш муддати - 1йил;

З - зарарлар (баланснинг 340 кат. + 350 кат.).

Марказий банкнинг конвертация механизмини такомиллаштириш тўғрисидаги тушунтиришларига ҳамда Молия вазирлигининг 1996 йил 21 ноябрдаги 04 - 01 - 04/427 - сонли йўриқномасига мувофиқ, белгиланган тартибда қайта рўйхатдан ўтган ташкилотлар, корхоналар томонидан истеъмол товарларини реализация қилишдан олинган сўм тушумлари шартномавий курс бўйича (Марказий банк курсининг 12 фоизидан ошмайдиган маржа ва Марказий банк курси) ЭАВ (эркин алмашинувчи валюта)га конвертация қилинади.

Шу муносабат билан маржа суммаси ялпи даромад ва фойда (даромад) солиғини ҳисоблаш чоғида солиқ солинадиган базадан чиқариб ташланади.

Мулк шаклларидан қатъий назар, корхона ва ташкилотларнинг молиявий фаолиятининг фойда ва камомадларини ифодаловчи ҳисобот шакллари қуйидагилардан иборат:

1. Маҳсулотларни (ишлар, хизматлар) сотишдан тушган соф тушумлар - **В1;**

2. Сотилган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)нинг таннархи (баланс бандларини (статья) қайта баҳолаш, жорий баҳоларга мос равишда қайта баҳоланадиган бандларни қўшиш билан) - **Б 1;**

3. Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ларни сотишдаги ялпи даромадлар ёки камомадлар;

4. Маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ харажатлар (баланс бандларини қайта баҳолаш, жорий баҳоларга мос равишда қайта баҳоланадиган бандларни қўшиш билан) - **Б 2**;

5. Администрация харажатлари (баланс бандларини қайта баҳолаш, жорий баҳоларга мос равишда қайта баҳоланадиган бандларни қўшиш билан) - **Б 2;**

6. Бошқа операцион даромадлар ва тушумлар (асосий фаолият соҳаларидаги) - **В 2;**

7. Бошқа операцион харажатлар ва камомадлар (асосий фаолият соҳаларидаги) - **Б 2;**

8. Асосий фаолият соҳаларидаги фойда.

9. Акциядорлик корхоналари ва шўъба (дочерных) компаниялардан тушган дивидендлар - **В 3;**

10. Бошқа дивидендлар - **В 3;**

11. Акциядорлик корхоналари ва шўъба компаниялар томонидан қимматбаҳо қоғозлар (облигациялар, заёмлар)дан тушган фоизлар - **В 3;**

12. Бошқа қимматбаҳо қоғозлар (облигациялар, заёмлар)дан тушган фоизлар - **В 3;**

13. Хорижий валюталар билан операцияларга боғлиқ курсларнинг салбий фарқи - **Б 3/ В 3;**

14. Қимматбаҳо қоғозларга сарфланган маблағларни қайта баҳолаш натижалари (фойда ёки камомад) - **Б 3/ В 3;**

15. Акциядорлик корхоналари ва шўъба компаниялардан олинган заёмларга тўловлар фоизи - **Б 3;**

16. Бошқа тўланган фоизлар - **Б 3;**

17. Доимий фаолият соҳалари бўйича фойда ёки камомад

18. Тасодифий фойдалар ёки камомадлар - **Б 4/В4;**

19. Фойда ёки даромадларга солиқ тўловларигача бўлган фойда ёки камомадлар.

20. Фойда ёки даромадларга солиқлар.

21. Бошқа, юқорида қайд этилмаган бандлардан ташқари солиқлар.

22. Жорий йилдаги соф фойда ёки соф камомадлар.

Мулкчилик шаклларидан қатъий назар, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган ташкилотлар, корхоналар, ишлаб чиқариш бирлашмалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги бўйича ҳуқуқий шахс ҳисобланган корхоналар Молия вазирлигининг 1996 йил 1 октябрь № 17-5-6/115-сонли йўриқномасига асосан **йиллик бухгалтерия ҳисоботини** қуйидаги ҳажмда тузадилар:

1. Корхона баланси - 1 шакл (шакл).

2. Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот - 2 шакл (шакл) ва бюджетга тўланмалар ҳақидаги маълумотнома.

3. Корхона балансига илова - 2а ва 5 шакллари (5 - шаклнинг биринчи бўлими тўлғизилмайди).

Йиллик бухгалтерия ҳисоботини топширишда Молия вазирлигининг 1993 йил 15 ноябрдаги 155-сонли буйруғи, 27 ноябрдаги 76 - сонли 1994 йил 24 октябрдаги 110 - сонли ва 1996 йил 6 февралдаги 11 - сонли ҳамда Давлат солиқ қўмитасининг 96 - 13 - сонли хатлари билан тасдиқланган “Йиллик ва чораклик бухгалтерия ҳисоботи шаклларини тўлғизиш тартиби тўғрисида”ги Йўриқнома ва шакллардан фойдаланиш тавсия этилади.

5.6. Бизнесда таваккалчилик (риск)ни бошқариш

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида "таваккал" тушунчаси: узоқ, мулоҳаза қилиб ўтирмай, нима бўлса бўлар, тарзида қилинган ҳаракат маъносида талқин қилинади. Таваккалчи тушунчаси эса таваккалига, таваккал билан иш қилувчи маъносини беради.

Америкалик ишбилармонларга хос бўлган таваккалчиликни Америка иқтисодиётига "чапани" муҳожирлар олиб келганлар ва сингдирганлар. Улар ўтроқ, ва эҳтиёткор ерли аҳолини ўз ишбилармонлик фаолиятида таваккалчилик ҳам қилиб туришга мажбур этишган.

Америкача таърифга кўра, таваккалчилик - бу бирон иш бнлан шуғулланиш оқибатида зарар кўриб қолишлардан қутулиш имконияти. Албатта, баъзи хавфларни суғурта компаниялари билан шартнома тузиш орқали олдини олиш мумкин. Бироқ, хавфнинг асосий оғирлиги, яъни:

- менежернинг хатоси;
- нарх ўзгариши;
- талабнинг сусайиши;
- нотўғри танланган лойиҳа;
- ишчиларнинг норозиликлари бошқа ишбилармоннинг елкасига тушади.

Аммо, умуман, хориж тажрибаси ишбилармонлик таваккалчиликсиз мумкин эмаслигидан гувоҳлик беради. Кимки ҳеч бир таваккал қилмаса, охир - оқибатда хонавайрон бўлади.

Ишбилармон ўн минг ёки миллионларни ҳали чиқармаган маҳсулотининг бозори юришиши кафолатига эга бўлмасдан, улар устида тадқиқотлар олиб боришини, янги товарлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва янгиларини кўришга тавакқал қилиб, сарфлайди. Унинг ҳар бир ҳаракатида **омадсизлик хавфи** яширинган.

Хавфлилик омили маблағ ва қувватларни тежашнинг кучли рағбатлантирувчиси ҳисобланади. У:

- корхона (фирма)нинг лойиҳалар рентабеллигини минг бора таҳлил этишга;
- харажатлар бўйича ҳисоб - китобни пухта билишга;
- қувватларни сотиб олиш ва кадрларни ёллашга ўта жиддий ёндашишга мажбур этади.

Шундай қилиб, таваккалчилик ҳар қандай ишлаб чиқарувчи ёки ҳар қандай банк фаолиятининг вазиятга боғлиқ, бўлган томони бўлиб, шу фаолиятнинг охири нима билан тугаши ноаниқлигини ва омад юришмаса, оқибатда зарар кўриши мумкинлигини акс эттиради.

Таваккалчилик фойдадан маҳрум бўлиш ва бошқа сабабларга кўра **зарар** кўриш сингари ёмон оқибатлар рўй бериши эҳтимоли билан ифодаланади. Шу маънода:

таваккалчилик - бу оқибатнинг яхши бўлишига умид боғлаб, хавф бўлиши эҳтимолини зиммага олинган ҳолда қилинадиган ҳаракат.

Таваккалчилик - бу ресурс ёки даромадни тўла ёки қисман йўқотиш хавфи.

Таваккалчилик - бу ноаниқлиқ шароитида ҳар қандай довюрак менежер учун табиий ҳолат, вазият.

Таваккалчилик - бу омадсиз оқибатнинг миқдорий баҳоланиши.

Яна ўзбек тилининг изоҳли луғатида бу иборалар қуйидагича талқин этилган:

хавф - бирор кўнгилсиз ҳодиса ёки фалокат юз бериши эҳтимоллиги, хатар; қўрқинч.

Хатар - бирор бахтсизликка, фалокатга олиб келиши мумкин бўлган шароит; хавф; таҳлика.

Хавф-хатар - хавф ва хатар, бирор нарсадан қўрқиш. Кўриб турибмизки, **хавф** тушунчаси эҳтимоллик билан боғланилаётган

бўлса, **хатар** иборасида эса асосий урғу шароитга, вазиятга бериляпти. Учинчисида ҳар иккала тушунча бир хил маънода талқин қилиняпти.

Бошқаришда, хусусан, таваккалчиликда хавф тушунчасини қўллаш маъқулроқдир. Чунки айнан бу тушунча эҳтимоллик, ноаниқлик тушунчалари билан ўзаро ҳамоҳангдир. Масалан, янглишиш хавфи, режанинг бажарилмаслик хавфи ёки эҳтимоллиги, компьютернинг ишламаслик хавфи, қарор қабул қилишда йўл қўйилиши мумкин бўлган хавф, таваккалчиликдаги хавф ва ҳоказо.

Албатта, бу ерда янглишиш ёки режанинг бажарилмаслик хатарлари ва ҳоказо юқоридагидек кўп маънони бермайди ва унга эҳтимоллик даражаси билан эмас, балки аниқ, бир шароит, вазият билан чамбарчас боғланган ҳолда қаралади.

Шундай қилиб, таваккалчилик бир бутун жараёндир. Уни шундай тасаввур қилиш мумкин. Эртанги кун ёки бўлажакда нима бўлишини олдиндан аниқ, башорат қилиб бўлмас экан, барча қабул қилинадиган қарорлар таваккалчилик билан боғланган. Шу сабабли таваккалчиликдан қочмаслик керак, балки уни олдиндан кўра билиб, эҳтимол тутилган хавф даражасини пасайтиришга ҳаракат қилиш лозим.

Бизнеснинг барча ташаббускорлари таваккалчиликка боришлари зарур.

Таваккалчилик фойда ёки зарар даражаси.

Тадбиркорнинг ёки раҳбарнинг таваккалчилик даражасига қараб хавф ва эҳтимоллик даражаси, фойда ёки зарар даражаси турлича бўлади. Шу сабабли хавфдан ҳоли ёки қисман ҳоли бўлиш учун таваккалчилик даражаси билан хавф даражси ўртасидаги энг маъқул нисбати танлаб олиниши керак.

Хавфнинг турлари. Ресурсларни нотўғри тақсимлаш хавфи. Иқтисодий беқарорлик ва талабнинг ўзгариши давомида салбий оқибатларни камайтириш усуллари рискларни тақсимлашда улар миқдорини эҳтимолга яқин ҳолда - кимга қанча зарурлигини аниқ ва тўғри белгилаш:

- ишлаб чиқариладиган маҳсулотлари миқдорини аниқ билиб олиш учун тўғри маркетинг тадқиқотларини олиб бориш;
- режалаштиришни ўрганиш;

Хавф ва тадбирлар нисбати. Раҳбар ёки ишбилармон фаолиятида дуч келадиган хавфнинг турли кўринишлари мавжуд. Улар суғурта билан боғлиқ бўлган ва уни суғурта қилиб қўйиш маъқул бўлган турларга бўлинади.

Суғурталашдан мақсад, табиий офатлар ва кўнгилсиз ҳодисалар туфайли келтирилган зарарларни қоплаш учун пул жамғармаларини ҳосил қилишдир. Жисмоний ва юридик шахслар ҳисобидан шаклланадиган бу жамғармани ҳосил қилишда суғурта ташкилотлари билан суғурталанувчилар ўртасида муносабат юзага келади. Ўзбекистон шароитида бу муносабат юзлаб суғурта ташкилотлари билан минглаб корхона ва ташкилотлар, фуқаролар ўртасида шаклланади.

Суғурта объекти мулк суғуртасида: моддий бойликлар, мол- мулк; шахсий суғуртада: фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва меҳнат қобилияти ҳисобланади. Суғурта предмети қайд қилинганларнинг таркибий қисмларидир. Қишлоқ хўжалиги суғуртаси объект бўлса, экинлар (ҳосил), чорва молларининг сони, мол - мулклар - бинолар, иншоотлар, транспорт воситалари кабилар суғурта предмети ҳисобланади.

Шахсий суғурта предметига маълум ёшга етиш, меҳнат қобилиятини йўқотиш ва вафот этиш ҳодисалари мисол бўла олади. Раҳбар ва тадбиркорларнинг суғурта қилиб қўйиш маъқул бўлган хавфларни ва уларнинг салбий оқибатларини камайтириш йўлларини билиб қўйганлари фойдадан ҳоли бўлмайди.

Республикамиздаги турли суғурта компаниялари мол - мулк, уй ҳайвонларини, тижорат ишларини, фуқароларни суғурта қиладилар. Кўчмас мулкнинг ҳамма турлари суғурталаниши мумкин. Бундан ташқари юкларни ташиш, банкротлик, валюта инвестициялари, фойдалар, кредитлар, тўловлар, ходимлар, ишсизлик суғурта қилинади.

Қуйидаги ҳолларда хавф даражаси ортиши мумкин:

- тўсатдан ва кутилмаганда муаммо пайдо бўлганда;
- банкнинг ҳозиргача орттирган тажрибасига тўғри келмайдиган янги вазифалар ўртага қўйилганда;
- раҳбарият зарур ва шошилинч чоралар кўра олмайдиган ва бу нарса молиявий зарар еткиза оладиган пайтларда;

• банк ёки бошқа ташкилот фаолиятининг мавжуд тартиби ёки қонунларнинг номукаммаллиги аниқ, вазиятга тўғри келадиган чора-тадбирларни кўришга халал берадиган ҳолларда.

Булардан ташқари **тижоратга доир хавфлар:**

• товарларни бозорда сотишга алоқадор хавф;
• юкларни ташиш пайтидаги хавф ёки транспортга алоқадор хавф;
• товарни ҳаридор томонидан қабул қилинишга алоқадор хавф;
• ҳаридорнинг ҳақ тўлашга қодир ёки қодир эмаслигига алоқадор хавф;
• ҳаридорнинг ҳақ тўлашни истамаслигига алоқадор хавф.

Сиёсатга доир хавфлар:

• ҳаридор мамлакатда импортнинг тақиқланишига алоқадор хавф;
• юкларни ҳаридорга ташиб, етказиб бериш вақтидаги иш ташлашлар (уруш, ғалаёнлар)га алоқадор хавф;
• валюталарнинг алмашинишига ёки пул ўтказишнинг тақиқлаб қўйилишига алоқадор хавф.

Иқтисодиётга доир хавфлар:

• пулнинг қадрсизланиши;
• ишсизлик даражасини ошиши;
• солиқ сиёсати;
• технологик ўзгаришлар;
• хом ашё базаси билан боғлиқ хавф ҳам хавф даражасининг ортишига олиб келиши мумкин.

Раҳбар, хусусан, хавф бўйича менежер белгиланган рентабеллик даражасини сақлаган ҳолда юз бериш эҳтимоли бўлган хавф даражасини имкон қандай камайтиришни билиши керак. Бундан ташқари, у корхона учун жуда нохуш воқеа юз берган шароитларда ҳам хавфнинг салбий оқибатларини камайтириш имкониятларини олдиндан ҳисобга олиб қўйиши лозим.

Хавфни бошқарув соҳасидаги ишларни малакали йўлга қўйиш, унинг бир қисмини бошқа ҳамкорларга ўтказиш, бизнесни ва ходимларни суғурга қилдириш орқали анча камайтириш мумкин.

Хавфни камайтириш ва рентабелликни оширишнинг бир қанча усуллари мавжуд. Уларнинг баъзиларини келтирамиз:

Банк, биржа, тижорат амалиётида валюта хатарини суғурта қилишнинг турли усуллари **хежирлаш** деб юритилади.

- қўшимча ишчи кучига, бозорнинг аҳволи ва хусусиятлари тўғрисидаги ахборотга, етарлича молиявий маблағларга эга бўлган корхоналар орасида шериклар ахтариш;
- тор соҳаларнинг қайси бирида хавф ҳаммадан кўп бўлса, ўша соҳада ташқи маслахатчи - экспертлар хизматидан фойдаланиш;
- хавфни олдиндан билиш, сезиш: тор жойларни ва хавф манбаларини аниқлаб олиш;
- ўзини суғурта қилиш учун корхона айланма маблағларининг бир қисми ҳисобига захира жамғармаси тузиш;
- бизнесни ва ходимларни суғурта қилиш йўли билан хавфнинг бир қисмини бошқа шахслар ёки ташкилотларга ўтказиш.

Хежир - бу баҳо бўйича таваккалчилик суғуртаси; фьючерс шартномаси.

Қуйидаги омиллар хавфдан ҳолит бўлишга ёрдам бериши мумкин:

- миллий валютадаги қатъий баҳолар ёки чет эл валютасининг миллий валютага нисбатан курсининг олдиндан белгиланиши;
- экспорт ва импорт хавфини ўзаро мослаштириш;
- ўз миллий банкларидан фойдали шартлар билан қарз олиш;
- банклар билан маълум муддатга мўлжалланган махсус валюта битимлари тузиш ва ҳоказо.

Сўнгги иккита усул, яъни ўз - ўзини ва бизнесни суғурта қилиш махсус захира фондини ташкил этиш ва зарарларни айланма молия маблағлари ҳисобидан қоплаш билан боғлиқ. Бу усулдан фойдаланиш йўқотилиши мумкин бўлган мол - мулк бутун бизнеснинг мулкий ва молиявий миқёсларига нисбатан жуда кичик бўлган ҳолларда мантиқан тўғри бўлади.

Масалан, йирик корпорациянинг кичик бинода жойлашган озгина ускуналарини йирик суғурта компанияси орқали ёнғиндан суғурта қилдириш мақсадга мувофиқ эмас. Суғуртани ўз бўйнига олиш усули корхонанинг бир хил маҳсулоти кўп, уларнинг ишдан чиқиш эҳтимоли кам бўлган ҳоллари қўл келади. Масалан, юзлаб

танкерларга эга йирик нефт компаниялари шу усулдан фойдаланишади. Чунки, фирмага йилига битта танкерни йўқотиш (бу юз бермаслиги ҳам мумкин) ҳамма танкерлар учун суғурта солиғи тўлашдан кўра арзонга тушади.

Хежир (йўқотишлардан сақланиш) қилиш деб аталувчи суғурта шаклининг моҳияти шундаки, айтайлик, хом ашёни қайта ишлашга ихтисослашган фирма кутилаётган даромадларининг хавфини бошқа томонга ўтказиш орқали суғурта қилади. Хежирлашда сотувчи (ҳаридор) фьючерс келишуви тузиш билан айни бир вақтда ўз савдосига тенг келадиган фьючерс шартномаларини ҳарид қилади (ёки сотади).

Хежирлаш томонлар кўрадиган эҳтимолдаги зиённи камайтириш имконини беради.

Таваккалчилик турлари. Амалиётда раҳбар ёки тадбиркор ўз фаолиятида:

• мол-мулк талофотига;
• молиявий йўқотишларга;
• даромадларнинг камайишига;
• фойда даражасини аниқлашдаги хатоликларга йўл қўймаслик ва шу жихатларни яхшилаш мақсадида турли - туман таваккалчиликка борадилар. Шундай шароитда қайси бир турдаги таваккалчиликни танлаш, қайси бири кўпроқ самара бериши мумкинлигини аниқлаш кўп жихатдан таваккалчилик турларининг илмий асосланган тавсифномасини билишни тақоза этади:

-соф;
- чайқовчилик (спекулятив) таваккалчилик;
- табиат билан боғлиқ таваккалчилик;
- экология билан боғлиқ таваккалчилик;
- сиёсат билан боғлиқ таваккалчилик;
- транспорт билан боғлиқ таваккалчилик;
- тижорат билан боғлиқ ва бошқа таваккалчилик;

Ишлаб чиқариш билан боғлиқ таваккалчилик - бу ишлаб чиқариш жараёнининг тўхтаб қолиши ёки бир маромда ишламаётганлиги, технологиянинг бузилиши, сифатсиз хом ашё оқибати ёки ходимларнинг сифатсиз ишлашлари эвазига эҳтимол (таваккал) қилинадиган зарар ёки қўшимча харажатлардир.

- савдо билан боғлиқ таваккалчилик

- молия билан боғлиқ таваккалчилик

- **инфляция** билан боғлиқ таваккалчилик
- **валюта** билан боғлиқ таваккалчилик

Тизимли таваккалчилик - бу, у ёки бу бозорда коньюнктуранинг ёмонлашиши ёки тушиб кетиши оқибатида эҳтимол қилинадиган зарар. Бу таваккалчилик инвестицияни аниқ, бир объектга эмас, балки муайян бозор (масалан, валюта бозори, қўзғалмас мулк бозори ва бошқалар) учун барча қўйилган маблағ бўйича таваккалчиликни ифодалайди. Бунда инвестор катта зарар етказмасдан туриб, ўз маблағини қайтара олмайди.

Тизимли таваккалчилик усулида инвестицияни қайси бир активга (айтайлик, қимматли қоғозларгами ёки қўзғалмас мулкка) таваккал қилиб сарфлаш мақсадга мувофиқлиги аниқланади.

Селектив таваккалчилик - бу у ёки бу бозорда инвестиция объектини нотўғри танлаб олиниши оқибатида кўриладиган таваккал зарар ёки бой берилган наф. Масалан, қимматли коғозлар портфелини шакллантиришимизда фонд биржасидаги қимматли қоғозлар турини нотўғри танлаш оқибатида кўриладиган зарар таваккал турига киради.

Кредит таваккалчилиги бу қарз олган томоннинг ўз мажбуриятларини тўлай олмаслик хавфидир, банк яхши фойда кўриши учун кредитлаш хавфини камайтириши шарт. Банк ҳамиша қарзнинг ўз вақтида ва фоиз билан қайтиб келиши эҳтимоли қай даражадалигини назарда тутиб, таваккалга қилади. Бундай таваккалчиликка кредитни тўлаш муддатини кечиктириш ёки облигацияларга тўлашни музлатиб (тўхтатиб) қўйиш мисол бўлаолади.

Регионал таваккалчилик муайян регионларнинг иқтисодий ҳолати билан боғланган бўлиб, у:

- мазкур регионнинг асосий маҳсулотига (масалан, республикамизда) бўлган конъюнктура нархининг пасайиши оқибатида кўрилиши мумкин бўлган зарар хавфи;
- иқтисодий ёки сиёсий мустақилликка эришиш оқибатида кўрилиши мумкин бўлган зарар хавфи;
- ишлаб чиқаришнинг кескин тушиб кетиши ёки ишсизлик даражасининг ошиши оқибатида кўрилиши эҳтимол тутиладиган зарар хавфини ифодалайди.

Тармоқ билан боғлиқ таваккалчилик айрим тармоқ иқтисодиёти билан боғлиқ бўлиб, у иккита омил таъсири остида бўлади:

- тармоқдаги даврий беқарорлик;
- тармоқ, ишлаб чиқаришининг ҳаётий босқичларига, яъни кириш, ўсиш, етилиш, тўйиниш, тушкунлик даврига қараб тадбиркорлик фаолияти ёки инвестиция таваккалчилиги турлича даражада бўлади.

Корхона таваккалчилиги инвестиция обеъкти бўлган корхона фаолияти билан боғлиқ. Гарчи бу таваккалчилик тармоқ регионал таваккалчиликлари таъсири остида бўлсада, ундаги таваккалчилик даражаси корхонанинг бозордаги мавқеи, мижозлар (истеъмолчилар)нинг доимо бўлиши, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати ва бошқаларга боғлиқ. Корхона фаолиятидаги таваккалчилик қуйидаги кўринишларда бўлади:

- ишлаб чиқарган маҳсулотни истеъмолчи томонидан талаб қилиб олишлиги оқибатида кўриладиган таваккалдан зарар;
- хўжалик талабларини бажармаслик оқибатида кўриладиган таваккалдан зарар;
- рақобатнинг камайши оқибатида кўриладиган таваккалдан зарар;
- кўзда тутилмаган харажатларниинг вужудга келиши ва даромаднинг камайиш оқибатида кўриладиган таваккалдан зарар;
- корхона маблағининг талофати туфайли кўриладиган таваккалдан зарар.

Инвестиция таваккалчилиги деганда товар ёки хизмат, янги технологияни ишлаб чиқиш ва жорий қилишга сарфланган харажатларнинг қопланмаслиги оқибатида кўриладиган таваккалдан зарар тушунилади.

Таваккал капитал - бу фан - техника янгиликларини жорий этиб, янги технологияни ўзлаштириб, бозор рақобатига бардош берадиран янги товарларни ишлаб чиқариш учун таваккалга қўйиладиран(сарфланадиган) капитал.

Таваккал капитал эгаси маълум иқтисодий хавфни ўз зиммасига олади, чунки янги ишга солинган капиталнинг фойда бериши ёки бермаслиги олдиндан маълум бўлмайди. Лекин капитал тусмолланиб, кўр - кўрона қўйилмайди, балки у янгиликка бўладиган талабни, бозорнинг умумий ҳолатини ҳисобга олади,

бизнес соҳаси талабининг ўзгаришига эътибор берувчи фирмалар хизматидан фойдаланади.

Таваккал капиталига, одатда, майда бизнес вакиллари ёки уларга алоқадор йирик фирмалар киради. Таваккал капитали фан - техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишда катта роль ўйнайди.

Инвестиция объект бўлиши учун у ёки бу товарни сотиш жараёнида унинг сифатини баҳолашдаги ўзгариш оқибатида кўзланган зарар хавфи инвестиция объекти (қимматли қоғозлар, қмматбаҳо нодир металлар, қўчмас мулк ва ҳ.к.)нинг тугатилиши таваккалчилиги деб аталади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, аксарият ҳолларда иқтисодий баҳолашлар ва бошқарув қарорлари кўп вариантли бўлиб, эҳтимоллик ҳарактерига эга. Шу сабабли хато ёки янглишиш бу жараёнда табиий бўлса ҳам, барибир, нохуш ҳолдир. Қуйидаги шароитда менежер:

- таваккалчиликдаги хавф эҳтимолини;
- ушбу хавф даражасини пасайтириш чораларини;
- эҳтимол қилинаётган зарарни қоплаш йўлларини олдиндан ҳисоб - китобини қилиши лозим. Таваккалчиликни бошқаришнинг моҳияти ҳам ана шунда.

Таваккалчиликни бошқаришдан мақсад - бу корхонани фақат банкротликдан сақлаб қолиш эмас, балки қандай шароитда бўлса ҳам фойдани минимал даражадан паст бўлишига йўл қўймасликдир.

Бошқаришдаги хато ва янглишишлар, банкрот бўлишнинг салбий сабабларидан бўлиб ҳисобланади. Буни халқаро бизнес тажрибаси тасдиқламоқда. Шунинг учун ҳам менежер ва тадбиркор таваккалчиликни бошқариш самарадорлигига жуда катта аҳамият бермоқликлари лозим. Бу ўринда менежер олдидаги асосий вазифалар қуйидагилардан иборат:

- юқори хавф соҳасини билиб олиш;
- хавф даражасини баҳолаш;
- тадбирни ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш;
- хавфни таҳлил қилиш ва огоҳлантириш.

Амалиётда қуйидаги сабаблар оқибатида юқори даражадаги хавфларнинг туғилиш ҳолатлари учрайди:

- нотўғри қарорлар қабул қилинганда;

• бўйсунувчилар топшириқларни қониқарсиз бажарганларида,
• бажарувчиларни нотўғри танлашда;
• маркетинг истиқболини аниқлашда хатога йўл қўйилганда;
• раҳбариятнинг менежер таклифини қатъий рад этганида.
Таваккалчиликни бошқаришда, хавфни камайтириш.

1. Ахборот тизимини яхшилаш.

- ахборот олишни яхшилаш;
- ахборотни қайта ишлашни яхшилаш;
- ахборотни режалаштириш;
- алоқаларни яхшилаш.

1.2. Фойдани ҳисоб - китоб қилиш:
• эластикликни ҳисоблаш;
• режага ўзгартиришлар киритиш;
• муқобил режаларни тузиш
1.3. Хатога йўл қўйишни камайтириш:
• ходимларнинг таваккалчиликдаги масъулиятларини ошириш; ходимларни рағбатлантириш;
• ходимлар танловига жиддий ёндашиш;
• ходимларни ўқитиш;
• таъминот бўйича ваколатни таъминлаш.
1.4.Техник воситаларни шакллантириш:
• механатни муҳофаза қилиш, ҳақсизликни таъминлаш;
• огоҳлантирувчи белгиларни ўрнатиш;
• техника созлигини таъминлаш;
• хавфли ҳолатни зудлик билан олдини олиш.

2. Хавфларнинг олдини олиш.

2.1. Хавфни чегаралаш:
• зарар кўриш хавфини чегаралаш:
• зарарни қоплаш;
• таваккалчилик ва хавфга эҳтиёткорона ёндашиш.
2.2. Ишлаб чиқариш омилига қараб:
• хом ашё таваккалчилиги (миқдорий, сифат, муддати бўйича),
• ускуналар, энергия, ходимлар, капитал таваккалчилиги.
2.3. Маҳсулотни ишлаб чиқариш, уни сақлаш жараёнига қараб:
• ишлаб чиқаришдаги таваккалчилик (ишлаб чиқариш усули, яроқсиз маҳсулотни ишлаб чиқариш хавфи ва бошқалар);
• тадқиқот ва ишланмалар таваккалчилиги;

• сақлашдаги таваккалчилик.

2.4. Маҳсулотни баҳолашга қараб:

• сотишдаги таваккалчилик;

• баҳолашдаги таваккалчилик;

• тўлашдаги таваккалчилик;

• кафолат бўйича таваккалчилик.

2.5. Суғурталанишига қараб:

• суғурталанадиган таваккалчилик (буни суғурта фондидан қоплаш мумкин);

• суғурта қилинмайдиган таваккалчилик (буни суғурта фондидан қоплаш мумкин эмас).

Бундай гуруҳлашлар хавфнинг олдини олиш ва уни камайтириш бўйича чора - тадбирларни ишлаб чиқиш учун жуда қўл келади.

Таваккалчиликнинг мақсадга мувофиқлигига баҳо бериш учун энг аввало, эҳтимол тутилаётган хавф даражасига қараб таваккалчиликнинг тайин зоналарни ажратиб олиш зарур. Зарар кутилмайдиган, яъни хўжалик фаолиятининг натижаси ижобий бўлган зона **хавфсиз зона** деб аталади.

Йўл қўйилиши мумкин бўлган **хавф зонаси** деганда эҳтимол (таваккал) қилинаётган зарар кутиладиган фойдадан кўп бўлмаган зона тушунилади. Шунда тадбиркорлик фаолияти иқтисодий нуқтаи назардан мақсадга мувофиқ, деб топилади. Йўл қўйилиши мумкин бўлган хавф зонасининг чегараси қуйидагача кўринишда бўлади:

Зарар даражаси кўлами; ҳисобланган фойда даражаси кўлами.

Жиддий (кескин) хавф зонаси деганда эҳтимол (таваккал) қилинаётган зарар нафақат кутиладиган фойда, шунингдек, ҳисобланган нақд пул даромад (тушум)дан ҳам кўп бўлган зона тушунилади.

Бошқача қилиб айтганда, бу ерда тадбиркор нафақат ҳеч қандай фойда олишни, шунингдек, барча ишлаб чиқариш харажатлари миқдорида тўғридан - тўғри зарар кўришгача таваккал қилади.

Фожиали хавф зонаси деганда эҳтимол (таваккал) қилинаётган зарарнинг жиддий хавф зонасини ўз домига тортиб, ундан ошиб корхонанинг хусусий капиталига тенг бўлган зона

тушунилади, яъни бундай хавф зонасининг чегараси қуйидаги кўринишда бўлади:

Зарар даражаси кўлами, хусусий капитал

Бундай таваккалчиликнинг оқибати корхонани ёки тадбиркорни банкротликка ва емирилишга олиб келади. Фожиали хавф тадбиркор фаолиятига, унинг соғлиғига хавф туғдириши мумкин.

Хавфни бошқалар зиммасига юклаш:

• хавф ва унинг оқибатида кўрилган зарарни учинчи шахс (кредиторлар, ҳамкорлар, истеъмолчилар, давлат) зиммасига юклаш;

• зарарни қоплаш учун суғурта шартномаларини тузиш.

Зарар кўриш хавфини камайтириш мақсадида таваккалчиликнинг ўзи қуйидаги муҳим белгилар бўйича гуруҳланади.

Объектга қараб:

- умумий таваккалчилик (бу корхонанинг умумий фаолиятига хавф туғдиради);

- махсус таваккалчилик.

Таваккалчиликнинг эгри чизиғи деганда эҳтимол тутилаётган зарар билан кутиладиган фойда ўртасидаги боғланишни ифодаловчи эгри чизиқ тушунилади.

Таваккалчиликнинг эгри чизиғини чизиш, ундаги хавф зоналарини аниқлаш, таваккалчилик самарадорлигига баҳо бериш қуйидаги усулларни қўллашни талаб қилади:

• статистик усул;

• эксперт усули;

• аналит усул.

Статистик усул ёрдамида ўхшаш фаолият билан шуғулланадиган хўжаликларда кўриладиган зарар, унинг даражалари ва такрорланиб туриш ҳоллари ўрганилади.

Эксперт усули ёрдамида тажрибали тадбиркорлар фикри йиғилади, у қайта ишланади, менежер ва мутахассисларнинг аниқ тижорат операцияларида хавфнинг кутилиш даражалари тўғрисидаги фикрлари таҳлил қилинади.

Аналитик усул - эҳтимоллар, ўйинлар назариялари математик моделларни қўллашга асосланади.

Таваккалчиликни бошқариш фаолияти менежемент соҳасида энг тез ривожланиб бораётган профессионал фаолият ҳисобланади. Ғарб фирмаларининг штатида айнан шу хавфни камайтиришга жавоб берувчи таваккалчилик бўйича лавозим мавжуд (таваккалчи

- менежер). Улар фирма раҳбарлари билан бир қаторда хавфга доир таваккалчилик бўйича қабул қилинадиган қарорларда қатнашадилар ва унинг оқибати учун баравар жавоб берадилар. Таваккалчиликни бошқариш қуйидаги фаолиятларни ўз ичига олади:

• таваккалчиликни аниқлаш, таҳлил қилиш ва унинг даражасини баҳолаш;

• таваккалчиликдан огоҳлантирувчи тадбирларни ишлаб чиқиш, уни минималлаштириш ва суғурталаш тадбирларини белгилаш.

• таваккалчилик оқибатида кўрилган зарарларни қоплаш ва корхонанинг тиклаш йўлини излаш.

Таваккалчиликни бошқариш стратегиясини белгилаб олишнинг ўзи етарли эмас. Бундан ташқари, шу стратегияни амалга ошириш механизмини, яъни таваккалчиликни бошқариш тизимини ишлаб чиқиш лозим. Бу қуйидагилардан иборат:

• қабул қилинадиган қарорларни самарали баҳолаш ва уни назорат қилиш тизимини яратиш;

• корхонада таваккалчиликни бошқариш учун махсус бўлимни ташкил қилиш ёки шахсни тайинлаш;

• таваккалчиликни суғурталаш, зарар ва йўқотишларни қоплаш учун махсус маблағлар ва захиралар ажратиш.

Амалиётнинг тасдиқлашича, бу тадбирлардан ташқари таваккалчиликни бошқариш бўйича махсус қўлланмаларни ишлаб чиқиш тақозо этилади. Айнан шу қўлланмада ҳар бир бўлим ва менежерларнинг таваккалчиликка бориш меъёрлари кўрсатилган бўлади.

Таваккалчиликни бошқаришда, асосан, икки усул қўлланилади:

• таваккалчиликни огоҳлантириш ва уни чегаралаш усули;

• зарарни қоплаш усули.

Таваккалчиликни пасайтириш усуллари қуйидагилардан иборат:

• қарор қабул қилиш муқобилларини ва таваккалчилик даражасини синчиклаб экспертизадан ўтказиш;

• таваккалчиликнинг муайян даражасини белгилаш, яъни муайян қарор қабул қилиш билан боғлиқ бўлган харажатлар суммасини ўрнатиш;

• қарздорнинг мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш учун турлича кафолат ва беғараз операциялардан фойдаланиш.

Таваккалчиликни диверсификациялаш, яъни:

• корхона капиталини турли фаолиятларга инвестициялаш;

• турли кўринишдаги қимматли қоғозларга инвестиция киритиш;

• инвестиция портфели таркибини оптималлаштириш;

• товар етказиб берувчиларни кўпайтириш;

• бозорнинг бир қанча сегментларига товар ва хизматларни сотиш;

• ноёб молларни турли жойларга саралаш ва ҳ.к;

• кутилиши мумкин бўлган зарар олдини олиш ва самарали назорат қилиш тизимини қўллаш.

Иккинчи усул, яъни зарарни қоплаш учун қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

• махсус захира ва суғурта фондларини ташкил қилиш;

• таваккалчиликни суғурта ташкилотларида суғурта қилдириш.

Таваккачиликнинг миқдорий ўлчови зарарнинг мутлақ ва нисбий кўрсаткичлари билан ифодаланади. Мутлақ ифодаланиш натурал ёки қиймат кўринишида, нисбий ифодаланиш эса, кутилиши мумкин бўлган зарарнинг харажатлар суммаси ёки фойдага нисбати кўринишида бўлади.

Таваккалчилик корхонани банкротликка олиб борадими ёки йўқ? Бунинг миқдорий ўлчовини билиш ўта зарурдир.

5.7. Кичик бизнесда стратегик режалаштириш ва бизнес режа

Кичик ва хусусий тадбиркор корхоналар ўз фаолиятини мустақил режалаштиради, хом ашё ресурслари ва материалларнинг мавжудлигини ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга, бажарилаётган ишга, кўрсатилаётган хизматга бўлган талабларни ҳисобга олиб, тараққиёт истиқболларини белгилайди.

Корхона давлат эҳтиёжлари учун шартнома асосида ишлар бажаради, маҳсулотларини сотади ва турли хилдаги хизматлар кўрсатади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир тадбиркор олдида, дастлаб фаолият юргиза бошлаганиданоқ асосий муаммо маҳсулот ишлаб чиқариш, истеъмол бозорида потенциал мижозларни топиш ва бозорда ўз мавқеига эришиш чора - тадбирларини ишлаб чиқиш ва уни олдиндан тўғри режалаштиришдан иборат.

Тадбиркор тармоқлар иш юритишнинг дастлабки босқичида узоқни кўра оладиган мақсадга мувофиқ бизнес - режаларни ишлаб чиқишади. Бу **бизнес - режа** умумий жихатдан, фаолият юритиш соҳаларидан қатъий назар, қуйидаги бўлимлардан ташкил топади:

1. Товарнинг тавсифи, кимга мўлжалланганлиги ва тузилиши.
2. Товар сотиладиган бозорни баҳолаш.
3. Товар сотиладиган бозордаги рақобат.
4. Маркетинг режаси.
5. Ишлаб чиқариш режаси.
6. Ташкилий режаси.
7. Ҳуқуқий режаси.
8. Фаолият соҳаларини суғурталаш.
9. Лойиҳани маблағ билан таъминлаш.

“**Товарнинг тавсифи, кимга мўлжалланганлиги ва тузилиши”** бўлимида хўжалик фаолияти юритувчи тадбиркор ишлаб чиқараётган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ини қандай мақсадларга мўлжалланганлигини, товар тавсифини ва кўрсатилаётган хизматлар қандай эҳтиёжларни қондиришини таҳлил қилиши ҳамда мавжуд шунга ўхшаш товарлар ёки хизматлар билан таққослаши, янги товарнинг афзалликларини батафсил ўрганиб чиқишини тақозо этади.

Бу бўлим қуйидаги бир нечта кичик бўлимлардан иборат: “Хом ашё манбаи, хом ашё билан таъминлаш ҳажми” кичик бўлимларида тадбиркор хом ашё, ёқилғи ресурсларини қаердан олишни (корхона саноат ёки моддий ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлса) ва унга бўлган истеъмол даражасини “товарлар ресурслари ва истеъмоли” балансида ҳисоб - китоб қилиб чиқиши лозим. Агар корхона турли хилдаги ишлар ёки хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлса, у ҳолда тегишли технология жиҳозларини, қўлланмаларни, кўргазмали воситаларни, ишлар ва хизмат

кўрсатиш соҳаларини ташкил этиш бўйича барча услубий йўлланмаларни, яъни “ноу - хау”ларни қандай ва қай тартибда уюштириш режасини ишлаб чиқиши ва белгилаб олмоғи лозим.

“Хом ашё таъминоти учун лозим бўлган шарт - шароитлар, хом ашёни етказиб бериш учун кетадиган харажатлар” кичик бўлимнинг вазифаси, мавжуд маблағлар манбаларининг етарлилик даражаси, хом ашё ресурсларини етказиб бериш йўллари, транспорт воситаларининг ҳолати, замонавий техника, компьютерлар билан таъминланиш даражаси ва интеллектуал ахборот манбаларини кенгайтириш чора - тадбирларини ишлаб чиқишдан иборат қатор масалаларни ҳал қилишдан иборат.

“Зарур ишлаб чиқариш моллари ва ресурслари” кичик бўлимида тадбиркор маълум муддатларда ва даврларда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ассортимент турларини белгилаб олади.

“Товарлар ва маҳсулотларни ишлаб чиқаришда янги технологияларнинг мавжудлиги. Қиёсий баҳолаш” кичик бўлимида, ишлаб чиқариш учун кўзда тутилган товар ёки маҳсулот билан боғлиқ барча маълумотлар таҳлил қилинади. Жумладан, ишлаб чиқарилаётган товар ёки маҳсулотга, кўрсатилаётган хизматларга мос келадиган ўзаро ўхшаш бошқа корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг технологияси ёки ишлаб чиқариш усуллари, маҳсулотларнинг патентлилик даражаси ва бошқа маълумотлар ўрганилиб, таққосланади. Энг кам харажатли, қулай оптимал вариант танлаб олинади. Лицензияларни сотиб олиш харажатлари ҳисоб - китоб қилинади. Танлаб олинган технология патенти ёки гувоҳномаси эгасини (мутахассисни) корхона фаолиятида қандай шартларда ва шароитларда самарали фойдаланиш, уни қизиқишини орттириш мумкинлиги чамалаб чиқилади.

“Товар сотиладиган бозорни баҳолаш” бўлими қуйидаги кичик бўлимлардан иборат:

“Товарлар ёки маҳсулотларнинг потенциал истеъмолчилари. Миқдорий баҳолаш”. Бунда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар (товарлар)ни сотилиш даражаси, уларни аҳолининг қайси категорияси томонидан қай даражада қабул қилиниш ҳолати, мамлакат регионлари (вилоятлар, туманлар)да реализация қилиш даражаси каби масалалар ўрганиб чиқилади. Маҳсулотлар ва

товарларни ўтказиш бозорларининг ҳолати, улардаги рақобатчиларнинг тутган мавқеи, мазкур маҳсулотларга бўлган талабнинг даражаси ҳам чуқур ўрганилиб, муваффақиятга эришиш имкониятлари кўриб чиқилади.

“Ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг ёки товарларнинг умумий қиймати. Қиёсий (суммавий) баҳолаш”. Кичик бўлимида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ёки товарларнинг ҳажмини ва миқдорини аниқлаб олингандан кейин, унинг умумий қиймати ҳисоб - китоб қилиб чиқилади. Бу эса маҳсулот ёки товарларнинг ҳарид қилиш қобилиятини аниқлашга имкон беради. Кўрсатилаётган хизмат соҳалари бўйича уларнинг ўртача битта турининг қийматини ва ундан фойдаланиш ҳуқуқларининг тартибини аниқлашга ёрдам беради.

Ушбу кичик бўлимдан “Сотув ҳажмларини белгилаш ва унинг энг мутлақ миқдорини аниқлаш” бўлимчаси келиб чиқади. Мазкур бўлимчалардаги тавсия этилаётган кўрсатмаларни ҳисоб китоблари мақсадга мувофиқ ишлаб чиқилса, корхона фаолиятидаги моддий ресурсларни ортиқча сарфлаш, турли хилдаги исрофгарчиликлар, йўқотишлар, шунингдек, ортиқча ишлаб чиқариш ҳолатлари юз бермайди, ортиқча талабга мос келмайдиган, сифатсиз маҳсулотларни ишлаб чиқариш оқибатларининг олди олинади.

“Бир хил маҳсулот ва товарлар ишлаб чиқариш, унинг ҳажми ва тавсифи” бўлимчасида эса корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва товарлар ёки хизматларга ўхшаш, ўзаро мос келувчи маҳсулот ва товарларни қайтарилмаслик оқибатлари, шунингдек рақобатчиларнинг ишлаб чиқаришидаги заиф томонларни кўрсатувчи маълумотларга эга бўлинади.

"Товар сотиладиган бозордаги рақобат" бўлими қуйидаги бўлимчалардан иборат:

“Ўхшаш маҳсулот ва товарлар ишлаб чиқарувчилар”да регион (вилоят, туман)да мазкур корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва товарларга ўхшаш товар ассортиментларини қайтарувчи маълумотларга ва унинг салбий оқибатларининг олдини олиш имкониятларига эга бўлинади.

“Илғор технологияни жорий этиш”да истеъмол бозорида рақобатчилар фойдаланадиган мавжуд технология жараёнларининг нуқсонлари ва уларнинг камчиликлари аниқланади. Бу кичик бўлим ўз ичига қуйидаги бўлимчаларни олади:

“Ўхшаш маҳсулот ёки товарларнинг тавсифи”. Бунда ўзаро бир - бирига ўхшаш товарларни реклама қилишда рақобатчиларнинг ўз маҳсулот ва товарларига бераётган баҳоларини аниқлаш имкониятига эга бўлинади. Бу эса рақобатчининг нуқсон ва камчиликларини эътиборга олган ҳолда ўз маҳсулот ва товарларини реклама қилиш жарёнларини такомиллаштиришга, реклама манбаларини ва усулларини кучайтиришга ва бу билан реклама самарадорлигига эришилади.

“Ўхшаш маҳсулот ёки товарларнинг нарх - наволарининг тавсифи”да кузатув, сўров ва истеъмолчилар билан суҳбат натижасида маҳсулот ёки товарларга бўлган талаб ва таклифнинг қай даражадалиги, аҳолининг истеъмол ва ҳарид қилиш қобилиятини ўрганиш ва унинг ҳажмини аниқлаш имконига эга бўлинади. Бу эса аҳоли талаби ва таклифига мос равишда маҳсулот ва товарлар нарх - наволарини ошириш (агар рақобатчининг маҳсулотларининг нархлари паст бўлса) ёки пасайтириш (агар рақобатчининг маҳсулотлари нархлари юқори бўлса) имконини яратади. Шуни таъкидлаш лозимки, нархни оширишда товарнинг юқори сифатлилигини, унинг янгилик томонларини эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир ва кўзланган натижани беради.

“Маркетинг режаси” бўлимида корхона хўжалик фаолиятининг мақсадга мувофиқ йўналтирилган жараёнлари намоён этилади. Бунда ишлаб чиқариш жараёни, маҳсулотларни истеъмол бозорларида жойлаштириш ва сотиш жараёнларини ташкил этиш, хом ашё моддий ресурсларини шакллантириш, маҳсулот ва товарларда шаклланаётган нарх - наволарни тўғри ифодалаш, турли хизмат кўрсатиш жараёнларини ташкил этиш, самарали рекламаларни уюштириш ва аҳоли талаби ва таклифини изчил ўрганиш, потенциал истеъмолчилар қобилиятини ўрганиш ва уларнинг ишончига эришиш каби масалалар кенг ёритилган бўлади.

Маркетинг режаси бўлими қуйидаги масалаларни ўзида мужассамлантирган бўлимчалардан ташкил топган:

“Товарнинг тарқалиш схемаси” бўлимчасида маҳсулотлар ёки товарларнинг, кўрсатилаётган хизматларнинг ва ишларнинг амалга ошириш схемаларини тузиб чиқиш ҳамда уларнинг график тасвирлари намоён этилади. Бу эса товарнинг тарқалиш занжиридаги энг потенциал томонларини ва заиф жойларини

аниқлашга, шунингдек, уларга асосий эътиборни қаратиш лозимлигини эътироф этади.

“Маҳсулот ва товарларнинг нарх - наволари” бўлимчасида маҳсулот ва товарларга белгиланаётган нархларнинг ҳолати кўрсатилади. Нархларни оширишда нафақат маҳсулот таннархини камайтириш ёки нархнинг бир - бирига мослаш учун ортиқча ҳаракат қилиш, балки маҳсулот ва товарларга, кўрсатилаётган хизматларга бўлган талабнинг ортиб бориши билан, талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатга эришиш лозим. Натижада ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш туфайли ортиқча харажатларни имкони борича камайтиришга эришилади.

“Зарурий сервис хизматларини ташкил этиш” бўлимчасида, агар товар техник хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлса, унда махсус хизмат кўрсатиш соҳаларида кўрсатилаётган хизматлар классификациялари ўрганилади ва уларнинг илғор услублари танлаб олиниб уларнинг иқтисодий кўрсаткичлари акс эттирилади. Бу таҳлил натижалари асосида хизмат кўрсатиш соҳалари бўйича кафолатли шартномалар асосида тегишли хизмат кўрсатиш тармоқларини ташкил этиш, маҳаллий устахоналар ёки хизмат кўрсатишнинг масус сервис - фирмаларини ташкил этиш чора - тадбирлари ишлаб чиқилади.

“Реклама воситаларини ва усулларини яратиш”. Ишончли ва чиройли реклама - бу ҳар қандай корхона ёки ташкилот фаолиятининг энг муҳим томонларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли, ушбу бўлимчада, реклама яратувчи мутахассисларни ёллаш харажатларини, танланган ҳар бир реклама турлари бўйича сарфларнинг ҳажми ва умумий реклама харажатларининг ҳажми ҳисоб - китоблари акс эттирилади. Рекламанинг самарали бўлиши, корхонанинг мавқеини кўтариш учун, америкалик тадбиркорлар таъкидлаганидек, янги товар учун бозорда ўз мавқеини қўлга киритиш, харидор билан алоқани мукаммал бўлиши учун бутун ишлаб чиқаришга кетганчалик пул ва вақт сарфлаш зарур. Шу сабабли корхона фаолиятининг ютуғи, реклама қилинаётган маҳсулотлар ёки товарлар рекламаларининг ҳаққонийлиги, талабга мослигини тўғри ва аниқ тарзда тасвирлашни тақозо этади. Бу албатта муҳим аҳамиятга эга бўлиб, потенциал ҳаридорларда таклиф этилаётган товарлар ёки кўрсатилаётган хизматларнинг на фақат сифати, балки улар ёрдамида ҳаридор ўзининг

муаммоларини қандай қилиб ҳал эта олиши, эҳтиёжини қондира олиши ҳақида ҳам маълумот бериладиган, муваффақият қозонадиган, самарали рекламага эришилади.

“Жамоат фикрини шакллантириш” бўлимчаси товарларни реклама қилиш воситаларидан бири бўлиб, бунда матбуот, радио, телевидение муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун бу бўлимчада, мазкур соҳаларда берилаётган реклама турлари ва усулларига алоҳида эътибор берилиб, ҳар бир банд, реклама матнлари мутахассислар томонидан ишлаб чиқилади. Рекламанинг ҳар бир элементи алоҳида олинган ҳолда, ҳар бир тингловчига тушунарли, аниқ ва равшан тарзда, жозибали, қисқа ва мазмунли ифодалаб берилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

“Ишлаб чиқариш режаси” бўлимида, корхонада ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш ва бошқариш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ҳажми, хом ашё манбаларини танлаш, шартномалар тузиш жараёнини ташкил этиш, ишлаб чиқариш кооперациясини ва оқимининг ташкилий схемаларини тузиш масалалари ёритилади.

Ушбу бўлим қуйидаги бўлимчалардан ташкил топади:

“Ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажми” бўлимчасида, юқоридаги бўлимларда таъкидланган материалларни, яъни турли регионлардаги товарларга ва хизматларга бўлган талабни аниқлагач, кўрсатилаётган турли хилдаги сервис хизматлари режаларини тузиб бўлингандан сўнг, маҳсулотлар ёки товарлар тўғрисида жамоа фикрини шакллантириб бўлгач ҳамда чуқур таҳлил қилиб бўлингандан сўнг ишлаб чиқариш ҳажми режалаштирилади.

“Ишлаб чиқаришни бошқариш ва ташкил этиш структураси” бўлимчасида корхона ўз фаолият юритиш ҳолатидан, юзага келган вазият ва ўзининг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда бошқариш тизимларни ишлаб чиқади. Бу фаолият структураси корхона ишчи - ходимларининг хоҳиш ва истакларидан келиб чиққан ҳолда тузилади ва ишлаб чиқариш тизимларида ўз аксини топади.

“Кадрларни танлаш” бўлимчасида корхона фаолият кўрсатаётган регион, территорияда кадрлар масаласи қандай ҳал этилаётганлиги аниқлаб олинади. Шунингдек, ишчи кучи ёллаш бўйича агентликларнинг бор - йўқлиги, давлат бандлик фондларида

қайд этилаётган кадрларнинг ҳолати билан зимдан танишиб борилади.

Иш жойи (мавжуд ёки ташкил этиладиган) бўлимчасида олдинги бўлимларда кўриб чиқилган бизнес - режага асосланган ҳолда, унга мос равишда ташкил этилади. Иш жойларини ташкил этишда лизингдан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Лизинг - мол - мулкни уни ижарага бериш мақсадида сотиб олган қарз берувчидан ижарага олиш. Лизингнинг тезкор (қисқа муддатли) ва молиявий (узоқ муддатли) тури мавжуд. Молиявий лизинг узоқ муддат фойдаланиладиган молларни қарзга бериш шаклидир**.** Бундан ташқари, қайтарилувчи деб аталмиш лизинг учун шерик топиш усулидан фойдаланиш ҳам эътиборга лойиқдир.

Хом ашё манбаалари, шартнома шартлари бўлимчасида маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур хом ашё ресурсларини топиш, танлаш ва улар асосида қулай шартномаларни тузиш лозим. Бу шартномаларни корхона юристи (ёки ёлланган юрист) томонидан тасдиқлаш учун тавсия этилгандан сўнг, расмийлаштириш зарур.

Ишлаб чиқариш кооперацияси бўлимчасида, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни айрим турларини ишлаб чиқараётган бошқа корхоналар билан ўзаро ҳамкорликда иш олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Ҳамкорлик тайёр технологияларнинг лицензияларини сотиб олиш ёки патентни ижарага олиш вариантлари тарзида ҳам бўлиши мумкин.

Лицензия - хўжалик фаолиятининг баъзи турларини, шу жумладан, ташқи савдо - сотиқ ишларини олиб бориш учун ваколатли давлат органлари томонидан бериладиган рухсатнома**.**

Патент - хўжалик фаолиятини баъзи турлари бўйича авторлик ҳуқуқлари, кашфиётчилик ҳамда тадбиркорликнинг айрим соҳалари бўйича фаолият юргизишга ваколатли давлат органлари томонидан бериладиган рухсатнома.

“Ташкилий тузилиш” бўлимида, корхонада ишчи - ходимлар сонини аниқлаш, уларни мутахассисликлари бўйича жойлаштириш, иш ҳақи билан таъминлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирлари ишлаб чиқилади.

Бўлим қуйидаги бўлимчалардан иборат:

“Штат бўйича жалвал тузиш” бўлимчасининг фаолияти, ишлаб чиқариш соҳасини юрита оладиган, ҳисоб - китоб ишларини тўлиқ амалга оширадиган малакали мутахассисларни танлаб,

уларни иш билан таъминлашни йўлга қўйиш режасини пухта ишлаб чиқишдан иборат.

“Иш ҳақи даражаси” да эса, корхонага малакали ходимларни жалб этишда, аввало уларни иш ҳақлари билан тўлиқ ва мунтазам таъминлашни амалга оширишни йўлга қўймоқ зарур. Бу мутахассисни ишга бўлган қизиқишини орттиради. Корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти ёки тайёр маҳсулотларни сотиш давомида қийинчиликлар вужудга келиши кутилаётган пайтда, шунингдек, айланма маблағларга муҳтожлик сезиладиган пайтларда корхонани акционерлик жамиятига айлантириш орқали муаммони ҳал этиш тадбирларини ишлаб чиқмоқ мақсадга мувофиқдир.

“Юридик режа” бўлими корхонанинг хўжалик фаолиятини юритиш давомида унинг статусини ифодалаб бериш, фаолият даражасини аниқлаш масалаларини ҳал қилишга қаратилган.

Статус (инг.status) - ҳолат; корхона, ташкилотнинг ёки шахснинг ҳуқуқий ҳолати, вазиятининг ифодаланиши.

Корхона (фирма)нинг статуси қуйидаги тартибда белгиланиши мумкин. Агар кўзда тутилган маҳсулот ишлаб чиқариш оддий (кустар) усулда, кўп маблағ ва харажат талаб қилмайдиган бўлса албатта, бунда хусусий фирма статусини ёки индивидуал (якка тартибда) меҳнат фаолияти юритишни белгилаши мақсадга мувофиқдир. Агар ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун маблағ талаб қилинса, унда жавобгарлиги чегараланган жамият статусини белгилаш аҳамиятга моликдир. Агар ишлаб чиқариш доимо ривожланиб, такомиллашиб борса, капитал маблағларнинг ўсиши мунтазам равишда ошиб бориши кузатилса, натижада устав маблағларининг бундай ўсиб боришида корхонани очиқ усулдаги акционерлик жамиятига айлантириш мақсадга мувофиқ бўлади.

“Суғурта фаолияти” бўлимида, асосан корхонани турли хилдаги иқтисодий номувофиқликлардан (ҳолатлардан), табиий офатлардан ҳимоя қилиш мақсадлари учун махсус ажратмаларни ажратиш тартиби ишлаб чиқилади. Бўлим қуйидаги бўлимчалардан ташкил топади:

“Ишлаб чиқаришнинг таваккалчилик даражасини аниқлаш” бўлимчасида, ишлаб чиқариш давомида турли хилдаги иқтисодий қийинчиликларга дуч келиниш тасодифлари, инқироздан

ҳимояланиш чоралари олдиндан ҳисоб - китоб қилиниб, режалаштирилади.

"Суғурта турларини танлаш" бўлимчасида эса, юқорида таъкидланган таваккалчиликдан ҳимояланиш мақсадида корхона фаолиятига мос келувчи, мақсадга мувофиқ қулай суғурта тури белгилаб олинади. Унга ажратилаётган маблағлар доимо назорат қилиб борилади.

Бу бўлим икки қисмдан иборат, жумладан:

"Молиявий лойиҳа" бўлимида, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни кейинги йил учун кўзда тутилган ҳолатини аниқлаш, молиявий манбаларни белгилаш масалалари кўриб чиқилади.

Ушбу бўлим қуйидаги бўлимчалардан иборат: "Маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва сотиш бўйича истиқболдаги ҳажмини аниқлаш", 2 (2 бўлимча) ва 5 (1 бўлимча) бўлимларида кўрсатилган кўрсаткичларга асосланиб кейинги йил учун кўзда тутилган (режалар) ҳажми тузиб чиқилади.

"Молиялаштириш манбалари" бўлимчаси бизнес - режанинг энг асосий масалаларидан бири бўлиб, дастлаб фаолият бошловчи тадбиркор учун тижорат ёки бошқа банклардан олинаётган кредитлар ҳажми эҳтимолини аниқлаш, ундан фойдаланиш учун таваккалчиликка йўл қўймаслик омиллари ишлаб чиқилиши зарур. Шунга кўра, бошловчи тадбиркор учун давлат томонидан тадбиркорларни қўллаб - қувватлаш фондларидан ёки шунга ўхшаш махсус ташкил этилган жамғармалардан фойдаланиш мақсадга молик ва молиявий манбаларнинг муҳим қисми бўлиб ҳисобланади.

"Ресурслардан фойдаланиш йўналишлари" бўлими, корхонанинг ишлаб чиқариш харажатларини аниқлашга, уларни ҳисобга олишга, тушумлар харажатларни хиос - китоб қилиб боришга қаратилган.

Бўлим қуйидаги қисимларидан иборат:

"Ишлаб чиқариш бўйича харажатлар тўғрисидаги маълумотлар" бўлимчасида, ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича харажатлар ва даромадларнинг молиявий режасини тузиш муҳим аҳамиятга эгадир. Масалан, харажатларни 04 счет "Номоддий актив" га ўтказиш, ундан кейин эса уни 05 счет "Номоддий активларни эскириши" бўйича кўчириб ёзиш ҳисобдан

чиқариш (списание) орқали “Даромад (фойда)дан олинадиган солиқлар тўғрисида”ги Қонунда кўрсатилганидек, корхонанинг солиққа тортиладиган базасини камайтиришга эришиш мумкин.

“Тушумлар ва пул харажатлари баланси”да, пул харажатлари ва тушумлари мақсадга мувофиқ равишда, шахмат жадвали тарзида тузилиб, жадвалнинг горизонтали бўйича харажатлар, вертикалида эса корхонанинг даромадлари акс эттирилади.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида кўрсатилган тартибда тадбиркорлик бизнес - режасини мақсадга мувофиқ равишда тузиш иқтисодий самарадорликни оширишга, ишлаб чиқаришнинг мунтазамлигини таъминлашга ва корхонанинг молиявий мустаққиллигини кафолатлашга жиддий омил бўлиб ҳисобланади.

Таянч сўз ва иборалар. Назорат ва мулоҳаза учун саволлар

Кичик корхона, инвестиция, даромад, харажат, баланс, фойда, дисконт, дисконтлаш коэффициенти, дисконтланган даромад, фойдалилик коэффициенти, бизнес - режа, бизнес режанинг асосий бўлимлари: кириш ёки қисқача маълумотнома бўлими, товарнинг тавсифи, товар сотиладиган бозорни баҳолаш бўлими, товар сотиладиган бозордаги рақобатни башоратлаш бўлими, маркетинг режаси, ишлаб чиқариш режаси, бошқариш режаси, ҳуқуқий режа бўлими, фаолият соҳаларини суғурталаш, молиявий режа, ташқи иқтисодий фаолият режаси бўлимлари; таваккалчилик, хавф турлари, хатарлар, инфляция хавф хатарлари, таваккалчилик омили, кредит билан боғлиқ хавфлар, кредит операцияларни суғурта қилиш, акция турлари ва акция бозоридаги таваккалчиликлар, дивиденд сиёсатидаги таваккалчиликлар, лизинг операциялари таваккалчиликлари, лизинг операциялари, молиявий таваккалчиликлар.

Назорат ва мулоҳаза учун саволлар

1. Корхонани маблағ билан таъминлашнинг иқтисодий моҳияти нима ва уни сиз қандай тушунасиз?
2. Инвестиция нима?

3. Инвестиция қадрсизланишининг олдини олишнинг қандай оптимал вариантлари бўлиши мумкин?

4. Дисконт нима? Уни қандай вазиятларда қўллаш мумкин?

5. Дисконтлаш коэффициенти нима, у қандай ҳисобланади?

6. Фойдалилик коэффициенти нима, у қандай ҳисобланади?

7. Бозор иқтисодиёти давридаги режалаштиришнинг мақсади ва моҳияти нималардан иборат?

8. Бизнес - режа лойиҳаларини тузиш бўлимларининг структурасини изоҳлаб беринг.

9. Маркетинг режаси нима ва уни тузиш тартиби қандай?

10. Корхоналарни молиявий фаолиятини таҳлил қилишнинг меъёрий асослари нималардан иборат?

11. Корхоналарнинг молиявий фаолияти натижаларини ифодаловчи ялпи даромад, фойда, соф фойда ва кўрсаткичларини ҳисоблаш йўлларини ифодалаб, мисоллар ёрдамида тушунтириб беринг.

12. Корхона харажатлари: ишлаб чиқариш таннархи, камомадлари нималардан иборат?

13. Корхона фойда ва камомадларини ифодаловчи ҳисобот шакллари нималардан иборат?

14. Корхонанинг ўз маблағлари деганда нимани тушунасиз?

15. Корхонанинг ўз маблағлари қандай ҳисобланади?

16. Конвертация нима? Конвертациянинг шартномавий курси бўйича алмашинуви нимадан иборат?

17. Корхоналарнинг йиллик бухгалтерия ҳисоботлари қандай шакллардан ташкил топади?

18. Бизнесда таваккалчиликлар омили деганда нимани тушунасиз?

19. Бизнесдаги таваккалчиликлар, унинг функциялари ҳақида тушунча беринг.

20. Кредит таваккалчиликларининг қандай турларини биласиз?

21. Таваккалчиликларни суғурта қилиш қандай амалга оширилади?

22. Лизинг билан боғлиқ таваккалчиликни асосий турлари нимадан иборат?

23. Қимматли қоғозлар бозоридаги таваккалчиликлар ва уларни бошқариш қандай амалга оширилади?

24. Акцияларнинг қандай турларини биласиз?

25. Бизнес фаолиятида таваккалчиликларни баҳолашнинг аҳамияти нимада?

26. Таваккалчиликларнинг молиявий таҳлили қандай олиб борилади?

27. Таваккалчиликларни бошқариш қандай амалга оширилади?

VI боб. Кичик бизнесни молиялаштириш ва кредит билан таъминлаш ҳамда аудит муассасалари билан ўзаро муносабатлари

6.1. Кичик бизнесни ривожлантиришда банкларнинг роли

Бозор иқтисодиётига ўтилиши туфайли жамиятда янги молиявий сиёсат ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда. Жамиятдаги ҳар бир иқтисодий фаолиятнинг бошланиши давлатнинг яқиндан туриб берган молиявий ёрдами туфайли ривожланиб, такомиллашиб бориши мумкин. Жумладан, “Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида”ги 1995 йил 25 декабрда қабул қилинган қонунда кичик ва хусусий тадбиркорликни қўллаб - қувватлашда банкларнинг ролини ошириб боришга алоҳида эътибор берилган.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини асосий фаолияти банклар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, улар олиб бораётган фаолият хом ашёни сотиб олиш, ишлаб чиқарилган товарлар, кўрсатиладиган хизматларга ҳақ тўлаш, иш ҳақи билан ишловчиларни таъминлаш, турли тоифадаги корхоналар, фирмалар, юридик шахслар билан бўладиган иқтисодий муносабатлар, яъни олинган фойдадан, даромаддан солиқ тўлаш, транспорт, коммунал хизматлар учун тўловларнинг барча турлари, ўз навбатида, олинадиган кредитлар ҳам, бошқа ҳисоб - китоблар ҳам банклар орқали амалга оширилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз мустақилликка эришгунча банк ва банклар билан бўладиган турли иқтисодий муносабатлар унчалик ошкора этилмас эди. Жаҳон хўжалигини муҳим хўжалик юритиш қисми бўлган кичик ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини барча фаолияти банклар билан боғланганлиги бугунги кунда ҳаммага маълум бўлиб колди. Шунинг учун ҳам ривожланган мамлакатларда, масалан, АҚШда банк тизими фаолияти ниҳоятда ривожланган бўлиб, тадбиркорларни фаол иқтисодий фаолият кўрсатишида банклар барча мулк шаклидаги корхоналарга комплекс равишда хизмат кўрсатади.

Умуман, банк операциялари пассив ва актив операциялардан иборат бўлиб, пассив операциялар пул маблағларини маълум бирор йўналишига сафарбар этишга қаратилган. Банклар пассив операциялари орқали жамғармаларни ва вақтинчалик бўш турган маблағларни ишлаб чиқаришга сафарбар этиб, фойда олади. Актив операциялар турли ҳарактердаги кредитларни бериш операциялари билан боғлиқ бўлиб, қуйидаги элементлар бўйича туркумланади:

1. Муддатлари бўйича кредитлар 1 йиллик, 5 йиллик ва 7 - 10 йилга мўлжалланган бўлиши;
2. Кредитларни ҳажми бўйича кичик, ўрта, йирик миқдорда, ҳар бир мижозга индивидуал ва молиявий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади;
3. Айрим турлари бўйича махсус кафолатни талаб қилмайдиган, гаров эвазига берилмайдиган кредитлар;
4. Кредиторларни турлари бўйича, яъни давлат, тижорат, хусусий ва бошқа турлари бўйича бериш;
5. Заёмни турлари бўйича юридик шахслар ва ҳакозаларга бериш;
6. Вақтинчалик фойдаланиш учун инвестиция, истеъмол учун, қарзларни тўлаш асосан, экспорт ва импорт операцияларини бажариш учун бериладиган кредитлар.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида мулк эгалигининг кичик ва хусусий тадбиркорлик шакли корхоналари ўз фаолиятида турли банклар билан муомалада бўладилар. Бу жараён, аввало, олдингиларидан фарқ қилган ҳолда анча мураккаб ҳисобланади, чунки олдинги жараёнлар асосан, корхоналар орқали банк ўз фаолиятини олиб борганлиги билан ҳарактерланади. Тадбиркорлик фаолияти шаклланиши туфайли банклар хусусий мулк эгалари ва кичик корхоналар фаолияти билан боғлиқ операцияларни бажаришга ўз имкониятларини сафарбар этадилар.

Турли мулкчилик шароитида республикада кичик ва хусусий тадбиркорликни қўллаб - қувватлаш тўғрисидаги 1995 йил 14 февралдаги Вазирлар Маҳкамасининг 55 - сонли Қарорида Ўзбекистон ҳудудидаги барча тадбиркор банкларни кичик ва хусусий тадбиркорларга, ҳисоб рақамларини 3 кун ичида уларни аризалари ва ҳокимиятда рўйхатга олинганликлари тўғрисидаги гувоҳнамалари асосида, бошқа ҳужжатларни талаб қилмай,

очишлари тўғрисида кўрсатма берилган. Бу Қарор туфайли республикада минглаб кичик ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини барпо этилишига имконият яратилиб, бу соҳадаги корхоналар сони кундан - кунга кўпайиб бормоқда. Шу билан бирга, кичик ва хусусий тадбиркорлар хорижлик мулк эгалари, тадбиркорлар билан ҳамкорликда фаолият олиб борадиган бўлса, давлат валюта операциялари олиб боришга рухсат берди. Республика банклари билан тадбиркорлар ўртасида бўладиган шартномалар, товарлар савдоси, хизматлар бўйича бўладиган тўловларни эркин конвертациялаштирилган валютада амалга ошириш мумкин.

Тадбиркорларни банклар билан бўладиган операцияларида турли эркинликлар бериб қўйилганлиги шунда намоён бўлмоқдаки, хусусий тадбиркор ўз жамғармасини Ўзбекистоннинг турли банкларида, ўз ҳисоб рақамида сақлаши, кредит ва касса операцияларини бажариш ҳуқуқига эга ҳисобланади. Банклар билан тадбиркорлар ўртасидаги муносабатларда амал қилаётган қонунларга ва шартномаларга асосан пул ўтказиш йўли билан ҳисоб - китоблар олиб бориш мумкин. Банклар тадбиркор ҳисоб рақамида пул маблағлари, қимматли қоғозлар ва бошқа муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжатларни сақлашини кафолатлайди. Банклар тадбиркорлар ва мижозлар билан бўладиган операцияларда пул эгаси томонидан топшириқ қоғози банкка келиб тушиши билан 12 - 13 соат давомида кейинги операцияларни бажариши зарур.

Мулк эгалари ҳисобига пул ўтказиш шаҳар ичида 4 иш кунида, вилоят ичида 5 иш кунида, республика ичида 10 иш кунида бажарилиши лозим. Агар бу қонун шартлари бузилса, мижозга йиллик фоиз миқдорида банк жарима тўлайди. Банк мижозларнинг аризасига биноан, уларга тегишли операцияларни бажаради. Банклар тадбиркорларни Республика Марказий банки томонидан киритилган қоидалар, айниқса ҳисоблар бўйича нақд пулсиз тарздаги операциялар бўйича ўзгаришлар тўғрисида тадбиркорни хабардор қиладилар. Ўз навбатида, кечикиб ўтказган операциялари, пулни нотўғри ўтказишгани учун банк айбдор сифатида ҳар бир кун учун мижозга ўтказилаётган суммани 3 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Банкнинг айби билан ҳисоб ҳужжатлари йўқолса, мижозга ҳужжатда кўрсатилган суммани ҳар бир куни учун 3 фоиз миқдорда банк жарима тўлайди. Тадбиркор томонидан банкка

нотўғри маълумот берилган бўлса (масалан, пул ўтказиш бўйича мижознинг манзили нотўғри кўрсатилган бўлса) мижозлар маълум миқдорда жарима тўлайди, агар шу ҳол яна такрорланса, хизмат кўрсатиши фаолият юргизиш тўхтатилади.

Тадбиркорлар билан банк ўртасидаги кредит бериш бўйича бўладиган операциялар икки томон ўртасида имзоланган шартнома асосида амалга оширилади. Операцияларни муваффақиятли бажариш учун ҳар бир тадбиркор "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Республика қонунларини чуқур ўрганиб, унга риоя қилиши лозим.

Бозор иқтисодиётида тадбиркорлик корхоналарининг ҳаёти ва иқтисодий фаолияти валюта операциялари билан боғлиқлиги маълум. Тадбиркорлик корхоналарининг ташқи иқтисодий фаолиятини амалга оширишда миллий валюта ҳамда хориж валютасида операциялар бажаришга тўғри келмоқда. Айниқса ташқи савдо бевосита валюта операциялари билан боғлиқ.

Валюта операциялари валюта курси бўйича икки томон валютаси нисбати солиштирилиб, амалга оширилади. Халқаро майдонда АҚШ доллари валюта котировкасида база сифатида қабул қилинган. Бошқа мамлакатлар валютаси курс бўйича АҚШ долларига солиштирилиб борилади. Доллар курси доимо ўзгариб туради. Шунинг учун банклар банкнинг фаолият бошлаши вақтидаги ёки ёпилиши вақтидаги курслар бўйича ҳисоб - китоб ишларини олиб боради. Валюта курсини ўзгариб бориши ҳақида ҳар ҳафтада матбуотда жадвал бериб борилади. Бу ахборот тадбиркорларни иқтисодий фаолиятида муҳим ҳисобланади. Валюта операцияларида асосий ўринни кредит, қимматли қоғозлар, валютани фойда олиш мақсадида сотиб олиш ва сотиш кабилар эгаллайди. Хўжалик юритиш жараёнида ҳозирги кичик ва хусусий мулк эгалари валюта ҳисоб - китоб рақамига эга бўлиш ҳуқуқини олиб, эркин тарзда валютани сотиб олишлари ҳам мумкин. Тадбиркорлар хориж фирмалари ва тадбиркорлари билан савдо қилишлари натижасида валютани эркин сотиб олиш ҳуқуқига ҳам эгадирлар.

Умуман, бозор иқтисодиёти жаҳондаги йирик ривожланган мамлакатларни муомаладаги валюталарини мамлакат ички бозорида ҳаракат қилиши учун ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради. Тадбиркорлар валюта билан боғлиқ бўлган фаолиятларидан

самарали фойдаланиб, хориж валютасига янги техника ва замонавий технология ҳарид қилиб, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарида хизмат сифатини оширишга, ишлаб чиқариш соҳасида сифатли товарлар ишлаб чиқариб, унинг реализациясидан катта фойда олиш имкониятларига эга бўладилар.

6.2. Кичик бизнесни кредит билан таъминлаш шакллари

Кичик бизнеснинг ишбилармонлик таркибларини кредит билан таъминлаш - бу уларга молиявий пул ёки товар шаклидаги воситаларни маълум муддатга хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун беришдир. Кредит билан таъминлашни қуйидаги турлари мавжуд:

- **Хўжалик** юритувчи субъектларга пул ссудаларини ёки товарни капитал ўрнида тўғридан - тўғри бериш шакли.
- **Ҳисоб-китоб** турларидан бири сифатида кредит билан таъминлаш, яъни тўлов муддати узайтирилганлиги ҳисоби билан.

Бу ерда "кредит" тушунчаси кенг маънога эга. Биринчидан: Кредит тўлаш ва фоиз тўлаш шарти билан ссуда кўринишида пул ёки товар шаклида бўлиши мумкин. Юридик ёки жисмоний шахслар қарзга восита берувчилар - кредиторлар, олувчилар - заёмчилар (қарздорлар) деб аталади. Кредитнинг асосий вазифаси пул воситаларини қайтариб бериш шарти билан корхоналар, ташкилотлар, тармоқлар ва туманлар орасида тақсимлаш ва вақтинча бўш пул маблағларини самарали ишлатишидан иборат. Кредитнинг яна бир вазифаси ҳақиқий пулларни кредит пулларга (банкноталар) ва кредит операцияларига (нақд пулсиз ҳисоб - китобга) алмаштиришдан иборат. Иккинчидан: кредит ўзини ссуда капитали ҳаракати шаклида намоён этади. Пул ёки товар шаклидаги ссуда қайтарилади ва тўлов шарти билан кредитор ва заёмчи орасидаги иқтисодий муносабатни акс эттиради. Кичик бизнесда кредит билан таъминлаш кенг шаклларда тасаввур этилади. Бу ерда: тижорат, банк, давлат, истеъмолчи, халқаро кредитлар ишлатилади. Уларнинг ҳаммаси кредит берилиш муддатига қараб, қисқа муддатли (бир йилгача), ўрта муддатли (бир йилдан уч йилгача) ва узоқ муддатли (уч йилдан ортиқ) бўлиши мумкин.

Тижорат кредити - товар шаклида (берилувчи) сотувчилар томонидан ҳаридорларга бериладиган кредит бўлиб, сотилган товарнинг қийматини кейинроққа суришдан иборат. Натижада ҳисоб - китоблар вексель ёки очиқ ҳисоб билан амалга оширилади. Биринчи ҳолатда ҳаридор товар ҳужжатларини олганидан сўнг, ўтказилиши сотувчи томонидан қўйилган векселни (траттани) ифодалайди ёки оддий вексель расмийлаштирилади. Иккинчи ҳолатда сотувчи ҳаридорнинг қарз мажбуриятларини олмайди ва қарз бўйича ҳисоб очади, қарзни узиш даврий тўловлар сифатида қисқа муддатларда (1 - 2 ой) амалга оширилади.

Тижорат кредитига бўлган зарурат капитални ишлатиш ва муомала вақтини бир - бирига тўғри келмаслиги натижасида келиб чиқади. Бу ерда товарни кредитга сотиш ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигига ёрдамлашади, капитални айланишини тезлашишини ва фойдани кўпайишини таъминлайди. Ушбу шаклдаги кредит, одатда, қисқа муддатли бўлади.

Банк кредити ишбилармонларга ва корхоналарга пул ссудаси кўринишида берилади.

Банк ссудаси - бу корхона ташкилотлари, алоҳида фуқороларнинг вақтинча бўш воситалари бўлиб, банк томонидан шартнома асосида, уларнинг розилиги билан жалб қилинади ва бундай ссуда фонди ташкил этилади. Кредит олиш учун кредит олувчи ва заемчи томонидан кредит шартномаси тузилади, у ўз ичига қуйидагиларни олади. Кредит тури, миқдори, унинг берилиш тартиби ва муддати, кредит бериш шарти, фоиз тўловининг миқдори, ҳар иккала томон жавобгарлиги, кредитор ва заёмчилар тўғрисидаги маълумотлар.

Кичик бизнес тараққиёти учун Давлат кредити давлат бюджетидан энг муҳими, замонавий ишбилармонлик лойиҳаларини амалга ошириш бўйича тасдиқланган дастурлар асосида берилади.

Истеъмолчи кредит: бу кредит шаклида қарз олувчи сифатида юридик шахс, қарз берувчи сифатида кредит идораси, корхона ва ташкилот чиқиши мумкин. Бу кредит шакли халқни истеъмол талабини қондириш воситаси сифатида хизмат қилади ва пул ёки товар шаклида бўлиши мумкин.

Халқаро кредит - бу халқаро иқтисодий муносабатлар соҳаси бўлиб, у турли давлатлар кредиторлари ва қарз олувчилари орасида ссуда бериш, ишлатиш ва уни узиш бўйича фоиз тўлаш билан

амалга оширилади. Бу турдаги кредит кичик бизнесни тараққий топтириши учун давлатлараро банклар ва фирмалар томонидан халқаро ёрдам шаклида берилади. Халқаро кредит ўлчами ва уни бериш шарти кредит берувчи ва олувчилар ўртасидаги кредит шартномасида ўз аксини топади. Фирманинг нуқтаи назарида кредитлар бериш ва таъминлаш қуйидаги кўринишда бўлиши мумкин: Товар, валюта билан таъминланган (товар, тижорат ҳужжатлари билан ва бошқа қийматлар билан) ва таъминланмаган (банк) кредитлари, қарз олувчилари бўйича кредитлар шахсий, давлат ва молиявий бўлиши мумкин. Кредитнинг асосий шартли ҳисоб - китоб тури (тўлаш муддати узайтирилган ҳисоб) фирма кредити, вексель (ҳисобли) ва факторингни ҳисобланади.

Фирма кредитида - мол берувчи ва сотувчи тўлаш муддати узайтирилган кредитни ҳаридорга беради. Бу каби кредит шакллининг бирдан - бир мақсади маҳсулотни истеъмолчига аванс сифатида беришдир, аванс шартномага қўл қўйилгандан сўнг, ўтказилади. Вексель кредити - бу векселни банк томонидан сотиб олиш - вексель эгасидан тўлаш муддати келмасдан, сотиб олишдир, яъни вексел эгаси банкдан муддатидан илгари векселда кўрсатилган пул миқдорини, тижорат тўловларини, ҳисоб тўловини ва бошқа харажатларни айиргандан кейингисини олади.

Факторинг - бу айланувчи воситаларни кредит билан таъминлашда ўртада турувчининг (воситачи) фаолияти туридир, ўртада турувчи компания (банк) маълум тўлов эвазига ишбилармонлар таркибидан ҳаридорлардан унинг ҳисобига олинадиган пул маблағини олиш ҳуқуқига эга бўлади (дебиторлик қарзини инкассага қўшиш ҳуқуқи). Шу билан бирга, ўртада турувчи мижозни айланувчи воситасини кредит билан таъминлайди ва унинг кредит ва валюта таваккалчилигини ўз зиммасига олади, ўртада турувчи товар сотувчининг ўзаро муносабатлари факторинг бўйича шартнома билан тартибга солинади.

Очиқ ҳисоб бўйича кредит билан таъминлаш - бу сотувчини доимий ҳаридорига таъминлатмасдан ва тез фоиз тўламасдан тўлов муддати узайтирилган шаклдаги кредитидир. Сотувчи ҳаридорга товарни унинг манзилига товар тақсимлаш ҳужжатлари билан бирга қарз миқдорини шартномада белгиланган муддатларда, ўз қарзини очиқ ҳисоб бўйича узиб боради.

Овердрафт - қисқа муддатли кредитлаш шакли бўлиб, банклар амалиётида ишлатилади. У Англияда пайдо бўлган. Овердафтнинг мазмуни шундан иборатки, одатда банкнинг ишончли мижозига маълум чегарада чеклар билан қарз тўлаш ҳуқуқи берилади. Бу каби операция натижасида манфий баланс, яъни дебиторлик сальдоси - (мижозини банкга қарзи) пайдо бўлади. Банк ва мижоз ўзаро шартнома тузиб, унда овердрафтнинг энг катта миқдори, кредит бериш шарти, уни қайтариш тартиби ва овердрафт учун фоиз миқдори белгиланади.

6.3. Кичик бизнес корхоналарида солиқ муносабатлари

Турли мулкчилик шаклларидан қатъий назар, корхоналар Ўзбекистон Республикасининг “Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида”ги қонун ва Вазирлар Маҳкамасининг “Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни рағбатлантириш мақсадида солиқ тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарорларига мувофиқ, давлат ва маҳаллий бюджетларга тўланадиган солиқлар тарзидаги даромадлар манбалари белгилаб берилган. Бу солиқларни жорий этишдан кўзланган мақсад, давлат ижтимоий кафолатларининг тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишдан, табиий бойликлардан тежаб - тергаб фойдаланиш ва атроф - муҳитни муҳофаза этишни рағбатлантиришдан иборат.

Солиққа тортиш объекти, корхонанинг **даромади (фойда)** ҳисобланади.

Солиққа тортиш базаси солиқ тўловчи деб ҳисобланган корхоналарга солиққа тортиш мақсадларида моддий ва унга тенглаштирилган ўзга харажатлар, шунингдек, мажбурий тўловлар ҳисобланади.

Тадбиркор корхоналардан ҳисоблаб чиқилган солиққа тортиш базасига мувофиқ солиқ ставкалари қуйидаги тарзда белгиланади :

1) мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналарнинг даромад (фойда)лари солиқ фоиз ставкаси бўйича солиққа тортилади;

2) видеосалонлар, кимошди савдолари, казинолар, пул ютуғи чиқадиган автомат ўйинлари, давлатга қарашли бўлмаган

идоралар ўтказадиган лотерея ўйинларидан ва оммавий концерт- томоша тадбирлари ўтказишдан олинадиган даромадлар 60 фоиз ставка бўйича солиққа тортилади;

3) чет эл капиталининг улуши устав фондининг 30 фоизидан камни ташкил этган қўшма корхоналарнинг даромадларига устав фондида чет эл капиталининг улуши 30 фоиздан кўп бўлган корхоналарнинг, шунингдек, чет эл корхоналарининг, уларнинг филиалларининг, ваколатхоналарининг ва шўъба корхоналарининг даромадларига эса 10 фоиз ставка бўйича солиқ солинади;

Устав фондида чет эл капитали бўлган қўшма корхоналар хорижий қатнашчиларининг даромадлари чет элга ўтказилаётганда, башарти, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида ўзга тартиб белгиланмаган бўлса, уларга 15 фоиз ҳажмда солиқ солиниши белгиланган.

Даромадлар чет элга ўтказилаётганда солиқ тўловининг суммаси ўтказилаётган даромад валютасида тўланади.

4) корхонанинг акциялар бўйича олинган дивидендларидан тушадиган даромадига ҳамда ўзга корхоналарнинг устав фондига киритилган капиталдан олинган бошқа даромадларига 15 фоиз ставка бўйича солиққа тортиш тартиблари белгиланган.

5) савдо корхоналарининг даромадлилик даражасига кўра ялпи даромаддан табақалаштирилган ставкалар бўйича солиқ Вазирлар Маҳкамасининг “Савдо корхоналари ва ташкилотларини солиққа тортишдаги айрим ўзгаришлар тўғрисида”ги Қарорида (1994 йил 16 март, 138 - сонли) кўрсатилган 6.1 - жадвалга мувофиқ жорий этиш тадбирлари белгиланган ва амалда қўлланилмоқда.

6) қишлоқ хўжалиги билан машғул деҳқон-фермер хўжаликларининг фойдасидан олинадиган солиқ тўловларининг ставкалари уларнинг рентабеллик даражасига узвий боғлиқ равишда белгиланади. Хўжаликнинг рентабеллик даражаси 25 фоизгача бўлса 3 фоизга, 25 фоиз ва ундан ортиқ бўлса 20 фоиз солиқ ставкалари олинади.

6.1-жадвал

Мулкчилик шаклидан қатий назар савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг ялпи даромадларига

табақалаштирилган солиқ ставкалари

Даромадлилик даражаси	Савдо корхоналарини даромадлилик даражаси (ялпи даромадларнинг товар оборотига нисбати)			Савдо корхоналари бўйича ялпи даромадга солиқ ставкалари, фоиз ҳисобида, жойлашган ўрнига қараб		
	улгуржи савдо	чакана савдо	умумий овқатланиш	шаҳар жойларида	қишлоқ жойларида	олис ва тоғли туманларда
Кам бўлганда	17	16	39	17	16	14
Ортиқ бўлганда	17	16	39	50*	50*	50*

* изоҳ: ставка даромадлиликнинг белгиланган даражаларидан ортиқ бўлган даромадларга нисбатан қўлланилади.

Республика ҳудудида ишлаб чиқарилаётган айрим акцизли маҳсулотларга акциз солиғи қуйидаги тартибда қўлланилади:

6.2. -жадвал

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқарилаётган акцизли товарлар бўйича акциз ставкаларининг миқдори

Товарларнинг номи	Акцизларни ҳисобга олган ҳолда сотиш бўйича товар қийматидаги акцизлар ставкаси, фоизларда (%)
Ароқ	65
Узум виноси	30
Шампан виноси	25
Коньяк	50
Вино материаллари*	20
Пиво	20
Завод ичидаги оборотдаги спирт билан бирга озиқ - овқат спирти	20
Фильтрли сигаретлар	40
Фильтрсиз сигаретлар, папиroслар	25

Гиламлар ва машинада ишланган гилам маҳсулотлари (майдалаб (бахялаб) тўқилган миллий гилам буюмлари, ип - газлама буюмлари ва тафтинг гимламларидан ташқари)	5
Заргарлик буюмлари	10
Кумушдан ясалган ошхона асбоб - анжомлари	10
Нефть маҳсулотлари:	
- автомобиль бензини А-72, А-76	38,3
- бензин А-92	28
- дизель ёқилғиси	34,8
Табиий газ	53,7
Нефть ва газ конденсати:	
Ўзнефтгазқазиболиш ДХЖ, Мубораксгаз ГПУ учун	55,4
Қаршинефть НПУ, Шўртангаз ГПУ учун	53,8
Ўсимлик (пахта) ёғи	46
“Восточное” ёғи	22

Изоҳ: * Тайёр вино ишлаб чиқариш учун республика ичкарисидаги истеъмолчиларга вино материаллари етказиб бериш акциз солиғига тортилмайди.

Акциз товарни акциз солиғи суммасини ва сотиш нархини аниқлашга доир қуйидаги мисолни келтирамиз (рақамлар шартли): (маҳсулот бирлигига)

1. Корхонанинг улгуржи нархи 40-00
2. Сотиш нархига акциз солиғи ставкаси (%) 50
3. Сотиш нархи (акцизни ҳисобга олганда), сўмларда:

$$\frac{\text{1 қатор x 100}}{\text{100 - 2 қатор}} = \frac{4000}{50} = 80\text{-}00$$

4. Акциз солиғи суммаси, сўмларда (3 қатор - 1 қатор), ёки:

$$\frac{\text{3 қатор x 2 қатор}}{100} = 40\text{-}00$$

Изох: корхонанинг улгуржи нархи тўловчи томонидан мустақил равишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 27 январь 1995 йилда тасдиқланган 9 - сонли “Молиявий натижаларни шаклланиш тартиби ва маҳсулот (иш, хизмат) таннархига киритиладиган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича харажатлар таркиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ, қилинган барча харажатларни ўзида акс эттирган ҳолда аниқланади.

Корхона сотиш нархига акциз суммалари ҳам киради ва у қуйидагича аниқланади:

$$\text{Курсив сотиш (чиқариш) нархи} = \frac{\text{улгуржи нарх} \times 100}{100 - \text{акциз ставкаси}}$$

Бюджетга ўтказиладиган акцизлар суммаси қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\text{акциз суммаси} = \frac{\text{Сотиш нархи} \times \text{акциз ставкаси Курсив}}{100}$$

Акциз солиқ тўловлари бўйича қуйидаги имтиёзлар белгиланган.

Акциз солиқлари бекор қилинган товарлар гуруҳига:

- мебель комплектларига;
- биллур маҳсулотлар;
- чиннидан тайёрланган сервизлар ва комплектлар;
- холодильниклар, телевизорлар, термослар;
- 1,5 литрли ПТФ бутилкалардаги алкоголсиз ичимликлар;
- спирт настойкалари ва экстарктлари киради.

Шунингдек, ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни чет элларга етказиб берилганда, Қизил Яримой жамиятининг корхоналари ва ташкилотлари ишлаб чиқарадиган маҳсулотларга (бу маблағлар Жамият устав эҳтиёжларига ишлатилиши шарти) билан акциз солиғи солинмайди.

Нефть ва газ конденсатларига, гилам ва гилам маҳсулотларига, пахта ёғига қўшимча дивидендлар ажратиш ҳисобидан дифференциаллашган (табақалашган) акциз ставкалари белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамаси томонидан кўрсатилган ҳолда татбиқ этилади.

Қуйидаги ҳолларда акциз солиғи солинмайди:

- ўзи ишлаб чиқарган акцизли товарларни экспортга етказиб бериш; Мустақил Ҳамдўстлик Давлатлари қатнашчилари бўлган давлатларга етказиб берилаётган (олиб кетилаётган) акцизли товарлар бунга кирмайди;

- тайёр вино ишлаб чиқариш учун республика ичкарисидаги истеъмолчиларга вино материаллари етказиб бериш;

- Мустақил Ҳамдўстлик Давлатлари қатнашчилари бўлган давлатлар билан бирга, экспортга ва саноат қайта ишловига ўсимлик (пахта) ёғи етказиб бериш.

Изоҳ: 1. Республика ичкарисида савдо ва бошқа ташкилотларининг (юқорида кўрсатилган ҳоллардан ташқари) реализация қилинадиган вино материалларига акциз солиғи қўлланилади.

2. Ўсимлик (пахта) ёғига ва истеъмол идишида қадоқланган, тозаланган пахта ёғига акциз солиғи қадоқлаш бўйича харажатларни ҳисобга олмасдан, улгуржи нархдан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади.

Солиқ суммасини аниқлашда ва уни тўлашда акцизларнинг суммаси солиқ тўловчи сотган товарлар рўйхати ва ҳажми ҳамда ана шу товарлар юзасидан белгиланган акциз ставкаларига қараб мустақил ҳолда белгиланади.

6.4. Кичик бизнес корхоналарида аудит ва аудиторлик тафтишини ўтказиш

Тадбиркорларни иқтисодий фаолият юритишларида, молиявий ва бухгалтерия ҳисоб - китобларини тўғри амалга оширишларида аудиторлик фирмалари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Аудиторлик фирмалари бозор инфратузилмасининг энг муҳим унсурларидан биридир. Улар мулкдорлар ва давлатнинг мулкий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида мустақил молиявий назоратни амалга оширади.

Ўзбекистонда аудит Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонуни асосида амалга оширилади.

Аудит - хўжалик юритувчи субъектларни мустақил экспертиза ва молиявий ҳисоботини таҳлил этувчи ташкилотдир,

таҳлилни унга вакил қилинган шахслар - аудиторлар (аудиторлик фирмалари) бажаради.

Аудитнинг асосий мақсади - молиявий ва хўжалик операцияларининг тўғрилигини ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва бошқа меъёрий ҳужжатларига мослигини аниқлашдан, уларнинг тўла - тўкислиги, аниқ - равшанлиги, бухгалтер ҳисоби ёки бошқа молиявий ҳисоб юритишга қўйилаётган талабларга қанча мослигини аниқлашдан иборат. Аудит таркибига яна консалтинг, яъни мижоз билан шартнома тузиб, хизматлар кўрастиш ҳам киради.

Аудитролик фаолияти хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти устидан махсус ваколат олган давлат идораларининг назорати ўрнини босмайди.

Аудитнинг асосий “ҳаракатланувчи шахси” аудитор ва аудиторлик фирмасидир.

Аудитор белгиланган тартибда аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини олган ҳамда аудиторлик касби рўйхатига киритилган мутахассисдир.

Аудиторлик фирмаси - юридик ва жисмоний шахс томонидан тузилиб, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган, Уставига кўра ушбу фирмага аудиторлик хизмати кўрсатиш билан шуғулланадиган ташкилот.

Аудиторлик фирмалари кичик корхоналар, масъулияти чекланган жамиятлар ва бошқа корхоналарнинг ташкилий ҳуқуқий шаклларида очилиши мумкин, очиқ турдаги акциядорлик жамиятлари бундан мустасно.

Қуйидагиларга аудиторлик текширувини ўтказиш тақиқланади:

- текширилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари билан яқин қариндош бўлган шахсга;
- текширилаётган хўжалик юритувчи субъектда шахсий мулкий манфаатлари бўлган шахсга;
- хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарларига, муассасаларига ёки мулкдорларига;
- текширилаётган хўжалик юритувчи субъект ёки унинг филиаллари ходимига; - давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларининг мансабдор шахсларига;

- кредиторлар, инвесторлар ва бошқа манфаатдор шахсларга.

Аудиторлар ва аудиторлик фирмалари давлат рўйхатидан ўтиб, лицензия олганларидан кейин фаолият бошлайди.

Аудиторлар ва аудиторлик фирмалари қонунда белгилаб қўйилган тартибда Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлигида Давлат рўйхатидан ўтади.

Аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи учун лицензия давлат рўйхатидан ўтгандан кейин берилади. Уларни бериш тартибини Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси белгилайди. Аудиторлар (аудиторлик фирмаси) қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоботини аудит қилиш ва тузилган шартномага биноан консалтинг хизмати кўрсатиш;
- Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти ҳақида”ги мазкур қонун, бошқа қонуний ва меъёрий ҳужжатлар талабларига биноан текширувнинг шакл ва усулларини мустақил белгилаш;
- текширилаётган объектда ва учинчи шахслар қўлида бўлган, текширилаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкий ҳолати ва фаолиятига дахлдор ҳужжатлар билан танишиш имконияти бор;
- ўтказилаётган текшириш ёки кўрсатилаётган аудиторлик хизмати муносабати билан текширилаётган хўжалик юритувчи субъект раҳбарларидан ва бошқа ходимларидан, шунингдек, учинчи шахслардан оғзаки ёки ёзма тарзда зарур изоҳлар олиш;
- лицензиядан маҳрум этиш ҳақида қарор қабул қилинганида судга ариза билан мурожаат қилиш. Аудитор (аудиторлар фирмаси)нинг бурчлари: - аудитор текширувини сифатли, мукаммал ўтказиш, текширувлар ўтказиш билан алоқадор бошқа аудиторлик хизмати кўрсатиш;
- текширилаётган хўжалик юритувчи субъект раҳбариятига текширув вақтида аниқланган қонунчиликнинг бузилиши ҳоллари ва бухгалтерия ҳисоби юритиш ҳамда молиявий ҳисоботни тузишга қўйилган талабларнинг бузилиши далиллари ҳақида маълумот бериш;
- ўз вазифаларини бажариш чоғида сир сақлаш.

Мижозга зарар етказадиган маълумотлар фақат суднинг талаби билан ошкор қилиниши мумкин;

- узрли сабаблар бўлмаса, ўз фаолиятини тўхтатмаслик, уни охирига етказиш ва хулоса чиқариш;

- зарур бўлиб қолган ҳолларда текширув натижаларини маълум қилиш учун мулкдорлар (акциядорлар) умумий йиғилишини чақиришни талаб қилиш;

- мабодо, иши ва хулосаларида холис ва объектив бўлишнинг имкони бўлмай қолса, ўз фаолиятини давом эттиришдан бош тортиш (тўхтатиш).

Аудитор мижоз билан шартнома тузган аудиторлик фирмаси хўжалик юритувчи субъект мулкдорлари билан келишилган ҳолда тайинланади.

Хўжалик юритувчи субъект мулкдорлари қарори билан ёки аудитор тайинлаган юридик шахснинг қарорига кўра, аудитор чақириб олиниши мумкин, аудитор бу ҳақда барвақт ёзма тарзда, унинг хизматидан воз кечиш сабабларини кўрсатиб, хабардор қилинади.

Текширув вақтида ёки буюртмага кўра, бошқа ишлар қилинаётганда хизматдан воз кечилса, хўжалик юритувчи мулкдор аудитор хизматига ҳақ тўлаши шарт.

Суриштирув органи, прокурор, терговчи ва суд топшириғи билан аудиторлик текшируви ўтказилса, харажатлар текширилаётган хўжалик субъекти зиммасига тушади, унинг қўлида етарли маблағ бўлмаса, текширувни тайинлаган орган зиммасига тушади.

Мабодо, хўжалик юритувчи субъект қўлида зарур маблағ бўлмаса-ю текширув харажатларини тўлашдан бўйин товласа, прокурор аудитор ёки аудиторлик фирмасининг мулкий манфаатларини ҳимоя қилиб, тегишли судга мурожаат қилиши шарт.

Хўжалик юритиш субъектининг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари аудиторнинг талаби билан қуйидагиларни бажариши шарт:

- молиявий - хўжалик фаолиятига дахлдор ҳужжатларни бериш; - оғзаки ёки ёзма тарзда зарур изоҳлар бериш;

- текширилаётган объектнинг молиявий - хўжалик фаолиятини сифатли экспертиза қилиш учун бошқа зарур шарт - шароитларни яратиш.

“Аудиторлик фаолияти ҳақидаги” қонун ва бошқа қонун ҳужжатларининг қоидаларини аудиторлик текшируви вақтида бузганлик учун аудитор ва аудиторлик фирмаси қуйидагича жавобгар бўлади:

* Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига биноан мулкий ва маъмурий жавобгарлик;

*Лицензия ҳуқуқини тўхтатиб қўйиш ёки аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган лицензиядан маҳрум этишгача (лицензия берган орган қарорига мувофиқ) бўлган интизомий жазолар бериш.

Аудитор фаолиятини тартибга солиб туриш учун қонунчиликда аудиторлар палатасини очиш назарда тутилган.

Ўзбекистондаги аксарият аудиторлик фирмаларини аудиторлар ўзлари ташаббускор бўлиб тузган, аммо мустақил аудит ўтказиш учун уларнинг сони етарли эмас. Бу муаммони ҳал этиш учун Давлат мулки қўмитаси ташаббуси билан 1996 йилнинг май ойида қимматли қоғозлар бозори қатнашчиларига маслахат - аудиторлик ва ахборот хизмати кўрсатиш учун махсус агентлик - “Консаудитинформ” ташкил этилди.

Тез орада барча корхоналар иш юритадиган бозор иқтисодиёти шарт - шароитлари фавқулодда қаттиқ ва мамлакат ичидаги ҳамда шунингдек, чет эл рақобатчи корхоналар мавжуд бўлган бир пайтда самарали, фойдали фаолият йўллари ва воситаларини тўғри белгилаш қобилиятининг аҳамияти ошади. Бу аудиторларга қўшимча вазифалар юклайди. Улар корхоналарнинг молиявий аҳволи ва унинг кейинги ривожланиши истиқболларини тўғри баҳолашлари зарур.

Таъкидлаш лозимки, анъанавий тафтиш эски фактлар, муайян даражада тезгина тарих мулкига айланувчи жорий воқеаларни қайд қилиш ҳамда баҳолаш билан кифояланади. Аудит бўлса, нафақат эски ва айни шу аснодаги ҳолатни баҳолаши, балки корхонанинг хўжалик фаолиятига ва унинг натижаларига таъсир кўрсатишга қодир бўлғуси ҳодисаларни ҳам олдиндан кўра билиши лозим. Алоҳида фактлар бўйича, уларни қиёслаш ва ўрганиш асосида хўжалик фаолиятининг ривожидаги тамойилларни илғаб

олиш, у ёки бу маҳсулот, ишлар ва хизматларга талаб ҳажмини, бўлғуси даромадлар ва харажатларни, фойда ва рентабелликни таъминлаш зарур.

Табиийки, бу аудиторнинг малакасига оширилган талаблар қўяди. Аудитор башорат қила олиш фазилатига эга бўлиши, бунда у иқтисодий - математик ва замонавий ҳисоблаш техникасидан фойдаланиб, амалга ошириладиган хўжалик фаолиятининг иқтисодий таҳлили усулига таяниши керак.

Айтиш мумкинки, эндиликда қўшма корхоналардаги аудит, банк аудити, ўз ишлаб чиқаришига эга бўлган акциядорлик жамиятларида ишловчи аудит, инвестиция фондларининг аудити ва суғурта компанияларининг аудити шаклланиб бормоқда.

Бошқа бозор тузилмалари - биржалари, савдо - ҳарид фирмалари, шунингдек, тижорат фаолияти билан шуғулланувчи жамоат ташкилотларида шуғулланадиган аудитларнинг ихтисослашуви кун тартибида турибди.

Албатта, аудиторлик ташкилотида бирон - бир тармоқда тижорат фаолиятининг хусусиятлари билан яхши таниш бўлган, молиявий аҳволни таҳлил қилиб, текширилаётган корхона ва муассасанинг ҳисоб - китоб ҳужжатлари бўйича малакали хулоса беришга қобилиятли мутахассислар бўлмаслиги мумкин. Шу туфайли ташкилотлар, одатда, ўз куч - ғайратларини ўзлари ишда чинакамига ёрдам бера олишларига қодир бўлган мижоз - корхоналарга жамлайдилар.

Маълумки, ҳар қандай фаолият муайян даражада ва муайян тартиб - қоидаларга риоя қилиниб амалга оширилиши керак. Аудит стандартлари аудиторлик фаолияти мобайнида ўзининг мақсадга мувофиқлиги ва пухталигини тасдиқлаган ҳамда жаҳоннинг турли мамлакатларидаги ғоят кўп сонли аудиторларнинг амалий иш тажрибасида етукланган профессионал меъёрлар ва қоидаларни ўз ичига олади. Бунда аудит бўйича ягона стандартларни дарҳол ва тўла ҳажмда жорий этиш вазифаси кун тартибига мутлақо қўйилмайди. Зеро, ҳар бир мамлакатда аниқ иқтисодий ва сиёсий шарт - шароитлар, турлича анъаналар ва миллий ўзига хослик мавжудки, аудиторлик хизматини ташкил этиш чоғида улар албатта, ҳисобга олиниши керак. Аудитнинг халқаро стандартлари хусусидаги гап - сўзларга келганда эса кенг қамровли ва умум

томонидан қабул қилинган стандартлар тизими табиатан мавжуд эмас.

Барча халқаро стандартларни тўрт гуруҳга бўлиш мумкин:

биринчи гуруҳ - ҳар қандай мамлакатда дарҳол, бутунича ва тўла қабул қилиниши мумкин бўлган;

иккинчи гуруҳ - маъқулланиб, арзимас ўзгаришлар билан қабул қилиниши мумкин бўлган;

учинчи гуруҳ - фақат аниқлик киритишгина эмас, балки ўзининг жорий этилиши учун тегишли шарт - шароитларни (масалан, бозор муносабатларининг янада ривожлантирилиши ва такомиллаштирилиши) вужудга келтиришга эҳтиёж сезувчи;

тўртинчи гуруҳ - мазкур мамлакатда унинг тарихий анъаналари ва миллий руҳиятига кўра, қабул қилиниши мумкин бўлмаган стандартларни ўз ичига олади. Аудиторлик ишида, у амалга ошириладиган мамлакатдан қатъий назар, қуйидаги мажбурий таркибий қисмлар мавжуд бўлади: у ёки бу хўжалик омилларини текшириш, кузатиш, ўрганиш ва тўғрилиги ёки мақсадга мувофиқлигини тасдиқлаш. Аудитнинг бундай ҳаракатлари аниқ вазифаларни ҳал қилиш учун энг кўп даражада яроқли бўлган фарқланиши мавжуд. Аудитнинг зарур шарти, ҳисоб

- китобнинг қўлланилаётган шакл ва усуллари мутаносиблигини текшириш, ҳисобдаги мол - мулк ва маблағларни баҳолаш, у ёки бу мамалакатда ҳозирги вақтда амал қилаётган қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга ҳисоботни қиёслашдан иборат.

Аудитнинг ўз стандартлари хусусида шуни айтиш керакки, улар аниқ, қисқа ва очиқ - ойдин таърифланиши, амалда бажариладиган ва ғоят кенг равишда маъқулланиб, малакали аудиторлар томонидан қўллаб - қувватланадиган бўлиши лозим. Шундай қилиб, аудит стандартлари аввало, мазкур хизмат турини ўтказишнинг мажбурий шартлари, хусусан, малака талаблари, тайёргарлик иши, аудитор текширишларини бевосита ўтказиш ва якунловчи босқич-аудиторлик текшириш далолатномаси (акти) ҳамда аудиторлик хулосасини тузишга дахлдор бўлиши керак.

Таянч сўз ва иборалар. Назорат ва мулоҳаза учун саволлар

Банк, банк турлари, инвестиция, кредит, кредит турлари, депозит, аккредитив, валюта, валюта операцияси, валюта курси, солиққа тортиш объекти, солиққа тортиш базаси, солиқлар тизими,

умумдавлат солиқлари, маҳаллий солиқлар, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари, солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари, даромад (фойда) солиғи, қўшимча қиймат солиғи, акциз солиғи, мол - мулк солиғи, ер солиғи, бошқа солиқлар ва йиғимлар, аудит, аудиторлик фирмалари, аудиторлик фирмаларининг ҳуқуқлари, аудиторлик фирмаларининг бурчлари, кредит тушунчаси, кредитнинг асосий вазифаси, кредит турлари, тижорат кредити, банк кредити, давлат кредити, истеъмол кредити, халқаро кредит, фирма кредити, микрокредитлар, факторинг, овердрафт, депозит,сертификатлар.

Назорат ва мулоҳаза учун саволлар

1. Банкнинг актив ва пассив операциялари таркибини изоҳлаб беринг.
2. Банкнинг актив ва пассив операцияларининг моҳияти нималардан иборат?
3. Банкдан кредит бериш тартиби қандай ташкил этилган?
4. Банклар билан тадбиркорлар ўртасида бажариладиган операцияларда ўзаро муносабатлар қандай ташкил этилган?
5. Банклар билан тадбиркорлар ўртасидаги валюта операциялари қандай бажарилади?
6. Тадбиркорлик фаолиятида солиққа тортиш тартиби, моҳияти ва аҳамиятини изоҳлаб беринг.
7. Солиққа тортиш объекти ва солиқ базаси нима?
8. Солиққа тортиш ставкаларининг структураси қандай тузилган?
9. Солиққа тортиш тартиби қандай амалга оширилади?
10. Акциз солиғи нима? Унинг амал қилиш тартиби қандай?
11. Аудиторлик фаолиятининг асосий соҳаси қандай?
12. Аудиторлик фирмасининг ҳуқуқлари ва бурчлари нималардан иборат?
13. Аудиторлик хизматлари нималардан иборат?
14. Аудитнинг халқаро стандартлари тўғрисида гапириб беринг?

VII боб. Кичик бизнеснинг молиявий фаолияти ва молиявий бошқарув

7.1. Бизнесда молиявий бошқарувнинг моҳияти ва аҳамияти

Тадбиркор учун маълум бир маблағга ёки ресурсларга эга бўлишнинг ўзи, бу ҳали муваффақият таъминланди деган сўз эмас, чунки уларни ўз ўрнида ишлата билиш ҳам керак. Бунда, аввало, «Молиявий бошқарув (менежемент) нима?» - деган саволга жавоб бериш керак. Бошқарув ёки менежементни иқтисодий бошқарув, ташкилотни бошқарув тизимлари сифатида, ёки тадбиркорлик фаолиятининг бир тури сифатида тушуниш мумкин. Инглиз тилида «бошқарув» маъносини «Менежемент» сўзи билдиради. Уни ишлаб чиқаришнинг иқтисодий бошқарув тизими сифатида белгиланса, бу ҳолда у ўз ичига бошқарувнинг тизимларини, тамойилларини, усулларини ва қоидаларини қамраб олади дейиш мумкин. Демак, менежементтга бошқарув назарияси ва амалиётидаги энг самарадор ва текширилган усуллар киради. Уларнинг иккаласида ҳам бошқарувни бир - бирига узвий боғлиқ ва амалий бир жараён деб тушунилади. Бошқарув эса бирор - бир мақсадга эришиш йўлида зарур бўлган бошқарув таъсирларини ишлаб чиқариш жараёнидир. Бошқарув тасири - мақсадга эришиш йўналишида бошқарилувчи объектга қандайдир усуллар билан таъсир кўрсатишдир. Бошқарув тасирларини ишлаб чиқиш керакли маълумотларни йиғиш, тайёрлаш, узатиш, қайта ишлаш ва унинг асосида тегишли қарорлар қабул қилишни ўз ичига қамраб олади. Бошқарувни амалга ошириш эса бошқарув тасирини керакли кўринишга олиб келиб, уни бошқарув объектининг зарур бўғинига узатишни англатади. Менежемент (бошқарув) доимо иқтисодий нуқтаи назардан ҳаракат қилади ва ечимларни шунга асосан қабул қилади, ҳамда амалга оширади. Тадбиркор ҳам ўз ишини амалга оширар экан, ташқи ва ички шарт-шароитларга монанд равишда бир қанча турдаги қарорларни қабул қилишига тўғри келади ҳамда у ушбу қарорлар сифатига боғлиқ равишда у ёки бу натижага эришиши мумкин. Демак, унинг қабул қилган қарорлари ва бунинг асосидаги тадбиркорлик фаолиятини бошқариш жараёни тадбиркор муваффақиятининг гарови ёки ҳалокатининг сабаби бўлиши мумкин. Ҳар қандай тадбиркор бозор иқтисодиёти шароитларида

фаолият кўрсатади ва шунинг учун ҳам у бозорнинг асосий ҳусусиятларини билиши ва буни ўз фаолиятида ҳисобга олиши керак. **Бозор иқтисодиётининг асосида қуйидаги тамойиллар ётади:**

1. Ишлаб чиқарувчилар (сотувчилар) ва истеъмолчилар (ҳаридорлар)нинг ташқи омиллар қаршисида тенг ҳуқуқлилиги, яъни эркин бозор мавжудлиги;

2. Баҳолар (нархлар, курслар, фоиз ставкалари) нинг талаб ва таклиф мувозанати натижасида бир хил даражага келиши;

3. Бозор иқтисодиёти иштирокчиларнинг (ишлаб чиқарувчилар, ҳаридорлар, воситачилар, истеъмолчилар ва сотувчилар) ўзаро алоқалари иқтисодий жихатдан бошқарилиши;

4. Иқтисодий бошқарув учун ҳуқуқ - тартибот қонунларини мақсадга мувофиқ равишда ишлатиш;

5. Иқтисодий ривожланиш ва бошқарувнинг асосий шартларидан бири бўлган рақобатнинг мавжудлиги.

Шунинг учун бозор муносабатларининг моҳияти ишлаб чиқарувчилар ва сотувчиларнинг туб маънода озод бўлишлари, таваккалчилик асосида ҳаракат қилишлари ва бунда фақатгина бозор регуляторларига (баҳо, солиқ, фоиз ставкалари, курслар, дивидендлар ва ҳакозо) асосланишларини назарда тутади. Бу регуляторларнинг ичида баҳо асосий рол ўйнашини ҳам эслатиб ўтиши лозим ва у бозор шароитларида ўзига хос рақобат объекти бўлиб хизмат қилади.

Бозор иқтисодиётининг маъноси ишлаб чиқарувчилар (монополия ва олигополия) ва истеъмолчилар (монопсония, олигопсония) томонидан монополияларнинг барбод қилинишини, эркин олди - сотдини, ҳамкорларни танлаш мустақиллигини, баҳони бозор механизмлари асосида ташкил қилишни ва хўжалик жараёнларини давлат томонидан мақсадга мувофиқ тарзда бошқарилишини англатади. Бозор иқтисодиётининг асосий шартларидан бири хилма хил кўринишлардаги (шахсий, жамоа, муниципал, давлат, чет эл ва аралаш) ишлаб чиқарувчиларнинг

мавжудлиги ва уларнинг мулкка эгалик нуқтаи - назаридан хилма хил ташкилий - ҳуқуқий турлари мавжудлигидир. Бу хил ташкилий

- ҳуқуқий турларга кичик корхона, ижара корхонаси, очиқ ва ёпиқ ҳиссадорлик жамиятлари, шерикчилик ёки ўртоқчилик туридаги жамиятлар, тўла ўртоқлик жамияти, масъулияти чекланган жамият, коммандит туридаги жамият, кооператив, 100 фоиз ва аралаш чет эл инвестициясига эга корхоналар ва қўшма корхоналар киради. Бундай ташкилот (корхона)лар истеъмолчи учун бўлган қаттиқ кураш жараёнида бир - бирлари билан нафақат иқтисодий мулоқотларга, балки келишувсиз рақобат мулоқотларига ҳам киришадилар.

Молия пул муносабатларининг маълум бир тизими бўлиб, у пул фондларининг айланиш жараёнида маблағларнинг ҳосил бўлиши ва уларнинг ишлатилишини кўрсатади. Мамлакатимизда бир бутун молиявий тизим бўлиб, у икки ажралмас қисмни қамраб олади:

1. Умумдавлат молияси тизими - бунга Республика, вилоят, туман, шаҳар бюджетлари, Давлат кредит тизими, Давлат суғурта тизими, пенсия фонди, бюджетдан ташқари фондлар ва ҳакозолар киради.

2. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ субъектлар молияси - бунга корхоналар молияси, ҳиссадорлик жамиятлари молияси, турлича тадбиркорлик фаолияти кўринишлари билан боғлиқ молия ташкилотлари, тижорат банклари, тижорат кредитлари ва суғурта, гаров бериш ёки олиш тизими, хилма хил турдаги биржалар (масалан, кўчмас мулк, қимматли қоғозлар, валюта) ва ҳакозолар киради.

Молиявий бошқарув (молиявий менежементт) молиявий ресурслар ҳаракати чоғида иш юритувчи субъектлар орасида молиявий ресурслар ва молиявий алоқаларни қандай қилиб бошқариш усулларини кўрсатади. Молиявий бошқарув - молиявий ресурсларни ва алоқаларни бошқарувни амалга ошириш мақсадида молия механизмининг турли хил усуллари билан биргаликда ишлатишни ўз ичига олади. Шундай қилиб, молиявий бошқарув корхонани мақсадга мувофиқ равишда бошқаришнинг стратегияси

ва тактикасини ўз ичига олади. **Тактика** - мавжуд шароитларда қўйилган мақсадга эришиш учун қўлланиладиган усулларни ва ёндашувларни ўз ичига олади ҳамда қисқа муддатли горизонтда амал қилади. **Стратегия** эса узоқ муддатли мақсадларни ўз ичига олади ва мақсадга мувофиқ ечимларнинг энг яхшиларига диққат - эътиборни қаратишга имкон беради. Молиявий бошқарув икки асосий қисмлардан иборат: бошқарувчи қисм (бошқарув объекти) ва бошқарилувчи қисм (бошқарув субъекти). Бошқарув корхонанинг пул ресурсларига, уларнинг айланишига, бошқа молиявий ресурслар ҳаракатига ва молиявий муносабатларга нисбатан олиб борилади. Бошқарувчи орган махсус шахслар гуруҳи бўлиши мумкин, масалан, молиявий менежер ёки корхона дирекцияси. Улар хилма-хил турдаги молиявий бошқарув усулларидан фойдаланиб, ташкилотнинг ташқи шароитларга монанд равишда мақсадга мувофиқ тарзда фаолият кўрсатишига интиладилар. Молиявий бошқарув (молиявий менежементт) корхона бошқарув тизимининг тузилишини аниқлаб беради ва у икки хил вазифани бажаради:

- ♦ бошқарув объекти функциялари;
- ♦ бошқарув субъекти функциялари.

Бошқарув объекти функцияларига пул айланишини ташкил қилиш, молиявий ресурслар билан таъминлаш, инвестицион воситалар билан таъминлаш, асосий ва айланма фондлар билан таъминлов, молиявий фаолиятни ташкил қилиш ва бошқалар киради.

Бошқарув субъекти функциялари эса ўз ичига режалаштириш, башорат қилиш, ташкил қилиш, координация қилиш, назоратни ва манфаатдорликни амалга оширишни қамраб олади. Молиявий бошқарувнинг административ - бюрократик ҳолда бўлиши ҳеч қачон кўзланган мақсадга олиб келмайди. У ташқи оламдаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда ташкилот фаолиятига фаол аралашишдир, десак тўғри бўлади. Бу тадбиркорлик фаолиятининг бир туридир. Унда корхонадаги мавжуд пул маблағлари молиявий бошқарувчи (молиявий менежер) кўрсатган ёрдам натижасида маълум бир миқдорга (баъзи пайтларда эса анча - мунча миқдорга) кўпайиши мумкин. Молиявий

менежер асосан молиявий бозорда фаолият кўрсатади. Бу бозор эса валюта бозори, қимматли қоғозлар бозори, пул бозори, капитал бозори, қимматли металлар (қимматбаҳо тошлар) бозори ва бошқалардан иборат бўлиши мумкин. Ушбу молиявий бозорларнинг фаолият кўрсатиши молиявий бошқарув соҳасидаги тадбиркорларнинг фаолияти учун ўзига хос майдон сифатида хизмат кўрсатади. Молиявий менежерларнинг самарали ишлаши молиявий механизмнинг ишлаш самарадорлиги, унда ишлатилиши мумкин бўлган усуллар ва қабул қилинган услубиятлар билан узвий равишда боғлиқ.

Молиявий механизмга қуйидаги беш асосий таркибий қисм киради:

- молиявий усуллар;
- молиявий ричаглар;
- муқуқий таъминот;
- норматив таъминот;
- информацион таъминот.

Молиявий усулларга режалаштириш, башорат қилиш, инвестиция, кредитлаш, молиялаштириш, солиққа тортиш, моддий рағбатлантириш, суғурта қилиш, трансферт операциялари, траст операциялари, лизинг, омилинг, франчайзинг ва шунга ўхшашлар киради.

Молиявий ричагларга фойда, тушум, амортизацион чегирмалар, молиявий санкциялар, баҳо, ижара тўлови, дивидендлар, фоизлар, йўналтирилган иқтисодий фондлар, қўйилмалар, бадаллар, тўғри, венчур ва портфел туридаги инвестициялар, валюта курслари, кредитларнинг турлари, преференция ва бошқалар киради.

Ҳуқуқий таъминотга қонунлар, Президент фармонлари, Ҳукумат қарорлари, вазирликларнинг буйруқ ва кўрсатмалари ҳамда ҳуқуқий шахснинг устави киради.

Норматив таъминотга инструкциялар, нормативлар, нормалар, услубий кўрсатмалар ва бошқа турдаги меъёрий (норматив) ҳужжатлар киради.

Информацион таъминотга ушбу фаолият билан боғлиқ бўлган ва бирор - бир турдаги қарор қабул қилишда назарга олиниши мумкин бўлган маълумот турлари киради. Тўлиқ ва ўз вақтида олинган маълумотларга эга бўлиш, молиявий бозорда самарали ҳаракат қилишга омил бўлади. Шунинг учун ҳам маълум турдаги маълумот ва билим турларига эга бўлмоқлик, ўша инсоннинг «ноу - хау»си бўлиши мумкин ва унинг қиймати ташкилот ёки ҳиссадорлик (акционерлик) жамиятининг устав жамғармасига маълум бир миқдорда баҳоланиб, қўшилиши мумкин. Етарли даражадаги малакага эга бўлган молиявий менежер ҳар - хил маълумот турларини тўплаб, улардан маълум бир хулоса чиқариш қобилиятига эга бўлиши лозим, яъни унинг аналитик қобилиятлари ривожланган бўлиши керак. Унинг қўлида ишончга сазовор маълумотлар тўпланиши ташкилот/фирма учун ҳаётий аҳамиятга эга бўлган чоғларда ақлга мувофиқ ва тўғри молиявий ҳамда тижорат ечимларини қабул қилишга имкон беради. Бу эса ўз навбатида, корхона оладиган фойда миқдорининг сезиларли равишда кўпайишига олиб келиб, балки тегишли молиявий ва тижорат ечимларини тезлик билан қабул қила олиш имконини беради.

7.2. Молиявий ресурслар ва капитал

Корхонанинг молиявий ресурслари - унинг ўз мақсадларини амалга ошириш йўналишида ишлатиши мумкин бўлган пул/маблағ ресурсларидир. Улар корхона фаолиятининг ривожланишига, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва ривожлантиришга, истеъмолга, ноишлаб - чиқариш фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилиши ёки ҳозирча захира (резерв)да сақлаб турилиши мумкин. Капитал - молиявий ресурсларнинг бир қисмидир ва у ишлаб чиқариш - савдо жараёнининг ривожланиши учун (масалан, хом ашё сотиб олиш, иш қуроллари ва захира қисмлар ҳарид қилиш, иш кучини жалб қилиш ва бошқа ишлаб чиқариш учун зарур бўлган нарсалар олиш учун) мўлжалланиб, пул кўринишидаги капитал сифатида намоён бўлади. Демак капитал айланишга йўналтирилган пуллар бўлиб, улар маълум даражада фойда келтиради. Пул айланмаси уни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш, қарзга бериш, ёлланма иш кучини жалб қилиш ва шунга ўхшаш бир қанча имкониятлар натижасида амалга оширилади. Капитал потенциал равишда,

оқилона ишлатилганда, яна ҳам кўпайиши мумкин бўлган бойликдир. Уни ишлаб чиқариш жараёнида қўллаш ва турлича усуллар билан инвестиция қилиш (бошқа ишга ёки фаолият турига жалб қилиш) маълум бир миқдорда фойда кўришга олиб келиши мумкин.

Капиталнинг ҳозирги пайтда кўпчилик тан олган умумий формуласини қуйидагича ифодалаш мумкин:

инвестор томонидан аванс сифатида берилган пул маблағлари -

Пул

Товар (маҳсулот, сотиб олинган ишлаб чиқариш воситалари, иш кучи ва бошқа ишлаб чиқариш элементлари) –

Товар

Товар сотишдан ҳосил бўлган ва инвестор томонидан олинган пул маблағлари, у фойдани ҳам ўз ичига олади –

Пул-1

Бу ерда,

Пул 1 - Пул инвесторнинг фойдаси,

Пул 1 - товар товарни сотишдан тушган тушум/маблағ,

Пул - товар товарни сотиб олиш учун инвестор томонидан қилинган сарф - харажат.

Инвестор томонидан қўйилган пуллар тўлиқ сарф қилинмайди, балки инвестор томонидан аванс тариқасида берилиб, пул айланмаси тугаганидан сўнг, инвесторга қўшимча даромад билан қайтарилади. Капитал таркибига асосий воситалар, айланма маблағлар, айланма фондлар, муомала фондлари ва номатериал активлар киради.

Капиталнинг асосий жалб қилиниш усулларига тадбиркорлик капитали ва жалб қилинган капитал киради.

Тадбиркорлик капитали ҳар хил корхоналарга тўғри ёки портфел инвестициялари усулида киритилган капиталдир. Капиталнинг бундай қўйилмаси маълум миқдорда фойда олишга ва корхонани бошқариш ҳуқуқига эга бўлишга қаратилади. Бундай ҳолат кўпроқ ҳиссадорлик жамиятларида ва масъулияти чекланган жамиятларда амалга оширилган.

Жалб қилинган капитал (қарз капитали, ссуда капитал) қайтарилиш лозим бўлган ва маълум бир баҳога эга бўлган ҳамда қарзга берилган капиталдир. Бундай капитал бирор - бир корхонага инвестиция сифатида берилмайди, балки бошқа бир тадбиркорга ёки инвесторга вақтинча фоизли фойда олиш учун берилади. Бунда жалб қилинган капитал маълум бир турдаги товар кўринишида бўлиб, унинг баҳоси олдиндан келишилган фоиз миқдорида бўлади.

Асосий фондлар (асосий капитал) меҳнат воситалари бўлиб, улар ишлаб чиқариш жараёнида кўп марталаб ишлатилиши мумкин, лекин бунда улар ўз натурал кўринишларни ўзгартирмайдилар. Уларнинг фаолияти қуйидаги босқичлардан иборат:

Корхонага келиш - > ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этиш - > корхона ичида ҳаракатланиш - > таъмирлаш **- > ижарага бериш - > инвентаризация - > ишлаб чиқаришдан чиқиш.**

Асосий фондларнинг қиймати улар емирилган сари (ер майдонларидан ташқари) қисмларга бўлинган ҳолда товар (хизмат) баҳосига ўтказилади ва улар сотилган ўрни тўлдирилади. Бу жараённи амортизация деб аталиб, унга мос бўлган пул маблағлари амортизация фондида жамланади. Амортизация фонди ёки ўрнини тўлдиришга мўлжалланган пул маблағлари доимий ҳаракатда бўлади.

Асосий фонд (асосий капитал)ларнинг бу тарздаги ҳаракатини унинг айланма ҳаракати деб аталиб, уни қуйидаги тарзда ифодалаш мақсадга мувофиқдир:

Капитал (фонд)ларнинг ишлатилиши.

Уларнинг емирилиши ва баҳосининг тайёр маҳсулотга ўтиши.

Амортизацион фондларнинг чегирмаси (ажратилиши) ва уларнинг захира (резерв) фондда жамғарилиши.

Емирилган фондларнинг янги меҳнат воситалари билан қопланиши.

Асосий фондларнинг ҳарид қилиниши учун ажратилган пул маблағлари асосий капитал деб аталади. Ушбу ажратмалар аванс тариқасида жалб қилингани учун уни аванс кўринишда ажратилган деб ҳисобланади.

Асосий фондларнинг классификацияси қуйидаги гуруҳларни ўз ичига қамраб олади:

- бинолар ва иншоотлар;
- қурилмалар;
- механизмлар;
- машина ва қўшимча воситалар;
- ўлчов ва назорат қурилмалари;
- лаборатория жиҳозлари;
- ҳисоблаш техникаси қурилмалари;
- машина ва транспорт воситалари;
- жиҳозлар;
- ер майдонлари ва ҳакозо.

Асосий ишлаб чиқариш фондлари таркибидан актив ва пассив қисмларни ажратишимиз мумкин:

Актив асосий фондлар маҳсулот (хизмат) ишлаб чиқаришга бевосита таъсир кўрсатади, унинг миқёсини аниқлайди ва ишчи - хизматчиларнинг меҳнат унумдорлигини аниқлайди. Демак, ушбу гуруҳга машиналар, жиҳозлар, иш қуроллари киради десак ҳам бўлаверади. Асосий фондларнинг **пассив қисми**га ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун тегишли шарт - шароитлари яратиб берадиган бино, иншоотлар, қурилмалар ва шунга

ўхшашлар киради. **Номатериал активлар** эса корхона пул маблағларини ишлаб чиқариш жараёнида узоқ муддат давомида ишлатиладиган ва маълум миқдорда фойда келтирадиган номатериал объектларга йўналтиришдир. Бу номатериал объектлар корхона ишлаб чиқариш объектига тааллуқли интеллектуал ва бошқа турдаги ҳуқуқлардир. Буларга ердан фойдаланиш ҳуқуқи, табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқи, патентлар, лицензиялар, «Ноу - хау», программавий таъминот, муаллифлик ҳуқуқи, монопол ҳуқуқлар, афзалликлар, ташкилий сарф - харажатлар (масалан, брокерлик ўрни, ташкилотни давлат органларида қайд қилиш ҳақи, лицензия олганлик ҳақи ва бошқалар), савдо белгилари, маркалари, фирма эмблемалари ва шунга ўхшаганлар кириши мумкин. Улар ҳам асосий воситалар сингари узоқ вақт давомида ишлатилиб, фойда келтирадилар ҳамда вақт ўтиши билан уларни баҳоси ҳам йўқола бошлайди. Уларнинг нархини ва келтирадиган фойдаси миқдорини аниқлаш анча мураккаб бўлиб, реал материал кўриниши уларнинг кўпчилигида деярли мавжуд эмас. Масалан, бирор бир шахснинг билими миқдорини томонларнинг келишувига биноан устав капиталда аниқлаш мумкин. Уларнинг баҳоси ишлаб чиқарилган маҳсулот (хизмат) таннархига емирилувни (ёки манънавий эскиришни) ҳисобга олган ҳолда киритилади.

Айланма ишлаб чиқариш фондлари ишлаб чиқариш жараёнида кўп марта иштирок этади ва бунда ўз натурал кўринишини ўзгартиради. Уларнинг баҳоси тўлиғича янги ҳосил бўлган маҳсулотга (хизматга) ўтади. Уларнинг баъзилари (масалан, ёқилғи, электр энергияси) ишлаб чиқариш жараёнида бутунлай сарф бўлади ва охирги маҳсулот таркибига кирмайди, бошқалари эса (масалан, хом ашё) ишлаб чиқарилган маҳсулот таркибига киради ва ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол учун яроқли ҳолатга келади. Айланма фондларга тез ишлатиладиган ва баҳоси кам бўлган предметлар захираси ҳам киради.

Муомала фондлари икки гуруҳни ўз ичига қамраб олади – биринчиси, реализация жараёнида турган тайёр маҳсулот ва иккинчиси, кассадаги, йўлдаги, ҳисоб рақамларидаги ёки ҳисоб - китоб жараёнидаги пул маблағларидир. Айланма ва муомала фондлари алоҳида ва бир - биридан фарқли иқтисодий тушунчалардир. Айланма фондлар ва муомала фондларига жалб

қилинган пул маблағлари **айланма капитал** деб аталади. Айланма капитал ўз ҳаракати давомида, яъни, пул кўринишидаги, ишлаб чиқариш кўринишидаги ва маҳсулот (хизмат) кўринишидаги босқични босиб ўтади. Биринчи босқичда ишлаб чиқариш захираларини ҳарид қилиш учн пул маблағлари аванс тариқасида ажратилади, иккинчи босқичда бевосита ишлаб чиқариш амалга оширилади, учинчи босқичда эса тайёр маҳсулот сотилиб, аванс қилинган маблағларнинг ўрни сотишдан тушган пуллар ҳисобига қопланади. Бундан ортиб қолган пул маблағлари йиғилиб, уларнинг ишлатилиш ва тақсимланиш режасига биноан ишлатилади.

Айланма капиталнинг ҳаракатини қуйидагича ифодалашимиз мумкин:

Иш юритувчи субъект томонидан аванс тариқасида ажратилган пул маблағлари

Ишлаб чиқариш воситалари

Ишлаб чиқариш жараёни Тайёр

маҳсулот

Маҳсулот (хизмат)ни сотишдан тушган пул маблағлари - у фойдани ҳам ўз ичига олади.

Ҳар қандай корхонанинг иш фаолияти иш юритувчи субъектнинг уставида кўзда тутилган устав капитални ташкил қилишдан бошланиб, унинг ҳисобига асосий ва айланма воситалар ташкил қилинади. **Устав капитали** (ёки фонди) корхонанинг иш фаолиятини таъминлаб берадиган маблағлар йиғиндиси бўлиб, у корхона таъсисчиларининг маблағларидан ибора. Устав капиталига мисол бўлиб бинолар, иморатлар, жиҳозлар, бошқа моддий бойликлар, қимматли қоғозлар, ердан ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқи, интеллектуал мулк, «ноу - хау», иҳтирочилик ҳуқуқи, валютадаги ҳамда сўмлардаги пуллар ва бошқаларни мисол қилиш мумкин. Агар буларнинг бирортасини пулда - маблағида ифодалаш мумкин бўлмаса, томонларнинг келишувига биноан тегишли ва мос маблағ қиймати аниқланади ҳамда устав капитали таркибига киритилади. Ҳар бир таъсисчининг устав капиталига

қўшган маблағи миқдори унинг устав капиталидаги фоиз бўлаги сифатида ҳисобланалди. Агар таъсисчи ўз улушини чет эл валютасида қўшган бўлса, унинг миллий валютадаги қиймати марказий банкнинг тегишли курси бўйича ҳисобланади.

Активлар ва пассивлар ҳам корхона фаолиятини тушунишда катта аҳамиятга эга. **Активлар** корхонага тегишли бўлган мулкий ҳуқуқлар мажмуасидир. Буларга асосий воситалар, номатериал активлар, айланма воситалар киради. **Пассивлар** - корхонанинг қарзлари ва масъулиятлари бўлиб, улар жалб қилинган ва заём маблағларидан ҳамда кредитор қарзларидан иборат бўлади. Пассивларга дотацияларни ва субвенцияларни киритиш бўлмайди. Субвенция бюджетдан ташқари фондлардан Давлат томонидан бериладиган пул маблағларидир. Дотациядан фарқли равишда субвенция муҳим аҳамиятга эга бўлган маълум бир тадбирни молиялаштириш учун берилади ва унинг мақсадли ишлатилиш йўналиши бузилган тақдирда қайтарилиб олинади.

Молиявий ресурслар бир қанча манбалардан ҳосил бўлади, лекин бу ресурслар мулкчилик турига кўра иккига бўлинади:

* корхонанинг ўз молиявий ресурслари манбалари;

*бошқалардан жалб қилинган молиявий ресурсларнинг манбалари.

Молиявий ресурс манбаларига қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

* фойда;

* амортизацион тўловлар;

* корхона ихтиёрида доимий равишда бўлган кредиторлик қарзи;

* қимматли қоғозларнинг сотилишидан тушган маблағлар;

* меҳнат коллективининг, ҳуқуқий ва жисмоний шахсларнинг улуш ва бадал тўловлари;

* кредит ва заёмлар;

* суғурта ҳужжатлари;

* ихтиёрий ёрдам бадал тўловлари ва бошқалар.

Баъзи ҳолларда молиявий ресурсларнинг ўзига хос манбаси сифатида **“ноу – хау”** (инглизча “**ноу – хау”** - қандайлигини биламан) деб аталадиган тушунча ҳам ишлатилади. Бу техник билимлар ва тижорат сирларининг мажмуаси бўлиб, унга қуйидагиларни киритиш мумкин:

* маҳсулот ва товарларнинг қайд қилинмаган янги турлари, машина ва аппаратлар, деталлар ҳамда уларни тайёрлайдиган воситалар ва ҳакозо;

* техник ҳужжатлар, яъни формулалар, чизмалар, ҳисоб - китоблар, тажриба натижалари, илмий ишлар натижалари, ўқув режалари;

* кўрсатмалар, схемалар, маҳсулотни қандай ишлаб чиқариш ҳақидаги маълумотлар, рецептлар ва шу каби маълумотлар;

* бирор бир соҳадаги билимлар тўплами;

* савдо, божхона ёки солик қоидаларини пухта билганлик;

* маълумотлар базалари ва мижозлар ҳақидаги маълумотлар, товар етказиб берувчилар рўйхати;

* маҳсулотни сотишни фаоллаштириш усуллари;

* реклама қилиш усуллари ва уларнинг қаерда амалга оширилиши мақсадга мувофиқлиги;

«Ноу - хау»ларга авторлик гувоҳномаси ёки патентлар олинмайди ва у бирор бир ҳуқуқий ёки жисмоний шахснинг мулки бўлади. Худди шу мулк олиш - сотиш объекти бўлиб хизмат қилади. Агар сотиб олувчи «ноу - хау» билан танишиш ниятини билдирса, унга асосий жихатларгина намойиш қилинади, акс ҳолда унинг эгаси «ноу - хау»ни йўқотиб қўйиши эҳтимоли юзага келади.

«Ноу-хау»ни ишлатганлик учун тўловнинг ҳам бир неча усуллари мавжудки, улар қуйидагилар:

* **роялти** - унинг ишлатилишига пропорционал равишдаги муттасил тўловлар. Бунда роялти фойданинг ўсиши ёки маҳсулот ишлаб чиқаришнинг кўпашишига монанд равишда аниқланилади.

* **Паушал тўлов** - олдиндан келишиб олинган ва бир марта тўланадиган тўлов тури. Ушбу усул «ноу - хау» келтирадиган самарани олдиндан айтиш қийин бўлганда ишлатилиши мақсадган мувофиқ. Бундай усул кўпроқ ноишлаб чиқариш соҳасида ишлатилади.

* **«Чост плус»** - келишилган баҳоларда амалга ошириладиган қўшимча тўловлар. Яъни, агарда «ноу - хау»нинг самарасини олдиндан айтиш мумкин бўлмаса ва унинг ҳаётга татбиқ қилинишида муаллифнинг ҳам иштироки талаб қилинса, эришилган қўшимча самара ва хизмат учун келишилган равишда ҳақ тўланади.

Инвестицион взнос иш юритувчи объектнинг ўз - ўзини кредитлаш усулларидан бири бўлиб, ундаги ишловчилар ташкилотнинг ривожланиши учун имконият доирасида пул ёки бошқа турдаги маблағлар жалб этилади. Ташкилот эса ўз навбатида унга жалб қилинган маблағ миқдорига пропорционал равишда фоизлар ҳисоблаши, ёки ушбу фоизларни ҳам қайта равишда ташкилот ривожланишига жалб қилиши мумкин (реинвестиция). Масалан, сизда ҳиссадорлик жамиятининг акциялари бор. Сиз ушбу ташкилотдан сизнинг дивидендларингиз ҳисобига янги акциялар олишга розимисиз, деган хат олсангиз, демак билингки, сизга инвестицион взнос қилиш таклиф қилинди. Агар бу таклифга рози бўлсангиз, демак, сизнинг олган йиллик (ойлик, кварталлик) дивидендларингиз (ёки уларнинг маълум бир миқдори) ҳиссадорлик жамиятини ривожлантириш учун сарф қилинади. Демак, сиз ушбу ташкилот учун инвестор бўлиб қолдингиз.

Ишонч фонди - ушбу фонд хизматчиларнинг кўнгилли равишда берган взносларидан ташкил топиб, ташкилотнинг ишини қўшимча равишда молиялаштириш учун ишлатилиши мумкин. Масалан, янги ускуналар сотиб олиш, маҳсулот сифатини яхшилаш

учун қўшимча хом ашё турини ҳарид қилиш, «ноу - хау»ни қўллашга маблағ жалб қилиш ва ҳакозолар. Албатта, бунда маблағ жалб қилганларнинг қизиқишини ҳам кўзда тутиш лозим бўлади. Масалан, улар билан у ёки бу тарзда келишиш, фойданинг бир қисмини бериш ёки бошқа турдаги рағбатлантиришлар буларга мисол бўла олади.

Кредит пул маблағини ёки товарни қарзга беришдир. Унинг қуйидаги асосий турлари мавжуд: банк кредити, тижорат кредити, инвестицион кредит ва солиқ кредити. Банк кредити маълум бир баҳога эга бўлиб, банк ёки бирор бир турдаги кредит муассасасидан (масалан, кредит иттифоқидан, донордан ёки ортиқча маблағи бор ташкилотдан) қайтарилиши кафолатланган тарзда берилади. Ушбу маблағ маълум муддатга, қайтарилиш ва тегишли фоиз тўланиш шартлари билан берилади. қисқа муддатли кредитлар бир йилгача, узоқ муддатли кредитлар бир йилдан ошиқ муддатга берилади. Ундан ташқари, кредитлар айланма маблағларни ёки капитал қўйилмаларни кредитлаш учун берилиши мумкин.

Тижорат кредити - бир иш юритувчи субъектнинг бошқасига тўловлар муддатини кечиктириш. Улар масалан, маҳсулот ёки хизмат етказиб берувчи тижорат кредитини вексель кредити шаклида, фирма кредити кўринишида ёки очиқ ҳисоб рақами кўринишида бериши мумкин. Харид қилувчи маҳсулот етказиб берувчига ушбу кўринишдаги кредитни аванс шаклида бериши мумкин.

Инвестицион солиқ кредити корхонанинг солиқ тўлаш муддатини кечиктириш бўлиши мумкин. Масалан, ушбу турдаги кредит кичик корхоналарга янги технологик ускуналар ўрнатаётганда, санацияда ёки уларнинг бошланғич фаолият кўрсатиш даврларида берилиши мақсадга мувофиқдир. Солиқ кредити олиш учун ташкилот жойлардаги солиқ органи билан кредит шартномаси тузади ва унда барча шартлар олдиндан келишиб олинади.

Агар ташкилот кредитни банкдан эмас, балки бирор бир бошқа ташкилотдан жалб қилса, у ҳолда бундай кредит **заём** деб

аталади. Улар ҳам, ўз навбатида, қисқа муддатли ва узоқ муддатли турларга бўлиниши мумкин.

Молиявий ресурсларнинг бошқа манбаларига кўнгилли равишда берилган маблағлар, меценатлик (хайрия бадаллари), суғурта бадаллари, қарздорнинг мулкини сотишдан тушган маблағлар, ҳомийлик қилиш бадаллари ва бошқалар киради. Ҳомий

- бирор бир тадбирни молиялаштирувчи ҳуқуқий ёки жисмоний шахс.

Агар молиявий ресурслар капитални узоқ муддатли жалб қилиш учун ишлатилса, буни **инвестициялаш** деб аталади. Инвестор ҳуқуқий ёки жисмоний шахс турига мансуб бўлиб, у аввало фойда олишни ва таваккалчиликни иложи борича камайтиришни режалаштиради ҳамда у асл моҳиятига кўра, капитал қўйилмалар амалга оширилишидаги воситачидир. Тадбиркорлар, олиб - сотарлар, ўйинчиларни ҳам инвесторлар дейиш мумкин. Инвестициялар таваккалли, бевосита, портфелли ва аннуитет каби турларга бўлинади. Таваккалчилик билан боғлиқ инвестициялар ёки венчур капитал - таваккал қилиб қўйиладиган капиталга айтилади. У масалан, ривожланаётган ва катта таваккалчилик даражасига эга бўлган йўналишлар билан узвий боғлиқ янги акциялар чиқаришни ва тарқатишни ёки сотиб олишни ўз ичига олиши мумкин. Бунда венчур капиталист ўз маблағларининг тезда оқланишига умид қилган ҳолда ҳаракат қилади. Бу турдаги молиялаштириш янги технологиялар билан боғлиқ бўлган кичик инновацион фирмалар фаолиятига қўлланилади.

Бевосита инвестициялар - тегишли фойда олиш ва корхонани бошқариш жараёнида иштирок қила олиш имкониятини яратиш мақсадида иш юритувчи объектнинг устав капиталига ҳисса қўшиш бўлиб, жуда катта миқёсда ишлатилади. Чунки бунда инвестор корхонанинг таъсисчилардан бири бўлиб қолади.

Портфел инвестициялари - бу турдаги инвестициялар инвестициялар портфелини ташкил қилиш билан боғлиқ бўлиб, кўпинча қимматли қоғозларни ва бошқа турдаги активларни сотиб олишни ўз ичига қамраб олади. Портфел - биргаликда тўпланган

инвестицион бойликларнинг мажмуаси бўлиб, уни ташкил қилувчининг (қўйилма эгасининг) аниқ инвестицион мақсадини амалга ошириш учун хизмат қилади. Ушбу портфел таркибига бир турдаги (акциялар) ёки турлича (акциялар, облигациялар, жамғарма ёки депозит сертификатлари, гаров қоғозлар, суғурта полислари, векселлар ва ҳакозолар) инвестицион бойликлар кириши мумкин. Портфелни тузаётганда инвестор ўзининг ва ўз маблағларининг хавфсизлигини, ликвидлилигини (яъни, тезда сотилиб, пул маблағларига айлантирилиши мумкинлигини), катта фойда келтиришини ва бу фойданинг вақт ўтиши билан кўпайиши эҳтимолини, бирор бир корхона ёки фирма фаолиятини назорат қилишга имкон берилишини ва ҳакозоларни кўзда тутади. Инвестор маблағларининг хавфсизлигини таъминлаш деганда бозор шароитлари ёки инфляция даражаси ўзгарганда, форс - мажор шароитлари рўй берганда ва бошқа бир қанча ҳолатларда фойда олиш даражаси иложи борича бир хил бўлишига интилишни тушунилади. Лекин шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, хавфсизлик даражасини оширишга интилинса, фойда миқдори камаяди. Масалан, агар қимматли қоғоз жуда ишончли бўлса, унинг фойда бериш даражаси камроқ бўлади ва аксинча. Демак, портфелни тузишда таваккалчилик билан фойда ўртасида маълум бир оптимал нисбатни таъминлаб бериш лозим бўлади. Бу эса портфелни бошқарувчи менежернинг билим даражаси ва иқтидорига боғлиқ. Портфел инвестицияси таваккалчилигини камайтиришнинг яна бир усули уни диверсификациялаш, яъни маълум бир қоидаларга асосланган ҳолда турлича қимматли қоғозлар сотиб олишдир. Бунда капитал бир неча тург мансуб қимматли қоғозлар орасида тақсимланади ва бир турдаги қимматли қоғозларнинг кам фойда бериши бошқаларининг фойдалилик даражаси билан қопланади. Ушбу қимматли қоғозлар ҳар хил тармоқларга мансуб корхоналар акцияларидан ташкил топган бўлса, таваккалчилик миқдори яна ҳам камаяди.

Инвестицион портфелни тузаётганда қуйидаги кўрсаткичларни назарда тутиш лозим:

1. Портфелнинг оптимал турини танлаб олиш:

* фойдани дивидендлар ёки фоизлар ҳисобига олиш;

* фойдани портфел таркибига кирган инвестицион воситаларининг баҳоси (курси) ошиши ҳисобига олиш.

2. Йўл қўйиш мумкин бўлган таваккалчилик даражаси ва фойда миқдорини чамалаш;

3. Портфелнинг бошланғич тузилишини аниқлаш, яъни қандай инвестицион воситалар ва қай миқдорда ишлатилиши режалаштирилган. Ушбу кўрсаткичга қараб инвесторлар агрессив ва консерватив турларга бўлинади. Агар инвестицион портфел катта таваккалчилик асосида катта фойда олиш учун тузилган бўлса уни агрессив (у кўпроқ акцияларни сотиб олади) ва аксинча, паст даражадаги таваккалчилик асосида ўрта миёна фойда олишга мўлжалланган бўлса, уни консерватив (у кўпроқ облигациялар ва қисқа муддатли қимматли қоғозларни сотиб олади) деб номлашади;

4. Инвестицион портфелни бошқариш усулини танлаб олиш:

* ҳар бир қимматли қоғоз инвестицион портфелда бир хил нисбатда бўлишига ҳаракат қилинади;

* портфелдаги инвестицион воситалар нисбати доимий равишда ўзгариб туради;

* инвестор фаол равишда фючерс контрактларини (келажакда амалга оширилиши лозим бўлган шартномалар) ишлатиб туради;

* бирорта ҳиссадорлик жамиятига тегишли акциялар ва облигацияларни ҳарид қилишда молиявий леверж қандайлиги тамойилидан келиб чиқиш лозим. Бу кўрсаткич ҳиссадорлик жамиятининг қандайлигини билдириб, портфел инвестицияларининг фойдалилик даражасига ҳам таъсир қилади. Агар бу кўрсаткич жуда юқори миқдорда бўлса, ушбу ҳол ташкилот учун ҳам хавфли бўлиши мумкин, чунки бунда корхона банкрот бўлишиэҳтимоли кучаяди. Молиявий левереж кўрсаткичини қуйидагича ҳисоблаш мумкин:

$$Л = \frac{О \pm А1}{\text{----------}}$$

A 2

Бу ерда **Л** - левереж миқдори, **О** - облигациялар, **А 1** - имтиёзли акциялар, **А 2** - оддий акциялар.

Демак, **молиявий левереж** (инглизча **leverage** - мақсадга эришиш воситаси) - ҳиссадорлик жамиятидаги облигация ва имтиёзли акциялар билан оддий акциялар орасидаги нисбатдир.

Аннуитет (немисча **annuitat** - йиллик тўлов) - инвестор учун фойдани маълум вақт давомида даврий равишда келтириб турувчи инвестициялар тури (кўпчилик ҳолларда пенсияга чиққандан сўнгги даврларда). Кўпинча маблағларни суғурта ёки пенсия фондларига қўйиш ҳам ушбу турга мансуб бўлиши мумкин. Бундай фондлар ва компаниялар қарз бериш мажбриятлари деб аталган ҳужжатлар чиқарадилар ва булар билан боғлиқ бўлган маблағларни уларнинг эгалари келажакдаги кўзда тутилмаган харажатларни қоплаш мақсадида ишлатадилар.

Инфляция - пул маблағларининг қиймати пасайиши сифатида тушунилиб, уни пул массасининг товарларга нисбатан кўпайиб кетиши ва нарх ошиши билан изоҳлаш мумкин. Инфляция даражаси йилига 2 - 3 фоиз бўлса, уни жуда ҳам катта дейилмайди, лекин унинг миқдори 10 ва ундан ортиқ фоиз бўлса, иқтисодиёт ночорлашаётганлигини билдиради. Инфляция кредиторлар учун ёмон, лекин заём берувчилар ҳаётини анча енгиллаштиради, чунки улар кўзда тутилмаган инфляция жараёнидан маълум бир ютуққа эришадилар, негаки улар энди қадри кетган пуллар билан тўловни амалга оширадилар. Масалан, заём олувчи 100000 сўм олди дейлик. Агар инфляция даражаси 30 фоиз бўлса, уларнинг олган кредити миқдори ҳақиқий қийматга нисбатан (ҳарид қилиш қобилияти) 70000 сўм бўлади. Демак, пулнинг қадрсизланиши туфайли заём олувчи 30000 сўм катталигидаги ютуққа эга бўлади. Демак, кредит берувчи инфляция даражасини ҳисобга олиб, кредит берса, ютқизиш даражасини анча камайтириши мумкин. Бунга у кредит фоизини ошириш билан эришиши мумкин, яъни кредит беришда кутилаётган инфляция даражасини кредит бериладиган фоизнинг оддий даражасига қўшиб бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан, кредит фоизи 20% бўлсин, кутилаётган инфляция даражаси эса 45 % бўлсин. У ҳолда аванс берилаётган капиталнинг кредит фоизи 65 % бўлса, мақсадга мувофиқ бўлади. Ўз навбатида,

заём олувчи ҳам йилига 65 % дан ошиқ фойда келтириши мумкин бўлган ишга қўл уриши лозим бўлади.

Дефляция - нархлар даражасининг пасайишига айтилиб, унинг иқтисодиёт миқёсида кўзга ташланилиши иқтисодий ўсишнинг пасайишига олиб келади ва охир - оқибатда стагнацияга, яъни иқтисодий кризисга олиб келади.

Стагфляция бир вақтда юзага келаётган стагнация ва инфляция жараёнларининг юз беришидир.

Индексация - инфляция шароитида капиталнинг, молиявий ресурсларнинг ва фоуданинг реал миқдорини сақлаш усулидир. Улар биринчидан, ўтган даврдаги ҳарид имкониятлари динамикасини баҳолаш учун ишлатилиши мумкин, иккинчидан, баҳолар ўзгариши тенденциясидан келиб чиққан ҳолда келажакда талаб қилиниши мумкин бўлган молиявий воситаларнинг миқдорини башорат қилиш учун қўлланилиши мумкин.

7.3. Капитал ва фойдани дисконтлаш

Асосини пул маблағлари ташкил қилган молиявий ресурсларнинг қиймати вақтга боғлиқ бўлади ва у икки хил йўналишда таҳлил қилиниши мумкин. Уларнинг **биринчиси** пулнинг ҳарид қобилияти бўлиб, у бугунги кунда маълум бир миқдорга эга бўлса, бироз вақтдан сўнг бутунлай бошқа ҳарид қобилиятига эга бўлиб қолади. Масалан, бизнинг 10 минг сўмимиз, агар инфляция миқдори 30 фоиз бўлган тақдирда маълум вақтдан сўнг 7 минг сўмлик ҳарид қувватига эга бўлиб қолади. Демак, бирор-бир инвестиция жараёнига жалб қилинмаган ёки банкка маълум бир мақсадга мувофиқ фоизда қўйилмаган маблағлар тез орада ўзининг асл қимматини йўқотиб, унга каттароқ нарса ҳарид қилиб бўлмайдиган бўлиб қолади. Молиявий ресурслар қиймати ўзгаришининг иккинчи томони эса, пул маблағларининг капитал сифатида айланиши ва ушбу айланмадан фойда олиш билан боғлиқ. Яъни, пуллар иложи борича тезроқ ва каттароқ миқдорда қўшимча пул келтириши лозим. Пуллар келтирадиган фойда миқдори дисконтлаштириш усуллари орқали аниқланади. Фойдани дисконтлаштириш уни капитал қўйиш вақтидаги қийматини

аниқлашдир. Дисконтлаштириш кўпайтмаси қуйидагича аниқланади:

$$A = \frac{T}{1 \pm H}$$

Бу ерда **Н** - фойда нормаси ёки фоиз ставкаси;

Т - вақт омили, яъни, пул айланишда бўлган ва фойда келтирадиган давр (йиллар ёки ойлар);

А - дисконт кўпайтмаси.

Шундай қилиб, дисконт кўпайтмаси **А** келажакдаги пул миқдорининг ҳозирги кундаги қийматини билишга имкон беради. Инфляция жараёни мавжуд бўлгани учун қўлингиздаги пулларнинг қиймати кун сайин камаяверади. Шунинг учун пуллар тўхтовсиз ишлаб, унинг эгасига фойда келтириши керак. Демак, пуллар натижавий равишда ишлатилиши керак, яъни, улар банкда сақланиб, фоиз келтиришлари ёки келажакда фойда олиш мақсадида ишлаб чиқаришга ёки савдога жалб қилинишлари керак. Фойда нормаси **К** йиллар сайин ўзгармайди деб фараз қиламиз. Бошланғич маблағни эса **С** деб белгилаймиз. Бу ҳолда йиллар бўйича даромад қуйидагича тартибда аниқланилади:

1- йилги даромад: $C \times K$

1- йил охиридаги умумий даромад: $C + C \times K = C \times (1 + K)$

2 - йил охиридаги умумий даромад: $C \times (1 + K) + (C + C \times K) \times K = C \times (1+K) + C \times (1+K) \times K = C \times (1 + K) \times (1+K) = C \times (1+K)^2$

3 - йил охиридаги умумий даромад: $C \times (1+K)^2 + C \times (1+K)^2 \times K = C \times (1+K)^2 (1+K) = C \times (1+K)^3$

Худди шу тартибда давом этсак, **n** -чи йил охиридаги даромад миқдори:

$$Д = C \times (1+K)^n$$

га тенг бўлади. Бу ерда, **n** – йиллар сони ва **Д** – жами даромад.

Бу кўринишдаги фойдани дисконтлаш формуласи келажакдаги пул маблағлари тушуми миқдорини ҳозирги пайт нуқтаи назаридан аниқлаш учун қўлланилади. Инвестор бирор бир ишга маблағ жалб қилишда икки ҳолатни назарда тутиши лозим. Буларнинг биринчиси, вақт ўтиши билан пулнинг ўз қувватини йўқотиши, иккинчиси, капитал бўйича кўзда турилган миқдордаги доимий фойданинг мавжуд бўлиши. Демак, у келажакда қандай фойда олишини ва ушбу ишга кўпи билан қанча маблағ жалб қилиши мумкинлигини билиб олиши зарур. Масалан, банк йилига
60 фоиз фоиз ставкасини таклиф қилаяпти. Уч йилда ҳисоб рақамида **100** минг сўм бўлиши учун қанча миқдордаги бошланғич қўйилма лозим бўлади?

Масаланинг ечимини қуйидагича ҳисоблашимиз мумкин:

$$C = \frac{100\,000}{(1 \pm 0{,}6)^3} = \frac{100\,000}{4{,}096} = 24414 \text{ сўм}$$

Демак, агар ушбу банкдаги ҳисоб рақамига **24414** сўм қўйилса, уч йилдан сўнг ҳисоб рақамингизда **100000** сўм ҳосил бўлар экан. Ушбу формуладан фойдаланиб, қуйидаги турдаги масалани ҳам ечиш мумкин. Фараз қиламиз, бизда **100** минг сўм бор ва мақсад, уни тўрт йилда бир миллион сўмга етказиш. Қандай катталикдаги фоиз ставкаси таклиф қиладиган банккка пул қўйган маъқул? Бу масалани ечиш учун яна юқорида келтирилган ифодадан фойдаланилади. Ундан **n** - ни топиш формуласини келтириб чиқариб, оддий ҳисоб - китобни амалга оширамиз ва натижада қуйидагига эга бўламиз:

$$n = \sqrt[n]{Д / С} - 1 = (1\,000\,000/100\,000) - 1 = 1{,}8 - 1 = 0{,}8$$

Демак, йилига **80** фоиз ёки ундан ортиқ фоиз ставкаси таклиф қиладиган банк, инвестицион фонд ёки инвестицион компанияни рўёбга чиқара олади. Лекин, бу мақсадни амалга ошириш учун

битта кичкина муаммони ҳал қилиши лозим, яъни, ортиқча 100 000 сўмни топиш ва у билан банкка бориш.

7.4. Молиявий ресурслар ҳаракати ва капитални бошқариш усуллари

Капитал айланиши жараёнида ва товарларнинг сотилиши сабабли қўшимча капитал ҳосил бўлиб, у янги ҳосил қилинган маблағлар кўринишини олади. Ушбу пул маблағларини яна ишга тушириш мумкин ва бунда улар корхона харажатларини қоплаш учун ишлатилади. Шундай қилиб, капитал ва молиявий ресурслар доимий ҳаракатда бўладилар. Молиявий бошқарувнинг (менежементнинг) асосий вазифаси ва пировард мақсади ушбу доимий ҳаракатни бошқаришдир Бу вазифа молиявий механизм орқали амалга оширилади. Ушбу таъсир бошқарув усуллари деб аталади ва уларга қуйидагилар кириши мумкин:

- ҳисоб - китоб ва унинг усуллари;
- кредитлаш ва унинг турлари;
- депозитлар ва қўйилмалар;
- валюта бўйича операциялар;
- суғурталаш;
- трансферт операциялар;
- траст операциялари;
- ижара;
- лизинг;
- селенг;
- инжиниринг;
- транстинг;
- фрэнчайзинг;
- эккаунтинг.

Ҳисоб - китоб ва унинг усуллари қуйидагилардан иборат:

♦ нақд ҳисоб - китоб - пул билан тўғридан - тўғри ҳисоб - китоб қилиш, дебет ва кредит карточкалари орқали ҳисоб - китоб қилиш;

♦ Нақд бўлмаган ҳисоб - китоб - тўлов топшириғи, тўлов талабномаси, инкасса, ҳужжатли аккредитив ва чеклар орқали ҳисоб - китоб қилиш.

Кредит карточкалар (**card of credit**) банклар томонидан чиқарилган ва ундаги маблағ эгаларининг сотиб олган товар ва хизматларининг тўловини амалга ошириш учун мўлжалланган электрон пул муомаласи воситаси.

Дебет карточкалари банк томонидан берилиб, маблағ эгаларининг сотиб олган товар ва хизматлари тўловини амалга ошириш ва банкоматлардан нақд пул олишларда қўлланилади.

Инкасса - банк операциясининг бир тури бўлиб, банк ўз мижозининг талаби билан тегишли ҳужжатлар асосида тўловчидан унга юборилган товарлар ёки кўрсатилган хизматлар учун пул ундириб (ёки уни тўлашга ваъда олиб), уни мижознинг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказиб қўяди.

Аккредитив - (**accreditive - ишончли**) банкнинг шартли пул бериш масъулияти бўлиб, ҳаридор талаби билан сотувчи фойдасига берилади. Банк ушбу ҳужжат ёрдамида унда ҳисоб рақами очган сотувчи фойдаси учун ҳисоб - китобни, агарда аккредитив томонидан назарда тутилган тегишли ҳужжатлар мавжуд бўлса, амалга ошириши мумкин. Унинг бошқача номи «ЛС тизими бўйича ҳисоб - китоб» деб ҳам аталади (аккредитивнинг инглизча номи **letter fo credit**). Аккредитивлар пулли ва ҳужжатли турларга бўлинади. Пулли аккредитив номланган ҳужжат тури бўлиб, эмитент - банк томонидан бошқа банкка йўналтирилган ва ҳаридорга пул маблағини тўлаш ҳақидаги буйруқни ўз ичига қамраб олади. Хисоб - китоблар учун ҳужжатли аккредитив тури ишлатилади.

Аккредитивлар қуйидаги асосий турларга бўлинади:

♦ чақириб олинадиган ва чақириб олинмайдиган;
♦ тасдиқланган ва тасдиқланмаган;
♦ ўтказиладиган (трансферабель кўринишдаги аккредитив);
♦ револьверли (янгиланадиган аккредитив);
♦ таъминланган ва таъминламаган аккредитив.

Чақириб олинадиган аккредитивда у сотувчи билан келишмасданоқ, банк томонидан ўзгартирилиши ёки рад қилиниши мумкин. Шунинг учун ҳам ҳар бир аккредитивнинг тури аниқ кўрсатилиши лозим.

Чақириб олинмайдиган аккредитив эса сотувчининг розилигисиз ўзгартирилиши ёки рад қилиниши мумкин эмас.

Тасдиқланган аккредитивлар бошқа банк томонидан қўшимча равишда тўлов кафолотини олган аккредитивлардир. Аккредитивни тасдиқлаган банк, агарда эмитент - банк тўлашдан бош тортса, аккредитив шартларига мос келадиган ҳужжатлар бўйича тўлаши лозим. Бундай кафолотга эга бўлмаган аккредитив турлари **тасдиқланмаган аккредитивлар** деб аталади.

Ўтказиладиган трансферабел - аккредитив бир қанча корхоналар (ёки тўловчилар) томонидан ишлатила олинадиган аккредитив турларидир.

Револьверли (янгиланадиган аккредитив) доимий йўсинда амалга ошириладиган қисқа муддатли ва ҳажмли товар етказиб беришда қўлланиладиган аккредитив турларидир. Ушбу муддатлар ва маблағ миқдорлари тегишли график бўйича мавжуд контрактда назарда тутилиши мумкин. У тўловнинг барча миқдорига нисбатан очилмайди, балки унинг маълум бир қисмига очилиб, товарларнинг кейинги партияси/тўплами учун тўлов муддати келганда автоматик равишда янгиланади.

Таъминланган аккредитив шундай турдаги аккредитивки, бунда эмитент - банк тўловчининг ҳисоб рақамидаги барча маблағни ёки у олган кредитни аккредитив ҳисоби учун ишлата олади. Таъминламаган аккредитив бундай ҳусусиятга эга эмас.

Чеклар қимматбаҳо қоғозлар турига мансуб бўлиб, уларни қоплаш учун чек берувчи томонидан алоҳида ҳисоб рақамида ажратилган маблағ ёки унинг ўз ҳисоб рақамидаги маблағлар ишлатилиши мумкин. Чеклар номланган (яъни, бирор - бир шахс номига ёзилган) ёки кўрсатувчи учун берилган (яъни, номсиз) ёки ордерли (яъни, бир одам фойдасига ёки бирор шахснинг буйруғи билан) бўлиши мумкин. Чек эгаси (**индоссант**) уни янги шахсга

(**индоссатга**) индоссаменент орқали бериши мумкин. Демак, қайси бир томонлари билан бундай чек векселга ўхшаб кетади. Индоссамент деб чекнинг орқа томонидаги махсус ёзувга айтилади. Чекни тўлашга кафолот бериш **авал** деб аталади.

Кредитлаш икки хил бўлиши мумкин:

1. Молиявий кредит - бунда пул маблағлари тўғридан - тўғри талаб қилувчига берилади.

2. Пул тўловлари кўринишидаги кредит, бунда тўлов кечиктирилиши мумкин.

Таъминланилган қарз бериш уч тургa бўлиниши мумкин: А)

Вексел эвазига,

Б) Маҳсулот эвазига,

В) Фонд эвазига (қимматбаҳо қоғозлар кафолоти билан), Г)

Ипотекали (кўчмас мулк эвазига).

Қарзнинг узилиши эса бир маротаба бадал тўлаш орқали амалга оширилиши ёки кечиктирилган ҳолда бўлиши мумкин.

Қарз олувчиларнинг турлари ва ишлатилиш соҳаларига қараб **молиявий кредитни иккига** бўлиш мумкин:

♦ банклараро кредит, бунда қарздор сифатида банклар иштирок қиладилар;
♦ коммерция қарзи, бунда кредит савдо - сотиқ мақсадлари учун берилади ва қарздор сифатида ташкилот, ҳиссадор/акционерлик жамияти ёки бошқа хилдаги корхоналар бўлиши мумкин.

Кредитларни кўпинча банклар беришига қарамай, уни алоҳида ташкилотлар ҳам бериши истисно этилмайди. Бунда уларда эркин пул маблағлари бўлиши лозим. Бундай турдаги ташкилотларга суғурта компаниялари, инвестицион фондлар, селенг компаниялар, траст компаниялар ва бошқалар кириши мумкин. Кредит олиш,

унинг тартиби, ҳужжатлари ва уни қайтариш шарт - шароитлари кредит шартномаси билан аниқланади. қарз олувчи кредит олиш учун банкка ёки тегишли ташкилотга (кредиторга) ариза билан биргаликда керакли ҳужжатларни тайёрлаб, топширади. Унда кредит олишнинг мақсади, унинг қиймати ва муддати кўрсатилади. Талаб қилиниши мумкин бўлган ҳужжатларнинг турлари ва маъноси кредитор томонидан аниқланади. Ҳужжатларни қабул қилиб олаётган вақтда кредитор қарз олувчининг кредит олишга лаёқатлилигини ва унинг тўлов қобилиятини, кредитни ўз вақтида қайтара олишини, унинг устама фоизларни тўлашга қобилияти бор ёки йўқлигини текширади. Буни амалга оширишнинг ҳар бир кредитор томонидан аниқлаб қўйилган хилма хил усуллари бўлиб, улар қаттиқ сир тутилади.

Кредит беришнинг асосий томонларидан бири унинг таъминланувидир. Кредит таъминлануви товар - материал бойликлар, кўчмас мулк, қимматли қоғозлар ва келажакда ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажми билан ўлчаниши мумкин.

Кредитнинг олувчига берилиши ҳам хилма - хил усулларда амалга оширилиши мумкин. Масалан, уларнинг асосий турлари - зудлик билан бериладиган қарз, контокоррект кредит, онкол деб аталадиган кредитдир. Зудлик билан бериладиган қарз - кредитнинг оддий тури бўлиб, бунда банк қарз олувчининг ҳисоб рақамига керакли миқдордаги маблағни ўтказади ва кредит муддати тугаганидан сўнг, қарздор бу маблағни кредиторнинг ҳисоб рақамига қайтаради. Контокоррект кредит беришда қарздор учун банкда махсус контокоррект ҳисоб рақами очилади (бу сўз итальянча **чонто чорренте** сўзидан олинган бўлиб, бу ҳисоб рақамида банкнинг мижоз билан ўтказилган барча операциялари ҳисобга олинади). Демак, бунда кредит олувчининг ушбу маблағни ишлатиш жараёни назоратда бўлади. **Онкол кредит** (инглизча **- On call -** талаб қилингунча бериладиган қарз) қисқа муддатли кредит бўлиб, кредиторнинг биринчи талаби бўйича қайтарилиши лозим. Бу турдаги кредит кўпинча қимматли қоғозлар ёки товарлар учун берилади. Бунда банк қарз олувчига ундаги қимматли қоғозлар ёки товар моддий бойликларни гаровга қўйган ҳолда махсус ҳисоб рақами очади ва ўша маблағ миқдорига мос равишда унинг ҳисобларини тўлайди. Кредит тўлови банкнинг биринчи талаби

бўйича қарздорнинг ҳисоб рақамига тушган маблағлар ҳисобига ёки гаровга қўйилган қиммали қоғозлар ёки товар - моддий бойликларни сотиш ҳисобига амалга оширилади. Кредитнинг қайтарилиши ва унинг таъминлануви нуқтаи - назаридан онкол кредити банк активининг кассадаги нақд пулдан кейинги иккинчи ўринда турадиган ликвидлик даражасига эга. Агар кредит кўчмас мулкни гаровга қўйиш орқали олинса, уни ипотекали кредит деб аталади. Бундай турдаги кредитлар ипотека банклари томонидан берилади. Бундай кредит катта миқдордаги капитал сарф - харажатларни қоплаш учун қўлланилади. Масалан, янги қурилиш амалга оширилаётганда қурилиш объекти гаров сифатида бўлади. Объектнинг қурилиш босқичлари билан ҳамоҳанг равишда ҳам кредит берилиши мумкин. Масалан, тадбиркор ерни сотиб олади ва уни фундамент учун гаровга қўяди, фундамент битганидан сўнг уни гаровга қўйиб, кейинги босқич учун кредит олади ва ҳоказо.

Кредитнинг ҳисоб - китоб усули сифатида ишлатганда унинг қуйидаги турларини келтиришимиз мумкин:

- фирма кредити;
- векселли кредит;
- омилинг.

Экспорт - импорт операциялари амалга оширилганда кредитнинг қуйидаги турлари қўлланилиши мумкин:

- форфетлаштириш;
- очиқ ҳисоб рақами бўйича кредит бериш;
- овердрафт.

Фирма кредити - кредитлашнинг анъанавий усули бўлиб, бунда товар берувчи ёки хизмат кўрсатувчи ҳаридорга тўловни кечиктириш шаклида кредит беради.

Векселли кредит - банк вексел эгасига векселнинг тўлов муддати тўлмасданоқ уни сотиб олиш кўринишида вексел кредити беради. Векселнинг эгаси банкдан векселда кўрсатилган миқдордаги маблағни (албатта, учет ставкаси, комиссион тўлови ва бошқаларни чегирган ҳолда) олади. Томонлар тўлов муддатларини кечиктиришлари мумкин (яъни, векселни пролонгация қилишлари

муддатини чўзишлари мумкин). Пролонгация жараёни уч хил усулда амалга оширилиши мумкин - тўғри, оддий ва билвосита. Тўғри пролонгацияда томонлар векселда имзолар билан тасдиқланган тегишли ёзувлар ёзадилар. Оддий пролонгацияда эса бундай ёзув қилинмайди. Билвосита пролонгацияда эски вексел муомаладан чиқарилиб, унинг ўрнига янгиси тузилади. Масалан, векселнинг номинал баҳоси 10 миллион сўм. Агар уни банк вексел бўйича тўлов амалга ошишидан 6 ой олдин сотиб олса, учёт фоизи 0,5 миллион сўм бўлади, учет ставкаси эса йилига 10 фоиз бўлади, яъни

((10 - 9,5)/10 x 6) x 12 x 100 10 %.

Учет ставкалари банклар томонидан аниқланилиши ёки давлат томонидан кўрсатилиши мумкин.

Оффшор операциялари - (инглизча **off - shore** сохилдан олис масофада жойлашган, мамлакат ҳудудидан ташқарида). Капитални экспорт қилаётганда оффшор операциялари жуда муҳим аҳамият касб этади. Оффшор операциялари - «офф - шор» молиявий марказларида амалга ошириладиган банк операциялари турига киради. «Офф - шор» молиявий марказлари шундай турдаги ҳудудларки, уларда асосий тадбиркорлик фаолияти халқаро молиявий операциялардир. Уларни ўзига хос молиявий «фискал оролча»лар деб ҳисобласа ҳам бўлади ва улар сохилларда, ҳамда халқаро туризм ривожланган ҳудудларда жойлашган бўлади. Ушбу дунё миқёсидаги молиявий марказларда жойлашган молия - кредит муассасалари бошқа мамлакатлар валютасидаги операцияларни амалга ошира олади ва бунда маълум бир енгилликлар мавжуд бўлади. қарзга олинадиган капиталнинг ички бозори халқаро (ташқи) бозордан резидентларнинг ҳисоб рақамларини норезидентларникидан ажратиш йўли билан алоҳида ҳолда юритилади ва уларга турлича солиқ имтиёзлари берилиб, улар валюта назоратидан озод қилинади ва ҳоказо. Бундай турдаги халқаро молиявий марказлар валюта операциялари юргизиш учун жуда қулай бўлади, чунки бунда бу иш билан шуғулланувчи кимсаларга маълум бир қулайликлар яратилади. Масалан, ҳозирги даврда қуйидаги «офф - шор» марказлар мавжуд: Барбадос, Бермуд ороллари, Гонконг, Антил ороллари, Багом ороллари, Виржин

ороллари, Делавер, Ғарбий Самоа, Панама, Сингапур, Лихтенштейн, Швейцария ва ҳоказолар. Бу давлатларнинг қонунчилиги тижорат ташкилотларини солиқдан озод қилишни кўзда тутади ёки уларни озгина миқдордаги паушал туридаги солиққа (олдиндан аниқланилган миқдордаги солиқ катталиги) тортилишини назарда тутади. Масалан, Швейцарияда озгина миқдорда ўрнатилган солиқ миқдори баъзи бир ҳолларда умуман олинмаслиги ҳам мумкин. Офф - шор марказларида ташкил қилинган тижорат фирмалари «офф-шор компаниялари» номини олган. Уларда бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисобот тайёрлаш учун бўлган талаблар энг содда кўринишда ёки баъзи бир ҳолларда булар талаб қилинмайди ҳам. Масалан, Антил ороллари, Норманд ороллари, Либерия, Лихтенштейн ва Панамадаги офф - шор компанияларидан бухгалтерия ҳисобини юритиш умуман талаб қилинмайди. Офф - шор компанияларига, унинг иштирокчиларига ва компания молиявий фаолиятига тўла эркинлик берилган. Улар жаҳон миқёсида ҳар қандай турдаги молиявий ва савдо - сотиқ операцияларини амалга ошира оладилар. Офф - шор компанияларнинг афзаллиги тез ва осон савдо келишувларини тузиш мумкинлиги, сотувчи ва ҳаридорнинг валюталари асосида халқаро молиявий операциялар ўтказиш имконияти борлиги, савдо келишувлари билан боғлиқ ҳамма сарф - харажатларни тезда тақсимлаб, у билан боғлиқ муаммолардан озод бўлиш мумкинлиги, аноним ҳаридор ва сотиб олувчилар орасида ўзаро келишувлар мумкинлиги, лицензия ва рухсатномалар олиш жуда осонлиги ва шунга ўхшаш ҳолатларни амалга ошириш соддалаштирилганлигидир. Офф - шор компаниялар жуда паст нархларда қайд қилиниши (баъзи ҳолатларда телефон орқали ҳам) ёки сотиб олиниши мумкин

Суғурта қилиш - фуқароларнинг ёки ташкилотларнинг мулкий муносабатларини маълум бир кўзда тутилмаган/тутилган ҳодисалар юз берган тақдирда ҳимоя қилишнинг асосий турларидан бири бўлиб, бу ҳимоя улар томонидан маълум муддатда

- тўланган суғурта маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Суғуртанинг қуйидаги асосий турлари мавжуд:

- ♦ шахсий суғурта;
- ♦ мулкий суғурта;

- жавобгарлик бўйича суғурта;
- суғурта қилинишни суғурталаш.

Шахсий суғуртага қуйидагилар киради:

- касаллик суғуртаси;
- баҳтсиз ҳодисалардан суғурта;
- тиббиёт суғуртаси;
- ҳаёт суғуртаси ва бошқалар.

Мулкий суғурта турига мисол қилиб қуйидагиларни келтириш мумкин:

- транспорт воситаларининг суғуртаси;
- ҳаво транспорти суғуртаси;
- сув транспорти суғуртаси;
- ташиладиган мулк суғуртаси;
- молиявий таваккалчилик суғуртаси ва бошқалар.

Жавобгарлик бўйича суғурта қуйидагиларни ўзига қамраб олиши мумкин:

- транспорт эгаларининг жавобгарлиги суғуртаси;
- кредит берган ёки олганларнинг масъулияти суғуртаси;
- бошқа хил турдаги жавобгарликлар суғуртаси.

Юқорида кўрсатилган ҳар бир суғурта турига монанд қонунлар ёки кўрсатмалар туркуми мавжудки, уларни яхши билиш ва тушуниш тадбиркорнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда катта аҳамиятга эгадир. Суғурта икки томон орасида тузиладиган шартнома асосида амалга ошади. Кредит суғуртасини эса уч томонлама тузган мақсадга мувофиқ, яъни, банк - қарз олувчи - суғурта агентлиги. Ушбу шартнома бўйича суғурта компанияси ўз зиммасига суғурта қилинган ҳолат рўй берган тақдирда етказилган зарарни шартномада кўзда тутилган ҳолда қоплаш мажбуриятини олади. Суғурта шартномасига баъзи бир шарт - шароитлар киритилиши мумкинки, уларни «клаузула» (**clausula** - лотинча) деб аталади. Улардан бири «франшиза» (**franshiza** - французча - енгиллик) бўлиб, суғурта қилувчи компанияга зарар етган маълум

бир катталикдан ошиб кетмаган тақдирда уни қопламаслик ҳуқуқини беради. Франшиза шартсиз ёки шартли бўлиши мумкин. Унинг қандай кўринишда эканлиги суғурта полисидаги махсус клаузулалар шаклида келтирилади. Масалан, компаниянинг суғурта шартномасида «1,5 миллион сўмдан озод этилган ва зарар 1,4 миллион сўм деб ёзилган бўлса, (яъни, франшиза миқдоридан кам бўлса), у қопланмайди. Агарда зарар 1,6 миллион сўм бўлганда эди (яъни, франшиза миқдоридан кўп бўлса), у тўла миқдорда қопланарди.

Хежлаштириш - (инглизча - ҳимоя қилмоқ, тўсиқ) банк, биржа ва тижорат амалиётида валюта таваккалчилигидан суғурта қилинишнинг ҳар хил усулларини англатади. Курслар (баҳолар) ўзгаришидан суғурта қилиниш учун хизмат қиладиган контракт
«хеж» деб аталади (инглизча **hedge** - ҳимояланган, ўралган жой). Хеджлаштирувчи ташкилот ёки шахс эса «хежер» деб номланади. Хеджлаштириш операцияларининг икки тури мавжуд:

- ♦ кўтарилишга нисбатан хеджлаштириш;
- ♦ камайишга нисбатан хежлаштириш.

Кўтарилишга нисбатан хежлаштириш усули келажакдаги курс (нарх) кўтарилишига нисбатан ҳимояланиш (суғурта қилиниш) лозим бўлгандагина қўлланилади. Масалан, товарнинг нархи (валютанинг курси ёки қимматли қоғозларнинг баҳоси) тўрт ойдан сўнг бир қанча миқдорга ошиши аниқ ва ушбу товар бизга тўрт ойдан кейингина керак бўлади деб фараз қилайлик. Фараз қилинаётган ўзгаришлар туфайли кўриладиган зарарнинг олдини олиш учун, ушбу товар билан боғлиқ контрактни бугунги нархларда сотиб олиш лозим бўлади ва уни (контрактни) тўрт ойдан сўнг, товар сотиб олинаётганда керакли субъектга сотиш лозим бўлади. Товар ва у билан боғлиқ контрактнинг баҳоси бир йўналишда ўзгарганлиги учун (яъни кўпайганлиги), олдиндан сотиб олинган контрактни товарнинг нархи ҳозирги давргача қанчага ўзгарган бўлса, шунча миқдорга сотиш мумкин бўлади. Шундай қилиб, «хежер» келажакда нархлар ўсишидан ўзини ҳимоя қилган бўлади. **Камайишга нисбатан хежлаштириш** контрактни сотиш билан боғлиқ биржа операцияси ҳисобланади. Бунда хежер келажакда ўз товарини сотишни режалаштиради ва шунинг учун

ҳам биржада контрактни ёки опционни сотиш билан ўзини келажакдаги нархлар тушиб кетишидан ҳимоялайди (суғурта қилади). Масалан, товарнинг (валютанинг курси ёки қимматли қоғозларнинг баҳоси) уч ойдан сўнг бир қанча миқдорга камайиши аниқ ва ушбу товарни уч ойдан кейингина сотиш мумкин, деб фараз қилайлик. Келажакда бўлиши мумкин бўлган зарарнинг олдини олиш учун хежер бугунги кунда баланд баҳоларда бўлган контрактни сотиб юборади уч ойдан сўнг худди шундай контрактни олдингидан пастроқ бўлган нархларда қайта сотиб олади. Шундай қилиб, камайишга нисбатан ҳежлаштириш товарни кечроқ сотиш мўлжалланганда, қўлланилади. Демак, хежер бозорда баҳоларнинг ноаниқлиги туфайли келиб чиқадиган таваккалчиликлардан контрактларни ҳарид қилиш ёки сотиш орқали қутулиш (ёки таваккалчиликни камайтириш) учун ҳаракат қилади.

Гаровга бериш операцияларини амалга ошириш қуйидаги асосий ҳолатлар билан боғлиқ:

1. Мол - мулк учун гаров ҳуқуқи ушбу мулкни ҳарид килган янги ҳаридорга мулк билан биргаликда ўтади;

2. Кредитор - гаровга олган томоннинг талаблари бажарилиши учун кафолат бўлиб, қарздорнинг мол - мулкигина хизмат қилади;

3. Қарздор гаровга олган томоннинг талаблари бажарилишини таъминламаганда, гаров ҳуқуқини бошқа субъектга ўтказишга ҳақлидир;

4. Гаров мулкнинг турларига нисбатан қўлланилиши мумкин. Мулкий муносабатлар ҳам гаров предмети бўлиши мумкин.

Гаров жавбобгарликни таъминлаш усулидир. Унда кредитор қарши томон ўз масъулиятларини бажармаган тақдирда гаровга қўйилган мулк асосида ўз талабларини қондира олади. Гаровга бериш операциялари ҳам махсус шартнома асосида амалга оширилади.

Ипотека - (грекча **Hypoteke -** гаровга олмоқ) кўчмас мулкни гаровга қўйиш орқали кредитор - гаровга олганнинг маълум миқдордаги маблағга бўлган талабини таъминлашни билдиради.

Кўчмас мулк - ер майдони, иншоотлар, ускуналар ва шунга ўхшаш ер билан шундай узвий боғлиқ асбоб - ускуналарки, уларни катта миқдорда зарар етказмасдан ердан ажратиш мумкин эмас. Корхонани гаровга қўйиш ҳам ипотеканинг бир тури ҳисобланади. Маблағларни кўчмас мулк сотиб олиш йўли билан инфляциядан қутқариш мумкин, чунки уларнинг нархи кўпинча доимий равишда ўсиб боради.

7.5. Молиявий бошқарув усулларининг тадбиркорликда қўлланилиши

Омилинг - (инглизча **factor** - воситачи сўзидан олинган) савдо - комиссион операцияларнинг бир тури бўлиб, айланма маблағларни кредитлаш билан боғлиқ. Омилинг ҳаридорнинг дебиторлик қарзларини инкасса қилиш бўлиб, қисқа муддатли кредитлаш ва воситачилик фаолиятининг бир туридир. Омилинг ўз ичига қуйидагиларни олади:

а) харидорнинг дебиторлик қарзларини ундириш (инкассалаш);

б) унга қисқа муддатли кредит бериш;

в) уни операциялар бўйича кредит олиш билан боғлиқ таваккалчиликдан озод қилиш.

Омилингнинг асосий мақсади шартнома орқали аниқланган маблағларни зудлик билан ёки маълум бир муддат мобайнида олишдир. Натижада сотувчи ҳаридорнинг тўлов қобилиятига боғлиқликдан қутулади.

Банк ҳаридор билан молиявий қийинчиликлар юзага келган пайтда тўловларнинг кафолоти ҳақидаги шартнома тузади. Худди шундай шартнома ҳаридор ва сотувчи билан ҳам бир вақтда тузилиши мумкин. Ушбу ишни банкнинг омилинг бўлими бажаради. Омилинг бўйича сотувчи ва банк орасидаги

муносабатлар шартнома орқали бошқарилади. Шартнома тузишдан олдин банк сотувчи ва ҳаридорнинг тўлов қобилиятини маълум бир усуллар асосида текширади ва бунинг асосида омилинг операциялари бўйича имкон бўлган маблағ миқдорини аниқлайди. Демак, худди шу маблағ миқдори доирасида ҳаридорга товар етказиш амалга оширилиши мумкин. Ушбу миқдордан ортиғи катта таваккалчилик асосида бўлиши мумкин. Бу маблағ доирасида банк сотувчига ҳаридор номидан тўловларни амалга ошириб туради. Шартнома очиқ ёки ёпиқ (конфиденциал) бўлиши мумкин. Очиқ шартномада дебитор ўзининг омилинг операциясида иштирок қилиши тўғрисида маълумот беради, ёпиқ турдаги шартномада эса дебиторларга омилинг шартномаси мавжудлиги ҳақида маълумот берилмайди. **Омилинг қуйидагича амалга оширилади.**

Банк ёки омилинг билан шуғулланувчи ташкилот сотувчидан ҳаридорнинг дебиторлик қарзини сотиб олади (албатта, ўзи учун иложи борича фойдали шарт-шароитларда) ва сотувчига ҳаридор қарзининг 70 - 80 фоизини 2 - 3 кун ичида тўлашни амалга оширади. Қолганини эса шарт - шароитга мувофиқ равишда бир қанча муддатдан сўнг тўлайди. Энди банк ёки омилинг билан шуғулланувчи ташкилот ҳаридордан қарзни ундириб олиш ҳуқуқига эга бўладилар. Улар ҳаридорнинг қарзини арзонга сотиб олганликлари туфайли унинг ҳақиқий қийматини ундирганда маълум миқдорда фойда олишга эришадилар. Омилинг хизматининг баҳоси хизмат турига, мижознинг молиявий аҳволига ва бошқа иқтисодий омилларга узвий боғлиқ бўлади. Омилинг учун тўлов миқдорини аниқлаганда томонларнинг кредит фоизи даражаси ва тўлов муддати бўйича келишувлари мавжуд бўлиши керак.

Форфетлаштириш - (французча **a forfay** - тўлалигича, умумий миқдорда) банк ёки молиявий компания томонидан экспортни кредитлашнинг бир тури бўлиб, унда ташқи савдо операциялари бўйича вексел ва бошқа қарздорлик билан боғлиқ ҳужжатлар сотиб олинади. Форфетлаштириш кўпинча жуда қиммат машина ва механизмларни узоқ муддатли (одатда 7 йилгача) кредитлашда қўлланилади.

Форфетлаштириш механизми қуйидагича ташкил қилинади:

Форфетор (банк ёки молиявий компания) экспорт қилувчидан маълум бир дисконт асосида вексел сотиб олади. Дисконт миқдори импортернинг тўлов қобилиятига, кредит муддатига ва ушбу валютадаги бозорий фоиз ставкаларига боғлиқ бўлади. Форфетор экспорт қилувчидан сотиб олинган векселни иккиламчи бозорда сотиши ҳам мумкин. Форфетлаштириш экспорт қилувчини кредит таваккалчилигидан озод қилиб, дебиторлик қарзларини қисқартиради. Форфетлаштириш экспорт қилувчи учун банк кредитига кўра қимматроқ бўлади.

Очиқ ҳисоб бўйича кредит - экспорт - импорт операцияларида очиқ ҳисоб бўйича ҳисоб - китоб маъносини ҳам билдиради. Бундай кредитлар доимий мижозлар (контрагентлар) орасидаги ўзаро ҳисоб - китобларда қўлланилади. Бу усул бир хил товарларни кўп марталаб етказилганда мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин. Унинг маъноси қуйидагича: сотувчи ҳаридорга товарни жўнатади ва унинг манзилгоҳига ушбу товар билан боғлиқ ҳужжатларни ҳам жўнатади. Бунда у қарзни ҳаридор номига очилган ҳисобнинг дебетига йўналтиради. Контрактда келишилган муддатларга асосан, ҳаридор ўзининг очиқ ҳисобдаги қарзини тўлашни амалга оширади. Харидор учун очиқ ҳисоб усули кредит олишнинг ва ҳисоб-китобнинг жуда қулай усулидир, чунки бунда етказилмаган товарни тўлаш таваккалчилигининг олди олинади ва ушбу кредитни ишлатганлик учун ҳеч қандай фоиз олинмайди. Иккала томон галма - галдан сотувчи ва ҳаридор сифатида иш юритса, уларнинг бир - биридан кўнгли қолмайди.

Овердрафт - (инглизчасига - **овефдрафт**) банкдаги мижознинг ҳисоб рақамидаги манфий баланс. Бу қисқа муддатли кредитнинг махсус тури бўлиб, мижозга маълум миқдордаги маблағ унинг банкдаги қолдиғидан кўра кўпроқ катталикда берилади. Демак, бундай операция натижасида манфий баланс ҳосил бўлади, яъни мижоз банкдан қарздор бўлиб қолади (дебит салдоси). Овердрафтнинг максимал миқдори, кредит бериш шарти, уни қоплаш усули ва кредит фоизи ҳақида банк ва мижоз орасида махсус шартнома тузилади. Бу қарзни тўлаш учун мижоз ҳисоб рақамига келиб тушаётган барча маблағлар жалб қилинади. Шунинг учун кредит ҳажми маблағлар келиб тушиши билан ўзгариб боради ва бу уни оддий қарз беришдан фарқлайди.

Депозит - (инглизча **Depositum -** сақлаш учун берилган нарса) пулни ёки қимматли қоғозларни сақлаш учун банкка топширилишини билдиради. Улар банкнинг қарз берилиши мумкин бўлган капитални (фондни) ташкил қилишнинг, омилинг операциялари ўтказишнинг, инвестициялар қилишнинг ва бошқа банк тадбирларининг манбасидир. Шунинг учун ҳам депозит учун банк томонидан маълум миқдорда фоиз тўланади. Депозитлар талаб қилингунича ва маълум муддатга қўйилган бўлиши мумкин.

Аукционлар (ким ошди савдоси) орқали пулни банкка жойлаштириш - ушбу иш республика фонд биржаси томонидан амалга оширилиши мумкин. Бунда банклараро кредитларни, депозит ва тижорат кредитларини жойлаштириш амалга оширилади. Бундай аукционларда фуқаролар ва юридик шахслар иштирок этиши мумкин. Албатта, ушбу аукционда қатнашувчилар маълум бир малака даражасига эга бўлишлари лозим (масалан, брокерлар ва молиявий бозорда ишлай оладиган мутаҳассислар).

Репорт - (французча **report**) бунда қимматли қоғозларнинг ёки валютанинг эгаси уларни биржада кейинчалик маълум муддатдан сўнг юқорироқ нархда (курсда) қайта сотиб олиш мажбурияти билан банкка сотади. Сотув ва қайта сотиб олиш нархи орасидаги фарқ кредит учун тўловни англатади. Ушбу фарқ репорт деб ҳам аталади. Репорт қимматли қоғозлар ёки валютанинг курсини кўтаришга мўлжалланган. Ушбу иш билан валюта курсини кўтаришдан манфаатдор бўлганлар шуғулланадилар.

Депорт - (французча **deport**) репортга қарама - қарши бўлган жараённи билдиради. Депорт қимматли қоғозлар ёки валютанинг курси камайиши ҳисобига фойда олишни назарда тутади.

Валюта арбитражи - валюталарнинг олди - сотдиси билан боғлиқ операция тури бўлиб, валюта курслари орасидаги фарқдан фойдаланган ҳолда маълум миқдорда фойда олишни кўзда тутади. У вақт бўйича, фазо бўйича ташкил қилиниши ва оддий ёки мураккаб кўринишларда бўлиши мумкин. Вақт бўйича валюта арбитражи вақт ўтиши билан валюта курслари ўзгариши оқибатида фойда олишни назарда тутади. Фазовий валюта арбитражи эса берилган валюта курсининг ҳар хил бозорлардаги фарқидан

фойдаланган ҳолда, фойда олишни кўзлайди. Оддий валюта арбитражи икки хил валюта билан ишлашни, мураккаб валюта арбитражи эса бир неча тур валюталар билан ишлашни билдиради.

Фоиз (фоиз) арбитражи - бир неча хил валюта турлари билан иш олиб борадиган корхоналар ўз валюта захираларининг шундай тузилмасини танлаб оладиларки (ёки ўзгартирадиларки), бунда ҳар хил валюталар орасидаги фоиз ставкасида фарқи мавжудлиги сабабли иложи борича кўпроқ фойда олиш имконияти пайдо бўлсин.

ЛИДЗ анд ЛЭГЗ - (инглизча **leads and legs** - ўтиб кетиш ва орқада қолиш) валюта операцияларининг бир тури бўлиб, у молиявий ва бошқа турдаги фойда олиш мақсадида ҳисоб - китоб муддатларини ўзгартириш (тезлатиш ёки чўзиш) билан боғлиқ. Лидз ва легз томонлар орасидаги контракт сифатида ташкил қилиниб, тўлов муддатлари ва шартларини ўзгартиришни кўзда тутади. У ташқи савдода валюта курслари ва фоиз миқдори катта миқдорда ўзгариши кўзда тутилганда, валюта бўйича чегараланишлар бўлиши мумкин бўлганда, солиқ ставкаси ўзгарилиши назарда тутилганда ва шу каби бошқа ҳолларда қўлланилади.

Трансферт (французча - **transfert** - кўчириш, узатиш, ўтказиш) икки хил маънога эга:

1. Бир молиявий ташкилотдан ёки бир мамлакатдан иккинчисига маблағ ўтказиш;

2. Номланган қимматли қоғозларни бир мулкдордан иккинчисига ўтказиш.

Шунинг учун ҳам трансферт операциялари ва трансферт хизматлари деган тушунчалар мавжуд.

Трансферт операциялари пул маблағларини ўтказиш билан боғлиқ операциялардир. Бу хилдаги операциялар ўз таркибига трансферт тўловларини қамраб олади (давлат томонидан фуқароларга тўланадиган барча тўлов турлари - пенсиялар, субсидиялар, ишсизларга тўланадиган тўловлар, болалар учун

тўловлар ва ҳоказо). Валюта трансфертлари ташқи иқтисодий алоқалар билан боғлиқ бўлиб, уларнинг асосида чет эл ташкилотлари ёки фирмалари билан ҳужжатлар орқали тасдиқланмаган ва тегишли равишда аниқланилмаган келишувлар ётади. Масалан, сўмни маркага алмаштириш ҳақидаги «Жентельмен келишуви». Бунда чет эл фирмаси номига бирор - бир Ўзбекистон банкида сўмли ҳисоб рақами очилади, Ўзбекистонга тегишли фирма учун ҳам бошқа бир чет мамлакатда худди шундай валюта ҳисоб рақами очилади. «Жентельмен келишуви»да сўмнинг валютага нисбатан курси олдиндан келишиб олинади. Кейинчалик эса чет эл фирмаси Ўзбекистондаги ҳисоб рақамидан керакли маблағларни ишлатаверади, Ўзбекистонга тегишли фирма эса чет эл банкидаги валюта маблағини ҳам худди шу тарзда ишлатаолади. Шундай қилиб, трансферт операцияларида сўмлар ва валюта маблағлари давлат чегараларини кесиб ўтмайди. Ҳисоб рақами очиш ҳам унчалик зарурий эмас ва масаланинг моҳиятини ўзгартирмайди, чунки томонларнинг ўзаро келишувига биноан Ўзбекистондаги харажатларни Ўзбекистон томони, чет элдаги харажатларни эса чет эл томони тўлаши шартлари олдиндан келишиб олинади. Бундай келишувлар «Ўзаро келишув битимлари» асосида биргаликда фаолият кўрсатаётганда жуда қўл келиши мумкин. **Трансферт хизматлари** қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиши билан янада муҳим аҳамият касб қила бошлади. Трансферт хизматлари, юқорида айтиб ўтганимиздек, қимматли қоғозларни бир мулкдордан иккинчисига ёки қимматли қоғозларга эгалик ҳуқуқини бир шахсдан бошқасига ўтказишдир. Трансферт хизматларидан фойдаланувчилар қимматли қоғозларнинг эмитентларидир. Ушбу ишларни трансферт агентлари ҳам бажаришлари мумкин. Булар жумласига тижорат банкларининг траст бўлимлари, брокерлик ташкилотлари, бўлимлари ва бошқалар киради.

Трансферт хизматлари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- ♦ қимматли қоғозларни марказий депозитарийда сақлаш;
- ♦ депозитарийда қимматли қоғозларнинг ҳисобини олиб бориш;
- ♦ қимматли қоғозларнинг эгаларини қайд қилиш;

♦ олди - сотди шартномалари асосида қимматли қоғозларнинг котировкаси ҳақида тезкор маълумот бериш;

♦ қимматли қоғозларнинг айланиш архивини ташкил қилиш (яъни, уларнинг эгалари алмашиниши тарихини).

Траст операциялари (инглизча **trust** - ишонч, ўз зиммасига олиш, масъулият, жавобгарлик, ишонч бўйича бошқарув) банклар, молия компаниялари ва инвестицион фондларнинг мулкни бошқариш ва шунга ўхшаш бошқа хизматлар билан боғлиқ ишонч операциялари жумласига кириб, улар мижозлар топшириғи билан ва уларнинг талаблари орқали амалга оширилади. Бу турдаги компаниялар кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда катта аҳамият касб этади. Улар эндигина ривожланаётган корхоналарни ўз қарамоғига олиб, уларнинг тезлик билан Ривожланишига олиб келиши мумкин. Траст - компаниялар мустақил ёрдамчи ташкилотлардир. Масалан, траст - компаниялар касалхоналар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, жамоа ташкилотлари, пенсия ташкилотлари, суғурта компаниялари ва бошқа турдаги фондларнинг молиявий маблағларини ўз ҳисобига олиши ва профессионал равишда бошқариши мумкин.

Траст - компаниялар фуқаролар мол - мулкларини бошқалар номига ўтказиш ва самарадор бошқариш хизматини кўрсатиши мумкин. Акционерлик жамиятлари учун траст - компаниялар трансферт бўйича агент сифатида хизмат кўрсата олади. Масалан, бирор - бир акционер жамият устидан назорат ўтказиш учун акцияларнинг эгалари ўзаро келишиб, овоз берувчи траст ёки вотинг - траст (**voting - trust**) ташкил қиладилар. Бу траст ташкилоти барча акциядорлардан уларга тегишли акцияларни олиб, уларнинг ўрнига ўз сертификатларини беради. Акциялар траст - компанияга сақлаш учун топширилади, у эса ўз навбатида сертификат эгаларига дивидендларни беришни ташкил қилади. Шундай қилиб, вотинг - траст ташкилоти акционер жамият устидан ўз назоратини ўрнатади ва уни самарадор бошқаришга ҳаракат қилади.

Аренда/ижара мол - мулкни ишлатиш ҳуқуқини сотиб олишдир. Масалан, бино, хона, жиҳоз, корхона, ер, табиий ресурслар ва бошқа турдаги мол - мулкни аренда/ижарага олиш

мумкин. Бунда бу нарсалар товар мақомини олади. Аренда/ижаранинг моҳияти бир томоннинг иккинчи томонга юқорида келтирилган товар турларини ижара шартномаси асосида, келишилган нархларда ва маълум муддатга беришидир.

Лизинг (инглизча **lease -** аренда) - узоқ муддатли ижаранинг бир тури бўлиб, у асбоб - ускуна, жиҳозларни, транспорт воситаларини, ёки кўчмас ва бошқача турдаги мулк турларини маълум бир муддатга ишлатиш учун беришдир. Бухгалтерия ҳисобида лизингни молиявий ижара турига мансуб деб ҳисобланади.

Лизингнинг икки тури мавжуд:

- молиявий лизинг;
- операцион лизинг.

Молиявий лизинг (**financial leasing**) контрактнинг давом этиш муддатида аренда/ижарага топширилган жиҳоз/мулкнинг тўла амортизация қийматини ёки унинг катта бир қисмини ва арендага берувчи учун фойда тўлашни кўзда тутади. Ижара шартномаси тугагандан сўнг арендатор қуйидагиларни амалга ошириши мумкин:

1. Лизинг объектини аренда берувчига қайтариш;

2. Аренда учун янги шартнома тузиш;

3. Лизинг объектини қолдиқ баҳоси бўйича сотиб олиш.

Лизингда арендага олувчи учун маълум бир мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин. Объектни кўрсатилган муддатда сотиб олиш ёки унга бошқа сотиб олувчини ёки арендага олувчини топиш сингари мажбуриятлар бунга мисол бўла олади.

Операцион лизинг (**оператион леасинг**) мулкнинг амортизация давридан кам бўлган муддатга тузилади. Шундан сўнг объект ўз эгасига топширилади ва у яна арендага берилиши мумкин.

Лизингнинг икки хил усули мавжуд:

- бевосита ёки тўғридан - тўғри лизинг;
- қайтарма лизинг (қайтиб бериш шарти билан).

Бевосита ёки тўғридан - тўғри лизингда лизинг фирмаси ҳарид қилинадиган мулкни 100 фоиз молиялаштиради. Техника воситаси ишлатувчига бевосита келади ва у бутун аренда муддати давомида лизинг фирмаси билан ҳисоб - китоб қилиб боради. Қайтарма лизинг эса олувчининг асосий воситаларини гаровга қўйган ҳолда қўшимча молиявий ресурслар олишни англатади. Унинг моҳияти шундаки, лизинг фирмаси лизинг олувчидан унинг мол - мулкини сотиб олади ва буни унинг ўзига ижарага беради. Бу турдаги лизинг жиҳознинг барча фойдали хизмат муддатига киради ва унга эгалик ҳуқуқи лизинг олувчига ўтишини назарда тутади. Демак, ташкилот бу турдаги лизингда лизинг фирмасига ўз мол- мулкини гаровга қўяди ва натижада молиявий ресурсларга эга бўлади.

Лизинг шартномаси қуйидаги шартлар асосида тузилади:

1. Лизинг муддати асосий фондларнинг хизмат муддатига тенг бўлганда;

2. Лизинг тўлови асосий фондларнинг қийматини, кредит учун фоизни ва комиссион тўловларни ўз ичига олади;

3. Лизингга олинган жиҳоз учун таваккалчиликни (синиш, авария, бузилиш) лизингга олувчи ўз зиммасига олади;

4. Асосий фондлар лизинг фирмасининг мулки ҳисобланади;

5. Лизинг муддати тугагандан сўнг, шартнома асосида асосий фондлар лизинг олувчининг мулки бўлиб қолади.

Маҳсулот етказиб берувчилар учун лизинг фирмалари билан ҳамкорлик қилиш маҳсулот бозорининг кенгайишига ва янги илғор технологияларни ишлатишга имкон беради, бу эса ўз навбатида корхонанинг молиявий барқарорлигини ва кредитга лаёқатлилигини оширади.

Селенг - лизингнинг бир тури бўлиб, унинг қўлланилиши бирлашган Европа лизинг жамияти томонидан ишлаб чиқилган қоидалар билан аниқланилади. Селенг икки тарафлама жараён бўлиб, масъулиятнинг махсус усулидир. Бу масъулият ўз навбатида, мол - мулк шартномаси билан боғлиқ ва унда мулкдор ўз мулкини ишлатиш ва бошқариш ҳуқуқини маълум бир миқдордаги тўлов асосида селенг компаниясига беради. Лекин мулкдор ўз мулкининг эгаси бўлиб қолаверади ва ушбу мулкини доимо ҳамда хоҳлаган пайтда қайтариб олиш ҳуқуқига эга бўлади. Селенг компания бундай жалб қилинган мулкларни ва мулкий ҳуқуқларни ўз билганича ишлата олади. Мол - мулк сифатида қуйидаги мулкдорлик ҳуқуқи объектлари ишлатилиши мумкин: пул, қимматли қоғозлар, ер майдонлари, корхоналар, бинолар, жиҳозлар ва ҳакозо. Молиялаштириш нуқтаи – назаридан, селенг компаниялар банк муассасаларига ўхшаб кетади. Фуқаролар кўпинча селенг компанияларга ўз пулларини топширишни афзал кўрадилар. Чунки пулини селенг компанияга топширган шахс унга эгалик ҳуқуқини йўқотмайди. Селенг компания банкларга ўхшаб, захира фонд сифатида ишлатиш учун катта миқдордаги капитални банд қилиб қўймайди. Солиққа тортишда ҳам баъзи бир фарқлар вужудга келади. Шунинг учун ҳам селенгни иқтисодиёт чуқур таназзулга учраган пайтларда қўллаш яхши натижалар беради. Селенг таваккалчилик шароитида тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш учун самарадор механизм ҳисобланади, чунки бунда селенг жуда ҳам муҳтож корхоналарга молиявий ёрдам бериш имконига эга бўлади. Селенг - аҳолидаги ортиқча маблағларни ишлаб чиқаришга жалб қилиш ва иқтисодиётни жонлаштириш учун реал механизмдир.

Инжиниринг (инглизча **engineering**) корхона ва бошқа турдаги объектлар яратиш учун мўлжалланган инженерлик маслахатлари беришдир. Инжиниринг бирор - бир объект қуриш ёки янгилик яратиш учун ажратилган капиталнинг самарадорлигини ошириш учун жуда яхши қуролдир. У хизматлар экспортининг маълум бир усули деб ҳисобланилиши ҳам мумкин (масалан, билимларни бериш, технология узатиш ёки тажриба алмашиниш). Инжиниринг алоҳида техник - технологик изланишларни амалга ошириш, техник - иқтисодий ҳужжатлар тайёрлаш, бизнес - режа ёзиш, лойиҳа билан боғлиқ ҳужжатлар

тайёрлаш, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, технологик жиҳозларни ишлатиш ва тайёр маҳсулотни сотишни уюштириш бўйича амалий ишларни ўз ичига олади.

Инжиниринг хизматларини сотиб олиш бўйича тузилган контракт қуйидаги мажбурият ва шартларни ўз ичига олиши мумкин:

- ♦ мажбуриятлар ва бажариладиган ишлар ҳамда уларнинг бажарилиш муддатлари;
- ♦ ишларнинг бажарилиш графиклари;
- ♦ инжиниринг фирмасида иштирок этувчи мутаҳассислар;
- ♦ уларнинг яшаш шароитлари ва таъминоти;
- ♦ мажбуриятларни бузганлик учун томонларнинг жавобгарликлари;
- ♦ контрактда кўзда тутилган баъзи бир хизмат турларининг бошқа фирмаларга топшира олиш ҳуқуқи ва шарт - шароитлари;
- ♦ лойиҳада иштирок этувчи ҳодимларни ўқитиш ва ўргатиш шартлари;
- ♦ технологик ускуналарни созлаш шарт - шароитлари ва ҳакозолар.

Инжиниринг хизматларининг баҳоси қуйидагилар орқали аниқланади:

1. Мутахассисларнинг вақтбай иш ҳақи;

2. Хақиқий бажарилган ишларнинг ва мукофотларнинг тўлови;

3. Объектнинг нархидан келиб чиққан ҳолда маълум фоизли тўлов;

4. Хизмат ҳақи ҳамда унга қўшимча объектни ишлатишдан тушган фойда фоизи.

Транстинг (лотинча **trans** - нимадир орқали) - тадбиркорлик фаолиятига жалб қилинган бошланғич капиталдан олинган фойдани қимматли қоғозлар бозорига жалб қилган ҳолда

иккиламчи даромад олишни ташкил қилишдир. Транстинг капитал тўплашнинг самарадор усулларидан бири бўлиб хизмат қилади. У қуйидаги ҳолда амалга оширилади:

* фуқаролардан пул маблағлари йиғилади;

* йиғилган маблағга бирор - бир турдаги фойда келтира оладиган ишлаб чиқариш ёки савдо ташкилоти ташкил қилинади;

* ушбу ишлаб чиқариш ёки савдо ташкилоти томонидан олинган фойда ҳисобига ушбу ишда иштирок этаётганлар учун акция ёки бошқа фойда олиш мумкин бўлган қимматбаҳо қоғозлар сотиб олинади. Зарар кўриш эҳтимолини камайтириш учун бир қанча ҳиссадорлик жамиятларини акциялари сотиб олинади.

Шундай қилиб, компания ўзининг бу ишга ажратган маблағидан икки томонлама фойда олиш имконига эга бўлади: бир томондан ишлаб чиқариш ёки савдо ташкилотининг фойдаси улушини ва иккинчи томондан, акцияларга дивидендларни олади.

Франчайзинг - товар белгиларига ёки технологияларга лицензиялар бериш ёки сотиш билан боғлиқ фаолият тури. Бозорда катта обрў-эътиборга эга бўлган фирма (франчайзор) унчалик таниқли бўлмаган фирмага (франчайзиат) ўзининг технологиясини ва товар белгисини ишлатган ҳолда фаолият кўрсатиш ҳуқуқини сотади ва бунинг учун маълум миқдорда ҳак/фойда олади. Демак, франчайзингнинг асосий тамойили франчайзор «ноу - хау»сининг франчайзиат капитали билан биргаликда бўлишига эришишдир. Франчайз - бизнес билан шуғулланишга рухсат берувчи лицензия, маълум бир қийматга эга бўлади. Франчайзор - бошқа фирмага ўзининг товар белгиси асосида иш юритиш ҳуқуқини берувчи фирма бўлиб, у бунинг учун маълум миқдорда компенсация олади. Франчайзиат - франчайзордан унинг товар белгиси асосида фаолият юргизишга рухсат олган фирма. У товар билан боғлиқ сифат стандартларига риоя қилишни ўз зиммасига олиши лозим бўлади.

Франчайзингнинг афзалликлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Мустақил тадбиркор бўла олиш имконияти;

2. Ўз тадбиркорлик фаолиятини ҳамма таниган ва билган товар белгисини ишлатган ҳолда олиб бориш;

3. Таниқли фирманинг маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш усулларидан фойдалана олиш имконияти.

Франчайзиатлар икки вазифани бажарадилар - савдо ташкилоти ташкил қилиш учун капитал етказиб бериш ва савдо корхонаси фаолиятини бошқариш. Уларнинг капитал манбаси эканлиги франчайзингнинг асосий маъносидир.

Франчайзиатлар томонидан қўлланиладиган анъанавий молиялаштириш усули ўз ресурсларини ва банк кредитларини, ҳамда мол - мулкни гаровга қўйиш орқали олинадиган маблағларни жалб қилишдир.

Чет мамлакатларда франчайзингни ташкил қилишдаги анъанавий молиялаштириш усулларига қуйидагиларни мисол сифатида келтириш мумкин:

1. «Кичик бизнесга капитал етказиб берадиган компаниялар» ташкил қилиш. Бундай компаниялар кичик корхоналарга қарз бериши ёки уларга акциялар сифатида капитал жалб қилиши мумкин;

2. Бир қанча савдо корхоналари ташкил қилиш учун масъулияти чекланган жамият кўринишидаги ташкилотлар ҳосил қилиб, уларни франчайзиатларга ижарага бериш;

3. Кўчмас мулкни бошқариш билан шуғулланиш ва франчайзиат томонидан тўҳтатилган тадбиркорлик фаолиятини давом эттириш. Бунда молиялаштириш сифатида кўчмас мулкни ишлатиш хизмат қилади (масалан, ер майдони, жиҳозлар, иншоотлар ва биноларни);

4. Франчайзор ер майдонини сотиб олади ва уни қизиққан шаҳслар ёки ташкилотларга сотади. Ташкилотлар ёки алоҳида шахслар ушбу ер майдонини франчайзорнинг режалари ва шартлари асосида ободонлаштирадилар. Кейин франчайзор бу ободонлаштирилган ер майдонларини ўз корхоналари учун ижарага

олади, улар эса ўз навбатида бу жойларни франчайзиатларга субарендага берадилар;

5. Биргаликда франчайзинг мақсадлари ва йўналишларини тушунтирадиган ва унга бошқаларни жалб қила оладиган реклама компаниясини уюштириш;

6. Франчайзор томонидан бошланғич ва давомий ўқишлар ташкил қилиш;

Шундай қилиб, франчайзинг катта миқдордаги инвесторлар томонидан капитални жалб қилиш воситаси сифатида хизмат қилади. Франчайзингнинг икки асосий тури мавжуд: товар кўринишидаги ва ишбилармонлик йўналишидаги. Агар товар кўринишидаги франчайзингда товар гуруҳларини франчайзордан франчайзиатга сотиш назарда тутилса, ишбилармонлик йўналишидаги франчайзингда франчайз учун маълум бир миқдордаги тўлов талаб қилинади. Франчайзор ўзининг асосий фондларини ижарага бериши ёки фречайзиатни молиялаштириши мумкин ёки ўзининг франчайзиатлари учун товар етказиб берувчи ролини ўйнаши мумкин.

Франчайзорнинг даромадлари бошда тўланган маблағдан ва доимий ўтказилиб туриладиган чегирмалардан ҳосил бўлади. Ундан ташқари франчайзорнинг даромад манбалари қуйидагилар ҳам бўлиши мумкин:

- ♦ франчазиатга кўчмас мулкни ижарага берганлик;
- ♦ кредитлаш;
- ♦ мол - мулкни гаровга бериш;
- ♦ ренчайзиатга маҳсулот ва хизматларни сотиш;
- ♦ маҳсулотларни чакана савдо тармоқларига сотиш;
- ♦ ренчайзиатнинг чакана савдо корхоналарини сотиб олиш ва қайта сотиш.

Эккаунтинг хилма - хил турдаги ва кўринишдаги молиявий маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, классификациялаш, таҳлил қилиш ва тушунарли ҳолда ифодалаш билан шуғулланадиган тадбиркорлик фаолиятининг бир йўналишишдир. Чет мамлакатларда худди шу хилдаги ишни бажариш натижасида

корхоналар учун бизнес - маълумотномалар тайёрлаб берадиган кўпгина фирмалар мавжуд. **Бизнес - маълумотнома** корхонанинг тўлов қобилияти, кредитга лаёқатлилиги, молиявий аҳволини аниқлашга имкон яратиб, улар учун ҳар хил таваккалчиликларни ҳисобга олишга асос ҳосил қилади.

Бизнес - маълумотнома қуйидагиларга имконият яратади:

♦ ушбу ташкилот билан ишлаш мақсадга мувофиқ ёки йўқлигини аниқлашга имкон беради;

♦ ишончсиз мижозларга қарз ва кредит беришдан эҳтиёт бўлишга чақиради;

♦ бошқа фирмалар билан алоқаларни тўғри ташкил қилишга имкон яратади;

♦ потенциал мижозлар, товар етказиб берувчилар, рақобатчилар ва ҳамкорларнинг молиявий барқарорлигини аниқлашга имкон бериб, улар билан мулоқот қилишдаги таваккалчилик даражасини аниқлашга пойдевор яратади.

Бизнес - маълумотнома қуйидаги кўринишда тайёрланилиши мумкин:

♦ оддий - бу маълумотномада фирма ёки ташкилот ҳақида умумлашган кўринишдаги маълумотлар мавжуд бўлади ва у мулоқот қилинадиган корхона дастлабки танишишда қўл келади;

♦ Тўлиқ - бу кўринишдаги маълумотномада ташкилотнинг молиявий ва тадбиркорлик фаолиятини ёритувчи барча мумкин бўлган маълумотлар келтирилади.

Бизнес - маълумотноманинг иккала тури ҳам қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Тезкор молиявий маълумотлар ва корхона баланси. Бу бўлимда ташкилотнинг молиявий аҳволини кўрсатувчи нисбий катталиклар ҳам келтирилиши зарур;

2. Корхонанинг молиявий барқарорлигини ва тадбиркорлик фаолиятини юргизишдаги таваккалчиликни аниқлайдиган кўрсаткичи фирма томонидан махсус ишлаб чиқилган рейтинг

ёрдамида ташкилотнинг қандай ишлаётганини яққол кўрсатиб беради;

3. У ёки бу мижозга берилиши мукин бўлган кредит миқдорини аниқлаш учун қўлланилиши мумкин бўлган тавсиялар, унга чегирма бериш мумкинми ёки бу ишни қилмаслик мақсадга мувофиқми ёки йўқлигини аниқлашга имкон беради;

4. Фирма томонидан тўловларни ўз вақтида тўлаш қандай амалга оширилаётганлиги билиш. Бу хилдаги маълумотлар ташкилотнинг олдинги даврдаги фаолияти асосида олинади.

5. Ташкилотнинг турли тадбирларда иштирок этганлиги ҳақида маълумотлар, судларда ва арбитражларда иштирок қилганми ёки йўқлиги ҳамда шунга ўхшаш корхонани таснифлайдиган бошқа кўрсаткичлар;

6. Компаниянинг тузилиши, унинг тарихи, бошлиқлар ҳақида биографик маълумотлар, филиаллар борлиги ва уларнинг аҳволи, ташкилот мулоқот қилган банклар ва уларнинг фикри, оммавий аҳборот воситаларида фирма фаолиятининг ёритилиши ва бошқалар.

Шунинг учун ҳам эккаунтинг бозор иқтисодиёти шароитида катта зарар келтириши мумкин бўлган молиявий таваккалчиликларнинг олдини олиш учун муҳим тадбирлар мажмуаси бўлиб чиқадики, буни ҳар бир ақлли ҳамда фикрлайдиган тадбиркор тушуниши ва ўз фаолиятида доимий равишда ишлатиши лозим бўлади.

7.6. Тадбиркорликда молиявий таҳлил усуллари

Ташкилотнинг молиявий аҳволи унинг рақобатбардошлигини аниқлаб беради, яъни, ушбу аҳвол билан боғлиқ бўлган кўрсаткичлар мажмуаси унинг тўлов қобилияти, кредитга лаёқатлилиги, молиявий ресурсларни ва капитални ишлата олиши ҳамда ўз мажбуриятларини бажара олишининг умумлашган кўрсаткичидир. Корхонанинг молиявий аҳволини аниқлаш унинг қуйидаги кўрсаткичларини таҳлил қилишни ўз ичига қамраб олади:

- даромадлилик (рентабеллилик);
- молиявий барқарорлик;
- кредитга лаёқатлилик;
- капитални ишлатиш кўрсаткичлари;
- ўз - ўзини молиялаштира олиш;
- валюта билан ўз - ўзини таъминлай олиш.

Корхонанинг молиявий аҳволини таҳлил қилишнинг асоси бўлиб бухгалтерия баланси, унинг иловалари, статистик ҳамда тезкор ҳисобот ва бошқа турдаги ҳисобот маълумотномалари хизмат қилади. Маълумотларни қайта ишлаш усулларини адабиётлар рўйхатида келтирилган китоблардаги тегишли қоидалар ва формулалардан фойдаланган ҳолда ёки мавжуд дастурий таъминот орқали амалга ошириш мумкин. Корхонанинг молиявий аҳволини таҳлил қилиш солиштириш ва гуруҳлаштириш, занжирли қўйиб чиқиш ва фарқларга асосланган усуллар орқали амалга оширилади. Баъзи бир ҳолатларда таҳлил иқтисодий математик усуллар, шу жумладан регрессион ва корреляцион таҳлил, чизиқли ва чиқизсиз дастурлаштириш, тасодифий сонлар ёрдамида моделлаштириш ёки дифференциал тенгламалар ёрдамида амалга оширилиши мумкин.

Солиштириш усули ҳисобот давридаги кўрсаткичларни режа кўрсаткичлари билан солиштириш орқали амалга оширилади.

Гуруҳлаштириш усули информацион материалларни аналитик жадвалларга бирлаштириш орқали ҳаётга татбиқ қилинади. Бу эса, ўз навбатида, солиштириш ва хулосалар чиқариш учун хизмат қилади. Масалан, таҳлил жараёнида ҳар турли иқтисодий жараёнларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш ва омилларнинг ўзаро таъсирини ўрганиш мумкин. Бу эса молиявий жараёнлар ривожланишидаги қонуниятлар ёки тенденцияларни аниқлашга имкон беради.

Занжирли қўйиб чиқиш усули умумий кўрсаткичларга алоҳида омилларнинг таъсирини ўрганиб чиқишга имкон беради. Бу усул иқтисодий кўрсаткичлар орасида функционал боғлиқликни математик модел кўринишида ифодалаш мумкин бўлган ҳолларда ишлатилади. Унинг маъноси шундан иборатки, барча иқтисодий

кўрсаткичларни ўзгартирмаган ҳолда, навбатма - навбат ҳар бир ҳисобот кўрсаткичини базис кўрсаткич билан алмаштирилади ва натижада ҳар бир омилнинг умумий иқтисодий кўрсаткичга таъсирини аниқлаш имконияти яратилади. Бунда олдин миқдорли, сўнгра сифатли кўрсаткичлар таъсири ҳисобланади.

Даромадлилик (рентабеллик)ни таҳлил қилиш

Корхонанинг фойда бериш даражаси мутлақ ва нисбий кўрсаткичлар билан аниқланади. Мутлақ кўрсаткич - фойда ёки тушум миқдори, нисбий кўрсаткич эса рентабеллилик даражасидир. Рентабеллилик ишлаб чиқариш жараёнининг қанчалик фойда бериш даражасини аниқлайди. Ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) билан боғлиқ бўлган хўжалик субъектларининг рентабеллик даражаси (**Р**) маҳсулот (хизмат) сотишдан келган фойданинг (**Ф**) маҳсулот (хизмат) таннархига (**Т**) нисбати билан аниқланади. Яъни

$$Р = (Ф/Т) \times 100\ \%$$

Бу ерда, **Р** - Рентабеллилик даражаси;

Ф - маҳсулот (хизмат) сотишдан келган фойда миқдори;

Т - маҳсулот (хизмат)нинг таннархи.

Корхонани молиявий таҳлил қилганда фойдани ўзгариш динамикаси, рентабеллиликнинг даражаси ва уни аниқлайдиган асосий омилларни ўрганиш амалга оширилади. Соф фойдага таъсир қиладиган асосий омиллар маҳсулотни сотишдан тушган маблағ ҳажми, таннарх даражаси, рентабеллик даражаси, маҳсулот реализацияси билан боғлиқ бўлмаган тушумлар, маҳсулот реализацияси билан боғлиқ бўлмаган сарф харажатлар, фойда солиғи ва бошқа турдаги фойдадан тўланадиган солиқлардир. Хўжалик субъектининг қанчалик самара билан ишлашини унинг бирор бир даврдаги натижаларини режа кўрсаткичлари билан солиштириш орқали амалга оширилади. Агарда иқтисодиётда жуда кучли инфляция жараёнлари юз бераётган бўлса, турли йилларга оид кўрсаткичларни солиштиришда нархларни индексация қилишни амалга ошириш лозим бўлади, чунки шундагина тўғри хулосалар чиқариш мумкин бўлади. Ҳар бир корхона ўзи учун режа

кўрсаткичларини ишлаб чиқади ва уни бажаришга интилади. Таҳлил жараёнида эса ушбу режа кўрсаткичларининг қай даражада бажарилганлиги текширилади ва тегишли саволларга жавоб топишга ҳаракат қилинади:

* нега баъзи бир кўрсаткичлар бўйича режа бажарилмади?

* Бунинг сабаби нима – режалаштиришнинг нотўғрилигими ёки корхона ишининг яхши ташкил қилинмаганлигими?

* Ишлаб чиқариш кўрсаткичларини яхшилаш учун нималарга аҳамият бериш лозим (в.ҳ)?

Маҳсулот (хизмат) таннархига қуйидаги икки гуруҳга мансуб омиллар таъсир қилади:

1. Корхонанинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ва мамлакат иқтисодиётининг умумий ривожланиш даражасини кўрсатадиган ташқи омиллар. Ушбу омиллар таъсири хом ашё нархи, транспорт, сув нархи, энергия, фоиз ставкаси, суғурта ва бошқаларда яққол кўринади.

2. Корхонанинг иш фаолияти натижалари билан боғлиқ бўлган ички омиллар. Буларга сотувдан тушган тушум ҳажми, меҳнатга ҳақ тўлаш тизими ва усуллари, ишлаб чиқариш унумдорлигининг ошиши, асосий фондлар ҳамда айланма маблағларнинг яхши ишлатилиши ва бошқалар киради.

Таннарх таҳлилини икки йўналишда олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади:

♦ таннархнинг умумий даражасини ва асосий сарф - харажатлар миқдорига таъсир қиладиган омилларни ўрганиш;

♦ сарф - харажатларнинг аниқ элементларига тегишли бўлган иқтисодий захираларни аниқлаш мақсадида харажатларнинг алоҳида турларини таҳлил қилиш.

Таннарх даражасига маҳсулот сотишдан тушган тушум миқдори катта таъсир қилади. Тушумга нисбатан бўладиган сарф - харажатларни ўзгарувчан ва шартли-доимий бўлган турларга бўлиш мумкин.

Шартли - доимий харажатлар маҳсулот сотишдан тушган тушум миқдори ўзгарганда ҳам ўзгармайди ва уларга қуйидагилар киради:

- ташқи корхоналар хизмати;
- ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш харажатлари;
- капитал кўринишга эга бўлмаган харажатлар;
- таъмирлаш фондига чегирмалар;
- ижара (аренда) тўлови;
- асосий фондлар амортизацияси;
- номатериал активлар емирилиши;
- материаллар ва тез емириладиган предметлар емирилиши;
- иншоот ва бинолар ҳолатини сақлаш учун сарф қилинадиган харажатлар;
- мол - мулкнинг мажбурий суғуртаси ва бошқа турдаги харажатлар;

Ўзгарувчан сарф - харажатлар миқдори маҳсулот сотишдан тушган тушум ҳажмига пропорционал бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади:

- иш ҳақи билан боғлиқ тўловлар;
- транспорт харажатлари;
- хом ашё учун ажратилган харажатлар;
- ишлаб чиқариш учун сарф қилинадиган газ ва электр қуввати;
- маҳсулотни ўраш - жойлаш учун керак бўлган харажатлар;
- Давлат ижтимоий суғуртасига чегирмалар;
- тиббиёт суғуртаси;
- бандлик ва пенсия фондига тўловлар ва ҳакозолар.

Ушбу маълумотлардан фойдаланиб, рентабеллик графигини чизма равишда ифодалаш мумкин (бунда горизонтал ўқда маҳсулот (хизмат) ҳажми, вертикал ўқда эса тушум миқдори кўрсатилади). Графикдан корхонанинг зарарсиз ишлаш нуқтасини топиш мумкин. Бу нуқта сотувдан тушган тушумнинг шундай критик миқдорини аниқлаб беради, агар корхонанинг тушуми бундан кам бўлса, у зарар кўра бошлайди, чунки бу ҳолатда маҳсулот (хизмат) таннархи

маҳсулот сотилганда тушган пул тушумига қараганда кўпайиб кетади. Корхонанинг зарарсиз ишлаш нуқтасини қуйидаги формуладан ҳисоблаб, топиш ҳам мумкин:

$$ТМ = \frac{ШД \times Т}{Т - Ў}$$

Бу ерда **ШД** – шартли - доимий харажатлар миқдори, сўмларда;

Т - маҳсулот сотишдан тушган тушум, сўмларда;

Ў - ўзгарувчан харажатлар миқдори, сўмларда;

ТМ - Рентабеллик даражаси ноль фоиздан юқори бўлган минимал тушум миқдори, сўмларда

Корхонанинг молиявий барқарорлигини таҳлил қилиш

Ўзига тегишли бўлган шахсий маблағлар орқали активларга (асосий фондлар, номатериал активлар, айланма маблағлар ва воситалар) ажратилган маблағларни тамомила қоплай оладиган ва ўз мажбуриятлари бўйича вақтида ҳисоб - китоб қиладиган ҳамда зарурат бўлмаганда кредитор ва дебитор қарзларига йўл қўймайдиган турда фаолият кўрсатувчи корхона молиявий барқарор ташкилот дейилади.

Корхонанинг молиявий барқарорлигини аниқлашда қуйидагиларни таҳлил қилиш лозим бўлади:

- ♦ молиявий ресурслар манбаларининг тузилиши ва динамикаси;
- ♦ ўз айланма маблағларининг мавжудлиги;
- ♦ иш юритувчи объект активлари тузилиши ва жойлаштирилиши;
- ♦ дебитор қарзлари;
- ♦ тўлов қобилияти.
- ♦ кредитор қарзлари;

♦ айланма воситаларнинг мавжудлиги ва уларнинг тузилиши.

Корхонанинг молиявий барқарорлигини таҳлил қилишнинг яна бир муҳим кўрсаткичи реал активларнинг ўсиш суръатидир. Реал активлар корхонанинг мавжуд бўлган мол - мулки ва молиявий кўйилмаларидир. Реал активларга номатериал активлар, асосий фонд ва материалларнинг емирилиши, фойданинг ишлатилиши ва заём маблағлари кирмайди. Реал активларнинг ўсиш суръати мол - мулкнинг кўпайиши интенсивлигини кўрсатиб беради ва қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$A = \frac{АВ\ 1 \pm ЗХ\ 1 \pm П1}{АВ\ 0 \pm ЗХ\ 0 \pm П0}$$

Бу ерда **АВ 1** - ҳисобот йилидаги асосий воситалар;

АВ 0 - олдинги йилги асосий воситалар;

ЗХ 1 - ҳисобот йилидаги захиралар ва харажатлар;

ЗХ 0 - олдинги йилги захиралар ва харажатлар;

П1 - ҳисобот йилидаги пул маблағлари (заёмлардан ташқари);

П0 - олдинги йилги пул маблағлари (заёмлардан ташқари).

Иш юритувчи субъектнинг молиявий барқарорлигини баҳолаш учун автономия коэффициенти ва молиявий барқарорлик кўрсаткичи ишлатилади. Автономия коэффициенти корхонанинг заём воситаларига нисбатан молиявий мустақиллигини аниқлаб беради. Демак, бу кўрсаткич молиялашнинг умумий манбалари ичида корхонанинг ўз маблағларининг миқдори қанча эканлигини кўрсатади:

$$КА = АВ / М$$

Бу ерда **АВ** - асосий воситаларнинг пулда ифодаланган қиймати, сўмларда;

М - манбаларнинг умумий йиғиндиси, сўмларда.

КА - автономия коэффициенти.

Автономия коэффициентининг қиймати 0,6 дан катта бўлса, демак, унинг барча мажбуриятлари ўз маблағлари ҳисобидан қондирилиши мумкин ва у етарли даражада молиявий мустақил деб тушунилади. Ушбу коэффициент қанчалик катта бўлса, корхона шунчалик мустақил ва молиявий қийинчиликларга дуч келмайди деб тушунилади.

Молиявий барқарорлик кўрсаткичи (коэффициенти) корхонанинг ўз маблағлари ва заём воситаларининг қиймати нисбатига тенг бўлади:

$$МБК = АВ / (ЗВ \pm Кқ)$$

Бу ерда **МБК** - молиявий барқарорлик кўрсаткичи (коэффициенти);

АВ - асосий воситалар, сўмларда;

ЗВ - заём воситалари, сўмларда;

Кқ - кредит қарзи ва пассивлар, сўмларда.

Асосий воситалар қийматининг заём воситалари қийматидан ошиб кетиши корхонанинг етарлича молиявий барқарорлик даражасига эга эканлигини кўрсатади ва бундай молиявий мустақил корхона ташқи таъсирларга нибатан бирмунча чидамлилигини билдиради.

Таҳлилнинг яна бир босқичи, корхонанинг тўлов қобилиятини аниқлашдир. Тўлов қобилияти биринчи навбатда амалга ошириладиган тўловлар билан корхонада мавжуд бўлган ва унга келиши мумкин бўлган маблағларнинг ўзаро нисбати билан аниқланади. Корхонанинг тўлов қобилияти тегишли коэффициент орқали аниқланади:

$$Тқ = ПМ / ТТ$$

Бу ерда **Тқ** - корхонанинг тўлов қобилиятини аниқловчи коэффициент;

ПМ - корхонада мавжуд бўлган пул маблағлари;

ТТ - маълум муддатда тезкор равишда тўланиши лозим бўлган тўловлар миқдори.

Агар ушбу кўрсаткич бир ёки ундан катта бўлса, демак корхонанинг тўлов қобилияти етарли даражада, акс ҳолда корхонада маълум бир муаммолар мавжуд.

Корхонанинг кредитга лаёқатлилигини текшириш

Корхонанинг кредитга лаёқатлилиги деганда, унда кредит олиш учун имкониятлар борлиги ва олинган маблағни ўз муддатида қайтара олиши тушунилади. Ундан ташқари, корхонанинг кредитга лаёқатлилиги унинг олдин олган кредитларининг ҳисоб - китобида аниқликни, жорий мажбуриятларига бўлган масъулиятни, ҳозирги молиявий аҳволини ва калажакда кутилаётган ўзгаришларни, керак бўлганда турли манбалардан пул маблағларини жалб қила олиш имкониятларини қамраб олади. Кредит беришдан олдин ҳар қандай банк муассасаси тегишли корхонага кредит беришда қандай даражадаги таваккалчиликни ўз зиммасига олаётганини, кредит миқдори қандай бўлишлигини ва гаровга нималар (ёки кимлар) қўйилишини аниқ ва билиб олиши лозим.

Кредит бериш шартларини таҳлил қилиш қуйидаги масалаларни ҳал қилишни ўз ичига олади:

* кредит нима мақсадда олиниши батафсил ўрганиб чиқилади;

* қанча миқдорда кредит олиниши аниқланиб, ушбу сумма заём олувчининг баланси ликвидлиги билан солиштириб чиқилади (корхонанинг ўз маблағлари ва ташқаридан жалб қилинган заём маблағларининг нисбати);

* кредит олувчининг рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқара олиш имкониятларини ўрганиш унинг имкониятларини таҳлил қилиш билан амалга оширилади;

* кредит берилган тақдирда банк олиши мумкин бўлган фойда миқдори банкнинг ўртача фойда даражаси билан солиштирилиб чиқилади;

* олувчининг «обрўси - мавқеи» қандай эканлигини аниқлаш унинг аввал олинган кредитлар билан қандай тарзда ишлаганлигини, ҳисоботларни вақтида топширганлигини, масъулиятлилик ва бошқарув бўғинининг билимдонлик даражаси билан амалга оширилади;

* кредит бериш билан боғлиқ бўлган таваккалчилик даражаси ҳисобга олинади;

* кредитнинг қайтарилиши билан боғлиқ бўлган масалалар, бунга қандай кафолот берилиши ва гаров ҳуқуқи қандай ишлатилиши ўрганилади:

* кредитнинг таъминланиш масалалари кўриб чиқилади, яъни корхонанинг материал бойликлари, қимматли қоғозлар, пули ва шунга ўхшаш воситаларнинг гаровга олиниш қоидалари, уларнинг қиймати ва бунга корхона устави имкон берадими йўқми каби масалалар ўрганилади.

Корхонанинг кредитга лаёқатлилигини аниқлаш жараёнида бир қанча кўрсаткичлар ишлатилиши мумкин. Буларнинг ичида энг муҳими, ликвидлилик ва қўйилма капиталга нисбатан фойда нормаси ҳисобланади. **Қўйилма капиталга нисбатан фойда нормаси** жами фойда миқдорининг баланс бўйича жами пассивлар йиғиндисига нисбати билан аниқланади, яъни:

$$ФН = Ф / П$$

Бу ерда **ФН** - қўйилма капиталга нисбатан фойда нормаси;

Ф - фойда миқдори, сўмларда;

П - баланс бўйича жами пассивлар йиғиндиси, сўмларда.

Ушбу кўрсаткичнинг ўсиши заём олувчининг фойда билан ишлаётганини кўрсатади.

Иш юритувчи субъектнинг ёки корхонанинг **ликвидлилиги** - унинг ўз қарзларини тезлик билан тўлай олиш имкониятини билдиради. Бу кўрсаткич қарз миқдорининг ликвид воситаларга (яъни, ҳисоб рақамидаги нақд пуллар, депозитлар, қимматли қоғозлар, айланма воситаларнинг сотилиши мумкин бўлган қисмлар ва бошқалар) бўлган нисбати билан аниқланади. Демак, корхонанинг ликвидлилиги унинг баланси ликвидлигини англатади. Баланснинг ликвидлиги корхонанинг ўз зиммасига олган мажбуриятларини тегишли муддат ичида ўз активлари орқали қоплаш даражасини кўрсатади. Ликвидлик корхонанинг сўзсиз равишда тўлов қобилиятига эга эканлигини билдириб, унинг активлари ва мажбуриятлари уларнинг умумий миқдорига кўра ва тўлов вақтига нисбатан доимий тенглигини билдиради. Баланснинг ликвидлилигини таҳлил қилиш ликвидлиги бўйича кетма - кет жойлашган активларни пассивлар бўйича мажбуриятлар билан солиштиришдан иборат.

Ликвидлик даражаси бўйича (яъни, нақд пулга айлантирилиш тезлиги бўйича) корхонанинг активлари қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

А 1 - жуда ҳам ликвид бўлган активлар, уларга барча пул маблағлари (шу жумладан, нақд ва ҳисоб рақамларида бўлган) ва қисқа муддатли молиявий қўйилмалар (яъни, ҳар турли қимматли қоғозлар) киради.

А 2 - тез суръатда сотиладиган активлар, буларга дебитор қарзлари ва бошқа активлар киради.

А 3 - секин суръатда сотиладиган активлар, буларга заҳиралар ва харажатлар, узоқ муддатли молиявий қўйилмалар ва таъсисчилар билан ҳисоб - китоблар киради.

А 4 - қийин сотиладиган активлар, буларга асосий воситалар, номатериал активлар, тугалланмаган капитал қўйилмалар ва ҳали ўрнатилмаган қурилмалар ва жиҳозлар киради.

Баланснинг пассивлари ҳам тўлов муддатига қараб, қуйидаги гуруҳларга бўлинадилар:

П 1 - тезкор пассивлар, уларга кредитор қарзлари ва бошқа турдаги пассивлар киради.

П 2 - қисқа муддатли пассивлар, булар қисқа муддатли кредитларни ва заём воситаларини ўз ичига олади.

П 3 - узоқ муддатли пассивлар, улар узоқ муддатли кредит ва заём воситаларидан иборат.

П 4 - доимий пассивлар, уларга корхонанинг ўз воситалари манбалари киради ҳамда актив ва пассив орасидаги балансни сақлаш учун ушбу гуруҳ жами келажак давр харажатлари миқдорига камайтирилади.

Корхона балансининг ликвидлилигини текшириш учун актив ва пассив бўйича жами натижаларни солиштириб чиқиш лозим бўлади. Агар қуйидаги тенгсизликлар қаноатланса, баланс **мутлақ ликвид** ҳисобланади: **А 1 > П1**

А 2 > П2

А 3 > П3

А 4 < П4

Ликвидлиликни ҳисоблаш учун қуйидаги ифодани ҳам ишлатиш мумкин:

$$КЛ = (П \pm кк)/(К1 \pm К2)$$

Бу ерда, **КЛ** - корхонанинг мутлақ ликвидлик коэффициенти;

П - пул маблағлари (кассадаги, ҳисоб ва валюта рақамидаги, ҳисоб - китоблардаги, йўлдаги ва бошқа пуллар), сўмларда;

кк - қимматли қоғозлар ва қисқа муддатли қўйилмалар, сўмларда;

К1 - қисқа муддали кредитлар ва заём воситалари, сўмларда;

К 2 - кредиторлик қарзлари ва бошқа пассивлар, сўмларда.

Ушбу кўрсаткич корхонанинг пул маблағларини қисқа муддатли қарзларни узиш учун йўналтириш имконини кўрсатади ва у қанча катта бўлса, корхона шунчалик ишончли заём олувчидир. Унинг қуйидаги катталикларини кўрсаиш мумкин:

- **КЛ > 1.5** корхона кредитга тўла лаёқатли;
- **1.5 > КЛ > 1** корхона кредитга чегараланган тарзда лаёқатли;
- **КЛ < 1** корхона кредитга лаёқатли эмас.

Корхонанинг ликвидлилиги унинг молиявий барқарорлиги коэффициенти (буни юқорида кўриб ўтган эдик - **МБК**) ва воситаларни жалб қилиш коэффициенти орқали аниқланади. Воситаларни жалб қилиш коэффициенти қарзларнинг жами жорий активларга нисбати билан аниқланади, яъни:

$$КВ = Қ / ЖА$$

Бу ерда **КВ** - воситаларни жалб қилиш коэффициенти;

Қ - қарзлар, сўмларда;

ЖА - жами жорий активлар, сўмларда.

Ушбу коэффициент корхонанинг заём манбаларидан молиявий мустақиллиги даражасини билдиради ва у қанчалик катта бўлса, корхона ҳам шунчалик кредитга лаёқатли бўлади.

Капитал ишлатилиши таҳлили

Капитал қўйилмалар самарадор бўлиши лозим, яъни, унинг бир сўмига тўғри келадиган фойда катталигининг ишлатилиши етарли даражада самарадор бўлмоғи керак. Капитал самарадорлиги комплекс тушунча бўлиб, у айланма маблағларнинг қай даражада ишлатилишини, асосий фондларнинг ва номатериал активларнинг қандай ишлатилишини ўз ичига олади. Шунинг учун ҳам капитал қўйилмаларнинг самарадорлиги унинг таркибий қисмлари бўйича амалга оширилади ва умумий хулосалар чиқарилади.

А. Айланма маблағларнинг ишлатилиш самарадорлиги аввало уларнинг айланувчанлиги билан аниқланади. Айланма маблағларнинг айланувчанлиги бир айланишнинг кунларда ифодаланган қийматига тенг (айланма маблағларнинг айланувчанлиги, кунларда) ёки ҳисобот давридаги айланишлар сони (айланувчанлик коэффициенти) билан аниқланади. Бир айланишнинг кунларда ифодаланган катталиги айланма маблағларнинг ўртача қолдиғининг ўша даврдаги бир кунлик тушумга нисбати билан аниқланади.

$$А1 = Қ / Т$$

Бу ерда **А1** - айланма маблағларнинг айланувчанлиги, кунларда;

Қ - айланма маблағларнинг ўртача қолдиғи, сўмларда;

Т - таҳлил қилинаётган даврда маҳсулот сотишдан тушган тушум, сўмларда.

Юқоридаги формулага мансуб **Қ** - айланма маблағларнинг ўртача қолдиғи қуйидагича ҳисобланиши мумкин:

$$Қ = (1/2 қ1 ± қ2 ± қ3 ±. . . . ± 1/2 қН) / Н - 1$$

Бу ерда **қ1, қ2, қ3, . . .**

қНлар - айланма маблағларнинг ҳар ойнинг биринчи кунига бўлган қолдиғидир

Н - ойлар сони.

Айланувчанлик коэффициенти айланма маблағларнинг бир сўмига тўғри келадиган тушум миқдорини аниқлаб беради. У маҳсулот (хизмат) сотилишидан тушган тушумнинг айланма воситалари ўртача қолдиғига нисбати билан аниқланади:

$$АК = ТМ / АВҚ$$

Бу ерда, **АК** - айланувчанлик коэффициенти;

ТМ - таҳлил қилинаётган даврдаги маҳсулот (хизмат) сотилишидан тушган тушум, сўмларда;

АВҚ - айланма воситаларнинг ўртача қолдиғи, сўмларда.

Айланувчанлик коэффициенти айланма маблағларнинг фонд қайтармасидир ва унинг кўпайиши айланма маблағларнинг самаралироқ ишлатилаётганини кўрсатади. Бундан ташқари айланувчанлик коэффициенти айланма воситаларнинг таҳлил қилинаётган даврда неча марта айланганлигини ҳам кўрсатади. Уни қуйидагича ҳисоблаб чиқиш мумкин:

$$АК = Кун/А\ 1$$

Бу ерда **Кун** - таҳлил қилинаётган даврдаги кунлар сони

АҚ ва **А 1** ларга юқорида тушунтириш берилган.

Б. Асосий фондларнинг ишлатилиш самарадорлиги фонд қайтаруви ва фонд сиғими билан аниқланади. Фонд қайтаруви маҳсулот сотишдан тушган тушум ҳажмининг асосий фондларнинг ўртача нархига бўлган нисбатига тенг, яъни **Фқ = Т / ФН**

Бу ерда, **Фқ** - фонд қайтаруви;

Т - маҳсулот сотишдан тушган тушум, сўмларда;

ФН - асосий фондларнинг ўртача йиллик нархи, сўмларда.

Асосий фондларнинг ўртача йиллик нархи асосий фондларнинг ҳар бир гуруҳи учун уларнинг ишга туширилган йили ва ишлаб чиқаришдан чиқарилган вақтига қараб, алоҳида аниқланади. Агарда фонд қайтаруви кўрсаткичи ошса, демак у, асосий фондларнинг ишлатилиш самарадорлиги ҳам кўпайганига далил бўлади. Фонд сиғими - **ФС** фонд қайтарувига тескари бўлган катталик бўлиб, у сотилган маҳсулотнинг бир сўмига тўғри келадиган асосий фондлар сарфини кўрсатади:

$$ФС = ФН / Т$$

Фонд сиғими кам бўлса, асосий фондларнинг ишлатилиш самарадорлиги ошганлиги билинади.

В. Номатериал активларнинг самарадорлиги асосий фондлар каби фонд қайтаруви ва фонд сиғими кўрсаткичлари орқали аниқланади

Г. Капиталнинг самарали ишлатилиши. Умуман айтганда, капитал айланма воситаларнинг, асосий фондларнинг ва номатериал активларнинг йиғиндисидан иборатдир. Капитал ишлатилишининг самарадорлигини рентабеллик тўлароқ кўрсатади. Капиталнинг рентабеллик даражаси баланс фойдасининг капитал катталигига бўлган нисбати билан аниқланади ва қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланилиши мумкин:

$$Р = (БФ \times 100)/Т \times (1/(1/А1 \pm 1/Фқ \pm 1/ФН)$$

Бу ерда,

Р - рентабеллик даражаси;

БФ - баланс фойдаси, сўмларда;

Т - тушум, сўмларда;

А 1 - асосий фондларнинг айланиш коэффициенти;

Фқ - асосий фондларнинг фонд қайтаруви, сўмларда;

ФН - номатериал активларнинг фонд қайтаруви, сўмларда.

Ўзини - ўзи молиялаштириш (инглизча **self - financing**) даражасини таҳлил қилиш корхонанинг ўз манбалари ҳисобидан ўзини молиялай олиш имкониятларини кўрсатади. Ушбу манбаларга амортизацион чегирмаалар ва фойда киради. Бу хилдаги таҳлилнинг моҳияти корхона ўзининг жорий ва капитал талабларини қанчалик ўзи қондира олиш даражасини аниқлашдан иборат. Бу кўрсаткични қуйидаги ифода билан ҳисоблаш мумкин: **МК = (ФЖ ± А) / (ЗВ ± Кқ)**

Бу ерда, **МК** – ўзини - ўзи молиялаштириш кўрсаткичи;

ФЖ - жамғариш фондига йўналтирилган фойда, сўмларда;

А - амортизацион чегирмаалар, сўмларда;

ЗВ - заём воситалари, сўмларда;

Кқ - кредитор қарзи ва бошқа жалб қилинган маблағлар, сўмларда;

Валюта маблағлари бўйича ўзини - ўзи оқлаш принципи валюта тушумининг сарф - харажатдан кўра кўплигини билдиради. Демак, бундай корхона ўзининг ҳисоб рақамига келиб тушган барча валютани ҳазм қилмасдан, уни йиғади ва ўзининг ривожланиши учун ишлатади.

7.7. Қимматли қоғозлар бозори ва унда тадбиркор фаолияти

Қимматли қоғозлар маълум бир қийматга эга бўлган ҳужжатлар бўлиб, улар унинг эгаси ушбу ҳужжатни чиқарувчига нисбатан (яъни, эмитентга нисбатан) мулкка эгалик ҳуқуқи мавжудлигини тасдиқлайди. Қимматли қоғозларнинг ҳар қандай тури ҳам алоҳида ва махсус ҳужжатлар тариқасида ёки махсус ҳисоблардаги ёзувлар кўринишида бўлиши мумкин. Яъни, улар физик жисм ёки компьютердаги (ахборот ташувчилардаги) махсус ёзувлар кўринишида бўлиши мумкин. Шунинг учун қимматли қоғозлар бозорида уларнинг ўзи ёки уларга эгаликни тасдиқлайдиган махсус қоғозлар - сертификатлар ҳам мавжуд бўлиши ва молиявий операцияларда қатнашиши мумкин. Қимматли қоғозларнинг қуйидаги асосий турлари мавжуд:

- **акциялар** - уларнинг сақланиши махсус ҳисоб рақамларида олиб борилади ва уларни «Депо» счетлари деб аталади, ушбу иш билан шуғулланадиган ташкилотларни эса депозитарий деб номланади. Акциялар ҳиссадорлик жамиятини бошқаришда иштирок этиш ва дивиденд олиш ҳуқуқини беради. Очиқ акциядорлик жамияти акциялари бир мулкдордан иккинчисига бошқа ҳиссадорлар розилигисиз ҳам ўтаверади, ёпиқ акциядорлик жамияти акциялари эса бир мулкдордан иккинчисига фақатгина бошқа ҳиссадорлар розилиги билан ўтиши мумкин. Акциялар бир

субъект номига берилиши ёки субъектсиз (уни тақдим этган одамга тегишли) кўринишда бўлиши мумкин. Даромадга эгалик жихатидан акциялар оддий ва имтиёзли бўлиши мумкин. Оддий акциялар ҳиссадорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ҳуқуқини кўзда тутади ва дивиденд катталиги ҳиссадорлик жамиятининг йиллик иш фаолиятига боғлиқ бўлади. Имтиёзли акциялар эса уларнинг эгаларига умумий йиғилишда овоз бериш ҳуқуқини бермайди, аммо кафолатланган ва олдиндан аниқланилган дивиденд олиш ҳуқуқини беради. Лекин бундай акцияларнинг миқдори низом фондининг 10% дан кўп бўла олмайди.

Биржада айланиши нуқтаи - назаридан акциялар қайд қилинган ва қайд қилинмаган турларга бўлинадилар. Уларнинг биринчиси биржада айланади, иккинчиси эса биржадан ташқари бозорда айланади.

Агар акциялар баҳоси нуқтаи - назаридан фикрласак, баҳоларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

Номинал баҳо – ушбу баҳо акцияда кўрсатилган ёки депозитарийда акс эттирилган бўлади ва битта акцияга тўғри келадиган устав капитали миқдорига тенг бўлади.

Эмиссион баҳо – акция биринчи марта сотиладиган баҳо. У номинал баҳодан фарқ қилиши мумкин, чунки эмитент ўз акцияларини воситачи фирма орқали ҳам сотиши мумкин.

Бозор баҳоси – иккиламчи бозорда акциянинг баҳоланиши (котировкаси) бўлиб, бу акция баҳосинниг асосий туридир ва акциянинг ҳақиқий баҳосини аниқлайди.

Акциянинг баланс қиймати – бу баҳо молиявий ҳисобот ҳужжатлари асосида ҳисобланади ва у ҳиссадорлик жамиятининг ўзига тегишли капиталининг бир акцияга мос бўлган миқдорини кўрсатади. Шундай қилиб, у номинал баҳо ва эмиссион фойдадан иборат бўлади.

Акциянинг ликвидацион баҳоси деганда банкрот бўлгани учун тугатилаётган корхонанинг битта акциясининг баҳоси тушунилади.

Акция овоз бериш ва дивиденд олиш ҳуқуқини беради. Очиқ ҳиссадорлик жамиятининг акциялари бир мулкдордан бошқасига қолган акция эгаларининг розилигисиз ўтиши мумкин, ёпиқ ҳиссадорлик жамиятининг акциялари эса ўз мулкдорини фақатгина бошқа ҳиссадорлар розилиги асосида амалга ошириши мумкин. Фонд биржасида айланиши хусусиятига кўра, акциялар қуйидаги турларга бўлинади: қайд қилинган акциялар ва қайд қилинмаган акциялар. Агар уларнинг биринчилари фонд баржасида айланса, иккинчилари биржадан ташқари бозорда айланадалар. Ундан ташқари "актив" деб аталган махсус категорияга мансуб акциялар ҳам мавжудки, улар фонд биржасида жуда катта миқдорларда айланадилар ва худди шундай акциялар орқали қимматли қоғозлар бозори индикаторлари бўлган махсус индекслар ҳисобланадилар. Конвертация қилинадиган акциялар эса келишилган муддатда келишилган баҳода бошқа турдаги акцияларга (масалан, оддий акцияларга) алмаштирилиши мумкин бўлган акциялардир. Олтин акция унинг эгасига хал қилувчи овоз беришга имкон беради.

Облигациялар – пул маблағлари эгасининг облигация чиқарган ташкилотга маълум миқдорда пул киритганини тасдиқлайдиган ва бунинг эвазига кўзда тутилган муддатда ушбу қимматли қоғознинг номинал қийматини ва олдиндан аниқланилган фоизи қопланиши керак бўлган қимматли қоғоздир. Облигацияларнинг қуйидаги асосий турлари чиқарилади:

- давлат ёки унинг жойлардаги бошқарув органлари таклифи билан чиқариладиган ички давлат заёмлари облигациялари;

- акционер жамият бошқаруви ёки корхона раҳбарияти томонидан чиқариладиган турли хил йўналишдаги ва тармоққа оид корхоналарнинг облигациялари;

Облигацияларнинг чақарилиш ҳажми Молия Вазирлиги томонидан аниқланилади ҳамда ҳиссадорлик жамиятлари низомий фонднинг 20 % дан ортиқ облигация чиқара олмайдилар. Ҳиссадорлик жамияти облигациясига эга бўлиш уни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини бермайди. Облигацияларнинг ютуқли ва оддий турлари мавжуд. Оддий облигацияларда олдиндан аниқланиб қўйилган фоиз тўланади, ютуқли облигацияларда эса бирор - бир

миқдорда пул ёки товар ютилиши мумкин. Барча облигациялар эмиссионер корхоналар томонидан маълум бир муддатга чиқариладилар ва ушбу муддат давомида облигация эгаси 5-14% атрофидаги даромадни олиши мумкин. Облигациялар қимматли қоғозларнинг иккилачми бозорида бемалол айланиши, сотилиш ва сотиб олиниши мумкин.

♦ **пул ва товар билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар** - уларга масалан, чеклар ва коносаментлар мисол бўлиши мумкин

♦ **тижорат билан боғлиқ қимматли қоғозлар** - булар тавар айланилиши жараёнига хизмат қиладилар ва баъзи бир мулкий олди соттиларда қўлланадилар. Масалан, чеклар, товарларни омборларда сақлаш ва гаровга беришни тасдиқлаудиган ҳужжатлар ва бошқалар.

♦ **фонд биржаларида айланадиган қимматли қоғозлар** - улар фонд биржаларини олиш ва сотиш объекти бўлиб хизмат қила оладилар. Масалан, опционлар, фьючерслар, векселлар ва ҳакозолар.

Қимматли қоғозлар билан хилма-хил операциялар ўтказилиши мумкин бўлган бозорни **қимматли қоғозлар бозори** деб аталади.

Ушбу бозор қуйидаги асосий турларга бўлинади:

♦ **бирламчи бозор** - ушбу бозор қимматли қоғозларни чиқаришда (буни эмиссия деб аталади) ва қимматли қоғозларни бирламчи жойлаштиришда ёрдам беради.

♦ **иккиламчи бозор** - бу бозорда олдин чиқарилган қимматли қоғозларнинг олди-соттиси амалга ошоролади

♦ **биржа бозори** - ушбу бозорда қимматли қоғозлар устида бевосита операциялар амалга оширилади ва у ҳам иккига бўлинади - фонд биржаси ва валюта биржаси (валютадаги қимматли қоғозлар).

♦ **биржадан ташқари бозор** - бу бозорда фонд биржаларида қатнашиш ҳуқуқини ололмаган (биржада котировка қилинмаган) қимматли қоғозлар айланади ва унда дилерлар фаолият кўрсатадилар. Бундай бозор тури телефон орқали, факс орқали ёки комп-ютер тармоқлари орқали амалга оширилиши мумкин. Масалан, бу бозорда иштирокчилар фонд

биржаларида қайд қилина олмаган (листингдан ўта олмаган) ҳиссадорлик жамиятлари акциялари олди - сотти предмети бўлиши мумкин.

Фонд биржаси қимматли қоғозларнинг олди - соттисини амалга оширадиган ташкилот - бозор сифатида фаолият кўрсатади. Ушбу бозорда қимматли қоғознинг эгаси бошқасига ўзгаради. Тегишли ташкилот сифатида биржа қимматли қоғозлар устида хилма хил турдаги операциялар ўтказиш учун жой ажратади, информацион хизматлар кўрсатади, ҳисоб - китобда ёрдам беради, маълум бир турдаги кафолотлар беради, савдо жараёнида қўлланиладиган чекланишлар киритади ҳамда олди - соттилардан ўз улушини олади (комиссион тўловлар). Фонд биржаларининг асосий функцияси - қимматли қоғозларни сотиш орқали аҳолининг вақтинча озод бўлган пул маблағларини жалб қилиш (инвестициялаш) ва қимматли қоғозларнинг бозорий нархини аниқлашдир. Фонд биржаси иштирокчилари - сотувчилар, ҳаридорлар ва воситачилардир. Брокер - қимматли қоғозлар бозоридаги воситачилар бўлиб, улар мижознинг топшириғи билан ва унинг ҳисобига қимматли қоғозларнинг олди - соттиси билан шуғулланадалар ва бунинг учун комиссион тўлов оладилар.

Ривожланган мамлакатларда барча узоқ муддатли инвестициялар турли хил қимматли қоғозлар воситасида амалга ошириладилар. Шунинг учун ҳам инвестицион лойиҳалар ва бевосита инвестициялар тижорат банклари ҳамда алоҳида ташкилотларнинг асосий фаолият доираси ҳисобланади. Фақатгина қимматли қоғозлар бозорида фаолият кўрсатадиган ва уларни жойлаштириш билан машғул бўлган ташкилотлар инвестицион институтлар деб аталади. Уларни қуйидаги уч асосий гуруҳга бўлиб кўрсатишимиз мумкин:

- Холдинг компаниялари;
- Молиявий гуруҳлар;
- Молиявий компаниялар.

Холдинг компаниялари қандайдир молиявий бирлашма ёки монополиянинг асосий ташкилоти бўлиб, у ўзига боғлиқ компанияларнинг акциялари контроль пакетига эга бўлади ва ўша

акция пакетини бошқариш билан шуғулланади. Албатта, холдинг компаниялари узоқ муддатли асосда ўз молиявий монополиясининг ҳолатини яхшилаш ва муваффақиятли фаолиятини таъминлаш учун инвестиция қиладилар.

Молиявий гуруҳ - ўзаро бирлашган бир неча ташкилот ёки корхона бўлиб, улар холдинг компаниялардан фарқли - ўлароқ, ушбу гуруҳни бошқаришга мўлжалланган алоҳида фирмага эга бўлмайдилар.

Молиявий компания - қандайдир бир кўрсаткичга асосланган ҳолда ўз инвестицияларини диверсификация қилмаган ҳолда кичик гуруҳга мансуб корпорацияларни молиялаштиради. Молиявий компаниялар холдинг компаниялардан фарқли равишда ўзлари молиялаштираётган корпорациялар акцияларининг назорат пакетларига эга бўлмайдилар.Энди қимматли қоғозлар бозорида фаолият юритадиган инвестицион институтларнинг асосий турларини кўриб чиқамиз:

- Инвестицион банклар;
- Инвестицион компаниялар;
- Инвестицион фондлар;
- Траст компаниялари;
- Суғурта компаниялари;
- Нодавлат пенсия фондлари**.**

Инвестицион банк потенциал инвесторлар ва ўз қимматли қоғозларини сотмоқчи бўлган корпорациялар орасида воситачилик хизматини бажарадилар. Инвестицион банклар ўз капиталларини инвестиция қилиш мақсадида кўплаб акция ва облигациялар сотиб олмайдилар, балки узоқ муддатли турли хил қимматли қоғозларни олиб - сотиш билан шуғулланадилар. Улар хилма - хил корпорацияларга акция ва облигацияларни бўйича турли операциялар ўтказишни осонлаштирадилар ҳамда мақсадли қимматли қоғозларни сотадиган турли хил давлат ташкилотларига хизматлар кўрсатадилар. Масалан, мактаб ёки тозалаш иншоотларини қуриш учун капитал жалб қилиш керак бўлса, бу ишнинг қандай амалга оширилиши мумкинлигини инвестицион банк мутахассислари таҳлил қилиб беришлари ва ақлга мувофиқ

бўлган ечимни таклиф қилишлари мумкин. Инвестицион банклар илмий ва техникавий янгиликларни ҳаётга тадбиқ этиш жараёнидаги таваккалчилик билан боғлиқ бизнесда (венчур бизнес) тижорат рискини инвестицион лойиҳа иштирокчилари орасида тақсимлашда фаол иштирок қилиши мумкин.

Инвестицион компаниялар акционер жамиятлар бўлиб, ўз капиталларини акциялар чиқариш ва уларни сотиш орқали ҳосил қиладилар. Кўпчилик холларда инвестицион компаниялар очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятлари кўринишида ташкил қилинадилар. Улар ўз капиталларини турли хилдаги ёки фақат бирор бир турдаги қимматли қоғозларга жалб қилишлари мумкин.

Инвестицион фондлар очиқ ва ёпиқ турларда бўлишлари мумкин. Ёпиқ турдаги инвестицион фондлар ташкил қилинганида аниқ сондаги оддий акциялар чиқарилади ва улар капитал қўювчилар томонидан сотиб олинади. Лекин бу акциялар очик инвестицион фондлар акциялари сингари акция эгасининг биринчи талабидаёқ эмитент томонидан сотиб олинмайди. Шундай қилиб, ёпиқ инвестицион фонд томонидан аккумуляция қилинган капитал акцияларнинг янги чиқарилиши билан кўпайиши ёки акциялар сотилиши билан камайиши мумкин эмас. Демак, ёпиқ турдаги инвестицион фонднинг акцияларини сотиб олиш амали аниқ инвестор учун капитални узоқ муддат сақлаш усулидир деса ҳам бўлаверади. Бунда инвесторлар инвестицияларнинг тезда кўпайишига эмас, балки инвестицион фонд акциялари бозорий баҳосининг кўпайишига пул тикадилар. Шунинг учун ҳам ушбу инвестицион фондларнинг менежерлари узоқ муддатли инветиционсиёсат олиб борадилар.

Траст компаниялари 19 асрнинг ўрталарида АҚШ да вужудга келган бўлиб, улар банклар ва инветицион институтлар функциялари бажарганлар. Бундай компаниялар қуйидаги турдаги ишонч билан боғлиқ операциларни амалга оширадилар:

- Мерос билан боғлиқ операцияларни амалга оширишда администратор ёки бажарувчи бўлиб меросхўр фойдасига ва унинг учун фаолият кўрсатадилар;

- Маълум бир миқдордаги мукофот ёки тўлов эвазига улар алоҳида ҳуқуқий ёки юридик шахсларнинг мол - мулкини бошқаришга ёрдам берадилар;
- Алоҳида шахслар ёки ташкилотларнинг фойда келтирадиган қимматли қоғозлар портфелини бошқаришга кўмак берадилар ҳамда ушбу олинган фойданинг бир қисмини мижознинг турли хил доимий тўловларни тўлаш учун ишлатадилар;
- Қимматли буюмлар, ҳужжатлар ва нарсаларни сақлаш ҳамда кўрсатилган шахсларга кўрсатилган вақтда топшириш амалини бажарадилар;
- Ташкилотлар ёки алоҳида компанияларнинг пенсия фондларини бошқариш билан шуғулланадилар. Ушбу операцияларнинг моҳияти шундан иборатки, траст копанияси пенсион фонд ташкил қилинадиган маблағларни йиғадилар, уларни назорат қиладилар ва бошқарадилар, бу маблағларни қимматли қоғозлар ва бошқа ишларга инвестиция қилиб, даромаб келтиришга ҳаракат қиладилар;
- Ҳуқуқий шахсларга нисбатан траст компаниялари қуйидагилар сифатида бўлиши мумкин:

    - ишончли шахс
    - трансферт бўйича агент
    - қайд қилиш бўйича ишончли одам
    - банкротликка учраган ташкилотларни тугатишда масъул шахс
    - фискал шахс
    - “Овоз берувчи траст”га тегишли шахс.

Охирги ҳолатда ҳиссадорлик жамиятининг акция эгалари назорат пакетини қўлга киритиш мақсадида овоз берувчи траст ташкил қилиб, бошқарув йиғилишида овоз бериш ҳуқуқини унинг ихтиёрига топширадилар. Ушбу траст акционерлардан уларга тегишли акцияларни қабул қилиб, унинг ўрнига ўз сертификатларини берадилар. Акциялар траст компаниясида сақланади ва улар дивидендларни олиб, уни сертификат эгаларига топширадилар.

Қимматли қоғозлар бозорида инвестицион фаолиятни ташкил қилиш - Инвестор ҳар қандай қимматли қоғозни сотиб олишда унинг инвестицион сифатларига эътибор бериши лозим бўлади. Бундан мақсад, энг яхши ва фойда келтирадиган активни ҳарид қилишдир. Лекин ҳамма ҳам қаноатлантирадиган қимматли қоғоз мавжуд эмас, шунинг учун ҳам ҳар бир инвестор унинг мақсадларига ва интилишларига монанд бўлган турдаги қимматли қоғознигина сотиб олади. Лекин жуда кўпчилик инсонлар қимматли қоғозларни иложи борича кўпроқ фойда олиш учун сотиб оладилар. Бу ҳолда қимматли қоғозлар бозорида қуйидаги "**инвестицияларнинг олтин қонуни**" таъсир кўрсатади: "Қимматли қоғозларга бўлган инвестиция қилиш натижасида олинадиган даромад уни олиш учун инвестор тайёр бўлган таваккалчилик даражасига тўғри пропорционалдир". Бунинг маъноси шуки, қимматли қоғозлар бозорида қанчалик кўп таваккалчилик қилинса, даромад ҳам (зарар ҳам) шунча кўп бўлиши мумкин. Масалан, агар инвестор қариб қолган инсон бўлса ва у энг кам таваккалчилик даражаси бўлган ҳамда кам бўлса ҳам турғун даромад келадиган қимматли қоғозлар турини танлайди. Демак, унинг учун мос бўлган қимматли қоғозлар давлат томонидан чиқариладиган қимматли қоғозлардир - улар кам даромад келтирсалар ҳам, бу даромад миқдори доимий равишда ва кафолатланган бўлади. Агар инвесторлар ўрта ёшда бўлсалар ва улар озроқ таваккалчилик қилган ҳолда ўз капиталларини кўпайтиришни мақсад қилган бўлсалар, у ҳолда улар учун кўпроқ фойда келтирадиган корпорация акциялари ёки ипотека облигациялари мос бўлади. Агарда ёш ва кучга тўлган хоним ва жаноблар ўз капиталларини инвестиция қилиш ниятида бўлсалар, улар учун катта фойда келтирадиган ва таваккалчилик даражаси анча юқори бўлган венчур компаниялари акциялари ёки ривожланаётган корпорациялар қимматли қоғозлар жуда мос бўлади.

Шундан қилиб, инвестиция мақсадларидан, инвесторларнинг қизиқиш ва интилишлардан, инвесторлар олдига қўйилган мақсадлардан келиб чиққан ҳолда инвесторларнинг қуйидаги асосий турлари мавжуд:

- **Консерватив инвесторлар** - уларнинг мақсади қисқа ёки узоқ муддатли даврларда компенсация сифатида маълум бир фоиз олган ҳолда ўз капиталларини хавфсиз қилишдир.
- **Бироз агрессив бўлган инвесторлар** - уларнинг мақсади каттагина фойда олиш билан бир қаторда ўз капиталларининг ҳам хавфсизлигини таъминлашдир.
- **Агрессив инвесторлар** - максимал таваккалчилик қилган ҳолда капитални катта фойда келтириш манбасига айлантириш.
- **Тажрибали инвесторлар** - даромад олишга, капитал миқдорини оширишга ва қимматли қоғозларнинг ликвилилигини таъминлашга интиладилар.
- **Таваккалчи инвесторлар** - биржа савдогарлари бўлиб, улар қимматли қоғозлар билан боғлиқ операциялардан иложи борича кўпроқ даромад олишга интиладилар.

Юқорида кўрсатиб ўтилган барча инвесторлар учун қимматли қоғозлардан олиниши мумкин бўлган даромаб йўллари қуйидагилардир:

- Акциялар бўйича дивидендлар ёки бошқа турдаги қимматли қоғозлардан фоизлар.
- Қимматли қоғозлар бозорида акцияларнинг баҳоси ошиши билан боғлиқ бўлган қўйилма капиталнинг ўсиши.
- Қимматли қоғозлар курсларидаги фарқ билан боғлиқ бўлган биржа спекуляцияси (арбитраж).

Энди қимматли қоғозлар билан боғлиқ муҳим бир масалани - дивидендларни аниқлаш муаммосини кўриб чиқамиз, чунки буни билиш қимматли қоғозлар бозорида инвестицион фаолиятни ташкил қилишда муҳим аҳамиятга моликдир. Дивиденд - ҳиссадорлик жамияти фойдасининг бир қисми бўлиб, у ушбу жамият акционерлари эга бўлган акциялар сонига пропорционал равишда тақсимланади. Дивидендлар тўлаш ҳақидаги қарор қабул қилиш ва дивиденднинг катталиги молиявий йил натижаларига асосан акционерларнинг умумий мажлисида аниқланади. Дивиденд ставкасининг интеграл катталиги қуйидагилар билан аниқланилади:

*****Дивиденд катталиги тижорат банкларидаги депозитларнинг ўртача фоизига боғлиқ равишда аниқланилади, чунки потенциал инвесторлар (бўш пул маблағлари эгалари) доимо икки танлов орасида турадилар ва агар қимматли қоғозлар бўйича фоиз миқдори банк ўртача ставкасидан етарли даражада катта бўлсагина, ўз маблағларини қимматли қоғозларга инвестиция қилишлари мумкин.

*****Дивиденд ставкаси ўша ҳудуддаги инфляция миқдорини ҳам назарда тутиши лозим, акс ҳолда инвестиция қилишнинг ўзи мақсадга мувофиқ бўлмай қолади. Инвесторлар доимо инфляция даражаси ва қимматли қоғозларнинг паст ликвидлилик даражасини компенсация қиладиган миқдорда максимал дивидендлар тўланишини талаб қиладилар. Лекин катта миқдорда дивидендлар тўлаш акционер жамиятнинг инвестицион имкониятларини чегаралаб қўйиши мумкин. Шунинг учун комплекс дивиденд сиёсати юргизадиган акционер жамиятлар акцияларнинг курсини кўтаришга ҳаракат қиладилар ва инвесторлар акциялар курси кўтарилаётлани билан қониқиб, катта миқдордаги дивидендларни талаб қилмайдилар. Демак, бунда ҳиссадорлар фойдани дивидендлардан эмас, балки акцияларнинг баҳоси ошишидан олишга интиладилар.

Акцияларнинг бозорий баҳосини қуйидаги формуладан фойдаланган ҳолда аниқлаш мумкин:

$$P = (D + J / K (E-D)) / K$$

Бу ерда, **P** - акцияларнинг бозорий баҳоси,

D - дивиденд катталиги,

E - битта акцияга тўғри келадиган фойда миқдори,

J - фирма инвестицияларининг даромадлилик даражаси,

K - акциялар бўйича талаб қилинган бозорий даромад нормаси.

Фараз қилинган J ва K қийматларида ҳамда берилган E катталигида дивиденднинг оптимал катталиги акцияларнинг бозорий баҳоси P-ни максималлаштириши лозим.

Бир акцияга нисбатан фойда миқдори **E = 400** сўм бўлса, акциялар бўйича талаб қилинган бозорий даромад нормаси **K=50%** га тенг бўлса ва фирма инвестицияларининг талаб қилинган даромадлилик даражаси **J = 60%** ни ташкил қилса ва битта акцияга **D = 100 сўм** миқдорида дивиденд ҳисобланиши талаб қилинсин фараз қилсак, юқоридаги формуладан фойдаланган ҳолда қуйидагига эга бўламиз:

$$P = (100 + 0{,}60 / 0{,}50\ (400\text{-}100)) / 0{,}50 = 920 \text{ сўм}.$$

Ушбу формуладан кўриниб турибдики, **J > K** бўлган холларда дивидендлар қанча кам тўланилса, акцияларнинг бозорий баҳоси шунчалик юқори бўлади. Шунинг учун, агарда акционер жамият бу йил дивиденд тўлашдан воз кечса ва фойдани реинвестиция қилса, у ҳолда олдинги формулага **D = 0** қиймати қўйилиб, қуйидаги формула олинади:

$$P = J * E / (K*K) = 0{,}60 * 400 / (0{,}50 * 0{,}50) = 960 \text{ сўм}$$

Шундай қилиб, дивидендларнинг тўловини фойдага боғламасдан, кам миқдорда ва ўзгармас равишда тўлаб борадиган акционер жамиятларда акцияларнинг нархи баландроқ бўлади. Инфляция шароитларда эса турғун дивиденд деганда, уларнинг миқдорини инфляция даражасига қараб мослаштирадиган тўлов тушунилади. Агар акционер жамиятда маблағларини катта фойда келтирадиган инвестияга йўналтириш имконияти бўлса, у дивидендларни минимал равишда тўлашга ҳаракат қилади, ҳиссадорлар эса кўроқ олишни истайдилар. Бундай ҳолатдан чиқишнинг бир йўли - акционер жамият дивидендларни ўз акциялари орқали тўлашидир. Дивидендлар тўланганидан сўнг, акционер жамият ўз маблағларини фойдали инвестицияга жалб қила олмаса, у ҳолда у бозорда айланаётган ўз акцияларининг бир қисмини сотиб олиши мумкин ва бу амал ҳар бир акцияга тўғри келадиган фойда миқдорининг бирмунча кўпайишига олиб келади. Акцияларнинг даромадлилигини ва дивиденд ставкасини ҳисоблашда акцияларнинг бозорий баҳосидан фойдаланилади ва у

олинган дивидендлар катталиги билан солиштирилади. Бунда ҳисоб - китоблар тартиби қуйидагича бўлади:

- Берилган даврдаги дивидендлар тўлаш учун ишлатиладиган соф фойда миқдори **F** ҳисобланилади.
- Битта акцияга мос келадиган дивиденд миқдори ҳисобланилади:

$$D = F / A$$

Бу ерда A - дивидендлар тўлаш керак бўлган акциялар сони.

- Юфорида келтирилган формуладан ёки биржа котировкаларидан акцияларнинг бозорий баҳосини аниқлаш.
- Ушбу турдаги акцияларнинг даромадлилигини ёки дивиденд ставкасини ҳисоблаш:

$$C = (D / P)* 100$$

Турли хил акцияларнинг дивиденд ставкаларини солиштирган ҳолда энг даромадли акциялар гуруҳларини аниқлаш мумкин бўлади.

Инвестор у ёки бу комнапиянинг акцияларини танлашда қуйидаги масалалар бўйича маълумот йиғиши керак бўлади:

- Ушбу компания қандай турдаги фаолият билан шуғулланади.
- Компания акцияларининг даромаж даражаси кандай.
- Компания дивидендлар тўлайдими ва унинг миқдори қанчани ташкил қилади.
- Қимматли қоғозлар бозорида унинг акцияларининг нархи қанча ва бу нарх илгариги даврлардаги максимал юқори ва пастки нарх даражаларига нисбатан қандай кўринишда.
- Компаниянинг ривожланиш захиралари қандай.
- Компаниянинг ҳозирги ва келажакдаги маҳсулот сотиш бозорлари кандай кўринишда.
- Компанияни ким ва қандай бошқаради ҳамда компания ишчиларининг раҳбариятга ишончи қандай даражада.

- Компаниянинг ривожланиш ва кенгайиш билан боғлиқ режалари борми ва улар нималардан иборат.

Юқоридаги саволларга ижобий жавоблар олинган тақдирдагина инвестор ушбу компания қимматли қоғозлари билан ишлашда муваффақият қозонишга, яъни, турғун дивиденд олишга ҳамда акцияларнинг баҳоси (курси) ошишига умид қилиши мумкин.

Қимматли қоғозлар сифатини баҳолаш

Қимматли қоғозларнинг сифати уларни қимматли қоғозлар бозорида баҳолашда (котировкада) жуда муҳим аҳамиятга эга. Қимматли қоғозларнинг сифати уларнинг доимий равишда дивиденд келтириш имкониятлари билан, бозорий баҳолари турғун равишда ошиши билан, ушбу қимматли қоғозларнинг фонд биржаларида сотилиш қандайлиги ва уларнинг ликвидлик кўрсаткичлари билан аниқланади. Лекин бошқа томондан, қимматли қоғозларнинг сифати уни чиқарган корхонанинг инвестицион кўрсаткичлари воситасида аниқланади. Шунинг учун ҳам қимматли қоғозлар сифатини аниқлашда корхонанинг инвестицион имкониятларини чамалаш асос қилиб олинган қуйидаги икки асосий усулдан фойдаланилади:

- Корпорациянинг банкрот бўлишини башорат қилиш.
- Ишлаб турган корпорацияларнинг акциялари қийматини баҳолаш ёки дисконт усули.

Корпорациянинг банкрот бўлишини башорат қилиш усули турли хил корпорацияларга оид катта ҳажмдаги маълумотларни статистик қайта ишлаш асосида ишлаб чиқилган. Бу усул кўпгина америка, европа ва япон корпорацияларининг амалиётида ишлатилади. Ушбу усулда акцияларнинг инвестицион имкониятлари умумлашган **Z** кўрсаткичи орқали баҳоланади. Бу кўрсаткич беш бошланғич кўрсаткич асосида асосида ҳисобланилиб, уни корпорацияларнинг молиявий барқарорлик кўрсаткичи деб аталади. **Z** кўрсаткичини ҳисоблаш учун қуйидагилардан фойдаланилади:

- **P1** – Ишчи капитал / Корпорациянинг умумий активлари.

P1 > 0.25

- **P2** – Тўпланган капитал / Корпорациянинг умумий активлари.

P2 > 0.21

- **P3** – Фойда / Корпорациянинг умумий активлари.

P3 > 0.10

- **P4** – Капитал / Корпорациянинг умумий қарзи.

P4 > 1.90

- **P5** – Сотув ҳажми / Корпорациянинг умумий активлари.

P5 > 1.60

Юқоридаги ҳар бир кўрсаткичнинг иқтисодий моҳиятини кўрсатиб ўтамиз.

- **P1** - акционер жамиятнинг мажбуриятлардан озод бўлган активлари ҳажмини кўрсатади.
- **P2** - акционер жамиятнинг олдинги даврлардаги фаолиятининг самарадорлигини кўрсатади ва бунда "Тўпланган капитал" жамиятнинг тақсимланмаган фойда миқдорига мос келади.
- **P3** - акционер жамиятнинг фойдалилик даражасини билдиради ва у ишлаб чиқаришнинг умумий рентабеллигини кўрсатади.
- **P4** - акционер жамиятнинг кредиторлардан мустақиллик даражасини кўрсатади ва бунда капитал тушунчасига компаниянинг барча мулки киради.
- **P5** - компания активларининг бозорда талаб бор бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришга жалб қилиниш самарадорлигини кўрсатади.

Z кўрсаткичининг маълум бир тренд модели асосида ҳисобланган ва қабул қилиш мумкин бўлган нормал катталиги қуйидагича:

Z > 2,4

Юқорида кўрсатилганлардан ташқари, корхона фаолиятининг баъзи бир томонларини кўрсатувчи яна уч кўрсаткич мавжуд бўлиб, улар қуйидагиларни англатади:

- **Р6** - жорий активлар / жорий қисқа муддатли мажбуриятлар.

Р6 > 2, 2

- **Р7** - умумий қарз / умумий активлар.

Р7 > 0,40

- **Р8** - Фойда / Капитал. **Р8 > 0,15**

Охирги **Р8** кўрсаткич ҳиссадорлик жамиятининг умумий фойдалилик даражасини кўрсатади ва капитал қўйилмалар самарадорлиги деб номланади. **Р7** кўрсаткич ҳиссадорлик жамиятининг молиявий мустақиллигини ифодаласа, **Р8** кўрсаткич баланс ликвидлигини, яъни, ҳиссадорлик жамиятининг ўз қарзларини тўлай олиш имкониятини кўрсатади.

Акциялар қийматини ҳисоблашнинг дисконт усулида акциянинг ҳақиқий нархи тушунчаси киритилади. Акциянинг ҳақиқий нархи ушбу акциялар келажакда келтириши мумкин бўлган барча дивидендларнинг бугунги кундаги баҳоси билан аниқланади. Шунинг учун бундай усулни қўллашда акциялар келажакда келтирадиган дивидендлар дисконтлаштирилади. Бунда ҳозирги вақтга келтирилган турли даврлардаги капитал қўйилмалар қиймати қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$К = \sum К1 / (1 + Е)$$

Бу ерда **К** - жорий вақтга келтирилган капитал қўйилмалар,

К1 - жорий йил капитал қўйилмалари ёки жорий йил дивидендлари,

Т - акция муддати ёки даври,

Е - дисконтлаштириш нормативи.

Капитал инвестиция қилиш учун бирор бир турдаги акцияларни танлаш жараёни икки асосий босқичдан иборат бўлади:

- Акцияларни чиқарган ҳиссадорлик жамиятининг қайси тармоққа мансублиги.
- Ҳиссадорлик жамиятининг жорий ва келажак тадбирларини таҳлил қилиш ёки техник таҳлил босқичи.

Биринчи босқичга мувофиқ, барча тармоқлар қуйидаги турларга бўлинадилар:

- Энди ташкил этилаётганлар.
- Ўсаётганлар.
- Турғун ишлаётганлар.
- Спекулятив тармоқ ёки ташкилотлар.
- Сўниб бораётган тармоқ ёки корхоналар.

Энди ташкил этилаётган тармоқларга янги перспектив маҳсулот яратган компаниялар кириб, инвесторлар учун уларнинг акцияларини олиш бир қанча муаммолар туғдиради, чунки кўпинча бундан компаниялар ёпиқ ҳиссадорлик кўринишида ташкил қилинадилар. Бундай компаниялар кецинчалик юқорида кўрсатилган барча турларга мансуб бўлиб қолишдари мумкин. Ўсаётган тармоқларга сотув ҳажми ҳамда фойда доимий равишда ва бошқаларга нисбатан тезроқ кўпаяётганларни мисол қилиб келтириш мумкин. Бундай тармоқ компаниялари ўсувчи компаниялар деб аталади, уларнинг акциялари эса ўсувчи акциялардир. Акция баҳоси ошиши фактининг ўзигина акцияларни ижобий қилмайди, чунки акция қиймати ўсиши юқори фойда нормаси, активларнинг баҳолари ўсиши, келиб тушаётган пул маблағларининг кўпайиши, капитал айланиши ошиши каби фапкторлар билан тасдиқланиши лозим. Бундай акцияларга қуйидаги кўрсаткичлар мос бўлади:

- Инвестиция қилинган капиталга нисбатан юқори даражадаги даромад даражаси.
- Асосий фондларга инвестиция қилиш учун тақсимланмаган капитал ҳосил қилиниши.
- Уддабурон ва агрессив менежемент.

- Пул тушумининг кўпайиши учун кенг имкониятлар мавжудлиги.

Турғун тармоқларда ўсиш, сотув ҳажми ва пул тушуми нисбатан турғун бўлиб, улар иқтисодиёт рецессияси даврларида ҳам нисбатан текис фаолият кўрсатадилар. Турғун тармоқлар компаниялари қийин пайтларда ҳам етарли бўлган захираларга эга бўладилар. Улар учун акцияларнинг қуйидаги категориялари мос бўлади:

- "**Blue Chip**s" турига мансуб акциялар.
- Химоя акциялари.
- Даромадли акциялар.

"**Blue Chips**" турига мансуб акциялар энг яхши инвестицион хусусиятга эга бўлган акциялардир. Улар энг ёмон иқтисодий шароитларда ҳам файда олиш имконини яратадилар. Бу хусусиятни компаниянинг бозордаги монопол ҳолати, молиявий қудрати ва самарали менежементи таъминлаб беради. Химоя акциялари деб, ёмон бозор шароитларида ҳам турғун равишда қайндайдир миқдорда фойда олишга имкон берувчи ва оз бўлса ҳам дивиденд тўлаб турувчи компанияларнинг акцияларига тушунилади. Бунга мисол қилиб, коммунал хўжалик компаниялари акцияларини келтириш мумкин. Яхшигина дивидендлар тўлаб турувяи компанияларнинг акциялари даромадли акцияларга мисол бўла олади.

Агарда компания ҳолати ҳақида ишончли маълумотлар олиш имкони бўлмаса, у ҳолда инвесторлар учун катта таваккалчилик мавжуд бўлади. Шунинг учун бундай компаниялар мансуб бўлган тармоқларни спекулятив тармоқ ёки ташкилотлар деб тушунилади. Янги ташкил қилинаётган ва венчур компаниялар спекулятив кмпанияларга мисол бўла олади. Агарда тармоқда ишлаб чиқариш ҳажми доимий равишда камаяётган бўлса ва у ишлаб чиқараётган маҳсулотлар узоқ вақт давомида талабга эга бўлмаса, уларни сўниб бораётган тармоқ ёки компаниялар деб аталади.

Қимматли қоғозлар сифатини таҳлил қилишнинг иккинчи босқичининг мақсадини рўёбга чиқариш учун компаниянинг

фаолиятини тағлил қилиб чиқиш керак бўлади (корпоратив таҳлил). Бу иш компаниянинг кейинги бир неча йил ичидаги нашр қилинган молиявий ҳисоботларини таҳлил қилиш ва натижаларни баҳо ҳамда фоиз нуқтаи - назаридан солиштиришдан иборат бўлади. Бундай таҳлил жараёнининг амалга оширилишида қуйидаги молиявий кўрсаткичлар ҳисобланилади ва кўриб чиқилади:

- Сотув ҳажми ва умумий тушум.
- Баланс фойдаси.
- Солиқ ставкаси.
- Активлар тақсимланиши.

Шундан сўнг ушбу ҳиссадорлик жамиятининг фаолиятини кўрсатадиган молиявий коэффициентлар ҳисоблаб чиқилади:

- Акционер капиталнинг фойда нормаси:

$$НП = ЧП / АК$$

Бу ерда, **НП** – фойда нормаси,

ЧП – соф фойда,

АК – акционер капитал.

Бу кўрсаткич компания томонидан ўз капиталининг ишлатилиш самарадорлигини кўрсатади. У комплекс кўрсаткич бўлиб, уни қуйидаги кўпайтма кўринишида ёзиш мумкин:

$$НП = КП * КО * КУ$$

Бу ерда, **КП** – фойда олиш коэффициенти,

КО – капитал айланиш коэффициенти,

КУ – заём воситалар иштироки коэффициенти.

Юқорида келтирилган формуладаги бу учта коэффициент қуйидаги формулалар воситасида ҳисобланилиши мумкин:

$$КП = ЧП / ВР$$

Бу ерда **ВР** – маҳсулот сотишдан тушган маблағ.

$$КО = ВР / А$$

Бу ерда **А** - компания активларининг баҳоси (баланг “активлар” бўлимининг жами). Ушбу **КО** коэффициенти ҳиссадорлик жамиятининг бир сўмга нисбатан айланмаси миқдорини билдиради.

$$КУ = А / АК$$

Доимо **А > АК** эканлиги тушунарли бўлса керак деб ўйлаймиз.

- Ҳиссадорлик жамиятининг ўз ва заём воситаларининг нисбати:

$$КЗ = С / ЗС$$

Бу ерда, С - Ҳиссадорлик жамиятининг ўз воситалари

ЗС - Ҳиссадорлик жамиятининг ўз ва заём воситалари.

- Ликвидлилик коэффициенти:

Ликвидлилик деб, ҳиссадорлик жамиятининг ўз вақтида қарзларини тўлай олиш қобилиятига тушунилади, яъни унинг ўз активларини тезлик билан сота олиш имкониятига тушунилади. Бунда тез ва осон сотила олинадиган активларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

  - Пул маблағлари;
  - Қимматли қоғозлар;
  - Дебиторлик қарзи.

Дебиторлик қарзи икки гуруҳга бўлинади: ташқи ва ички. Масалан, ташқисига жўнатилган товарга бўлган тўлов кирса, ичкисига хизматчиларнинг ҳиссадорлик жамияти олдидаги қарзи киради. Жамиятнинг қийин сотиладиган активларига товар захираларини, охирига етказилмаган қурилишни, кўчмас мулкни, бино ва қурилмаларни, ерни киритиш мумкин. Зудлик билан

кўриладиган ёки критик ликвидлилик коэффициенти қуйидагича ҳисобланилади:

$$КНЛ = (ЛА – ДЗ) / КОП$$

Бу ерда **КОП** - қисқа муддатли қарзлар ёки жорий пассивлар,

ЛА - осон сотиладиган активлар,

ДЗ - дебиторлик қарзи.

Бу ердаги жорий пассивлар тшлов муддати келган кредиторлик қарзи ва қисқа муддатли қарзларнинг йиғиндисидир.

- Компания соф фойдасидан облигацияларга фоизларни ва акциялар дивидендларини тўлай олиш. Облигацияларнинг таъминоти бўлиб соф материал активлар хизмат қилади ва улар қуйидагича ҳисобланилади::

$$МАЧ = МА – КОП$$

Бу ерда, **МАЧ** – соф материал активлар,

МА – материал активлар.

Облигацияга бўлган даромад эса қуйидагича ҳисобланилади:

$$ДО = МАЧ / ОБ > 1$$

Бу ерда, **ОБ** – облигациялар бўйича мажбуриятлар.

Имтиёзли акцияларнинг таъминоти сифатида соф активлар (**ЧА**) хизмат қилиб, у қуйидагича ҳисобланилади:

$$ЧА = МАЧ – ДЗ$$

Бу ерда **ДЗ** – узоқ муддатли заём. Бунда имтиёзли акцияларнинг таъминоти (ёки даромад) қуйидагича ҳисобланилади:

$$ДАП = ЧА / АП > ДФ$$

Бу ерда, **АП** - имтиёзли акцияларнинг сони ва **ДФ** - имтиёзли акциялар бўйича белгиланган дивиденд.

Оддий акциялар облигациялар ва имтиёзли акцияларга тўловлар тугатилганидан сўнг қолган воситалар билан таъминланадилар. Шунинг учун, битта оддий акцияга тўғри келадиган даромад **ДА** қуйидаги тенглама орқали ҳисобланилади:

$$ДА = (ЧА – ОБ – ОП) / А > ДСР > БСТ$$

Бу ерда **ОП** – имтиёзли акциялар бўйича мажбуриятлар,

А – оддий акцияларнинг сони,

ДСР - ушбу ҳудудда депозитлар бўйича ўртача ставка,

БСТ - ушбу ҳудудда банк қўйилмалар бўйича ўртача банк ставкаси.

Қимматли қоғозларнинг сифатини баҳолашда ҳиссадорлик жамиятининг молиявий ҳолатини аниқловчи бир қанча омилларни ҳам ҳисобга олиш муҳим:

- ҳиссадорларга тўланадиган дивидендларнинг фойданинг умумий ҳажмидаги ҳиссаси;
- бир оддий акцияга тўғри келадиган фойда коэффициенти;
- акция / фойда катталиги қанчани ташкил қилишини;
- ушбу ҳиссадорлик жамиятини бошқариш (менежемент) самарадорлигини.

Биржа индекслари

Биржа индекслари турли хил услубларда ҳисобланиши мумкин. Баъзи биржа индекслари акциялар курслари катталикларининг ўртача арифметик қийматини, бошқалари эса биржа савдоларида иштирок этаётган ҳиссадорлик жамиятларининг корпорацияларараро ўртача қийматини ташкил қилади. Ўлчаш миқёси жихатидан ҳам индекслар турли хил бўлиши мумкин. Уларнинг баъзилари бутун бозор ҳолатини англатса, бошқалари маълум бир тармоқ ёки бозор секторининг ҳолатини билдиради. Кўпгина индекслар фонд биржаси савдосининг алоҳида обектига

ҳам айланганлар – улар бўйича опционлар ва фьючерс контрактлари учун опционлар тузилади. Қуйида энг аҳамиятли ва оммавий индексларнинг баъзиларини кўриб чиқамиз.

Доу - Жонс индекслари

Бу индексларнинг тўрт хили мавжуд:

1. Доу - Жонснинг саноат индекси (**The Dow Jones Industrial Average – DJIA**) – 30 та катта саноат корпорацияларининг акциялари курсининг ўртача арифметик катталигидир. Бу индекс энг эски ва энг кўп тарқалган фонд биржаси индексларидандир. Унинг таркибий қисмларига Нью - Йорк фонд биржасида котировка қилинадиган акциялар бозор баҳосининг 15-20 фоизи тўғри келади. Индекс унинг таркибидаги корпорациялар акцияларининг биржа ёпилиш пайтидаги баҳоларини қўшиш ва олинган йиғиндини деноминаторга бўлиш билан ҳисобланади. Доу - Жонс индекси пунктларда ҳисобланилади. Ҳар куни эрталаб "**Уолл Стрит жорнел**" ва бошқа оммавий ахборот воситаларида унинг қиймати нашр этилади ва эълон қилинади, аммо Нью Йорк фонд биржасида унинг қиймати ҳар ярим соатда билдирилиб турилади.
2. Доу - Жонснинг транспорт индекси (**The Dow Jones Transportation Average – DJTA**) - 20 та транспорт компанияларининг акцияларига бўлган баҳонинг ҳаракатини кўрсатадиган ўртача кўрсаткичдир (авиакомпаниялар, темир йўл ва автомобил компаниялари).
3. Доу - Жонс коммунал индекси (**The Dow Jones Utility Average – DJUA**) - газ ва элекр таъминоти билан шуғулланадиган 15 та компаниянинг акциялари курси ҳаракатининг ўртача кўрсаткичи.
4. Доу - Жонснинг таркибий индекси (**The Dow Jones Composite**) - бу кўрсаткич "**Индекс-65**" номи билан ҳам маълум бўлиб, у саноат, транспорт ва коммунал индекслар асосида ҳисобланилади.

Булардан ташқари Доу - Жонс компанияси облигациялар бўйича ҳам икки муҳим индекс нашр қилади: Доу - Жонснинг

облигацион индекси - 40 (**The Dow Jones 40 Bond Averag**e) ва муниципал облигациялар бўйича Доу - Жонснинг облигацион индекси (**The Dow Jones Minicipal Bond Yield Average**).

Энди "**Стандарт энд Пуэрз**" мустақил фирмаси томонидан чоп этиладиган ва "**Стандарт энд Пуэрз**" деб номланган индексни кўриб чиқамиз. Бу индекс икки вариантда ҳисобланади - 500 корпорация акциялари маълумотлари бўйича ва 100 та корпорация акциялари курслари асосида.

1."**Стандарт энд Пуэрз - 500**" қуйидаги пропорцияларда киритилган 500 та корпорацияларнинг акциялари бозорий нархи асосида ҳисобланади: 400 та саноат корпорациялари, 20 та транспорт компаниялари, 40 нафар молия ташкилотлари ва 40 та коммунал компаниялар. Унга асосан Нью - Йорк фонд биржасида қайд қилинган компанияларнинг акциялари киритилган бўлиб, Америкадаги бошқа компанияларнинг акциялари котировкаси киритилиши ҳам истисно этилмайди. Бу индекс Доу - Жонс индексига нисбатан аниқроқ ва унда кўпроқ компанияларнинг ҳолати акс эттирилган. Ушбу индекс опционлари бўйича савдо Чиқаго фонд биржасида амалга оширилади, фьючерс контрактлари учун опцион ва фьючерслар эса Чиқаго товар биржасида сотилади.

2."**Стандарт энд Пуэрз - 100**" ҳам худди олдингисига ўхшаб ҳисобланилади, аммо у Чиқаго биржалар опционида қайд қилиган опционлари мавжуд корпорациялар акцияларидан иборат бўлади. Улар асосан Нью - Йорк фонд биржасида қайд этилган саноат корпорациялари акцияларидан иборат бўлиб, унда яна баъзи бир транспорт, коммунал ва молиявий корпорациялар ҳам иштирок этиши мумкин. "**Стандарт энд Пуэрз - 100**" индекси бўйича опционлар Чиқаго фонд биржасида котировка қилинади, фьючерслар эса Чиқаго товар биржасида айланади. Фьючерслар бўйича опционлар эса бу индекс бўйича берилмайди.

Нью - Йорк фонд биржаси индекси (**New York Stock Exchange Index**) Нью - Йорк фонд биржасида ўз акцияларини қайд этган барча корпорацияларни ҳисобга олади. Агар Доу - Жонс индекси фунтларда ифодаланса, Нью - Йорк фонд биржаси индекси долларларда ифодаланади. Ушбу индекс бўйича опционлар

Нью - Йорк фонд биржасида амалга оширилади, фьючерслар бўйича операциялар эса (контракт ва опционлар) Нью - Йорк фьючерслар биржасида амалга оширилади. Нью - Йорк фонд биржасининг умумий индексидан ташқари, унинг транспорт, саноат ва коммунал ҳамда телефон компаниялари индекслари ҳам мавжуд. Америка Фонд Биржасининг индекслари ҳам алоҳида аҳамиятга молик. Америка Фонд Биржаси икки асосий индексни нашр қилади:

1. **НАСДАҚ** баҳолар индекси (**NASDAQ - ORC Price Index**) га 3500 дан ортиқ биржаларда котировка қилинмайдиган корпорацияларнинг акциялари ҳақидаги маълумотлар киритилади. У илк бор 1971 йил февралида ҳисобга олинган бўлиб, у пайтда компаниялар сони 100 та эди холос. Опцион ва фьючерслар бўйича операциялар ушбу индекс бўйича амалга оширилмайди. 1984 йилдан сўнг НАСДАҚ саноат, тарнспорт, коммунал, суғурта ва бошқа компанияларнинг акциялари бўйича ҳам тармоқ индексларини нашр қила бошлаган.

“Валю Лайн” (Value Line Composite Index) деб номланган таркибий индекс унчалик кўп ишлатилмайди. Ушбу индекс мустақил “Валю Лайн” (**Value Line**) инвестицион хизматлари кўрсатувчи компания томонидан ҳисобланилади. У Нью - Йорк фонд биржасида котировка қилинадиган, Америка Фонд Биржасида ва биржадан ташқирида муомалада бўлган тахминан 1800 турдаги акциялар курсининг ўртача геометрик катталигини билдиради. У илк бор 1961 йилда ҳисобга олинган бўлиб, у пайтда 100 хил акция ҳолатини ҳисобга олар эди. Бу индекс бўйича опционлар билан боғлиқ амаллар Филадельфия фонд биржасида амалга оширилади, фьючерслар эса Канзас-Сити биржасида сотилади.

Қизиқарли индекслардан яна бири “**Уилшир - 5000” (Wilshire 5000**) бўлиб у бошқалардан кўра аниқроқ, Нью - Йорк фонд биржасида, Америка Фонд биржасида ва биржадан ташқари бозорда котировка қилинадиган барча корпорацияларнинг акциялари баҳоларини ҳисобга олади. Ушбу индекс бўйича опционлар ва фьючерс амаллари бажарилмайди.

Лондон фонд биржаси **FTSE** индексидан фойдаланса, Токио фонд биржаси **NIKKEI** индексидан фойдаланади.

Биржа индексларининг ўзгариш тенденциялари бир неча хафтадан бир неча йилгача бўлган давр динамикасида ўрганилади. Мутахассислар учун узоқ муддатли тенденциялар (кўтарилиш ёки тушиш) ни ўрганиш катта қизиқиш уйғотади. Лекин бирор бир пичоққа илинадиган хулосалар чиқариш учун фонд бозорларидаги, иқтисодиётдаги, сиёсатдаги ва савдодаги тенденцияларни яхшилаб ўрганиш талаб қилинади.

Қимматли қоғозларнинг рейтинги

Қимматли қоғозларнинг рейтинги инвесторлар учун таваккалчилик даражасини кўрсатади. Қимматли қоғозларнинг бир рейтингдан бошқасига ўтиши уларнинг нархига таъсир қилади. АҚШ да рейтинг масалалари бйлан шуғулланадиган энг таниқли хизматларга АҚШ да "**Стандарт энд Пуэрз**", "**Мудиз инвестор сервис**" ни, Канадада эса "**Канадиэн бонд рейтинг сервис**"ни киритиш мумкин. Корпорациялар рейтингсиз ҳам бозорга чиқишлари мумкин, лекин бу ҳолда унинг чиқарган қимматли қоғозлари бозорда сотиб олинмайди. Ундан ташқари, бир қанча институционал инвесторларга маълум бир турдаги рейтингга эга бўлмаган қимматли қоғозларни ҳарид қилиш ман этилади. Қуйида қимматли қоғозларнинг рейтинглари турларини кўриб чиқамиз:

А - классига мансуб қимматли қоғозлар бир - биридан баъзи кўрсаткичлари билан фарқланади. Масалан, **А** классига мансуб қимматли қоғозлар яхши сифатга эга, аммо у бозор конъюнктурасига жуда боғлиқ, шунинг учун уларни чиқарган компанияларнинг молиявий ҳолати яхшилигича қолишига ишонч йўқ. **А +** классига мансуб қимматли қоғозлар эса жуда яхши сифатга эга, лекин уларни чиқарган компания активларининг (ёки тушумининг) қарзга нисбати камроқ. **А ++** олий сифатли қимматли қоғозлар бўлиб, улар нисбатан фоизга ҳам, қарзга нисбатан ҳам максимал хавфсизликни таъминлаб беради. Бундай рейтинг кўрсаткичига катта миллий ва трансмиллий копанияларнинг қимматли қоғозлари эга бўлиши мумкин. **ААА** жуда олий сифатли қимматли қоғозларнинг рейтинги бўлиб, улар АҚШ нинг икки

асосий рейтинг компаниялари - Мудиз ва Стандарт анд Пуэрз томонидан котировка қилинади. **B -** классига мансуб қимматли қоғозларнинг сифати ёмон бўлиб, уни чиқарган компаниянинг қарзларини қоплай олиш даражаси минимал даражадан кам, ривожланиши турғун эмас, фаолияти яхшиланишига тўла ишонч йўқ. **C** класси эса спекулятив қимматли қоғозларни англатади. Уни чиқарган компания ҳали ёш ва келажакда қандай ривожланиши номаълум. **D** класси дифлот деб номланади ва унга мансуб қимматли қоғозларни чиқарган компания тугатилиш арафасида, фоизлар тўлаш эса тўхтатилган. **S** қимматли қоғозлари рейтингдан маҳрум бўлган компания бўлиб, у жуда катта молиявий ёки оператив муаммолар гирдобида, келажаги ноаниқ ва қарзлари узилиши даргумон.

"**Бизнес Уик**" журнали томонидан аниқланиладиган BW - 1000 рейтинг дунёнинг 1000 та йирик **компанияларини ўз ичига қамраб олади. "Файнансиал Таймс" газетаси эса FT** - 1000 рейтингини нашр қилади ва у Европанинг етакчи компаниялари рейтингини билдиради. **BW** ва **FT** рейтингларини аниқлашда энг асосий кўрсаткич компаниянинг капитализация даражаси (яъни, компания томонидан чиқарилган барча акцияларнинг бозори нархи) бўлиб, у қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$Р = А \times Ц$$

Бу ерда, Р - акцияларнинг жами бозор нархи, А - акциялар сони ва Ц - битта акциянинг бозор нархи.

Бундан ташқари рейтинг жадвалида компаниянинг иш фаоллиги кўрсаткичлари ҳам келтирилади:

- натижавий кўрсаткичлар - активлар умумий суммаси, сотув ҳажми ва компания оборотн;
- фойда миқдори ва капитал катталиги;
- нисбий кўрсаткичлар - асосий фондлар ёки асосий капиталнинг рентабеллиги, инвестициялар самарадорлиги;

- қиёсий катталиклар - ўсиш даражаси ёки турли хил кўрсаткичларнинг олдинги даврга ёки базага нисбатан нисбий катталиги.

Шундай қилиб, **BW** ва **FT** рейтинг жадваллари ҳиссадорлик туридаги ҳар қандай компания учун универсал кўринишга эга бўлиб, уларни мутахассислигидан қатъий назар, баҳолашга имкон беради.

Эксперт кўринишига эга бўлган рейтинглар йил давомида энг яхши саноат корпорациялари, банклар, молиявий компаниялар, суғурта компаниялари ва бошқаларни ҳарактерлаб, улар “Форчун” ва “Экономист” журналлари томонидан амалга оширилади. Бу ишни амалга оширишга иқтисод, молия ва бошқарув соҳасидаги бир неча минглаб мутахассислар жалб қилинади. Улар 10 балли шкала ёрдамида катта компанияларни таҳлил қиладилар. Бунда асосий кўрсаткичлар сифатида қуйидагилардан фойдаланилади:

- бошқарув сифати;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ёки кўрсатилаётган хизматлар сифати;
- ресурсларнинг ишлатилиши;
- узоқ муддатли капитал қўйилмалар;
- иқтидарли шахсларни жалб қила олиш ва уларнинг касбий ўсишига кўмак бериш;
- инновацияга муносабати;
- жамият ва табиат олдидаги жавобгарлик.

Рейтинг жадваллари алоҳида кўрсаткичлар бўйича, умумлашган мезонлар асосида ёки тармоқлар бўйича дифференциаллашган ҳолда тузилиши мумкин.

Яна бир мисол сифатида баҳолаш кўрсаткичларини келтириш мумкин. Улар қуйидаги кўрсаткичларни ҳисобга оладилар:

- низом фонди катталиги;
- бир акцияга тўғри келадиган даромад;
- акцияларнинг баланс қиймати;
- тўланган дивидендлар катталига;

- компания рентабеллиги.

Қимматли қоғозларнинг таваккалчилик кўрсаткичлари

Ҳар қандай хўжалик жараёнини амалга оширишда маблағларни йўқотиш эҳтимоллиги мавжуд бўлади. Бундай молиявий йўқотиш хавфлари молиявий риск (таваккал) деб аталади. Улар тижорат рисклари турига мансуб бўлади. Соф ва спекулятив рисклар мавжуд бўлиб, уларнинг биринчиси мусбат ёки манфий натижа олиш имкониятини англатади, иккинчиси эса молиявий рискдир. Ўз капиталини венчур корхонага қўяётган инвестор олдиндан икки хил натижа – катта фойда ёки йўқотиш бўлишини яхши билади. Молиявий рискнинг хусусиятлари молия - кредит соҳасида ёки биржада қимматли қоғозлар билан ишлаганда зарар кўриш эҳтимоллиги билан ҳарактерланади. Молиявий рискка кредит риски, фоиз риски, валюта риски ва молиявий фойдани қўлдан чиқарилиш риски киради. Кредит риски - заём олувчи томонидан асосий маблағни ва унга бўлган фоизларни тўламаслик билан боғлиқ, фоиз риски эса фоиз даражаси кўтарилиб кетиши оқибатида кредит ташкилотларининг, инвестицион фондлар, селенг компаниялари кўриши мумкин бўлган зарар билан боғлиқ рискни англатади. Валюта рисклари бир чет эл валютасининг иккинчисига нисбатан курси ошиб ёки камайиб кетиши оқибатида кўриладиган зараралар хавфи билан боғлиқ бўлади. Бой берилган молиявий фойда риски эса қандайдир тадбирни амалга оширмаганлик ёки хўжалик жараёни тўхтаб қолиши билан боғлиқ бўлади.

Капитални инвестиция қилишда доимо инвестиция вариантлари ва рискни танлаш имкониятлари мавжуд бўлади. Масалан, инвестор ўз капиталини қаерга ва қандай қилиб жойлаштиришни танлаши керак: агар у пулини банкка қўйса, фоиз кам, лекин риск ҳам жуда кам бўлади, агар у пулини венчур компаниясига жойлаштирса, унда фойда анча кўп, лекин риск ҳам жуда юқори бўлади. Молиявий риск, бошқа ҳар қандай риск сингари, йўқотилиш эҳтимоллиги билан ҳарактерланади ва уни математик усуллар ёрдамида аниқ ҳисоблаб чиқиш мумкин. Масалан, капитални икки хил усулда жойлаштириш имконияти мавжуд деб фараз қилайлик. Агар капитал **А** вариантда жойлаштирилса, **0,6** эҳтимоллик билан **15** миллион сўм олиш

мумкин, агар капитални **В** вариантда жойлаштирилса, **0,**4 эҳтимоллик билан **20** миллион сўм олиш мумкин. У ҳолда капитал қўйилиши оқибатида олинадиган фойда миқдори (фойданинг математик кутилиши катталиги) қуйидагича бўлади:

- **А** вариантда 15 х 0,6 = 9 миллион сўм олиниши кутилади;
- **В** – вариантда 20 х 0,4 = 8 миллион сўм олиниши кутилади.

Ҳодисанинг рўй бериш эҳтимоллиги объектив ёки субъектив усулларда аниқланиши мумкин. Объектив усулда ўрганилаётган ҳодисанинг пайдо бўлиш эҳтимоллиги ҳисобланади. Масалан, агар бирор бир ишга капитал жалб қилинганида бундай холларнинг 200 тасидан 120 тасида 15 миллион сўм миқдорда фойда олинган бўлса, у ҳолда бундай катталикдаги фойда олиш эҳтимоллиги 120 / 200 = 0,6 га тенг бўлади. Субъектив усул эса турли хил фаразлар асосида қурилган турли субъектив кўрсаткичлардан фойдаланишга асосланган. Бундай фаразларга баҳоловчининг фикри, шахсий тажрибаси, эксперт баҳоси, молиявий маслахатчи фикри ва бошқалар мисол бўлиши мумкин.

Риск катталиги ёки риск даражаси икки хил кўрсаткич билан аниқланади:

- ўртача математик кутилиш;
- кутилаётган натижанинг тебраниш даражаси (ўзгарувчанлиги).

Мисол учун, агар **А** тадбирга капитал қўйилганда 120 ҳолатдан 48 тасида 12, 5 миллион сўм фойда олинган (эҳтимоллик 0,4), 42 тасида 20 миллион сўм фойда олинган (эҳтимоллик 0,35), 30 тасида эса 12 миллион сўм фойда олинган (эҳтимоллик 0,25) бўлса, ушбу ҳодисанинг ўртача математик кутилиши (яъни, фойданинг ўртача катталиги) 15 миллион сўмга тенг бўлади:

12,5 х 0,4 + 20 х 0,35 + 12 х 0,25 = 15, 0 миллион сўм.

Шундай тартибда **Б** тадбирига капитал жалб қилинганда ўртача фойда миқдори 20 миллион сўмга тенг бўлган:

15 х 0,3 + 20 х 0,5 + 27,5 х 0,2 = 20 миллион сўм.

Бу икки **А** ва **Б** инвестицион имкониятларга капитал жалб қилиш натижасида олиниши мумкин бўлган фойданинг кутилаётган катталикларини солиштириш натижасида, олинадиган фойда катталиги А имкониятда 12,5 миллиондан 20 миллионгача бўлиши мумкинлигини ва ўртача фойда миқдори 15 миллион сўм бўлишини ҳамда В имкониятда эса олинадиган фойда катталиги 15 миллиондан 27,5 миллионгача бўлиши мумкинлигини ва ўртача фойда миқдори 20 миллион сўм бўлиши мумкинлиги ҳақида хулоса чиқаришимиз мумкин.

Ўртача катталик (ёки ўртача қиймат - **Хқ**) умумлашган сонли кўрсаткич бўлиб, капитал жойлаштиришнинг бирор бир вариантини танлаш учун асос бўла олмайди. Қайсидир бир вариантдаги аниқ бир инвестицион қарор қабул қилиш учун эҳтимол тутилган натижанинг ўзгариш даражасини, яъни, тебраниш даражасини ҳисоблаб чиқиш керак бўлади. Эҳтимол тутилган натижанинг тебранувчанлиги кутилаётган қийматнинг ўртача кийматдан четлашиш даражасини билдиради. Бунинг учун амалиётда кўпинча икки ўзаро бир - бирига боғлиқ бўлган кўрсаткичлардан фойдаланилади. Улар дисперсия ва ўртача квадрат четлашувдир. Дисперсия (уни **G** деб белгилаймиз) - тажриба натижаларининг ўртача кутилаётган қийматдан фарқлари квадратлари йиғиндисининг ўртача қийматидир. Дисперсия ва ўртача квадрат четлашув мутлақ тебранувчанликнинг ўлчамидир. Таҳлил мақсадлари учун вариация коэффициентидан фойдаланилади. Вариация коэффициенти (уни **V** деб белгилаймиз)

- ўртача квадрат четлашув ва ўртача арифметик қийматнинг нисбатидан иборат бўлиб, у ўртача қийматга нисбатан четлашув даражасини кўрсатади:

$$V = (G / Хқ) х 100 \%$$

Вариация коэффициенти нисбий катталик, шунинг учун унинг катталиги ўрганилаётган кўрсаткичнинг мутлақ қийматига таъсир қилмайди. Бу коэффициент 0 дан 100% гача диапазонда ўзгариши мумкин. Вариация коэффицианти қанча катта бўлса,

тебранувчанлик шунчалик кўп бўлади. Иқтисодий статистикада вариация коэффициенттининг қуйидаги катталиклари фарқланади:

- 10% гача - паст даражали тебранувчанлик;
- 10% дан 20% гача - ўрта даражадаги тебранувчанлик;
- 25% дан катта - юқори даражадаги тебранувчанлик.

Дисперсия ва вариация коэффициентининг ҳисобланиш жараёнини қуйидаги мисолдан тушуниш мумкин:

7.1. - жадвал

Биринчи тадбир

Ҳодиса номери	Олинган фойда, **Х** миллион сўмда	Кузатиш-лар сони, n	Фарқлар **(Х-Хқ)**	Фарқлар квадратлари Фкв = **(Х - Хқ)*(Х-Хқ)**	**Фкв х n**
1	12,5	48	-2,5	6,25	300
2	20	42	+5	25,0	1050
3	12	30	-3	9,0	270
Жами:	**Хқ = ∑Х / 3=15**	**∑n = 120**			**∑ = 1620**

7.2. - жадвал

Иккинчи тадбир

Ҳодиса номери	Олинган фойда, **Х** миллион сўмда	Кузатиш-лар сони, n	Фарқлар **(Х-Хў)**	Фарқлар квадратлари Фкв = **(Х - Хқ)*(Х-Хў)**	**Фкв х n**
1	15	24	- 5	25	600
2	20	40	-	-	-
3	27,5	16	+ 7,5	56,25	900
Жами:	**Хқ= ∑Х / 3=20**	**∑n = 80**			**∑ = 1500**

Капитал қўйилгандаги ўртача квадрат четлашув: Биринчи

тадбирда Хквў = √ 1620 / 120 = + 3,67

Иккинчи тадбирда Хквў = √ 1500 / 80 = + 4,33

Вариация коэффициенти:

Биринчи А тадбирда V = +3,67 / 15 = + 24,5%

Иккинчи В тадбирда V = + 4,33 / 20 = +21,7%

Ушбу натижалардан маълум бўлдики, В тадбирга капитал жойлаштиргандаги вариация коэффицеанти А тадбирга капитал жойлаштиришдаги вариация коэффициентига нисбатан кам, шунинг учун капитални Б тадбирга жойлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Молиявий рисклардан қутулиш турли хил воситалар ва усуллар ёрдамида амалга оширилади. Масалан, уларга чап бериш, бошқага узатиш, риск даражасини камайтириш. Аммо рискдан воз кечиш кўпинча фойдадан воз кечишга олиб келади. Рискка ёки таваккалчиликка бориш венчур капитал жойлаштириш мисолида кўриб чиқилиши мумкин. Бунда инвестор катта таваккалчилик қилиб, катта миқдорда фойда олишни ёки венчур капитали йўқолишини ўз капитали билан қоплашни ўз зиммасига олади. Рискни бошқага узатиш - инвестор молиявий жавобгарликни кимгадир, масалан, суғурта компаниясига беришини англатади. Буни молиявий рискни суғурталаш деб аталади. Риск даражасини камайтириш йўқотув ҳажмини ва эҳтимоллигини камайтиришни англатади. Молиявий риск билан боғлик аниқ тадбирларни қўллашда инвестор қуйидагиларга аҳамият бериши лозим:

- ўз шахсий капитали имкон берганидан ортиқ таваккал қилиш керак эмас;
- риск қандай натижаларга олиб келиши мумкинлигини яхшилаб ўйлаб олиш керак;
- оз нарса учун жуда катта таваккалчилик қилиш ярамайди.

Биринчи ҳолатда инвестор капитал жойлаштиришдан аввал:

- ушбу риск бўйича зарарнинг энг катта миқдорини аниқлаши лозим;
- бу зарар миқдорини жойлаштирилаётган капитал катталиги билан солиштириш керак;
- Бу зарар миқдорини ўзининг барча молиявий ресурслари билан солиштириб, бу иш капиталнинг йўқолиши ва инвесторнинг банкротлигига олиб келиш - келмаслигини аниқлаш зарур.

Молиявий риск даражасини камайтириш учун қуйидаги усуллар ишлатилиши мумкин:

- диверсификациялаш;
- танлов ва кутилаётган натижалар ҳақида қўшимча маълумотлар йиғиш;
- лимитлаштириш;
- суғурталаш ва хежлаштириш.

Диверсификациялаш - капитални ёки даромадни йўқотиш рискини камайтириш мақсадида инвестиция қилинаётган воситаларни турли хил бир-бирига бевосита боғлиқ бўлмаган объектларга жойлаштириш бўлиб, бунда бирор бир йўналишда капитал йўқотилган тақдирда, бошқасидан келадиган фойда унинг ўрнини қоплаши назарда тутилади. Инвестицион фондларнинг фаолияти диверсификацияни қўллашга яққол мисол бўла олади. Чунки бунда инвестицион фонд мижозларга акцияларни сотишдан тушган пулларга биржада котировка қилинадиган ва даромад келтирадиган турли хил қимматли қоғозларни сотиб олади ва бу билан акция эгаларига турғун даромад олишни таъминлаб беради. Диверсификация капитални турли хил фаолиятлар билан шуғулланадиган компаниялар акциялари орасида тақсимлаган ҳолда, рискни тақсимлаб, ундан бир қадар қутулишга имкон беради. Масалан, акционер томонидан 5 хил ҳиссадорлик жамиятлари акцияларини сотиб олиш унинг ўртача даромад олиш эҳтимолини 5 марта оширади ва шунинг учун ҳам риск даражасини 5 марта камайтиради. Рискни камайтиришда аниқ маълумотларга эга бўлиш катта аҳамиятга молик бўлгани учун, информация ҳам товарга айланади. Чунки аниқ ва тўлиқ информация асосида риск

даражасини башорат қилиш ва зарарни камайтирган ҳолда катта фойда олиш мумкин.

Лимитлаштириш - инвестиция қилинаётган капитал миқдорини, харажатларни, сотувларни, кредитни ва бошқаларга маълум даражада чегара қўйиш бўлиб, бу тадбир натижасида риск даражасини чегараланган миқдор билан боғлиқ равишда анча камайтириш мумкин бўлади.

Молиявий рискни суғурталаш - инвестор томонидан рискдан қутулиш мақсадида даромаднинг бир қисмидан воз кечиш бўлиб, у бу рискни маълум бир суммага суғурта компаниясига сотади. Демак, агар инвестор молиявий йўқотишга учраган тақдирда, бу йўқотишларни суғурта компанияси суғурта полисига асосан қоплайди.

Хежлаштириш деб, фонд бозорлари амалиётида фонд бозоридаги курслар ўзгариши натижасида кўрилиши мумкин бўлган зарар билан боғлиқ рисклардан қутулиш амалларига айтилади. Акция сотиб олинишида икки турдаги хежлаштириш усули ишлатилади:

- Акция ҳарид қилиш / сотиш учун опцион ҳарид қилиш (**long stock/long put);**
- Акция ҳарид қилиш / сотиб олиш учун опцион ёздириш (**long stock/short call)**

Бу операциялар сотиб олинган акцияларнинг нархи тушиб кетган тақдирда риск даражасини камайтиради. Қимматли қоғозларни сотиб олаётган шахс доимо ўз капитали билан таваккал қилади. Шунинг учун риск даражаси капиталнинг бир қисмини ёки барча капитални йўқотишнинг ўзига қамраб олади ёки бошқа турдаги қимматли қоғозларга нисбатан камроқ даромад олиш билан боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам инвестор бирор бир турга мансуб қимматли қоғозларни сотиб олишдан аввал барча мумкин бўлган рискларни баҳолаши мақсадга мувофиқ бўлади. Қимматли қоғозлар бўйича рискларни икки категорияга бўлишимиз мумкин:

- Ўзига хос риск;
- Бозорй риски.

Ўзига хос риск - эмитентнинг тўлов қобилиятини йўқотиши билан боғлиқ рискдир. Уни қуйидаги турларга бўлиб ўрганиш мумкин:

1. Бошқарув билан боғлиқ бўлган риск. У компания раҳбариятининг тажрибасизлиги туфайли юзага келади.

2. Операцион риск. Бу турдаги риск компаниянинг харажатлари тузилиш билан боғлиқ бўлади. Компаниянинг операцион ричаги қанча катта бўлса, бу билан боғлиқ равишда риск ҳам юқори бўлади.

3. Молиявий риск. Бу турга мансуб риск компания капитали тузилиши билан боғлиқ бўлади. Компаниянинг молиявий ричаги (левереж - заём капиталининг компания ўз капиталига нисбати) қанча катта бўлса, молиявий риск ҳам шунча катта бўлади.

4. Таъминланув риски. Бу турдаги риск инвесторнинг мулкий талабларини қондириш нуқтаи назаридан аниқланади. Бу маънода облигациялар жуда кам даражадаги рискка эга бўлади, чунки облигация эгалари биринчи бўлиб даромад олиш ҳуқуқига эгадирлар. Масалан, агар компания тўлов қобилиятини йўқотган бўлса, облигациялар бўйича фоизларни тўлаш учун унинг мулкидан фойдаланилади. Облигация эгалари суд орқали ўз ҳақларини талаб қилишга ҳақлидирлар. Агар корхона банкрот бўлса, облигация эгалари биринчи навбатда компенсация олишга ҳақлидирлар. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бирор бир мулк эвазига чиқарилган облигациялар (закладой облигациялар) ҳеч қандай таъминотсиз чиқарилган облигацияларга нисбатан ишончлироқ бўладилар.

Бозор билан боғлиқ бўлган риск корхонани характерлайдиган бирор бир хусусият билан эмас, балки иқтисодиётнинг ҳолати қандайлиги билан аниқланади. Ушбу рискни диверсификациялаш мумкин эмас, чунки у барча қимматли қоғозларнинг динамикасида турли кўринишларда ва даражада акс этади. Бу риск акция ва облигацияларги турли хилда таъсир қилади. Агар бу рискнинг акцияларга таъсири иқтисодиёт ўсиши ёки пасайиши билан боғлиқ бўлган даромад даражаси орқали аниқланса, облигацияларга таъсири фоиз ставкаларининг ўзгариши орқали билинади. Хўжалик конъюнктурасининг ўзгариши фоиз

ставкаларининг кўтарилишиги ёки камайишига сабаб бўлади ва бу ҳолат облигациялар баҳосининг ошиши ёки камайишига олиб келади.

Жаҳон амалиётида риск даражасини чамалашда, асосан, рейтинг усулларидан фойдаланилади. Рейтинг усулларидан энг асосийлари юқорида кўрсатиб ўтилган **BW - 1000** ва **FT - 1000** кўрсаткичлар бўлиб, улар компаниянинг капитализация даражасини, яъни улар чиқарган барча акцияларнинг бозордаги қийматини ҳисобга оладилар:

$$Рц = Na \times Цр$$

Бу ерда, **Рц** - компания барча акцияларнинг бозордаги қиймати,

Na - акциялар сони,

Цр - битта акциянинг бозордаги нархи.

Рейтинг жадвалида фирма фаоллигининг яна бошқа бир қанча кўрсаткичлари ҳам келтирилади ва уларни қуйидаги гуруҳларга бўлиб чиқиш мумкин:

- натижавий кўрсаткичлар - компания оборoти миқдори ёки сотув ҳажми катталиги, активларнинг умумий йиғиндиси;
- фарқлаш кўрсаткичлари - фойда миқдори ва капитал миқдори;
- нисбий кўрсаткичлар - асосий фонд ёки асосий капиталнинг рентабеллиги, инвестициялар самарадорлиги;
- Солиштирма кўрсаткичлар - базавий ёки олдинги даврларга нисбатан турли хил кўрсаткичларнинг ўсиши ёки ўзгариш фоизи.

Шундай қилиб, **BW - 1000** ва **FT - 1000** рейтинг жадваллари акционерлик туридаги ҳар қандай компания учун универсал кўринишга эга ва уларни мутахассислиги ва йўналишидан қатъий назар, баҳолашга имкон беради.

Бирор бир корхона ёки ташкилотнинг рейтинги тўғрилигини текшириш учун бу компаниянинг турли хил усуллар ёрдамида

ҳисобланган рейтингларини бир - бири билан солиштириб чиқилади ва қуйидаги тартибда қарор қабул қилинади:

1. Рейтингни 100% тўғри дейиш мумкин - агар барча усулларда ҳисобланган рейтинглар бир - бирига тенг ёки юқори даражада бўлса;

2. Рейтингни 75% тўғри дейиш мумкин - агар барча рейтинг баҳолари орасида бирор бир рейтинг баҳоси пастроқ даражада бўлса;

3. Рейтингни 50% тўғри дейиш мумкин - агар барча рейтинг баҳолари орасида иккита рейтинг баҳоси пастроқ даражада бўлса;

4. Рейтингни 25% тўғри дейиш мумкин - агар фақат биттагина рейтинг баҳоси юқори, қолган рейтинг баҳолари эса пастроқ даражада бўлса;

5. Агар барча усуллар ёрдамида ҳисобланган рейтинг баҳолари паст бўлса, демак, компаниянинг рейтинги жуда ҳам паст ва унинг қимматли қоғозларига ишонч йўқ.

7.8. Тадбиркорликда инвестицион лойиҳалар таҳлили

Юқоридаги матералларни диққат билан ўқиб чиқилса, қуйидаги мисол ва масалаларни ечиш ҳамда уларни таҳлил қилиш мураккаб бўлмайди:

1. 2008 йил 1 январдан бошлаб 5 млн сўм маблағ йилига 20 % фойда нормаси билан банкка қўйилаяпти. Ушбу капитал 4 йилда қанчага ўсади?

2. 3 йилдан сўнг янги автомобил сотиб олиш учун 6 миллион сўм керак бўлсин. Агар қўйилган пуллар йилига 30 % фойда келтириши мумкин бўлса, ҳозир қанча пулни банкка қўйиш керак бўлади?

3. Фараз қиламизки, қандайдир инвестиция натижасида биринчи йил охирида 2 млн сўм, иккинчи йил охирида 3 млн сўм, учинчи йил охирида 5 млн сўм ва тўртинчи йил охирида 6,5 млн сўм даромад кутиш мумкин.Агар пуллар йилига 24% фойда келтирса, юқоридаги барча даромадларнинг бугунги қиймати қанча бўлишини ҳисобланг.

4. Фараз қиламиз, ҳар йили банкка 20% фойда нормаси бўлган ҳолатда 2,5 млн сўмдан қўйилаяпти. Беш йилдан сўнг банкдаги ҳисоб рақимида қанча пул ҳосил бўлади?

5. Олти йилдан сўнг янги ховли қуриш учун 40 млн сўм керак бўлса, йилига 20% даромад берадиган банкка ҳар йили қанчадан пул қўйиб туриш керак бўлади?

6. 25 йил муддатга (ёки 300 ойга) қарзга ҳар ойда 1% дан тўлаб бориш шарти билан 15 млн сўм олиш имконияти мавжуд. Ҳар ойда тўланадиган пулнинг миқдори қанча бўлади?

7. Бирор бир компаниянинг акциялари бир донаси 1000 сўмдан сотиб олинган. Биринчи йили олинган дивидендлар ҳар бир акция учун 50 сўмни, иккинчи йили олинган дивидендлар эса ҳар бир акция учун 120 сўмни ташкил этди. Шундан сўнг акциялар 1050 сўмли бозор нархи билан сотилди. Ушбу даврдаги соф фойда миқдори неча фоиз бўлди?

8. Қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг қандай таваккалчилик турларини биласиз? Ушбу таваккалчилик турларини тушунтиринг.

9. Акцияларнинг талаб қилинадиган фойдалилик даражасини аниқланг (**ТҚФД**). Фойдалиликнинг хавфсиз даражаси (**ХД**) давлат облигацияларининг фоиз ставкасига мос келади, масалан, йилига 10%. Ўтган йиллар бўйича йиғилган маълумотлар асосида ушбу акциялар учун ҳисобланилган “**Бета**” (**В**) коэффициенти 1.5 га тенг деб ҳисобланг. Бозор миқёсида қимматли қоғозларнинг ўртача фойдалилик даражаси (**ЎФД**) кузатувчилар томонидан йилига 14% деб баҳоланган.

10. Йилига 2 млн. сўм даромад олиш шарти билан 10 млн. сўмни 5 йил муддатга инвестиция қилиш таклифи кўриб чиқилмоқда. Беш йил ўтганидан сўнг яна қўшимча 3 млн. сўм тўланиши ҳам таклиф этилаяпти. Агарда ўша пулларни (10 млн. сўмни) банкда “хавфсиз” равишда йилига 12 % даромад олиш шарти билан сақлаш имконияти ҳам мавжуд бўлса, юқоридаги шартлар асосидаги инвестиция мақсадга мувофиқми?

11. Йилига 2 млн. сўм даромад олиш шарти билан 10 млн. сўмни 5 йил муддатга инвестиция қилиш таклифи кўриб чиқилмоқда. Беш йил ўтганидан сўнг яна қўшимча 3 млн. сўм тўланиши ҳам таклиф этилаяпти. Ушбу инвестициянинг ички фойда нормаси қанча бўлишини ҳисобланг.

12. Бугунги 10 млн. сўм, йиллик инфляция даражаси 2% бўлган ҳолатда 6 йилдан сўнг қандай ҳарид қувватига мос келади?

13. Йилига 2 млн сўм даромад олиш шарти билан 10 млн. сўмни 5 йил муддатга инвестиция қилиш таклифи кўриб чиқилмоқда. Беш йил ўтганидан сўнг яна қўшимча 3 млн. сўм тўланиши ҳам таклиф этилаяпти. Агарда ўша пулларни (10 млн. сўмни) банкда "хавфсиз" равишда йилига 12 % даромад олиш шарти билан сақлаш имконияти мавжуд бўлса ҳамда йиллик инфляция даражаси 2,5 % бўлса, юқоридаги шартлар асосидаги инвестициялаш мақсадга мувофиқми?

14. Келажакда бўлиши эҳтимол тутилган даромадлар (дивидендлар) асосида акцияларнинг бугунги ҳақиқий қийматини ҳисоблаш формуласини ёзинг ва унинг маъносини тушунтириб беринг.

15. Акцияларнинг йиллик дивиденд миқдори битта акция учун 280 сўмни ташкил қилади. Ушбу акцияларнинг талаб қилинган фойда даражаси уларнинг эгалари томонидан йилига 12% деб баҳоланган ва акцияларнинг жорий бозор баҳоси 1200 сўмни ташкил қилади. Ушбу акцияларни яна сотиб олиш керакми ёки уларда тезроқ қутулиш маъқулми?

16. Фараз қиламизки, олдинги йил охирида акционерлик жамияти ҳар бир акция учун 250 сўмдан дивиденд тўлади. Акция эгаси олдинги йилларнинг статистик маълумотлари асосида дивидендларнинг йилига 5% дан ўсиб боришига умид қилади. Ушбу ишлаб чиқариш тармоғи ва аниқ фирма учун акционер томонидан баҳоланган фойда даражаси 15% ни ташкил қилади. Бундай шароитлардаги битта акциянинг ҳақиқий қиймати қандай?

17. Бирор бир корхонанинг икки акциядори ушбу ташкилот акцияларининг талаб қилинган фойда даражасини турли хил таваккалчиликлар ҳамда келажакда дивидендларнинг қандай кўпайишини турлича фараз қилган ҳолда турлича баҳолайдилар. Биринчи акциядор талаб қилинган фойда даражасини 15% ва дивидендларнинг кўпайишини 6% деб фараз қилса, иккинчиси талаб қилинган фойда даражасини 18% ва дивидендларнинг кўпайишини 4% деб фараз қилади. Олдинги йили дивидендлар ҳар бир акцияга 260 сўмни ташкил қилган бўлса, акцияларнинг қийматини иккала акциядор нуқтаи назаридан баҳоланг ва бу қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини аниқланг.

18. Фараз қиламиз, молиявий хизматлар билан машғул акционерлик жамиятининг битта акциясининг жорий баҳоси 960 сўм. Олдинги йили ҳар бир акция учун 160 сўмдан тўланган. Ушбу фирма учун “**бета**” коэффициенти 1,6 га тенг деб қабул қиламиз. Давлат облигациялари ёки банкда депонент қилиш орқали кафолат берилган хавфсиз фойда даражаси 9% га тенг. Инвестор томонидан дивидендларнинг келажакдаги ўсиши йилига 6% бўлиш кутилади. Ушбу акцияларнинг ҳақиқий баҳоси қандай ва бундай инвестиция мақсадга мувофиқми?

19. Фараз қиламиз, электр энергияси ишлаб чиқарадиган акционерлик жамиятининг акцияларининг ҳар бир донаси бозорда 900 сўмдан сотилаяпти ва улар йилига 180 сўмда дивиденд келтираяпти. Ушбу акцияларнинг “**бета**” коэффициенти 0,5 га тенг (демак, баҳоларнинг 1% ли ўзгариши ушбу корхона акциялари баҳосининг атиги 0,5% ли ўзгаришига олиб келади). Хавфсиз фойда даражаси 8% га тенг. Бозор бўйича фойда даражаси 14% ни ташкил этади ва дивидендларнинг йиллик ўсиши 0,5% .

Ушбу корхона акцияларининг бугунги ҳақиқий баҳосини аниқланг.

Акциянинг ҳақиқий баҳосини билиш қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини кўрсатинг.

20. Фараз қиламиз, фирманинг тақсимланаётган дивиденди умумий фойданинг 0,6 қисмини ташкил этади, яъни, $Д_1 / Ф_1 = 0.6$. Бу ерда $Д_1$ - биринчи йил охирида кутилаётган дивидендлар, $Д_1 = Д_0 (1 + Р)$, бунда $Д_0$ – олдинги йил тўланган дивидендлар ва Р – дивидендларнинг йиллик кутилаётган ўсиши (0 дан 1 гача бўлган катталикда). $Ф_1$ – йил охирида кутилаётган фойда. Кузатувчиларнинг фикрига кўра ёки инвестордаги маълумотларга асосан, биринчи йил охирида битта акцияга тўғри келадиган фойда миқдори 300 сўмни ташкил қилади.

Таваккалчилик ёки талаб қилинадиган фойда даражаси ҳақида уч хил имкониятни фараз қилган ҳолда ва дивидендларнинг йиллик кутилаётган ўсиши Р бўлишини ҳам уч хил имкониятни фараз қилган ҳолда ҳамда фирманинг тақсимланаётган дивиденди умумий фойданинг 0,6 қисмини ташкил этади деб, уччала ҳолатда ҳам фирма акцияларининг ҳақиқий баҳосини аниқланг.

21. Акционерлик жамиятининг самарадорлиги қандай асосий молиявий кўрсаткичлар асосида баҳоланади ва ушбу кўрсаткичлар қандай ҳисобланилади?

22. Акционер капиталининг фойдасини ошириш учун (ёки акционерлар фойда миқдорини ошириш учун) Банкдан янги маблағ олиш фойдалими ёки қўшимча акциялар чиқаришми? Фикрингизни мисоллар воситасида тушунтиринг.

7.3. - жадвал

23. Охирги 3 йил ичида уч компания учун биржа маълумотлари

Кўрсаткичлар	2003	2004	2005
$ББ_1$	1000	1100	600
$ББ_2$	250	320	360
$ББ_3$	180	250	250
$АС_1$	2	2	4
$АС_2$	10	10	10
$АС_2$	20	20	20

Бу ерда $ББ_i$ – тегишли компания акцияларининг сўмлардаги бозор баҳоси ва $АС_i$ компания чиқарган акциялар сони (млн. дона).

Ушбу уч фирма бўйича биржа индексининг ўртача қийматларини ҳисоблаб чиқинг.

2005 йил учун акцияларнинг бўлинишини ҳисобга олинг (акциялар миқдори 4 млн бўлди ва унинг баҳоси 600 сўм бўлиб қолди).

24. Бозор бўйича молиявий активларнинг ўртача баҳоларига нималар ва қандай омиллар таъсир қилади? Ҳар бир сабабни алоҳида кўрсатинг ва уларни мисоллар ёрдамида тушунтиринг.

25. Кузатувчилар томонидан жорий йил охирида қандайдир акционерлик жамиятининг дивидендлари кўпайиши ва фойдасининг ортиши ҳақида ишончли маълумотлар эълон қилинган деб фараз қилайлик. Ушбу маълумотлар бирор бир биржа индекси бирликларида ифодаланган:

$Д_1 = 1.45$ $Ф_1 = 3.10$

Ундан ташқари, кузатувчилар кейинги йилда ҳам фойданинг ўсишини **Ф = 3.90** бўлишини башорат қилишмоқда.

Ушбу акцияларнинг бозор нархлари даражасини турли хил шароитларда ҳисобланг ва олинган натижаларни мухокама қилинг.

26. Қимматли қоғозлар портфели тушунчасига изоҳ беринг ва қуйидаги саволларга жавоб беринг:

- нега портфел умумий таваккалчилик даражасини камайтиради?
- нега портфел дивидендларива қимматли қоғозлар баҳолари ўзгарганда даромадлар унчалик катта миқдорда камаймайди?

27. Акционерлик жамиятининг охирги ўн йилликдаги хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш қуйидаги натижаларни кўрсатди:

- кейинги йил охирида бу фирманинг соф фойда миқдори ($СФМ_1$) 60% бўлишининг эҳтимоли ($\mathbf{W_1}$) 40% ни ташкил қилади. Шу билан бир пайтда кейинги йилда фирманинг соф фойда миқдори ($СФМ_2$) 15% бўлишининг эҳтимоли ($\mathbf{W_2}$) 20% ни ташкил қилиши ҳақида ҳам маълумот мавжуд. Яна бир маълумот эса фирманинг янаги йилдаги соф фойда миқдори ($СФМ_3$) 5% бўлишини 20% эҳтимоллик ($\mathbf{W_3}$) билан таъкидлайди. Ва ниҳоят, кейинги йил фирманинг - 15% катталикдаги манфий фойдага ($СФМ_4$) эга бўлиши мумкинлиги 20% эҳтимоллик ($\mathbf{W_4}$) билан кўрсатилади.

Башорат қилинаётган кейинги йилда фирма соф фойда миқдорининг кутилаётган катталигининг ўртача қийматини ҳисобланг ва олинган натижаларни тушунтириб беринг.

28. Олдинги йилларнинг статистик маълумотлари асосида ҳисобланган уч хил турдаги корхона акцияларининг кутилаётган фойда миқдори қуйидаги ўртача қийматлар билан баҳоланади: 12%, 20%, 17%. Агарда инвестор ўз жамғармаларини ушбу корхоналар акциялари орасида 50%, 30% ва 20% пропорцияларда тақсимласа, бундай қимматли қоғозлар портфелидан кутилиши мумкин бўлган фойданинг қиймати қандай катталикни ташкил қилади? Натижаларни мухокама қилинг.

29. Фараз қиламиз, инвестор 20 млн. сўмни энг фойдали тарзда жойлаштиришни режалаштирмоқда. У фақат иккита компания акцияларидан бирини танлаб олиши мумкин ёки инвестицияни улар орасида тенг тақсимлаши мумкин. Ушбу акцияларнинг олдинги йиллардаги баҳолари ва фойда миқдорлари ҳақидаги статистик маълумотларни таҳлил қилиш биринчи

компаниянинг эҳтимол тутилган соф фойдаси 25% ва иккинчисиники 23% эканлигини кўрсатди. Соф фойданинг ўртача квадратик фарқланувини (ёки таваккалчилик даражасини) ҳисоблаш мос равишда 30% ва 25% га тенг бўлган натижаларни берди. Ушбу иккала фирманинг акцияларига бўлган бозор баҳоларининг орасидаги корреляция коэффициенти + 0.15 ни ташкил этди. Қуйидагиларни ҳисоблашингиз лозим бўлади:

- иккала компаниянинг тенг миқдордаги акцияларидан иборат бўлган портфелдан олинадиган фойданинг эҳтимол тутилган катталигини;
- бундай қимматли қоғозлар портфелининг соф фойдаси катталигининг ўртача квадратик фарқланувини баҳоланг.
- бундай қимматли қоғозлар портфелининг таваккалчилик даражасини икки фирма ўзгарувлари орасидаги корреляция коэффициентининг - 0.15 га тенг бўлган катталигида ҳисобланг.

Олинган натижаларни мухокама қилинг.

30. **“Аббос” номли паром хизмати кўрсатиш фирмаси** Амударёдан ўтиш хизматини кўрсатади. Унинг битта пароми жуда ҳам эскириб қолган. Ушбу паромни таъмирлаш учун 20 млн. сўм керак. Кейинги таъмир ва мотор ремонти 5 йилдан сўнг қилиниши лозим ҳамда бунга яна 8 млн. сўм керак бўлади. Агар ушбу ишлар амалга оширилса, паромни яна 10 йил ишлатиш мумкин. 10 йилдан сўнг эса паромни 5 млн. сўмга сотиб юбориш мумкин. Паромнинг ҳозирги кундаги нархи тахминан 7 млн. сўм. Бу эски паромни ишлатиб туриш учун йилига 16 млн. сўм керак ва олинган даромад йилига 25 млн. сўм бўлиши кутилмоқда.

Муқобил ҳолда “Аббос” фирмаси 36 млн. сўмга янги паром сотиб олиши мумкин. Ушбу янги паром 10 йил яхши хизмат кўрсата олади, лекин у 5 йилдан сўнг 2,5 млн. сўмли таъмир талаб қилади. Ўн йил ўтганидан сўнг, ушбу паромни 5 млн. сўмга сотиб юбориш мумкин. Уни ишлатиб туриш учун йилига 12 млн. сўм керак ва олинган даромад йилига 25 млн. сўм бўлиши кутилади.

“Аббос” фирмаси барча инвестицион лойиҳалардан камида 18% қайтарув нормаси бўлишини талаб қилади (солиқларни ҳисобга олмаганда).

Юқорида кўрсатилган иккала инвестицион лойиҳаларни таҳлил қилинг. Улардан қайси бирини қабул қилиш “Аббос” фирмаси учун фойдалироқ бўлади ва нима учун?

7.4. - жадвал

31. Қуйида “Чорсу гиламлари” фирмасининг инвестициялар жалб қилиш мақсадида ишлаб чиқилган бизнес режасида акс эттирилган 7 йиллик фаолияти ҳақида маълумотлар берилган

Миллион сўмларда	2006 йил	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил
Сотув ҳажми	9	16	20	25	25	25	27
Сотув билан боғлиқ харажатлар	6	8	9	10	10	9	9
Қўшимча харажатлар	5	3	4	5	5	4	4
Солиқлар миқдори	-	1	2	3	3	4	4
Солиқдан сўнгги қолган фойда	-2 (9-6-5)	4 (16-8-3-1)	5	7	8	9	10
Инвентарь	27	8	6	-	-	-	-

Ушбу инвестициянинг ички қайтарув нормасини ҳисобланг ва унга изоҳ беринг. Агарда инфляция даражаси 12% бўлса, инвестициянинг ички қайтарув нормаси қанчага ўзгаради?

32. “**DVD - Cinena**” корпорациясининг бизнес - режаси йиллар миқёсида амалга оширилган инвестицияларни қуйидаги тартибда акс эттиради:

Инвестициялар:	Й И Л Л А Р								
Минг сўмларда	0	1	2	3	4	5	6	7	8
Асосий фондлар	8 000	4 000	1000	-	-	-	-	-	-
Ишчи капитал	3 000	2 000	2000	-	-	-	-	-	-
Қолдиқ қиймат	- 1 000								

Даромад:	**Й И Л Л А Р**							
Минг сўмларда	0	1	2	3	4	5	6	7	8
Сотув ҳажми:	-	3000	5000	5000	7000	7000	8000	8000	8000
Сотув билан боғлиқ харажатлар:	-,	1800,	3000,	3000,	4200,	4000,	4400,	4400,	4400
Операцион харажатлар (**ОХ**):-	700		1200	1200	1400	1400	1500	1500	1500
Солиққа тортишдан олдинги операцион пул оқими (**СТОПО**) = **ВМ - ОХ**									
Солиқлар:	-	100	200	200	400	400	500	500	500

Брутто маржин (ВМ) = Сотув ҳажми – Сотув билан боғлиқ харажатлар

Солиққа тортишдан кейинги пул оқими (**СТКПО**) = **СТОПО** - Солиқлар

Билвосита самара: (Indirect effects) – ишлаб чиқаришиниг кўпайиши туфайли “DVD - Cinena” корпорацияси пул оқимининг қўшимча равишда ўсишига эришди ва бу ўсиш биринчи йили 300 минг сўмни, кейинги йилларда эса 600 минг сўмни ташкил қилди. Яъни, билвосита самара: – 300 600 600 600 600 600 600 600

Сиздан ушбу инвестицион лойиҳанинг ички қайтарув нормасини аниқлаш талаб қилинади.

Қуйида эса юқорида келтирилган 31- сонли масаланинг ечими амалий мисол сифатида батафсил равишда келтирилган. Агар бу масаланинг ечилишини яхшилаб таҳлил қилиб, тушуниб олинса, қолганларини ечиш қийин бўлмайди.

“Аббос” фирмасининг инвесицион лойиҳаси таҳлили бўйича масланинг ечими

Масала шартлари бўйича берилган икки инвестицион имкониятни алоҳида таҳлил қилиб чиқамиз ва уларнинг қайси бирини амалга ошириш мақсадга мувофиқлигини ҳар бир инвестицион лойиҳанинг соф фойда миқдорини (**NPV** – **Net Present Value**) ҳисоблаш йўли билан аниқлаймиз.

1. Биринчи лойиҳа - янги паром сотиб олиш.

а) Янги паром б) Таъмир қилинган паром

* Йиллик даромад	25 млн.	25 млн.
	-	-
* Операцион харажатлар	12 млн.	16 млн.
	_____	_____
*Йиллик пул оқими	3 млн.	9 млн.

Янги паромга тегишли маълумотлар:

Йил Пул оқими Омил

Пул оқимининг бугунги қиймати

Бошланғич инвестиция Ҳозир 36 млн. X 1 = 36 млн. сўм

Таъмир қилиш 5 йилдан сўнг 2,5 млн. X $(1/1{,}18^5)$ = 1,093 млн. сўм

Пул оқими 10 йил давомида 13 млн. X 4,494 = 58,422 млн. сўм

Бу ерда 13 млн. янги паром учун йиллик пул оқими 13 млн. сўм ва 4,494 = $\sum_{I=1-10} (1/1{,}18^i)$

Эски паромни сотиш ҳозир 7 млн. X 1 = 7 млн. сўм Янги паромни сотиш 10 йилдан сўнг 5 млн. X $(1/1{,}18^{10})$ = 955 минг сўм

Энди соф фойда миқдорини ҳисоблаймиз:

* Ҳозирги пул оқими 58,422 млн.

+

* Экси паромни сотилиш қиймати 7 млн. сўм

+

* Янги паромни сотилиш қиймати 0,955 млн. сўм

Даромад: 66,377 млн. сўм

-

* Таъмир қилиш 1,093 млн сўм

_____

Пул миқдори: 65,284 млн. сўм

-

* Бошланғич инвестиция 36 млн. сўм

_____

- Янги паром сотиб олган ҳолдаги бугунги кунга келтирилган

соф фойда миқдори (NPV_1): 29,284 млн. сўм

2. Иккинчи лойиҳа - эски паромдан фойдаланишни давом эттириш.

Эски паромга тегишли маълумотлар:

Йил	Пул оқими	Омил	Пул оқимининг **бугунги қиймати**
Бошланғич инвестиция ҳозир	20 млн.	X 1 = 20 млн. сўм	
5 йилдан сўнг таъмир қилиш	5 йилдан сўнг 8 млн.	X ($1/1,18^5$) = 3,496 млн.сўм	
Соф пул оқими 10йил давомида	9 млн.	X 4,494 = 40,446 млн. сўм	

Эски паромни сотиш 10 йилдан сўнг 5 млн. X ($1/1,18^{10}$) = 955 минг сўм

Энди 2 - лойиҳа учун бугунги кунга келтирилган соф фойда миқдорини ҳисоблаймиз:

- ҳозирги кунга келтирилган пул оқими 40,446 млн.

+

* Эски паромни сотилиш қиймати 0,955 млн. сўм

Даромад: 41,401 млн. сўм

-

* Таъмир қилиш 3,496 млн. сўм

Пул миқдори: 37,905 млн. сўм

-

* Бошланғич инвестиция 20 млн. сўм

Эски паромни ишлатишни яна давом эттиришни назарда тутган ҳолдаги бугунги кунга келтирилган соф фойда миқдори (NPV_2): 17,905 млн. сўм

Энди иккала инвестицион лойиҳанинг бугунги кунга келтирилган соф фойда миқдорларини солиштирамиз:

- янги паром сотиб олган ҳолдаги бугунги кунга келтирилган соф фойда миқдори (NPV_1): 29,284 млн. сўм

-

- Эски паромни ишлатишни яна давом эттиришни назарда

тутган ҳолдаги бугунги кунга келтирилган соф фойда миқдори (NPV_2): 17,905 млн. сўм

Иккала катталик орасидаги фарқ: 11,379 млн сўм

Хулоса: Демак, агар биз янги паром сотиб олишни кўзда тутган инвестицион лойиҳани қабул қилсак, ушбу танловимиз натижасида 10 йилда 11 миллион 379 минг сўм фойда қилар эканмиз.

Таянч сўз ва иборалар. Назорат ва мулоҳаза учун **саволлар**

Холдинг компаниялари; молиявий гуруҳлар; молиявий компаниялар, инвестицион фондлар; инвестицион компаниялар; траст компаниялари; инвестицион банклар; суғурта компаниялари; Давлатдан ташқари пенсия жамғармалари**,** қимматли қоғозлар бозори, фонд биржалари, пул маблағлари; қимматли қоғозлар; дебиторлик қарзлари. рисклар, ўзига хос риск; бозор риски. Диверсификациялаш, лимитлаштириш, хежлаштириш, молиявий бошқарув (молиявий менежемент), тактика, стратегия бошқарув объекти ва субъекти функциялари, молиявий механизм, молиявий усул, молиявий дастак, молиявий таъминот, молиявий меъёрий ҳужжатлар, ахборот (информацион) таъминоти.

Молиявий ресурслар, асосий капитал, асосий фондлар, актив ва пассив асосий фондлар, товар, пул муомаласи, кредит, молиявий левереж, инфляция, дефляция, стагфляция, индексация, инвестиция, инвестицион портфел. Ишлаб чиқариш, фойда, даромад, дисконтлаш, инвестор.

Ҳисоб - китоб ва унинг усуллари; кредитлаш ва унинг турлари; депозитлар ва қўйилмалар; валюта бўйича операциялар; суғурталаш; трансферт операциялар; траст операциялари; ижара; лизинг; селенг; инжиниринг; транстинг; фрэнчайзинг; эккаунтинг, кредит ва дебет карточкалари, инкасса, вексель, чек, оффшор операциялари, хежлаштириш, аккредитив, ипотека, кўчмас мулк.

Омилинг, форфетлаштириш механизми, овердрафт, аукцион, депозит, депорт, валюта ва фоиз арбитражлари, трансперт ва траст

операциялари, лизинг, селенг, инжиниринг, транстинг, френчайзинг, эккаунтинг.

Молиявий таҳлил усуллари: солиштириш, гуруҳлаштириш, занжирли қўйиб чиқиш, даромадлилик (рентабелилик); молиявий барқарорлик; корхонанинг кредитга лаёқатлилиги, ликвидлилиги, капитални ишлатиш кўрсаткичлари; ўзни - ўзи молиялаштира олиш; валюта билан ўзини - ўзи таъминлай олиш.

Назорат ва мулоҳаза учун саволлар

1. Бизнесда молиявий бошқарувнинг моҳияти нимадан иборат?
2. Молиявий бошқарув нима?
3. Молиявий бошқарув нуқтаи назаридан бозор иқтисодиётининг асосий тамойиллари нималар?
4. Мамлакат молиявий тизимининг икки асосий қисми ҳақида сўзлаб беринг.
5. Стратегия ва тактика ҳақида нималарни биласиз?
6. Бошқарув объекти ва субъекти функциялари нималардан иборат?
7. Молиявий механизмга қандай асосий таркибий қисмлар киради?
8. Молиявий усуллар ҳақида нималарни биласиз?
9. Молиявий дастак деганда нималарни тушунасиз?
10. Молиявий механизмнинг ҳуқуқий, меъёрий (норматив) ва ахборот таъминотига нималар киради?
11. Молиявий ресурслар ва капитал деганда нимани тушунасиз?
12. Капиталнинг умумий формуласини қандай ифодалаш мумкин?
13. Капиталнинг асосий жалб қилиниш усулларига нималар киради?
14. Тадбиркорлик капитали нима?
15. Жалб қилинган капитал нима?
16. Асосий фондлар нима ва уларнинг ҳаётий босқичлари қандай?
17. Амортизация фонди харажатига тушунча беринг?

18. Капиталнинг айланма ҳаракати нима ва у қандай тасвирланади?

19. Асосий фондларнинг классификацияси қандай гуруҳларни ўз ичига олади?

20. Асосий ишлаб чиқариш фондларининг актив ва пассив қисмлари ҳақида тушунча беринг.

21. Номатериал активлар деганда нималарни тушунасиз?

22. Айланма ишлаб чиқариш фондлари ҳақида маълумот беринг.

23. Муомала фондлари қандай гуруҳларни қамраб олади?

24. Айланма капитал нима ва у ўз ҳаёти давомида қандай босқичларни босиб ўтади?

25. Айланма капиталнинг ҳаракатини қандай ифодалаш мумкин?

26. Устав капитали ҳақида тушунча беринг.

27. Корхонанинг актив ва пассивлари ҳақида нималарни биласиз?

28. Молиявий ресурсларнинг манбаларига нималарни киритиш мумкин?

29. **Ноу-хау** деганда нималарни тушунасиз?

30. **Ноу-хау**ни ишлатганлик учун қандай тўлов усуллари мавжуд?

31. Инвестицион бадал (взнос) нима учун жалб қилинади?

32. Ишонч фонди нима учун ва қандай ташкил қилинади?

33. Кредит нима ва у нима учун берилади?

34. Тижорат кредити қандай шароитларда олинади?

35. Инвестицион солиқ кредити деганда нималарни тушунасиз?

36. Заём, меценатлик, ҳомийлик ва инвестициялаш тушунчаларига изоҳ беринг.

37. Таваккалчилик билан боғлиқ бўлган инвестициялар ёки венчур капитал ҳақида нималарни биласиз?

38. Бевосита инвестициялар нима мақсадда амалга оширилади?

39. Портфел инвестициялари қандай ташкил қилинади?

40. Инвестицион портфелни тузаётганда қандай кўрсаткичларни назарда тутиш лозим?

41. Инвестицион портфелни бошқариш усуллари ва молиявий левереж нима?

42. Аннуитет, инфляция ва дефляция ҳақида тушунча беринг.

43. Стагфляция ва индексация нима?

44. Молиявий ресурсларнинг қиймати вақтга боғлиқлиги қандай икки йўналишда таҳлил қилиниши мумкин?

45. Дисконтлаш тушунчаси нима?

46. Дисконтлаш қандай амалга оширилади?

47. Нима учун фойдани дисконтлаш амалга оширилиши лозим?

48. Келажакдаги соф фойда миқдори (Net Profit Value – NPV) қандай аниқланади?

49. Келажакдаги соф фойда миқдорини аниқлаш нима учун керак?

50. Молиявий механизм нима ва уни бошқарув усулларининг қайси бирларини биласиз?

51. Ҳисоб - китобнинг қандай усуллари мавжуд?

52. Кредит ва дебет карточкалари ҳамда инкассо тушунчаларига изоҳ беринг.

53. Аккредитив деганда нимани тушунасиз?

54. Аккредитивнинг қандай турларини биласиз?

55. Аккредитивнинг беш хил турини тушунтиринг.

56. Чеклар ҳақида тушунча беринг. Кредитлашнинг икки асосий турини тушунтиринг.

57. Таъминланган қарз беришнинг уч асосий тури ҳақида нималарни биласиз?

58. Молиявий кредитнинг икки тури ҳақида маълумот беринг.

59. Контокоррект ва онкол кредит ҳақида тушунча беринг.

60. Фирма кредити ва векселли кредит тушунчаларига изоҳ беринг?

61. Оффшор операциялари нима ва у нимага хизмат қилади?

62. Суғурта қилиш ва унинг асосий турлари ҳақида маълумот беринг.

63. Шахсий суғуртанинг асосий турлари нималардан иборат?

64. Мулкий суғуртанинг асосий турлари ва унинг моҳияти нималардан иборат?

65. Жавобгарлик бўйича суғуртанинг асосий турларини тушунтиринг.

66. Суғурта шартномасидаги клаузула ва франшиза нималарни англатади?

67. Хежлаштириш нима ва унинг қандай турлари мавжуд?

68. Кўтарилишга нисбатан хежлаштиришнинг моҳиятини тушунтиринг.

69. Камайишга нисбатан хежлаштиришнинг моҳиятини тушунтиринг.

70. Гаровга бериш операциялари ва у билан боғлиқ бўлган асосий ҳолатлар нималар?

71. Ипотека ва кўчмас мулк харажати ҳақида тушунча беринг.

72. Молиявий менежементтнинг асосий усуллари нималардан иборат?

73. Омилинг нинма ва у ўз ичига нималарни қамраб олади?

74. Омилинг қандай амалга оширилади?

75. Форфетлаштириш нима ва унинг механизми қандай?

76. Очиқ ҳисоб - китоб бўйича кредит ҳақида тушунча беринг.

77. Овердрафт нима ва у нима учун хизмат қилади?

78.Депозит ва аукционлар ҳақида нималарни биласиз?

79. Репорт, депорт ва валюта арбитражи нима учун хизмат қилади?

80. Фоиз арбитражи, ЛИДЗ ва ЛЕГЗ ҳақида нималарни биласиз?

81. Трансферт операциялари нима учун қўлланилади?

82. Трансферт хизматларининг моҳияти нимадан иборат ва унинг асосий турлари қандай.

83. Траст операциялари нима ва улар нима учун ишлатилади?

84. Аренда ва лизингнинг моҳияти ва фарқи нимада?

85. Молиявий ва операцион лизинг харажати ҳақида тушунча беринг.

86. Лизинг шартномаси қандай шартлар асосида тузилади?

87. Селенг операцияларининг моҳияти ва ташкил қилинишини тушунтириб беринг.

88. Инжиниринг қандай масалаларни ҳал қилиш учун хизмат қилади?

89. Инжиниринг хизматларини сотиб олиш бўйича тузилган контракт қандай шарт ва мажбуриятларни ўз ичига олади?

90. Трастинг қандай масалаларни ҳал қилишга ёрдам беради?

91. Френчайзингнинг моҳияти нимадан иборат ва у нима учун ишлатилади?

92. Френчайзингнинг қандай афзалликлари мавжуд?

93. Ноанъанавий молиялаштириш усулларига қандай мисоллар келтира оласиз?

94. Френчайзорнинг даромад манбалари нималардан иборат бўлиши мумкин?

95. Эккаунтинг ҳақида маълумот беринг. У қандай фаолият турига мансуб?

96. Бизнес - маълумотнома нима ва ундан қандай маълумотлар олиш мумкин?

97. Бизнес маълумотноманинг қандай турини биласиз ва уларда мавжуд бўлган маълумотлар нималардан иборат?

98. Қандай турдаги инвестицион институтларни биласиз?

99. Траст компаниялари қандай асосий ишларни бажаради?

100. “Олтин акция” нима ва у нега бу ном билан аталади?

101. Имтиёзли акция нима ва уни бошқа акциялардан фарқи нималарда кўринади?

102. Акциялар портфелини бошқаришнинг қандай усулларини биласиз?

103. Инвестицияларнинг қайтарув нормаси нима ва у қандай ҳисобланилади?

104. Инвесторлар неча хил турда бўлади ва уларнинг ўзаро фарқи нимада?

105. Қимматли қоғозлардан олинадиган даромаднинг неча хил тури маълум?

106. Оддий ва имтиёзли акцияларнинг орасида қандай фарқ мавжуд?

107. Векселларнинг неча хил тури мавжуд ва турлар орасида қандай фарқ бор?

108. Қимматли қоғозларнинг сифати қандай кўрсаткичлар орқали аниқланади?

109. **Blue Chips** туридаги акциялар нимани англатади?

110. Биржа индекслари ҳақида нималарни биласиз?

111. Биржа индексларининг қандай асосий турлари мавжуд?

112. Доу - Жонс биржа индекси нимани англатади ва унинг қандай турлари мавжуд?

113. Стандарт энд Пуэрс индекси нима ва унинг қандай турларини биласиз?

114. Нью - йорк фонд биржаси индекси нима ва у нимани кўрсатади?

115. Опцион ва фьючерслар билан қайси асосий биржалар операциялар олиб борадилар?

116. **НАСДАҚ** нима ва қандай фаолият билан шуғулланади?

117. Қимматли қоғозланинг таваккалчилик даражаси турлари ҳақида нималарни биласиз?

VIII боб. Кичик бизнес психологияси

8.1. Тадбиркор раҳбар фаолиятининг психологик хусусиятлари

Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркор раҳбарлардан тадбиркорлик ва ишбилармонликни, бошқарув услубларини такомиллаштириш ва бошқа кўплаб ишларни муваффақиятли амалга ошириши талаб этилади. Бошқариш услублари, асосан, онгли равишда муайян мақсадларга эришиш учун хизмат қилади. Уларнинг моҳияти ва мақсадига кўра тарбиявий, моддий - рағбатлантирувчи, маъмурий - ташкилий турларга бўлиш мумкин.

Тарбиявий услуб, асосан, инсонни маънавий такомиллашишига, психологиясига ва бошқа ижтимоий ҳарактерига мос равишда ташкиллаштириб бориладилади.

Моддий - рағбатлантириш услуби эса меҳнат самарадорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш учун ишчиларни моддий қизиқтириш йўллари билан ташкил этилади. Моддий рағбатлантиришни тарбиявий услуб билан доимий уйғунлаштирилиб борилиши натижасида юқори кўрсаткичларга эришиш мумкин.

Маъмурий - ташкилий услуб, асосан, жамият талабларини қондиришга қаратилган бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнини ва меҳнат тақсимотини режали олиб бориш учун қўлланилади. Бу услуб икки турда: узоқ муддатга мослаштириладиган ва бир марталик - ташкилий бўлиши мумкин. Шарт - шароитига кўра керакли услуб қўлланилади ва у фаолият жараёнида такомиллаштирилиб борилади. Бошқариш усулларини такомиллаштиришдан мақсад, даромадни тўғри тақсимлаш, ҳар бир ишчи, хизматчи ўз меҳнати билан даромад олишини таъминлашдир. Демак, бошқариш услубларини ҳаётга шундай татбиқ этиш керакки, ҳар бир инсон меҳнат қилсагина турмуши яхши бўлишига ишонч ҳосил қилсин.

Бошқариш санъати нима? Бошқариш санъати тадбиркор раҳбарлардан талаб қилинадиган ҳислатлардан энг асосийси бўлиб, унинг ўз қўл остидаги хизматчилар билан жуда яхши муносабат ўрнатиш, корхонада ишлаб чиқаришнинг энг самарали натижаларини берадиган муҳитни яратишидан иборат бўлиши мумкин.

Япониянинг бошқариш услуби ана шу тамойил асосига қурилган. Японларниниг бошланғич ижтимоий шароити шундайки, улар ишчини ижтимоий ҳимоя қилиш билан бирга маънавий тарбиялаб боришади, инсон психологиясидан тўғри фойдаланишади, ишчини ишга тайёрлаш жараёнида халққа маълум бўлган услубларни қўллашади, яъни бажариладиган ишнинг нозик томонларини ва қатъийликнинг ўргатишади. Ишчи тез - тез иш жойини ўзгартириши қаттиқ қораланади, шу сабабли ишчилар бир иш жойида узоқ йиллар давомида ишлаб, ўз компаниясига жуда содиқ бўлишади. Натижада ишчиларнинг тажрибаси ва малакаси жуда юқори бўлади, бу эса ўз навбатида меҳнат унумдорлигининг ўсишига, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилишига олиб келади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш билан унинг сифатини назорат қилиш жараёни ҳеч қачон ажратилмайди ёки бир - бирига қарама - қарши қўйилмайди. Уларнинг фикрича, назоратни ёки назоратчининг ҳуқуқини кучайтириш билан юқори сифатли маҳсулот олиб бўлмайди. Ваҳоланки, маҳсулот сифатини тайёр бўлгандан кейин эмас, аксинча уни таёрлаш жараёнида, ҳар бир бажарилган ишдан сўнг, назорат қилиш керак. Назоратчининг асосий вазифаси, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқараётган ишчини топиб, уни жазолаш эмас, балки унинг сабабини излашдан ва бартараф қилишдан иборат бўлиши керак. Мана шу услубни японлар тўғри йўлга қўйганлиги сабабли ҳар бир ишчи ўзини - ўзи назорат қилишга ўрганган ва доимо ўз устида изланишлар олиб боради. Компанияларда сифат гуруҳлари ташкил қилинган.

Бизда ҳам ҳар бир тадбиркор раҳбар иш жойларида мана шундай услубни ташкил қила олиши мақсадга мувофиқ бўлади. Шундагина сифатсиз маҳсулот сонини камайтириб, юқори сифатли маҳсулот олишга эришиш мумкин. Юқори сифат фақат маҳсулот сотиш кўламини кенгайтириб, таннархини камайтирибгина қолмай, балки меҳнат унумдорлигини оширишдаги асосий омиллардан бириҳамдир. Шундагина ишлаб чиқаришни кенгайтирмасдан, ишчилар сонини ўзгартирмасдан кўплаб маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришиш мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароити бошқарувида узоқ ва яқин муддатларга мўлжалланган режалар тузиш, қарорлар қабул қилиш, ижрочилар ўртасида ишларни тақсимлаш, қарорлар ижросини

назорат қилиш, ижрочиларни рағбатлантириб бориш каби ишлар ҳам тадбиркор раҳбар зиммасида бўлади. Бошқарув қарорлари ички ва ташқи омиллардан иборат бўлиб, улар оддий ва шошилинч вазиятларда бир қарор тайёрлаш ва қабул қилишда жамоа фаолларининг қатнашуви ҳамда тадбиркор раҳбар ташкилотчилигини, бошқарувни обрў - демократик услубда олиб борилишини кўрсатади. Тадбиркор раҳбар ташкилотчилиги меҳнат жамоасини уюштириш, жипслаштириш, ишлаб чиқариш ва тарбиявий жараёнларга таъсир кўрсатиш, гуруҳ фаолиятини олий мақсадларга қарата олиш қобилияти каби масалаларни қамраб олади. Тадбиркор раҳбар жамоани моддий ва маънавий неъматлар ишлаб чиқаришига раҳнамолик қилар экан, шуни унутмаслиги керакки, инсонлар бир - бирлари билан ўзаро муносабатда бир - бирларига ҳар жихатдан муҳтож, шахсий эҳтиёж ва мақсадларга эгадирлар. Шу боис ҳар қандай тадбиркор - раҳбар энг аввало инсоний кадриятларга диққат - эътиборини қаратмоғи лозим бўлади.

Тадбиркор раҳбарнинг ташкилотчилик қобилиятининг иккинчи йўналиши – ишлаб чиқариш тизимини яхшилаш тадбирларига қаратилмоғи, яъни жамоада ахлоқий - руҳий муҳитни қарор топтириш, янги технологияни жорий этиш, куч - ғайратларини тезкор ишларни бошқаришга қаратиш, бошқарувдаги инсонларни имкон қадар камайтириш, янги ходимлар малакасини ошириб бориш, инсонлардаги “боқимандачилик” руҳиятига барҳам бериш, ишда ҳар хил можаролар келиб чиқишига йўл қўймаслик, меҳнат интизомига катъий риоя қилиш кабилардан иборат бўлиши лозим.

Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркор раҳбар фаолиятининг мазмуни - унинг бошқариш санъатини нечоғлик эгаллагани, яъни инсонларни жамоага уюштириш, ишларни узоқ ва яқин муддатларга режалаштириш, назорат қилиш, ахборотлар аирбошлаш, бошқаришни ўқув амалиёти тарзида ташкил этиш каби мезонлар билан ҳам изоҳланади. Бунда раҳбар онглилиги, тадбиркорлиги, ишлаб чиқаришни ўқув билан ташкил эта олиш натижаларига эришиши, инсонларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларининг қондириб борилиши, унинг гуруҳ, жамоа жамият олдида масъулият, бурч туйғусини чуқур ҳис қилиши муҳим аҳамиятга эга.

Тадбиркорнинг ташкилотчилик қобилияти ҳамма нарсада муваффақиятга эришувининг муҳим шартидир. Қандай тадбиркор раҳбар муваффақиятга тез эришади? Психолог олимлар унинг бир неча омиллари борлигини таъкидлаган. Булар қуйидагилардир:

1. Тадбиркор раҳбар ташкилотчилик қобилиятининг унинг шахсида намоён бўлиши:

- жамоада соф ахлоқий муҳит пайдо қила олиши, ҳамманинг ҳамкорликда ҳаракат қилишини таъминлай олиши;
- инсонларни ишонтира олиши ва жамоада ўзаро яхши муносабатларни қарор топтириши учун шарт-шароит яратиши.

2. Тадбиркор раҳбарнинг ходимлар билан тил топиб ишлаш маҳорати:

- тадбиркор ўз қўл остидагиларнинг нимага қодирлигини ҳисобга олиб ишларни тақсимлаши;
- ҳодимларни уюштиришнинг энг муҳим омилларидан фойдаланиши;
- ҳар бир кишининг руҳий - психологик кайфиятларига мос равишда мулоқот қилиши.

3. Тадбиркор раҳбарнинг меҳнатга муносабатида ишбилармонлиги:

- ишлаб чиқариш ва бошқа жабҳаларда ҳар хил муаммоларни ҳал этишда энг қулай йўлларни излаб топиш;
- виждонлилик ва адолатлилик;
- бошлаган ишларни охирига етказиш.

4. Тадбиркор раҳбарнинг фаолиятида ижро этиш қобилияти намоён бўлиши:

- касбий малака ва кўникмага эга бўлиши;
- техник вазифаларни ҳал этишга уқувлилиги;
- янгиликлар ва ғояларни ишлаб чиқаришга жорий этиб бориши.

5. Тадбиркор раҳбарнинг қарорларни қабул қилишмалакаси:

- мустақил равишда қарорлар қабул қила олиши;
- қабул қилган қарорининг оқибати ва натижаларини кўра билиши;
- ишлаб чиқаришда содир бўлиши мумкин бўлган турли ҳолатларни ҳисобга олиб бориши, тангликдан қутулиш йўлларини излаши;
- нотўғри қарор қабул қилганда ўз хатоларини бўйнига олиши;

- ходимларни бошқарув масалаларини ҳал этишга кўпроқ жалб этиши.

6. Тадбиркор раҳбарнинг инсонларга муносабати:

- муомала маданияти, одоб - аҳлоқи, маънавияти, билими билан бошқаларга ўрнак бўлиши;

- ўз ваъдаси,сўзининг устидан чиқиши, бир сўзли, қатъий фикрли, омилкор бўлиши;

- ҳодимларни ажратмасдан - ҳаммага баравар муносабатда бўлиши;

- ўз қўл остидагиларга ва бошқаларга ҳурмат билагн қараши ва ўзини тута олиши, одоблилиги ва мулойимлиги;

- инсонларга эхтиётлик билан муносабатда бўлиш, имкон қадар ҳар бир кишининг руҳий - психологик хусусиятларини ҳисобга олиб, муомалада бўлиши.

7. Тадбиркор раҳбарнинг ўз - ўзига талабчанлиги:

- ўз хатти - ҳаракатларини танқидий баҳолай олиши;

- ўз имкониятларини ҳисобга олиб ишлаши;

- бошқаларнинг унга берган яхши ва ёмон баҳоларини таҳлил этиб бориши ва ўз фаолиятида намоён қилиши;

- танқидни тўғри қабул қилиши.

Тадбиркор раҳбар ўзида қуйидаги психологик, физиологик, ахлоқий, маънавий ва ишбилармонлик хусусиятларини мужассамлаштирган бўлиши керак:

1. Нутқ ва тафаккур сифатлари:

- кучли хотира, доимий диққат, соғлом акл, фикр кенглиги, чуқурлиги, тезлиги, муаммо моҳиятини тез англаб олиш, ижодийлик, маънавий қизиқишларнинг ҳар томонламалиги, фикрни оғзаки ва ёзма шаклда қисқа, тушунарли, аниқ тарзда ифодалаш.

2. Ҳарактер сифатлари: мақсадга интилувчанлик, далиллик, мардлик, ишонч, ўзини тута билиш, ўзи ва бошқаларни бўйсунтира олиш ва таваккал қилиш қобилияти, қийин вазиятларда ҳам мулоҳазакор бўлиш қобилияти, ҳазил - мутоиба туйғуси бўлиши.

3. Ҳис - туйғу сифатлари: ҳис - туйғуларнинг турғунлиги, аниқлиги, ифодалилиги, кучли ҳаяжонли ҳолатларда тўғри ҳаракатлар қилиш қобилияти, мулоқатга киришганда бошқалар кайфиятини ҳис - туйғуларини ҳисобга олиш, ўз ҳис - ҳаяжонлари ва кайфиятларини бошқара олиш.

4. Хулқ - атвор сифатлари: ҳаракатга интилиш ва уни ҳимоя этиш, самимийлик, ҳалоллик.

Тадбиркор раҳбар шахсининг руҳий - физиологик сифатлари:

1. Арзимас нарсалардан жаҳли чиқмаслик, аччиқланмаслик, баъзан кўриб, кўрмаганга олиш.
2. Руҳий жараёнларда босиқлик.
3. Руҳий, ҳаяжонли хавф - хатар ҳолларида ўртача бўлиш.
4. Ўзини англашда фаоллик кайфиятда ўта сезгирлик.
5. Жисмоний соғлом ва бошқалар.

Тадбиркор раҳбарнинг ахлоқий, маънавий сифатлари:

1. Меҳнатсеварлик, инсонларга нисбатан дўстлик, инсонпарварлик, самимийлик, ҳалоллик, виждонлилик, сабр - матонат, холислик.
2. Тартиблилик ва интизомлилик, ўзига ва бошқаларга талабчанлик, ўзгалар фикрини тушуниш ва ҳисобга олиш.

Тадбиркор раҳбарнинг ишбилармонлик сифатлари:

соҳа ва касб сирларини яхши билиш, юқори ўқув ва малака, янги технология талабларига мос билими ва тажрибаси, ишлаб чиқариш техника ва технологиясини чуқур билиши, бошқариш усулларини яхши ўзлаштирган бўлиши, ўз билими, малакаси кўникмаларини ошириб бориши, ахборат айирбошлашни билиши ва ҳ.к.

Тадбиркор раҳбарнинг ташқи кўриниши: озодалик, тартиблилик, зиёлилик, кийим - кечакда, хулқ - атворда нафосатлилик, саранжом - саришталик ва бошқалар.

Мана шу хусусиятларни ўз фаолиятида намоён қилган тадбиркор раҳбар бозор иқтисодиёти талабларига тўлиқ жавоб беради. Зеро, бозор муносабатлари меҳнатни жиддий асосларда технологик жараёнлар билан қўшиб олиб боришни, тезкорликни, малака ва ўқувни, касб - ҳунарни яхши эгаллашни тақозо қилади. Ишлаб чиқариш, савдо - тижорат, хизмат идоралари, халқ хўжалигининг барча тармоқлари тадбиркорлари хорижликлар билан ҳамкорлик қилиш, шартномалар ва битимлар тузиш, музокаралар олиб бориш малакасини намоён этишлари ҳам бозор муносабатлари талабларидандир.

Тадбиркор раҳбар ўз қўл остидагиларга фаоллик, онглилик, ижодкорлик, интизомлилик, ўз - ўзини тарбиялаб бориш сифатларини қарор топтирсагина, у меҳнатда ҳам, хизматда ҳам, эл

- юрт орасида ҳам обрў топади. Шунингдек, тадбиркор раҳбарнинг кўпчилик билан муомала - мулоқат қила олиш қобилияти ҳам унинг ташкилотчилиги белгисидир.

Тадбиркор раҳбар ташкилотчилиги ўз кучи ва вақтини тўғри тақсимлашида, қарорлар қабул қилиши ва ҳал этишда ғоят аниқлик, зукколик билан иш кўришида ҳам намоён бўлади. Хусусан, тадбиркор раҳбарнинг ниҳоятда ақлли, тарбияланган, фикри теран бўлиши, бозор иқтисодиёти шароитининг муҳим талабидир.

Тадбиркор раҳбар меҳнат жамоаларини уюшиши, жипслашиши ва ривожланишининг руҳий - психологик жараёнлари босқичларини ҳисобга олиши керак.

1. Уюшиш - жипслашиш босқичи. Жамоага уюшиш ҳамкорликда фаолият кўрсатиш заруратидан келиб чиқиб, аъзоларнинг малакаси, қобилияти, қизиқишларининг бир жойга жамланиши билан изоҳланади. Шахсий эҳтиёжларни қондиришдаги фаолият кишиларни жипслаштиради. Тадбиркор раҳбар меҳнат жараёнида кишиларнинг билими, касби,малакаси, ёшини ҳисобга олиб, уларни жамоага тўплайди. Бунда тадбиркор раҳбарнинг ташкилотчилик қобилияти намоён бўлади.

2. Жамоанинг таркиб топиш босқичи. Тадбиркор раҳбар жамоанинг ҳар бир аъзосининг меҳнатга муносабатини аниқлашга киришади. Ходимлар, ўз фаолиятининг ижтимоий аҳамиятини чуқур англасагина, ўзининг бор кучи, билими, ижодкорлигини ишга сафарбар этади. Жамоада “фаоллар ва дангасалар, ҳалақит берувчилар” бўлиши мумкин.

Тадбиркор раҳбар бундай ҳолларда ходимлар ўрнини алмаштириш, меҳнатга муносабатини ўзгартириши, ўз ишига қизиқтириши, ташаббус кўрсатишга ундаши орқали жамоа фаоллигини таъминлайди. У бу ишларни қўл остидагилар фаолиятини кузатиш, назорат қилиш, баҳолаш, меҳнат натижаларини салмоғлаб кўриш билан қўшиб олиб боради.

3. Ҳар бир аъзонинг жамоага мослашув босқичи. Бу босқичда “қолоқлар”, “ҳалақит берувчилар” қолмайди. Уларнинг шахсий қизиқишлари ва эҳтиёжлари жамоа фаолияти билан қўшилиб, мослашиб кетади. Соф ахлоқий - руҳий муҳит яратилган меҳнат жамоасида фаоллик, ижодкорлик, касбга қизиқувчанлик барқарор тус олади. Шахсда яхши ният пайдо бўлади, мақсад ва эҳтиёжларини қондиришга интилиш, меҳнатсеварлик кучаяди.

Ҳамкорликдаги меҳнатдан завқ олиш шахслараро муносабатларни яхшилайди.

4. Инсоний кадриятларга эришиш босқичи. Бу босқичда жамоа ҳис-туйғулари бир мақсад йўлида умумлашади. Жамоавий фаоллик вужудга келади, анъанавийлик қарор топади. Инсон ўз қизиқишлари ва интилишларини жамоа ҳаётига боғлайди. Атрофдагиларга ишончи ортади, дўстлик ва муҳаббат ришталари мустаҳкамланади. Бу жараёнларда тадбиркор раҳбар зиммасига катта масъулият юки тушади. Бунда тадбиркорнинг ўзига хос иш юритиши, бошқарув уқуви, ташкилотчилиги, тарбиявий ишларни олиб бориш маҳорати яққол намоён бўлади.

Яхши тадбиркор раҳбар учун маълум шахсий сифатлар зарур. У қатиъятли ва чаққон, ҳақиқатли, билимли, зийрак бўлиши, ўзига керакли фикрларни йиға билиши керак. 99 фоиз илғор ғоялар мутахассислар билан мулоқотда юзага келса, 1 фоиз ғоялар инсонларни эшита билишига қараб, юзага келади. Бунинг учун бошқалар билан суҳбатлашишни билиш, ўрганиш, шахсий ғаразларни унутиш, ғояларни тартибга солиш, энг асосийси, доимо ўқиши керак. Акс ҳолда у ўз ишини баҳолай олмайди.

Тадбиркор раҳбар бозор шароитида ўз ҳуқуқидан тўла фойдаланиши ва зарур ҳолларда қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

- ёмон ходимлардан воз кечиш; ўз ходимларидан зарурий натижаларни талаб этиш; фикрлаш қобилиятига эга бўлганларни ғояларга йўналтириш; кўрсатмаларни бажараётганларга буйруқ бериш ва бошқалар.

Тадбиркор раҳбар қатъий буйруқлар бериши, буйруқнинг бажарилиши оқибатларидан воқиф бўлиб туриши зарур. Шунинг учун у ходимларнинг ички хсусиятларини билиши керак. Баъзан ходимлар қасддан меҳнат интизомини бузадилар. Бунга сабаб, моддий таъминотнинг ўз вақтида бўлмаслиги, бир неча вазифани бир вақтда берилиши, аниқ бажарилиш вақти кўрсатилмаганлиги, мукофотлаш шаклининг номукаммаллигидир. Бунинг учун тадбиркор раҳбар ходимлар камчиликларига тўғри, сабр - тоқат билан ёндашиши керак.

Тадбиркор раҳбарда мансаб обрўси ва демократик бошқариш усули бўлади. Уларга хос барча яхши томонларни уйғунлаштириб қабул этиш керак. Масалан, мансаб лавозим усулидан - мустақил

қарор қабул қилиш, журъат, шахсий жавобгарлик; демократик усулидан - кишиларни фаолликка чақириш, ижодга, шахсий ғурурни шакллантиришга чақириш.

Тадбиркор раҳбар камсуқум, қатъий, ҳалол, шижоатли бўлиб, у ишчи - хизматчиларнинг фикри, таклифи, мулоҳазалари билан ҳисоблашиб иш кўради. Шу билан бир қаторда корхонада интизомни, тартибни талабчанлик билан назоратга олдиради. Сифат билан кўрсаткични эътибордан соқит қилмайди. Меҳнатни аниқ ҳисоб - китоб, режа билан қилишга эришади. Ўзининг қобилиятига объектив баҳо бера олади. Кадрлар танлашда, иш жараёнида таниш-билишчиликка эмас, асл мутахассисларга суянади.

8.2. Тадбиркорликда раҳбарнинг нутқ маданияти ва унинг психологик жихатлари

Кишиларнинг тил воситасида ўзаро муносабатда бўлиш жараёни **нутқ** дейилади. "Нутқ" ва "тил" тушунчалари бир - биридан фарқ қилади. Нутқ - инсонларнинг ўзаро муносабатда бўлиш мақсадида тилдан фойдаланиш фаолиятидир. Ҳар бир киши муомалани ўзича амалга оширади. Муомала муайян тил воситалари ёрдамида юз беради.

Тил - ана шу воситалар - товушлар, сўзлар, жумлалар, уларнинг боғланишлари тизими, яъни товуш ва сўз бойлиги ҳамда грамматик шаклларидир. Тил - нутқ воситасида, муомала жараёнида пайдо бўлади ва тайёр ҳолда ўзлаштирилади.

Нутқ билан тафаккур ўзаро узвий боғланган. Инсон ўйлаётганида фикрларини аввал миясида сўзлар, жумлалар тарзида

- ички нутқида ифодалайди. Нутқ муомаланинг ишончли воситаси бўлиши учун муайян талабларга жавоб бериши, айниқса, икки сифатга эга бўлиши керак: 1) нутқ муайян тил қоидаларига риоя қилиши; 2) нутқ тингловчида ишонч ҳосил қилиши, яъни мазмундор, аниқ, тушунарли, мантиқий, образли, ҳис - ҳаяжонли бўлиши керак.

Нутқ - мантиқий изчиллик ва адабий тил қоидаларига риоя қилингандагина сифатга эга бўлади. Лексик, грамматик, услубий қоидалар адабий тилнинг ҳамма кўринишлари учун характерли бўлса, орфография ва пунктуация нормалари адабий тилнинг фақат

ёзма шакли учун, орфоэпия нормалари эса оғзаки шакли учун хос бўлади.

Нутқ маданияти деганда мантиқий изчилликка ва адабий тил нормаларига риоя қилган ҳолда тўғри, аниқ, ва ёқимли сўзлаш тушунилади. Нутқ қанчалик тўғри ва аниқ бўлса, у шунчалик тушунарли бўлади; нутқ қанчалик ёқимли ва ифодали бўлса, у тингловчига (ўқувчига) шунчалик кучли таъсир этади. Тўғри, аниқ ва ёқимли гапириш учун тил бойликларида мазмунга мос зарур сўзни танлай олиш, сўзни ўринсиз такрорламаслик (лексик нормаларга риоя қилиш), сўз шаклини ва гап турини тўғри қўллаш (грамматик нормаларни ва қоидаларни яхши билиш), услуб бирлигини сақлаш (услубий нормаларга риоя қилиш), нутқнинг таъсирчан бўлишини таъминлаш оғзаки нутқда орфоэпия, ёзма нутқда эса тўғри ёзиш қоидаларига риоя қилиш) лозим. Тилнинг софлилиги, мазмуннинг аниқлиги ва таъсирчанлиги учун кураш сўзлашув маданияти учун курашдир.

Нутқ инсонларнинг қарашлари, саъй - ҳаракатлари, эътиқодларига таъсир этади. Нутқда инсоннинг сифат ва фазилатлари - хушфеъллиги ёки бадфеъллиги, самимийлиги ёки тошюраклиги, мулойимлиги ёки қўполлиги, жасурлиги ёки журъатсизлиги акс этади. Нутқ оғзаки ва ёзма кўринишларга эга. Нутқнинг бу шакллари, аввало, у ёки бу тил воситасида вужудга келиб, улар грамматик тузилиши, баён усули билан бир - биридан фарқ қилади.

Оғзаки нутқ. Ҳар қандай ишнинг ечими нафақат билиш, балки коммуникатив жараён ҳамдир. Агар билиш томони кўпинча ёзма нутқ шаклида гавдалантирилса, коммуникатив жараён эса асосан, оғзаки нутқ билан боғлиқдир. Оғзаки нутқ расмий вазиятда (турмуш вазияти, уй шароитидан фарқли ўлароқ) икки ёки бир неча киши ўртасидаги суҳбат (диалог ёки монолог) сифатида кўринади. Жонли алоқанинг соддалиги оғзаки нутқнинг бирмунча тартибсизликка олиб келади: инсон бир вақтнинг ўзида ҳам фикрлайди, ҳам гапиради, сўзларни пухта танлаш учун унда деярли имконият йўқ; фикрни идодалаш шакли ҳам уни унчалик ташвишлантирмайди - агар суҳбатдоши тушунмаса, қайта сўрашига ишонади, бунинг устига, оғзаки алоқа пайтида кўпинча имо - ишора, мимика, баъзан эса гапирувчиларнинг назар доирасида бўлган ашёлар ҳам "ёрдам беради". Хатто олдиндан тайёрланган

оғзаки нутқ сўзлашаётган пайтда гапираётган киши ўзини қайта тиклаб, нутқини "табиий" йўлга йўналтираётганда тузилган аниқ вазият туфайли қатор ўзгартиришларга дуч келиши мумкин.

Оғзаки нутқнинг тил хусусияти соддалиги билан фарқланади. Оғзаки нутқда сўзларни ишлатиш ёзма нутққа қараганда эркин - гапирувчи ўз ихтиёрига қараб фақат мазкур ҳодисага қўлланувчи сўзни қандайдир маъно билан бериши мумкин.

Нотиқлик санъати кўҳна санъатлардан бири. Бу санъатда тарихий давр ва жамият ҳаёти акс этади. Ижтимоий - иқтисодий ва маънавий ҳаёт ўз ифодасини топган. Тараққиёт ва таназзул давомлари бўлган. Европада юнон, Шарқда Хитой, Ҳинд, ислом нотиқлик санъатлари тараққиёт этган.

Жамият ҳаётининг ҳамма жабҳаларида нотиқлик санъати мавжуд. Нотиқлар - раҳбарлар, диндорлар, муаллимлар, ҳуқуқ ходимлари ва бошқалар. Нотиқлик санъати ижтимоий мавқе жихатдан қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

I. Ижтимоий - сиёсий нотиқлик:

1) ижтимоий - сиёсий, иқтисодий - маънавий мавзудаги маърузалар;
2) ҳисобот маърузалари;
3) сиёсий нутқлар;
4) дипломатик нутқлар;
5) митинг нутқлари;
6) ҳарбий мавзудаги нутқлар;
7) илмий-оммабоп нутқлар;
8) тарғубот нутқлари;
9) сиёсий шарҳлар.

II. Илмий (академик) нотиқлик:

1) ўқув маърузалари;
2) илмий маърузалар;
3) илмий ахборотлар;
4) илмий шарҳлар.

III. Суд нотиқлиги:

1) қораловчи (прокурор) нутқи;
2) оқловчи (адвокат) нутқи;
3) ўз-ўзини ҳимоя қилиш нутқи.

IV. Ижтимоий - маиший нотиқлик:

1) мадҳия (юбилей, бағишлов) нутқлари;

2) таъзия (мотам) нутқи;
3) табрик - қутлов нутқи.

V. Диний нотиқлик:

1) хутба (жума ва ҳайит номозларида диний арбоб нутқи)
2) ваъз (кенг оммага мўлжалланган бадиий-эмоционал нутқ).

Нутқ мадинияти анча сертармоқ, мураккаб воқелик. Нутқ маданияти тушунчаси тил грамматикасининг барча қонун- қоидаларини, адабий талаффуз нормаларининг мажмуасидан иборат бўлган орфоэпик қоидаларни, талаффуз масалаларини, билим, маданий савия ва ахлоқий қарашлар каби жуда кўп соҳаларни ўз учига олади.

Содда, ҳар бир аниқ вазиятда тушунарли бўлган, адабий талаффуз нормаларига мос келувчи аниқ ва равон нутқни маданиятли нутқ дейиш мумкин.

Бироқ аниқлик, соддалик, тушунарлилик ҳодисаларининг ўзи ҳам нисбий характерга эга. Ана шундан нутқ маданияти ҳодисасига хос бўлган хусусият, яъни нутқ маданиятининг касб - кор билар, аниқроғи, турли соҳалар билан алоқадорлик хусусияти келиб чиқади. Бошқача қилиб айтганда, нутқ маданиятининг ўзи, оғзаки маънода ҳам, ёзма маънода ҳам бир неча кўринишга бўлинади. Улардан энг муҳимлари:

1) оммавий нутқ маданияти;
2) касб - кор нутқ маданияти;
3) саҳна нутқи маданияти.

Ҳар бир соҳанинг ўзи таркибан яна бир қатор хусусиятларга эгаки, уларнинг ҳар бири ҳақида айрим - айрим мулоҳаза юритилиши зарур.

Маълумки, илм - фаннинг ҳар бир соҳаси ўз атамалари, тушунчаларига эга. Шунинг учун ҳам, бирор кишининг нутқ маданияти даражасига баҳо беришда ана шу омилни ҳисобга олиш керак.

Амалий йиғилишлар ва суҳбатлардаги нутқларда содир этиладиган ҳолатларни, аввало, кечириб бўлмайди. Аммо нотиқнинг сўзини бўлиб, луқма ташлаш ҳам одобдан эмас. Нотиқ сўзини тамомлагунча сабр этиш, кейин рухсат олиб сўзлаш, "тузатиш"да қўполликка, беандишаликка, одоб - ахлоқ доирасидан четланишга йўл қуйиб бўлмайди. "Тузатиш"да ғоят назокат ва мулойимлик зарур.

Амалий мулоқотда раҳбар "мен"ни кўп такрорламаслиги, шахсий ва оиласига тегишли масалалардан сўз очмаслиги керак. Мабодо, сўзловчининг ташқи киёфасида ёки уст - бошида камчилик қўрса, уни кўрмаганга олиш, ёнида ўтирган суҳбатдошларга кўрсатиб, унинг диққатини шу нарсаларга тортиш, кулиш ҳам ёмон фазилат ҳисобланади. Амалий мулоқот пайтида бошни сарак - сарак қилиш, пичирлашиб, уйқусираб ўтириш, қўлни силташ, дастак қилиш ҳам тарбиясизликдир.

Телефонда сўзлашишнинг ўзига хос маданияти, одоби, қоидалари бор. Телефон рақамлари учун алоҳида ён дафтар ёки махсус дафтар тутиш лозим.

Хуллас, нотиқлик санъати (нутқ маданияти, сўзлашиш одоби) раҳбар фаолиятининг муҳим таркибий қисмидир. Яхши нутқ - қобилиятлилик ва истеъдодлилик нишонасидир.

8.3. Тадбиркор раҳбар фаолиятида низоли ҳолатлар ва уларни ҳал этиш усуллари

Тадбиркор раҳбар фаолиятида ҳар хил низоли ҳолатлар учраб туради. Меҳнат шарт - шароитлари, меҳнат натижалари, моддий ва маънавий эҳтиёжларнинг қондирилмаслиги, меҳнатдан қониқмаслик туфайли тадбиркор раҳбар ва ходимлар ўртасида низолар ва можаролар келиб чиқади. Бу тадбиркор раҳбар билан ходимлар ўртасидаги ва шахслараро зиддиятлардир. Бу ҳоллардаги зиддиятларнинг бир неча сабаблари мавжуд.

1. Моддий - техника сабаблари - меҳнат воситалари билан меҳнат жараёнлари, шарт - шароитлари ўртасидаги зиддиятлар. Асбоб - ускуналар, жиҳозлар эскилиги учун меҳнат шароити ёмон, меҳнат унумдорлиги паст ва ҳоказо. Булар ходимларга ғамхўрлик қилишга тўсиқ, моддий ва маънавий эҳтиёжлар қондирилмаслигига сабаб бўлади.

2. Хўжалик - ташкилий сабаблари - меҳнат натижаларини тўғри баҳоламаслик, меҳнатни тўғри тақсимламаслик. Булар ходимларга норозилик туғдиради.

3. Ижтимоий-касбий сабаблар - ходимларнинг билими, малакаси ва касб маҳоратини писанд этмаслик, ундан ўз ўрнида фойдаланмаслик, меҳнат қонунчилигига амал қилмаслик.

4. Ижтимоий-демографик сабаблар - ходимларнинг ёши, жинси, миллати, маълумоти каби омилларни, оилавий шароитларини инобатга олмаслик.

5. Ижтимоий - психологик сабаблар- ходимлар фаолиятидан яққол кўзга ташланадиган яхши ва ёмон хулқларини, қобилияти, қизиқишлари, хотираси, тафаккури, ҳис - туйғуси каби руҳий ҳолатлар билан ҳисоблашмаслик.

Тадбиркор раҳбар фаолиятида қўл остидагилар билан мулоқот - муомалада ҳам зиддиятли ҳолатлар рўй беради. Бунда тадбиркор раҳбарнинг ёки ходимнинг калондимоғлиги, муомала маданиятининг пастлиги, қизиққон - жиззакилиги, қўрс - қўполлиги, тундлиги ва бошқалар сабаб бўлади. Ходимнинг дангасалиги, ялқовлиги, мақтанчоғлиги, лоқайдлиги, бепарволиги каби ёмон одатлар ҳам баъзан зиддиятлар туғдиради.

Тадбиркор раҳбар ва ходимлар ўртасида психологик зиддиятлар келиб чиқиши уч ҳолатда яққол кўзга ташланади: 1) меҳнат жараёнининг нотўғри уюштирилиши; 2) шахслараро муносабатларнинг хилма - хиллиги ва мураккаблиги; 3) жамоа аъзоларининг шахс сифатида ўзига хослиги.

Тадбиркор раҳбар бундай зиддиятли ҳолатларни тўғри идроқ этиши, уларни таҳлил этиш, баҳолаши муҳим аҳамиятга эга. Агар тадбиркор раҳбар ҳар бир зиддиятли ҳодисага холисона, дўстона, самимий муносабатда бўлса масала тўғри ечимини топади, душманларча, хатто жиззаки, енгилтаклик билан баҳоласа, жамоада носоғлом ахлоқий - руҳий муҳит пайдо бўлишига йўл қўяди. Тадбиркор раҳбар ҳар қандай зиддиятли ҳолатда ўзини тутиши, босиқ бўлиши, узоқни кўзлаши, муроса - мадора қилиши, ҳолатга мослашиши, суҳбатдошини ҳамкорликка, яхшиликка даъват қилиши яхши натижа беради. Агар у мансабини, обрўсини суистеъмол қилиб, ўчакишса, адоват қилса, ўзига ва бошқаларга, жамиятга ахлоқий - маънавий жихатдан катта зарар келтиради. Тадбиркор узоқни кўзлаб, иш тутса, ҳамсуҳбат ҳар қанча қайсарлик қилсада, мазкур муаммога яна қайтишини, бироз кутиб туришни таклиф қилиб, уни кўндиради ва таранг муносабатни юмшатади.

Тадбиркор раҳбарнинг ҳар қандай зиддият ва низони бартараф этиш йўллари:

1. Низонинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ва унинг кескинлашувига йўл қўймаслик учун чора - тадбирлар кўриши.

2. Низоли вазиятни юмшатиши - зиддиятга борган кишилар билан ошкора суҳбат ва улар сонини камайтириш чораларини излаши.

3. Вазиятни тўла идрок этиши, унинг “хўжайини” бўлиб олиши ва қатъий чора кўриши.

4. Низо ва унинг айни вазиятларини чуқур таҳлил қилиши:

а) можаролашаётган томонлар ва гувоҳлар билан алоҳида суҳбатлашиши;

б) уларнинг мақсади, қизиқишлари, хулқ - атвори, касби, тажрибаси, турмуш шароити ва бошқа руҳий - маънавий жихатларни ўрганиш;

в) низоли вазиятнинг келиб чиқиш сабаблари, унга жамоанинг муносабатини аниқлаши;

г) низо ҳақидаги ахборотларни солиштириш;

5. Низони ҳал этишнинг ҳар хил усулларини ишлаб чиқилиши ва таҳлил қилиш.

6. Низони ҳал этишнинг энг қулай усули, шакли, воситаси ва шароитларини танлаш.

7. Танланган усулларни жамоанинг тарбияси, меҳнат вазифалари, мақсадлари билан қиёслаб кўриши.

8. Танланган ва текширилган усулни қўллаб низони бартараф этиш.

9. Низо бартараф этилганидан ҳаммани хабардор қилиш.

10. Низо келтириб чиқарган томоннинг ҳақ ёки ноҳақлиги исботлангандан сўнг, уларни тўғри йўлга бошлаш ва бошқалар.

Хуллас, бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қайси бўғиндаги тадбиркор шуни тушуниб етмоғи керакки, ҳар қандай шароитда ҳам инсонга ғамхўрлик қилиш, инсон руҳий ҳолатини барқарор этишга қаратилган жараёнларни ташкил этиш ва унга йўналтириш, жамоанинг ҳар бир аъзосини меҳнатдан моддий ва маънавий қониқиш ҳосил қилишига эришиш унинг зиммасидаги муқаддас вазифадир.

Таянч сўз ва иборалар. Назорат ва мулоҳаза учун саволлар

Бошқарув услублари: тарбиявий, моддий - рағбатлантирувчи, маъмурий - ташкилий, бошқариш санъати, Япониянинг бошқариш услуби, бошқарув қарорлари, раҳбарнинг

ташкилотчилик қобилияти, раҳбарнинг психологик хусусиятлари, раҳбарнинг руҳий - физиологик сифатлари, раҳбарнинг ишбилармонлик сифатлари, раҳбарнинг нутқ маданияти, раҳбар томонидан зиддиятларни бартараф этиш усуллари.

Назорат ва мулоҳаза учун саволлар

1. Бозор иқтисодиёти шароитида бизнес психологиясининг мазмуни ва моҳияти нималардан иборат?
2. Бошқариш санъати деганда нимани тушунасиз?
3. Тадбиркор раҳбар фаолиятининг бошқариш санъатидаги ҳарактерли хусусиятлари нималардан иборат?
4. Тадбиркор раҳбарнинг психологик хусусиятларининг муҳим томонлари нималардан иборат?
5. Раҳбар ходимнинг бошқариш фаолиятидаги психологик жараёнлар босқичларининг моҳиятини тушунтириб беринг.
6. Хўжалик фаолиятини бошқариш давомида раҳбар билан ходим ўртасида юзага келиши мумкин бўлган зиддиятлар сабабларини изоҳлаб беринг.
7. Раҳбар томонидан зиддиятларни бартараф этишнинг яна қандай йўллари бўлиши мумкин?

9. Иш ўйинлари

Интерактив дарс ўтказиш жараёнида ишлатилиши мумкин бўлган «музёрарлар», «активаторлар» ва «ўйинлар»

1. Ўйиннинг номи: «Мақоллар ўйини»

Ўйиннинг тури: активатор

Мақсад: ўқувчиларнинг бир - бирларини яхшироқ таниб олишлари

Вақти: 20-30 дақиқа дақиқа

Гуруҳ катталиги: хоҳлаганча катталикда

Ишлатиладиган материаллар: мақоллар ёзиш учун кичик бўлакли қоғозлар ва гуруҳ учун етарли бўлган мақоллар

Амалга оширилиши:

қатнашувчиларнинг ҳар бирига мақолнинг ярми ёзилган қоғоз бўлаги берилиб, унинг қолган ярмини топиш ва ёзиш топшириғи берилади. Улар мақолнинг кейинги қисмини биладиган шахсни ўқувчилар орасидан топишлари лозим бўлади. Бундай қатнашувчи топилганидан сўнг, бир - бирларини яхшироқ билиш учун суҳбатлашадилар. Кейин эса катта гуруҳга мақолни тўлалигича айтиб беришлари лозим бўлади.

2. Ўйиннинг номи**:** «Ҳақиқат ва ёлғон»

Ўйиннинг тури: **активатор**

Мақсад: тегишли мавзу бўйича ўқувчиларнинг билимларини янада ошириш

Вақти: 10 - 15 дақиқа

Гуруҳ катталиги: хоҳлаганча

Ишлатиладиган материаллар: ўқитувчи томонидан ўрганилаётган мавзу бўйича ҳар бир талаба учун қоғоз бўлагида

ёзилган битта рост ва битта ёлғон факт, қоида, кўрсаткич, сўз ёки мисол.

Амалга оширилиши:

ўқитувчи ҳар бир талабага маълумотлар ёзилган қоғоз бўлакларини тарқатади ва 4 кишидан иборат гуруҳларга бўлинган ҳолда буни муҳокама қилишни топширади. Ўйин сўнггида ҳар бир гуруҳдаги бир талаба гуруҳга тегишли барча маълумотларни таҳлил қилиб бериши лозим. У буларнинг ичида қайси бири тўғри ва қайси бири нотўғри эканлигини айтиб, талабаларнинг ушбу мавзу бўйича билимларини оширади.

3. Ўйиннинг номи**:** «Исм белгилари»

Ўйиннинг тури: кириш қисмида қўлланилиши мумкин.

Мақсад: ўқувчи/талабаларнинг бир - бири билан танишишга ва кейинчалик улар ўзаро биргаликда ишлашлари учун ёрдам беради. **Вақти:** 5 - 10 дақиқа

Гуруҳ катталиги: 30 - 35 кишидан ортиқ ва бир - бирини яхши билмайдиган гуруҳлар учун

Ишлатиладиган материаллар: ҳар бир шахс учун олдиндан чоп қилинган исм ёзилган белгилар.

Амалга оширилиши:

гуруҳнинг қандай ажойиб ва билимдон эканлиги ҳақида сўзлаган ҳолда ўйин бошланади. Барча исм белгиларини тасодифий тарзда ўқувчи/талабаларга тарқатиб чиқилади. Бунда ҳеч ким ўз номи ёзилган исм белгисини олмаслигини назорат қилиб туриш лозим. Ҳар бир шахс ўзидаги исми ёзилган шахс билан учрашиши ва у билан бир неча дақиқа суҳбат қилиши керак. Ўқувчилар бир ёки бир неча талаба билан бу ҳақда фикр алмашганларидан сўнг, ўйин тўхтатилади ва улардан бир нечтасига ўз суҳбатдоши ҳақида гуруҳга қисқа маълумот бериш сўралади.

4. Ўйиннинг номи**:** «Сизнинг белгингиз қандай?

Ўйиннинг тури: **музёрар**

Мақсад: номларни эслаб қолиш

Вақти: 8 - 12 дақиқа ва гуруҳнинг катталигига боғлиқ

Гуруҳ катталиги: талабалар сони 5 тадан кўп ва 20 тадан кам.

Ишлатиладиган материаллар: ҳеч нарса керак эмас

Амалга оширилиши: барча доира шаклида туради ва кимдир «**Менинг исмим ÑÑÑÑÑÑÑ ва менинг белгим ÑÑÑÑÑÑÑ**» дейди. Белги сифатида бирор-бир гулнинг номи, тана ҳаракати, чеҳра ифодасига ўхшаганлар берилиши мумкин. Кейинги талаба унинг номини ва белгисини қайтаради ва ўзининг номи ҳамда белгисини айтади. Ундан кейинги шахс олдингиларнинг номлари ва белгиларини қайтариши ҳамда ўзиникини айтиши лозим бўлади. Ўйин шу тарзда давом этиб, ҳамма иштирокчилар бир - бирларининг исм ва шартли белгиларини билиб оладилар. Агар бу ўйинни дарслар бошланишида ўтказсангиз, барча талабалар бир-бирларининг номларини эслаб қоладилар.

5. Ўйиннинг номи**:** «Гуруҳдаги ўхшашликларни аниқлаш»

Ўйиннинг тури: музёрар

Мақсад: кичик гуруҳлар орасидаги ўхшашликларни аниқлаш

Вақти: 20 - 25 дақиқа

Гуруҳ катталиги: 20 - 30 ўқувчи

Ишлатиладиган материаллар: Ўқитувчининг танлови ва ўтиладиган дарс материаллари билан боғлиқ равишда танланган материаллар. Мавзунинг йўналишлари, мавзучалари, рамзлари ва шунга ўхшашлар билан боғлиқ объектлар. Масалан, агар лойиҳа

тузиш билан боғлиқ дарс ўтаётган бўлсангиз, лойиҳаларнинг номини қоғозларга ёзиб қўйишингиз мумкин ва бунда ҳар бир шахс ўзини қизиқтирган лойиҳа номини танлаб олиш имкониятига эга бўлади.

Амалга оширилиши:

1. Объектлар (масалан, лойиҳаларнинг номлари ёзилган қоғозлар) солинган идишни ўқувчилар орасида айлантириб чиқиш ва ҳар бир талабага ундан ўзини қизиқтирган объектни танлашни таклиф қилиш;

2. Бир хил объектларни танлаган ўқувчиларни бир хил гуруҳларга бирлашишларини таклиф қилиш;

3. Ҳар бир гуруҳга қуйидагиларни муҳокама қилишни таклиф қилиш:

А) нега гуруҳингиз бу хилдаги бир хил объектларни танлади;

Б) ўз гуруҳ аъзоларингиз орасида бир - бирига ўхшаш томонлар борлигини муҳокама қилинг (масалан, қизиқишлар, туғилган кунлар, интилишлар, хоббилар ва бошқалар);

В) ўз гуруҳ аъзоларингиз ҳақида қизиқарли равишда бошқа гуруҳ аъзоларига сўзлаб беринг.

6. Ўйиннинг номи**:** «Сўзлар тузиш»

Ўйиннинг тури: **музёрар**

Мақсад: янги гуруҳ аъзоларига бир - бирларини яхшилаб билиб олишлари

Вақти: 8 - 15 дақиқа

Гуруҳ катталиги: ҳар қандай катталикда

Ишлатиладиган материаллар: ручка ёки қалам, қоғоз бўлаклари

Амалга оширилиши:

ҳар бир иштирокчига биттадан қоғоз бўлаги (варок) тарқатинг ва унга алифбонинг бирор - бир ҳарфини катта қилиб ёзишни сўранг.

Барча қатнашувчилар ўрниларидан туриб, қўлларидаги ҳарфлардан фойдаланган ҳолда бошқалар билан биргаликда тўрт ҳарфдан иборат сўзлар тузишлари керак. Бунда қуйидагиларга эътибор берилса, яхши натижаларга эришиш мумкин:

- ♦ Тузиладиган сўзлар дарс мавзуси билан мос бўлиши.
- ♦ Энг узун сўзлар тузишга кўрсатма бериб, узунроқ сўз топган гуруҳга мукофот бериш.
- ♦ Ўрганилаётган тил билан боғлиқ сўзлар тузиш.

7. Ўйиннинг номи: «Машҳур инсонлар»

Ўйиннинг тури: активатор

Мақсад: Дарсни фаоллаштириш

Вақти: 10 - 15 дақиқа

Гуруҳ катталиги: хоҳлаганча **Ишлатиладиган материаллар**: доска ва бўр **Амалга оширилиши**:

1. Қатнашчиларга машҳур инсонлар номларини доскага ёзиш таклиф қилинади ва хоҳловчилар бу номларни доскага чиқиб ёзадилар;

2. Талабалар ичидан бирортасини чақириб, машҳур инсонлардан бирининг кимлиги ва у нима қилганлиги сўралади ва у бу қандай маълумотларни айтади;

3. Агар чақирилган талаба ҳеч нима билмаса ёки кам билса, синфдаги бошқа хоҳловчиларга бу ҳақдаги маълумотларни тўлдириш таклиф қилинади;

3. Шундай қилиб, бирин - кетин талабаларни доскага чақирган ҳолда машҳур инсонлар ва уларнинг нима учун машҳурлиги ҳақида билиб олинади.

8. Ўйиннинг номи: «Телефон»

Ўйиннинг тури: фаоллаштирувчи

Мақсад: Инсонлар орасидаги мулоқот ва бир одамдан иккинчисига маълумотлар қандай боришини кўрсатиш ва ўқувчиларнинг қизиқиши даражасини ошириш

Вақти: 10 дақиқа атрофида

Гуруҳ катталиги: Хоҳлаганча

Ишлатиладиган материаллар: Ҳеч нарса керак эмас.

Амалга оширилиши:

ўқувчилар хонада доира шаклида турадилар. Бир ўқувчи ёнидагига шивирлаб бирорта маълумотни айтади. У эса ушбу маълумотни кейинги шахсга айтади ва бу иш доира бўйлаб давом этади. Маълумот ҳар бир шахсга бир мартагина айтилиши лозим. Охирги ўқувчи ўзи эшитган маълумотни барчага эшиттириб айтади ва шундан сўнг уни бошда айтган биринчи ўқувчи ҳам қайтаради. Оригинал ва охирги маълумотлар орасидаги фарқ таҳлил қилинади.

9. Ўйиннинг номи: «Сирли мактуб»

Ўйиннинг тури: гуруҳ бўлиб ишлаш

Мақсад: бир-бирини яхшироқ билиб олиш

Вақти: 10 - 15 дақиқа дақиқа

Гуруҳ катталиги: Бир гуруҳда ёки синфда

Ишлатиладиган материаллар: ручка ва қоғоз

Амалга оширилиши:

ҳар бир талаба ўзи ҳақида бирор - бир маълумотни ёки маълумотларни қоғозга ёзади ва уни бир идишга солади (сават, яшик, шляпа ва ҳ.к.). Кейин уларни яхшилаб аралаштирилади ва талабаларга улардан биттадан олиш таклиф қилинади. Улар бу маълумотларни ўқиб, уни ким ёзганини айтишлари керак. Бунда кўпчилик синфдошлар бир-бирлари ҳақида янги, олдин билмаган нарсаларни билиб олишга муваффақ бўладилар.

10. Ўйиннинг номи**:** «Сиз ажойибсиз»

Ўйиннинг тури: машғулотлар охирида ўтказилади

Мақсад: дарсни ёки семинарни ижобий равишда тугаллаш учун

Вақти: 15 - 20 дақиқа

Гуруҳ катталиги: хоҳлаганча **Ишлатиладиган**

материаллар: қоғоз ва ручка **Амалга**

оширилиши:

Ҳар бир иштирокчига бир вароқ қоғоз тарқатилиб, унинг юқори қисмига ўз номларини ёзишлари сўралади. Энди бу вароқлар йиғилиб олинади, аралаштириб, яна гуруҳ орасида тарқатилади, ҳар бир иштирокчидан варокда номи ёзилган шахс ҳақида ижобий фикрлар ёзиш сўралади. Вақт тугагандан сўнг, ҳар бир вароқ номи ёзилган инсонга қайтарилади. У эса ўзи ҳақидаги яхши маълумотларни ўқиб, қувонади.

10. Тест саволлари

1. «Ўзбекистон Республикаси кичик бизнесни ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб - қувватлаш Давлат дастури» қачон қабул қилинган?

а) 1998 й. 15 февраль

б) 1995 й. 28 август

в) 1999 й. 24 декабрь

г) 1995 й. 21 декабрь

2. Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги қонуни қачон қабул қилинган?

а) 25 май 2000 й.

б) 24 апрель 2003 й.

в) 14 апрель 1999 й.

г) 19 апрель 1999 й.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **«Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори қачон қабул қилинган?**

а) 2001 йил 22 август

б) 2001 йил 10 октябрь

в) 2002 йил 5 февраль

г) 2002 йил 22 август

4. Ўзбекистон Республикасида «Банкротлик тўғрисида»ги қонун қачон қабул қилинди?

а) 1999 йил 14 апрель

б) 2003 йил 24 апрель

в) 2000 йил 25 май

г) 1995 йил 5 январь

5. Ўзбекистон Республикасида «Кичик ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш тўғрисида»ги қонун қачон қабул қилинган?

а) 1991 йил 15 февраль

б) 1990 йил 31 октябрь

в) 1995 йил 21 декабрь

г)1992 йил 13 ноябрь

6. Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонун қачон қабул қилинган?

а) 1998 йил 15 февраль

б) 1998 йил 29 август

в) 1998 йил 10 май

г) 1998 йил 24 июнь

7. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик ва тадбиркорлик фаолиятининг кафолатлари тўғрисида” ги қонуни қачон қабул қилинган?

а) 2004 йил 12 май

б) 2005 йил 20 июнь

в) 1999 йил 22 январь

г) 2000 йил 25 май

8. Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлари фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонун қачон қабул қилинган?

а) 1998 йил 15 апрель

б) 1998 йил 10 май

в) 1998 йил 21 ноябрь

г) 1998 йил 29 август

9. Тадбиркорлик фаолиятининг мақсади:

а). Самарадорликни ошириш, фойдани кўпайтириш;

б). Ўз ишини яратиш ва ривожлантиришда муваффақиятга эришиш;

в). Бойиб кетиш, фойда ҳисобига капиталини кўпайтириш. г) Тўғри жавоб йўқ.

10. Мақсад – бу:

а) муддао;

б) у ёки бу ниятга эришиш учун кўзда тутилган муштарак орзу;

в) бу - навбатдаги босқичда “жанг” билан забт қилинадиган бамисоли чўққи;

г) нотўғри жавоб йўқ.

11. Бошқаришнинг поғона (даража)ларига қараб, мақсадлар қандай турларга бўлинади?

а) сиёсий мақсадлар; б) туман мақсадлари;

в) иқтисодий мақсадлар; г) ижтимоий мақсадлар.

12. Умумжамият миқёсидаги муносабатларни акс эттиришга қараб мақсадлар қандай гуруҳларга бўлинади?

а) ижтимоий мақсадлар; б) корхона мақсадлари; в) бўлим мақсадлари;

г) якка ходим мақсади.

13. Менежемент (бошқариш) тушунчалари:

а) бир йил ичида, квартал, бир ой мобайнида ва ундан ҳам камроқ муддат ичида амалга ошириладиган мақсадлар;

б) беш йиллик ёки ундан кўпроқ давр мобайнида амалга ошириладиган мақсадлар;

в) корхонанинг асосий мақсадини аниқлаш ва ходимларнинг вазифаларини ишлаб чиқиш;

г) бирор бир муаммони ҳал этиш зарурати туғилган ҳолларда пайдо бўладиган мақсадлар.

14. Ташкилотнинг ташқи муҳити деганда:

а) ҳар кун қабул қилинадиган ва амалга ошириладиган одатий мақсадлар тушунилади;

б) корхонага ва айрим ходимларга қийинчиликлар туғдирадиган мақсадлар тушунилади;

в) ташкилотнинг умумий ва бевосита ишчи муҳити тушунилади;

г) ходимлар малакасини ошириш соҳасидаги мақсадлар тушунилади.

15. Бошқарувнинг тамойиллари:

а) мақсаднинг муҳимлиги жихатидан ранжирланиши, тартибланиши;

б) мақсадни қўйиш ва амалга оширишнинг мавжуд шарт - шароитларга боғлиқлиги;

в) бир мақсаднинг бошқа мақсадга бўйсуниши;

г) демократиялаш, иерархия, режалаштириш, жавобгарлик тушунилади.

16. Ташкилот бошқарув объекти сифатида:

а) фаолият соҳалари бўйича корхонанинг умумий мақсадлари аниқланади;

б) ишлаб чиқарувчи ёки хизмат кўрсатувчи корхона;

в) хусусий, якка мақсадларни режалаштириш ва уларнинг бажарилиш усуллари ишлаб чиқилади;

г) қабул қилинган режаларга айрим тузатишлар киритилади.

17. Бошқарув функцияси деганда:

а) у ёки бу объектни бошқаришга оид аниқ вазифаларни ҳал этишга қаратилган фаолият тушунилади;

б) корхонанинг моддий – техника базасини яратишга қаратилган фаолият тушунилади;

в) ходимларни корхонанинг режасини бажаришга сафарбар қилишга қаратилган фаолият тушунилади;

г) а + б.

18. Қуйида қайд қилинганларнинг қайси бири бошқариш функцияси ҳисобланади**?**

а) режалаштириш; б)
ташкил қилиш;
в) тартибга солиш ва мувофиқлаштириш; г)
нотўғри жавоб йўқ.

19. Бошқариш фаолияти турларига қараб, бошқариш функциялари:

а) ҳудудий ва тармоқ функцияларига бўлинади;
б) раҳбар ва бўйсунувчи функцияларига бўлинади; в)
умумий (асосий) ва аниқ функцияларга бўлинади; г)
нотўғри жавоб йўқ.

20. Қуйида қайд қилинган функцияларнинг қайси бири бошқаришнинг иқтисодий функциясига киради?

а) меҳнат шароитини яратиш;
б) ходимларни инсонийлик руҳида тарбиялаш; в)
маркетинг хизматини уюштириш;
г) ишлаб чиқаришни ташкил қилиш.

21. Қуйида қайд қилинган функцияларнинг қайси бири бошқаришнинг ижтимоий функциясига киради?

а) маблағларнинг доиравий оборотини таъминлаш;

б) ходимларнинг ижтимоий, маданий-маънавий эҳтиёжларини қондириш;

в) ходимларни меҳр-шафқатли ва ўзаро муносатларда сабр - тоқатли бўлиш руҳида тарбиялаш;

г) ахборотлар оқимини ташкил қилиш.

22. Қуйида қайд қилинган функцияларнинг қайси бири бошқаришнинг маънавий - маърифий функциясига киради?

а) фойда олишни таъминлаш;

б) ходимларнинг ижтимоий, маданий-маънавий эҳтиёжларини қондириш;

в) бошқариш аппарати ходимлари ўртасида масъулиятларни белгилаш;

г) ходимларга ҳалолликни, адолат туйғусини тарбиялашга хизмат қилиш.

23. Ташқи муҳит таҳлили деганда:

а) истеъмолчининг хоҳишини ўрганиш, рақобат даражасини аниқлаш, хом ашё сифатини баҳолаш тушунилади;

б) бошқарув органлари тизимида қуйи органларнинг юқори органларга бўйсуниши ва улар ўртасидаги ўзаро алоқа тушунилади; в) бўлинмалар йиғиндиси, уларнинг таркиби ва ўзаро алоқа шакллари тушунилади; г)

б + в.

24. Ташкилий структураларни ҳосил қиладиган бошқариш органлари:

а) бошқарув тизими шаклида;

б) бошқарув бўғинлари шаклида; в)

бошқарув босқичлари шаклида; г) б +

в.

25. Агар бошқаришнинг ҳамма функциялари корхона раҳбари қўлида тўпланиб барча қуйи раҳбарлар ва ишлаб чиқариш ячейкалари унга бўйсунса, у ҳолда бошқаришнинг бундай ташкилий структураси:

а) чизиқли (поғонали) структура кўринишида; б)

чизиқли штабли структура кўринишида;

в) функционал структура кўринишида;

г) чизиқли функционал структура кўринишида бўлади.

26. Раҳбарлик турлари:

а) автократик;

б) либерал;

в) демократик;

г) нотўғри жавоб йўқ.

27. Ташкилот мақсадларининг тавсифи:

а) барча қуйи раҳбарлар ва ишлаб чиқариш ячейкаларини корхона раҳбарига бўйсундириш орқали ташкил этилади;

б) ишлаб чиқариш воситалари сонини ошириш, қўшимча ишчи кучини жалб этиш, ишчилар меҳнат самарасини ошириш;

в) ҳар бир чизиқли раҳбар қошида ихтисослашган хизматлар, маслахатчилар кенгаши, яъни штаблар тузиш орқали ташкил этилади;

г) а + б.

28. Қуйида қайд этилган органларнинг қайси бири бошқаришнинг умумдавлат органларига киради?

а) вилоят ҳокимияти; б)
туман ҳокимияти; в)
Олий суд;
г) шаҳар ҳокимияти.

29. Раҳбар маданиятига баҳо бериш учун қўлланиладиган кўрсаткичлар:

а) раҳбарнинг ўзига ва жамоага нисбатан маданиятлилиги; б)
Вазирлар Маҳкамаси;
в) вазирлик ва қумиталар; г)
Олий Кенгаш.

30. Раҳбар маданиятининг тушунчалари:

а) одоб; б)
инсоф; в)
адолат;
г) нотўғри жавоб йўқ.

31. Қуйида қайд қилинган услубларнинг(методика) қайси бири бошқариш услуби бўлиб ҳисобланади?

а) ташкилий - маъмурий; б)
иқтисодий;
в) ижтимоий - руҳий; г)
нотўғри жавоб йўқ.

32. Бошқаришнинг иқтисодий услублари:

а) бошқариш аппаратининг муайян структурасини тузишга асосланади;

б) буйруқлар, фармойишлар ва қўлланмалар чиқариш уларнинг бажарилишини назорат қилишга асосланади;

в) кадрларни тўғри танлашга асосланади;

г) иқтисодий манфаатлардан фойдаланишга асосланади.

33. Бошқаришнинг ташкилий – маъмурий услублари:

а) умумжамият манфаатларидан фойдаланишга асосланади;

б) жамоа манфаатларидан фойдаланишга асосланади;

в) ҳар бир бошқарув бўғинининг функцияларини белгилашга асосланади;

г) буйруқлар, фармойишлар, қўлланмалар чиқариш; уларнинг бажарилишини назорат қилишга асосланади.

34. Бошқаришнинг ижтимоий – руҳий услублари:

а) ишлаб чиқариш жамоаларини, улардаги "психологик иқлимни", ҳар бир ходимнинг шахсий хусусиятларини ўрганишга асосланади;

б) кадрларни тўғри танлашга асосланади;

в) жамоаларда соғлом ижтимоий - руҳий муҳитни яратишга асосланади;

г) нотўғри жавоб йўқ.

35. Менежер – бу:

а) ёлланма бошқарувчилар бўлиб аҳолининг алоҳида ижтимоий қатламидир;

б) махсус тайёргарлик кўрган, бошқаришнинг сир - асрорлари, қонун - қоидаларини чуқур билувчи малакали мутахассисдир;

в) бошқарувчи;

г) нотўғри жавоб йўқ.

36. Фирманинг истиқболини белгилаш, унинг келажаги учун аҳамиятли чора - тадбирларни ишлаб чиқиш билан:

а) юқори поғонадаги менежерлар; б) ўрта поғонадаги менежерлар;

в) қуйи поғонадаги менежерлар шуғулланади; г) вазирлик.

37. Ишлаб чиқариш захира оптимал ўлчамини аниқлаш омиллари:

а) пул воситалари миқдори; б) ишлаб чиқариш ҳарактери; в) транспорт, коммуникация; г) нотўғри жавоб йўқ.

38. Қуйи поғонадаги менежерлар:

а) фирма истиқболини белгилаш билан;

б) фирма фаолиятининг айрим томонларини бошқариш билан; в) цех, бригада доирасидаги ишни ташкил қилиш ва уни бошқариш;

г) ишлаб чиқаришни ташкил этиш билан шуғулланади.

39. Бошқарув услуби – бу:

а) бошқарув функцияларини самарали бажариш мақсадида бирор бир органнинг ёки раҳбарнинг бўйсунувчиларига аниқ таъсир кўрсатиш усули ва йўллари мажмуасидир;

б) бошқарув жараёнида келиб чиқадиган муаммоларни ҳал қилиш усуллари, йўллари, мажмуасидир;

в) ишлаш, бошқаришдаги ўзига хос йўл, усулдир; г) раҳбарнинг ўзига хос ёндашуви.

40. Бошқарув жараёнида у ёки бу масалаларни ҳал қилишда раҳбарнинг ўзига хос ёндашиши бошқарувда:

а) бошқарув услуби;

б) рағбатлантириш услуби; в) кўрсатма бериш услуби;

г) раҳбарнинг иш услуби деб юритилади.

41. Қарор қабул қилишда якка бош, жамоа фикри билан ҳисоблашмайдиган раҳбарларни:

а) автократик раҳбарлар; б) либерал раҳбарлар;

в) демократик раҳбарлар; г) а + в.

42. Қарор ечимларини бўйсинувчиларга таклиф орқали етказувчи раҳбарларни:

а) либерал раҳбарлар;

б) автократик раҳбарлар; в) демоктарик раҳбарлар;

г) консерватив раҳбар дейишади.

43. Автократик раҳбарлар бўйсунувчиларнинг:

а) ташаббускорлигига тўла - тўкис таянади; б) ташаббускорлигига йўл қўймайди;

в) ташаббускорлигини рағбатлантиради ва ундан фойдаланади;

г) фаоллигини рағбатлантиради.

44. Либерал раҳбарлар кадрларни танлашга:

а) бепарволарча ёндашадилар;

б) кучли рақобатдошлардан қутулиш пайида бўладилар;
в) ишчан, билимдон ходимларга мўлжал оладилар, уларнинг ўсишига ёрдам берадилар;
г) ташқаридан мадад кутади.

45. Демократик раҳбарлар билимга бўлган муносабатда:
а) ҳамма нарсани ўзим биламан деб ҳисоблайдилар; б) бепарво, эътиборсиз бўладилар;
в) мутассил ўқийдилар ва қўл остидаги бўйсунувчилардан ҳам шуни талаб қиладилар;
г) б + в.

46. Демократик раҳбарлар муомалада:
а) ижобий, мулоқотда киришимли ва фаол бўладилар; б) салбий, бўйсунувчилардан масофа сақлайдилар;
в) ташаббус кўрсатмайдилар; г) а + б.

47. Либерал раҳбарлар рағбатлантиришга келганда:
а) онда - сонда рағбатлантириб, тез - тез жазолаб туриш тарафдори бўладилар;
б) аниқ мўлжаллари бўлмайди;
в) онда - сонда жазолаб, тез - тез рағбатлантириб туриш тарафдори бўладилар;
г) б + в.

48. Автократик раҳбарлар масъулиятни тақсимлашда:
а) тўла - тўкис ўзлари тақсимлайди;
б) тўла - тўкис ижрочиларнинг фикрига биноан тақсимлайди; в) фақат ўзининг ваколатига биноан тақсимлайди;
г) а + в.

49. Ўзини жамоадан узоқ тутиш, жамоа аъзоларини бевосита мулоқотда бўлишларини чегаралаб қўйиш:
а) демократик раҳбарларга хос; б) либерал раҳбарларга хос;
в) автократик раҳбарлар хос; г) б + в.

50. Ўз зиммасига масъулият олишни ёқтирмаслик:
а) автократик раҳбарларга хос; б) либерал раҳбарлар хос;
в) демократик раҳбарлар хос;

г) а + б.

51. Сангвиниклар:

а) хушчақчақ, ҳаракатлари шиддатли кишилардир;

б) таъсирчанлиги суст, фаолликлари кам кишилардир;

в) нутқи тез, келажакка ишонч билан қарайдиган кишилардир; г) а + в.

52. Флегматиклар:

а) ўта таъсирчанлик хусусиятига эга бўладилар;

б) тез толиқадиган ва ўзига ишонмайдиган бўладилар; в) ниҳоятда аразчи бўладилар;

г) ўта жиддий бўладилар.

53. Меланхолитклар:

а) нутқи тез, ҳаракатлари шиддатли бўлади;

б) фаоллиги суст, тортинчоқ, кам ғайрат бўладилар;

в) янги кишилар билан тез тил топишадиган бўладилар; г) хушчақчақ бўладилар.

54. Қуйида қайд қилинган ҳислатларнинг қайси бири раҳбарда мужассамланган бўлиши керак?

а) довюраклик;

б) сабрлилик;

в) таваккалчилик;

г) нотўғри жавоб йўқ.

55. Қуйида қайд қилинган ҳислатларнинг қайси бири раҳбарни эл назаридан қолишига олиб келади?

а) маҳаллийчилик; б) баландпарвозлик; в) таъмагарлик;

г) а + б + в.

56. Қуйида қайд қилинганларнинг қайси бири раҳбарларга хос ҳарактер бўлиши мумкин?

а) жанжалкаш, урушқоқ; б) курашчан;

в) ғийбатчи;

г) умидсиз.

57. Қуйида қайд қилинганларнинг қайси бири раҳбар айтиши мумкин бўлмаган жавоблардир?

а) мен ўз фикримни аниқ ва тўла айта олмадим; б) менинг иш тажрибам шу;

в) мен хатога йўл қўйдим ва уни тузатаман;

г) буни бошқача тушунтиришга ҳаракат қиламан.

58. Қуйида қайд қилинганларнинг қайси бири раҳбар айтиши мумкин бўлган жавоблардир?

а) бешикдан қабргача илм изла деганлар; б) бу баҳона бўла олмайди;

в) бир - биримизнинг фикримизни тушунмадик; г) мен ўз фикримда қоламан.

59. Қарор – бу**;**

а) мавжуд ҳолатнинг, эҳтимол тутилган ҳолат билан мос тушмаслиги натижасида юзага келувчи жараёндир;

б) бажарилиши мумкин бўлган ишнинг аниқ бир йўлини танлаб олишдир;

в) бир неча муқобил пайдо бўлганда вужудга келадиган жараёндир;

г) а + б.

60. Қарор қабул қилиш – бу:

а) мақсадга эришиш учун ташкилот раҳбарининг ўз ваколати ва омилкорлиги доирасида муқобилни танлаш жараёнидир;

б) у ёки бу йўлни танлаб олишда бир тўхтамга келиш ёки қандай бўлмасин бир фикрга келишдир;

в) менежернинг фикрини доим банд қилиб турадиган ташвишдир;

г) нотўғри жавоб йўқ.

61. Қуйидагиларнинг қайси бири бошқарув қарорларининг унсури ҳисобланади?

а) вазифа;

б) восита;

в) жавобгарлик;

г) нотўғри жавоб йўқ.

62. Стратегик қарор:

а) бир хил муаммога дахлдор бўлиб, барча бўғинлар учун бирдек амал қилади;

б) тор доирадаги муаммога тааллуқли бўлиб, корхонанинг муайян бир бўлими ёки бир гуруҳ ходимлар юзасидан қабул қилинади;

в) юқори бошқарув органлари томонидан туб ва истиқболли дастурларни ишлаб чиқиш мақсадларида қабул қилинади;

г) корхонанинг жорий, тезкор режаларини тузиш мақсадида қабул қилинади.

63. Амал қилиш даврига қараб қарорлар:

а) ижтимоий – иқтисодий қарорларга; б) техникавий қарорларга;

в) стереотип ва ташаббусли қарорларга;

г) стратегик ва тактик қарорларга бўлинади.

64. Такрорланиш ва янгилик даражасига қараб қарорлар:

а) анъанавий ва тавсияли қарорларга;

б) аниқ ва ноаниқ қарорларга;

в) якка бошчилик ва коллегиал принципи асосида қабул қилинган қарорларга;

г) "ринги" усули асосида қабул қилинган қарорларга бўлинади.

65. Стереотип қарорлар - бу:

а) новаторларча, мазмунига кўра истиқболли бўлган қарорлардир;

б) раҳбар фаолияти қатъий равишда йўриқномалар, меъёрий ҳужжатлар доирасида амалга оширилиши лозим бўлган ҳолларда қабул қилинадиган;

в) одатий вазиятларда қабул қилинадиган;

г) таваккал билан чала ахборотга асосланиб, қабул қилинган қарорлардир.

66. Консенсус тамойили:

а) турли иттифоқ ёки бирлашмалар аниқ маълум бўлиб турган вазиятларда, ҳар хил фикрлар рақобат қиладиган ҳолларда;

б) олдинга сурилаётган муқобил фикрни сўзсиз қўллаб – қувватлаш ҳолларида;

в) бу қарорларни ишлаб чиқиш жараёнида барча баҳсли масалалар ва турли – туман фикрлар юзасидан бир битимга келиш ёки келишишдир;

г) а + б.

67. Бошқарувчининг шахсий фазилатлари таъсирида қуйидаги қарорларнинг қайси бири қабул қилиниши мумкин?

а) мўътадил, мувозанатлашган; б) туртки берувчи;

в) таваккал (рискли) қарорлар г) нотўғри жавоб йўқ.

68. Қуйида қайд қилинган босқичларнинг қайси бири қарорни ишлаб чиқиш жараёни таркибига киради?

а) вазиятни таҳлил қилиш; б) муаммони аниқлаш;

в) мезонларни танлаш; г) ҳаммаси.

69. Ўта эътиборли ҳолатларни олдиндан башорат қилиш мақсадида ишлаб чиқиладиган стратегиялар:

а) диверсификациялашган стратегиялар; б) махсус стратегиялар;

в) функционал стратегиялар;

г) мужассамлаштирилган стратегиялар дейилади.

70. Диверсификациялашган стратегия :

а) корхоналарнинг фаолият соҳалари ва ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар турини кенгайтириш олдидаги вазифаларнинг амалга ошириш йўлларини;

б) корхонанинг яхлит фаолиятини ўзида жамлаган мўлжални; в) корхонанинг айрим бўлимлари ва хизматлари олдидаги вазифаларнинг амалга ошириш йўлларини;

г) жуда эътиборли ҳолларни олдиндан башорат қилиш мақсадида ишлаб чиқилган мўлжални ифодалайди.

71. Стратегик бошқарув – бу:

а) корхонанинг истиқболдаги мақсади ва имконияти билан ходимлар манфаатини уйғунлаштиришга мўлжалланган узоқ муддатли бошқарув усулидир;

б) стратегик мақсадни амалга оширишга қаратилган бошқарув фаолиятидир;

в) корхонага узоқ даврга берилган топшириқдир; г) нотўғри жавоб йўқ.

72. Стратегик режа – бу:

а) бозор ҳолатини асосли ўрганиш ва олдиндан баҳолаш билан товарларни ишлаб чиқариш ва сотишни ташкил этиш ҳамда шу йўсинда яхши фойда топишни уюштиришга қаратилган фаолиятдир;

б) корхона фаолиятидаги жорий тадбиркорларни маълум тартибга ва қонун - қоидаларга солиб турувчи режалардир;

в) корхонага узоқ даврга берилган топшириқдир; г) б + в.

73. Қуйида қайд қилинган босқичларнинг қайси бири стратегик режалаштиришнинг олтинчи босқичи бўлиб ҳисобланади?

а) ташқи муҳитни ташкил қилиш;

б) кучли ва кучсиз томонларни ташкил қилиш; в) стратегияни баҳолаш;

г) муқобилни таҳлил қилиш ва стратегияни танлаш.

74. Қуйида қайд қилинган қайси омиллар корхонанинг ташқи муҳитига таъсир қилувчи омиллар бўлиб ҳисобланади?

а) иқтисодий омиллар; б) сиёсий омиллар;

в) рақобат;

г) нотўғри жавоб йўқ.

75. Сиёсий омилларни таҳлил қилиш жараёнида:

а) инфляция суръати, солиқ ставкаси, бандлик даражасига; б) мамлакатлараро савдодаги таъриф келишувларига;

в) бозор мувозанатига;

г) ишлаб чиқаришдаги технология ҳолатига эътибор берилади.

76. Рақобат омилларини таҳлил қилиш:

а) рақобатдош корхоналарнинг хатти - ҳаракатларини кузатишга, уларни назорат қилишга имкон беради;

б) ишлаб чиқаришдаги технологиянинг ҳолатини , унинг ўзгариш суръатини, замон талабига жавоб бера олишини аниқлашга имкон беради;

в) корхонанинг тўловчанлик даражасини аниқлашга имкон беради;

г) б + г.

77. Менежемент соҳасидаги тадқиқотчилар муқобилнинг қайси турларини эътироф этишади?

а) ўсиш;

б) чекланган ўсиш; в) камайиш;

г) а + б.

78. Чекланган ўсиш муқобили (стратегияси)ни:

а) корхона иқтисодий таназзулга учраган даврда танланади;

б) корхона жуда оғир шароитга тушиб унинг аҳволи ёмонлашиб бораётган ҳолларда танланади;

в) асосан технологияси барқарор бўлган корхона раҳбарлари танлайди;

г) технологияси тез - тез ўзгариб турадиган ва иқтисодиёти тез суръат билан ўсаётган корхона раҳбарлари танлайди.

79. Ўсиш муқобили (стратегияси):

а) технологияси тез - тез ўзгариб турадиган ва иқтисодиёти тез суръат билан ўсаётган корхоналар учун қўлланилади;

б) корхона иқтисодий таназулга учраган даврларда қўлланилади;

в) корхона жуда оғир шароитга тушиб унинг аҳволи ёмонлашиб бораётган ҳолларда қўлланилади;

г) асосан, технологияси барқарор бўлган корхоналарда қўлланилади.

80. Камайиш муқобили (стратегияси):

а) асосан, технологияси барқарор бўлган корхоналарда қўлланилади;

б) технологияси тез-тез ўзгариб турадиган ва иқтисодиёти тез суръат билан ўсаётган корхоналар учун қўлланилади;

в) корхона ҳалокатга учраши арафасида қўлланилади;

г) корхона иқтисодий таназулга учраган ҳолда қўлланилади.

81. Бизнес режа – бу:

а) корхона (фирма)нинг ривожланиш стратегиясини белгилаб берувчи асосий ҳужжатдир;

б) асосан ишлаб чиқариш бўлимининг режасидир; в) асосан маркетинг бўлимининг режасидир;

г) асосан молиявий режадир.

82. Қуйида қайд қилинганларнинг қайси бири бизнес режанинг бўлимига кирмайди?

а) лойиҳанинг рентабеллиги; б) маҳсулот ва хизмат турлари; в) хулоса (резюме) ;

г) нотўғри жавоб йўқ.

83. Хулоса (резюме):

а) бизнес - режанинг таркибий қисмига кирмайди;

б) бизнес - режанинг биринчи ва энг қисқа бўлимидир;

в) дастлабки материал бўлиб, унинг мазмуни ҳамда ёзилиш сифатига қараб потенциал инвестор лойиҳа ҳақида ҳукм қилади;

г) б + в.

84. Корхонанинг имижи – бу:

а) ҳаридорларнинг корхона тўғрисидаги фикри;

б) корхонанинг ўзига ўхшаш корхоналардан афзаллик томонлари;

в) корхонанинг савдо белгиси қаерларда маълумлиги ва унинг асосий ҳаридорлари кимлар эканлиги;

г) корхонанинг ўз мижозлари доирасида эришган обрў - эътибори ва нуфузи.

85. Рентабелликнинг чегаравий нуқтаси, яъни **«зарарсизлик нуқтаси» деганда:**

а) ялпи харажатларнинг ўзгарувчан харажатларга бўлган нисбати;

б) ўзгарувчан харажатларнинг доимий харажатларга бўлган нисбати;

в) фойда ва зарар зоналарини бир - биридан ажратиб турадиган маржинал нуқта тушунилади

г) а +б + в

86. Қуйида қайд қилинган харажатларнинг қайси бири ўзгарувчан харажатларга киради?

а) хом ашё ва материаллар; б)

ижара ҳақи;

в) ишбай иш ҳақлари; г)

мукофот суммалари.

87. Қуйида қайд қилинган харажатларнинг қайси бири доимий харажатларга киради?

а) доимий маошлар;

б) амортизация ажратмалари; в)

суғурта бадаллари;

г) нотўғри жавоб йўқ.

88. Ишлаб чиқаришни бошқариш деганда:

а) ишлаб чиқариш доирасида амалга ошириладиган раҳбарлик, ташкилотчилик ва маъмурий ҳарактеридаги аълоҳида фаолият;

б) корхона доирасида амалга ошириладиган раҳбарлик, ташкилотчилик ва маъмурий ҳарактердаги алоҳида фаолият;

в) буюмларни истеъмолчилар талабига мос келувчи сифат таснифлари билан ишлаб чиқаришни таъминловчи, мақсадга қаратилган фаолият тушунилади;

г) нотўғри жавоб йўқ.

89. Корхона доирасида амалга ошириладиган раҳбарлик, ташкилотчилик ва маъмурий ҳарактердаги алоҳида фаолиятини:

а) ишлаб чиқаришни бошқариш; б) корхонани бошқариш;

в) маҳсулот сифатини бошқариш;

г) ходимларни бошқариш деб юритилади.

90. Бошқарилувчи – бу:

а) бошқарувчи субъект; б) бошқарув аппарати; в) бошқариш объекти; г) а + б.

91. Мотивлаштириш – бу:

а) руҳий омил бўлиб, шахс фаоллигининг манбаси, сабаби, далили ва ҳар турли эҳтиёжларидир;

б) ходимларни жонли меҳнат фаолиятига рағбатлантирувчи воситадир;

в) кишилар фаолиятини руҳий йўллар билан мақсадга мувофиқ йўналтиришдир;

г) нотўғри жавоб йўқ.

92. Қуйида қайд қилинган эҳтиёжларнинг қайси бири бирламчи эҳтиёжларга киради?

а) физиологик;

б) ижтимоий;

в) маърифатга бўлган;

г) маънавиятга бўлган эҳтиёжлар

93. Америкалик руҳшунос Абраҳам Маслоунинг мотивация назарияси:

а) боисий тозаланиш назарияси;

б) эҳтиёжлар устунлиги назарияси; в) “гигиеник омиллар” назарияси; г) кутиш назарияси деб юритилади.

94. Фредерик Герцбергнинг мотивация назарияси:

а) кутиш назарияси;

б) адолатлилик назарияси;

в) боисий тозаланиш назарияси;

г) эҳтиёжлар устунлиги назарияси деб юритилади.

95. Ваколат – бу:

а) вакиллик ҳуқуқини берувчи ҳужжат, ишонч қоғози, тилхат; б) бирор давлат томонидан ўзга ерда таъсис этилган ва унинг манфаатларини кўзлаб иш кўрадиган муассаса;

в) ваколати бор, вакиллик ҳуқуқига эга бўлган субъект кабилар;

г) нотўғри жавоб йўқ.

96. Қуйида қайд қилинган ваколатларнинг қайси бири фармойишли ваколат турига киради?

а) тавсияли;

б) чизиқли;

в) мувофиқлаштирувчи;

г) ҳисоб ва назорат қилиш бўйича ваколатлар.

97. Қуйида қайд қилинган ваколатларнинг қайси бири идоравий ваколатлар турига киради?

а) функционал;

б) тавсияли;

в) муросага келтирувчи; г)

в + г.

98. Чизиқли ваколатлар:

а) ташкилотларнинг иерархик тузилишининг пайдо бўлиши биланоқ вужудга келган бўлиб, у якка ҳокимлик тарзида раҳбарлик қилишга асосланади;

б) одатда, билвосита алоқалар шароитида амалга оширилиб, улар маълум доирада чекланган бўлади;

в) фақат тавсия ҳарактерига эга бўлади; г)

даъват этувчи ваколатлардир.

99. Функционал ваколатлар:

а) даъват этувчи;

б) тавсия ҳарактерига эга;

в) одатда, билвосита алоқалар шароитида амалга оширилиб, улар маълум доирада чекланган бўлади;

г) ҳамкорликда қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш билан боғлиқ ваколатлардир.

100. Хизмат қилувчи аппарат:

а) раҳбариятга ўз ваколати доирасида хизмат қилади.Бунга кадрлар бўлими мисол бўла олади;

б) ўз билим соҳалари бўйича чизиқли раҳбарга маслахатлар беради;
в) раҳбар нимани талаб қилса ўшани бажаради; г) б +
в.

101. Низо – бу:

а) ўзаро келишмовчилик ёки қарама-қаршилик, душманлик, адоват орқасида туғилган ҳолат муносабат, ихтилоф, нифоқ;

б) асабийлик, кескинлик;

в) асабларнинг қўзғалиши билан боғлиқ бўлган ҳолат; г)
ҳиссий зўриқиш.

102. Қуйида қайд қилинганларнинг қайси бири низонинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин:

а) раҳбар савиясининг қониқарсизлиги; б)
меҳнат шароитининг қониқарсизлиги;
в) ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилмаганлиги; г)
нотўғри жавоб йўқ.

103. Низолар:

а) икки шахсий муносабатларда намоён бўлиши мумкин; б)
шахслараро муносабатларда намоён бўлиши мумкин;
в) шахс ва гуруҳ ўртасидаги муносабатларда намоён бўлиши мумкин;
г) нотўғри жавоб йўқ.

104. Ички шахсий низолар:

а) шахсларнинг гуруҳ билан тўқнашувини билдиради;

б) моҳияти жихатидан бир хил, лекин сабаблари, эҳтиёжлари, қизиқишлари қарама - қарши бўлган шахслар ичидаги тўқнашувни билдиради;

в) гуруҳларнинг ўзаро тўқнашувини билдиради; г)
бўлимлараро тўқнашувларни билдиради.

105. Шахслараро низолар:

а) кўп ҳолларда айрим шахснинг у ёки бу нарсага, масалага нисбатан бўлган фикрининг ёки манфаатининг гуруҳ фикрига ёки манфаатига мос тушмаслиги оқибатида вужудга келади;

б) кўп ҳолларда шахсларнинг у ёки бу масалага бўлган нуқтаи назарларининг мос тушмаслигидан вужудга келади;

в) кўп ҳолларда бўлимлар билан бўлимларнинг у ёки бу масалага бўлган нуқтаи назарларининг мос тушмаслигидан вужудга келади;

г) чизиқли бошқарув гуруҳлари билан штабли бошқарув гуруҳларининг манфаатлари мос тушмаган ҳолларда вужудга келади.

106. Ҳеч қандай асосга эга бўлмаган низо:

а) деструктив ёки субъектив низо деб юритилади; б) субъектив ёки конструктив низо деб юритилади; в) ёпиқ ёки деструктив низо деб юритилади;

г) ёпиқ ёки субъектив низо деб юритилади.

107. Корхонада мақсадга мувофиқ ўзгартиришлар қилиниши сабабли юзага келган бўлса, у ҳолда бундай низолар:

а) ёпиқ низолар;

б) конструктив;

в) деструктив низолар деб юритилади; г) а + б.

108. Қуйида қайд қилинган усулларнинг қайси бири низоли вазиятларнинг олдини олиш ёки зиддиятни юмшатиш учун қўлланилади?

а) узоқлашиш;

б) силлиқлашиш; в) мажбурлаш;

г) нотўғри жавоб йўқ.

109. Стресс – бу:

а) ўзаро келишмовчилик ёки қарама - қаршилик сабабли туғиладиган ҳолат;

б) ихтилоф;

в) асабларнинг қўзғалиши билан боғлиқ бўлган ҳолат; г) нифоқ.

110. Бизнес - режа нима учун тузилади?

а) янги безнесни бошлаш учун;

б) мавжуд бизнесни кенгайтириш учун; в) ссуда олиш учун;

г) барча жавоблар тўғри.

111. Кичик бизнес қандай ютуқларни келтириб чиқаради?

а) аҳоли даромадларини оширади;

б) рақобат муҳитини жадаллаштиради;

в) иқтисодиётни бир текисда ушлаб турмайди; г) катта капитал сарфлашни тақозо этади.

112. Кичик бизнесда қандай камчиликлар бор?

а) бешафқат рақобат муҳитида фаолият юритиш;

б) кўп жинсли иқтисодий муҳит;

в) қайтариш хусусиятига эга муҳит;

г) ишлаб чиқаришнинг ривожланишини таъминлайди.

113.Кичик бизнес ривожланишига қанча капитал талаб қилинади?

а) кичик капитал ҳажми; б)
катта капитал ҳажми; в) ўрта
капитал ҳажмини;
г) бошланғич капитал ҳажмини.

114. Венчур молиялаштириш - бу:

а) рискни қоплаш учун керакли бўлган маблағ;

б) кичик бизнесни ривожлантириш учун ишлатиладиган маблағ;

в) контракт тузилаётганда қўйиладиган кафолат;

г) молиявий натижалар проектлари рискига қўйиладиган қўйилмалар.

115. Кичик бизнесни ривожланишига нима тўсқинлик қилади?

а) монополия: катта фоизли кредитлар, лицензиялар олиш; б)
эркин фаолият юритиш;
в) фаолиятини режали юритиш; г)
иқтисодиётнинг ёпиқлиги.

116. «Тадбиркор» тушунчаси илк бор қачон ва ким томонидан назарияга киритилган?

а) XIX асрда Ж.Б. Сей томонидан; б) XIX
асрда В. Зомбард томонидан;
в) XX асрда И. Шумпетер томонидан; г)
XVIII асрда Р. Кантильон томонидан.

117. «Пулдорлик санъати» асарининг муаллифи:

а) Ф.Хайек;

б) Кембелл Р. Макконел; в)
Герберг Ньютон Кесон; г)
Ж.Б. Сей.

118. Имзоланган шартнома неча кун ичида Давлат солиқ инспекциясига топширилиши керак?

а) 3 кун;

б) 4 кун;

в) 7 кун;

г) 8 кун.

119. Кичик бизнеснинг аҳволи ва тараққиётини давлат томонидан назорат қилишда қўлланадиган усуллар.

а) фискал, монетар ва бевосита аралашув; б) фискал, инфляция;

в) дефлация, дисконт;

г) дисконт, бюджет, солиқ.

120. Бизнес нима?

а) пул топишга, фойда олишга йўналтирилган иқтисодий фаолият;

б) банк соҳасини ривожлантиришга қаратилган иқтисодий фаолият;

в) қимматли қоғозлар бозорини расмийлаштиришга қаратилган фаолият;

г) давлат миқёсида бюджет масалаларини хал қилишга қаратилган фаолият.

121. Баҳо дискриминацияси нимани англатади?

а) товарларни пулга айирбошлаш меъерини; б) даромад келтирувчи қимматли қоғозларни; в) молия бозорининг бир кўринишини;

г) бир хил, ўхшаша товарларга ҳар хил баҳо белгилаш амалиётини.

122. Анъанавий турдаги тадбиркор, новатор - тадбиркор бизнеснинг қайси турига киради?

а) савдо - воситачилик; б) хизмат кўрсатиш;

в) халқ хўжалигини таъминловчи маҳсулот ва хизматлар яратади;

г) ишлаб чиқариш.

123. Ваколатли давлат ташкилоти томонидан айрим шахслар ёки фирмаларга чет мамлактлардан маълум товарлар олиб келиш ёки четга товар чиқариш учун бериладиган рухсатнома – ҳужжатнинг номи:

а) лицензия;

б) патент;

в) сертификат;

г) деклорация.

124. Тадбиркор қандай ҳуқуқларга эга?

а) шаҳар маъмурияти тақиқлаган корхона, фирмалар яратиши мумкин;

б) чегараланган даромад олиш ҳуқуқига эга;

в) эркин фаолит танлаш, ишчиларни ўз имкониятига кўра танлаш, ўз мулки ва даромадлари билан мустақил иш олиб бориш;

г) ишлаб чиқарилган маҳсулотни фақат ўзининг давлатида сотиш.

125. Тадбиркорнинг асосий хусусиятлари нимада?

а) иш юзасидан ўз мажбуриятларини бошқаларга юклаш;

б) аниқ мақсад белгилайди, қарор қабул қилишни ўз зиммасига олади, таваккалчи;

в) режалаштирилган ва юқори ташкилотлар буйруқларини сўзсиз бажаради;

г) рақобатчилар ва улар ҳолатини инобатсиз қолдиради.

126. Кичик бизнеснинг ривожланишини қўллаб - қувватлаш қандай гуруҳларга ажратилади?

а) давлат - ҳуқуқий ёрдами, психологик; б) ташкилий ва бошқарув ёрдами;

в) молиявий - иқтисодий, моддий - техникавий, ижтимоий - психологик, ҳуқуқий, ташкилий ёрдам;

г) маъмурий, ташкилий, ижтимоий ёрдам.

127. «Оферта» сўзининг маъноси нима?

а) таклиф бериш ва шу таклиф асосида шартнома тузиш; б) маблағ олиш ва уларни сарфлаш;

в) талаб қилиш ва муҳокама ўтказиш

г) шартнома муносабатларини бекор қилиш;

128. Оферта шартноманинг қандай тури?

а) шартнома таклифини қабул қилиниши;

б) бир ёки бир нечта кишиларга таклиф киритган шартнома тузилади деб ҳисобланган таклиф;

в) шартнома таклифи юборилган шахснинг шартнома таклифини рад этганлиги ҳақидаги жавоби;

г) шартнома таклифига эътирозлар жавоби.

129. «Унитар корхона» қандай корхона?

а) якка тартибдаги хўжалик; б) қўшма корхона;

в) мулк эгаси томонидан мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини олмаган корхона;

г) уюшма корхона.

130. Қандай жараёнда баҳоли ва баҳосиз усулдан фойдаланилади?

а) ишлаб чиқариш; б) рақобат;

в) хизмат кўрсатиш; г) монополия.

131. Турли хил бозорлардаги товарларга талабнинг ниҳоятда ўзгарувчанлиги асосида, бир хил ўхшаш товарларга ҳар хил баҳо белгилаш амалиёти:

а) баҳо дискриминацияси; б) дисконт баҳо;

в) баҳо либерализацияси; г) баҳо сементацияси.

132. Таньема бу…

а) мулк шакли;

б) ҳиссадорлик жамиятлари, суғурта компаниялари директорлари хизматчиларга бериладиган фойдадан фоиз ҳисобидаги қўшимча мукофот;

в) брокерлик фирмалари фойдаси;

г) ишлаб чиқарувчиларнинг тадбиркорлик қобилиятини сақлаб туриш учун минимал тўлов миқдори.

133. Лизинг муносабатлари дастлаб қайси мамлакат ҳудудида қўлланила бошланган?

а) Японияда; б) Англияда; в) Америкада; г) Францияда.

134. Агар мулк амортизация муддатидан камроқ муддатга ижарага олинса, бу…

а) оператив лизинг; б) молиявий лизинг;

в) кўчмас мулк лизинги;

г) қайтариб бериладиган лизинг.

135. Кичик бизнеснинг катта бизнесдан афзаллиги нимада?

а) шафқатсиз рақобат муҳитида фаолият юргизиши;

б) эгилувчанлик, мустақиллик, бозор талабига тез мослашувчанлик;

в) кўп миқдорда капитал маблағларни ўз фаолиятига жалб этиш;

г) масъуллик, таваккалчилик.

136. Ким тадбиркор бўлиши мумкин?

а)ташаббускор, ташкилотчи, янгиликни ихтиро этувчи, таваккалчи шахс;

б) давлат идораларининг вакили;

в) солиқ инспектори ёки давлат автомобиль инспекцияси ходими;

г) атроф - муҳитни химоя қилиш органлари ишчиси.

11. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2008 йил.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги қонуни, 1993 й. 2 сентябр.

3. Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида»ги қонуни, 1996й 25 апрел.

4. Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни, 1996 йил 26 апрел.

5. Ўзбекистон Республикаси “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни, 2000 йил 25 май.

6. Закон Республики Узбекистан от 30 апреля 1998 года №609 - 1 "Об иностранных инвестициях"

7. Закон Республики Узбекистан от 24 декабря 1998 года "Об инвестиционной деятельности".

8. Ўзбекистон Республикаси Банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича Қонунчилик ҳужжатлари тўплами. Тошкент «Ўзбекистон» 2000.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фонд бозорини янада ривожлантириш ҳамда давлат мулк негизида ташкил этилган акциядорлик жамиятларини қўллаб - қувватлаш чора - тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 1998 йил 4 март ПФ – 1938 сон. Ўзбекистон Республикаси Молиявий қонунлар тўплами. 15 - сон Тошкент 1998.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги "Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора - тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-1987-сон Фармонига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги ПФ-3305-сон Фармони , 2003 йил 30 август.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан - тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора - тадбирлари тўғрисида»ги 11.04.2005 й. ПФ 3594 - сонли Фармони.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга

оширилишини жадаллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида»ги 14.06.2005 й. № ПФ 3618 - сонли Фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида»ги 14.06.2005 й. № ПФ 3619 - сонли Фармони.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги 15.06.2005 й. № ПҚ 100 - сонли Қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора - тадбирлар тўғрисида»ги 20.06.2005 й. ПФ 3620 -сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида»ги 24.06.2005 й. ПФ 3622 - сонли Фармони.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. 5.10.2005 й.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Шахсий, ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори. 29.03.2006 й.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2007 - 2010 йилларда хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш чора - тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. 20.07.2007 й. Т.: “Ўзбекистон овози” газетаси. 24.07.2007 й.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида”ги 29.10.2007 й. Т.: Халқ сўзи газетаси. 30.10.2007 й.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий - иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим

устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. 12.02. 2007й.

22. Каримов И. А. “Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли, Т., “Ўзбекистон” 1993 й.

23. Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент. «Ўзбекистон» 1995.

24. Каримов И.А. Ҳозирги босқичда демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари. Тошкент «Ўзбекистон» - 1996.

25. Каримов И.А. Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида: Хавфсизликка тахдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т. «Ўзбекистон» 1997.

26. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент. «Ўзбекистон», 1998.

27. Каримов И.А. Жаҳон молиявий - иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

28. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси «2003 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимиз иқтисодиёти ҳамда ижтимоий соҳани ривожлнтириш якунлари ва бу соҳаларда энг муҳим устувор йўналишлар бўйича амалга оширилаётган чора - тадбирлар» 2003 йил 19 июль, «Халқ сўзи» газетаси.

29. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги «2003 йилда мамлакатни ижтимоий - иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2004 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари»га бағишланган маърузаси. 2004 йил 11 февраль, «Халқ сўзи» газетаси.

30. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарори. «2003 йилда ижтимоий - иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2004 йилда иқтисодиётни янада эркинлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида». 2004 йил 11 февраль, «Халқ сўзи» газетаси.

31. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг 259-сонли "Кичик корхоналар учун солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизимини қўллаш тартиби тўғрисида" Қарори, 1998 йил 15 апрел

32. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг 232 - сонли "Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарори, 1998 йил 27 май.
33. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг 366 - сонли "Кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликларини маблағ билан таъминлаш, моддий техника - таъминлаш ва бошқа хизматлар кўрсатиш қўшимча чора - тадбирлар тўғрисида"ги Қарори, 2001 йил 10 сентябрь
34. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 390 - сонли "Бозорларни истеъмол товарлари билан тўлдиришни рағбатлантириш ҳамда ишлаб чиқарувчилар ва савдо ташкилотларининг ўзаро муносабатларини такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида"ги Қарори 2002. 13.X1
35. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 апрелдаги «2003 - 2004 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш давлат дастури тўғрисида»ги 185 - сонли Қарори
36. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг 2004 йил 28 декабрдаги «2005 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг параметрлари тўғрисида» 610 - сонли қарорига мувофиқ 2005 йилда юридик ва жисмоний шахсларга солиқ солиш тартибидаги асосий ўзгартиришлар тўғрисида. 2004 йил 31 декабрь. Тошкент 2005 й.
37. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2005 йилда ижтимоий - иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари тўғрисида"ги Қарори, 2006 15 феврал
38. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг “2006 йилда ижтимоий - иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари”га бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. 2007 йил 13 февраль «Халқ сўзи» газетаси.
39. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг “2007 йилнинг ижтимоий - иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор

йўналишлари”га бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. 2008 йил 9 февраль, «Халқ сўзи» газетаси.

40. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг “2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари”га бағишланган Вазирлар Маҳкамаси Мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.

41. Ўзбекистон - Қозоғистон: ҳамкорликнинг янги босқичи. Бизнес форум.20 - 21 март. 2006 йил. “Фидокор” газетаси.

42. Абдугафуров А. Ғозиев М. «Ривожланган мамлакатлар фонд биржалари». Бозор, пул ва кредит. 2000 йил.

43. Акромов Э.А. Корхонанинг фаолиятини молиявий таҳлил қилиш, Тошкент, ТДИУ, 2000 йил.

44. Аюпов Р.Х., Ходжаев Р.С., Имомқориева Ш.Р. Молиявий менежемент. Ўқув - услубий қўлланма. Солиқ ва божхона органлари академияси. Тошкент, 2000 йил.

45. Бутиков И.Л. “Қимматли қоғозлар бозори” Дарслик. Консаудитинформ. Т. 2001 йил.

46. Банковское дело. Управление и технологии. Под ред.док. экономических наук, профессора Н.М. Тавасиева. М. - ЮНИТИ; 2001 г.

47. Бизнес этикаси ёки муваффақият калити. – Т.: ТМИ. ”IQTISOD - MOLIYA” 2006 йил.

48. Джон Д. Дэниелс., Ли Х. Радеба. Международный бизнес. М. «Дело ЛТД» - 1994 г.

49. Ишмуҳамедов А. Э., Аҳмедов Д. К. Лойиҳалар таҳлили ва бошқариш. Ўқув қўлланма. ТДИУ, Тошкент, 1998 йил, - 99 бет.

50. Маликов Т., Олимжонов О. Молиявий менежемент. Т «Академия» 1999 йил.

51. Мокшин А. "Кичик бизнес: кенгайтириш истиқболлари" “Солиқ ва божхона” газетаси, 2003 йил 7 ноябрь , 45-сон, 15-16 бет.

52. Отахонов Ф. Акционерлик жамиятлари. Тошкент «Адолат», 1996.

53. Рўзиназаров Ш. ва бошқалар. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Дарслик, Тошкент, 2002 йил.

54. Рябова Р.И. Операции в банке с ценными бумагами. Бухгалтерский учет. Налогооблажение, Москва «Интел синтез» 1995 г.

55. Санақулова Б. "Кичик ва ўрта бизнес: солиққа тортиш масалалари" “Солиқ тўловчининг журнали”, 10 - 11- сон.

56. Тадбиркорлик асослари. 1 - қисм. Асосий тушунчалар, тадбиркорлик маркетинги, тадбиркорлик маданияти. – Т.: ТМИ. ”IQTISOD - MOLIYA” 2006 йил.

57. Тадбиркорлик асослари. 2 - қисм. Тадбиркорликда менежемент ва молиявий бошқарув, лойиҳалар тузиш ҳамда уларни бошқариш. – Т.: ТМИ. ”IQTISOD - MOLIYA” 2006, - 148 бет.

58. Қурбонов З., Йўлдошев П. Тадбиркорлик фаолиятида бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг ҳуқуқий қоидалари, Тошкент, "Адолат" 2002 йил.

59. Ғозибеков Д. Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалри. Т - Молия 2003 йил.

60. Умаров Ғ.Д. «О деятельности банков республики по развитию и укреплению фондового рынка». Рынок ценных бумаг. 2000г.

61. Хўжаев Б. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш давр талаби, 2006 йил.

62. Яхеев К. “Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти” Тошкент, 2003 йил.

63. Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан соддалаштирилган тартибда ҳисоб юритиш ва ҳисоботлар тузиш тўғрисида. “Солиқ тўловчининг журнали”, 5 - сон 2000 йил.

64. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки депозит сертификатларини чиқариш тўғрисида»ги Низом, 624 1999 йил 9 феврал.

65. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Банкларнинг депозит сертификатларини чиқариш, рўйхатга олиш ва муомалада бўлиш қоидалари», 522 1998 йил 9 ноябр.

66. «Положение о порядке изменение размера уставного капитала, состав акционеров, наименование и место нахождение, регистрации изменений и дополнений в уставе банка» 573 ДБРУ 19 декабря 1998 г.

67. «Положение о порядке налогооблажения операций с ценными бумагами», 449 от 30 июня 1998 г.

68. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси ҳузуридаги “Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази тўғрисида”ги Низом. Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартдаги 126 - сон Қарорига 3 - илова.

69. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитасининг 1996-2003 ҳисоб ва ҳисобот материаллари.

70. “Бизнес Вестник журналлари материаллари, 2003 – 2006 й.й. сонлари.

71. С.Раҳимов тумани ДСИ, туман маҳаллий бюджети ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бошланғич ва ҳисобот материаллари. 2002 - 2006 й.й.

Виртуал кутубхонанинг электрон дарсликлари ва ўқув қўлланмалари.

72. Ходжаев Р.С., Эгамбердиев А., Шоюсупова Ф.Қ. Кичик бизнесни бошқариш. 1 - 2 қисм. Ўқув қўлланма. ТМИ. ”IQTISOD - MOLIYA”, 2008 йил.

73. Ходжаев Р.С., Эгамбердиев А. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. Ўқув қўлланма. ТМИ. ”IQTISOD - MOLIYA”, 2008 йил.

74. Интернет сайтлари:

http://www.dit.perm.ru
http://www.refportal.ru
http://www.allbest.ru
http://www.reflist.ru/docnext/12231/3.shtml
http://el.tfi.uz/pdf/kbbbo - uzl.pdf.
http://el.tfi.uz/pdf/bizmd - uzl.pdf.
http://www.tfi.uz
http://www.cer.uz
www.review.uz
http://www.uza.uz/business
busec@tfi uz

Кичик бизнесни бошқариш – Дарслик. 2009 йил. 335 бет.

Муаллифлар: профессор Фатхулла Шукурович Каримов раҳбарлигида: проф. Ходжаев Рихсивой Султанмуродович проф. Эгамбердиев Анорбой

проф. Аюпов Равшан Ҳамдамович к.ўқ.

Шаюсупова Феруза Қодировна

ТДИУ- и.ф.д., проф. Зайнутдинов Шавкат Нуритдинович

Ўртача бирон бир инсонга нисбатан кўпроқ нарсага эришиш учун унга нисбатан кўпроқ ва яхшироқ ишлашингиз керак бўлади. Ушбу китобни ўқиб бўлган бўлсангиз, унда мужассамлантирилган материалларни қандай ўзлаштирганлигингиз ҳақида маълум бир фикр ҳосил қилиш учун ҳар бир бобдаги мавзулар бўйича қўйилган назорат ва мулоҳаза саволлар мажмуасини диққат билан кўриб чиқсангиз ва уларга жавобларни билиб олсангиз, фойдадан ҳоли бўлмайди:

Мундарижа

Кириш 3
I - боб. Кичик бизнес тизимида бозор ва рақобат 5
1.1. Бозор тушунчаси ва турлари, бозорнинг функциялари 5
1.2. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос йўллари..... 10
1.3. Рақобатнинг турлари ва воситалари. 18
1.4. Рақобат стратегияси ва рақобат босқичлари 20
Таянч сўз ва иборалар. Назорат ва мулоҳаза учун саволлар .. 24
II - боб. Кичик бизнеснинг моҳияти ва ривожланиши. 26
2.1. Кичик бизнес тушунчаси ва унинг моҳияти. 26
2.2. Кичик бизнесни иқтисодиётда тутган ўрни. 28
2.3. Ўзбекистонда кичик бизнеснинг шаклланиши ва ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар.
29
2.4. Корхоналарни хусусийлаштиришнинг жаҳон тажрибаси 44
Таянч сўз ва иборалар. Назорат ва мулоҳаза учун саволлар .. 51
III - боб. Кичик бизнес тадбиркорлигиниг ташкилий ва ҳуқуқий шакллари
53
3.1. Кичик бизнесни ривожлантиришнинг асосий қоидалари.53
3.2. Кичик бизнес корхоналарини ташкил этишнинг умумий асослари.
56
Таянч сўз иборалари, Назорат ва мулоҳаза учун саволлар 67
IV - боб. Кичик бизнес ҳақида маълумотлар йиғиш 69
4.1. Бизнесда ахборотларнинг аҳамияти ва уларнинг турлари 69
4.2. Бизнесда ахборот тизими 71
4.3. Бизнесни ахборот билан тахминлашни ташкил этиш 76
Қисқача хулоса. 81
Таянч сўз ва иборалар. Назорат ва мулоҳаза учун саволлар .. 82
V - боб. Кичик бизнеснинг фаолиятини бошқариш ва режалаштириш
83
5.1. Кичик бизнес корхоналари бошқарувининг ташкилий тузилмалари.
83
5.2. Кичик бизнес корхоналари бошқаруви тузилмаларининг

ташкилий турлари
87
5.3. Кичик бизнес корхоналари бошқарувининг ташкилий тузилмасида бўлинмаларнинг ўрни ва вазифаси.
89
5.4. Кичик бизнес корхоналари бошқарув тузилмалари аъзоларининг ўзаро муносабатлари
94
5.5. Кичик бизнес корхоналарининг иқтисодий - молиявий фаолияти
96
5.6. Бизнесда таваккалчилик (риск)ни бошқариш 111
5.7. Кичик бизнесда стратегик режалаштириш ва бизнес - режа 125
Таянч сўз ва иборалар. Назорат ва мулоҳаза учун саволлар.135 VI - боб. Кичик бизнесни молиялаш, кредит билан таъминлаш ҳамда унинг аудит муассасалари билан ўзаро муносабатлари
.....1
38
6.1. Кичик бизнесни ривожлантиришда банкларнинг роли 138
6.2. Кичик бизнесни кредит билан таъминлашнинг шакллари 142
6.3. Кичик бизнес корхоналарини солиққа тортиш муносабатлари.
145
6.4. Кичик бизнес корхоналарида аудит ва аудиторлик тафтишини ўтказиш
150
Таянч сўз ва иборалар. Назорат ва мулоҳаза учун саволлар
..... 1
56
VII - боб. Кичик бизнеснинг молиявий фаолияти ва молиявий бошқарув
158
7.1. Бизнесда молиявий бошқарувнинг моҳияти ва

аҳамияти. 158
7.2. Молиявий ресурслар ва капитал 163
7.3. Капитал ва фойдани дисконтлаш 177
7.4. Молиявий ресурслар ҳаракати ва капиталнибошқариш усуллари.
180
7.5. Молиявий бошқарув усулларининг тадбиркорликда қўлланилиши
191
7.6. Тадбиркорликда молиявий таҳлил усуллари 206
7.7. Қимматли қоғозлар бозори ва унда тадбиркор фаолияти. 222
7.8. Тадбиркорликда инвестицион лойиҳалар таҳлили. 259

Таянч сўз ва иборалар. Назорат ва мулоҳаза учун саволлар

…..270
VIII - боб. Кичик бизнесни бошқариш психологияси… 277
8.1. Тадбиркор раҳбар фаолиятининг руҳий - психологик хусусиятлари.
277
8.2. Тадбиркорликда раҳбарнинг нутқ маданияти ва унинг руҳий - психологик жихатлари.
285
8.3. Тадбиркор раҳбар фаолиятида низоли ҳолатлар ва уларни ҳал этиш усуллари.
289
Таянч сўз ва иборалар. Назорат ва мулоҳаза учун саволлар
..... 2
91
9. Иш ўйинлари (Деловая игра). 293
10. Тест саволлари. 300
11. Адабиётлар рўйхати 325
12.Мундарижа. 335

3 - мавзу. ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛ АСОСИДА ЖАМЛАНГАН

Режа:

3.1. Тизимли таҳлил методологияси.

3.2. Тизимли таҳлилда мос келмаслик ва фарқларни топиш методикаси.

3.3. Меъёрларни шакллантириш ва мажмуавий муаммоларни ўрганиш.

Таянч сўз ва иборалар: *онгли ҳаракатни амалга ошириш, педагогик тизимнинг фаолияти, методология, мақсадни шакллантириш, мақсадни илгари суриш, қарорни тайёрлаш, ресурсларни инобатга олиш, режасини ишлаб чиқиш, режани бажариш, режани амалиётга қўллаш, натижани баҳолаш, меъёр, тизимли алоқадорлик, тизимли таҳлил талаблари, тизимости чикувчи элементлар, қабул килувчи элементлар.*

3.1. Тизимли таҳлил методологияси.

Тизимли таҳлилни амалга ошириш бунёдкор, мушоҳадали ва ижодкор инсон томонидан амалга оширилиши натижасида шахс, жамият ва давлат ҳаёти билан боғлиқ бўлган масалалар ўрганилади, бундан шахс ҳам, жамият ҳам, давлат ҳам манфаатдордир. Агар уларнинг ҳар бирини алоҳида тизим сифатида ўрганмоқчи бўлса, бунда жамият катта тизим тарзида иштирок этади. Бу ўз навбатида, тизим методологиясидан хабардор бўлишни тақозо этади.

Тизимларни илмий ўрганишнинг назарий ва амалий аҳамияти, уларни

функционал ва структуравийлиги жиҳатидан алоҳида хоссаларини алоқадорлигининг даражаси асосида таснифлашдан иборат. Назарий нуқтаи назар бўйича тизимларнинг хоссавий алоқадорлигини аниқ белгиларига мувофиқ таснифлаш мумкин. Мавзу бўйича таснифлашнинг турли тамойилларини танлаш мумкин, аммо ҳар қандай таснифлаш нисбийдир. Таҳлил ўтказиш мақсадида муҳитдан мураккаблик ва вазифадорлиги бўйича алоҳида яхлитлик (тизим) тарзида айри ҳолда ўрганилиши лозим. Масалан, детерминантлашган тизимда эҳтимолли таркибларни топиш мумкин ва унга қарши детерминантлашган тизимни эҳтимолли хусусий ҳодиса сифатида қабул қилиш мумкин.

Мураккаблик даражаси бўйича тизимлар **оддий, мураккаб ва**

гипермураккаб кабиларга ажратилади. Мураккаблик белгисини аниқлашдан келиб чиқиб, илмий ўрганиш учун муҳим ҳисобланган хусусият, яъни айни бир тизимни турлича шарҳлаш имконияти пайдо бўлади, бу хусусида турлича назариялар ҳам яратилганки, уларни тизимларни ўрганиш методологияси деб кўрсатиш мумкин. Методология бир нечта маъноларни ангатади. Биринчи маъноси, бу бирон бир фанда, масалан социологияда татбиқ этиладиган тадқиқот усулларининг мажмуи деган маънони англатади. Иккинчи маъноси, бу илмий билим ва дунё манзарасини ўзгартиришини ўрганиш методи ҳақидаги таълимот деган маънони англатади.

Методология, билим методларининг назарий асоси ривожланиб бораётган фаннинг эҳтиёжлари тақозоси билан юзага келган бўлиб, у табиат, жамият ва инсон онгининг мураккаб ҳодисаларини тўғри объектив талқин этишга, фаннинг табиий алоқаларини очишга имкон беради.

Илмий билиш жараёнида ҳар бир фан конкрет тадқиқот объектига эга бўлиб, ўзининг махсус усулларини яратган. Бунда, ўша фаннинг манфаати, қонуниятлари, асосий категорияларини амал қилиш тартиби асос қилиб олнгандир. Буни хусусий методология деб кўрсатиш мумкин. Лекин баъзи бир фанлар бир-бирига яқин бўлгани учун уларнинг тушунча ва қонуниятлари ҳам бир-бирига якиндай кўринади. Бунда “чегара”ни белгилаш анча мураккаб кечади. Бу жараённи ижобий кечишини таъминлаш учун методологиядан фойдаланишни тақозо этади.

Назарий жиҳатдан таҳлилни амалга оширишда (билишда) хусусийлик ва умумийлик вазифаларини бажарувчи усуллар мавжуд экан. Шу тариқа, кўпчилик фанларда қўлланадиган усулларга умумий усул дейилади. Умумий усул қўлланиши доирасига кўра умумий, лекин қўлланилаётган масалага нисбатан ўз вазифасига эга бўлади. Бунга анализ ва синтез умумлаштириш ва мавҳумлаштириш, индукция ва дедукция, қиёслаш ва моделлаштиришни кўрсатиш мақсадга мувофиқдир.

Шундай қилиб, тизимли таҳлилни бажариш жараёнида илмий тадқиқотнинг хусусий, умумий ва фанлараро усуллари мавжуд бўлиб, ўлар узаро бир-бири билан боғлиқдир.

Педагогик фаолият доирасида тизимли таҳлилни амалга ошириш учун таъдим-тарбия, педагогик фаолият, педагогик жараён, педагогик вазифа, педагогик мақсад, педагог имиджи, таълим олувчининг фаолияти, таълим усули ва воситалари, таълимда қўлланиладиган технологиялар (шу жумладан ахборот технологиялари) каби хоссаларни функционаллигини инобатга олган ҳолда таҳлилий усуллар танланиши лозим. Бунинг учун онгли ҳаракатларнинг кетма-кетлигидан (моделидан) фойдаланиш мумкин. Масалан, кафедра профессор-ўқитувчиларининг фаолиятини ўрганишни олсак. Бунда, бажарилган (бажарилиши лозим бўлган) ўқув ишлар, илмий - услубий ишлар,

илмий - тадқиқот ишлари, ташкилий – услубий ишлар, маънавий – маърифий ва тарбиявий ишларни ўрганиш лозим бўлади. Бунинг учун, “1 + мақсад шакллантирилади, 2 + вазифалар белгиланади ва уларни бажариш тартиби аниқланади, 3 + мулоҳаза ва мунозара юритилади, 4 + ишлар аниқ белгилар (кўрсатмалар) асосида умумий ва хусусийларга ажратилади, 5 + режалаштирилган ва бажарилган ишлар орасида тафовут белгилаб олинади ва ташхисамалга оширилади. Яъни, галдаги ишлар бажариладими ёки бажариш имокнияти йўқми, 6 + фаолиятнинг ҳар бир соҳаси бўйича мушоҳада юритилади, натижалар қиёсланади. Амалиётда, гоҳида фарқ кузатилади. Масалан, бажарилган илмий - тадқиқот ишларининг кўрсаткичи юқори, ташкилий – услубий ишлар паст бўлиши мумкин, 7 + жамланган, қиёсланган барча ахборот яхлит ҳолатга келтирилади, 8 + улар кўрсатилган меъёр асосида тавсиф ва шарҳланади, 9 + хулоса, таклиф ва тавсиялар тайёрланади, 10 + фаолиятга оид прогноз вариантлари тузилади ва бирон бир таҳлилий манба шаклига келтирилади, 11 + тайёрланган таҳлилий манба раҳбариятга (буюртмачига) узатилади.

Таҳлилий манба**,** интеллектуал фаолиятнинг олий маҳсули бўлиб, педагогик фаолиятнинг аниқ бир соҳасига оид муайян муаммони ўрганишга бағишланган бўлиши мумкин. У аниқланган муаммоларни бартараф этишда расмий жиҳатдан қудратли восита ҳисобланади ва ўз олдига қатор мақсадларни қўяди.

Таҳлилий манбалар илмий ишлардан қатор хусусиятлари билан фарқланади, уларни қуйидаги тартиб асосида кўрсатиб ўтиш мумкин:

- соддалиги билан;
- баён тарзининг осонлиги билан;
- илмий тушунчаларнинг камроқ қўлланганлиги билан;
- таҳлилни амалга ошириш вақтининг чегараланганлиги билан;
- манба ҳажмининг чегараланганлиги билан;
- манбани аниқ вазифани бажаришга йўналтирилганлиги билан.

Таҳлилий жараёнга ажратилган вақтнинг ўсиши билан касбий характердаги ахборотга қўйиладиган талабни амалиётга татбиқ этишга имконият яратилади. Улардан энг асосийлари қуйидагилардир:

- ўз вақтида;
- кенг қамровли;
- ишончли;
- хусусий ва б.

Булар, ўз навбатида, педагогик фаолиятдаги у ёки бу муаммони ҳал қилишда ресурслар, ҳуқуқий асос, иқтисодий ва ижтимоий оқибатларни инобатга олган ҳолда раҳабарият томонидан қарор чиқаришга ёрдам беради.

Таҳлилий манбанинг тўлиқлиги ва ишончлилиги турли метрик услублар ёрдамида олинган ахборот ҳисобидан шакллантирилган база ҳисобланади. Таҳлилий манбани тайёрлаш жараёнини бир неча босқичга ажратиш мумкин:

- тадқиқот вазифасини буюртмачи/истеъмолчидан белгилаб олиш (вазифа олиш);
- муаммо билан танишиш (муаммонинг тарихи, сабаби, унга таъсир кўрсатган омилларни аниқлаш);
- манбани тайёрлаш учун бажариладиган вазифаларни белгилаб қўйиш;
- манбада қўлланадиган атама ва тушунчаларнинг аниқлаш (ахборотни таснифлаш ва тизимлаш);
- метрик услубларни белгилаб олиш ва уларнинг воситасида маълумотларни тўплаш (ахборот базаси);
- йиғилган ахборот таҳлили (фараз илгари суриш, сабаб-оқибат алоқадорлигини аниқлаш, тенденцияларни белгилаш, прогнозлаш);
- асосий ҳолатларни баён этиш (матн билан ишлаш);
- хулоса ва тавсияларни аниқлаб, уларни амалиётда синаш;
- якуний хулосаларни тақдим этиш (тадқиқот ишини тугатиш);
- манба бўйича соҳа мутахассислари билан маслаҳатлашиш;
- манбани расмийлаштириш ва адресатга жўнатиш (вазифани бажариш) ва б[1].

Предметнинг моҳиятини предмет белгилайди. Шу сабабли таҳлилий манбалар намуналарининг контент таҳлилини амалга ошириш жараёнида уларнинг турли тавсифларини қиёслаб, қуйидаги шартли таркибий қисмлари мавжудлигини кўрсатиб ўтиш мумкин:

1. Сарлавҳа.
2. Мундарижа.
3. Аннотация/Мухтасар.
4. Кириш.
5. Муаммони аниқлаш.
6. Прогноз вариантлари.
7. Хулоса ва тавсиялар
8. Қарор вариантлари.
9. Илова.

Таҳлил бу аввало инсоннинг билимлари асосида вужудга келадиган ижод маҳсулидур. Ҳар бир инсон таҳлилй фаолият билан маълум бир савияда шуғулланиши мумкин. Аммо, педагогик фаолият доирасида бу жараён анча мураккаб кечади. Чунки, илмий, услубий, касбий, ахборий, вазиятли, шахсий

---

[1] Самаров Р. (ҳаммуаллифликда). Сиёсий матн таҳлили (методология, назария, амалиёт). - Тошкент: Akademiya, 2010. 62-89 – бетлар.

ва касбий каби омиллар таъсир кўрсатади. Шу сабабли, таҳлил фаолият кўринишида учта мазмунли-йўналишли вазифаларни бажаришга қаратилган бўлади деб кўрсатсак хато қилмаган бўламиз. Булар:

- методологик вазифа;
- технологик вазифа;
- ташкилий вазифа.

Ҳар бир вазифа функцияси жиҳатидан ўзининг тузулиши ва мазмунига эгадир. Таҳлилий фаолият мураккаб қарорлар вариантини тайёрлаш жараёнида танланган муаммога тизимли тарзда ёндашишни тақозо этади. Бунинг учун, **биринчидан**, объектнинг жорий ҳолати қандай деган саволга жавоб топиб, ижтимоий, педагогик, психологик диагностика ўтказилади. **Иккинчидан**, объектни идеал ҳолати қандай бўлиши лозим деган савол қўйилади, бунинг учун объектни тузулиши, вазифалари, таъсис этилишдан мақсади кабилар аниқланади. **Учинчидан**, объектнинг жорий ҳолати билан идеал ҳолати қиёсланиб, мавжуд муаммолар белгилаб олинади. **Тўртинчидан**, эмпирик услублар асосида объектни истакли ҳолати ўрганилади, бунда муаммолар таснифланиб, гуруҳларга ажратилади. **Бешинчида**н, объектни жорий, эпирик ва идеал ҳолатлари қиёсий тарзда ўрагилиб, уни галдаги ҳолати назарий жиҳатдан моделлаштирилади. **Олтинчидан**, объектни тўлиқ фаолиятмандлигини таъминлаш учун лозим бўлган барча ресурслар инобатга оинган ҳолда, унинг навбатдаги ҳолати прогнозлаштирилади.

3.2. Тизимли таҳлилда мос келмаслик ва фарқларни топиш **методикаси.**

Педагогик фаолият доирасида тизимли таҳлилни амалга ошириш учун педагогик муаммо турини ажрата олиш лозим бўлади. Муаммо турини аниқ идентификациялаш, тайёрланадиган таҳлилий манбанинг амалийлигини, яъни ижтимоий қийматини таъминлашга хизмат қилади (муаммони тадқиқ этиш мақсадида таҳлилчи-мутахассисдан нима талаб қилинади?). Бунинг учун, муаммони табақалаштира олиш талаб этилади (гарчи бу соф илмий методологик аҳамият касб этса-да).

Назария ва амалий тажрибадан келиб чиққан ҳолда муаммони йўналтирилганлиги бўйича амалий характердаги муаммолар ва аксинча, тўлиқ назарий характердаги муаммоларга ажратиш мумкин. Бу иккала муаммонинг турли жиҳатларини қамраб олувчи муаммолар ҳам борки, уларни қуйидагича кўрсатиб ўтсак мақсадга мувофиқдир:

1) **Муаммонинг универсаллик даражаси**. Ўзида хусусий муаммоларни мужассамлаштирган умумий даражадаги муаммолар мавжуд. Масалан, сиёсий бошқарувда қўлланиладиган усул ўзида хусусий

муаммоларни қамраб олади (кадрлар, жамоа ва лобби гуруҳлар шулар жумласидандир).

2) **Муаммони ҳал этишнинг вақт жиҳатидан тезлик даражаси.** Биринчи навбатдан бажарадиган, иккинчи навбатда бажарадиган, кейинчалик бажарадиган ва б.

3) **Муаммонинг структуравий жиҳатлари**. Бунда муаммо фақат битта соҳа доирасида вужудга келганлиги, икки ёки ундан ортиқ соҳа доирасида ифодаланганлиги назарда тутилади.

Тизимли алоқадорликнинг таснифи номли чизмада кўрсатилганидек, ҳар бир тизимли алоқадорлик функционаллиги бўйича алоҳида ўрин тутади. Уларни қуйидаги қисмлар кўринишида кўрсатиб ўтиш мумкин:

- **биринчи қисм,** тизимда рецепторлар бўлиб, улар ташқи ва ички муҳит ҳамда турли манбалардан педагогик фаолият, педагогик жараён, педагог шахси, таълим олувчилар, таълимий манбаларлардан тўхтовсиз ахборот оқимларини келиб тушишини назарда тутади;
- **иккинчи қисмда,** маълумотларни қайта ишлаш деб номланиб, буннда, олинган маълумотлар педагогик фаолият манфаатидан келиб чиққан ҳолда таҳлил этилади ва оптималлаштирилади. Яъни, идеал ҳолат билан қиёслантирилади;
- **учинчи қисмда** қарорлар қабул қилиш, яъни, прогноз ва қарорлар вариантлар сараланиб марказга узатилади. Уларни амалга ошириш учун тайёр қарорлар ва таклифлар амалга ошириш қисмида, эффекторларга узатилади. Яъни, ижрочилар нафақат қарорларни бажарадилар, балки қарорларни амалга ошириш натижалари ҳақида тизимни хабардор қиладилар. Шу тариқа тизимнинг киришига тескари алоқа сигнал узатилади.

Бу ўринда, энтропия (лот. ўзгариш) ҳолатини ҳам инобатга олиш лозим бўлади. Негаки, тизим фаолиятини таъминлашда тасодифий объектнинг мавҳум меъёрларини ҳам инобатга олиш мақсадга мувофиқ.

Тизимли алоқадорликнинг таснифидан келиб чиққан ҳолда педагогик тизимни жамиятнинг бошқа тизимларидан фарқи куйидагилар билан ажралиб туради:

биринчидан, педагогик тизим доирасида қабул қилинадиган қарорлар таълим муассасалари ҳамда педагогик фаолият билан шуғулланувчилар учун мажбурий таъсир кучига эга бўлади;

иккинчидан, педагогик тизим, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий- маданий-сиёсий тизимлари билан узвий ва ажралмас боғлиқликликда фаолият юритишиб, уларнинг фаолиятини таъминлашга кўмак беради (кадрлар тайёрлаб беради);

учинчидан, педагогик тизим жамиятнинг бошқа тизимларига нисбатан мустакил, фаолиятининг ижтимоий мазмундорлиги юқори ва стратегик

мазмун касб этади. Яъни, фаолият натижага (истиқболга) йўналтирилган бўлади;

тўртинчидан, педагогик тизим фаолиятини такомиллашувини таъминлашдан, барча тизимлар ва уларнинг тизимостилари манфаатдор;

бешинчидан, педагогик тизим миллий манфаатларни таъминлаш ва ҳимоясини амалга ошириш учун бирламчи вазифасини бажаради.

3.3. Меъёрларни шакллантириш ва мажмуавий муаммоларни ўрганиш.

Ақлий фаолиятга таянган ҳолда, вужудга келган педагогик муаммони ечиш учун, маълум бир жараёнлар кечади. Яъни муаммонинг вужудга келиши ва уни ечишга оид бир неча босқичлар мавжудлиги назарга тутилмоқда. Педагогик фаолият динамик мазмун касб этиб, таълим-тарбия олдига қўйиладиган галдаги вазифаларни бажариш жараёнида такомиллашиб (кенгайиб) боради. Бу ўз навбатида, турли кўриниш ва мазмундаги муамоларни ўз вақтида аниқлаб (диагностикасини, прогноззини амалга ошириб), педагогик ресурсладан манзилли фойдаланишни тақозо этади.

Шу тариқа, педагогик фаолият доирасида намоён бўладиган муаммони тизимли ўрганиш учун, мутахасисс муҳим ҳисобланган хусусий жиҳатларга эътибор қаратиши лозим:

- муаммоли вазиятнинг вужудга келиш тарихини билиши лозим;
- вазиятнинг моҳиятини ва муаммони англаб етиши лозим;
- таклиф қилинган, асослаган гипотеза асосида муаммони ечиш йўлларини белгилаши лозим;
- гипотезанинг исботлаш учун усулларни тўғри танлаши лозим;
- бартараф этилган муаммонинг мақбуллигини синаши лозим;
- синаш давомида кузатилган нуқсонларни бартараф этишда реал вазиятни инобатга олиши лозим.

Бу ўз навбатида муаммоли вазият шароитида фаолият босқичларига амал қилишни тақозо этади:

- муаммони макон-вақтга нисбатида қайд этиш, яъни муаммонинг ҳудудий, вақт чегарасини аниқлаш;
- муаммонинг турини, табиатини ва унинг тизимли хусусиятини аниқлаш;
- муаммонинг ривожланиши объектив қонуниятларга асосланганлигини ва унинг оқибатларнин аниқлаш;
- муаммони ижобий ечиш учун зарурий чораларни қўллаш;
- муамони ҳал этиш учун ташкилий ва техник асосларини ишлаб чиқиш;
- муаммонинг ҳал этиш учун меъёрларни белгилаш.

Таҳлилни амалга ошириш давомида, меъёр деб, таҳлилни амалга ошириш

учун танланган объектнинг сифат ва миқдорий жиҳатларини ўзаро боғлиқлиги назарга тутилади. Бунда мазмун ва шакл, имконият ва воқелик ўртасидаги зарурий уйгунлик таъминланиши шарт ҳисобланади. Чунки, педагогик фаолият доирасида амалга ошириладиган таҳлилниг асосий мақсади шундан иборатки, мавжуд структура тизимда қанчалик самарали ишлашини аниқлашдан иборат. Тизимили таҳлилда, педагогик тизимнинг тузулишини, вазифасини, мавжуд мақсадини аниқлаш назарда тутилади. Аммо иккала ҳолат ҳам бир-бирини тўлдириб туради.

Тизим тўғрисида маълумотларга эга бўлиш мақсадида, тизимли таҳлилни усулларини тадбиқ этиши бўйича барча меъёр ва талабларини **тизимли таҳлил технологияси** ўзида мужассам этган бўлади. Эътиборни қаратиш лозимки, тизимли таҳлил хилма-хиллик жиҳатидан фарқланганлиги сабали, у истиқболли тадқиқот усули ҳисобланади.

Тизимли таҳлилни амалга ошириш жараёнида қуйидагиларга йўл қўймаслик лозим:

- тушунарсиз вазиятларни мисол келтирмаслиги;
- катта миқдорда маълумотларни қамраб олишга интилмаслиги;
- фикрларнинг кенг ёйилиб кетиши (таҳлилий манба қисқа бўлиши керак. Унда текширилмаган, шарҳи бўлмаган далиллар жой олмаслиги даркор);
- объектив далиллар билан тасдиқланмаган субъектив мулоҳазаларга йўл қўймаслиги;
- мулоҳаза юритишда қатъий бўлмаслик;
- таҳлилий манбанинг асосий мазмунига тааллуқли бўлмаган масалаларни баён этмаслик ва б.

Таҳлилни амалга оширувчи мутахассис метрик усуллар воситасида жамланган ахборотдан ўзининг маҳсулини яратади. Бунда, тафаккур операциялари амалий мазмун касб этади. Негаки, таҳлил тафаккурнинг мантиқий усули сифатида майдонга чиқади. Бу эса мавҳум тушунчалар ёрдамида ва бир-бири билан мустаҳкам боғланган тафаккур операциялари: мавҳумлаштириш, умумлаштириш ва шу кабилар ёрдамида амалга оширилади.

Англаш жараёнида анализ ва синтез муҳим ўрин тутади ва унинг барча босқичларида амалга оширилади. Англашда тасаввур қилиш, илмий фантаз ва ҳис қилиш ҳам муҳим ўрин тутади.

Улар таҳлилни амалга оширувчига тафаккур фаолиятини фаоллаштириш ва қатъий мантиқий жиҳатдан кўриб чиқилмайдиган у ёки бу далилни англаш имконини беради. Буларнинг барчаси ижодий жараён тушунчасида умумлашади.

Табиийки, ижодий жараён фаолликни, таҳлилни амалга оширувчининг

билим ва қобилиятини сафарбар қилишни талаб қилади. Ушбу сафарбарлик ихтиёрий жўшқинлик ва ҳис-ҳаяжонли ҳолатда ўз ифодасини топади. Ижодий камол топиш, ички ҳис қилиш ва юзага келадиган ҳолатни моделлаштириш жумласидандир. Бу ўз навбатида, тизимли таҳлил методологиясига оид бир қанча асарларнинг муаллифи бўлган А.Рыковни қуйидаги муносабатини келтиришни тақозо этади: “Тизимли таҳлилда моделлаштириш ҳақида гап кетганда, моделларни мажбурий тарзда миқдорий характерга эга бўлишини кўзламаслик лозим. Модел сифатли, вербал бўлиши мумкин. Лекин, унда асослаб берилган асосий шартлар ва гипотезалар ажратилган бўлиши шарт. Моделнинг мақбуллиги, биринчи навбатда, унинг асосий шартларига риоя этилганлигида намоён бўлади”[2].

Таҳлил, нафақат бошқарувни амалга оширишда, балки ижтимоий ҳаётни турли даврида ҳар бир инсон томонидан амалга оширилади. Аммо, педагогик фаолиятда таҳлил илмий, илмий-педагогик, илмий-касбий мазмун касб этиб, педагогик жараённи самарадорлигини ошириш учун хизмат қилиши лозим.

Таҳлил, фаолият сифатида соҳавий ривожланаётганлиги туфайли доимий равишда янги таҳлилий йўналишлар юзага келмоқда. Бугунги кунда, сиёсий соҳа таҳлилчиси, иқтисодий соҳа таҳлилчиси, ҳарбий соҳа таҳлилчиси, маданий соҳа таҳлилчиси каби тушунчаларни илмий мулоқотга киритилиши бежиз эмас. Яқин келажакда, таълим-тарбия соҳасининг таҳлилчиси деган тушунча замирида, педагогик тизим фаолиятини тизили таҳлилини амалга оширишга қодир бўлган мутахасисс тушунилса, не ажаб.

Таҳлил турини қайси бирини қўллашдан қатъий назар, унинг натижасида бирон бир шаклга эга бўлган манба тайёрланади. Педагогик фаолият доирасида бу тақриз, тезис, мақола, раддия, изоҳ, маълумотнома, тавсиянома, йўриқнома, кўрсатма, маслаҳат тарзида бўлиши мумкин. Агарда, аниқ педагогик вазият ўрганилса, бунда маълумотнома ёки тавсифнома тайёрланади.

Педагогик фаолият тизимида таҳлил кўп функцияларни бажариб, замонавий педагог педагогик жараён давомида юзага келадиган реал (шу жумладан эҳтимолли) вазиятларни таълим-тарбия бериш манфаатидан келиб чиққан ҳолда таҳлилини амалга ошира олиши, педагогик жамоада, жамиятда замонавий педагог имижини шакллантириши учун муҳим ҳисобланади.

Назорат саволлари:

1. Тизимли таҳлилни амалга оширишда онгли ҳаракатни амалга ошириш технологиясидан фойдаланишдан кўзланган мақсад нимадан иборат?

[2] Рыков А.С. Модели системного анализа: принятие решений и оптимизация: – М.: МИСИС, 2005. – С. 45.

2. Педагогик тизимнинг фаолияти дегани нима?
3. Тизимли таҳлилни амалга ошириш учун мақсадни шакллантириш тарбини биласизми?
4. Ресурсларни инобатга олиш деганда нимани тушунасиз?
5. Тизимли таҳлилни амалга оширишда ахборотга қўйиладиган талаблар?
6. Таҳлилни амалга оширишда меъёрларни белгилашни тартиби нимадан иборат?
7. Тизимли алоқадорликни асосий белгилари нимадан иборат?
8. Тизимли таҳлилни ўтказишда амал қилиши шарт бўлган талабларни биласизми?
9. Тизимли таҳлил ўтказишда мажмуавий ва фрагментар ёндашувларни фарқли томонини биласизми?
10. Тизимости чикувчи элементларни мақсади нима?
11. Қабул килувчи элементларнинг вазифаси нимадан иборат?
12. Таҳлилий манба деганда нимани тушунасиз?
13. Тизимли таҳлил ўтказувчининг масъулияти деганда нимани тушунасиз?
14. Таҳлилий манбага қўйиладиган талаблар нималардан иборат?
15. Вазиятли таҳлил усулидан тизимли таҳлил усулининг фарқли томонлари нимада?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёт – матбаа ижодий уйи, 2014. – 73 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. - Т,. 1997.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
4. Вертакова Ю.В. Упрпаваленческие решения, разработка и выбор. М.КНОРУС, 2005.
5. Волкова В.Н., Денисов А.А. Основы теории систем и системного анализа. - СПб.: СПб ГТУ, 2003.
6. Ожиганов Э.Н. Стратегический анализ политики. – М.: Аспект Пресс, 2006.
7. Самаров Р. Хавфсизликнинг методологик асослари // - Т.: Академия, 2010.
8. Самаров Р. Ахборотнинг психологик хавфсизлигини таъминлаш механизми (услубий қўлланма). – Тошкент: Университет, 2015. – 91 б.
9. Самаров Р. Инсон камолотини таъминлашда адабиётнинг роли

(структуравий-функционал ёндашув) // “Буюк ипак йўлида умуминсоний ва миллий қадриятлар: тил, таълим ва маданият” номли халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Самарқанд: СамДЧТИ нашри, 2016. – Б. 175- 178.

Самаров Р., Садриддинов С. Педагогик фаолият тизими такомиллашувини таъминлашда тизимли таҳлил: функционал ёндашув // Ж. Замонавий таълим 2016, 2-сон. – Б. 23-30.

10. Системный анализ и принятие решений: Словарь - справочник. Учебное пособие для вузов / Под ред. В.Н. Волковой и В.Н. Козлова. - М.: Высшая школа, 2004.

11. Fозиев Э., Самаров Р. Илмий ижод ва олимнинг шахси // Ж. Таълим муаммолари. 2014. 2 – сон.

12. Managing with Systems Thinking, Michael Ballé, McGraw-Hill, London, 1994.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТДПУ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ

ТАРМОҚ МАРКАЗИ

Н.МУСЛИМОВ,
М.УСМОНБОЕВА,
Д.САЙФУРОВ, А.ТЎРАЕВ

ПЕДАГОГИК КОМПЕТЕНТЛИК ВА КРЕАТИВЛИК АСОСЛАРИ

Тошкент – 2015 йил

Педагогик компетентлик ва креативлик асослари / Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Ҳ., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. – Тошкент, 2015. – 120 бет.

Ўқув-методик қўлланма А-1-141 “Олий таълим муассасалари педагогларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими учун модулли Web технология асосида электрон ахборот таълим ресурсларини яратиш ва амалиётга жорий этиш” мавзусидаги грант лойиҳаси асосида яратилган. Унда “педагогик компетентлик” тушунчасининг моҳияти, педагогга хос компетентлик сифатлари, уларни ривожлантириш йўллари, педагогик маҳоратнинг таркибий асослари, педагогик креативликнинг ўқитувчи фаолиятидаги аҳамияти, ўрни ва ролига доир масалалар ҳақида сўз юритилган. Алоҳида эътибор амалий машғулотлар жараёнида талаба ҳамда малака ошириш курсларининг тингловчиларида касбий компетентлик ва педагогик креативликни ривожлантиришга қаратилган.

Ушбу ўқув-методик қўлланма узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида фаолият олиб бораётган педагоглар, касбий компетентлигини ривожланиш истагида бўлган ўқитувчилар ҳамда таълим жараёнида Web технологияларидан фойдаланиш масаласига қизиқувчилар учун мўлжалланган.

Тақризчилар: Педагогика фанлари доктори,
профессор в/б. **Д.И.Рўзиева**

Педагогика фанлари номзоди,
катта илмий ходим **М.Диванова**

Ўқув-методик қўлланма Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Илмий кенгаши йиғилишининг 6- сонли қарори (“24” декабр 2015 йил) билан нашрга тавсия этилган.

© Низомий ТДПУ ҳузуридаги ПКҚТ МО

тармоқ маркази, 2015 йил

СЎЗБОШИ

Мустақиллик йиллари том маънода Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиѐти истиқболини белгилаш, жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари сафидан муносиб ўрин эгаллашга интилиш йўлидаги кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириш билан кечмоқда. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тажрибаларини ўрганиш, маҳаллий шарт-шароит, иқтисодий ва интеллектуал ресурсларни инобатга олган ҳолда жамият ҳаѐтининг барча соҳаларида туб ислоҳотларнинг амалга оширилаѐтганлиги янгидан-янги ютуқларга эришишни таъминламоқда. Турли соҳаларда йўлга қўйилаѐтган халқаро ҳамкорлик гарчи ўз самарасини бераѐтган бўлса-да, бироқ, миллий мустақилликни ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаш, эришилган ютуқларни бойитиш, мавжуд камчиликларни тезкор бартараф этиш жамият аъзоларидан алоҳида фидокорлик, жонбозлик, шижоат ва қатъият кўрсатишни талаб этмоқда.

Олий таълим муассасалари педагогларини қайта тайѐрлаш ва малакасини ошириш курсларида турли ихтисосликлар ўқитувчиларининг интеллектуал салоҳиятини ошириш, дунѐқарашларини бойитишда уларни инновацион таълим технологиялари билан яқиндан таништириш муҳим аҳамиятга эга. Малака ошириш тизимида “Инновацион таълим технологиялари” ўқув модулининг ўқитилаѐтганлиги педагог кадрларни замонавий инновацион таълим технологияларининг ташкилий, техник ва дидактик имкониятларидан хабардор бўлишлари учун шароит яратиб қолмай, касбий фаолиятда улардан самарали фойдаланиш борасидаги малакаларининг мустаҳкамланишини ҳам таъминлайди.

Айни вақтда “Инновацион таълим технологиялар” ўқув модули олий таълим пеагогларини қайта тайѐрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларида тингловчилар томонидан ўзлаштирилаѐтган касбий билим, кўникма, малака ва компетентлик сифатларини янада ривожлантириш, кенг кўламли илмий-тадқиқотларни олиб бориш, кучли рақобат мавжуд бўлган меҳнат бозорида ўз ўринларини сақлаб қолишларига ѐрдам беради.

Ўқув модули доирасида тингловчилар инновацион таълим технологияларининг моҳияти, муҳим асослари билан танишади, касбий фаолиятда педагогик технологияларни самарали, мақсадли қўллаш малакаларига эга бўлади, таълим жараѐнини оқилона лойиҳалаштиришга доир тажрибаларини янада бойитади. Шунингдек, тингловчилар педагогик инновацияларни асослаш, яратиш ва амалиѐтга самарали татбиқ этиш йўлларидан хабарор бўлади, инновацион характерга эга

муаллифлик дастурларини ишлаб чиқиш малакаларини муваффақиятли ўзлаштиради. Бу эса ўз навбатида ўқитиш жараènида талабаларнинг фаолликларини таъминлаш, таълим сифатини яхшилаш, самарадорликни оширишда муҳим аҳамият касб этади.

ПЕДАГОГИК КОМПЕТЕНТЛИКНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА МАЗМУНИ

Режа:

1. “Компетентлик” ва “касбий компетентлик” тушунчаларининг моҳияти.
2. Касбий компетентлик сифатлари.
3. Педагогнинг касбий компетентлигини ривожлантириш.

Таянч тушунчалар: компетентлик, касбий компетентлик, касбий компетентлик сифатлари, педагогик касбий компетентлик, “Индивидуал ривожлантириш дастури”, ўз-ўзини ривожлантириш, педагогнинг ўз устида ишлаши, педагогнинг ўз устида ишлаш босқичлари, ўз-ўзини баҳолаш.

Фойдаланиш учун адабиѐтлар:

1. Маркова А.К. Психология профессионализма. – М.: Знание, 1996.
2. Муслимов Н.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантириш / Монография. – Т.: Фан, 2004.
3. Муслимов Н.А., ва бошқалар. Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси/ Монография. – Т.: “Фан ва технология” нашриѐти, 2013.

I. “Компетентлик” ва “касбий компетентлик” тушунчаларининг моҳияти. Бозор муносабатлари шароитида меҳнат бозорида устувор ўрин эгаллаган кучли рақобатга бардошли бўлиш ҳар бир мутахассисдан касбий компетентликка эга бўлиш, уни изчил равишда ошириб боришни тақозо этмоқда. *Хўш, компетентлик нима? Касбий компетентлик негизида қандай сифатлар акс*

“Компетентлик” (инг. “competence” – “қобилият”) – фаолиятда назарий билимлардан самарали фойдаланиш, юқори даражадаги касбий малака, маҳорат ва иқтидорни намоѐн эта

этади? Педагог ўзида қандай компетентлик сифатларини ѐрита олиши зарур? Айни ўринда шу ва шунга ѐндош ғоялар юзасидан сўз юритилади.

“Компетентлик” тушунчаси таълим соҳасига психологик илмий изланишлар натижасида кириб келган. Психологик нуқтаи назардан компетентлик “ноанъанавий вазиятлар, кутилмаган ҳол- ларда мутахассиснинг ўзини қандай тутиши, мулоқотга кириши- ши, рақиблар билан ўзаро муносабатларда янги йўл тутиши, ноаниқ вазифаларни бажаришда, зиддиятларга тўла маълумот- лардан фойдаланишда, изчил ривожланиб борувчи ва мураккаб жараѐнларда ҳаракатланиш режасига эгалик”ни англатади.

Касбий компетентлик – мутахассис томонидан касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакалар- нинг эгалланиши ва уларни амалда юқори даражада қўллай олиниши

Касбий компетентлик мутахассис томонидан алоҳида билим, малакаларнинг эгалланишини эмас, балки ҳар бир мустақил йўна- лиш бўйича интегратив билимлар ва ҳаракатларнинг ўзлаштири- лишини назарда тутади. Шунингдек, компетенция мутахассислик билимларини доимо бойитиб боришни, янги ахборотларни ўрга- нишни, муҳим ижтимоий талабларни англай олишни, янги маълу- мотларни излаб топиш, уларни қайта ишлаш ва ўз фаолиятида қўллай билишни тақозо этади.

Касбий компетентлик қуйидаги ҳолатларда яққол намоѐн бўлади:

- мураккаб жараѐнларда;
- ноаниқ вазифаларни бажаришда;

- бир-бирига зид маълумотлардан фойдаланишда;
- кутилмаган вазиятда ҳаракат режасига эга бўла олишда

Касбий компетенцияга эга мутахассис:

- ўз билимларини изчил бойитиб боради;
- янги ахборотларни ўзлаштиради;
- давр талабларини чуқур англайди;
- янги билимларни излаб топади;
- уларни қайта ишлайди ва ўз амалий фаолиятида самарали қўллайди

II. Касбий компетентлик сифатлари. Касбий компетентлик негизида қуйидаги сифатлар акс этади (1-расм):



1-расм. Касбий компетентлик негизида акс этувчи сифатлар

Қуйида касбий компетентлик негизида акс этувчи сифатларнинг моҳияти қисқача ёритилади.

1. Ижтимоий компетентлик – ижтимоий муносабатларда фаоллик кўрсатиш кўникма, малакаларига эгалик, касбий фаолиятда субъектлар билан мулоқотга кириша олиш.

2. Махсус компетентлик – касбий-педагогик фаолиятни ташкил этишга тайёрланиш, касбий-педагогик вазифаларни оқилона ҳал қилиш, фаолияти натижаларини реал баҳолаш, БКМни изчил ривожлантириб бориш бўлиб, ушбу компетентлик негизида психологик, методик, информацион, креатив, инновацион ва коммуникатив компетентлик кўзга ташланади. Улар ўзида қуйидаги мазмунни ифодалайди:

a) **психологик компетентлик** – педагогик жараёнда соғлом психологик муҳитни ярата олиш, талабалар ва таълим жараёнининг бошқа иштирокчилари билан ижобий мулоқотни ташкил этиш, турли салбий психологик зиддиятларни ўз вақтида англай олиш ва бартараф эта олиш;

b) **методик компетентлик** – педагогик жараённи методик жиҳатдан оқилона ташкил этиш, таълим ёки тарбиявий фаолият шаклларини тўғри белгилаш, метод ва воситаларни мақсадга

мувофиқ танлай олиш, методларни самарали қўллай олиш, воситаларни муваффақиятли қўллаш;

c) **информацион компетентлик** – ахборот муҳитида зарур, муҳим, керакли, фойдали маълумотларни излаш, йиғиш, саралаш, қайта ишлаш ва улардан мақсадли, ўринли, самарали фойдаланиш;

d) **креатив компетентлик** – педагогик фаолиятга нисбатан танқидий ва ижодий ѐндошиш, ўзининг ижодкорлик малакаларига эгалигини намойиш эта олиш;

e) **инновацион компетентлик** – педагогик жараѐнни такомиллаштириш, таълим сифатини яхшилаш, тарбия жараѐнининг самарадорлигини оширишга доир янги ғояларни илгари суриш, уларни амалиѐтга муваффақиятли татбиқ этиш;

f) **коммуникатив компетентлик** – таълим жараѐнининг барча иштирокчилари, жумладан, талабалар билан самимий мулоқотда бўлиш, уларни тинглай билиш, уларга ижобий таъсир кўрсата олиш.

g) **Шахсий компетентлик** – изчил равишда касбий ўсишга эришиш, малака даражасини ошириб бориш, касбий фаолиятда ўз ички имкониятларини намоѐн қилиш.

h) **Технологик компетентлик** – касбий-педагогик БКМни бойитадиган илғор технологияларни ўзлаштириш, замонавий восита, техника ва технологиялардан фойдалана олиш.

i) **Экстремал компетентлик** – фавқулотда вазиятлар (табиий офатлар, технологик жараѐн ишдан чиққан)да, педагогик низолар юзага келганда оқилона қарор қабул қилиш, тўғри ҳаракатланиш малакасига эгалик.

Бир қатор тадқиқотларда бевосита педагогга хос касбий компетентлик ва унинг ўзига хос жиҳатлари ўрганилган. Ана шундай тадқиқотлар сирасига А.К.Маркова ва Б.Назаровалар томонидан олиб борилган изланишларни киритиш мумкин.

Ўз тадқиқотларида А.К.Маркова педагогнинг касбий компе- тентлиги қуйидаги таркибий асослардан иборат эканлигини қайд этади. (2-расм):



2-расм. Педагогик компетентликнинг муҳим таркибий асослари (А.К.Маркова)

Ўзбекистон шароитида ҳам педагогга хос касбий компетент- лик, унинг ўзига хос жиҳатлари ўрганилган бўлиб, улар орасида Б.Назарова томонидан олиб борилган тадқиқот ўзига хос аҳамият касб этади. Тадқиқотчининг фикрига кўра педагогга хос касбий компетентлик негизида қуйидаги таркибий асослар ташкил этади (3-расм):



3-расм. Педагогик компетентликнинг муҳим таркибий асослари (Б.Назарова)

III. Педагогнинг касбий компетентлигини ривожлантириш. Касбий (шу жумладан, педагогик) компетентликка эга бўлишда **ўз устида ишлаш** ва **ўз-ўзини ривожлантириш** муҳим аҳамиятга эга. Ўз-ўзини ривожлантириш вазифалари **ўзини ўзи таҳлил қилиш** ва **ўзини ўзи баҳолаш** орқали аниқланади.

Ўз устида ишлаш – шахс ѐки мутахассис томонидан ўзини ижтимоий ҳамда касбий жиҳатдан ривожлантириш, камолотга эришиш йўлида мақсадли, изчил, тизимли ҳаракатларнинг ташкил этиши

Мутахассиснинг ўз устида ишлаши қуйидагиларда кўринади:

- касбий БКМни такомиллаштириб бориш;
- фаолиятга танқидий ва ижодий ѐндошиш;
- касбий ва ижодий ҳамкорликка эришиш;
- ишчанлик қобилиятини ривожлантириш;
- салбий одатларни бартараф этиб бориш;
- ижобий сифатларни ўзлаштириш

Педагогнинг ўз устида ишлаши бир неча босқичда кечади.

Улар (4-расм):

4-расм. Педагогнинг ўз устида ишлаш босқичлари

Педагогнинг қуйидаги амалий

ҳаракатлари мутахассис сифатида унинг ўз устида ишлашини ифодалайди:

- аниқ мақсад, ингилиш асосида педагогик жараènни такомиллаштириш;
- педагогик жараèн самарадорлигини, ўзининг ишчанлик фаоллигини ошириш;
- изчил равишда янгиланиб бораèтган педагогик билимларни ўзлаштириш;
- илғор технология, метод ҳамда воситалардан хабардор бўлиш;
- фаолиятига фан-техниканинг сўнгги янгиликларини самарали тадбиқ этиш;
- касбий кўникма ва малакаларини такомиллаштириш;
- салбий педагогик низоларнинг олдини олиш, бартараф этиш чораларини излаш

Педагогларнинг ўз устиларида изчил, самарали ишлашларида фаолиятга лойиҳали èндоша олишлари қўл келади. Уларнинг лойиҳали èндошув асосида қуйидаги моделни шакллантира олишлари мақсадга мувофиқдир. Моделда ўз устида ишлаш босқичлари ва ҳар бир босқичда амалга ошириладиган вазифалар қайд этилади. Ҳар бир босқич учун белгиланган вазифаларнинг самарали ҳал этилиши навбатдаги босқичга ўтиш имконини беради. Маълум босқич вазифалари ҳал этилгач, педагог бу ҳолатни алоҳида бандда қайд этади (1-жадвал):

1-жадвал.

Педагогнинг ўз устида ишлаш модели

Босқичлар	Уларда амалга ошириладиган вазифалар	Қайдлар
1-босқич		
2-босқич		
3-босқич		
4-босқич		
5-босқич		

Педагогнинг касбий компетентликка эга

Ўзини ўзи таҳлил қилиш – педагог томонидан касбий фаолиятда ташкил этаèтган ўз амалий ҳаракатлари моҳиятининг ўрганилиши

бўлишида ўзини ўзи таҳлил қила олиши ҳам аҳамиятли саналади.

Ўзини ўзи таҳлил қилиш орқали педагог ўзини ўзи объектив баҳолаш имкониятига эга бўлади. Зеро, педагогларнинг касбий компетентлик сифатларига эга бўлишида уларнинг ўз-ўзини баҳолаш малакаларига эгалиги ҳам муҳимдир.

Ўзини ўзи баҳолаш (ЎЎБ) – шахснинг ўз-ўзини таҳлил қилиши орқали ўзига баҳо бериши

Моҳиятига кўра ўзини ўзи баҳолаш субъект учун шахсий имкониятларини ҳисоб-китоб қилиш, ўзига объектив баҳо бериш, ўзидан қониқишни таъминлайди. Қолаверса, ўз-ўзини баҳолаш шахснинг қобилиятини ўз кучи билан юзага чиқишига ѐрдамлашиши зарур. Ўз-ўзини баҳолаш қийин, лекин шахсни бунга бевосита тайѐрлаш мумкин. Ҳар қандай мутахассисда бўлгани каби педагогнинг ҳам ўзини ўзи самарали баҳолай олишига бир қатор омиллар таъсир кўрсатади.

Бир қатор омиллар мутахассис ѐки шахснинг ўзини ўзи самарали баҳолашига сезиларли таъсир кўрсатади (5-расм):



5-расм. *Ўзини ўзи самарали баҳолаш омиллари*

Ўз-ўзини баҳолаш даражаси шахснинг ўз-ўзидан қониқиши ѐки қониқмаслигини белгилаб беради. Бунда ўз-ўзини баҳолаш кўрсаткичлари шахс имкониятларига мос келиши лозим. Ўзини ўзи ошириб ѐки пасайтириб кўрсатиш ўз-ўзини баҳолаш кўрсаткичларининг нотўғри бўлишига олиб келади.

Кўплаб манбаларда шахс томонидан ўз-ўзини баҳолаш қуйидаги формула асосида аниқланиши кўрсатилган:

ЎЎБ = ютуқлар / ўзини юқори баҳолашга интилиш (èки ЎЎБ = Ю / ЎЮБИ)

Формулага кўра, қандайдир ютуққа эришгач, шахс томонидан ўзини ўзи юқори баҳолаш (ютуқлар ҳиссасини ошириш) èки ўзига нисбатан қўяèтган талабларни пасайтириш рўй беради.

Бизнинг фикримизча, ЎЎБда холисликка эришишда қуйидаги формула ҳам қўл келади:

ЎЎБ = ютуқлар / ўз-ўзини ривожлантириш вазифалари (èки ЎЎБ = Ю / ЎЎРВ)

Ушбу формула билан ишлашда педагог қуйидаги ўзини-ўзи баҳолаш моделига таяниб иш кўриши мумкин (2-жадвал):

2- **жадвал.**

Ўзини-ўзи баҳолаш модели

№	Мавжуд ютуқлар	Ўз-ўзини ривожлантириш вазифалари
1.		
2.		
3.		
...		

Ушбу модел асосида ўз-ўзини баҳолаш ниҳоятда осон кечади. Борди-ю, эришилган ютуқлар сони ўз-

ўзини ривожлантириш вазифаларига нисбатан кўп (1 дан катта) бўлса, у ҳолда педагог юқори даражада касбий компетентликни намоѐн этади. Борди-ю, ютуқлар ва белгиланган ўзини ўзи ривожлантириш вазифалари ўзаро (1 га) тенг бўлса, у ҳолда у ўзида ўрта даражадаги касбий компетенликни ифодалайди. Агарда, ютуқлар сони белгиланган

ривожлантириш вазифаларидан кам (1 дан кичик èки 0 га тенг) бўлса, у ҳолда педагогнинг касбий компетентлик даражаси паст ҳисобланади ва бу ҳолат педагогдан ўз касбий компетентлигини ривожлантиришга жиддий эътибор беришини талаб қилади.

Формулада “ўзини ўзи ривожлантириш вазифалари” жумласи қўлланилган экан, энг аввало, ўзини ўзи ривожлантириш нима эканлигини тушуниш олиш лозим.

Ўз-ўзини ривожлантириш – шахснинг ўзида касбий тажриба, малака ва маҳоратни такомиллаштириш йўлида аниқ мақсад ва пухта ўйланган вазифалар асосида мустақил равишда амалий ҳаракатларни ташкил этиши

Бир қатор тадқиқотларда мутахассис, шу жумладан, педагог- нинг ўз-ўзини ривожлантиришида “Индивидуал ривожланиш дастури” қўл келиши айтилади.

Индивидуал ривожланиш дастури (ИРД) – ҳар бир шахс èки мутахассиснинг ўзида маълум сифат, БКМ, касбий компетентликни шакллантириш ва ривожлантириш эҳтиèжлари асосида ишлаб чиқилган шахсий-амалий характердаги дастур

Ушбу дастурда касбий фаолиятни ташкил этиш учун зарур бўлган БКМ ҳамда касбий компетентлик сифатларини шакллан- тириш ва ривожлантириш муддатлари белгиланади.

Ҳар қандай мутахассис каби педагог ҳам ўзи учун шахсий- амалий характерга эга “Индивидуал ривожланиш дастури”ни ишлаб чиқа олиши, у асосида педагогик фаолиятни йўлга қўйиши зарур.

Педагогнинг индивидуал ривожланиш дастури – мутахассис сифатида педагогнинг индивидуал равишда ўзида у ѐки бу касбий-педагогик сифат, билим, кўникма, малакалар, касбий компетентлик сифатларини шакллантириш ва ривожлантириш эҳтиѐжларига таянган ҳолда ишлаб чиққан шахсий-амалий характердаги дастури

Педагог томонидан ишлаб чиқиладиган “Индивидуал ривожла- ниш дастури” қуйидаги таркибий элементлардан таркиб топади:

- педагогик билимлар;
- психологик билимлар;
- мутахассислик билимлари;
- дидактик малакалар;
- тарбиявий ишларни ташкил этиш малакалари;
- руҳиятнинг касбий аҳамиятга эга хусусиятлари ва шахсий сифатлар;
- ўз-ўзини ривожлантириш мақсадлари;
- ўз-ўзини ривожлантириш учун топшириқлар

Қуйидаги педагогнинг “Индивидуал ривожлантириш дасту- ри”нинг намунаси келтирилади (3-жадвал):

3-жадвал.

Индивидуал ривожлантириш дастури

Билим, малака ва шахсий сифатлар	Мавжуд даража	Истиқбол вазифалар

Педагогик билимлар		
Психологик билимлар		

Мутахассислик билимлари		
Дидактик малакалар: билишга оид (гностик) лойиҳалаш ижодий-амалий (конструктив) тадқиқотчилик мулоқотга кирувчанлик (коммуникатив) ташкилотчилик изчилликни таъминловчи (процесссуал) техник-технологик малакалар		
Тарбиявий ишларни ташкил этиш малакалари: билишга оид (гностик) лойиҳалаш малакалари ижодий-амалий (конструктив) тадқиқотчилик мулоқотга кирувчанлик (коммуникатив) ташкилотчилик изчилликни таъминловчи (процесссуал) техник-технологик малакалар		
Руҳиятнинг касбий аҳамиятга эга хусусиятлари ва шахсий сифатлар: педагогик фикрлаш тизимлилик мослашувчанлик мобиллик ижодкорлик ҳозиржавоблик ҳиссий ривожланганлик педагогик рефлексия		
Ўз-ўзини ривожлантириш мақсадлари		
Ўз-ўзини ривожлантириш учун топшириқлар		

Педагогнинг касбий жиҳатдан ривожланиш даражасини яна қуйидаги шкала èрдамида ҳам аниқлаш мумкин (4-жадвал):

4-жадвал.

Касбий ривожланиш шкаласи

№	Касбий компетентлик сифатлари	Шкала кўрсаткичлари									
		10	9	8	7	6	5	4	3	2	1
1. Ижтимоий компетентлик											
1)	ижтимоий ташкилотлар ва субъектлар билан ўзаро муносабатда бўла олиш кўникма, малакаларига эгалик										
2)	касбий мулоқот ва хатти-ҳаракат услубларини ўзлаштира олганлик										
2. Шахсий компетентлик											
1)	доимий равишда касбий ўсишга эришиш ва касбий малакани ошириб бориш										
2)	касбий фаолиятда ўз ички имкониятларини рўёбга чиқара олиш										
3. Махсус компетентлик											
1)	мустақил равишда касбий-педагогик фаолиятни ташкил этишга тайёрланиш										
2)	одатий касбий-педагогик вазифаларни тўғри ҳал қилиш ва ўз меҳнатининг натижаларини реал баҳолаш малакасига эгалик										
3)	мутахассислиги бўйича янги билим ва кўникмаларни мустақил равишда изчил ўзлаштириб бориш қобилиятига эгалик										
4. Технологик компетентлик											
1)	касбий-педагогик билим, кўникма ва малакаларни бойитадиган илғор технологияларни ўзлаштириш қобилиятига эгалик										
2)	замонавий дидактик воситалар (техник воситалар, ўқув қуроллари)дан фойдаланиш малакасига эгалик										

5. Экстремал компетентлик

1)	фавқулотда ҳолатларда (табиий офатлар содир бўлганда, технологик жараѐн ишдан чиққанда) оқилона қарор қабул қилиш, тўғри ҳаракатланиш малакасига эгалик										
2)	муаммоли вазиятларда (педагогик зиддиятлар юзага келганда) оқилона қарор қабул қилиш, тўғри ҳаракатланиш малакасига эгалик										

Шундай қилиб, бозор муносабатлари шароитида меҳнат бозорида юзага келадиган кучли рақобатга бардошли бўлиш эҳтиѐжи ҳар бир мутахассисни ўзида касбий компетентлик ва унга хос сифатларни таркиб топтиришга ундайди. Луғавий жиҳатдан “қобилият”, мазмунан эса “фаолиятда назарий билимлардан самарали фойдаланиш, юқори даражадаги касбий малака, маҳорат ва иқтидорни намоѐн эта олиш” маъносини англатувчи компетентлик негизида муайян сифатлар намоѐн бўлади. Хусусан, педагогга хос касбий компетентлик негизида ижтимоий, махсус (психологик, методик, информацион, креатив, инновацион ҳамда коммуникатив), шахсий, технологик ва экстремал компетентлик каби сифатлар акс этади. Бир қатор, хусусан, А.К.Маркова ҳамда Б.Назароваларнинг тадқиқотларида педагогик компетентликнинг таркибий асослари қайд этиб ўтилган. Педагогнинг касбий компетенцияси педагогик (ўқув ва тарбия) жараѐнни самарали, муваффақиятли ташкил этилишини таъминлайди. Касбий компетенцияга эга бўлиш учун педагог ўз-ўзини изчил ривожлантириб

боришга эътиборни қаратиши зарур. Ўз-ўзини ривожлантиришда педагогга “Индивидуал ривожланиш дастури” қўл келади. Зеро, ушбу дастурда педагогда мавжуд бўлган компетентлик сифатлари ва ривожлантириш зарур бўлган сифат, БКМни аниқ, холис ифодалаш мумкин.

Назорат учун саволлар:

1. “Компетентлик” тушунчаси қандай маънони англатади?
2. Касбий компетентлик нима ва у қандай ҳолатларда намоѐн бўлади?
3. Касбий компетентлик негизида қандай сифатлар акс этади?
4. Ижтимоий ва махсус компетентлик деганда нимани тушунасиз?
5. Психологик ва методик компетентликнинг моҳияти нимадан иборат?
6. “Информацион компетентлик” деганда нимани тушунасиз?
7. Креатив ва педагогик компетентлик нима?
8. Инновацион компетентликнинг ўзига хос жиҳатлари нималарда кўринади?
9. Педагогик фаолиятда коммуникатив компетентлик қандай аҳамият касб этади?
10. “Шахсий компетентлик” тушунчаси Сиз учун қандай маънони англатади?
11. А.К.Маркова педагогик компетентликнинг таркибий асосларини қандай ифодалаган?
12. Б.Назарованинг ѐндошувига кўра педагогик компетентлик қандай асослардан таркиб топади?
13. Индивидуал ривожланиш дастури нима?
14. Педагогнинг индивидуал ривожланиш дастурида нималар акс этади?
15. Ўз-ўзини ривожлантириш деганда нимани тушунасиз?
16. Ўз устида ишлаш нима?
17. Педагогнинг ўз устида ишлаш моделида қандай ҳолатлар акс этади?
18. Педагогнинг ўз устида ишлаши қандай босқичларда кечади?
19. Ўзини ўзи таҳлил қилиш деганда нимани тушунасиз?
20. “Ўз-ўзини баҳолаш” тушунчаси қандай маънони англатади?
21. Шахснинг ўз-ўзини баҳолаши қандай омиллар негизида кечади?
22. Ўз-ўзини баҳолаш қандай формула ѐрдамида ифодаланади?
23. Ўзини-ўзи баҳолаш моделида қандай ҳолатлар акс этади?

ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ АСОСЛАРИ ВА УНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ

Режа:

1. Педагогик маҳоратнинг таркибий қисмлари ва уларнинг моҳияти.
2. Педагогнинг коммуникатив компетентлиги.
3. Таълим жараёнини самарали бошқариш ва педагогик низоларни ҳал этиш.
4. Замонавий педагог имиджи.

Таянч тушунчалар: маҳорат, педагогик маҳорат, педагогик маҳоратнинг таркибий қисмлари, педагогик билимдонлик, педагогик рефлексия, педагогик одоб, педагогик одобнинг асосий шакллари, педагогик обрў, педагогик қобилият, педагогик қобилият турлари, педагогик мулоқот маданияти, педагогик мулоқот турлари, педагогик мулоқот услублари, педагогик ҳамдардлик, педагогик релаксация, педагогик назокат (такт), педагогик тажриба, низо, педагогик низо, педагогик низо турлари, педагогик низоларни ҳал қилиш йўллари.

Фойдаланиш учун адабиётлар:

1. Муҳиддинов А.Г. Ўқув жараёнида нутқ фаолияти. – Т.: Ўқитувчи, 1995.
2. Сайидаҳмедов Н. Педагогик маҳорат ва педагогик технология. – Т.: ОПИ, 2003.
3. Султонова Г.А. Педагогик маҳорат. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2005.
4. Қудратов Т. Нутқ маданияти асослари / ОЎЮ учун ўқув

қўлл. – Т.: “Педагог”, 1993.
5. Husanov B., G’ulomov V. Muomala madaniyati / Darslik. – T.: “Iqtisod-moliya”, 2009.

I. Педагогик маҳоратнинг таркибий қисмлари ва уларнинг моҳияти. “Педагогик маҳорат” тушунчаси ўтган асрнинг 80-90-йилларида илмий-педагогик жиҳатдан асосланиб, ОТМда мустақил фан сифатида ўқитила бошлаган. “Педагогик

технология” фани ўқитила бошлагач эса “Педагогик маҳорат” фанининг асослари унинг мазмунига сингдириб юборилди.

Педагог кадрларни қайта тайѐрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимида “Педагогик компетентлик ва ва креативлик асослари” модули негизида тингловчиларни педагогик маҳорат асослар билан таништириш мақсадга мувофиқдир. Зеро, тингловчилар томонидан педагогик маҳоратнинг таркибий элементлари билан таништириш, уларда педагогик техника, нутқ маданияти, педагогик деонтология, коммуникатив қобилият, педагогик низо, шунингдек, замонавий педагогнинг имиджи тўғрисидаги маълумотларнинг ўзлаштирилиши ва мазкур билимлар негизида зарур малакаларнинг ўзлаштирилиши ОТМда ташкил этиладиган педагогик жараѐн сифатини яхшилаш, самарадорлигини таъминлашни кафолатлайди.

“Педагогик компетентлик ва ва креативлик асослари” модули бўйича тингловчиларни педагогик маҳорат ва унинг таркибий элементлари билан таништириш жараѐнида қуйидаги вазифалар ҳал қилинади: тингловчиларни педагогик маҳоратнинг таркибий қисмларига доир назарий билимлар билан қуроллантириш; уларда педагогик фаолиятни оқилона ташкил этиш, педагогик жараѐнни самарали йўлга қўйиш кўникма ва малакаларини ривожлантириш; тингловчиларнинг педагогик ва нутқ техникасига эга бўлишларини таъминлаш; уларда педагогик деонтология ва педагогик

маданият сифатларини таркиб топтириш, педагогик қобилиятни ривожлантириш; тингловчилар томонидан педагогик мулоқот, педагогик назорат (такт) ва педагогик таъсир кўрсатиш малакаларини етарли даражада ўзлаштирилишини таъминлаш; уларда педагогик маданият сифатларини шакллантириш.

Олий таълим муассасалари педагогларининг касбий маҳоратлари ҳақида сўз юритишдан аввал “маҳорат” ва “педагогик маҳорат” тушунчаларининг моҳияти билан танишиб олиш мақсадга мувофиқдир.

Маҳорат (а. “маҳорат” – моҳирлик, усталик, эпчиллик) – бир иш èки фаолиятни юксак даражада, ҳеч бир қийинчиликсиз, ўта моҳирлик билан бажариш.

Педагогик маҳорат – педагогнинг педагогик жараènни ташкилий, методик, руҳий ва субъектив жиҳатдан ўта моҳирлик, усталик билан ташкил этиш ҳамда бошқариш қобилияти ва малакасига

Педагогнинг маҳорати бевосита касбий-педагогик фаолиятда кўринади. Шу сабабли у педагогик жараènнинг умумий моҳиятини чуқур англай олиши, бу жараènда устувор аҳамият касб этадиган қонуниятлардан хабардор бўлиши, педагогик фаолиятни самарали ташкил этиш механизмларини пухта эгаллай билиши лозим.

Таълим жараènининг фаол иштирокчиси бўлган педагогнинг педагогик маҳорати унинг шахси, иш тажрибаси, фуқаролик мақоми, мутахассис сифатидаги мавқеи, у томонидан педагогик техниканинг етарли даражада эгалланганлиги, касбий фаолиятнинг индивидуаллигидан далолат беради.

Педагогик маҳорат яхлит тизим бўлиб, унинг таркибида бир қатор сифатлар кўзга ташланади. Жумладан (6-расм):



6-расм. Педагогик маҳоратнинг муҳим таркибий қисмлари

Педагогик маҳоратнинг асосини педагогик билимдонлик ташкил этади.

Педагогик билимдонлик – педагогнинг касбий фаолиятни мавжуд ижтимоий талаб, ҳуқуқий меъѐр ва стандартларга мувофиқ ташкил этишга бўлган қобиллиги,

Билимдон педагог мутахассис сифатида педагогик жараѐн ва муносабатларни мақсадга мувофиқ самарали шакл, усул ҳамда воситаларини етарли даражада ўзлаштира олган бўлиши зарур. Қуйидаги сифатлар билимдон педагогга хос саналади:

Билимдон педагогга хос сифатлар:

- ижтимоий субъектлар билан ўзаро алоқада, маданий мулоқотда бўлиш;
- мутахассислик йўналиши бўйича ахборотларни излаш, топиш, уларни таълим мазмунига таянган ҳолда қайта ишлаш ва касбий фаолият жараѐнида
- улардан самарали фойдалана билиш;
- ўқув ахборотларини талабаларга етказиб бера олиш

Педагогнинг касбий билимдонлигида талаба билан субъектив муносабат ўрната олиш; педагогик жараѐнлар моҳияти, педагогик воқеликни изчил идрок қила билиш; жаҳон педагогик маданияти асосларини ҳамда миллий педагогик тажрибани ўрганиш, уларни интеграциялаштириш асосида ўз фаолиятига татбиқ этиш; инновацион янгиликлар

билан доимий хабардор бўлиш; шахсий тажрибаларни умумлаштириш ва талабаларга узатиш; касбий фидоийлик ҳамда педагогик технологияларни эгаллаш борасидаги БКМнинг ўзлаштирилганлиги намоѐн бўлади.

Педагогик билимдонлик негизида, яна шунингдек, *педагогик рефлексия* (лот. “reflexio” – ортга қайтиш, акс этиш) ҳам кўзга ташланади. Манбаларда “рефлексия” тушунчаси “кишининг ўз

хатти-ҳаракатлари ва уларнинг асосларини тушуниб етиши, фаҳмлашига қаратилган назарий фаолияти; билишнинг алоҳида фаолияти”, “шахсий кечинмалари, ҳис-туйғулари ва ўй-хаѐллари моҳиятини фикрлаш орқали англаш” сифатида талқин этилади.

Педагогик рефлексия – педагогнинг шахс онги моҳияти, вазифалари, қадриятлари, қизиқишлари, рағбатлантирувчи омиллар, фикрлаш, идрок, қарорлар қабул қилиш, ҳиссий таъсирланиш, хатти-ҳаракатлари ва бошқаларнинг моҳиятини англаб етиши

Педагог фаолиятида унинг одоби ҳам яққол акс этади. Қолаверса, педагогик одоб таълим ва тарбия жараѐнлари муваффақиятини таъминловчи муҳим талаб ҳамда омиллардан бири саналади.

Педагогик одоб – педагог олдига унинг ўзига, касбига, жамиятга, талабаларга ва ўқув-тарбия жараѐнининг бошқа иштирокчиларига муносабатда бўлишига нисбатан қўйиладиган ахлоқий талаблар тизими

Мазкур талаблар педагог томонидан ташкил этиладиган педагогик меҳнат фаолият жараѐнини бошқарувчи муҳим омил ҳисобланади.

Педагог одоб талабларининг тизими педагог томонидан касбий бурчни адо этиш, жамият, педагогик жамоа ва талаба олдидаги ахлоқий мажбуриятларини бажаришида ўзига хос аҳамият касб этади.

Педагогик одобга қўйиладиган талаблар – ўқитувчи томонидан ташкил этиладиган педагогик меҳнат, фаолият жараѐнида бажарилиши шарт бўлган вазифалар

Педагогик одоб талабларининг тизими ўқитувчи томонидан касбий бурчни адо этиш, жамият, педагогик жамоа ва талаба олдидаги ахлоқий мажбуриятларини бажаришида ўзига хос

аҳамият касб этади. Педагогик одоб педагогик ахлоқ ва педагогик жараѐнда намоѐн бўладиган ахлоқий қадриятлар каби асосий категорияларнинг моҳиятини ѐритишда етакчи ўрин тутади. Педагог фаолиятида ҳам барча умуминсоний ва миллий ахлоқий қадриятлар етакчи ўрин тутади. Шундай бўлса-да, педагогик одоб сирасида педагогик қарашларни, педагогик фаолият ва муносабатни ифодаловчи муҳим категориялар асосий ўринни эгаллайди (7-расм):



7-расм. Педагогик одобнинг асосий шакллари

Педагогик одобнинг асосий шакллари қуйидаги мазмунга эга:

1. Касбий-педагогик бурч. Эзгулик ва ѐвузлик, адолат ва адолатсизлик, тўғрисўзлик ва ѐлғончилик, раҳмдиллик ва шафқатсизлик, кўнгли оқлик ва кўнгли қоралик, ватанпарварлик ва ватанфурушлик, тинчлик ва уруш каби умуминсоний ахлоқий қадриятлар инсонлар ҳаѐти, турмуш тарзи ва хатти-ҳаракатларида ўзига хос ўлчов бўлиб хизмат қилади. Педагогик фаолиятда ҳам педагог ушбу қадриятларни улуғлай олиши, уларга таянган ҳолда фаолиятни ташкил этиши лозим. Шунингдек, ҳар бир педагог касбий-педагогик бурчини тўла англай олиши, уни адо этиш йўлида амалий ҳаракатларни ташкил эта билиши зарур. Педагог томонидан жамият, унинг аъзолари, педагогик ва талабалар

жамоаси олдида қандай вазифаларни бажариши зарурлигини, касбий-педагогик бурчни бажаришда қандай тамойилларга таянишни аниқ белгилаб олиниши ҳам шахс, ҳам мутахассис ва фуқаро сифатида ўз мавқеини мустақил белгилаш имкониятини яратади. Агарда у ўз касбий фаолиятини мавжуд ахлоқий

тамойилларга мувофиқ ташкил эта олса, у ҳолда ўз-ўзига бўлган ҳурмати ортади, ўз кучига ишонч пайдо бўлади. Бу эса педагогни янгидан янги ютуқларни қўлга киритишга рағбатлантиради. Агарда борди-ю, педагог касбий-педагогик бурчини англаса-да, бироқ, уни мавжуд ахлоқий талабларга мувофиқ ташкил эта олмаса, у ҳолда, энг аввало, ўзига бўлган ҳурматни йўқотади, ўзини шахс сифатида юқори баҳолай олмайди.

2. Педагогик адолат. “Адолат тушунчаси муайян тарихий шарт-шароит ва ижтимоий-иқтисодий муносабатлар билан белгиланади. Адолатнинг ахлоқий жиҳати инсонлараро муомалада бир хил муносабатда бўлишни, бир-бирининг иззат-нафсига тегмасликни, ахлоқ-одоб қоидаларига риоя қилишликни билдиради”. Қолаверса, адолат инсоний қадр-қиммат билан унинг жамият томонидан тан олинганлиги, мавжуд ахлоқий қоида ва мажбуриятлар ўртасидаги ўзаро мутаносибликни тавсифлашга хизмат қилади. Педагогик адолат ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, у педагогнинг педагогик жараènга объектив, ҳаққоний èндаша олиши, унинг талабалар ҳулқ-атворини жамоа олдидаги хизматларига мувофиқ баҳолаш олишдаги ахлоқий тарбияланганлик даражаси (эзгу ишлари, қатъияти, жиддийлиги, инсонийлиги)ни ифодалайди.

3. Педагогик мажбурият (педагогик деонтология). Педагогик одобнинг муҳим категорияларидан бири бўлган – педагогик мажбурият тушунчасида жамият томонидан ўқитувчи шахсига, у томонидан бир қатор педагогик мажбуриятларнинг бажарилишига нисбатан қўйиладиган талаб ва ахлоқий йўл-йўриқ, кўрсатмаларни ўзида жамлайди. Педагог касбий фаолиятни ташкил этишда қуйидаги мажбуриятларни бажара олиши зарур: муайян меҳнат вазифаларини, асосан, ақлий меҳнат вазифаларини амалга ошириш; талабалар, уларнинг ота-оналари, ҳамкасблар билан ўзаро муносабатни тўғри ташкил этиш; танлаган касбига, талабалар ва педагогик жамоага ҳамда жамиятга бўлган шахсий муносабатини чуқур англаш. Педагогик мажбуриятлар сирасида, яна шунингдек, касбий фаолиятни ташкил этишга ижодий

муносабатда бўлиш, ўзига нисбатан талабчанлик, касбий билимларини бойитиб ва педагогик малакасини оширишга интилиш, талабалар ва уларнинг ота-оналари билан ўзаро ҳурматга асосланган ва талабчан муносабатни ўрнатиш, мураккаб педагогик

низоларни ижобий ҳал қилиш кўникмаларини ўзлаштириш кабиларни ҳам кўрсатиш зурур.

4. Педагогик обрў. Педагогнинг педагогик обрўга эга бўлиши у томонидан ташкил этиладиган касбий фаолият самарадорлигини кафолатлайди.

Педагогик обрў – педагогнинг талабалар, уларнинг ота-оналари, педагогик жамоа, шунингдек, жамият томонидан эътироф этилган ахлоқий мақоми

Педагогик ўзи томонидан қозонган обрўга таяниб, талаба- ларнинг ҳулқ-атворларини бошқаради, уларнинг ишончларини қозонади. Педагогик обрў педагогнинг маънавий-ахлоқий ва педагогик-психологик тайѐргарлигини ҳам ифодалайди. У эга бўлган обрў даражасини унинг чуқур билими, заковати, маҳорати, ўз ишига бўлган муносабати ва бошқалар белгилайди.

Педагогик қобилият. Педагогик жараѐннинг қанчалик самарали, муваффақиятли ташкил этилиши ўқитувчининг педагогик қобилиятга эгалигига боғлиқ. Манбалардан бирида "қобилият" тушунчаси шундай шарҳланади: шахснинг осонлик билан бирон фаолиятни эгаллай олишини таъминлайдиган индивидуал психологик хусусият. Қобилият умумий ва махсус қобилиятлар тарзида икки гуруҳга ажратилади. "**Умумий қобилиятлар** шахс фаолиятининг асосий турларида намоѐн бўлса, касбий фаолиятнинг айрим турларида намоѐн бўладиган қобилиятлар (математик, техник, мусиқа, тасвирий санъат, адабиѐт (поэзия ва проза),

жисмоний тайѐргарлик ва бошқалар) **махсус қобилиятлар** деб юритилади... Қобилиятнинг етакчи хусусият- ларидан бири – нарса ва ҳодисалар моҳиятини ижодий тасаввур қилишдир”.

Педагогик қобилият – педагог томонидан педагогик фаолиятни оқилона ташкил этилиши ва олиб борилишини, амалий вазифа-ларнинг самарали бажарилишини таъминлашда аҳамиятли бўлган хусусиятлар

Педагогик қобилиятга хос устувор хусусиятлар қуйидагилар саналади:

- педагогик такт (педагогнинг талабалар билан турли фаолият шакллари бўйича ташкил этиладиган мулоқотда мавжуд ахлоқий тамойиллар, ҳулқ-атвор қоидаларга риоя қилиши,
- уларга тўғри ѐндошиш малакаларига эгалиги);
- педагогик кузатувчанлик (педагогнинг талабаларга хос бўлган ҳатто энг оддий хусусиятларни ҳам пайқаб олиш қобилиятига эгалиги);
- талабаларга бўлган муҳаббат (уларга меҳр қўйиш, меҳрибонлик кўрсатиш, ички кечинмалари, ҳис-туйғулари, орзу-умидлари, ҳаѐтий интилишлари билан ўртоқлашиш, улар учун қийин бўлган вазиятларда ғамхўрлик қилиш);
- билимларни узатишга бўлган эҳтиѐж (педагог сифатида ўзидаги мавжуд билимларни талабаларга беришга интилиш)

Ф.Н.Гоноболин педагог шахсида қуйидаги қобилиятларнинг намоѐн бўлишини муҳим деб ҳисоблайди:

- ўқувчини тушуна олиш қобилияти;
- ѐш, психологик жиҳатдан барча ўқувчилар ўзлаштира оладиган материалларни тақдим эта олиш қобилияти;
- ўқувчиларнинг қизиқишларини ривожлантириш қобилияти;
- ташкилотчилик қобилияти;
- педагогик такт;
- ўз ишининг натижаларини кўра олиш ва б.

В.А.Крутецкий педагогга хос қобилиятларни умумлаштириб, уларнинг турлари қуйидаги эканлигини кўрсатиб ўтади (8-расм):

Асосий турлари

Дидактик қобилиятлар – ўқув материалларини аниқ, равшан, осон тушунтириш, талабаларда фанларга қизиқишни уйғотиш, мустақил фикрлаш кўникмаларини шакллантирувчи қобилият

Академик қобилиятлар – математика, физика, биология, кимѐ, она тили, адабиѐт, тарих ва б. фанлар асосларини пухта ўзлаштиришга имкон берадиган қобилият

Перцептив қобилиятлар – шахснинг ички дунѐсига кира билиш, психологик кузатувчанлик, талабанинг вақтинчалик психик ҳолатлари билан боғлиқ нозик жиҳатларини тушуна олиш

Нутқ қобилияти – шахснинг ўз ҳис-туйғуларини нутқ, шунингдек, мимика, пантомимика ѐрдамида аниқ ва равшан ифодалаб бериш қобилияти

Ташкилотчилик қобилияти – талабалар жамоасини уюштира билиш, жамоани жипслаштира олиш, педагогик фаолиятни тўғри ташкиллаштириш қобилияти

Авторитар қобилият – талабаларга ҳиссий-иродавий таъсир этиш орқали улар ўртасида обрў қозониш имкониятини яратувчи қобилият

Коммуникатив қобилият – талабалар билан мулоқотда бўлиш, уларга тўғри ѐндошишнинг самарали йўлини топиш, биргаликда мақсадга мувофиқ ўзаро педагогик алоқа боғловчи педагогик тактнинг мавжудлигини ифодаловчи

Педагогик хаѐл – педагогнинг талабалар шахсини тарбиявий жиҳатдан лойиҳалаш-тиришда ўз хатти-ҳаракатлари натижаларини олдиндан кўра олишни таъминловчи қобилият

Диққатни тақсимлай олиш қобилияти – педагогнинг бир вақтда ўз диққатини бир қанча жараѐнга қарата олишини тавсифловчи қобилият

8-расм. Педагогик қобилият турлари (В.А.Крутецкий)

Замонавий шароитда ҳар бир ўқитувчи ўзида қуйидаги педагогик қобилиятларни тарбиялай олиши керак:

1) мулоқотга киришувчанлик;
2) ҳиссий сезгирлик (касбий зийраклик, бошқаларга ҳамдард бўла олиш, ички сезгига эга бўлиш);
3) ҳаракатчанлик, таълим жараёни иштирокчиларига иродавий таъсир кўрсатиш ва ишонтириш қобилиятига эгалик;
4) ҳиссий барқарорлик (ўз-ўзини тута билиш, ўз-ўзини бошқариш, ўз-ўзини назорат қилиш);
5) келажакни мақбул ҳолда башоратлай билиш;
6) касбий мустақиллик, ижодий қобилиятга эгалик

Қобилиятли педагогларда қуйидаги ноёб қобилиятлар ҳам кўзга ташланади:

- бир вақтнинг ўзида бир неча фаолиятни бажара олиш (м: эшитиш, кўриш, ўқиш, ёзиш, фикр юритиш, мулоқот қилиш ва б.);
- атрофида кечаётган икки ёки бир неча воқеликни бирдек қабул қилиш (бир талабанинг маърузасини эшитгани ҳолда, бошқа талабаларнинг фаолиятларини кузата олиш);
- ўта қизиқувчанлик (табиат ва жамиятда кечаётган ҳар бир воқеа-ҳодиса (гарчи улар энг аҳамиятсиз, эътиборга ташлан-майдиган бўлса-да) моҳиятини билишга интилиш, ҳаддан зиёд кўп саволларга жавоб топишга интилиш);

- мия фаолиятининг биокимёвий ва электрик фаоллиги (мия доярли тўхтовсиз фаолият кўрсатиб, ниҳоятда кам вақт "дам олади", билиш жараёнида ноаниқликлар кўзга ташланса, улар тезда бартараф этилади; уйқучанлик қобилиятли педагогларга хос хусусият эмас);

- нутқи ва фантазиясининг бойлиги (қобилиятли ўқитувчиларнинг аксарияти ниҳоятда бой нутққа эга, уларда фантазия (тасаввур қилиш) қобилияти беқиёс даражада кучли);
- кучли хотира (йирик ҳажмдаги матнни, м: достонларни бир марта ўқиш билан тўлалигига ёдлаб олиб, уни сўзма-сўз қайта ҳикоя қилиб бериш қобилияти)га эгалик

Ўқитувчиларнинг педагогик қобилиятлари муайян

шароитлара намоѐн бўлади. Улар:

- дарсга тайёргарлик кўриш жараёни;
- дарс лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёни;
- таълим жараёни;
- ўқувчиларнинг фаолиятларини назорат қилиш жараёни;
- ўқувчилар томонидан ўзлаштирилган билимларини баҳолаш жараёни;
- дарсдан ва таълим муассасасидан ташқарида тарбиявий тадбирларни ташкил этиш жараёни;
- маънавий-маърифий ишларни ўтказиш жараёни;
- ахборот соатларини ташкил этиш жараёни;
- ҳар бир ўқувчига ва гуруҳ жамоасига ёндошув жараёни;
- ота-оналар билан мулоқотда бўлиш жараёни;
- ҳамкасблар билан мулоқотда бўлиш жараёни;
- таълим муассасасининг раҳбарияти билан мулоқотда бўлиш жараёни;
- шахсий фаолиятни таҳлил қилиш жараёни;
- ўз устида ишлаш жараёни ва б.

Ўқитувчига хос қобилиятлар орасида перцептив қобилият ҳам муҳим аҳамиятга эга (9-расм):



ҳаракатлари мазмунини тасаввур, эмпатия ва орттирилган тажриба асосида ҳис-туйғу, сезги ѐрдамида, зийраклик билан мантиқий далилларсиз англаш

9- расм. Перцептив-педагогик қобилият турлари

Перцептив-педагогик қобилият ўзида **уч турдаги сезгирлик**ни қамраб олади. Улар:

- объектни ҳис этиш;
- меъёр ва ѐндошувни ҳис қилиш;
- даҳлдорликни ҳис қилиш.

Ўқитувчиларда перцептив-педагогик

Интуиция (лот. “intuitio” < “intueri” – “синчиклаб, иққат билан қарамоқ”) –мантиқий боғланмаган ѐки мантиқий хулосага келиш учун далиллар етарли бўлмаганда чуқур мулоҳаза юритиш асосида масалани ечишнинг таркибини бўлган эвристик (унумли ижодий фикрлаш) жараѐни

Педагогик интуиция – ўқитувчининг педагогик жараѐнда ўзаро мантиқий боғланмаган ѐки, мантиқий хулосага келиш учун далиллар етарли бўлмаган чуқур мулоҳаза юритиш асосида таълимий ва тарбиявий муаммоларни ечишга қаратилган

қобилиятларнинг мавжуд даражаси педагогик интуицияни шакллантиришга хизмат қилади.

Интуиция маълум белгиларга кўра оддий мулоҳазадан фарқ қилади. М:

- тезкорлик, баъзан лаҳзада шаклладиган фараз ва масаланинг ечими;
- фараз ва масала ечимининг етарли даражада мантиқий асосланмаслиги;
- “ижобий” интуиция қарор қабул қилишда намоѐн бўлади;

Ўқитувчига хос бўлган ташкилотчилик қобилияти унинг фаолиятида ўзига хос ўрин эгаллайди.

Ташкилотчилик қобилияти – мутахассис сифатида ўқитувчиларда намоѐн бўлиб, таълим ва тарбия жараѐнларини педагогик талабларга мувофиқ ташкил эта олиш, ўқувчилар жамоасини самарали бошқаришни таъминловчи индивидуал психологик хусусият

Ўқитувчининг ташкилотчилик қобилиятга эгалиги қуйида- гиларда намоѐн бўлади:

- педагог фаолиятини тўғри ташкиллаштириш;
- ўқувчилар жамоасини самарали бошқариш;
- жамоани мустаҳкам жипслаштира олиш;
- ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини муваффақиятли бошқариш;
- ўқувчиларда илмий билимларни ўзлаштириш кўникма, малакаларини шакллантира билиш;
- дарс жараѐнида вақтни тўғри, оқилона тақсимлаш ва режани самарали, тўлақонли бажариш;
- ўқувчилар билан индивидуал ишларни изчил ташкил этиш;
- гуруҳ жамоаси билан доимий равишда жамоавий ѐки гуруҳли ишларни олиб бориш;
- ўқувчиларни таълим муассасаси ички тартиб-қоидаларига қатъий риоя этишга одатлантириш;
- ўқувчиларга уларнинг ѐш, психологик ва шахсий хусусиятларни инобатга олган ҳолда ўқув ва ижтимоий топшириқларни бериш;
- ўқувчиларнинг диққатини муваффақиятли бошқариш;
- ўқувчилар ўртасида қизғин баҳс-мунозарани ташкиллаштириш ва уни самарали бошқариш;
- дарсларда ўйин технологияларидан фойдаланиш ва унда барча ўқувчиларнинг бирдек фаол иштирок этишларига эришиш;
- ўқувчиларнинг ўқув фаолликларини самарали ошириш, уларнинг мустақиллигини таъминлаш;
- ўқувчилар билан ўзаро ҳамкорликда тарбиявий ишлар рўйхатини ишлаб чиқиш

Ўқитувчига эгалиги дидактик ҳам қобилиятга муҳим аҳамиятга

эга.

Дидактик қобилият – мутахассис сифатида ўқитувчиларда намоѐн бўлиб, таълим жараѐнини ҳеч бир қийинчиликсиз, осонлик билан ташкил этилишини таъминловчи индивидуал психологик хусусият

Моҳиятига кўра ўқитувчининг дидактик қобилиятга эгалиги қуйидагиларда намоѐн бўлади:

- ўқув материалини мақсадга мувофиқ танлай билиш;
- таълим мақсадини аниқ белгилай олиш;
- таълимий вазифаларни оқилона белгилаш;
- ўқув материалларини аниқ, осон тушунтириш;
- ўқувчиларда фанларга қизиқишни уйғота олиш;
- ўқувчиларда ўқув фаоллигини кучайтира билиш;
- ўқувчиларда мустақил фикрлаш кўникмаларини шакллантира олиш

Ўқитувчига хос қобилиятлар орасида конструктив қобилияти- нинг ҳам ўз ўрни мавжуд.

Конструктив қобилият – мутахассис сифатида ўқитувчиларда намоѐн бўлиб, ўқув машғулотлари ѐки тарбиявий тадбирларни методик жиҳатдан тўғри ташкиллаштириш, якуний натижаларни қўлга киритишга имкон берувчи самарали йўл ва воситаларни топишга имкон берадиган индивидуал психологик хусусият

Бу каби қобилиятга эгалиги ўқитувчи томонидан педагогик жараѐнни ташкил этишда муҳим хусусиятга эга бўлиб, унинг негизида қуйидагилар намоѐн бўлади:

- алоҳида-алоҳида маълумотлардан фойдаланган ҳолда яхлит ўқув ва тарбиявий характердаги материални шакллантириш;
- ўқув материалини турли расм, сурат, жадвал, диаграмма, модел ва бошқалар билан бойитиш;
- ўзига хос, оргинал ўқув материалини тайёрлаш;
- мустақил равишда янги методни асослаш;
- ўқув машғулоти ва тарбия тадбир учун кўрсатмали қуроллар тўпламини яратиш;
- дарс ёки тарбиявий тадбирнинг технологик паспорти, харитасини яратиш;
- дарс ёки тарбиявий тадбирда фойдаланиш учун мультимедия материалларини яратиш;
- ўқув материалининг тақдимот вариантини тайёрлаш;
- турли мавзулардаги тарбиявий тадбирлар учун ўқувчиларнинг фаол иштирокида видео роликлар яратиш;
- дарс конспектини тайёрлаш;
- турли шакл ва методларга асосланган синов топшириқлари (савол, топшириқ, масала, мисол, машқ, тест), баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш;
- назорат ишларини ташкил этишга ижодий ёндошиш

Замонавий шароитда шахслараро мулоқот ва унинг самарали ташкл этилиши ўзига хос аҳамият касб этмоқда. Касбий фаолияти моҳияти ва давр талабига кўра ўқитувчиларнинг коммуникатив қобилиятга эгаликлари долзарблик касб этади.

Коммуникатив қобилият – ўқитувчининг талабалар, ота-оналар, ҳамкасблар ва таълим муассасасининг раҳбарлари билан осон мулоқотга киришиш, улар билан муносабатни тўғри йўлга қўйишга ёрдам берадиган индивидуал хусусияти

Ўқитувчининг конструктив қобилиятга эгалиги қуйидагиларда намоён бўлади:

- ўқувчилар, ота-оналар, таълим муассасаси раҳбарияти, ҳамкасблар билан мулоқотда турли шакл, методлардан фойдаланиш;
- педагогик амалиѐтнинг барча иштирокчилари билан амалий, ишчанлик ѐки шахсий муносабат ўрнатиш;
- ўқувчиларга маълумотларни етказишнинг самарали йўл ва воситаларини топиш;
- топшириқлар юзасидан ўқувчининг шахсий фикрларини тинглай билиш;
- педагогик жараѐнларда юзага келадиган низоларнинг олдини олиш, бартараф этиш ѐки ривожлантириш;
- ўқувчилар ўртасида ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш;
- жамоада соғлом рақобатга асосланган муҳитни қарор топтириш;
- ўқувчиларнинг фаолиятларини рағбатлантириш;
- ўқувчи жавобидаги хато ѐки хатти-ҳаракатидаги камчиликларга муносабат билдириш;
- ўқувчилар билан таълимий ҳамкорликка эришиш

Касбий фаолиятни ташкил этишда ўқитувчининг англаш қобилиятига эгалиги ҳам ўзига хос аҳамият касб этади.

Англаш қобилияти – таълим ва тарбия жараѐнининг моҳияти, қонуниятлари, ўқувчиларнинг ѐш, психологик ва шахсий хусусиятлари, таълим иштирокчилари ўртасидаги муносабат мазмуни, педагогик фаолиятни самарали ташкил этиш шартлари ҳамда кутиладиган натижаларни англашга имкон берадиган ўқитувчиларга хос индивидуал психологик хусусият

Ўқитувчининг англаш қобилиятга эгалиги қуйидагиларда намоѐн бўлади:

- таълим ва тарбия жараènининг моҳияти тушуниш;
- педагогик фаолиятда таълим, тарбия қонуниятларига таяниш иш кўриш;
- ҳар бир ўқувчини шахс сифатида тушуна олиш;
- ўқувчиларнинг èш, психологик ҳамда шахсий хусусиятларини кўра билиш ва оқилона баҳолай олиш;
- ўқувчилар билан мулоқотни ташкил этиш шартларидан хабардор бўлиш;
- таълим иштирокчилари ўртасидаги низоларни моҳиятига кўра баҳолаш;
- ижобий низоларни ривожлантира билиш;
- салбий низоларни ўз вақтида англаш ва уларни бартараф эта олиш;
- рағбатлантириш ва жазолашнинг ўқувчиларга таъсирини муносиб баҳолаш;

Ўқитувчининг педагогик қобилиятлари орасида билиш қобилиятига эгалик ҳам касбий фаолиятни ташкил этишда муҳим ўрин тутади.

Билиш қобилияти – мутахассис сифатида ўқитувчиларда намоèн бўлиб, таълим жараènининг иштирокчилари – ўқувчилар, ота-оналар, ҳамкасблар ва таълим муассасасининг раҳбарлари билан осон мулоқотга киришиш, улар билан муносабатни тўғри йўлга қўйишга èрдам берадиган индивидуал психологик хусусият

Ўқитувчининг билиш қобилиятига эгалиги қуйидагиларда намоèн бўлади:

- жамоанинг ижтимоий-психологик ўзига хослигини инобатга олган ҳолда ўқув-тарбиявий вазифаларни аниқ белгилаш;

- ўқув-тарбия жараёнини дидактик, психологик ва методик жиҳатдан режалаштириш ва таҳлил қилиш;
- таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этишнинг самарали шакл, метод ва воситаларни асосли равишда танлай олиш;
- ўқувчилар томонидан ўқув дастури талабларидан келиб чиққан ҳолда материалларни ўзлаштирганлик натижаларини, ўқувчиларнинг тарбияланганлик ва ривожланганлик даражасини аниқлай билиш;
- ўқувчиларнинг билишга бўлган қизиқиш, эҳтиёж ва фаолликларини ривожлантириш бўйича турли кўринишдаги ишларни олиб бориш;
- дарсда, дарсдан ташқари шароитларда, куни узайтирилган гуруҳларда, тўгарак, клуб ёки жамиятларда турли тарбиявий ишларни олиб бориш;
- ўқувчилар, уларнинг ота-оналари билан индивидуал ишларни амалга ошириш;
- ўқувчиларда соғлом турмуш кечиришга бўлган эҳтиёжни шахсий ва умумий гигиенага амал қилиш кўникмаларини, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш малакаларини шакллантириш;
- таълим жараёнида турли кўрсатмали қуроллар, замонавий техник воситалар, ахборот ва илғор педагогик технологияларидан самарали фойдаланиш;
- дидактик материал ва кўрсатмали қуролларни ишлаб чиқиш;
- ота-оналарни педагогик билимлар асослари, болаларнинг асосий ёш хусусиятлари, психологик ўзига хосликлари, турли ёш босқичларида фарзандлар билан ота-оналар ўртасида кечадиган муносабатлар моҳиятидан хабардор қилиш;
- ўз-ўзини таҳлил қилиш, ўз-ўзини баҳолаш ва шахсий фаолиятда йўл қўйилган камчиликларни тузатиш

Аксарият ўқитувчиларда касбий характерга эга қобилиятлар билан бирга ноёб қобилиятларга ҳам намоён бўлади.

Ноёб қобилиятлар – шахсга хос индивидуал психологик хусусиятнинг шундай тури бўлиб, у жуда кам сонли шахслардагина кузатилади ва кўп учрайдиган психологик ҳодиса саналмайди

Маҳоратли ўқитувчиларда қуйидаги ноѐб қобилиятлар ҳам кўзга ташланади:

- бир вақтнинг ўзида бир неча фаолиятни бажара олиш (м: эшитиш, кўриш, ўқиш, ѐзиш, фикр юритиш, мулоқот қилиш ва б.);
- атрофида кечаѐтган икки ѐки бир неча воқеликни бирдек қабул қилиш (м: бир ўқувчининг маърузасини эшитгани ҳолда, синфдаги бошқа ўқувчиларнинг фаолиятларини кузата олиш);
- ўта қизиқувчанлик (табиат ва жамиятда кечаѐтган ҳар бир воқеа-ҳодиса (гарчи аҳамиятсиз бўлса-да) моҳиятини билишга интилиш, ҳаддан зиѐд кўп саволларга жавоб топишга интилиш);
- мия фаолиятининг биокимѐвий ва электрик фаоллиги (мия тўхтовсиз фаолият кўрсатади, ниҳоятда кам вақт "дам олади", билиш жараѐнида ноаниқликлар кўзга ташланса, улар тезда бартараф этилади;
- кам ухлаш хусусиятига эгалик;
- нутқ ва фантазиянинг бойлиги;
- кучли хотира (йирик ҳажмдаги матнни, м: достонларни бир марта ўқиш билан тўлалигига ѐдлаб олишб, уни сўзма-сўз қайта ҳикоя қилиб бериш қобилияти)га эгалик

Ўқитувчининг касбий шакллантиришда педагогик қобилиятни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Педагогик қобилиятни ривожлантириш – мутахассис сифатида фақат педагог (ўқитувчи)ларгагина хос бўлган қобилиятларни янада бойитиш ва такомиллаштириш учун зарур шарт-шароитни яратиш

Мутахассис сифатида касбий шаклланишда ўқитувчининг ўзида педагогик қобилиятни ривожлантиришда қуйидаги шакллардан фойдаланиши мақсадга мувофиқдир (10-расм):



10- расм. Педагогик қобилиятни ривожлантириш шакллари

Ўқитувчи ўзида касбий фаолиятни самарали ташкил этишга ѐрдам берадиган қобилиятларни ривожлантиришда муайян шакллардан фойдаланиш билан бирга бу жараѐнда маълум методларни ҳам қўллаш орқали мақсадга эришади. Ушбу методлар қуйидагилардир (11-расм):



11- расм. Педагогик қобилиятни ривожлантириш методлари

II. Педагогнинг коммуникатив компетентлиги. Педагогга хос бўлган маҳорат асосини ташкил этувчи педагогик мулоқот маданияти унинг талабалар жамоаси, ота-оналар, ҳамкасблар ҳамда раҳбарият билан уюштириладиган мулоқот жараѐнида намоѐн бўлади. Бунда, айниқса, педагогнинг талабалар жамоаси

билан ўзаро мулоқоти муҳим аҳамиятга эга. Педагог талабалар билан мулоқотга киришиш, унинг самарали бўлишига интилади.

Педагогик мулоқот маданияти – педагогнинг талабалар жамоаси, ота-оналар, ҳамкасблар, раҳбарият билан педагогик одоб ҳамда мулоқот талабларига мувофиқ ҳолда уюштириладиган суҳбати

Педагогик мулоқот қуйидаги йўналишларда



ташкил этилади (12-расм):

12-расм. Педагогик мулоқот йўналишлари

Педагогик мулоқот руҳий-психологик таъсир кучига эга. Шу сабабли уни ташкил этишда мулоқот жараènининг ижобий бўлишини таъминлаш педагогнинг зиммасига катта масъулиятни юклайди. Агарда тўғри ташкил этилган педагогик мулоқот талабада қўрқувнинг юзага келиши, ишончсизликнинг туғилиши, диққат, хотира ва иш қобилиятининг сусайиши, нутқ меъèрининг бузилиши кабиларга сабаб бўлса, аксинча, назарий-педагогик ва амалий жиҳатдан тўғри ташкил этилган мулоқот юқоридаги ҳолатларнинг аксини келтириб чиқаради. Натижада талабаларда ўқишга ва мустақил ўрганишга, фикрлашга бўлган қизиқиш ортади.

Педагогик мулоқот ўзига хос ижтимоий-психологик жараèн ҳам саналади. Мазкур жараènда қуйидаги вазифалар бажарилади (13-расм):



13- расм. Педагогик мулоқот жараѐнда бажариладиган вазифалар

Мулоқот жараѐнида талаба томонидан билдирилаѐтган фикр- лар, унинг қарашлари шахсни яқиндан ўрганиш учун имконият яратади. Талаба шахсини яқиндан билиш, унинг ички кечинма- лари, ўй-фикрлари, ҳис-туйғулари, орзу-умид, мақсад ва ҳаѐтий интилишларидан хабардор бўлиш педагогик жараѐннинг методик, руҳий жиҳатдан тўғри ташкил этилишини таъминлайди. Зеро, бу жараѐнда педагогик талаба шахсига хос ѐш, психологик ва шахсий хусусиятларни инобатга олган ҳолда фаолиятни ташкил этади.

Мулоқот жараѐнидаги ахборот алмашинуви талабанинг ўзаро ижтимоий жараѐнлар, шахс камолотининг кечишига доир маълумотлар алмашишини таъминлайди. Педагог ва талабалар ўртасида ҳамкорликни қарор топтириш эса ҳар қандай вазиятда ҳам улар ўртасида ўзаро ахборот алмашинуви самарали рўй беришини учун шароит яратади. Бу жараѐнда педагог талабаларнинг энг яқин маслаҳатчиси, йўлбошчиси ва раҳбарига айланади. Мулоқот чоғида талабалар томонидан ўз шахсини, ‘‘мени’’ни, қадр-қимматини етарлича баҳолаш ва ўз олдидарига ҳаѐтий мақсадларни қўйган ҳолда олға интилишларини таъминлашга жиддий эътибор қаратиш лозим. Мулоқот жараѐнида ахборот алмашиш вазифасининг ҳал қилиниши қуйидаги воситалар асосида рўй беради:

1) нутқ;
2) паралингвистик тизим (юн. “para” – “яқин”, мулоқот таркибида сўзли, ғоявий маълумотларни сўзсиз воситалар билан узатилиши);
3) экстралингвистик тизим (ингл. “exterior” – “ташқарида”,

немисча “linguistik” – гапираётган шахс томонидан нутқнинг бевосита ижтимоий вазифалар билан боғлиқ ҳолда ташкил этиши – нутқий танаффуслар, кулгу, йўталиш, нафас олиш, йиғлаш, тутилиш ва б.);

4) мулоқотнинг ташкилий кўлами ва вақти;
5) кўз қарашлар ёрдамида ташкил этиладиган алоқа;
6) белгиларнинг оптик-кинетик тизими (мимика, пантомимика, жестлар – қўл ва оёқ ҳаракатлари)

Педагог раҳбарлиги ёки унинг йўл-йўриқлари, кўрсатмаларига асосан ўқув машғулотлари ва тарбиявий ишларни ташкил этишда ҳам мулоқот муҳим аҳамият касб этади. Айни шу вақтда

мулоқотнинг фаолиятни ташкил этиш вазифасини намоѐн бўлади. Яқин-яқингача фаолиятни ташкил этишда педагогнинг етакчилиги, унинг бевосита раҳбарлиги устувор омил бўлган бўлса, замонавий шароитда роллар алмашинуви етакчи ўринга чиқди. Эндиликда аксарият ҳолларда талабаларнинг ўзлари таълим ва тарбиявий жараѐнларни мустақил уюштириш имкониятига эга бўлдилар. Бироқ, бу дегани, таълимий ва тарбияий ишларни ташкил этиш даврида педагогнинг ўрни ва роли мутлақо акс этмайди, дегани эмас. Педагог бу жараѐнда раҳбар, етакчи, маслаҳатчи, эксперт сифатида намоѐн бўлади ва талабаларни педагогик жараѐнларни илмий-назарий, ташкилий-методик жиҳатдан тўғри уюштиришга йўналтиради.

Педагогик мулоқотни ташкил этишда, айниқса, педагог ѐрдамига муҳтож ўқувчиларга алоҳида эътибор бериши, ҳар бир ўқувчида турли ўқув фанлари асосларини ўзлаштиришга нисбатан қизиқтириш усулларини, ҳамкорлик ва ижодкорликка асосланган меҳнатни ташкил этишни олдиндан ўйлаб қўйиши лозим.

Миллий ва жаҳон таълими амалиѐти педагог, ўқитувчилар томонидан ташкил этилаѐтган мулоқотни бир неча турга ажратиш мумкинлиги кўрсатади. Улар қуйидагиларир (14-расм):



14- расм. Педагогик мулоқот турлари

Ўқитувчилар ўз фаолиятларида мулоқотнинг муайян турларига таяниб иш кўради. Қолаверса, педагог томонидан жамоа билан мулоқотни уюштириш техникасини доимий равишда таҳлил қилиб

бориш мақсадга мувофиқдир. Маълум вазиятларда педагог раҳбар сифатида талабалар фаолиятларини бошқаради. Бу жараѐнда ҳам мулоқот етакчи омил ҳисобланади. Бироқ, мулоқотнинг самарадорлиги раҳбар сифатида намоѐн бўлаѐтган педагог томонидан қандай мулоқот услубининг танланганлиги билан белгиланади. Одатда, педагогнинг раҳбар сифатидаги мулоқот усуллари қуйидаги уч турга ажратилади (15-расм):



15- расм. Педагогик мулоқот услублари

Педагогик мулоқот услублари қуйидаги мазмунга эга:

1. Авторитар услуб. Бунга кўра талабалар томонидан барча турдаги фаолиятнинг ташкил этилиши, мазмуни, шакли, метод ва воситаларининг барчаси фақат педагог томонидан белгиланади. Талабаларнинг ҳар қандай ташаббуслари рағбатлантирилмайди, аксинча, буйруқ, кўрсатма, йўлланма бериш, шунингдек, жазолаш чораларини кўриш орқали талабаларга таъсир этилади. Ҳатто талабаларнинг фаолиятлари ижобий баҳоланган вақтда ҳам уларга бўлган таъсир турли кесатиқлар билан баѐн этилади. Яъни: “Сендан ижобий хатти-ҳаракатни кутмаган эдим?!”, “Буни қара-я, наҳотки ўзгарган бўлсанг!?”, “Қара-я, биргина аъло баҳо олиш билан ўзингни яхши инсон бўлиб қолган деб ҳисоблайсанми!?” ва ҳ.к. мазмундаги рағбатлар, улар асли ижобий ҳолатни эътироф этишга йўналтирилган бўлса-да, талабани янги ютуқларига илҳомлантирмайди. Аксинча, унда таълим олишга, таълим муассасасига ва педагогларга нисбатан совуққонликни юзага

келтиради.

2. Демократик услуб. Унга кўра педагог педагогик фаолиятни ташкил этишда жамоанинг фикрига таяниб иш кўради. Ўқув машғулотлари ва тарбиявий ишларни ташкиллаштиришда ҳар бир талабанинг фикрини инобатга олишга, уларни умумлаштирган

ҳолда энг самаралисини танлаб олишга интилади. Муҳокамалар чоғида барча талабаларнинг иштироклари таъминланади. Талабалар томонидан билдирилаѐтган ташаббуслар қўллаб- қувватланади, мавжуд имкониятлардан келиб чиққан ҳолда бу ташаббуслар амалиѐтга татбиқ этилади. Бу услубдан фойдаланаѐтган педагог зиммасидаги вазифа фақатгина талабаларнинг фаолиятини назорат қилиш, тузатишлар киритишдан иборат эмаслигини англаб етади. Асосий эътиборни талабаларнинг ютуқларини эътироф этган ҳолда ѐки уларнинг хатоларини ўзларига англатган ҳолда самарали тарбия чорасини кўришга қаратади. Ҳар бир талабанинг ютуғи алоҳида эътироф этиладики, бу эса уларни янги зафарларга эришишга руҳлантиради. Ушбу услубга асосланиб иш кўрадиган педагог ҳар бир талабанинг қизиқишлари ва қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда бажариладиган ишларни тўғри тақсимлашга ҳаракат қилади, фаол талабаларни тақдирлаб боришни фаолиятининг асосий йўналиши сифатида белгилайди. Педагог талабалар билан мулоқотни ўрнатишда илтимос, маслаҳатга таяниб иш кўради.

3. Либерал услуб. Одатда бу услуб педагог ва талаба муносабтларининг келишувчанликка асосланишини таъминлайдиган услуб сифатида эътироф этилади. Бу услубга кўра иш юритадиган педагог талабалар томонидан содир этилаѐтган салбий ҳолатларга ҳам эътибор бермасликка интилади. Талабаларни тартибга чақириш, вазиятдан келиб чиққан ҳолда уларнинг фаолиятини тўғри баҳолаб, жазолаш зарур бўлган вазиятларда ҳам индамасликни одат қилиб олади. Бу эса талабаларнинг одобсиз, ялқов, масъулиятсиз бўлишларига олиб келади. Либерал услубни маъқул кўрадиган педагог талабалар ҳаѐти билан мутлақо

қизиқмайди, уларнинг фаолиятларига аралашмайди, ҳал қилувчи вазиятларда масъулиятни ўз зиммасидан соқит қилади. Айрим ҳолатларда бир-бирига зид бўлган фикрларни ҳам бирдек маъқуллайди. Бу таҳлитда иш кўрадиган педагог обрўга эга бўлмайди. Чунки унга ишониш мумкин эмас.

Педагогик фаолиятни ташкил этишда педагогнинг нафақат ўзи, балки унинг ижобий таъсири асосида талабалар ҳам мулоқот маданиятини ўзлаштириб боришлари лозим.

Мулоқот маданияти – мулоқот жараènини ахлоқий меъèрлар, ижтимоий талабларга мувофиқ ташкил этиш асосида суҳбатдошни тушуна олиш эҳтиèжи ва қобилиятига эгалик

Таълим амалиèти педагогик мулоқот жараènида ўқитувчилар томонидан қуйидаги камчиликларга йўл қўйилишидан далолат беради:

- эҳтиèтсизлик;
- шахсиятпарастлик;
- суҳбатдошни ортиқча мажбурлаш;
- сусткашлик;
- ўзини жуда юқори èки паст қўйиш;
- ҳаддан ташқари жонбозлик кўрсатиш

"Фан-техника тараққиèтининг ҳозирги босқичида, ишлаб чиқариш муносабатларининг жадаллашуви, халқ хўжалигининг турли жабҳаларида янги технологияларнинг жорий этилиши ва шу каби қатор омиллар инсон руҳиятига олдингиларига қараганда кўпроқ жисмоний, руҳий зўриқишлар бермоқда". Педагог фаолиятида руҳан èки жисмонан толиққан талабаларда руҳий ҳамда жисмоний чарчоқларни бартараф этишга ҳам эътибор қаратиш талаб қилинади. Мазкур талаб салбий руҳий омиллар таъсири кучайган, катта ҳажмдаги ахборотлар билан тўқнашиш рўй бераètган мавжуд шароитда айниқса муҳим аҳамият касб этади. Талабаларда руҳий ва жисмоний толиқишларни бартараф этишга қаратилган педагогик фаолият **"релаксопедия"** (лот. "relaxation" – қувватсизлик, заифлашиш, руҳан èки жисмонан ҳолда тойиш; ҳолдан тойишни

бартараф этиш педагогикаси) деб номланади. Сўнгги йиллар жаҳон таълими амалиѐтида ушбу педагогика имкониятидан кенг фойдаланилмоқда.

Педагогик релаксация – талабаларнинг ҳиссий фаолияти, руҳий-жисмоний қуввати ва ишчанлик қобилиятини қайта тиклаш

Мураккаб вазиятлар (имконияти чекланган, фанларни ўзлаш- тира олмайдиган ѐки тарбияси оғир талабалар билан ишлаш)да

релаксопедиянинг педагогик, психологик имкониятларидан ўринли, мақсадли, самарали фойдаланиш кутилган натижаларни беради. Релаксация шароитида бугунги кунда кенг оммалашган тренинг ва автотренинглар ижобий муҳитнинг ҳосил бўлишини таъминлайди. Улардан фойдаланиш вақтида талабалар ташқи ва ички таъсирлардан ҳимояланган бўлиб, уларга фақатгина педагогнинг ишонтирувчи овозгина эшитилади. Бу эса педагогнинг таъсири ва унинг самарасини янада оширади.

Релаксация жараѐнида талабалар педагогнинг қўллаб-қувват- лашларини ҳис этишлари, унинг меҳр-муҳаббатидан баҳраманд бўлишлари, ҳамдарлигини ҳис қилишлари лозим. Шундагина талабалардаги руҳий зўриқиш, жисмоний толиқишларни бартараф этиш учун психологик муҳит юзага келади.

Мушаклар релаксацияси (яъни мушакларни бўшаштириш) даврида ўз-ўзини ишонтириш ва ахборотга таъсирчанлик юқори бўлади. Шунинг учун ҳам ўз-ўзини ишонтиришга йўналтирилган тренинг ва автотренингларни ухлаш ва уйқудан туришдан олдин қўллаш самарали ҳисобланади. Мушаклар релаксациясининг самарали кечиши учун ўқитувчи мушакларни бўшаштиришга ѐрдам берадиган метод ва воситалардан хабардор бўлиши даркор.

Талабаларнинг руҳий зўриқиш ва жисмоний толиқишларини бартараф этиш мақсадида

релаксация асосларини назарий жиҳатдан ўзлаштриб қолмай, улардан амалий жиҳатдан фойдаланишни ҳам билишлари зарур.

Коммуникатив таъсир кўрсатиш – талабалар билан мулоқотда бўлиш, уларга тўғри ѐндошиш, педагогик назокат билан уларга тарбиявий, иродавий ва ҳиссий таъсир этиш

Юқорида айтиб ўтилганидек, маҳоратли педагог фаолиятида педагогик назокат (такт) ҳам ўзига хос ўрин тутади:

Педагогик (назокат) такт – педагогнинг талабалар билан турли фаолият шакллари бўйича ташкил этиладиган мулоқотда мавжуд ахлоқий тамойиллар, ҳулқ-атвор қоидаларга риоя қилиши, уларга тўғри ѐндошиш малакаларига эгалиги

Педагогик такт педагог фаолиятига ғоявий ва амалий жиҳатдан бир-бирига мос келадиган педагогик ахлоқнинг бевосита татбиқ этишнинг шакли сифатида намоѐн бўлади. **Такт (даҳлдорлик)** – ахлоқий ҳулқ-атвор, хатти-ҳаракат бўлиб, ўзида барча объектив ҳаракатларнинг оқибати ва уларнинг шахс томонидан субъектив қабул қилишни аввалдан кўра олиш, белгиланган мақсадга осонроқ эришиш йўлларини излашнинг намоѐн бўлишини ифодалайди. Педагогик такт ўз моҳиятига кўра ижодий изланишни талаб этадиган амалий ҳаракатдир.

Педагогга хос бўлган педагог тактнинг асосий таркибий элементлари сифатида қуйидагиларни эътироф этиш мумкин:

1) шахсга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиш;
2) юксак талабчанлик;
3) суҳбатдошни қизиқиш билан тинглай олиш ва унга нисбатан қайғуриш малакаси;
4) руҳий барқарорлик, дадиллик ва оғир вазминлик;
5) муносабатлар жараѐнида ишонч билан сўзлай олиш;
6) қатъиятлилик (қайсарлик эмас);
7) талабаларга нисбатан эътиборли ва хушѐр бўлиш

Талабаларга педагогик маҳорат асосларига доир билимларни беришда уларда педагогик тактнинг қуйидаги элементларини тарбиялашга жиддий эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир:

- талаба шахсини ҳурмат қилиш ва унга нисбатан талабчанлик;
- турли фаолият бўйича талабаларда мустақилликни ривожлантириш ва уларнинг ишларига оқилона педагогик раҳбарлик қилиш;

- талабанинг руҳий ҳолатига нисбатан эҳтиѐткорона муносабатда бўлиш, унга нисбатан юксак идрок билан изчил талаблар қўйиш;
- талабаларга ишониш ва уларнинг фаолиятини назорат қилиб бориш;
- улар билан мулоқотни ташкил этишда ўзини оқлаган ишчан ва ҳиссий характерга эга муносабатларни қўшиб олиб бориш

Педагогнинг педагогик тактга эгалиги унинг юриш-туриши, вазминлиги, ўзини тута билишида намоѐн бўлади. Ушбу сифат

талабага ишонч билан қарашни назарда тутади. Талабага ишончсизлик билан қараш педагогнинг педагогик тактга эга эмаслигини ифодалайди. Ҳар қандай педагогик низо èки зиддиятларнинг асосида педагогнинг педагогик тактга эга эмаслиги èтади. Ҳар қандай қўполлик, кесатиқ ва койишлар, талабаларни доимий равишда танқид қилиш, уларга ишончсизлик билдириш педагогик низоларни келтириб чиқаради. Педагогик такт, шунингдек, педагогнинг талаба жавобини диққат билан тинглашида, жавобнинг мазмунига алоҳида эътибор қаратишида, борди-ю, талаба хатога йўл қўядиган бўлса, уни босиқлик, вазминлик билан тўғрилашда, талаба фаолиятини ҳаққоний, оқилона баҳолашда, қўйилган баҳонинг моҳиятини изоҳлашда намоèн бўлади. Бу жараèнда жавоб бераèтган талабага жилмайиш, турли имо-ишоралар билан, бошни қимирлатиш, юз ифодалари, қўл ҳаракатлари билан унинг жавобларини маъқуллаб туриш педагогик фаолият самарадорлигини оширишга èрдам беради.

Маҳоратли педагог талабалар фаолиятини баҳолашда эҳтиèткор бўлиши лозим. Зеро, нотўғри қўйилган баҳо талаба шахсига салбий таъсир кўрсатиб қолмай, балки унинг ўқишга бўлган қизиқишини сўндиради. Талабалар фаолиятини баҳолашда В.А.Сухомлинскийнинг педагогик тажрибасига таяниб иш кўриш мақсадга мувофиқдир:

1. Ўқувчига амалий èндошиш (“Ўқувчи бўлгандан кейин ўқиб келиш керак-да” тарзида эмас), балки унга шахс сифатида муносабатда бўлиш (“Ўқувчим, энг аввало, шахс, бола, сўнгра эса

ўқувчи. Мен унга қўядиган баҳо унинг билими ўлчови эмас, балки менинг унга нисбатан инсоний муносабатимдир” тарзида ѐндошиш).

2. Ҳар бир баҳо ўқувчини келажакка ишонч руҳида тарбиялаши зарур; у ўқувчининг меҳнатини рағбатлантириши, бироқ, унинг дангасалиги ва қобилиятсизлиги учун жазо воситаси бўлмаслиги зарур.

Айтиб ўтилганидек, педагогик такт (назорат) ѐрдамида муайян вазифалар ҳал қилинади.

Педагогик назокат èрдамида ҳал этиладиган вазифалар – педагогик назокат ўқитувчининг ўқувчилар, ота-оналар, васийлар ва ҳамкасблар билан бўладиган мулоқотида салбий ҳолатлар келиб чиқишининг олдини олиш, муайян ютуқларга эришиш йўлида ҳал қилинадиган мақсадли ишлар

Педагогик назокат èрдамида қуйидаги вазифалар ҳал қилинади:

- талабалар, ота-оналар, васийлар ва ҳамкасблар билан бўладиган мулоқот самарали ташкил этилади;
- мулоқот жараènида турли низолар келиб чиқишининг олди олинади;
- мулоқот иштирокчилари ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик қарор топади; мақсадлар бирлигига эришилади

Ўқитувчи фаолиятида педагогик тактика муҳим аҳамият касб этади.

Педагогик тактика – ўқитувчининг ўқувчилар, ота-оналар, васийлар ва ҳамкасблар билан бўладиган педагогик муносабатлари жараènида кўзланган мақсадга эришиш учун олиб бориладиган курашнинг муайян шароитга мос йўл, шакл, метод ва воситалари

Педагогик фаолиятни ташкил этишда ўқитувчи педагогик тактикани ишлаб чиқар экан, унда таълим жараèни иштирокчи- ларига муносабати (èқтириш èки èқтирмаслик) мазмунини кўриб чиқади.

Ёқтириш (симпатия; юнон. “sympatheia” – майл, ҳавас, ички қизиқиш) – бир шахснинг иккинчи шахсга, муайян субъектлар гуруҳига ѐки қандайдир ижтимоий ҳодисага нисбатан ижобий ҳиссий муносабати.

Ёқтирмаслик (антипатия; юнон. “antipatheia” – ѐқтирмаслик, хуш кўрмаслик) – бир шахснинг иккинчи шахсга, муайян субъектлар гуруҳига ѐки қандайдир ижтимоий ҳодисага нисбатан салбий

Ёқтириш ҳамиша хайрихоҳлик, хушмуомалалилик, завқланиш- ни ифодалайди, шахсни мулоқотга, эътибор кўрсатишга ва кўмак беришга ундайди. Ёқтирмаслик эса гина-кудуратни, кек-адоватни, ичиқораликни, бахилликни, нафратни ифодалайди, шахсни мулоқотдан қочишга, атрофдагиларга нисбатан ѐмонлик қилишга, ҳеч бўлмаганда уларнинг кўнглини оғритишга ундайди

Мутахассис сифатида ўқитувчи ўз фаолиятида таълим жараѐ- нининг иштирокчиларига ѐқтирмаслик позициясида туриб, муносабатда бўлишга ҳақли эмас. Унинг учун таълим жараѐнининг иштирокчилари “севимлилар” ва “севимсизлар” каби икки гуруҳга ажратилмаслиги зарур.

Ўқитувчининг фаолиятида, аксинча, унинг ҳамдардлик (педагогик ҳамдардлик) туйғусига эга бўлиши мақсадга мувофиқ саналади.

Ҳамдардлик (эмпатия; юнон. “empatheia” – ҳамдардлик, қайғудош бўлиш) – бир шахснинг у томонидан иккинчи шахснинг фикрлари, хоҳиш-истаклари, қизиқишлари, интилишларининг ҳис этилиши, тушунилиши, қабул қилинишини ифодаловчи муносабати

Ўз моҳиятига кўра ҳамдардлик ҳам туйғулари қабул қилинаѐт- ган шахсга ѐрдам кўрсатишга интилишни ифодалайди, шахсларни бир-бирига яқинлаштиради, улар ўртасида дўстлик, ўзаро ҳамкор- лик ва бирликни қарор топтиради.

Педагогик ҳамдардлик – педагогик жараѐнда ўқитувчининг у томонидан таълим жараѐни иштирокчилари (талаба, ота-оналар, ҳамкасблар, раҳбарлар ва б.)нинг фикрлари, хоҳиш-истаклари, қизиқишлари, интилишларининг ҳис этилиши, тушунилиши, қабул қилинишини ифодаловчи муносабати

Ўқитувчининг педагогик ҳамдардлик (педагогик эмпатия)га эгалиги қуйидаги ҳолатлар билан белгиланади:

- талабалар, ота-оналар, ҳамкасблар ва раҳбарларнинг хатти-ҳаракатлари, ҳиссиётлари, ҳаётий интилишлари, табиатларини тушуниш, бошқалар нуқтаи назарини маъқуллаш асосида жамоадаги муносабатларни меъёрда ташкил этилишини таъминлаш;
- ўзгаларнинг ички ҳолатини, ўй-фикрларини ва ҳис-туйғуларини тушуна олиш;
- бошқаларнинг бошига тушган кулфат, фалокатлардан қайғуриш;
- ролларни қабул қилиш – оғир вазиятда бўлган кишиларнинг ўрнига ўзини тасаввур, мушоҳада ёрдамида қўйиб кўрган ҳолда улардаги ижобий ҳис-туйғуларини қайта тиклашга кўмаклашиш;
- ўзгаларнинг қайғу-аламларидан, кулфатларидан қайғуриш, кўнгилни кўтарувчи, таскин берувчи сўзлар билан оғир вазиятда қолган кимсаларга ижобий таъсир кўрсатиш

Педагогик маҳоратнинг муҳим белгиларидан бири бўлган педагогик техника ўз навбатида ўқитувчининг юқори техник малакаларга эгалигини ҳам англатади.

Педагогик техника – педагог томонидан ўзлаштирилган алоҳида талабага ҳамда таълим олувчилар жамоаларига педагогик таъсир кўрсатиш методларини амалда самарали қўллай олиш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакалар мажмуи

Педагогик техника асосларини муваффақиятли ўзлаштириш педагогик маҳоратнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, унга эришиш педагогика, психологик ҳамда амалий тайёргарлик бўйича махсус билимларга эга бўлишни талаб қилади. Педагогик техникани ўзлаштиришда ўқитувчи ўқувчи ҳулқ-атвори, хатти- ҳаракатларининг ташқи белгиларга кўра унинг ички ҳолатини белгилай олиш малакасига эга бўлиши ниҳоятда муҳимдир.

“Педагогик техника” тушунчаси қуйидагиларни

ифодалайди:

1) педагогнинг ўз диққати ҳамда ўқувчилар диққатини мақсадли бошқариш;
2) педагогик фаолиятда жараènнинг, ўқувчилар ҳаракатининг суръатини ҳис қилиш

Ўқитувчи фаолиятида унинг педагогик техникага эгалиги қуйидагиларда намоѐн бўлади (16-расм):



16- расм. Педагогик техника турлари

Ўқитувчининг педагогик маданиятга эгалиги, педагогик техника асосларини пухта ўзлаштира олганлиги унинг юз ифодаси, эркин, вазмин ҳаракатлари, гавдани тўғри тута билиши, йиғинчоқлиги, имо-ишоранинг табиийлиги, ўқувчиларга нисбатан эътиборида яққол акс этади.

Педагогик жараѐнда ўқитувчи юзини ўринсиз, қўпол тарзида буриштирмаслиги, пала-партишликка йўл қўймаслиги, имо- ишораларнинг сунъий бўлишидан сақланиши, маъносиз бўлишига йўл қўймаслиги зарур.

Зеро, буларнинг барчаси ўқитувчининг ўқувчи олдида ҳурмат қозона олмаслигига олиб келади. Ёш ўқитувчилар педагогнинг ҳатто синф хонасига, аудиторияга қандай кириши, ўқувчи, талабаларга назар ташлаши, саломлашиши, стулни суриши, шахсий буюмлари (сумка èки қоғоз солинган йиғмажилдларни қаерга, қандай қўйиши, хона бўйлаб юриши, èзув тахтасидан фойдаланишдаги ҳаракатлари, ўқувчи, талабалар билан мулоқотда ўзини қандай тутиши ва бошқа ҳаракатларнинг катта тарбиявий таъсир кучига эга эканлигини èдда тутишлари зарур

Вазмин, хушмуомала, ўзига ишонган педагог фаолиятининг илк босқичлариданоқ ўқувчилар меҳрини қозона олади. Бунинг учун ўқитувчи, энг аввало, ўз ҳиссий ҳолатларини, туйғуларини бошқара олиши керак. Педагогнинг ўқувчилар билан мулоқоти расмий характерга эга. Қолаверса, у ўқувчилар, уларнинг ота- оналари, ҳамкасблари ҳамда таълим муассасаси ва юқори бошқарув органларининг назорати остида фаолият юритади. Бу эса жисмоний толиқишни, руҳий зўриқишни, ўз-ўзига нисбатан ишончсизликни ва тангликни келтириб чиқаради. Натижада ўқитувчининг нутқи қатъийлик касб этмайди, овозда нуқсонлар кўзга ташлана бошлайди, оёқ ва қўллар толиқади. Бу каби салбий ҳодисаларнинг келиб чиқмаслиги учун ўқитувчи ўзини дарс бошланишидан аввал таълим жараёнига руҳан тайёрлаши, бу жараёнда юзага келиш эҳтимоли бўлган турли салбий ҳолатларга ўзини психологик нуқтаи назардан тайёрлаши, имкон қадар руҳий барқарорликка эришиши талаб қилинади.

Ўқитувчи педагогик жараёнга ўзини руҳан тайёрлашда қуйидагиларга эътибор бериши лозим:

- ўзига, ўз имкониятларига ишониш;
- хушмуомала бўлиш ва келажакка ишонч билан қараш;
- ўз хатти-ҳаракатларини назорат қилиш (мускуллар зўриқишини бартараф этиш, қоматни ростлаш, ҳаракатларни тўғрилаш, нутқнинг равон, аниқ бўлишига эътибор қаратиш ва тўғри нафас олишни ўзлаштириш);
- ақлий ва жисмоний меҳнатни ташкил этишда ўзаро уйғунликка эришиш, муайян даврларда ҳордиқ чиқариш (меҳнат ёки мусиқа ёрдамида дам олиш, бадиий асарларни ўқиш, яқинлар, дўстлар билан ҳазил-мутойибани ташкил этиш);

- педагогик жараènнинг муваффақиятли, самарали кечишига ўзини ўзи ишонтириш;
- касбий фаолиятни катта иштиèқ, кўтаринки кайфият билан ташкил этишга интилиш;
- турли салбий руҳий омиллар организмига, руҳий ҳолатига, хатти-ҳаракатларига, ўқувчилар ва таълим жараènининг бошқа иштирокчиларига нисбатан муносабатига таъсир этишига йўл қўймаслик;
- салбий руҳий омиллар ва жисмоний ҳолатларни бартараф этиш учун тренинг ва автотренинглардан самарали фойдаланиш малакасини ўзлаштириш

Руҳий барқарорликка эришиш муайян шартлар асосида кечади. Бу ўринда В.А.Сухомлинский руҳий барқарорликка эришишнинг асосий шартлари қуйидагилар эканлигини таъкидлайди:

- қош-қовоқни уюб юрмаслик;
-бошқаларнинг камчиликлари, нуқсонларини ошириб кўрсатмаслик;

- ҳазил-мутойиба мойил бўлиш;
- хушмуомала бўлиш ва келажакка ишонч билан қараш

Ўқитувчи томонидан ўзлаштириладиган педагогик техника негизида пантомимика ўзига хос ўрин тутади.

Пантомимика *– гавда, қўл ва оёқларнинг ҳаракати, у педагог томонидан баён этилаётган муайян фикрни алоҳида ажратиб кўрсатишга, маълум қиёфа орқали гавлантиришга имкон беради*

Одатда ўқитувчининг тўғри тутилган, чиройли қадди-қомати унинг шахс сифатида намоён бўлишини таъминлайди. Қолаверса, бу ҳолат унинг ўзига, шахсий имкониятларига бўлган ишончи юқорилиги, шахс сифатида ўзини қадрлай олиши, ўзига ўзи юқори баҳо беришини ҳам ифодалайди. Бошнинг қуйи эгилганлиги, қўлларнинг осилиб туриши ўқитувчининг ички заифлиги, ўзига ўзи ишончсизлигидан далолат беради.

Узлуксиз талим тизимининг барча босқичларида таълим олувчиларга гавдани тўғри тутишни, эркин

ҳаракатланишни, ҳар қандай вазиятда ҳам ўзини тута билишни, йиғинчоқликни ўргатиб бориш мақсадга мувофиқдир. Олий таълим муассасаларида талабаларда ушбу сифатларни ҳосил қилиш эса уларни касбий фаолиятга руҳий тайѐрлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Талабаларга, энг аввало, гавдани тўғри тутиб туриш ўргатилади. Бунда оѐқлар елка кенглигида (икки оѐқ оралиғи *12-15 смни* ташкил этиши лозим), ўнг оѐқ бир оз олдинда туриши мақсадга мувофиқдир. Зеро, шундагина тана оғирлиги ҳар икки

оёққа бирдек тушиши билан бирга узоқ вақт (деярли 30-30, олий таълим муассасаларида эса 60-70 дақиқа) толиқмай туришни таъминлайди. Ўқитувчининг ҳаракатлари имкон қадар оддий ва эркин бўлиши лозим. Ўзини ўзи мажбурлаб, айрим камчиликларни йўқотиш мақсадида сунъий, зўрма-зўраки ҳаракатларни содир этишнинг ҳожати йўқ.

Ҳаракатлар қанчалик самимий ва имкон қадар оддий бўлса, ўқувчиларда ўқитувчига бўлган ишонч, ҳурматни шунчалик оширади. Гавдани олдинга-орқага тебратмаслик, ҳадеб тана оғирлигини бир оёқдан иккинчи оёққа ўтказмаслик, стул суянчиғига ёки кафедра (олий таълим муассасаларида маъруза ўқиш учун ажратилган жиҳоз)га бутунлай суяниб олмаслик, бошни ёки қулоқни қашламаслик, бурунни артмаслик, кўзни ишқаламаслик, қўлда бирор буюмни айлантирмаслик ўқувчига қанчалик завқ берса, унда ўқитувчига нисбатан хайрихоҳликни уйғотса, уларнинг аксини содир этиш ўқувчининг ғашини келтиради. Дарс жараёнида ўқитувчи, шунингдек, гавдаси ҳаракатининг босиқ, ортиқча ҳаракатлардан ҳоли бўлишига эътибор қаратиши, ортиқча силкиниш ва кескин ҳаракатларни содир этишдан ўзини тута олиши зарур.

Педагогик жараёнда ўқитувчи юз ифодаси (мимика) ва жестлар орқали ҳам талабаларга самарали таъсир кўрсатади.

Мимика *– юз мускулларининг ҳаракатлари орқали ўз фикри, ҳис-туйғулари, кайфиятини, шунингдек, мавжуд воқеликка нисбатан муносабатини ифодалаш*

Имо-ишора (гавда, қўл ва оёқ ҳаракатлари) *– муайян ҳодиса ѐки объектга нисбатан муносабатнинг гавда, қўл ва оѐқ ҳаракатлари ѐрдамида ифодаланиши*

Инсоният қадим-қадимдан ўзаро муносабат ва мулоқотларни ташкил этишда турли жестлардан ўринли ва самарали фойдаланиб келган. Зеро, имо-ишоралар инсоннинг ҳиссиѐтлари, ички кечинмалари ва ижтимоий борлиққа бўлган муносабатини сўзсиз ифодалаш имкониятига эга. М: ўнг қўл чап кўкрак устига кафтлар ѐйилган ҳолда қўйилса, бу ҳолат “Сизга ҳурматим чексиз”, ўнг

қўлнинг кафтлари очиқ ҳолда кўрсатилса, “Жим бўлинг!”, “Бас қилинг!”, қўл мушт қилиб тугилса, “Қойил қилдим!” èки “Қойил қиламан!” каби маъноларни англатади.

Жуда қадимдан инсон юз ифодаси ва қараши атрофдагиларга сўздан кўра кучли таъсир қилиши аниқланган. Шу сабабли қадимги Рим ва Юнонистонда нотиқларнинг нафақат сўздан, шу билан бирга мимика, пантомимика ва жестлар (гавда, қўл ва оèқ ҳаракатлари)дан самарали фойдалана олишларига эътибор қаратилади.

Бугунги кунда ҳам ривожланган мамлакатларда сиèсатчилар- нинг юқорида қайд этилган ҳаракатлар бўйича малакаларни ўзлаштира олишларига жиддий эътибор қаратилади.

Ўқитувчи томонидан мимика, пантомимика ва жестлар (гавда, қўл ва оèқ ҳаракатлари)дан самарали фойдалана олиш малакат- ларини самарали ўзлаштира олиши унинг меҳнатини қисман енгиллаштириш билан бирга, талабаларга таъсир кўрсатишида муайян муваффақиятларни қўлга киритишига имконият яратади.

Мимика, пантомимика ва жестлар узатилаèтган ахборотнинг ҳиссий аҳамиятини оширади, унинг пухтароқ ўзлаштирилишини таъминлайди. Кўзлар ҳам юз ифодасини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли кўзлар èрдамида турли маъноларни ифодалаш малакаларини ўзлаштира олиш ҳам маҳоратли педагог бўлиш учун ниҳоятда зарур.

Ўқитувчи ўз фаолиятида педагогик техникага хос методларни қўлайди.

Педагогик техника методлари *– педагог томонидан талабаларнинг у ёки бу ҳаракатлари ёки уларда намоён бўладиган маънавий-ахлоқий сифатларига ўзининг субъектив муносабат, алоҳида ҳистуйғуларни маъноли ифодаланишини англатувчи методлар*

Моҳиятига кўра педагогик техника методлари қуйидаги гуруҳларга ажратилади (17-расм):

17-расм. Педагогик техника методларининг гуруҳлари

Агарда ўқитувчининг кайфияти ѐмон бўлса, уни қандайдир муаммолар безовта қилса, олдида турган педагогик муаммолар ўйлантираѐтган бўлса, у бу ҳолатларни яшириб тура олиш, ошкор қилмасликни уддасидан чиқиши даркор. Бу каби салбий ҳолатларни очиқ ҳавода пиѐда сайр қилиш, табиат қўйнида, айниқса, сув ҳавзаларининг бўйларида дам

олиш, қизиқарли китобларни ўқиш орқали мавжуд руҳий зўриқишларни бартараф қилиш мумкин. Юз ифодаси ва ҳаракатлар фақатгина таълим мақсадига, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга йўналтирилиши зарур. Ўқитувчи юз мускулларини ва кўзларини тез-тез ҳаракатлантиришдан, уларнинг бирдай қотиб қолишидан эҳтиѐт бўлиши керак. Ўқитувчи нигоҳи ўқувчиларга қаратилган бўлиши, бевосита кўриш алоқасини вужудга келтира

олиши зарур. Девор, дераза ва шипга қараб туришдан сақланиши, аксинча, барча ўқувчиларни диққат марказида ушлаб туриш муҳим.

Ўқитувчи ўз фаолиятида педагогик техника методлари билан бирга педагогик техника воситаларидан ҳам фойдаланади.

Педагогик техника воситалари *– педагог томонидан ўқувчиларнинг у ёки бу ҳаракатлари ёки уларда намоён бўладиган маънавий-ахлоқий сифатларига нисбатан субъектив муносабат, алоҳида ҳис-туйғуларнинг маъноли ифодаланишини таъминловчи воситалар*

Моҳиятига кўра педагогик техника воситалари нутқ ва оғзаки бўлмаган мулоқот жараёнида қўлланиладиган воситалар саналади. Педагогик амалиётда ёш ўқитувчиларнинг педагогик техникасида қуйидаги жузъий камчиликлар учрайди:

1) ўқувчи ёки унинг ота-онаси билан сидқидилдан сўзлаша олмаслик;
2) ғазабни тўхтата олмаслик ёки уни ўз ўрнида ишлата олмаслик;
3) ўзида ишончсизликни енга олмаслик;
4) нутқни равон баён эта олмаслик;
5) ортиқча қаттиққўллик;
6) хушмуомала бўлишдан қўрқиш;
7) жуда тез гапириш (айниқса дарсларда);
8) ортиқча ҳаракат ёки бир жойда қотиб қолиш, қўлларини қаерга қўйишни билмаслик;
9) ўз гавдасини тутишда муайян камчиликларга йўл қўйиш (букчайиб, ерга қараб юриш, ўринсиз кулиш, ортиқча ҳаракат, қўлида турли жисмларни айлантириб юриш);
10) монотон – бир оҳангда сўзлаш, нутқнинг зерикарлилиги, жонли эмаслиги;
11) ифодали ўқиш, сўзларни аниқ, тўғри талаффуз қила олмаслк (нотўғри дикция), синф хонаси, аудитория учун зарур товуш

баландлигини белгилай олмаслик.

Ўқитувчининг ўқувчиларга педагогик таъсир кўрсатишида унинг нутқи ҳам ҳал қилувчи омиллардан бири саналади.

Ўқитувчи нутқи *– педагогнинг таълим-тарбия жараёнида тил воситаларидан фойдаланиши*

Ижтимоий муносабатларни ташкил этишда нутқнинг монолог, диалог, полилог шаклларидан фойдаланилади. Ўқитувчи фаолиятида ҳам нутқнинг айнан мана шаклларидан фойдаланиш ҳолатлари кузатилади (18-расм):



18-расм. Ўқитувчи нутқининг асосий шакллар

Ўқитувчи синфда оғзаки нутқнинг турли шаклларидан фойда- ланади. Қуйи синфларда

кўпроқ нутқнинг диалог ва полилог шакли самаралидир, чунки бу босқичда таълим суҳбат усули асосланади. Монологик нутқдан ўқитувчи ҳикоя, тасвир, таъриф, тавсиф характеридаги мавзуларни баѐн этишда фойдаланади. Монологик нутқ юқори синфларда ижтимоий, гуманитар фанлар – фалсафа, сиѐсатшунослик, педагогика, психология, социология, маданиятшунослик, “Миллий истиқлол ғояси”, “Маънавият асослари”, тарих, ҳуқуқ ва адабиѐт фанларини ўқитишда қўлланилса, диалог шаклидаги нутқ она тили, чет тили, математика, физика, биология, география, информатика ва ахборот асослари фанлари бўйича ташкил этиладиган дарсларида қўл келади. Ўрганилаѐтган мавзунинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда

ўқитувчи ҳар бир дарсда оғзаки нутқнинг барча шаклларидан ўринли, мақсадли фойдаланиши мумкин.

Ўқитувчи мавзулар бўйича материалларни ўқувчиларга етказиб беришда уларнинг хулқларига самарали таъсир этиш мақсадида кўз, қош, қўл, юз, бош, кафтлари ѐрдамида муайян ҳаракатларни амалга оширади. Унинг бундай ҳаракатлари тасдиқ ѐки инкорни ифодалаши мумкин. Ўқитувчи томонидан содир этилаѐтган ҳаракатлар ўринли бўлса улар сўзсиз педагогик таъсир жараѐнини кучайтиради. Бироқ, бу каби ҳаракатларни ўринсиз, тез-тез содир этавериши ўқувчиларнинг диққатларини сусайтиради, уларни зериктириб қўяди. Педагогик жараѐнда ўқитувчининг таъсирини кучайтирадиган омиллардан бири – унинг овози, унга хос бўлган хусусиятлар саналади. Ўқитувчи овозининг ѐқимли ва жарангдор бўлиши ўқувчилар эътиборини ўзига тўла қарата олишини таъминлайди. Ўз овозининг таъсирчанлигини аниқлаш учун ўқитувчи овозининг қанчалик даражада кучли, ширадор ва ѐқимли эканлигини билиши, шунингдек, зарур вазиятларда овознинг бу каби хусусиятларидан унумли фойдалана олиши зарур. Ўз овозида маълум камчиликлар борлигини сезган ўқитувчи уларни бартараф этишга ҳаракат қилиши керак. Бунинг учун овоздан фойдаланиш ва уни яхшилаш техникаси устида изчил, доимий машқ қилиб бориши талаб этилади. Зеро, бир ѐки икки марта қилинган машқ билан овоз хусусиятларини

яхшилаб бўлмайди.

Ўқитувчи овози ўзида қуйидаги хусусиятларни акс эттира олиши зарур:

1) жарангдорлик (товушнинг тозалиги ва тембрнинг ѐрқинлиги);
2) кенг диапазонлик (овознинг энг пастликдан энг юқоригача бўлган даражаси);
3) ҳаводорлик (эркин сўзлаганда яхши эшитувчанликка эга бўлиши);
4) ихчамлик, ҳаракатчанлик;
5) чидамлилик (узоқ ишлаш қобилиятига эга бўлиш);
6) мослашувчанлик (динамика, тембр, оҳандорликнинг турли шароитга мослаша олиши);
7) қарши шовқинларга нисбатан барқарорлик (халақит берувчи шовқинга тембр ва тесситуранинг ўзгариб туриши);

Педагогик фаолиятда ўқитувчи ўз нутқини ташкил этишда қуйидагиларга жиддий эътибор қаратиши зарур:

1) адабий (шева сўзларининг қўлланилмаслиги) меъёрларига (кади – қовоқ, памилдори – помидор, келутти – келяпти, картишка – картошка ва ҳоказо тарзида) амал қилиш;
2) талаффуз (о, а, у ,ў, ф, в, п, д, т, х, ҳ, с, ц, ж, ш) меъёрларига (онор – анор, ухшаш – ўхшаш, палакат – фалокат, Ҳамит – Ҳамид, хам – ҳам, сентнер – центнер, ижтимоий – иштимоий каби шакллар) риоя этиш;
3) келишик меъёрларига (Собирни укаси – Собирнинг укаси, ўқувчини дафтари – ўқувчининг дафтари, поездга келдим – поездда келдим ва б. кўринишида) амал қилиш

Ўқитувчи нутқи ҳам нутқ товушларини ҳосил қиладиган нутқ органларининг иштирокида ташкил этилади. Нутқ кўплаб органлар иштироки, уларнинг имконияти билан ҳосил қилинади.

Нутқ ҳосил қилувчи органлар – *нутқни ҳосил қилиш жараёнида иштирок этувчи органлар.*

Нутқни ҳосил қилишда иштирок этувчи

Нутқ аппарати нутқни ҳосил қилиш жараёнида иштирок этадиган бир неча органлардан ташкил топади (19-расм):

19-расм. Нутқ ҳосил қилувчи органлар

Бугунги кунда нутқ техникаси бўйича бир қанча мажмуавий машқлар асосланган. Улар сўзлашиш пайтида тўғри нафас олиш, товуш ҳосил қилиш ва нутқни маъноли ифодалаш малакаларини такомиллаштиришга ѐрдам беради.

Нутқ техникаси – нутқни тингловчи ѐки ўқувчига етказишда қўлланиладиган воситалар мажмуи

Ўқитувчини нутқининг ҳосил бўлишида нафас олиш муҳим аҳамиятга эга.

Нафас олиш организмга ҳаѐт бағишловчи физиологик функ- цияни бажариш билан бирга нутқнинг энергия базаси ҳам ҳисобланади.

Нутқли (ѐки товушли) нафас олиш (фонацион, юнон. “phono” – товуш) – нафаснинг нутқ жараѐнидаги олиниши

Инсоннинг кундалик ҳаѐтидаги нутқ асосан диалог шаклида бўлади. Касбий фаолиятни ташкил этиш, айниқса, дарс жараѐнида ўқитувчи узоқ сўзлайди. Бу эса янги мавзуни тушунтириш, маъ- руза ўқиш билан боғлиқ. Шу боис ўқитувчи нутқли нафас олиш турлари бил[illegible] таниш бўлиши, тўғри нафас олиши зарур



20-расм. Нафас олиш техникасининг асосий турлари (Т. Қудратов)

Агар ўқитувчи нафас олиш техникасини яхши эгалламаган бўлса, унда педагогик фаолият жараènида узоқ сўзлаш оқибатида томир уришининг тезлашуви, юзнинг қизариб кетиши, нафас қисилиши рўй беради.

Нутқнинг ҳосил бўлишида товушлар ҳам муҳим ўрин тутади.

Товуш *– чиқарилган ҳавони хиқилдоқдан ўтиш пайтида овоз пардаларнинг тебраниши натижасида вужудга келадиган ҳодиса, садо, (сас)*

Товуш қуйидаги хусусиятларга эга (21-расм):



21-расм. Товушга хос хусусиятлар

Ўқитувчи нутқини ташкил этишда **д и к ц и я** ҳам алоҳида ўрин тутади.

Дикция *сўзларнинг аниқ талаффуз қилиниши*

Талаффузнинг аниқлиги ўқитувчи нутқининг тушунарли бўлишига èрдам беради, шунингдек, ўқувчилар томонидан тўғри тушунилишини

таъминлайди. Талаффуз қанчалик аниқ бўлса, айтилаѐтган сўз, ифодаланаѐтган бўғин ва товушлар шунчалик тиниқ, ѐрқин ифодаланади. Товуш нутқ аппаратининг барча аъзолари (лаблар, жағ, тишлар, юмшоқ ва қаттиқ танглай, кичик тил, кекирдак, томоқ орқа девори, товуш найчалари)нинг биргаликда унумли ишлашига боғлиқ. Тил, лаблар, юмшоқ танглай, кичик тил ва пастки жағ нутқда фаол иштирок этади. Шу

сабабли уларни доимий машқ қилдириш туриш муҳим аҳамиятга эга.

> ***Артикуляция*** *(лот. “articulation” < “articulare” – “аниқ талаффуз қилмоқ”) нутқ орган (аъзо)ларининг товуш*

Товушнинг аниқ талаффуз қилинишини такомиллаштириш артикуляция гимнастикаси асосида амалга оширилади.

Ҳар бир унли ва ундош товушларни тўғри ифодалашга ўргатувчи машқлар (ифодали ўқиш, тез айтишлар).

Ўқитувчи нутқининг ташкил этилишида **р и т м и к а** ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

> ***Ритмика*** *– айрим сўз ва бўғинларнинг айтилиш муддати ва тўхталиши, нутқ ва ифодаларнинг навбат билан ўз ўрнида ишлатилишини билдиради*

Унга хос муҳим жиҳат ритм саналади.

Ритм (нутқнинг вазни) нутқнинг муҳим хусусияти саналади, зеро, нутқ оҳанги, тўхтамлар ҳам тингловчиларга бевосита кучли ҳиссий таъсир кўрсатади. Нутқнинг ритми (вазни)га кўра ўқувчига узатилаётган билимлар, ўқув материалининг мураккаб ўринлари ўқитувчи томонидан аста-секин баён қилинади, осон ўзлаштири- ладиган қисмларини эса нутқни бир қадар тезлаштириб баён этиш мумкин. Ўқитувчи ўз фаолиятида аниқ, равон, маъноли, ифодали нутқни ўзлаштира олиши, бир сўз билан айтганда нутқ маданиятини эгаллаши зарур.

Нутқ маданияти *– ўз фикрини нутқ ѐрдамида мантиқли, тўғри, образли, аниқ ва ифодали етказиб бериш малакаларининг ўзлаштирилганлик даражаси*

Педагогик маҳорат негизида педагогнинг касбий, яъни, педагогик тажрибага эга бўлиши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Педагогик тажриба *– касбий фаолиятни ташкил этиш жараènида педагог томонидан ўзлаштирилган орттирилган билим, кўникма ва малакалар мажмуи*

Ўқитувчилар фаолиятида педагогик тажрибани ҳосил қилиш қуйидаги йўлларга таянилади:

1) мустақил ўқиб-ўрганиш;
2) илғор иш тажрибалари билан танишиш;
3) илмий анжуманларда иштирок этиш;
4) ўзаро тажриба алмашиш;
5) ҳамкорликда педагогик изланишларни олиб бориш;
6) тажрибали шахслардан маслаҳат олиш ва б.

III. Таълим жараènини самарали бошқариш ва педагогик низоларни ҳал этиш. Таълим жараènида ўқитувчи режалаштириш, ташкил этиш, бошқариш, назорат қилиш, натижаларни баҳолаш ва таҳлил қилиш каби вазифаларни бажаради.

Таълим жараёнини бошқариш *– ўқитувчи томонидан муайян мавзу бўйича èки назорат ишларини ўтказиш мақсадида ташкил этилаèтган ўқув машғулотларининг илмий-педагогик ва амалий- методик жиҳатдан тўғри ташкиллаштирилиши олиб борилиши, натижаларнинг таҳлил этилиши*

Одатда таълим жараènини самарали бошқариш ўқитувчилар томонидан ўқув машғулотларини илмий-педагогик ва амалий- методик жиҳатдан тўғри ташкиллаштириш, олиб бориш ва натижаларни холис, тизимли таҳлил этишга доир билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишига боғлиқ. Шу сабабли талабалар (бўлажак ўқитувчилар) ҳамда малака ошириш курсларининг

тингловчиларида бу борадаги билим, кўникма, малакаларни шакллантириш ҳамда ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўқитувчи томонидан таълим жараènини бошқариш қуйидаги босқичларда ташкил этилади (22-расм):



22-расм. Таълим жараènини бошқариш босқичлари

Ўқитувчи таълим жараènини ташкил этишни *режалаш- тириш*да календар-тематик èки дарслар режаларини тузишга эътибор қаратади. Ўқитувчининг таълим жараènини *ташкил этиш*даги роли ўқувчилар олдига ўқув масалаларини қўйиш, уларнинг самарали бажарилиши учун зарур шароитни яратишдан иборат. Агарда таълим жараènида ўқувчилар фаолиятини *бошқариш*да ўқитувчи уни тўғри йўналтириш вазифасини бажарса, *назорат* ўқувчилар фаолиятининг мақсадга мувофиқ, самарали ташкил этилишини таъминлайди. Таълим жараèни бўйича натижаларни *баҳолаш ва таҳлил қилиш*да ўқитувчи таълим жараènининг қандай кечганлигини билиш, ютуқлар омилларини ўрганиш, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш чораларини белгилашга эътибор

қаратиши лозим.

Педагогик жараѐндаги муҳим ҳодисалардан бири – низо саналади.

Низо *– қарама-қарши, бир-бирига тўғри келмайдиган кучлар тўқнашуви, икки ѐки ундан кўп тарафлар орасида ўзаро келишувнинг йўқлигини, манфаатлар тўқнашувини ифодаловчи зиддият*

Педагогик низо *– педагог ва талаба, ота-она, ҳамкасблар ѐки раҳбарият ўртасида педагогик жараѐнда юзага келган*

Педагогик низо бир қатор белгиларга эга. Унга хос бўлган асосий белгилар қуйидагилардир:

- инқироз;

- англашилмовчилик;
- кутилмаган ҳодиса;
- зўриқиш;
- ноқулайлик, ички ёки ташқи хавотир, бартараф этиш қийин бўлган қўрқув

Педагогик низоларнинг келиб чиқишига муайян омиллар таъсир этади. Улар (23-расм):



23-расм. Педагогик низони келтириб чиқарувчи омиллар

Давомийлигига кўра педагогик низолар бир неча турли бўлади.
Уларнинг асосий турлари қуйидагилардир (24-расм):



24-расм. Педагогик низо турлари

Педагогик низоларда адолатсизликларга, ижтимоий муноса- батлардаги яккаҳокимликка йўл қўйиб бўлмайди.

Педагогик низоларни ҳал этишда бир қатор йўл тутилади.

Улар орасида энг самарали йўллар қуйидагилар саналади:

1. Низонинг таъсир доирасини кенгайтирмаслик.
2. Қулай ечимларни таклиф қилиш.
3. Ман этилган усулларни қўлламаслик, шакллардан фойдаланмаслик.
4. Шикоятлар сонини қисқартириш.
5. Иккинчи даражали масалаларни ҳам узвий равишда ҳал қилиб бориш.
6. Низога киришган субъектлар шахсини камсита-диган сўзлардан фойдаланмаслик

Педагогик низоларни ҳал этишда бир қатор усуллар ҳам қўлланилади. Улар орасида энг самарали усуллар қуйидагилар саналади (25-расм):





25-расм. Низони ҳал қилишнинг педагогик ва маъмурий усуллари

Педагоглар педагогик низо иштирокчиларига педагогик, педагогик ѐрдам кўрсата олиш имкониятига ҳам эга бўлишлари зарур. Бу борада кўрсатиладиган ѐрдам турлари қуйидагилар саналади (26-расм):



26- расм. Педагогик низо субъектларига кўрсатиладиган педагогик-психологик ѐрдам турлари

IV. Замонавий педагог имиджи. Луғавий жиҳатдан **“имидж”** (инг. “*image”)* тушунчаси “сиймо”, “тимсол”, “қиѐфа” ва “образ” маъноларини англатади. Моҳиятига кўра эса ушбу тушунча ѐрдамида “жозиба”, “мафтункорлик” маънолари англанади.

Педагогик имидж педагогнинг маънавий-ахлоқий қиѐфаси билан ташқи кўриниши ўртасидаги ўзаро уйғунлик, мутаносиб- ликни ифодаловчи образи.

Педагогик фаолиятнинг самарали бўлишида **педагогнинг ташқи қиѐфаси** ҳам ўзига хос аҳамият касб этади. Ўқувчиларга самарали таъсир кўрсата олиш учун педагог, ўқитувчининг ташқи қиѐфаси қуйидаги талабларга жавоб бера олиши зарур:

- ўқитувчи ташқи кўринишининг ўқувчиларга эстетик таъсир кўрсатиши, уларни эстетик жиҳатдан завқлантира олиши;
- ўқитувчи сочининг таралган, чиройли турмакланган бўлиши;
- пардоз буюмларидан ўринли фойдаланиш, юзнинг ортиқча бўѐқлардан ҳоли бўлиши;
- ўқитувчи либосларининг тоза, озода, қоматига ярашган бўлиши, осилиб турмаслиги, ҳаддан ортиқ ҳашаматли бўлмаслиги лозим;
- заргарлик буюмларидан имкон қадар ҳоли бўлиш, айниқса,

товланувчи металлар – олин ва кумуш тақинчоқлардан фойдаланмаслик, либоснинг ранги ва ўқитувчининг ёш хусусиятларига мувофиқ оддий, ҳашаматли бўлмаган тошли ва

Шундай қилиб, кишилик жамияти тараққиѐтининг шахс тарбияси масалалари кун тартибига қўйилган илк даврларданоқ болаларнинг таълими ва тарбияси учун масъул шахслар тоифасининг шаклла- ниши, уларнинг шахс ва мутахассис сифатида муайян ижтимоий талабларга жавоб бера олишлари, касбий маҳоратга эга бўлишларига нисбатан ижтимоий талаблар қўйила бошлаган. Талабаларни ижтимоий талаблар билан яқиндан таништириш, уларда педагогик малака ва касбий маҳоратни шакллантириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Педагогик маҳорат асослари бўлажак мутахассисларни таълим ва тарбия жараѐнларни методик жиҳатдан пухта, ташкилий жиҳатдан самарали ташкил эта олишларида муҳим пойдевор ҳисобланади. Уларнинг педагогик техникага эга бўлишлари касбий жараѐнда юзага келадиган шахслараро муносабатларни самарали, салбий низоларсиз уюштирилишини таъминлаш билан бирга ҳеч бир қийинчиликсиз таълим ва тарбиявий ишлар жараѐнини ташкил этилишига ҳам ѐрдам беради.

Назорат учун саволлар:

1. “Маҳорат” ва “педагогик маҳорат” тушунчалари қандай маъно англатади?
2. Педагогик маҳорат қандай муҳим таркибий қисмлардан иборат?
3. Педагогик билимдонлик ва педагогик рефлексия нима?
4. Педагогик одобнинг асосий шакллари қайсилар?
5. Педагогик деонтология нима?
6. Педагогик обрў қандай қозонилади?
7. Педагогик қобилият нима ва унинг қанай турлари мавжуд?
8. Қандай қобилиятлар ноѐб қобилиятлар саналади?
9. Педагогик эмпатия нима?
10. Педагогик мулоқотнинг қандай турлари ва услублари мавжуд?
11. “Педагогик релаксация” деганда нимани тушунасиз?
12. Педагогик назокат (такт) нима?
13. Педагогик тажриба нима ва у қандай йўллар билан ҳосил қилинади?
14. Педагогик низо нима ва у қандай йўллар билан ҳал этилади?
15. “Имидж” ва “педагогик имидж” деганда нимани тушанасиз?

ПЕДАГОГИК КРЕАТИВЛИК ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Режа:

1. “Креативлик” ва “педагогик креативлик” тушунчаларининг моҳияти.
2. Педагогнинг креативлик потенциали.
3. Креативлик потенциалининг таркибий асослари ва устувор тамойиллари.
4. Педагогнинг креативлик потенциали даражасини аниқловчи мезонлар.
5. Ўқув топшириқларини ишлаб чиқишга ижодий ѐндошиш.

Таянч тушунчалар: креативлик, креативликни ривожланти- риш, креативликни ривожлантиришга тўсқинлик қиладиган омиллар, креатив потенциал, педагогик креативлик, педагогнинг креатив потенциали, креатив потенциалнинг таркибий асослари ва тамойиллари, педагогнинг креатив потенциалини аниқловчи мезонлар.

Фойдаланиш учун адабиѐтлар:

1. Барышева Т.А., Жигалов Ю.А. Психолого-педагогические основы развития креативности – СПб.: СПГУТД, 2006.
2. Башина Т.Ф., Ильин Е.П. Психология творчества, креативности, одаренности. – СПб.: Питер, 2009.

I. “Креативлик” ва “педагогик креативлик” тушунчаларининг моҳияти. Замонавий шароитда педагогнинг креативлик сифатларига эга бўлиши тақозо этади.

Креативлик *(лот., инг. “create ” – яратиш, “creative ” яратувчи, ижодкор) – индивиднинг янги ғояларни ишлаб чиқаришга тайѐрликни тавсифловчи ҳамда мустақил омил сифатида иктидорлилигининг таркибига кирувчи ижодий қобилияти*

Шахснинг креативлиги унинг тафаккурида, мулоқотида, ҳис- туйғуларида, муайян фаолият турларида намоѐн бўлади.

Креативлик шахсни яхлит ҳолда ѐки унинг муайян хусусиятларини тавсифлайди. Шунингдек, креативлик иқтидорнинг муҳим омили сифатида акс этади. Қолаверса, креативлик зеҳни ўткирликни белгилаб беради.

П.Торренс фикрича, “креативлик” тушунчаси негизида қуйидаги ѐритилади:

- муаммога ѐки илмий фаразларни илгари суриш;
- фаразни текшириш ва ўзгартириш;
- қарор натижаларини шакллантириш асосида муаммони аниқлаш;
- муаммо ечимини топишда билим ва амалий ҳаракатларнинг

Креативлик сифатлари қуйидагилар саналади (27-расм):



27-расм. Креативлик сифатлари

Бошқа ҳар қандай сифат (фазилат) каби креативлик ҳам бирданига шаклланмайди. Креативлик муайян босқичларда изчил шакллантириб ва ривожлантирилиб борилади. Хўш, шахс фаолиятида креативлик хусусиятлари қачондан намоѐн бўлади?

Одатда креативлик болаларнинг фаолиятида тез-тез кўзга ташлансада, бироқ, бу ҳолат болаларнинг келгусида ижодий ютуқларни қўлга киритишларини кафолатламайди. Фақатгина улар томонидан у ѐки бу ижодий кўникма, малакаларни ўзлаштиришлари зарур деган эҳтимолни ифодалайди.

Болаларда креативликни ривожлантиришда қуйидагиларга эътибор қаратиш зарур:

1) улар томонидан кўп саволлар берилишини рағбатлантириш ва бу одатни қўллаб-қувватлаш;
2) болаларнинг мустақиллигини рағбатлантириш ва уларда жавобгарликни кучайтириш;
3) болалар томонидан мустақил фаолиятни ташкил этилиши учун имконият

Қуйидаги омиллар шахсда креативликни ривожлантиришга тўсқинлик қилади:

1) ўзини тавакалдан олиб қочиш;
2) фикрлаш ва хатти-ҳаракатларда қўполликка йўл қўйиш;
3) шахс фантазияси ва тасаввурининг юқори баҳоланмаслиги;
4) бошқаларга тобе бўлиш;
5) ҳар қандай ҳолатда ҳам фақат ютуқни ўйлаш

Психологияда П.Торренс томонидан шахс креативлигини аниқловчи тест ишлаб чиқилган. П.Торренснинг фикрича, шахс креативлиги ўзида қуйидаги белгиларни намоѐн қилади:

1) саволлар, камчиликларга èки бир-бирига зид маълумотларга эътиборсиз бўлмаслик;
2) муаммоларни аниқлаш учун ҳаракат қилиш, илгари сурилган тахминлар асосида уларнинг ечимини топишга интилиш

Бугунги кунда психологияда шахс креативлиги унинг фаолиятига хос икки жиҳатга кўра аниқланмоқда. Бунда фаолиятнинг икки жиҳатини ѐритувчи тестлардан фойдаланилади. Улар қуйидагилардир (28-расм):



28- расм. Шахс креатив фаолияти моҳиятини ѐритувчи тест турлари

II. Педагогнинг креативлик потенциали. Ўқитувчининг ижодкорлиги у томонидан ташкил этилаиган касбий фаолиятни ташкил этишга ижодий (креатив) ѐндошувида акс этади. Сўнгги йилларда ушбу ҳолат "педагогик креативлик" тушунчаси билан ифодаланмоқда.

Педагогик креативлик *– педагогнинг анъанавий педагогик фикрлашдан фарқли равишда таълим ва тарбия жараѐнини самарадорлиги таъминлашга хизмат қилувчи янги ғояларни яратиш, шунингдек, мавжуд педагогик муаммоларни ижобий*

Педагогнинг **креативлик потенциали** унинг умумий хусусияти сифатида акс этади. У ижодий фаолиятнинг дастлабки шарти ва натижаси саналади. Мазкур сифат шахснинг ўз-ўзини намоѐн

қилиш лаѐқатига эгаликни ва тайѐрликни ифодалайди. Қолаверса, креатив потенциал негизида ҳар бир мутахассиснинг шахсий қобилиятлари, табиий ва ижтимоий қуввати яхлит ҳолда намоѐн бўлади.

Креатив потенциал билиш жараènига йўналтирилган ижодкорлик билан чамбарчас боғлиқ. Педагогнинг креатив потенциали анъанавий тафаккур юритишдан фарқли равишда қуйидагиларда намоèн бўлади:

- тафаккурнинг тезкорлиги ва эгилувчанлиги;
- янги ғояларни яратиш қобилияти;
- бир қолипда фикрламаслик;
- ўзига хослик;
- ташаббускорлик;
- ноаниқликка тоқат қилиш;
- заковатли бўлиш

Педагог креативлик потенциалига эга бўлиши учун касбий фаолиятида қуйидагиларга эътиборини қаратиши зарур:

- касбий фаолиятига ижодий èндошиш;
- янги-янги ғояларни яратишда фаоллик кўрсатиш;
- илғор педагогик ютуқ ва тажрибаларни мустақил ўрганиш;
- ҳамкасблар билан педагогик ютуқлар хусусида фикр алмашиш

Ҳар бир педагогнинг ўзини ўзи ривожлантириши ва ўзини ўзи намоèн эта олиши бевосита унинг креативлик қобилиятига эгалиги билан боғлиқ.

Педагогнинг креативлик потенциалини ривожлантиришда қуйидаги методлардан фойдаланиш самарали саналади (29-расм):



29- расм. Педагогнинг креативлик потенциалини ривожлантирувчи методлар

Одатда педагогларнинг креативлик қобилиятига эга бўлишлари педагогик муаммоларни ҳал қилишга интилиш, илмий- тадқиқот ишлари èки илмий лойиҳаларни амалга ошириш ва ўзаро ижодий ҳамкорликка эришишлари орқали таъминланади.

Педагог ўз-ўзидан ижодкор бўлиб қолмайди. Унинг ижодкорлик қобилияти маълум вақт ичида изчил ўқиб-ўрганиш, ўз устида ишлаш орқали шакллантирилади ва у аста-секин такомиллашиб, ривожланиб боради. Ҳар қандай мутахассисда бўлгани каби бўлажак педагогларнинг креативлик қобилиятига эга бўлишлари учун талабалик йилларида пойдевор қўйилади ва касбий фаолиятни ташкил этишда изчил ривожлантириб борилади. Бунда педагогнинг ўзини ўзи ижодий фаолиятга йўналтириши ва бу фаолиятни самарали ташкил эта олиши муҳим аҳамиятга эга. Педагог ижодий фаолиятни ташкил этишда муаммоли масалаларни ечиш, муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик характердаги ижод маҳсулотларини яратишга алоҳида эътибор қаратиши зарур.

Муаммоли масала ва вазиятларни ҳал қилар экан, педагогнинг масала ечимини топишга ижодий èндошиши унда ҳиссий- иродавий сифатларнинг ривожланишига èрдам беради. Педагог ўз олдига муаммоли масалаларни қўйиш орқали мавжуд билимлари ва ҳаètий тажрибаларига зид бўлган далиллар билан тўқнаш келади. Бунинг натижасида ўз устида ишлаш, мустақил ўқиб ўрганишга

нисбатан эҳтиѐж сезади.

III. Креативлик потенциалининг таркибий асослари ва устувор тамойиллари. Педагогнинг креатив потенциали қуйидаги таркибий асосларни ўз ичига олади (30-расм):



30- расм. Педагог креатив потенциалининг таркибий асослари

Креативлик потенциалига эга педагог ўзида қуйидаги малакаларни намоѐн эта олади:

- бажариладиган вазифанинг моҳияти ва аҳамиятини белгилай билиш;
- масаланинг қўйилишини таҳлил қила олиш;
- масалани ҳал қилиш режасини тузиш;
- масалани ҳал қилишда самарали методлар (анализ, синтез, индукция, дедукция, таққослаш ва б.)ларни қўллаш;
- масалани ҳал қилиш усулларини танлай олиш;
- қабул қилинган қарорнинг тўғрилигини асослаш ва қайта текшириш;
- масалани ҳал қилишда кичик тадқиқот (изланиш)ни олиб бориш;
- масалани ҳал қилиш шароити, жараѐннинг бориши ва масала

ечими якунларини умумлаштиришга оид далилларни расмийлаштириш

Педагогнинг илмий-тадқиқот ишлари ва илмий ѐки ижодий лойиҳаларни амалга ошириши унда креативлик потенциалини янада ривожлантиради. Натижада педагог:

- ижодий фикрлашга одатланади;
- илмий-тадқиқот фаолиятини олиб бориш кўникмаларини пухта ўзлаштиради;
- педагогика ѐки мутахассислик фани ютуқлари ҳамда илғор тажрибалардан фойдаланиш имкониятларини мустақил таҳлил қилади;
- педагогик жамоа томонидан олиб борилаѐтган илмий тадқиқот ва ижодий лойиҳаларни бажаришда фаол иштирок этади

Педагогнинг креативлик потенциали кўп даражали жараѐн ва у қуйидаги тамойилларга таянади (31-расм):



31- расм. Педагог креативлик потенциалининг устувор тамойиллари

IV. Педагогнинг креативлик потенциали даражасини аниқловчи мезонлар. Касбий фаолият самарадорлигини баҳолашда педагогнинг ижодкорлиги – кратив потенциали даражасини баҳолаш муҳим аҳамиятга эга.

Педагогнинг кративлик потенциали даражасини аниқловчи мезонлар қуйидагилар саналади (32-расм):



32- расм. Педагогнинг креатив потенциали даражасини аниқловчи мезонлар

Ушбу мезонлар педагоглар креатив потенциалини уч даражада аниқлаш имконини беради (5-жадвал):

5-жадвал.

Педагог креатив потенциалининг муҳим даражалари

№	Даражалар	Даража хусусиятлари
1.	Юқори	Мунтазам равишда турли ташаббусларни илгари суради, креатив қобилиятга эгалигини изчил намойиб этиб боради, креатив жиҳатдан ўта фаол, изланувчан
2.	Ўрта	Баъзан у ѐки бу ташаббусни илгари суради, креатив қобилиятга эгалиги мунтазам бўлмаса-да, аммо намоѐн бўлади, креатив жиҳатдан бир қадар фаол, изланувчан бўлишга интилади

3.	Паст	Гарчи у етарлича асосланмаган бўлса-да, ташаббусни илгари суршга интилади, креатив қобилияти етарлича намоѐн бўлмайди, изланувчан бўлишга интилмайди

Болаларда креативлик сифатларини ривожлантириш юзасидан Девид Льюис томонидан амалий кўрсатмалар ишлаб чиқилган. ***Кўрсатма қуйидагилардан иборат:***

1. Болаларнинг саволларига чидам билан тўғри жавоб беринг.

2. Уларнинг саволлари ва фикрларини жиддий қабул қилинг.

3. Болаларга ўз ишлари билан шуғулланишлари учун алоҳида хона ѐки бурчак ажратинг.

4. Агарда ижодий жараѐн билан боғлиқ бўлса, у ҳолда болани хонадаги тартибсизлик учун койманг.

5. Вақти-вақти билан болаларга уларни яхши кўришингизни ва уларни қандай бўлсалар, шундай қабул қилишларини намоѐн этинг.

6. Болаларга имкониятларига мос юмушларни буюринг.

7. Уларга шахсий режаларини ишлаб чиқиш ва қарорлар қабул қилишга кўмаклашинг.

8. Болаларга фаолиятларда юқори натижаларга эришишларига ѐрдам беринг.

9. Камчиликларини кўрсатган ҳолда болани бошқалар билан солиштирманг.

10. Болани камситманг ва ўзини ѐмон, ожиз деб ҳисоблашишига йўл қўйманг.

11. Уни мустақил фикрлашга ўргатинг.

12. Болани севимли машғулотини ташкил этиши учун зарур буюмлар билан қуроллантиринг.

13. Уни турли воқеаларни ўйлаб топишга, фантазия қилишга мажбурланг, бу жараѐнда унга ѐрдамлашинг.

14. Болани ѐшликдан ўқиб-ўрганишга одатлантиринг.

15. Доимо боланинг эҳтиѐжларига эътибор қаратинг.

16. Ҳар куни бола билан юзма-юз суҳбатлашиш учун вақт топинг.

17. Оилага оид масалаларнинг муҳокамасига болаларни ҳам жалб қилинг.

18. Хатолари учун болани масхара қилманг.

19. Болани ҳар бир ютуғи учун мақтанг.

20. Унинг ютуқларини мақташда самимий бўлинг.

21. Болани турли ѐшдаги кишилар билан мулоқот қилишга ўргатиб боринг.

22. Унинг борлиқни англашига ѐрдам берадиган амалий тажрибаларни ўйлаб топинг.

23. Болага турли латта-путталар билан ўйнашни тақиқламанг – бу унинг тасаввурини бойитади.

24. Уни муаммони топиш ва уни ҳал қилишга рағбатлантиринг.

25. Болага нисбатан ўз муносабатингизни баҳолашда одил бўлинг.

26. У билан муҳокама қилинадиган мавзуларни чекламанг.

27. Болага қарорларни мустақил қабул қилиш ва унинг учун жавобгар бўлиш имконини беринг.

28. Болага унинг шахс бўлиб шаклланиши учун ѐрдам беринг.

29. Болага унинг учун фойдали бўлган телекўрсатувларни томоша қилиши ва радио эшиттиришларни тинглаши учун кўмаклашинг.

30. Уни ўз қобилиятларини ижобий қабул қилишга одатлантириб боринг.

31. Болани катталардан мустақил бўлишга ўргатиб боринг.

32. Боланинг ўзига ва унинг соғлом фикрга эгалигига ишонинг.

33. Болага "Мен ҳам буни билмайман" деб, уни муваффақиятсизликларга беэътибор бўлишга ўргатманг.

34. Болага, гарчи у ишнинг ижобий натижага эга бўлишига ишонмаса-да, бошланган ишни охирига етказиши учун имконият яратинг.

35. Кундалик дафтар юритинг ва унга болада креатив қобилият шаклланишини қайд этиб боринг.

V. Ўқув топшириқларини ишлаб чиқишга ижодий ѐндошиш. Педагогнинг креативлигини ривожлантиришда унинг маъруза, амалий, семинар ва лаборатория машғулотлари учун ўқув топшириқларини ишлаб чиқишга ижодий ѐндошиш кўникма ва малакаларига эга бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун педагоглар ўзларида креативлик қобилиятини ривожлантириш йўлида тизимли, изчил амалий ҳаракатларни ташкил этишлари зарур. Қуйида уларнинг айримлари хусусида тўхталиб ўтилади.

1. Махсус тестлар билан ишлаш. Педагогларни қайта тайѐрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларида тингловчиларда креативлик қобилияти ва сифатлари мавжудлигини аниқлашда П.Торренснинг "Тугалланмаган расмлар" тестидан фойдаланиш самарали натижаларни беради.

Мазкур тест қуйидаги штрихларан иборат ноаниқ тасвирлардан иборат бўлиб, тингловчиларга уларни тугатиб бериш топшириғи берилади:





Айни вақтда ОТМ педагогларини қайта тайѐрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларида П.Торренснинг “Тугалланмаган расмлар” тести қўллаш жараѐнида тингловчилар томонидан қуйидаги таклифлар берилди. (ТАТУ, тингловчи С.Э.Ҳолиқов):





2. Талаба ва тингловчиларда ижодий тафаккурни шакллантиришга оид топшириқлар билан ишлаш. Бу турдаги топшириқлар талаба, тингловчиларда ижодий фикрлаш, воқеа, ҳодиса, жараѐн ѐки фаолият моҳиятини мантиқий ифодалаш, хаѐлот оламини бойитиш малакаларини ўзлаштиради. Бу мақсадда кичик эссе, табрикнома, таклифномалар учун матнларни ѐзиш, реклама роликлари учун матнлар ишлаб чиқиш каби топшириқлар фойдаланиш мумкин.

3. Матнли ахборотларни график шаклга ўтказиш.

Матнли, айниқса, катта ҳажмдаги матнли ахборотлар талабалар томонидан қийин қабул қилинади. Замонавий шароитда матнли ахборотларни график шаклига ўтказиш талаб этилмоқда. Ўқув ахборотларини график шаклига ўтказишда маълумотларни модел, схема, жадвал, диаграмма, тасвир, кластер, математик, физик, геометрик кўринишларида ифодалаш мақсадга мувофиқдир. Бу тарзда талабаларга тақдим этилган

ахборотлар талабалар томонидан самарали қабул қилинади.

Айни вақтда ОТМ педагогларини қайта тайѐрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларида “Педагогик технология ва педа- гогик маҳорат” йўналишида ташкил этилган амалий машғулотда

тингловчилар билан қуйидаги матнли ахборотни кластерда ифодалаш кўникма, малакалари билан қуроллантирилди:

Халқаро қуролли можаро. *Ҳуқуқий тушунча сифатида "халқаро қуролли можаро" илк бор 1949-йилдаги Женева конвенциясининг 2-моддасида уруш тушунчаси билан бир қаторда тилга олинган. Энг аввало, "можаро" ва "халқаро можаро" тушунчалари ўртасидаги фарқни билиб олиш керак.* ***Можаро*** *– икки қарама-қаршиликнинг ихтилофи.*

Халқаро можаро (ХМ) *– можаро асосида ѐтган ва унда қатнашаѐтганлар ўртасида мавжуд бўлган зиддиятларнинг кескин шаклда ифодаловчи расмий, сиѐсий муносабат саналади. ХМдан бири* ***қуролли можаро*** *саналади. Бироқ, ҳар қандай халқаро можаро қуролли можаро бўлавермайди. Қуролли можарода иккинчи томонга нисбатан қуроли куч ишлатилади. Демак, қуролли куч ишлатиш қуролли можаронинг ўзига хос жиҳатидир. 1975-1977-йилларда ташкил этилган Дипломатик анжуманларда миллий-озодлик урушлари ҳам халқаро қуролли можаро деб эътироф этилган.*

“Халқаро қуролли можаро” мавзусидаги ўқув ахборотининг кластердаги ифодаси



4. Интерфаол методлардан фойдаланиш. Машғулотларда интерфаол метод (стратегия, графикр органайзер)лар билан ишлаш талабалар томонидан ўқув ахборотларини тизимли, яхлит ҳолда ўзлаштириш имкониятини яратади. Қолаверса, интерфаол методлар ѐрдамида талабалар ўқув ахборотлари билан ишлашда билимларни таҳлил қилиш, синтезлаш, муҳим тушунчаларни тизимлаштириш, объект, жараѐн, фаолият, воқеа, ҳодисаларнинг умумий моҳиятини аниқ ифодалаш каби кўникма, малакаларни ўзлаштиришга муваффақ бўлади. М:

Word матн муҳаррирининг “Синквейн” стратегияси èрдамида èритилган моҳияти

1-қатор. *Windows* (1та от)
2-қатор. Ҳужжатни ***тез ва сифатли*** тайèрлайди (2 та сифат)
3-қатор. Маълумотларни ***ёзиш, қайта ишлаш ва сақлаш***га èрдам беради (3 та феъл)
4-қатор. *Windows тизими муҳитида ишлайди* (4 та сўз)
5-қатор. *Word матн муҳаррири Microsoft office дастурлари пакетига киради, унинг пиктограммаси “**W**” белгиси, унда яратилган файл кенгайтмаси **.doc** шаклида* (1 та гап)

“Ҳарбий соҳанинг умумий тавсифи” мавзусидаги концептуал жадвал

Муҳим жиҳатлар	Асосий белги (тавсиф)лар		
	1-белги (тавсиф)	2-белги (тавсиф)	3-белги (тавсиф)
1. Етакчи соҳа	Ҳуқуқий негизга эгалик	Тизимнинг мавжудлиги	Иерархик бошқарув
2. Давлат мудофаасини таъминловчи соҳа	Давлат ҳарбий ташкилоти эканлиги	Қуролли Кучларга эгалик	Чегаралар хавфсизлигини таъминлаш
3. Қуролли Кучлар таркиби	Ҳарбий вазирликка бўйсуниш	Таркибий қисмларнинг мавжудлиги	Замонавий арсеналга эгалик
4. Офицерлар таркиби	Ҳарбий унвон бўйича даражаланиш	Ҳарбий унвон-нинг “Кичик сержант-генерал” тизимида берилиши	Ҳарбий жасорат ва касбий ютуққа асосланиши
5. Бошқарув механизми	Уставга мувофиқ иш юритиш	Ҳарбий интизомга қатъий амал қилиниши	Ҳарбий унвонга кўра ўзаро бўйсуниш

6. Мажбурий хизмат	Барча фуқа-ролар учун мажбурий характер касб этиши	Айрим тоифадаги шахсларга имтиѐз берилганлиги	Мажбурий хизматнинг аниқ муддатга эгалиги

“Power Point ва Exzel дастурларини қиèсий ўрганиш” Мавзусидаги Венн диаграммаси

Назорат учун саволлар:

1. “Креативлик” тушунчаси қандай маънони англатади?
2. П.Торренснинг фикрича, креативлик негизида қандай кўникма-малакалар намоѐн бўлади?
3. Креативликка хос энг муҳим сифатлар қайсилар?
4. Шахснинг креативлик хусусиятлари қайси ѐшда кўзга ташланади?
5. Болаларда креативликни ривожлантиришда қандай шартларга амал қилиш зарур?
6. Қандай омиллар шахсда креативликни ривожлантиришга тўсқинлик қилади?
7. П.Торренс шахс креативлиги ўзида қандай белгиларни намоѐн қилади деб ҳисоблайди?
8. Шахс креативлигини аниқловчи тестлар неча турга бўлинади?
9. Педагогик креативлик нима?
10. “Педагогнинг креативлик потенциали” деганда нимани тушунасиз?
11. Педагог креативлик потенциалига эга бўлиши учун нималарга эътибор қаратиши зарур?
12. Педагогнинг креативлик потенциалини ривожлантиришда қандай методлардан фойдаланиш мумкин?
13. Креативлик потенциалига эга педагог ўзида қандай малакаларни намоѐн этади?
14. Педагогнинг креативлик потенциали қандай таркибий асосларни ўз ичига олади?
15. Педагогнинг креативлик потенциали қандай тамойилларга таянади?
16. Педагогнинг кративлик потенциали даражасини аниқловчи мезонлар қайсилар саналади?
17. Педагогнинг креативлик потенциалини қандай даражаларда аниқлаш мумкин?
18. Девид Льюис томонидан ишлаб чиқилган амалий кўрсатмалар қандай мақсадга хизмат қилади?

ХОТИМА

Замонавий шароитда педагогнинг касбий компетентлик сифатларига эга бўлиши, ўз устида изчил ишлаши, кун сайин янгиланиб бораётган билимларни ўзлаштиришга интилиши, ўқув ахборотларини талабаларга қизиқарли тарзда етказиб бериш учун машғулотларга тайёргарлик кўришга ижодий ёндаша олиши талаб этилмоқда. Бинобарин, глобал ахбортлашув ижтимоий субъектлар, хусусан, талабалар томонидан ҳам исталган маълумотни ихтиёрий равишда ўзи учун қулай шароит ва жойда турли ахборот-коммуникацион технологиялар ёрдамида ўзлаштириш имкониятини юзага келтирмоқда. Гарчи шундай ҳолатда маълумотларни қабул қилиш имконияти ниҳоятда кенг бўлса-да, бироқ, шахс томонидан бу таҳлитда ўзлаштирилган ахборотларнинг барчаси ҳам билим сифатида намоён бўлмайди. Чунки билимнинг ҳар қандай ахборотдан асосий фарқи маълумотларнинг муайян соҳалар бўйича тизимли, изчил, узлуксиз ҳамда мақсадга мувофиқли ўзлаштирилганлиги билан белгиланади.

Таълим тизимида том маънода талабаларга сифатли, фойдали, муҳим, зарур, керакли ва амалий аҳамиятга эга маълумотларни тизимли равишда етказиб бера олиши учун бугунги кун педагоги

ахборотларни тезкор қабул қилиш, қайта ишлаш ва талабаларга самарали, қизиқарли тарзда етказиб беришнинг уддасидан чиқа олиши зарур. Бу эса педагогнинг касбий компетентлик сифатлари, педагогик маҳорат асослари ҳамда креативлик қобилиятига эга бўлиши зарурият сифатида кун тартибига олиб чиқмоқда.

ОТМ педагогларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тингловчиларини педагогик компетентлик, педагогик маҳорат ва креативлик асослари билан таништириш улар томонидан ўқув жараёнини ижодий характерда, қизиқарли, талабаларнинг фаолликлари асосида ташкил этилишишга ёрдам беради. Тингловчиларнинг ҳар қандай ўқув ахборотига нисбатан ижодий ёндаша олиш, уларни қайта ишлаш, айниқса, давр

талабидан келиб чиққан ҳолда матнли маълумотларни моделлаштириш имкониятига эга бўлишлари нафақат талабаларни балки ўзларининг ҳам ўқув жараènига бўлган муносабатларини ижобий томонга тубдан ўзгартиради.

Ушбу методик қўлланма ОТМ педагогларини қайта тайèрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тингловчиларида ўқув ахборотлари билан ишлашга нисбатан янгича, ижодий èндошиш малакаларини шакллантиришга хизмат қилади.

ГЛОССАРИЙ

Адолат – муайян воеқа-ҳодиса, жараèн, шунингдек, шахс хатти- ҳаракатларини уларнинг туб моҳиятига кўра ҳаққоний баҳолаш

Англаш қобилияти – ўқитувчиларнинг таълим ва тарбия жараèни моҳияти, қонуниятлари, талабаларнинг èш, психологик ва шахсий хусусиятлари, таълим иштирокчилари ўртасидаги муносабат мазмуни, педагогик фаолиятни самарали ташкил этиш шартлари ҳамда кутиладиган натижаларни англашга имкон берадиган индивидуал психологик хусусият

Артикуляция (лот. “articulation” < “articulare” – “аниқ талаффуз қилмоқ”) нутқ орган (аъзо)ларининг товуш ҳосил қилишдаги ҳаракатлари ҳолати

Баҳолаш маданияти – педагогнинг у èки бу педагогик воқелик, ҳодиса, жараèнлар бўйича уларнинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда тўғри хулоса чиқариш, оқилона қарор қабул қилиш қобилиятига эгалигини англатувчи сифат

Билиш қобилияти – ўқитувчининг таълим жараènининг иштирокчилари – талабалар, ота-оналар, ҳамкасблар ва таълим муассасасининг раҳбарлари билан осон мулоқотга киришиш, улар билан муносабатни тўғри йўлга қўйишга èрдам берадиган индивидуал психологик хусусият

Диапазон (юнон. “diapason” – “барча (торлар)

орқали”) – товуш ҳажми бўлиб, унинг чегараси энг юқори ва қуйи оҳанглар билан белгиланади.

Дикция (лот. “diction” – “талаффуз қилиш”) – сўзларнинг аниқ талаффуз қилиниши

Жест (гавда, қўл ва оёқ ҳаракатлари) – муайян ҳодиса ёки объектга нисбатан муносабатнинг гавда, қўл ваоёқ ҳаракатлари ёрдамида ифодаланиши

Ижтимоий компетентлик – ижтимоий муносабатларда фаоллик кўрсатиш кўникма, малакаларига эгалик, касбий фаолиятда субъектлар билан мулоқотга кириша олиш

Индивидуал ривожланиш дастури (ИРД) – ҳар бир шахс ёки мутахассиснинг ўзида маълум сифат, БКМ, касбий компетентликни шакллантириш ва ривожлантириш

эҳтиѐжлари асосида ишлаб чиқилган шахсий-амалий характердаги дастур

Инновацион компетентлик – педагогик жараѐнни такомиллаштириш, таълим сифатини яхшилаш, тарбия жараѐнининг самарадорлигини оширишга доир янги ғояларни илгари суриш, уларни амалиѐтга муваффақиятли татбиқ этиш

Интуиция (лот. “intuition” < “intueri” – “синчиклаб, диққат билан қарамоқ”) – мантиқий боғланмаган ѐки мантиқий хулосага келиш учун етарли бўлмаганда қидирув йўналишлари асосида масалани ечишнинг таркибини бўлган эврестик (унумли ижодий фикрлаш) жараѐни

Информацион компетентлик – ахборот муҳитида зарур, муҳим, керакли, фойдали маълумотларни излаш, йиғиш, саралаш, қайта ишлаш ва улардан мақсадли, ўринли, самарали фойдаланиш

Касбий билимларни пухта ўзлаштириш маданияти – педагог томонидан мавжуд педагогик билимларни пухта ўзлаштириш йўлида амалий ҳаракатларнинг ташкил этилаѐтганлигини англатувчи сифат

Касбий зийраклик – ўқувчилар руҳий ҳолатларини, дарс, тарбиявий тадбирларни ўтказишга бўлган иштиѐқларини тўғри баҳолаш, уларнинг ўзаро ѐки педагоглар билан зиддиятларини англаш, ўқувчи ва гуруҳга таъсир кўрсатишда қулай вазиятини танлай билиш

Касбий компетентлик – мутахассис томонидан касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур

бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ва уларни амалда юқори даражада қўллай олиниши

Касбий-педагогик бурч – мутахассис сифатида ўқитувчи томонидан касбий фаолиятда адо этилиши мажбурий бўлган вазифа

Коммуникатив компетентлик – таълим жараѐнининг барча иштирокчилари, жумладан, талабалар билан самимий мулоқотда бўлиш, уларни тинглай билиш, уларга ижобий таъсир кўрсата олиш

Компетентлик (инг. “competence” – “қобилият”) – фаолиятда назарий билимлардан самарали фойдаланиш, юқори

даражадаги касбий малака, маҳорат ва иқтидорни намоѐн эта олиш

Креатив компетентлик – педагогик фаолиятга нисбатан танқидий ва ижодий ѐндошиш, ўзининг ижодкорлик малакаларига эгалигини намойиш эта олиш

Креативлик (инг. “create ” – яратиш, “creative ” – “яратувчи”, “ижодкор”) – индивиднинг янги ғояларни ишлаб чиқаришга тайѐрликни тавсифловчи ҳамда мустақил омил сифатида иқтидорлиликнинг таркибига кирувчи ижодий қобилияти

Махсус компетентлик – касбий-педагогик фаолиятни ташкил этишга тайѐрланиш, касбий-педагогик вазифаларни оқилона ҳал қилиш, фаолияти натижаларини реал баҳолаш, БКМни изчил ривожлантириб бориш бўлиб, ушбу компетентлик негизида психологик, методик, информацион, креатив, инновацион ва коммуникатив компетентлик кўзга ташланади

Маҳорат (араб. “моҳирлик”, “усталик”, “эпчиллик”) – 1) бирор иш, касб учун зарур ѐки шу соҳада орттирилган усталик, санъат, моҳирлик; 2) бир иш ѐки фаолиятни юксак даражада, ҳеч бир қийинчиликсиз, ўта моҳирлик билан бажариш; 3) муайян иш, хатти-ҳаракат ѐки касбий фаолиятнинг усталик, моҳирлик билан, санъаткорона ташкил этилишига имкон берадиган билим, кўникма ва малакалар мажмуи

Методик компетентлик – педагогик жараènни методик жиҳатдан оқилона ташкил этиш, таълим èки тарбиявий фаолият шаклларини тўғри белгилаш, метод ва воситаларни мақсадга мувофиқ танлай олиш, методларни самарали қўллай олиш, воситаларни муваффақиятли қўллаш

Мимика (юнон. “mimikos” – “тақлидий”) – юз мускуллари ҳаракатлари орқали шахснинг ўз фикри, ҳис-туйғулари, кайфияти ҳамда мавжуд воқеликка муносабатини ифодалаши **Мулоқот жараènида ахборот алмашиш воситалари** – шахслараро мулоқот жараènида ахборот алмашинувини таъминловчи моддий ва номоддий нарса, омиллар (оғзаки ва èзма нутқ, паралингвистик ва экстралингвистик тизимлар, мулоқотнинг ташкилий кўлами ва вақти, кўз қарашлар èрдамида ташкил этиладиган алоқа, белгиларнинг оптик- кинетик тизими (мимика, пантомимика, жестлар – гавда, қўл ва оèқ ҳаракатлари))

Мулоқот – 1) кишиларнинг ўзаро алоқаси, бир-бирларига таъсир кўрсатишлари кишилар ўртасидаги алоқани тиклаш ва ривожлантириш жараѐни; 2) кишиларнинг бир-бирларига таъсир кўрсатиши асосида улар ўртасида рўй берадиган ахборот алмашинуви

Мулоқот маданияти – 1) мулоқот жараѐнини ахлоқий меъѐрлар, ижтимоий талабларга мувофиқ ташкил этиш асосида суҳбатдошни тушуна олиш эҳтиѐжи ва қобилиятига эгалик; 2) педагогик маданиятнинг таркибий элементларидан бири

Нафас олиш – 1) организмга ҳаѐт бағишловчи физиологик функция; 2) нутқнинг энергия базаси

Нафас олиш техникаси – физиологик функция ѐки нутқнинг энергия базаси сифатида нафас олишда қўлланиладиган воситалар мажмуи

Ноѐб қобилиятлар – шахсга хос индивидуал психологик хусусиятнинг шундай тури бўлиб, у жуда кам сонли шахслардагина кузатилади ва кўп учрайдиган психологик ҳодиса саналмайди

Нутқ аппарати – нутқни ҳосил қилишда иштирок этувчи органлар.

Нутқли (ѐки товушли) нафас олиш (фонацион, юнон. “phono” – “товуш”) – нафаснинг нутқ жараѐнидаги олиниши

Нутқ маданияти – ўз фикрини нутқ ѐрдамида мантиқли, тўғри, образли, аниқ ва ифодали етказиб бериш малакаларининг ўзлаштирилганлик даражаси

Нутқ техникаси – нутқни тингловчи ѐки ўқувчига

етказишда қўлланиладиган воситалар мажмуи

Нутқ ҳосил қилувчи органлар – нутқни ҳосил қилиш жараѐнида иштирок этувчи органлар (ўпка, иккита бронх, трахея, кекирдак, бўғиз, ҳиқилдоқ, ҳалқум, тишлар, бурун бўшлиғи, лаблар)

Пантомимика – педагог томонидан баѐн этилаѐтган муайян фикрни алоҳида ажратиб кўрсатишга, маълум қиѐфа орқали гавлантиришга имкон беради гавда, қўл ва оѐқларнинг ҳаракати

Паралингвистик тизим (юнон. “parά” – яқин, нем. “linguistik” – тил) – мулоқот таркибида сўзли, назарий маълумотларни

сўзсиз воситалар билан биргаликда узатилиши англатувчи тизим.

Педагогик билим – болаларни ўқитиш ва тарбиялаш, таълим ҳамда тарбия жараènини ташкил этиш асосида шахсни ҳар томонлама камол топтиришга доир тизимланган маълумотлар йиғиндиси

Педагогик билимдонлик – 1) педагог томонидан мутахассислик билимларининг пухта эгалланганлиги; педагогнинг билағонлиги; 2) педагогнинг касбий фаолиятни мавжуд ижтимоий талаб, ҳуқуқий меъèр ва стандартларга мувофиқ ташкил этишга бўлган қобиллиги, касбий тайèргарлик даражаси

Педагогик бошқариш – педагогик жараènларни ташкилий- методик жиҳатдан уюштириш (талабалар фаолиятни бошқариш; талабалар жамоасини бошқариш)

Педагогик дунèқараш – педагог ва таълим олувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатлари жараènининг мазмунини, натижаларини белгиловчи диалектик қарашлар ва эътиқодлар тизими

Педагогик ижод – педагогнинг касбий жараènни самарали ташкил этишга йўналтирилган яратувчанлик фаолияти

Педагогик интуиция (лот. “intueri” – “синчиклаб, диққат билан қараш”) – педагог томонидан педагогик воқеа-ҳодисанинг моҳиятини, ўқувчи хатти-ҳаракатлари мазмунини тасаввур,

эмпатия ва орттирилган тажриба асосида ҳис-туйғу, сезги ѐрдамида, зийраклик билан мантиқий далилларсиз бевосита англаш

Педагогик креативлик (лот. “creatio” – “яратиш”) – педагогнинг анъанавий педагогик фикрлашдан фарқли равишда таълим ва тарбия жараѐнини самарадорлиги таъминлашга хизмат қилувчи янги ғояларни яратиш, шунингдек, мавжуд педагогик муаммоларни ижобий ҳал қилишга бўлган тайѐргарлигини тавсифловчи қобилияти

Педагогик лойиҳалаш маданияти – педагог томонидан ўзининг ички имкониятлари билан талаб, хоҳиш-истакларни ўзаро уйғунлаштира олган ҳолда мақсад, вазифаларни тўғри белгилай олиш, педагогик жараѐнни босқичлар бўйича

режалаштириш, режани амалга оширишда зарур воситаларни танлаб билиш малакаси эгаликни тавсифловчи сифат

Педагогик маданиятга эгаликни ифодаловчи сифатлар – ўқитувчида касбий хулқ-атвор, одоб, муомала ва хатти-ҳаракат кўникма, малакалар мавжудлигини ифодаловчи сифатлар

Педагогик маданиятнинг таркибий элементлари – ўқитувчининг мутахассис сифатида касбий маданияти сифатларини ҳосил қилувчи таркибий элемент (унсур)лар (педагогик лойиҳалаш маданияти; касбий билимларни пухта ўзлаштириш маданияти; педагогик дунѐқараш; фикрлаш маданияти; ҳис этиш маданияти; баҳолаш маданияти; мулоқот маданияти; ташкилотчилик қобилияти)

Педагогик маданият – 1) педагогнинг шахс ва мутахассис сифатида муайян хулқ-атвор, одоб, муомала ва хатти- ҳаракат кўникма, малакаларини ўзлаштириш даражаси; 2) педагогнинг касбий вазифаларни ҳал қилиш усул ва воситаларини ўзлаштирганлик, педагогик билимдонлик, такт, техника ва маданиятни намоѐн қила олишнинг юқори даражаси

Педагогик мажбурият – жамият томонидан ўқитувчи шахсига, у томонидан бир қатор педагогик мажбуриятларнинг бажарилишига нисбатан қўйиладиган талаб ва ахлоқий йўл-қўрий, кўрсатмалар мажмуаси

Педагогик маҳоратнинг муҳим таркибий қисмлари – ўқитувчиларда намоѐн бўладиган касбий маҳорат асосини ташкил этувчи элемент (унсур)лар (педагогик одоб, педагогик билимдонлик, педагогик қобилият, педагогик мулоқот маданияти, педагогик релаксация, коммуникатив таъсир кўрсатиш қобилияти, педагогик такт (назокат), педагогик техника, нутқ техникаси, педагогик ижодкорлик, педагогик тажриба, педагогик маданият)

Педагогик маҳорат – 1) ўқитувчининг педагогик жараѐнни ташкилий, методик, руҳий ва субъектив жиҳатдан ўта моҳирлик, усталик билан ташкил этиш ва бошқариш қобилияти, кўникма-малакасига эгалиги; 2) таълим-тарбия жараѐнига онгли, ижодий ѐндошув, методик билимларни самарали қўллай олиш қобилияти, юксак педагогик

тафаккур; 3) педагог томонидан касбий фаолиятнинг усталик, моҳирлик билан, санъаткорона ташкил этилишини таъминловчи билим, кўникма ва малакалар мажмуи

Педагогик мулоқот – педагогнинг ўқувчилар жамоаси, ота- оналар, ҳамкасблар ҳамда раҳбарият билан уюштирадиган суҳбати

Педагогик мулоқот маданияти – педагогнинг ўқувчилар жамоаси, ота-оналар, ҳамкасблар, раҳбарият билан педагогик одоб ва мулоқот талабларига мувофиқ ҳолда уюштириладиган суҳбати

Педагогик мулоқотнинг авторитар услуби – педагогик мулоқотда ўқитувчининг мутлоқ устунлигини ифодаловчи услуб

Педагогик мулоқотнинг демократик услуби – педагогик мулоқотда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро ҳамкорлигини ифодаловчи услуб

Педагогик мулоқотнинг либерал услуби – педагогик мулоқотда ўқитувчининг эътиборсизлигини ифодаловчи услуб

Педагогик мулоқот услублари – ўқитувчилар томонидан педагогик жараѐнда таълим иштирокчилари билан мулоқотни ташкил этишда қўлланиладиган усуллар мажмуи (авторитар услуб, демократик услуб, либерал услуб)

Педагогнинг индивидуал ривожланиш дастури – педагогнинг индивидуал равишда ўзида у ѐки бу касбий-педагогик сифат, БКМ, касбий компетентлик сифатларини шакллантириш ва

ривожлантириш эҳтиѐжларига таянган ҳолда ишлаб чиққан шахсий-амалий характердаги дастури

Педагогик новаторлик – педагогик фаолиятда илғор тамойил ѐки ғояни асослаш, янги йўл, усул ѐки воситаларни тавсия қилиш, уларни амалиѐтга татбиқ этишга қаратилган ижодий ѐндошув

Педагогик обрў – педагогнинг ўқувчилар, уларнинг ота-оналари, педагогик жамоа, шунингдек, жамият томонидан эътироф этилган ахлоқий мақоми

Педагогик одоб – ўқитувчи олдига унинг ўзига, касбига, жамиятга, болаларга ва ўқув-тарбия жараѐнининг бошқа иштирокчиларига муносабатда бўлишига нисбатан қўйиладиган ахлоқий талаблар тизими

Педагогик релаксация (лот. “relaxatio” – “заифлашиш”, “бўшашиш”) – талабаларнинг ҳиссий фаолияти, руҳий- жисмоний қуввати ва ишчанлик қобилиятини қайта тиклаш

Педагогик рефлексия (лот. “reflexio” – “ортга қайтиш”, “акс этиш”) – педагогнинг шахс онги моҳияти ва вазифаларини, шу жумладан, қадриятлари, қизиқишлари, рағбатлантирувчи омиллар, фикрлаш, идрок, қарорлар қабул қилиш, ҳиссий таъсирланиш, хатти-ҳаракатлари ва бошқаларнинг моҳиятини англаб етиши

Педагогик тафаккурнинг ривожланиш босқичлари – педагог томонидан касбий фаолиятни ташкил этиш èки педагогик йўналишда таҳсил олаèтган талабаларда ихтисослик БКМнинг ўзлаштирилиши билан боғлиқ ҳолда тафаккурнинг изчил, қадам-бақадам ривожланиб бориш даврлари

Педагогик тажриба – касбий фаолиятни ташкил этиш жараèнида педагог томонидан ўзлаштирилган орттирилган БКМ мажмуи

Педагогик такт (лот. “tactus” – “даҳл қилиш”, “даҳлдорлик”, “ҳис этиш”, “туйғу”) – педагогнинг ўқувчилар билан турли фаолият шакллари бўйича ташкил этиладиган мулоқотда мавжуд ахлоқий тамойиллар ҳамда ҳулқ-атвор қоидаларга риоя қилиши, уларга тўғри èндошиш малакаларига эгалиги

Педагогик тафаккур – педагогик жараèн, вазият ва ҳодисалар моҳиятининг, шунингдек, улар

ўртасидаги муҳим боғланиш ва алоқаларнинг педагог онгида тўлақонли акс этиши, янги ғояларни илгари суриш, янгиликлар яратиш, шунингдек, педагогик жараѐн, вазият ва ҳодисаларнинг натижаларини башоратлаш; педагог ақлий фаолиятининг юксак шакли

Педагогик техниканинг воситалари – педагог томонидан ўқувчиларнинг у ѐки бу ҳаракатлари ѐки уларда намоѐн бўладиган маънавий-ахлоқий сифатларига нисбатан субъектив муносабат, алоҳида ҳис-туйғуларнинг маъноли ифодаланишини таъминловчи воситалар (нутқ ва оғзаки бўлмаган мулоқот)

Педагогик техника методлари – педагог томонидан ўқувчиларнинг у ѐки бу ҳаракатлари ѐки уларда намоѐн бўладиган маънавий-ахлоқий сифатларига ўзининг

субъектив муносабат, алоҳида ҳис-туйғуларни маъноли ифодаланишини англатувчи методлар

Педагогик техника – педагог томонидан ўзлаштирилган алоҳида талаба ва талабалар жамоаларига педагогик таъсир кўрсатиш методларини амалда самарали қўллай олиш учун зарур бўлган БКМ йиғиндиси (ўзини ўзи ҳиссий бошқариш, пантомимика, мимика, жест (гавда, қўл, оёқ ҳаракатлари), нутқ техникаси, алоҳида сўз ёки ифодаларни ифодалаш суръати (ритмика))

Педагогик ҳамдардлик (эмпатия) – педагогга хос сифат (талабалар, ота-оналар, ҳамкасблар ва раҳбарларнинг хатти- ҳаракатлари, ҳиссиётлари, ҳаётий интилишлари, табиатларини тушуниш, бошқалар нуқтаи назарини маъқуллаш асосида жамоадаги муносабатларни меъёрда ташкил этилишини таъминлаш; ўзгаларнинг ички ҳолатини, ўй-фикрларини ва ҳис-туйғуларини тушуна олиш; бошқаларнинг бошига тушган кулфат, фалокатлардан қайғуриш; ролларни қабул қилиш – оғир вазиятда бўлган кишиларнинг ўрнига ўзини тасаввур, мушоҳада ёрдамида қўйиб кўрган ҳолда улардаги ижобий ҳис-туйғуларини қайта тиклашга кўмаклашиш; ўзгаларнинг қайғу-аламларидан, кулфатларидан қайғуриш, кўнгилни кўтарувчи, таскин берувчи сўзлар билан оғир вазиятда қолган кимсаларга ижобий таъсир кўрсатиш

Педагогик қобилиятни ривожлантириш –фақат педагогларгагина хос бўлган қобилиятларни янада бойитиш ва такомиллаштириш учун зарур шарт-шароитни яратиш

Педагогик қобилият –педагогик фаолиятни оқилона ташкиллаштириш ва олиб борилишига имкон берадиган, амалий вазифаларнинг самарали бажарилишини таъминлашда аҳамиятли бўлган педагогга хос хусусиятлар

Перцептив-педагогик қобилиятлар (лот. “perceptio” – ўзлаштириш) – шахснинг ички дунѐсига кира билиш, психологик кузатувчанлик, ўқувчининг психик ҳолатларининг нозик жиҳатларини тушуна олиш қобилияти

Психологик компетентлик – педагогик жараѐнда соғлом психологик муҳитни ярата олиш, талабалар ва таълим жараѐнининг бошқа иштирокчилари билан ижобий

мулоқотни ташкил этиш, турли салбий психологик зиддиятларни ўз вақтида англай олиш ва бартараф эта олиш

Релаксопедия (лот. “relaxation” – “қувватсизлик”, “заифлашиш”, руҳан ѐки жисмонан ҳолда тойишни бартараф этиш педагогикаси) – шахсда руҳий ва жисмоний толиқишларни бартараф этишга қаратилган педагогик фаолият

Ритмика – айрим сўз ва бўғинларнинг айтилиш муддати ва тўхталиши, нутқ ва ифодаларнинг навбат билан ўз ўрнида ишлатилиши

Ритм (юнон. “rhythmos” < “rjeo” – “оқаман”) – нутқда товушларнинг муайян изчиллик, кетма-кетликда асосида такрорланиб келиши, яъни нутқ вазнини ифодаловчи муҳим хусусият

Руҳий барқарорлик – руҳий-ҳиссий ҳолат (таъсирланиш)ларнинг давомийлиги ва барқарорлик даражаси

Ташкилотчилик қобилияти – педагог томонидан таълимий ва тарбиявий жараѐнларни илмий-назарий, методик ва ҳиссий жиҳатдан тўғри ташкил этилишини англатувчи сифат

Тембр (фр. “timbre” – “қўнғироқ”, “белги”, “тамға”, “фарқловчи белги”) – товушнинг товланиши (товуш рангдорлиги, ѐрқинлиги, юмшоқлиги ва алоҳидалиги)ни ифодаловчи хусусият

Технологик компетентлик – касбий-педагогик БКМни бойитадиган илғор технологияларни ўзлаштириш, замонавий восита, техника ва технологиялардан фойдалана олиш

Товушнинг ихчамлиги ва ҳаракатчанлиги – нутқ ҳосил қилувчи органлар фаолияти асосида ҳосил бўлган товушнинг бежирим, йиғинчоқ ва тебранувчан эканлигини англатувчи хусусият

Товуш кучи – нутқ ҳосил қилувчи органлар фаолияти асосида ҳосил бўлган товушнинг қуввати

Товуш пардози – нутқ ҳосил қилувчи органлар фаолияти асосида ҳосил бўлган товушнинг сайқали, безаги

Товуш – чиқарилган ҳавони хиқилдоқдан ўтиш пайтида овоз пардаларнинг тебраниши натижасида вужудга келадиган ҳодиса, садо, сас

Фикрлаш маданияти – педагогнинг мавжуд педагогик вазиятларни инобатга ола билиши, уларнинг моҳиятидан

келиб чиққан ҳолда тўғри қарорлар қабул қилиши ва уларни амалиѐтга самарали татбиқ эта олишини ифодаловчи сифат

Шахсий компетентлик – изчил равишда касбий ўсишга эришиш, малака даражасини ошириб бориш, касбий фаолиятда ўз ички имкониятларини намоѐн қилиш

Экстралингвистик тизим (инг. “exterior” – “ташқарида”, нем. “linguistik” – “тил”) – гапираѐтган шахснинг ижтимоий вазифалари билан бевосита боғлиқ ҳолда нутқнинг ташкил этилиши (нутқий танаффуслар, кулгу, йўталиш, нафас олиш, йиғлаш, тутилиш ва б.)ни ифодаловчи тизим

Эктремал компетентлик – фавқулотда вазиятлар (табиий офатлар, технологик жараѐн ишдан чиққан)да, педагогик низолар юзага келганда оқилона қарор қабул қилиш, тўғри ҳаракатланиш малакасига эгалик

Ўзини ўзи баҳолаш (ЎЎБ) – шахснинг ўз-ўзини таҳлил қилиши орқали ўзига баҳо бериши

Ўз-ўзини ривожлантириш – шахснинг ўзида касбий тажриба, малака ва маҳоратни такомиллаштириш йўлида аниқ мақсад ва пухта ўйланган вазифалар асосида мустақил равишда амалий ҳаракатларни ташкил этиши

Ўзини ўзи таҳлил қилиш – педагог томонидан касбий фаолиятда ташкил этаѐтган ўз амалий ҳаракатлари моҳиятининг ўрганилиши

Ўз устида ишлаш – шахс ѐки мутахассис

томонидан ўзини ижтимоий ҳамда касбий жиҳатдан ривожлантириш, камолотга эришиш йўлида мақсадли, изчил, тизимли ҳаракатларнинг ташкил этиши

Ўқитувчи нутқи – педагогнинг таълим-тарбия жараёнида тил воситаларидан фойдаланиши

Қобилият – шахснинг осонлик билан бирон фаолиятни эгаллай олишини таъминлайдиган индивидуал психологик хусусият

Ҳис этиш маданияти – педагогик маданиятнинг таркибий элементларидан бири бўлиб, у педагог томонидан таълим жараёни иштирокчиларининг ички кечинмалари, ҳис-туйғулари, ўй-фикрларини тушуна олиши, улар билан самарали мулоқотни ташкил этишини билдиради

ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ

1. Луғавий жиҳатдан “competence” тушунчаси қандай маънони ифодалайди?

a) характер;
b) темперамент;
c) қобилият;
d) идрок.

2. Касбий фаолиятни амалга оширишда мутахассис томонидан ўзи учун зарур бўлган билим, кўникма, малакаларнинг эгалланиши ва уларни амалда юқори даражада қўллай олиши қандай сифатни ифодалайди?

a) билимни;
b) компетентликни;
c) кўникмани;
d) малакани.

3. 1) мураккаб жараѐнларда; 2) рақобатчилар билан курашишда; 3) ноаниқ вазифаларни бажаришда; 4) бир-бирига зид маълумотлардан фойдаланишда; 5) ҳар қандай вазиятда ҳам ютуққа эришишга интилишда; 6) кутилмаган вазиятда ҳаракат режасига эга бўла олишда. Компетентлик яққол намоѐн бўладиган ҳолатларни белгиланг.

a) 1; 2; 3; 4;
b) 2; 3; 5; 6;
c) 1; 3; 4; 6;
d) 1; 3; 4; 5.

4. А.К.Маркованинг фикрига кўра, педагогда касбий компетентликнинг қайси жиҳатлари намоѐн бўлади?

a) махсус (касбий) компетентлик; ахборот компетентлиги; шахсий компетентлик; психологик компетентлик;
b) методик компетентлик; инновацион компетентлик; шахсий компетентлик; индивидуал компетентлик;
c) махсус (касбий) компетентлик; психологик компетентлик; инновацион компетентлик; коммуникатив компетентлик;

d) махсус (касбий) компетентлик; ижтимоий компетентлик; шахсий компетентлик; индивидуал компетентлик.

5. Б.Назарова педагогнинг касбий компетентлигида қайси жиҳатларни устувор деб белгилаган?

a) махсус компетентлик; ижтимоий компетентлик; психологик компетентлик; инновацион компетентлик;

b) махсус компетентлик; ижтимоий компетентлик; аутокомпетентлик; экстремал касбий компетентлик;

c) методик компетентлик; креатив компетентлик; аутокомпетентлик; экстремал касбий компетентлик;

d) инновацион компетентлик; методик компетентлик; аутокомпетентлик; экстремал касбий компетентлик.

6. Касбий компетентлик сифатларини белгиланг.

a) ижтимоий, махсус, креатив, инновацион ва эктремал компетентлик;

b) психологик, махсус, шахсий, индивидуал ва технологик компетентлик;

c) ижтимоий, махсус, шахсий, технологик ва эктремал компетентлик;

d) ижтимоий, методик, ташкилотчилик, технологик ва индивидуал компетентлик.

7. Ижтимоий муносабатларда фаоллик кўрсатиш кўникма, малакаларига эгалик, касбий фаолиятда субъектлар билан мулоқотга кириша олиш. Бу ҳолатлар педагогда қандай компетентлик мавжудлигини ифодалайди?

a) шахсий компетентлик;

b) махсус компетентлик;

c) ижтимоий компетентлик;

d) экстремал касбий компетентлик.

8. Психологик, методик, информацион, креатив, инновацион ва коммуникатив компетентлик. Ушбу таркибий асослар педагогга хос қандай компетентликка хос?

a) шахсий компетентликка;

b) махсус компетентликка;
c) ижтимоий компетентликка;
d) экстремал касбий компетентликка.

9. Изчил равишда касбий ўсишга эришиш, малака даражасини ошириб бориш, касбий фаолиятда ўз ички имкониятларини намоѐн қилиш негизида педагогга хос қандай компетентлик акс этади?
a) шахсий компетентлик;
b) махсус компетентлик;
c) ижтимоий компетентлик;
d) экстремал касбий компетентлик.

10. Касбий-педагогик БКМни бойитадиган илғор технологияларни ўзлаштириш, замонавий восита, техника ва технологиялардан фойдалана олиш педагогга хос компетентликнинг қайси сифатини ифодалайди?
a) технологик компетентликни;
b) махсус компетентликни;
c) ижтимоий компетентликни;
d) экстремал касбий компетентликни.

11. Фавқулотда вазиятлар (табиий офатлар, технологик жараѐн ишдан чиққан)да, педагогик низолар юзага келганда оқилона қарор қабул қилиш, тўғри ҳаракатланиш малакасига эгалик. Ушбу малакаларга эгаликни ифодаловчи компетентликка хос сифат – бу …
a) махсус компетентлик;
b) экстремал компетентлик;
c) ижтимоий компетентлик;
d) технологик компетентлик.

12. Педагогнинг ўз устида ишлаши неча босқичда кечади?
a) 3 босқичда;
b) 5 босқичда;
c) 7 босқичда;
d) 9 босқичда.

13. Ўз устида ишлаганда педагогнинг ютуқларини бойитиш ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ қарорга келиши қайси босқичда рўй беради?

a) 1 босқичда;
b) 2 босқичда;
c) 3 босқичда;
d) 4 босқичда.

14. Ўз устида ишлашнинг 1-босқичида педагог томонидан қандай ҳаракатлар ташкил этилади?

a) ютуқларини бойитиш ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ қарорга келиш;
b) ушбу қарор бўйича амалий ҳаракатларни самарали ташкил этиш йўлларини излаш;
c) ўз фаолиятини таҳлил қилиш асосида ютуқ ва камчиликларини аниқлаш;
d) қабул қилинган қарорнинг изчил бажарилишини доимий назорат қилиб бориш.

15. Педагог томонидан касбий фаолиятда ташкил этаётган ўз амалий ҳаракатлари моҳиятининг ўрганилиши – бу ...

a) ўз-ўзини ривожлантириш;
b) ўз-ўзини баҳолаш;
c) ўзини ўз таҳлил қилиш;
d) ўзини ўзи англаш.

16. Шахснинг ўз-ўзини таҳлил қилиши орқали ўзига баҳо бериши қандай номланади?

a) ўз-ўзини ривожлантириш;
b) ўз-ўзини баҳолаш;
c) ўзини ўзи таҳлил қилиш;
d) ўзини ўзи англаш.

17. Шахснинг ўзини ўзи самарали баҳолашига қандай омиллар таъсир кўрсатади?

a) ўзини ўзи таҳлил қилиш; шахс сифатида ўз қадр-қимматини англаш; ўзини-ўзи назорат қилиш;

b) ўзини тушуниш; ўзини ўзи ҳурмат қилиш; ўзини-ўзи бошқариш;

c) ўзини тушуниш; ўзини ўзи бошқариш; ўзини ўзи таҳлил қилиш;

d) ўзини тушуниш; шахс сифатида ўз қадр-қимматини англаш; ўзини-ўзи назорат қилиш.

18. Шахснинг ўз-ўзидан қониқиши ѐки қониқмаслиги нимани белгилайди?

a) ўз-ўзини баҳолаш даражасини;

b) ўзини ўзи англаш кўрсаткичларини;

c) шахснинг ижтимоий мақомини;

d) шахснинг ўзига нисбатан талабчанлигини.

19. ЎЎБ = ютуқлар/ўзини юқори баҳолашга интилиш (ѐки ЎЎБ = Ю / ЎЮБИ). Ушбу формула ѐрдамида қандай жараѐн амалга оширилади?

a) ўз-ўзини англаш;

b) ўз-ўзини баҳолаш;

c) ўзини ўзи ривожлантириш;

d) ўзини ўзи таҳлил қилиш.

20. Шахснинг ўзида касбий тажриба, малака, маҳоратни такомиллаштириш йўлида аниқ мақсад ва пухта ўйланган вазифалар асосида мустақил равишда амалий ҳаракатларни ташкил этиши қандай номланади?

a) ўз-ўзини англаш;

b) ўз-ўзини баҳолаш;

c) ўзини ўзи ривожлантириш;

d) ўзини ўзи таҳлил қилиш.

21. Ҳар бир шахс ѐки мутахассиснинг ўзида маълум сифат, БКМ, касбий компетентликни шакллантириш ва ривожлантириш эҳтиѐжлари асосида ишлаб чиқилган шахсий характердаги дастур қандай номланади?

a) индивидуал ривожланиш дастури;

b) мақсадли ривожланиш дастури;

c) истиқболли ривожланиш дастури;

d) мажмуавий ривожланиш дастури.

22. Бирор бир иш èки фаолиятни юксак даражада, ҳеч бир қийинчиликсиз, ўта моҳирлик билан бажариш қандай номланади?

a) билим;
b) маҳорат;
c) кўникма;
d) малака.

23. Педагогнинг педагогик жараènни ташкилий, методик, руҳий ва субъектив жиҳатдан ўта моҳирлик, усталик билан ташкил этиш ва бошқариш қобилияти, кўникма-малакасига эгалиги ... деб номланади?

a) педагогик тажриба;
b) педагогик èндошув;
c) педагогик маҳорат;
d) педагогик билимдонлик.

24. Педагогик одоб; педагогик билимдонлик; педагогик қобилият; педагогик мулоқот маданияти; педагогик релаксация; коммуникатив таъсир кўрсатиш қобилияти; педагогик такт (назокат); педагогик техника; нутқ техникаси; педагогик ижодкорлик; педагогик тажриба; педагогик маданият. Улар ниманинг таркибий қисмлари?

a) педагогик тажриба;
b) касбий компетентлик;
c) педагогик маҳорат;
d) педагогик малака.

25. Педагогнинг ўз олдига ўзига, касбига, жамиятга, талабаларга ва таълим жараènининг бошқа иштирокчилари билан муносабатда бўлишига қўядиган ахлоқий талаблари тизими қандай номланади?

a) педагогик билимдонлик;
b) педагогик обрў;
c) педагогик одоб;
d) педагогик назокат.

26. Педагогик одобнинг асосий шаклларини кўрсатинг.

a) педагогик малака; педагогик адолат; педагогик эмпатия; педагогик обрў;

b) касбий-педагогик бурч; педагогик назокат; педагогик мажбурият; педагогик билимдонлик;

c) касбий-педагогик бурч; педагогик адолат; педагогик мажбурият (деонтология); педагогик обрў;

d) касбий-педагогик бурч; педагогик қобилият; педагогик техника; педагогик обрў.

27. Педагогнинг ўқувчилар, уларнинг ота-оналари, педагогик жамоа, жамият томонидан эътироф этилган ахлоқий мақоми қандай номланади?

a) педагогик маданият;

b) педагогик назокат;

c) педагогик обрў;

d) педагогик одоб.

28. Педагогга хос бўлиб, педагогик фаолиятни оқилона ташкиллаштириш ва олиб борилишига имкон берадиган, амалий вазифаларнинг самарали бажарилишини таъминлашда аҳамиятли бўлган хусусиятлар қандай номланади?

a) педагогик малака;

b) педагогик тажриба;

c) педагогик ѐндошув;

d) педагогик қобилият.

29. Дидактик қобилият; академик қобилият; перцептив-педагогик қобилият; нутқ қобилияти; ташкилотчилик қобилияти; авторитар қобилият; коммуникатив қобилият; педагогик хаѐлот; диққатни тақсимлай олиш қобилияти. Педагогик қобилиятнинг ушбу турлари ким томонидан гуруҳланган?

a) В.А.Крутецкий;

b) А.К.Маркова;

c) Р.Декарт;

d) Ж.Пиаже.

30. Педагогик мулоқот услубларини кўрсатинг.
a) авторитар, демократик ва либерал;
b) авторитар, муқобил ва демократик;
c) муқобил, демократик ва инсонпарвар;
d) демократик, инсонпарвар ва ҳуқуқий.

31. Талабаларнинг ҳиссий фаолияти, руҳий-жисмоний қуввати ва ишчанлик қобилиятини қайта тиклаш қандай номланади?
a) педагогик рефлекция;
b) педагогик релаксация;
c) педагогик деонтология;
d) педагогик техника.

32. Талабага ҳурмат билан муносабатда бўлиш; талабчанлик; суҳбатдошни қизиқиш (диққат) билан тинглай олиш ва қайғуриш малакаси; руҳий барқарорлик, дадиллик, оғир вазминлик; муносабатлар жараènида ишонч билан сўзлай олиш; қатъиятлилик (қайсарлик эмас); талабаларга эътиборли, ҳушèр бўлиш. Ушбу асосий кўринишлар нимага хос?
a) педагогик одобга;
b) педагогик обрўга;
c) педагогик назокатга;
d) педагогик маҳоратга.

33. Ўзини ўзи ҳиссий бошқариш; пантомимика; мимика; жест (қўл, оèқ ҳаракат)дан ўринли фойдаланиш; нутқ техникаси; алоҳида сўз èки ифодаларни ифодалаш суръати (ритмика). Улар ниманинг асосий турлари саналади?
a) педагогик техниканинг;
b) нутқ техникасининг;
c) педагогик билимдонликнинг;
d) педагогик назокатнинг.

34. В.А.Сухомлинскийнинг фикрига кўра, қош-қовоқни уюб юрмаслик; бошқаларнинг камчиликлари, нуқсонларини ошириб кўрсатмаслик; ҳазил-мутойибага мойил бўлиш; хушмуомала бўлиш ва келажакка ишонч билан қараш. Улар қандай ҳолатнинг муҳим шартлари саналади?

a) ўз-ўзини бошқариш;
b) ўзини ўзи таҳлил қилиш;
c) руҳий барқарорликка эришиш;
d) ўзини ўзи англаш.

35. Шахс ички кечинмалари, ўй-фикрлари, характерининг гавда ҳаракати ва имо-ишоралар ѐрдамидаги ифодаси қандай номланади?
a) этикет;
b) жест;
c) мимика;
d) пантомимика.

36. Шахснинг юз мускуллари ҳаракатлари орқали ўз фикри, ҳис-туйғулари, кайфияти ва мавжуд воқеликка нисбатан муносабатини ифодалаши қандай номланади?
a) этикет;
b) жест;
c) мимика;
d) пантомимика.

37. Нутқни тингловчига етказишда қўлланиладиган воситалар мажмуи қандай номланади?
a) нутқ диалектикаси;
b) нутқ техникаси;
c) нутқ структураси;
d) нутқ фактураси.

38. Касбий фаолиятни ташкил этиш жараѐнида педагог томонидан орттирилган билим, кўникма ва малакалар мажмуи қандай номланади?
a) педагогик қобилият;
b) педагогик тажриба;
c) педагогик малака;
d) педагогик кўникма.

39. Педагогнинг маънавий-ахлоқий қиѐфаси билан ташқи кўриниши ўртасидаги ўзаро уйғунлик, мутаносиблик нимани ифодалайди?

a) педагогнинг обрўсини;
b) педагогнинг назокатини;
c) педагогнинг қобилиятини;
d) педагогнинг имиджини.

40. “Креативлик” тушунчасининг луғавий маъноси – бу...

a) яратиш;
b) янгилик киритиш;
c) ўзгартириш киритиш;
d) шахс ижодкорлиги.

41. Индивиднинг янги ғояларни ишлаб чиқаришга тайѐрлигини тавсифловчи ва мустақил омил сифатида иқтидорлиликнинг таркибига кирадиган ижодий қобилияти қандай номланади?

a) эрудиция;
b) интуиция;
c) креативлик;
d) эврика.

42. Муаммо ѐки илмий фаразларни илгари суриш; фаразни текшириш ва ўзгартириш; қарор натижаларини шакллантириш асосида муаммони аниқлаш; муаммо ечимини топишда билим ва амалий ҳаракатларнинг ўзаро қарама-қаршилигига нисбатан таъсирчанлик. Креативликни ифодаловчи ушбу ҳолатлар ким томонидан асосланган?

a) В.А.Крутецкий;
b) П.Торренс;
c) Р.Декарт;
d) Ж.Пиаже.

43. Ижодий йўналганлик, мантиқий фикрлай олиш, эрудиция (билағонлик), бой тасаввур, ижодий таъсирчанлик ва ташаббускорлик, ўз ижодкорлигини тўла-тўкис намойиш этиш, рефлексия қобилияти, ҳиссиѐтга бойлик, мавжуд тажриба ва

билимлар асосида янги қарорларни қабул қилиш малакаси. Улар ниманинг негизида акс этувчи сифатлар саналади?

a) креативликнинг;
b) эрудициянинг;
c) билимдонликнинг;
d) интуициянинг.

44. Ўзини таваккал қилишдан олиб қочиш; фикрлаш ва хатти-ҳаракатларда қўполликка йўл қўйиш; шахс фантазияси ва тасаввурининг юқори баҳоланмаслиги; бошқаларга тобе бўлиш; ҳар қандай ҳолатда ҳам фақат ютуқни ўйлаш. Улар қандай омиллар саналади?

a) шахс қобилиятини шакллантиришга тўсқинлик қилувчи;
b) шахс креативлигини ривожлантиришга хизмат қилувчи;
c) шахс интуициясини ривожлантиришга хизмат қилувчи;
d) шахс креативлигини ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи.

45. Педагог креатив потенциалининг таркибий асосларини кўрсатинг.

a) тизимли ѐндошув; мажмуавий ѐндошув; назорат; таҳлил ва баҳолаш;
b) мақсадли-мотивли ѐндошув; мазмунли ѐндошув; тезкор-фаолиятли ѐндошув; рефлексив-баҳолаш;
c) тизимли ѐндошув; тизимли таҳлил; фаолиятли ѐндошув; баҳолаш;
d) мажмуавий ѐндошув; инновацион ѐндошув; мотивацион фаолият; тизимли таҳлил.

46. Муаммоли характерга эгалик; ижодий йўналтирилганлик; имкониятларни ошириб бориш; индивидуалликка эришиш; креативликнинг ѐрқин намоѐн бўлиши; бир бутунлик, изчиллик ва тизимлилик; шахснинг индивидуал хусусиятлари ва ҳаѐтий фаолиятда орттирган сифатларининг ўзаро уйғунлиги. Ушбу тамойиллар қандай сифатни белгилашга хизмат қилади?

a) педагогга хос педагогик маҳоратни;
b) педагогга хос креативлик потенциалини;
c) педагогга хос касбий сезгирликни;

d) педагогга хос педагогик қобилиятни.

47. Педагогнинг креатив потенциали даражасини аниқловчи мезонларни кўрсатинг.

a) ташаббускорлик, ташкилотчилик қобилиятга эгалик, ижтимоий фаоллик, изланувчанлик;

b) ҳиссиѐтга бойлик, креатив қобилиятга эгалик, фантазиянинг бойлиги, изланувчанлик;

c) ташаббускорлик, креатив қобилиятга эгалик, креатив фаоллик, изланувчанлик;

d) ташаббускорлик, креатив қобилиятга эгалик, дунѐқарашнинг кенглиги, тиришқоқлик.

48. Педагогнинг анъанавий педагогик фикрлашдан фарқли равишда таълим ва тарбия жараѐни самарадорлигини таъминлашга хизмат қилувчи янги ғояларни яратиши, мавжуд педагогик муаммоларни ижобий ҳал қилишга бўлган тайѐргарлигини тавсифловчи қобилияти қандай номланади?

a) педагогик сезгирлик;

b) педагогик креативлик;

c) педагогик ижодкорлик;

d) педагогик новаторлик.

49. Шахснинг креатив фаолиятини баҳоловчи тестлар неча турга бўлинади?

a) 2 турга;

b) 3 турга;

c) 4 турга;

d) 5 турга.

50. Педагогнинг талабалар жамоаси, ота-оналар, ҳамкасблар, раҳбарият билан педагогик одоб ва мулоқот талабларига мувофиқ ҳолда уюштирадиган суҳбати қандай номланади?

a) педагогик муомала маданияти;

b) педагогик ҳулқ маданияти;

c) педагогик мулоқот маданияти;

d) педагогик нутқ маданияти.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А.Баркамол авлод орзуси /Тузувчилар Ш.Қурбонов, Ҳ.Саидов, Р.Аҳлиддинов. Нашр учун масъул: Т.Рисқиев. – Тошкент: Шарқ НМК Бош таҳририяти, 1999. – 182 б.
2. Каримов. И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 62 б.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 173 б.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” / Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Шарқ нашриёт-матбаа концерни. 1997. – 31-61-б.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни (1997 йил 29 августда қабул қилинган / Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 214б.
6. Каримова В.М. Ижтимоий психология / Дарслик. Педагогика олийгоҳлари талабалари учун. – Тошкент: “ Fan van texnologiyalar”, 2007. – 176 б.

7. Барышева Т.А., Жигалов Ю.А. Психолого-педагогические основы развития креативности – СПб.: СПГУТД, 2006.
8. Башина Т.Ф., Ильин Е.П. Психология творчества, креативности, одаренности. – СПб.: Питер, 2009.
9. Джуринский А.Н. История педагогики / Учебное пособие. – Москва: ГИЦ Владос, 1999. – 430 с.
10. Иванов Р.И., Зуфарова М.Э. Умумий психология / Педагогика ва психология бакалавриат таълим йўналиши талабалари учун дарслик. – Тошкент: Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2008. – 480 б.
11. Mavlonova R., To’rayeva O., Xoliqberdiyev K. Pedagogika (kasb-hunar kollejlari uchun darslik). Ikkinchi nashri. – Toshkent: “O’qituvchi“ NM ijodiy uyi, 2008. – 496 b.
12. Маркова А.К. Психология профессионализма. – М.: Знание, 1996.
13. Муслимов Н.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантириш / Монография. – Т.: Фан, 2004.
14. Муслимов Н.А., ва бошқалар. Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси/ Монография. – Т.: “Фан ва технология” нашриёти, 2013.
15. Муҳиддинов А.Г. Ўқув жараёнида нутқ фаолияти. – Т.: Ўқитувчи, 1995.

16. Очилов М. Янги педагогик технологиялар. – Қарши. Насаф, 2000. – 80 б.
17. Педагогика /Жисмоний тарбия институтлари учун дарслик. Рус тилидан таржима. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990. – 296 б.
18. Педагогика назарияси ва тарихи. 1-қисм. Педагогика назарияси. – Тошкент: “Iqtisod-moliya”, 2007. – 379 б.
19. Педагогика: 1000 та саволга 1000 та жавоб / Мет. қўлл. У.И.Иноятов, Н.А.Муслимов, М.Усмонбоева, Д.Иноғомова. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2012. – 193 б.
20. Педагогика фанидан изоҳли луғат / Тузувчилар Ж.Ю.Ҳасанбоев ва бошқ. – Тошкент: “Fan va texnologiya” нашриѐти, 2009. – 671 б.
21. Психология. Қисқача изоҳли луғат / Тузувчилар: М.Г.Давлетшин ва бошқ. Масъул муҳаррир М.Г.Давлетшин. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 1998. – 46 б.
22. Сайидаҳмедов Н. Педагогик маҳорат ва педагогик технология. – Т.: ОПИ, 2003.

23. Султонова Г.А. Педагогик маҳорат. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2005.
24. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технология: назария ва амалиѐт. – Т.: Фан, 2005. – 205 б.
25. Қудратов Т. Нутқ маданияти асослари / ОЎЮ учун ўқув қўлл. – Т.: “Педагог”, 1993.

26. Husanov B., G’ulomov V. Muomala madaniyati / Darslik. – T.: “Iqtisod-moliya”, 2009.
27. http://ru.wikipedia.org/wiki.
28. http://conf.edu.yar.ru/docs/adult/rf411_256.pdf.

ИЛОВА

Ўз-ўзини самарали бошқариш (ривожлантириш)нинг 37 қоидаси

1. Камолотга ва такрорланмас (ягона) бўлишга интилинг!
2. Ўз-ўзини таҳлил қилишга эътибор қаратинг!
3. Ўзингизга нисбатан талабчан бўлинг!
4. Ўзингиз учун гоҳо-гоҳо дам олишни уюштиринг, “меҳнатнинг қули” бўлманг!
5. Бошқаларга ачининг, бироқ, ўзингизга ачинишингизга йўл қўйманг!
6. Ўз орзу-истакларингизнинг қулига айланманг!
7. Ўзингиз учун ўзига хос ҳаёт тарзини яратинг!
8. Мулоқот маданиятини ўзлаштиринг!
9. Жиддийлик, босиқлик талаб этилганда жиддий, босиқ бўлинг!
10. Ўзингизнинг кучингиз ва қобилиятингизга ишонинг!
11. Вақт тутқич бермайди, уни қўлдан бой берманг!
12. Хатолар сабоқ чиқаришингизга ёрдам беради, унутманг, ҳатто қироллар ҳам хатога йўл қўядилар.
13. Вақти-вақти билан танаффус қилишга, нафас ростлашга ҳаракат қилинг!
14. Илм ўрганинг!
15. Ўтмишга назар ташламанг, бугун билан яшанг ва эртани ўйланг!
16. Меҳнат инсонни такомиллаштиришини унутманг!
17. Ҳаракатларингизнинг изчил бўлишига эришинг!
18. Бугун бажаришингиз мумкин бўлган ишни эртага қолдирманг!
19. Бошқаларни нима учун кечира олмасангиз, ўзингизни ҳам ана шулар учун кечирманг!
20. Ўз устингиздан ҳукмронлик қилишингиз, бошқаларнинг устидан ҳукмронлик қилишингизнинг гаровидир!
21. Бошқалардан улар мукаммал бўлмаганликлари учун хафа бўлманг!
22. Ўз ҳиссиётларингизни бошқара олсангиз, енгилмас

бўласиз!

23. Руҳий зўриқишлар (стресс)ларни бартараф этишни ўрганинг!

24. Иродангизни чиниқтириб боринг!

25. Ўз танангизни назорат қилишни ўрганинг, унинг ҳукмдорига айланасиз!

26. Камчиликларингиз билан курашишда моҳир жангчи бўлинг!

27. “Оқ қарға” бўлиш (бошқалардан ажралиб туриш)дан қўрқманг!

28. Ўз олдингизга аниқ мақсад қўйишни ўрганинг!

29. Олий мақсадларга интилишни ўрганинг!

30. Кўпчилик ўрнига ишлаш – қорга èзиш каби бефойда эканлигини унутманг!

31. Тартиб - тартибли бўлишнинг муҳим омили!

32. Ўзингизни ҳимоя қилишни, ғурурли бўлишни ўрганинг!

33. Иззатталаблигингиздан фойдаланиб, қирол бўлинг!

34. Ҳийла-найрангларнинг қурбони бўлманг!

35. Хатти-ҳаракатларингиз устидан интуиция (ички сезги)нгизнинг устун келишига йўл қўйиб беринг!

36. Ўзингизга тез-тез “Нима учун?” деган саволни бериб туринг!

37. Муваффақиятсизликлардан чўчиманг – улар Сизни олға интилишга рағбатлантиради!

МУНДАРИЖА

Сўзбоши 3
Педагогик компетентликнинг тузилиши ва

мазмуни 4

Педагогик маҳорат асослари ва унинг таркибий қисмлари 19

Педагогик креативлик ва унинг ўзига хос
жиҳатлари 72

Хотима 91
Глоссарий 93

Тест топшириқлари 104

Фойдаланилган адабиѐтлар..... 116
Илова 118

Теришга 10.12.2015 йил берилди. Бичими 60x84 1/16. Офсет босма. “Times” гарнитураси. Шартли б.т. 7,00. Адади.200 нусха. Буюртма №506.

«Sano-standart» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

Тошкент шаҳри, Широқ кўчаси 100-уй.

Телефон: (371) 228-07-94, факс: (371) 228-07-95

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

«ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ» КАФЕДРАСИ ОЛИЙ

ТАЪЛИМНИНГ

5140900-“Касбий таълим” йўналиши талабалари учун

“Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат” фанидан

МАЪРУЗА МАТНИ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Кафедра мудири

доц. Ф.Бабашев _____

«26 » август 2010 й.

№ 1 сонли баённома

Тузувчи:

п.ф.д., проф. Ҳ.Омонов

_____

«26 » август 2010 й.

№ 1 сонли баённома

ТОШКЕНТ-2010

5- мавзу: Дидактик ўйинли технологиялар

5.1. Дидактик ўйинли машғулотлар

Таълим жараёнида дидактик ўйинли технологиялар дидактик ўйинли дарс шаклида қўлланилади. Ушбу дарсларда талабаларнинг билим олиш жараёни ўйин фаолияти орқали уйғунлаштирилади. Шу сабабли талабаларнинг таълим олиш фаолияти ўйин фаолияти билан уйғунлашган дарслар дидактик ўйинли дарслар деб аталади.

Инсон ҳаётида ўйин фаолияти орқали қуйидаги вазифалар амалга оширилади:

- ўйин фаолияти орқали шахснинг ўқишга, меҳнатга бўлган қизиқиши ортади;
- ўйин давомида шахснинг мулоқотга киришиши яъни, коммуникатив – мулоқот маданиятини эгаллаши учун ёрдам берилади;
- шахснинг ўз иқтидори, қизиқиши, билими ва ўзлигини намоён этишига имкон яратилади;
- ҳаётда ва ўйин жараёнида юз берадиган турли қийинчиликларни енгиш ва мўлжални тўғри олиш кўникмаларининг таркиб топишига ёрдам беради;
- ўйин жараёнида ижтимоий нормаларга мос хулқ-атворни эгаллаш, камчиликларга барҳам бериш имконияти яратилади;
- шахснинг ижобий фазилатларини шакллантиришга замин тайёрлайди;
- инсоният учун аҳамиятли бўлган қадриятлар тизими, айниқса, ижтимоий, маънавий-маданий, миллий ва умуминсоний қадриятларни ўрганишга эътибор қаратилади;
- ўйин иштирокчиларида жамоавий мулоқот маданиятини ривожлантириш кўзда тутилади.

Дидактик ўйинли машғулотларни талабаларнинг билим олиш ва ўйин фаолиятининг уйғунлигига қараб: сюжетли-ролли ўйинлар, ижодий ўйинлар, ишбилармонлар ўйини, конференциялар, ўйин-машқларга ажратиш мумкин.

Ўқитувчи-педагог аввал талабаларни индивидуал (якка тартибдаги), сўнгра гуруҳли ўйинларга тайёрлаши ва уни ўтказиши, ўйин муваффақиятли чиққандан сўнг эса, уларни оммавий ўйинларга тайёрлаши лозим. Чунки талабалар дидактик ўйинли машғулотларда фаол иштирок этишлари учун зарурий билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишлари, бундан ташқари, гуруҳ жамоаси ўртасида ҳамкорлик, ўзаро ёрдам вужудга келиши лозим.

ДИДАКТИК ЎЙИНЛИ ДАРСЛАРНИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МАҚСАД ҲАМДА ВАЗИФАЛАРИ

ДИДАКТИК ЎЙИН ТЕХНОЛОГИЯСИ



ЎЙИНЛИ ДАРСЛАРНИНГ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДАГИ ДИДАКТИК ФУНКЦИЯЛАРИ







Дидактик ўйинли машғулотларнинг ўзига хос хусусиятлари

Дидактик ўйинли машғулот	Мавзу мазмуни қандай бўлганда мазкур машғулотдан фойдаланилади.	Машғулотларнинг дидактик функциялари	Талабанинг фаолияти

лар			
Сюжетли-ролли	Фаннинг турли соҳаларида қўлга киритилган ютуқларни ёритиш, фанлараро боғланишларни амалга ошириш, табиатдаги ва кундалик ҳаётдаги муаммоларни ҳал этиш имконияти бўлганда	Кундалик ҳаётдаги ижтимоий муносабатларни, табиат объектлари ва табиий ҳодисалар ўртасидаги алоқалар ва боғланишларни адабий-бадиий тарзда ёритиш	Муайян ролларни бажариш орқали билим, кўникмаларни эгаллаш
Ижодий ўйин	Аввал ўзлаштирилган билим ва кўникмаларни ривожлантириш имконияти бўлганда	Муаммоли вазиятларни аввал ўзлаштирилган билим ва кўникмаларни ижодий қўллаш орқали ҳал этиш	Ижодий изланиш орқали янги мавзуни ўзлаштириш
Ишбилар-монлар ўйини; Аукцион	Турли объектларга тавсиф бериш, уларни таққослаш имконияти бўлганда	Жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар асосида талабаларнинг дунёқарашини кенгай-тириш, касбга йўллаш	Аукционда иштирок этиш орқали янги мавзуни ўзлаштириш
Конферен-ция	Фаннинг турли соҳаларига оид билимлар мужассамлашган ва қўлга киритилган ютуқларни ёритиш, фанлараро боғланишларни амалга ошириш имконияти бўлганда	Қўшимча ва маҳаллий материаллар билан таништириш, илмий, илмий-оммабоп адабиётлар билан мустақил ишлаш, ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, касбга йўллаш	«Олимлар» мақомини олиб, муайян мавзуларда изланишлар олиб бориш
Матбуот конферен-цияси	Фаннинг турли соҳаларини қамраб олган, талабаларнинг аввал ўзлаштирган билимларидан фойдаланиш лозим бўлганда	Қўшимча ва маҳаллий материаллар билан таништириш, дарслик, илмий-оммабоп адабиётлар билан мустақил ишлаш	«Олимлар» ва «Мухбирлар» мақомини олиб мавзуни ўзлаш-тириш

Ўқитувчи-педагог дидактик ўйинли машғулотларни ўтказишга қизғин тайёргарлик кўриши ва уни ўтказишда қуйидаги дидактик талабларга риоя қилиши талаб этилади:

1. Дидактик ўйинли машғулотлар дастурда қайд этилган мавзуларнинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсад ҳамда вазифаларини ҳал қилишга қаратилган бўлиши;
2. Жамиятдаги ва кундалик ҳаётдаги муҳим муаммоларга бағишланиб, улар ўйин давомида ҳал қилиниши;
3. Баркамол шахсни тарбиялаш тамойилларига ва шарқона одоб-ахлоқ нормаларига мос келиши;
4. Ўйин тузилиши жиҳатидан мантиқий кетма-кетликда бўлиши;
5. Машғулотлар давомида дидактик принципларга амал қилиниши ва энг кам вақт сарфланишига эришиши керак.

Қуйида «Касб педагогикаси» фанини ўқитишда ташкил этиш ва ўтказиш мумкин бўлган дидактик ўйинли машғулотлардан айримларининг тафсилотлари келтирилади.

Дидактик ўйинли машғулотлар орасида **конференция машғулотлари** ҳам муҳим ўрин тутади.

Конференция машғулотлари талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиришда, илмий дунёқарашини кенгайтиришда, қўшимча ва маҳаллий материаллар билан таништиришда, илмий ва илмий-оммабоп адабиётлар билан мустақил ишлаш кўникма ва малакаларини орттириш, мустақил ҳаётга онгли тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади.

Конференция машғулотини ўтишдан аввал машғулот мавзусини, мақсад ва вазифаларини белгилаб, шу мавзуга оид қўшимча илмий, илмий-оммабоп адабиётлар кўздан кечирилади. Машғулотни ўтказишдан 1 ҳафта олдин машғулот мавзуси эълон қилиниб, унга тайёргарлик кўриш учун адабиётлар тавсия этилади. Ушбу машғулотда «Олимлар» ролини танлаш, мавзуни ҳар томонлама ёритиш, маъруза тайёрлаш талабаларнинг ихтиёрида бўлади. **Илмий конференция машғулотини қуйидагича ўтказиш тавсия этилади:**

I. Ўқитувчининг кириш сўзи. Бунда ўқитувчи машғулотнинг мавзуси, мақсади ва вазифалари, тегишли ролларни бажарувчи «Олимлар» билан талабаларни таништиради.

II. Илмий маърузаларни тинглаш. «Олимлар» мавзу юзасидан тайёрлаган маърузаларини кўргазмали қуроллар асосида баён қиладилар.

III. Маърузалар муҳокамаси. Бунда «Олимлар» ва гуруҳдаги бошқа талабалар ўртасида мавзу юзасидан баҳс-мунозара ўтказилади.

IV. Илмий конференция якуни. Ўқитувчи мавзу юзасидан энг муҳим тушунча ва ғояларни таъкидлаб, дарсни якунлайди.

V. Талабаларни баҳолаш. Машғулотда фаол иштирок этган талабалар рағбатлантирилади ва рейтинг тизимига мувофиқ баҳоланади.

VI. Уйга вазифа бериш.

VII. Машғулотни умумий якунлаш.

«Касб таълими методлари» мавзусида ўтказиладиган илмий конференция машғулоти қуйидаги лойиҳа бўйича ўтказилиши мумкин.

Мавзу: «**Касб таълими методлари»**.

Машғулотнинг бориши:

I. Ташкилий қисм.

II. Талабаларни машғулотнинг мавзуси, мақсади ва бориши билан таништириш.

Бу машғулотни ўтишдан бир ҳафта олдин талабаларни 4та гуруҳга ажратамиз ва уларга педагогика фани соҳасида фаолият кўрсатаётган «Олимлар» мақомини берамиз.

III. Янги мавзуни ўрганиш: Талабалар гуруҳи ўз мутахассисликларига тегишли бўлган қуйидаги мавзулардан бири бўйича маъруза тайёрлайди.

1. Касб таълими методлари ва уларнинг тавсифномаси.
2. Репродуктив ва муаммоли изланиш методлари.
3. Ишлаб чиқариш жараёнида интерфаол методлар.

Ҳар бир йўналиш бўйича «Олимлар» мақомини олган талабалар ўзларига тегишли мавзу бўйича кўргазмали қуроллар асосида қўшимча материаллардан фойдаланган ҳолатда маъруза қиладилар. Маърузалар тугагач, талабалар ўртасида баҳс ва мунозара ўтказилади. Қуйида дидактик ўйин технологиясининг конференция методидан фойдаланилган машғулотнинг технологик харитаси келтирилган.

Технологик босқичлар	**Ўқитувчининг фаолияти**	**Талабанинг фаолияти**
I босқич. Ташкилий қисм, 5-дақиқа.	Талабаларни машғулотнинг мавзуси, мақсади, бориши билан таништиради. Бажариладиган ўқув топшириқлари ва уларнинг дидактик мақсади билан талабаларни таништиради.	Машғулотнинг мавзуси, мақсади, бориши ва бажарилиши керак бўлган топшириқларни англайди. Бажариладиган ўқув топшириқлари юзасидан кўргазмалар ва дидактик мақсадни англайди.
II босқич. Талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш, 5-дақиқа.	Талабалардан «Олимлар» гуруҳларини ва уларнинг мустақил ишлаш жараёнини ташкил этади. Ўқув материалининг топшириқлар ёрдамида мустақил ўзлаштирилишини таъминлайди.	Ўқув фаолиятини ташкил этадилар, «Олимлар» гуруҳига берилган топшириқларни бажарадилар. 1-гуруҳ 2-гуруҳ 3-гуруҳ 4-гуруҳ
III босқич Янги мавзуни ўрганиш, 60-дақиқа.	Ҳар бир гуруҳнинг ўқув материали юзасидан тайёрлаган маърузаларини	Ҳар бир гуруҳ ўқув материали юзасидан

	тинглайди.	маърузалар тайёрлайди.
IV босқич. Натижани таҳлил қилиш ва якунлаш, 10-дақиқа.	Маъруза якунида талабалар билан савол-жавоб, ўқув баҳси ўтказади.	Талабалар билан ўтказиладиган савол-жавоб, баҳс-мунозарада фаол иштирок этади.
	Талабалар фаолиятини таҳлил қилади, уларга мустақил ва ижодий иш топшириқларни беради.	Ўқув фаолияти ва эришилган натижани таҳлил қилади ва баҳолайди. Мустақил иш ва ижодий топшириқларни олади.

V. Машғулотни умумий якунлаш.

V1. Уйга вазифа бериш.

Талабаларнинг ижодий изланиши, мантиқий фикрлашини ривожлантириш ва қўшимча билим олишга бўлган эҳтиёжларини қондиришда ижодий ўйинлар муҳим аҳамиятга эгадир.

Таълим жараёнида вужудга келтирилган муаммоли вазиятларни талабалар ўзаро ҳамкорликда аввал ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини ижодий қўлланиш ва изланиш орқали ҳал этишга замин тайёрлайдиган дидактик ўйинлар **ижодий ўйинлар** деб аталади.

Ижодий ўйинли машғулотлардан «Касб педагогикаси» фанини ўқитишда ва «Касб таълими муассасасини бошқариш» мавзусини ўрганишда фойдаланиш мумкин. Бунда талабалар тенг сонли гуруҳларга ажратилиб, уларга шартли равишда «Бошқарма бошлиғи», «Касб-ҳунар коллежи раҳбари», «Академик лицей директори» деб ном берилади. Бу ерда мутахассисларнинг ҳар қайси гуруҳи ижодий изланиб, келгусидаги ишларини режалаштиришга ўрганадилар. Ўқитувчи томонидан тавсия этилган топшириқларни бажариб, далил ва исботлар асосида ўз жавобларини билдирадилар.

Ижодий ўйин машғулотларида гуруҳдаги барча талабалар ҳамкорликда ишлайдилар, аввалги машғулотларда ўзлаштирган билимларини янги вазиятларда қўллайдилар. Бу эса уларда ўз билим ва иқтидорига нисбатан ишонч ҳиссини уйғотади.

Қуйида «**Касб таълими муассасасини бошқариш»** мавзусидаги ижодий ўйинли машғулотнинг қисқа сценарийси келтирилади.

Мавзу: «**Касб таълими муассасасини бошқариш»**.

Машғулотнинг бориши:

I. Ташкилий қисм.

II. Талабаларни машғулотнинг мавзуси, мақсади ва бориши билан таништириш.

III. Янги мавзуни ўрганиш.

Янги мавзуни ўрганишдан олдин гуруҳдаги талабаларни тенг сонли 3 та гуруҳга ажратилади.

Биринчи гуруҳ талабалари «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази бошлиғи» мақомини олиб, келгусида «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими» фаолиятини режалаштиришни ўрганадилар. Шу бўйича маъруза тайёрлайдилар ва қуйидаги жадвални тўлдирадилар:

№	Тошкент шаҳрининг географик ва демографик шарт-шароитларини ва тегишли соҳадаги мутахас-сисларга бўлган маҳаллий эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ЎМКҲТ муассасаларини ташкил этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш.	Таълим муассасасини бошқариш бўйича кўрсатмалар	Изоҳ
1.			
2.			
3.			
4.			

Иккинчи гуруҳ талабалари «Иқтисодиёт касб-ҳунар коллежининг раҳбари» мақомига эга бўлиб, коллеж фаолиятини келгусида ривожлантириш мақсадида режага киритилган ишларни умумлаштириб, маъруза тайёрлайдилар ва қуйидаги жадвални тўлдирадилар:

№	Иқтисодиёт йўналиши бўйича касб-ҳунар кол-лежининг истиқбол иш режасини ишлаб чиқиш	Таълим муассасасини бошқариш бўйича кўрсатмалар	Изоҳ
1.			
2.			
3.			
4.			

Учинчи гуруҳ талабалари «Иқтисодиёт академик лицей директори» мақомига эга бўлиб, академик лицей фаолиятини келгусида режалаштиришни ўрганадилар ҳамда маъруза тайёрлайдилар ва қуйидаги жадвални тўлдирадилар:

№	Иқтисодиёт йўналиши бўйича академик лицейнинг истиқбол иш режасини ишлаб чиқиш	Таълим муассасасини бошқариш бўйича кўрсатмалар	Изоҳ
1.			
2.			

3.			
4.			

«Раҳбарлар» келгусида бажариши мумкин бўлган ишларни режалаштирганларидан сўнг, кўргазмали қуроллар асосида маърузаларини баён қиладилар. Гуруҳлар ўртасида савол-жавоб, баҳс ва мунозара ўтказилади.

IV. Талабаларнинг ўзлаштирган билимларини назорат қилиш ва рейтинг тизими асосида баҳолаш

V. Машғулотни якунлаш.

VI. Уйга вазифа бериш.

«Таълим муассасасини бошқариш» мавзусидаги дидактик ўйин технологиясининг ижодий ўйин методидан фойдаланилган машғулотнинг технологик харитаси

Технологик босқичлар	Ўқитувчининг фаолияти	Талабанинг фаолияти
I босқич. Ташкилий қисм, 5-дақиқа.	Талабаларни машғулотнинг мавзуси, мақсади, бориши билан таништиради.	Машғулотнинг мавзуси, мақсади, бориши ва бажариладиган топши-риқларни англайди.
II босқич. Талабалар-нинг билиш фаолиятини ташкил этиш, 5-дақиқа.	Ўқув топшириқларининг дидактик мақсади билан талабаларни таништиради.	Ўқув топшириқларининг дидактик мақсади юзасидан кўрсатмаларни англайди.
III босқич. Янги мавзуни ўрганиш, 60-дақиқа.	Талабалардан «раҳбарлар» гуруҳларини ва уларнинг мустақил ишлаш жараёнини ташкил этади. Ўқув дастуридан ўрин олган топшириқларни мустақил ўзлаштирилишини таъмин-лайди. «Раҳбарлар» учрашуви гуруҳини ташкил этади. Ҳар бир ўқув материали юзасидан тайёрлаган маърузаларини тинглайди.	Ўқув фаолиятини ташкил этади. «Раҳбарлар» гуруҳи берилган топшириқларни бажарадилар. 1-гуруҳ «ЎМКҲТБ бошлиғи» 2-гуруҳ «Касб-ҳунар кол-лежи директори» 3-гуруҳ «Академик лицей директори» «Раҳбарлар» учрашуви гуруҳида иштирок этади. Ҳар бир гуруҳ ўқув материали юзасидан маърузалар тайёрлайди.
IV босқич. Эришилган натижани таҳлил қилиш ва якунлаш, 10-дақиқа.	212 Талабалар фаолиятини таҳлил қилади, уларга мустақил ва ижодий иш топшириқларни беради.	Ўз ўқув фаолияти ва эришилган натижасини таҳлил қилади ва баҳолайди. Мустақил ва ижодий иш топшириқларини олади.

Шундай қилиб, дидактик ўйинли машғулотлар орқали ўқувчи-талабалар янги касблар билан танишадилар, эгаллаган билимларини иқтисодиётнинг қайси соҳаларида қўллаш мумкинлигини кўрсатадилар, ушбу фанга бўлган қизиқишлари ортади, қўшимча адабиётлар билан мустақил фойдаланишга, ўз

ўртоғининг фикрини сабот ва чидам билан тинглашга, билимларини назорат қилишга, ўз-ўзини баҳолашга ўрганадилар.

5.2. Ўқитишнинг фаол педагогик технологиялари

Ўқитишнинг анъанавий ва ноанъанавий усул ва методлари фарқ қилинади. Улар моҳиятига кўра фаол ва осойишта турларга ажратилади. Уларнинг ҳар бири ўз тарихи ва шаклланиш механизмига эга. Буларнинг орасида узоқ йиллар давомида синовлардан муваффақиятли ўтган ва юксак педагогик самара берадиганлари жуда кўп. Инсоният ўзини ва атроф- муҳитни англаб етиши жараёнида таълим ва тарбия учун асқотадиган хилма- хил технологияларни яратган. Уларнинг аниқ сон ва сифатини ҳеч ким аниқ белгилай олмайди. Бунга ҳозирги даврда мавжуд бўлган турли давлатларнинг таълим тизимларида амал қилинаётган турфа педагогик технологиялар мисол бўла олади. Гап уларнинг қайси биридан ким қандай самара билан фойдаланишидадир. Катта самара бермайдиган ёки ўзини оқлай олмаган технологиялар кун тартибидан тушиб қолаверади ва улар инсоният цивилизациясининг тарихий “сандиғига” жамланиб бораверади.

Ҳар қандай ўқув курси, маълумки, қуйидаги компонентларни ўзида жамлайди:

- курснинг давомлилиги (муддати);
- ўқитишнинг мақсад ва вазифалари;
- ўқитишнинг мазмуни;
- мақсадли гуруҳнинг ташкил этилиши;
- ўқитиш жараёни;
- ўқитиш методикаси;
- ўқув қуввати;
- баҳолаш.

Ўқитишнинг мазмуни ўқув бирлигининг давомийлиги ва ўзлаштириш даражаси орасидаги узвий боғланишнинг графиги тарзида ифодаланиши мумкин. Бунда уч тоифадаги ўзлаштириш даражалари фарқ қилинади ва улар мажбурий (паст), зарурий (ўртача) ва мақсадга мувофиқ (энг юқори) кўрсаткичларга эга бўладилар.

Ҳар қандай педагогик технология қўлланилишида дидактиканинг асосий ва ёрдамчи тамойиллари (принциплари), албатта, амал қилади:

- маълумдан номаълумга;
- оддийдан қийинга ёки мураккабга;
- аниқдан мавҳумроққа (абстрактга);
- кузатишдан назарий умумлашмаларга;
- умумий ёки одатдагидан хусусийга ёки ноодатдагига ва бошқалар.

Айрим фаол педагогик технологиялар тавсифи ҳақида маълумотлар келтирилганда уларнинг қиёсий баҳоси ойдинлашади.

Маъруза. Маъруза ўқитишнинг энг кенг тарқалган шакли бўлиб, педагогик фаолиятда етакчи ўринни эгаллайди. У ўқитувчи меҳнатининг олий шакли даражасида эътироф этилади. Уни бир томонлама алоқанинг кўриниши, деб ҳам аталади. Бунда ўқитувчининг фаоллиги ва тингловчиларнинг нофаоллиги кўзда тутилади. Бироқ мунозара шаклида баён

этиладиган маъруза энг фаол педагогик технология элементидир. Мунозарали маърузада тингловчиларнинг фаоллиги жуда юқори бўлишига эришиш мумкин.

Иқтисодиёт ўқув предметларини, одатда, кўпроқ маърузалар тарзида баён этилади. Чунки бундай курслар кўпроқ назарий ёки умумлаштирувчи характерга табиатан эга бўладилар. Педагогик терминология нуқтаи назаридан уларни билиш, ақлий умумлаштириш машғулотлари деб ҳисоблаш мумкин. Бунда методиканинг барча бошқа методлари камроқ самарали бўлиб қоладилар. Маърузани ташкил этиш пайтида ўқитувчи ўқув предметининг энг муҳим жиҳатларини алоҳида таъкидлаш эвазига муваффақият қозониши мумкин. Маърузада тингловчилар бошқа самарали методлар билан ўқитилгандаги каби тайёргарлик (билим) оладилар. Фаол методика ёрдамида ўқилган маърузалар давомида тингловчиларни фаоллаштириш эвазига ўқитиш жараёнининг тенг ҳуқуқли иштирокчиларига айлантириш мумкин. Бунда ўқув материали тез ва соз ўзлаштирилади.

Маърузани фаол тадбирга айлантириш учун унинг мавзуси ва тузилмаси орасидаги боғланишнинг ечимини топиш зарур бўлади. Маърузалар ўқув предметининг бош масаласи кўникма ҳосил қилиш эмас, балки билим ўзлаштириш бўлганидагина самара беради. Ўқитишнинг барча мавжуд масалаларини уч гуруҳга ажратиш мумкин:

- билимлар;
- кўникмалар;
- кўрсатмалар.

Ўқитиш масалаларидан келиб чиққан ҳолда унинг методи танланади. Агар таълим жараёнида тавсифлаш, ёдга тушириш, санаб ўтиш, категориялар бўйича тақсимлаш, таърифлар келтириш, баҳолаш ва тушунтириш каби дидактик мақсадлар амалга оширилиши лозим бўлса, албатта, маъруза шаклидаги ўқув машғулотлари ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир. Ҳаёт билан, кундалик турмуш билан, муҳим воқеалар билан алоқадорликда баён этилган маъруза материали осон ўзлаштирилади. Сузишни ёки автомобиль бошқаришни маъруза машғулоти ёрдамида ўргатиб бўлмаслиги равшан. Шу боисдан, уқув ва кўникма ҳамда малака эгалланиши биринчи ўринда турадиган фаолиятда маърузанинг тутган ўрни жуда кичикдир. Назарий билимлар ва дунёқараш аҳамиятига эга бўлган маълумотлар маъруза ёрдамида берилиши мақсадга мувофиқдир.

Маъруза давомида ўқитувчининг хатти-ҳаракатлари, имо-ишоралари, нутқ компонентлари муҳим роль ўйнайди. Маърузачи аудитория билан яхши алоқа ўрнатиши учун унинг динамик силжиб туриши тавсия этилади. Овоз оҳангининг ўзгариши ва ўринли паузалар ҳам ёрдамчи омилларга айланади. Баён мўътадиллигининг ўзгариши, ўринли калималарнинг галма-галланиши, қизиқарли маълумотларнинг безак тарзида ишлатилиши катта аҳамиятга эга. Маърузанинг тўлақонлилиги кўргазмали воситалардан қай даражада фойдаланилишига ҳам боғлиқдир. Расмлар, жадваллар, плакатлар, диаграммалар, моддий объектлар ва АКТнинг турли элементларидан ўринли

фойдаланиш маърузанинг таълим берувчи, тарбияловчи ва ривожлантирувчи қувватини оширади.

Ҳар қандай маъруза таркибан уч қисмдан иборат бўлади:

- кириш;
- асосий қисм;
- хулоса.

Маъруза турлари педагогнинг маҳоратига боғлиқ равишда турфа кўринишлар ва мазмунга эга бўлади. Маърузанинг педагогик самараси ўқитишнинг барча ташкилий шаклларига қиёсланганда энг юқори бўлади.

Мунозара. Кўпчилик ўқув предметлари ва уларнинг мавзулари таълим стандаритлари, ўқитиш дастурлари, ўқув режаси ва таълим муассасасининг ўзига хослигига боғлиқ равишда ҳамда тингловчилар (билим олувчилар) контингенти билан алоқадорликда мунозара тарзидаги ўқув машғулотларини тақозо этади. Биринчилан, тингловчилар фаоллиги таъминланади. Иккинчидан, шубҳали вазиятларга ўрин қолдирилмайди. Учинчидан, билим олувчиларнинг истак-хоҳишлари тўла қондирилади. Энг муҳими, бундай шароитда ўқув материали тўла-тўкис ўзлаштирилади. Асослар, хулосалар, ҳукмлар ва тасаввурлар мукаммал кўриниш ва мазмунда бўлади. Кўрсатма ва таъкидларнинг ишончлилиги юқори даражада бўлади.

Мунозара икки турли бўлади:

- бошқариладиган;
- эркин мунозара.

Бошқариладиган мунозарада ўқитувчининг иштироки сезиларли даражада бўлади, лекин бу иштирок унинг ўқув жараёнидаги ҳакамлик мавқеидан ошиб кетмаслиги лозим. Эркин мунозара эса билим берувчи ва олувчиларнинг демократик тарздаги иштироки билан ўтказилади. Бу ҳар икки турдаги мунозараларда ўқув ҳақиқати биринчи ўринда туради. Илмий билимлар жонли мушоҳада, абстракт тафаккур орқали нисбий ва абсолют ҳақиқат йўли билан қўлга киритилишини ҳисобга олинса, билиш жараёнининг тараққиётини белгиловчи тушунча, категория, фараз, хулоса, қоида, назария, қонун ва қонуниятлар мунозара давомида мазмунан бузилмаслиги муҳимдир.

Мунозаранинг натижасини ўқитувчи олдиндан лойиҳалаши лозим. Бунда оралиқ жараёнлар иккинчи позицияда туради. Якуний хулосалар илмий билиш назариясига зид келмаслиги ўқитувчининг касбий салоҳияти билан таъминланади.

Эркин мунозарани анархияга айлантирмаслик-энг муҳим педагогик вазифадир. Унинг ўқув қимматини бошқариладиган мунозарадан камроқ баҳолаб бўлмайди.

Мунозара машғулотлари учун қуйидаги шартларнинг бажарилиши муҳимдир:

- регламентга риоя қилиш;
- бошлашдан олдин чуқур фикрий таҳлил қилиш;
- иштирокчиларнинг максимал миқдордаги сонини қўлга киритиш;
- ўқитувчининг ўқувчиларига нисбатан ҳукмрон бўлмаслиги.

Пассив ўқувчиларнинг иштирокини таъминлаш-аксарият ўқитувчилар учун амалда бажариб бўлмайдиган жараёндир. Уларни жонлантириш учун:

- саволлар берилади;
- ҳар бир шахснинг хусусий фикри сўралади;
- тўғри жавоблар рағбатлантирилади;
- нотўғри жавоблар ва хатолар тўғриланади ва тўлдирилади.

Мунозаранинг муваффақияти ўқувчиларнинг қизиқиши, билими, аҳиллиги, ҳур фикрлилиги ва жамоадаги соғлом педагогик-психологик муҳитга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Гуруҳий иш. Бу сўнгги йилларда Европа мамлакатларида кенг оммавийлик тусини олган ўқитиш методидир. Масалан, Данияда бирорта ҳам маълумот ёки касб гуруҳий ишсиз эгалланмайди. Кам сонли (4-6 нафар) ўқувчиларнинг қандайдир муҳим ўқув тадбирида иштирок этиши ва уларнинг ҳамкорликдаги фаолияти бундай машғулотнинг самарасини белгилайди. Бажарилиш даражаси ва унинг сифатини ўқитувчи назорат қилади. Гуруҳларга берилган вазифалар босқичма-босқич навбатланиши яъни галма-галланиши лозим. Гуруҳлар бир жинсли (ўғил болалар, эркаклар ёки қиз болалар, аёллар) ва икки жинсли (ҳар икки жинс вакилларидан иборат) бўлиши мумкин. Таълим йўналиши ва педагогик мақсад ҳамда вазифалардан келиб чиққан ҳолда бундай гуруҳлар хусусий ҳолат учун шакллантирилади.

Гуруҳий иш кенгроқ жой ва силжитиладиган ўқув мебелларини талаб қилади. Ўқитувчининг назорати барча гуруҳ учун баравар бўлиши лозимлиги ҳам қийинчилик туғдиради.

Муаммоли топшириқлар. Назария ва амалиётнинг бирлигини таъминлаш-энг мураккаб педагогик вазифадир. Аниқ вазият ва қўйилган масаланинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда муаммоли топшириқлар ёрдамида яхши натижага эришиш мумкин. Фактлар ва маъруза материаллари ўзлаштириш, топшириқлар ҳамда машқ ва масалалар ечимида муаммоли вазият яратилиши қўл келади. Бунда ҳам кам сонли иштирокчилардан иборат гуруҳлар шакллантирилади. Ўқув материали гуруҳларга алоҳида-алоҳида бўлиб берилади. Якуний хулосалар ва ечимлар топилгач мавзулар гуруҳлар орасида айирбошланади. Ечимлар ва фикрлар хилма-хиллиги юзага келса ўқитувчи бош ҳакам тарзида сўнгги ва ҳал қилувчи сўзни айтади. Ўқув материалининг ўқувчилар ёш хусусиятларига мослиги бунда ўта муҳим омилдир.

Муаммоли топшириқлар ўқитувчидан катта ва қийин меҳнатни талаб қилади. Шу боисдан, уларнинг синовдан муваффақиятли ўтган вариантларини топиш ва қўллаш мураккаб жараёндир.

Лойиҳавий топшириқлар. Бирор ўқув материалини атрофлича ва чуқур ўрганиш учун бу ёндашув катта самара беради. Ўрганиш, таҳлил қилиш, баҳолаш, хулоса чиқариш ва якуний қарорга келиш учун узоқ муддатли лойиҳаланган режа зарур. Бу тадбирни ўтказиш учун базавий ва бошланғич таянч маълумотлар талаб қилинади. Ўқув предметини

ўзлаштиришнинг босқичларида даврий равишда татбиқ қилинади. Бундай топшириқлар ўқув ижодкорлигини оширади, мустақиллик сари етаклайди.

Лойиҳалар мавзунинг тавсифини берувчи кириш қисми, мавзунинг мухтасар асосномаси, фактлар ва аргументларга асосланган маълумотлар йиғиндиси ҳамда хулоса ёки ечимдан иборат бўлади.

Ролли ўйинлар (ишчанлик ёки ишбилармонлик ўйинлари). Бундай ўйинлар муаммоли топшириқларнинг бир кўринишидир. Саҳналаштириш ва образли чиқишлар бундай машғулотларнинг асосий белгисидир. Ишбилармонлик, билимдонлик, топқирлик, қувноқлик, ҳозиржавоблик, ижодкорлик, артистизм, ишчанлик ва яратувчанлик каби фазилатларни намойиш қилишга кенг имкон беради. Ўқитувчи ҳар бир ўқувчининг салоҳиятига мос вазифа топшириши жуда муҳимдир. Биринчи ва иккинчи даражали иштирокчилар бўлмаслигини таъминлаш ҳам талаб қилинади. Ўқув машғулоти ҳаётдаги аниқ вазиятга кўпроқ яқинлашади.

Ёриб ўтишлар технологияси ва В.Эрхард мактаби. Бу технология менежерларни қайта тайёрлаш ўқишларидан иборат бўлиб, унинг мақсади ҳар бир одамда мавжуд бўлган (лекин кундалик бир хилдаги ҳаёт ва иш билан бўғиб қўйилган) қобилиятлари ва интилишларини анъанавий муаммоларни янги муаммо сифатида ечиш учун кундалик изланишларга айнан уйғотиш ҳисобланади.

Бу курслар тингловчининг фикрлаши ва ҳулқидаги шахсий стереотипларни бартараф қилиш, ўз имкониятларини ва эскирган муаммоларни янгича ечиш йўлларини кўра олишларини фаоллаштириш ва ўзгартириш бўйича ишлаб чиқилган кўп сонли машғулотлардан иборат.

Бу курсларнинг афзал жиҳатлари-инсон омилини ишга солишга қаратилган бўлиб, махсус маблағлар сарфлашни талаб қилмайди, эришилган самара сўниб қолмайди, яъни олинган самара янги шакл ва мазмунда ҳамда шароитларда мунтазам кучайиб бориши билан такрор ва такрор самара олинишини таъминлайди. Бу технология алоҳида йирик янгиликлар яратишга, ҳосил бўлган фавқулодда ҳолатлардан ноанъанавий чиқиш йўлларини излашга ҳам қаратилганлиги билан фарқланади. Бундай йўналишдаги 50 дан ортиқ курслар ва семинарлар АҚШнинг юзга яқин шаҳарларида ва дунёнинг бошқа мамлакатларининг юздан зиёд шаҳарларида ташкил этилган ва улар мунтазам фаолият кўрсатмоқда. Ушбу курсларнинг тингловчилари сони 60 минг нафар атрофидадир.

Ҳамкорлик педагогикаси. Мумтоз педагогик қарашлар нуқтаи назаридан ўқитувчи-педагогик жараённинг субъекти, ўқувчи эса объекти, деб ҳисобланади. Ҳамкорлик педагогикасида эса ўқувчи ўз ўқув фаолиятининг субъекти тарзида қаралади. Бунда ўқитувчи ва ўқувчи педагогик жараённинг субъектлари сифатида тенглашиб, ҳамкорлик педагогикаси жараёни ташкил бўлади. Улар ўзаро ҳамкор, ҳамфикр, ҳамдўст, ҳамижодкор, ҳамиштирокчи, ҳамдард ва ҳамбошқарувчи тарзида фаолият юритадилар.

Ҳамкорлик муносабатлари ўқитувчилар орасида, маъмурият билан, ўқувчилар ва ўқитувчилар жамоалари билан, раҳбарлар, ота-оналар ва кенг жамоатчилик орасида ҳам ўрнатилади.

Ҳамкорлик педагогикаси ўқувчининг таълим-тарбия олиш мотивларини ривожлантириб бориш орқали ҳамда ўқув-тарбия жараёнини инсонпарварлаштириш тамойилларини амалга татбиқ қилган ҳолда юқори сифат ва самарадорликка эришишни таъминлайди.

Ўқув материалининг схемалар ва шартли белгилардан иборат моделлари (таянч сигналлар конспектлари) асосида таълимни интенсивлаштириш технологияси (В.Ф.Шаталов, Донецк шаҳри,Украина). Мазкур методика анчагина оммалашган педагогик ёндашув бўлиб, кўргазмали схемалардан иборат таянч сигналлар конспектларидан таркиб топган. Уларда ўзлаштирилиши лозим бўлган ахборот бирликлари акс эттирилади, уларнинг орасидаги турли алоқадорликлар кўрсатилади ҳамда абстракт (мавҳум) материални ойдинлаштирувчи манбалар, мисоллар ва тажрибаларни эслатиш учун белгилар, символлар, компонентлар ва мақсадларнинг аҳамиятлилиги бўйича таснифи турлича бўлган шартли белгилардан фойдаланилади.

Ўқув материалининг схемалар ва шартли белгилардан иборат бўлган таянч сигналлар конспектларидан фойдаланиш асносида турли ва ўзига хос усуллар ва методик воситалар ҳам ишлатилади.

«Ваколатли таълим» технологияси. Ушбу технология 1995 йилда АҚШда “Аёллар етакчилиги” деб номланган тренинглардан бошланган бўлиб, таълимнинг халқаро технологияси сифатида 1997 йилдан бошлаб Украинада шаклланди ва кейинчалик Озарбажон, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Литва, Молдова, Тожикистон ҳамда Ўзбекистонга тарқалди. 2002 йилда Афғонистон, Бирма ва Индонезияда тегишли тренинглар ташкил этилди. Ҳозирги пайтда дунёнинг турли мамлакатларида бу технологиянинг шаклланиш ва жорий эттирилиш жараёнлари давом этмоқда.

Таълимнинг ушбу технологиясини айни кунларда мутахассислар қуйидагича търифлайдилар: “Ваколатли таълим-гендерлик адолати ва зўравонликларсиз муносабатлар асосида ташкил этиладиган ўқув жараёни бўлиб, у бевосита тажриба орқали таълим олиш йўли билан гуруҳнинг ўз- ўзини ташкил қилиш кўникмаларини шакллантириш имкониятларини беради”.

Ваколатлаш педагогикаси таълим дастурларининг бошқа турлари билан таълимга нисбатан умумий ёндашувларга эга. Ўзаро фаолиятда улар бир-бирини бойитади ва кучайтиради.

Ваколатлаш таълимини жорий этишнинг қуйидаги тартиби энг мақбул ҳисобланади:

- тасдиқланган ва расмийлаштирилган ўқув режа (айрим ўқув фани, интегратив курслар ёки уларнинг таркибий мавзулари);
- расмийлаштирилган ўқув режа (таълим муассасаси томонидан ташкил этилган ва расмий режа билан боғланган дарсдан ташқари ишлар-уларнинг синфдан ва мактабдан ташқари турлари фарқ қилинади);
- норасмий ўқув режа (кутилмаган ёки фавқулодда машғулотлар ташкил қилиш ва уларни таълим амалиётига алоҳида режа ёрдамида жорий

этиш).

“Ваколатли таълим” технологиясига мувофиқ машғулотлар алоҳида тайёргарликдан ўтган ўқитувчи-тренерлар томонидан ташкил этиладиган ва ўтказиладиган тренинглар тарзида амалга оширилади. Махсус тайёргарликдан ўтган ва маълум йўналишда таълим бериш (раҳбарлик қилиш) ҳамда машқлар бажариш бўйича йўл-йўриқ кўрсатувчи мутасадди шахсни тренер дейилади.